



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

3.

1985

54-йил чиқиши

Бош редактор
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Нинель ВЛАДИМИРОВА
Жуманиёз ЖАББОРОВ
ЗУЛФИЯ
Абдусайд КҮЧИМОВ
/масъул секретарь/
Тоҳир МАЛИК
МИРМУҲСИН
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Умарали НОРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим РАҲИМ
Туроб ТҮЛА
Худойберди ТҮХТАБОЕВ
/бош редактор ўринбосари/
УЙГУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Ўктам УСМОНОВ
Раҳмат ФАЙЗИЙ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
Иброҳим ЮСУПОВ
Нурали ҚОБУЛ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Мундарижа

Гоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони	3
НАСР	
Асқад Мухтор. Чорраҳа. Роман	9
ШЕЪРИЯТ	
Зулфия. Дилдан бир япроғи бежиз йўқолмас	87
БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА	
Гўзалбек Холлиев. Ҳаёт ва тинчлик фидойиси	103
Абдусалом Муталибов. Партизан байроғи остида	108
Абулқосим Мамарасулов. Май ёмғирлари	124
ШЕЪРИЯТ	
Қизлар дафтаридан	129
ҲИКОЯЛАР	
Эсоной Содиқова. Санобар	135
Саломат Вафоева. Қувонч	139
Моҳира Мамадалиева. Умид чечаклари	144
ЖАҲОН КЛАССИК АДАБИЕТИДАН	
Шекспир. Макбет	150
ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ	
Ҳафиз Абдусаматов. Халқ хизматидаги адиб	166
Мурод Муҳаммад Дўст. Безавол дунё	172
Нуриддин Бобоҳўжаев. Устоз билан суҳбат	179
ПУБЛИЦИСТИКА	
Минҳожиддин Ҳайдар. Яшил тароват	183
БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ	
Ойбек таваллудининг 80 йиллигига Салоҳиддин Мамажонов. «Нур, ҳаққа қақирди, халқни созим»	187
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Иброҳим Ҳаққулов. Шоир бўлиш қийин	191
ТАҚРИЗЛАР	
Маъмуржон Нишонов. Инқилоб қўшиқлари	194
Нўмон Раҳимжонов. Чехралар соғинчи	195
САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА	
Саид Равшанов. Чордоқдан отилган ўқ	197

ҒОЯВИЙЛИК – АДАБИЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Езувчи — инсон қалбининг куйчиси. У инсонни шарафлайди, миллионларнинг юрагидаги миннатдорликни, меҳнаткаш инсон нигоҳидаги ёлқинни, ҳазрати ишчи кўксидаги ҳароратни, журъатни, орзу-умидларни, қайноқ далалар заҳматкашларининг устод ва шогирдлари дилида аланга олган ғайратни, ташаббусларни асарларига кўчиради. У меҳнат кишисининг ёрқин образини чизади. Чизадигина эмас, уни қаҳрамон даражасига кўтариб, поэтик образлар талқинида халққа тақдим этади. Партия етук социализм даврида адабиёт ва санъат, айниқса турмуш тарзимизнинг манбаларини, халқ турмушини ёрқин образларда ифода этишни ижодкорнинг энг муҳим вазифасидир деб уқтирди.

Кўп миллатли совет адабиётимизнинг куч-қудрати шундаки, у коммунистик ғоявийлик руҳи билан йўғрилган бўлиб, жонажон партияимизнинг буюк иродаси халқимизнинг тарихий ишларида рўёбга чиқмоқда. Бизнинг адабиётимиз коммунизм бунёдкори бўлмиш қаҳрамон совет халқи билан қондош ва жондошдир. У одамлар қалби ва онгига, ҳис-туйғулари ва фикр-ўйларига баракали таъсир ўтказиб янги инсон дунёқарашини, унинг маънавий эстетик идеалларини шакллантиришда кўмаклашади, жамиятнинг маънавий хазинасини бойитади. Ҳаётни идрок этишдагина эмас, балки уни қайта қуришда ҳам қудратли восита бўлиб хизмат қилади.

В. И. Ленин ўзининг машҳур «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида шундай деган эди: «Адабиёт иши — умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак, бутун ишчилар синфининг бутун онгли авангарди юргизиб турган ягона-яхлит катта бир социал-демократик механизмнинг «паррак» ва «винтчаси» бўлмоғи керак. Адабиёт иши уюшган, планли, бирлашган социал-демократик партия ишининг таркибий қисми бўлиши керак».

Кўп миллатли совет адабиёти буюк реалист Максим Горький, оташин революционер шоир Владимир Маяковскийнинг маҳорат мактабида камол топди, йўғрилди, тобланди. Социалистик реализм методини ижод байроғи деб билган сўз санъаткорлари мана ярим асрдан буён бирдай фаол ишлаб, ижод қилиб, партия ва ҳукуматимиз кун тартибига қўйган улугвор вазифаларни бажаришда ажойиб ютуқларга эришдилар. Адабиётимизнинг бугунги равнақи, ютуқлари, юксалиши биринчи навбатда партияимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайлидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток К. У. Черненко СССР Езувчилар союзининг 50 йиллигига бағишланган юбилей пленумида сўзлаган нутқида ғоявий қурооларимиз арсеналида энг муҳим ўрин тутган адабиёт ва санъатга юксак баҳо берди. «Бу адабиёт халқ билан, партия, мамлакат билан ҳамнафас бўлиб яшаётган адабиётдир. Унинг саҳифаларида Ленин ва сафдошларининг, граждандар уруши ва биринчи беш йилликлар қаҳрамонларининг, Улуғ Ватан уруши ўлмас жангчиларининг улугвор сиймолари бутун борлигича

намоён бўлади. Бу марказида меҳнат аҳли ва меҳнат қўйнидаги инсон, синчов, изланувчи, фаол, актив социализм қурувчиси турган адабиётдир. Бу ўз замондошини, унинг бутун мураккаб ички дунёси ва маънавий изланишларини, унинг қувончлари ва ташвишларини, ҳақиқат ва адолатга интилишларини тушуниб, тасвирлай оладиган адабиётдир».

Совет адабиётининг жанговар отрядларидан бири бўлган ўзбек совет адабиёти ўзининг илк қадамлариданоқ олижаноб мақсадлар учун курашда Горький ва Маяковский, Фадеев ва Шолохов ажойиб тарзда бошлаб берган ишни муваффақият билан давом эттирмоқда. Буюк адабиёт арбобларининг маҳорати, изланишлари ўзбек ёзувчилари учун ўзига хос мактаб ролини ўтади. «Яша, Шўро» ва «Байнал-минал марши» билан улуғ инқилоб ғояларини тараннум этган Ҳамза ва Садриддин Айнийнинг ватанпарварлиги, фидойилиги ёзувчиларимизни илҳомлангирди. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Уйғун, Сергей Бородин, Мақсуд Шайхзода, Ғайратий, Ойдин, Миртемир, Михаил Швердин, Собир Абдулла, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Александр Удалов каби ёзувчилар ўзбек совет адабиётининг ажойиб намуналарини яратдилар. Уларнинг изланишлари энг аввало мамлакатимиз ва халқ ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга қаратилди. Ёзувчиларимиз замонавий мавзуларда романлар, қиссалар, шеърини ва драматик асарлар билан бир қаторда тарихий мавзуда оригинал асарлар яратдилар.

Ягона, монолит кўп миллатли совет адабиётининг таркибий қисми бўлган ўзбек совет адабиёти умумиттифоқ адабиёти хазинасига бошқа қардош халқлар адабиёти қатори баракали ҳисса қўшди. Ёзувчиларнинг I Бутуниттифоқ съезди вужудга келтирган муҳитнинг манتيқий оқибати сифатида ўзбек адабиётининг ўзи ҳам ҳозир интернационал адабиётга айланди. Бу адабиётни ўзбек ва рус, қорақалпоқ ва татар, корейс ва уйғур ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари яратмоқдалар.

Ўзбек ёзувчиларининг бир қатор асарлари Бутуниттифоқ китобхонларининг маънавий мулкига айланди. Бунда шубҳасиз рус ёзувчилари, танқидчилари, адабиётшуносларининг ҳам хизмати катта. Н. Тихонов, К. Симонов, Г. Марков, В. Кожевников, Н. Грибачев, В. Озеров, А. Софронов, З. Кедрин, Ю. Суровцев каби етук рус ёзувчиларининг беғараз ёрдами эътироф этмоғимиз даркор.

Республикамиз ўтган 60 йил ичида қўлга киритган ютуқларда сўз санъаткорларининг муносиб ҳиссаси бор. Қалам аҳллари халқ билан ҳамиша ҳамнафас бўлиб, халқ меҳнатини тараннум этдилар, янги ташаббуслар туғилган жойларга бориб, омма ҳаракатининг моҳиятини ўз вақтида таҳлил этдилар. Айни пайтда даврнинг долзарб проблемалари хусусида ўз вақтида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бундай актив ижодий фаолият, ҳамнафаслик ўзининг ажойиб самараларини бермоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ижодкорлар тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган иллатларга, турмуш тарзимизга зид бўлган барча носоғлом нарсаларга қарши муросасиз кураш олиб боришлари зарурлигини уқтирди. Адабиёт ва санъатимизнинг шу соҳадаги долзарб вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шу йил март ойида ижодкор-зиёлилар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам аниқ-равшан белгилаб берилди.

Баъзан чуқур мазмунга эга бўлмаган ва ҳаёт юзаки тасвирланган сийқа, саёз асарлар ҳамон пайдо бўлаётганлиги билан муроса қилиб бўлмайди. Замонавийлик мавзуи адабиётимизда тобора етакчи мавзу бўлиб бораётганлиги яхши, аммо кўпинча у ҳозирги меҳнаткаш руҳиятига сингиб бормасдан, унинг ташвишлари ва орзу-умидларини, бой ички дунёсини чуқур билмасдан, юзаки ҳал этилмоқда.

Маълумки, воқеаларни, характерларни жозибали, хусусан ишонarli қилиб, тўла далилланган шаклда ифодалаш бадийликнинг энг муҳим талабларидан биридир. Бу ўринда Лев Толстойнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир. Бадий асардаги воқеаларни китобхон худди шу асардагидек бўлиши керак, бошқача бўлиши мумкин эмас деб тушунсагина, асар бадий, қимматга эга бўлади, деган эди улур ёзувчи.

Шундай экан, ҳозирги пайтда ҳақиқий ватанпарвар, ўз ишининг билимдони бўлган чин инсонгина санъатда бутун улурворлиги, маънавий бойлиги билан кенг кўламада акс этишга муносибдир. Бутун вужуди билан меҳнат аҳли орасидан чиққан бизнинг санъаткорларимиз учун бундан ҳам олижаноброр, бундан ҳам илҳомбахшрор вазифа йўқ. Давримиз ажойиб қаҳрамонларга бой, ана шу замондошларимизнинг яхлит, тўлақонли образини бадий бўёқларда ёритиш санъаткорнинг энг муҳим бурчи ҳисобланади. Ёзувчининг гражданлик позицияси ҳам худди шундан келиб чиқади. Дарвоқе, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, гражданлик позицияси ёзувчиларимиз ижодида асосий позиция бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Партиявий ёндашувгина замонамизнинг етакчи тенденденцияларини ҳаққоний ёритишга ёрдам беради. Чинакам истеъдод эгаси ўзини ҳаётдан ажратиб қўймайди, воқелик безаб кўрсатилишига ҳам, салбий ҳодисалар сунъий равишда бўрттириб юборилишига ҳам йўл қўймайди.

Баъзан бадий асарларда замондошларимизнинг тўлақонли образини яратиш ўрнига омадсиз қисматлар, оилавий келишмовчиликлар, лоқайдлик сингари ҳоллар олдинги ўринга чиқарилмоқда. Ҳаётимиз гоъвий-сиёсий ва маънавий қиёфаси намуна бўла оладиган қаҳрамонларга бой. Улар биз билан ёнма-ён яшайди, меҳнат қилади. Кашфиётлар яратади, қўриқлар очади, мураккаб дастгоҳларни бошқаради.

Айрим ёзувчиларимиз замонавийликни бошқача талқин қилишади. Улар ўртамиёна асарларни китобхонга тақдим этишга журъат этишади. Бундай қараганда улар ёзиб ташлаган асарлар беш йилликнинг улкан қурилишларида жасорат кўрсатаётган бунёдкорлар ҳақида ҳикоя қилади. Уларни ўқиб чиққанингда наҳотки, замондошларимизнинг маънавий дунёси шунчалик қашшоқ бўлса деб ажабланасан. Асар қаҳрамонлари иш ўрнига нуқул баҳс юритишади, мажлисларда бир-бирларини аямасдан танқид қилишади. Амалий ишга келганда уларда намуна бўларлик бирор фазилатни, меҳнатсеварликни учратиш маҳол.

Гоъвий ва бадий жиҳатдан заиф асарлар мазмуннинг актуаллиги билан ниқобланмаслиги ва оқланмаслиги керак. Айни пайтда энг муҳим ва актуал мавзулар бадий жиҳатдан энг юксак маҳоратни талаб қилишини унутмаслигимиз лозим. Айрим ёш ёзувчилар нуқтаи назаридаги бир ғалати қараш жамоатчиликни ниҳоятда ташвишга солади. Уларнинг фикрича, замондошларимизнинг энг яхши фазилатлари аллақандай жисмоний заиф, руҳий думбул кишиларда мужассамланган эмиш. Буни Шароф Бошбековнинг «Тушов узган тулпорлар» драматик асарида кўриш мумкин. Асарнинг бош қаҳрамони ландовур бир йигит. Ҳамма уни тентакка чиқариб қўйган. Ўзи бундан ҳатто гурурланади. Синфдошига томдан тараша тушгандай бўса сўраб мурожаат қилади. Қизнинг ўз рақиби билан сўзлашиб турганини кўрганда «чаённи кўриб қолгандай» донг қотиб қолади. Совхоз директори, бўлим бошқарувчиси, агроном жамоат мулкани толон-торож қилиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Фақат ўша телба йигиту район газетасидан келган мухбир йигит бутун бир жинойтчилар гуруҳини фoш қилади.

Бизда газета ва журналлар, нашриётлар, сахналар кўп. Уларда энг сара асарлар танлаб олиниб, эълон қилинади. Ёзувчиларимизнинг айримлари буни бошқача тушуниб, бир газета ё журналда, нашриётда

ёки театр сахнасида «ўтмаган» ўз асарини кўтариб иккинчи нашрга ёки сахнага олиб боради. Лекин ҳеч бир матбуот, ҳеч бир театр сахнаси идеалларимиздан узоқ бўлган ғоясиз асарларга ўрин бермаслиги керак.

Баъзи ёшларимиз бўлса хаёлига келган ҳодисаларни ёзишдан тап тортмаяптилар. Ёш ёзувчи Салоҳиддин Сироҷиддиновнинг «Маржон» ҳикоясини олиб кўрайлик. Онасининг нопоклигини фош қилган фарзандларини муаллиф меҳр билан тасвирлайди. Ҳаётда балки шундай ҳодиса учрар. Аммо уни типиклаштириш шартмикин?! Ўз фарзандларининг истиқболини ўйлаб ҳаётнинг ҳамма лаззатларидан воз кечган фидойи оналаримиз озми?! Ёш ёзувчи нима учун фидойи оналарни улуғлаши мумкин эмас. Нима учун ҳаётда онда-сонда учраб турадиган воқеани ҳикоя учун танлаб олди?

Айрим ёшларнинг асарларини ўқиганимизда, улар гарчи талантли бўлсалар-да, ҳали ҳаётни яхши билмасликлари яққол кўзга ташланиб қолади.

Мана бир мисол: Станислав Кулиш бошловчи ижодкор эмас. Унинг қаламига мансуб бўлган «Кўнгилхуш сайил» («Увеселительная прогулка») қиссасига ёшлар ҳаёти асос қилиб олинган. Молпарастлик, маънавий тубанлик, ахлоқий масъулиятсизлик — ёзувчи ўз диққат эътибори марказига шу масалаларни қўймоқчи бўлган. Ёзувчи маънавий қолоқликни қаттиқ қораламоғи, шундай одамлар устидан ўз ҳукмини чиқармоғи керак эди. Асарда биз бундай ҳукмини учратмай-миз. Айтилмоқчи бўлган фикрнинг ноаниқлиги қиссанинг бадий жиҳатдан нотўғри тузилишига олиб келган. Жиддий муаммолар билан шуғулланувчи жиддий адабиёт ўз қонунлари билан яшайди. Юзакилик, масалага ўйламай-нетмай ёндашиб воқеликни бузиб кўрсатувчи асар бизга ётдир.

Адабиётимиз учун энг хавфлиси ғоясизликдир. Умумхалқ ардоғи билан қуршаб олинган бадий адабиётимизда ғоясиз асарларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мамадали Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» романида йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида газетамизда ўринли танқид қилинган эди. Унда тарихий кечмиш шарт-шароитлари реалистик тасвирланмаганлиги, ўтмиш ҳодисаларига ёндашишда айрим чалкашликларга йўл қўйилганлиги, асар қаҳрамонлари қайси табақа, қайси ижтимоий гуруҳ вакиллари эканини билиб олиш қийинлиги айтиб ўтилган эди. Аммо роман ҳалига қадар қайта ишлангани йўқ.

Адабиётимизда бадий прозанинг тематикаси бой ва ранг-барангдир. Ўзбек адабиётида атеистик мавзу азалдан ижодкорларнинг эътиборида бўлган. Ўзбек демократ шоири Муқимийнинг ажойиб сатирик асарлари шариат пешволарининг ҳақиқий башарасини фош қилиб, улар ниқобини шафқатсиз юлиб ташлаган эди. Революционер шоир Ҳамза ижодида бу мавзу янада ривожлантирилди. Илмий-атеистик тематика атоқли адибларимиз Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор ижодидан кенг ўрин олган эди. Лекин нима учундир ҳозирги ёзувчилар ижодида бу мавзу сусайиб кетди. Нега энди ҳозир ёзувчиларимиз бу мавзунинг ёритишдан чўчидиган бўлиб қолишди? Ахир, идеологик кураш тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги пайтда шу мавзуда кенг кўламли, дадил ва теран асарлар яратиш ёзувчиларимизнинг муқаддас бурчи эмасми? Тўғри, адабиётимизда бу мавзу йўқолиб кетди деёлмаймиз. Чунончи, Тоғай Мурод «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини яратди. Адабий жамоатчилик бу асар ҳақида ўз вақтида тегишли фикрини билдирди. Ёзувчилар сўздагина эмас, амалда ҳам виждон амри билан иш кўриши, ўзининг барча интилишларида совет турмуш тарзининг энг яхши анъаналари учун кураш олиб бориши зарурлигини яхши билиб олиши керак. Эски урф-одатларга муккасидан берилиб кетган, янгиликларни тан олмайдиган, янгилик руҳи билан яшамайдиган, бидъатга берилган кишилар ҳали ҳам йўқ

эмас. Маълумки, диний ақидалар жаҳолатни, қолоқликни тарғиб қилади.

Шеърятимизда жиддий сифат ўзгаришлари рўй бераётганини эътироф этмоқ қувончлидир. Шеърятимиз ёшлар ҳисобига янги қудрат-шиддат касб этди. Гражданлик оҳанглари баланд пардаларда куйланмоқда. Шоирларимиз Бутуниттифоқ минбаридан шеър ўқи-моқда. Афсуски, юксак ғоявий мазмунга эга бўлган шеърлар қаторида баъзан майда, мазмунан хира, мавҳум шеърлар ҳам учраб туради. Мана, ёш шоир Рауф Парфининг қаламига мансуб бўлган «Мен ёлғизман, гулув, ҳаяжон» шеърдан олинган сатрлар:

*«Ҳасрат кўксимга қуюлар,
Кўз ўнгимда бу ёруғ жаҳон
Мунгли кўшиқ каби туюлар...
Атиргулнинг қўллари синган.
Емғир ёғар, оғрир чуқур из.
Ҳаяжоннинг тили кесилган
Мен ёлғизман. Овозим ёлғиз».*

Бу ниманинг оқибати? Нега истеъдодли шоир умидсизликка тушиб қолди экан? Ҳаққоний таҳлилдан узоқлашиб, зўр бериб бир-бирини мақташлар, ҳаддан ташқари юқори баҳо беришлар оқибати эмасмикан.

Бундай мақтовлар ҳатто истеъдодли санъаткорлар ижодига ҳам зарар келтиради. Шеърятимизнинг етуқ намояндаларидан бири Шукрулло «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган «Аср баҳси» поэмасида фан-техника революциясининг буюк ютуқларига лоқайд қарайди, ўтмишни, «ариққа нонни оқизоқ қилиб еган» даврларни кўмсайди. Социал тараққиёт тез суръатлар билан ривожланаётган, фан-техника революцияси бутун экономикамиз юксалишининг асосий омили эканлигини наҳотки муаллиф билмаса?

Кези келганда адабий танқидчилигимиз ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. «Танқидчиликнинг бурчи,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида»ги қарорида,— ҳозирги замон бадий жараёнидаги ҳодисаларни, тенденцияларни ва қонунларни чуқур таҳлил этиб беришдан, ленинча партиявийлик ва халқчилик принципларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама кўмаклашишдан, совет санъатининг юксак ғоявий-эстетик савияси учун курашишдан, буржуа мафкурасига қарши изчил кураш олиб боришдан иборат».

Масалага шу позициядан туриб ёндашганда адабиётимиз жонкуярлари бўлмиш танқидчилар шаънига жиддий эътирозлар билдиришга тўғри келади. Бизда баъзи танқидчилар фақат ўзлари танлаб олган ёзувчилар ҳақида фикр юритадилар. Айрим танқидчилар эса жиддий ижодий изланиш, чуқур тадқиқот ишлари олиб бориш ўрнига вақтли матбуотда илгари эълон қилинган адабий-танқидий мақола-ларни тўплаб уларни қайчилайдилар-да, ўзларининг оригинал ижод маҳсули сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Баъзан эса танқидчилигимиз адабий жамоатчилик, минг-минглаб ўқувчилар томонидан аллақачон эътироф этилган асарлар ҳақида, улардаги образлар халқ оммасининг сеvimли қаҳрамонларига, аниқроғи, идеалларига айланиб қолган персонажлар ҳақида ўринсиз фикрлар айтиб, ўқувчиларнинг эътиқодига салбий таъсир кўрсатмоқдалар.

Ривожланган социализмнинг мукамаллашиши жараёнида фаол иштирок этиш ҳар бир ёзувчининг бош вазифаси бўлиши керак. Филология фанлари кандидати Аҳмад Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» китоби асосан 20-йиллар адабиётига бағишланган. Маданий меросни, танқидий ўрганиш ва ўзлаштиришда ленинча кўрсатмага амал қилиш керак. Муаллиф эса ўша давр ёзувчиларининг (Фитрат ва Чўлпон) ижодига бир ёқлама баҳо берган. Автор ўз китобида кўпроқ уларнинг ижобий томонларини очишга, хизматларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу ерда гап жанрда,

мавзуда эмас. Бу ерда гап ёзувчининг ғоявий замини ва дунёқарашида-
дир.

Адабий танқид партиянинг адабиёт ва санъат масалаларидаги йўлини изчил ўтказиб, талабчанликни чуқур одоб билан, талантга нисбатан эҳтиёткорона муносабат билан қўшиб олиб боришга даъват этилган. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, «Танқиднинг бурчи — жамиятимизга, идеология-мизга ёт фикрлар баён этилган, тарихий ҳақиқатдан чекинишга йўл қўйилган ишларга аниқ, партиявий баҳо беришдан иборат. Танқид бадиий жихатдан заиф, туссиз асарларга нисбатан ҳам юзхотирчилик қилолмайди».

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми сафларимиздаги соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитини кучайтирди. Мазкур пленум партия турмушининг ҳаётий ленинча ақидаларидан келиб чиқиб, мавжуд хатоларни тезда тузатиш, экономикамиз тараққиётига ғов бўлаётган қийинчиликларни, партия, совет, хўжалик ва жамоатчилик, ижодий органлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни журъат билан бартаф этишнинг аниқ ва тўғри йўлларини кўрсатиб берди. Бу эса ўз навбатида адабиёт ва санъатнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, бадиий баркамол, гражданлик эҳтироси билан йўғрилган янги асарларнинг вужудга келишига имкон яратади, албатта.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда кўп миллатли совет адабиётининг роли ва конкрет вазифалари кенг таҳлил этиб берилди. Марксча-ленинча дунёқарашни, юксак граждан-ликни, социалистик Ватан учун фахрланиш туйғусини шаклланти-ришда, халқ турмушини янги маънавий дурдоналар билан бойитишда ижодкор зиёлиларнинг хизмати жуда катта эканлиги таъкидланди.

Ёзувчи ҳақиқат учун курашувчи, эзгулик жарчисидир. Адабиёт эса ҳаёт кўзгуси. Партия ва ҳукуматимизнинг шиори мана шундай: Ёзувчиларимиз КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети шундай кейинги Пленумларининг қарорларини актив амалга ошира-ётган бунёдкор халқимизга маънавий ёрдам беришга даъват этилган-дир. «Халқ қаҳрамонлигини, жасоратини, меҳнатини тараннум этиш ёзувчилар учун ҳам фарз, ҳам қарз» деган эди буюк ёзувчи Михаил Шолохов. Ишончимиз комилки, коммунистик идеаллар тантанаси учун курашаётган адабиётимиз намояндалари давримизга муносиб асарлар яратадилар, замондошларимизнинг қаҳрамонона образларини тўла-қонли ёритишда қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

«Совет Ўзбекистони»
23 декабрь, 1984 йил



Асқад
Мухтор

ЧОРРАҲА

РОМАН

Амуға ёш томди — тун,
Амуға қон томди — тонг.
Амуға нур томди — кун,
Тонгсиз офтоб чиқмас...

Афғон халқ кўшиғидан.

Ҳиндикушнинг терскай ёнбағирларида оидин кеча.

Дарвоқе, бу ерларда деярлик ҳамиша сутдек оидин. Чунки булутлар қарийб икки минг метр пастда, ҳалигина ботган ой уч соат ўтар-ўтмай иккинчи томондан баркашдай қизариб қалқа беради. Кундузлари эса тепада ястанган абадий музликларда акс этувчи қуёш нури ҳам ой шуъласидай совуқ, у рўпарадаги бепоён дара ва тубсиз жарликларни ёритолмайди, бу шуъладан ўпқонлар қаъри, аксинча, яна ҳам зимзиё, даҳшатли туюлади.

Дараларнинг у томонида осмонга ўрлаган Помир силсилалари. Совуқ ва кўм-кўк гумбаз остидаги бу жонсиз тизмалар мудҳиш пўртаналар пайтида бирдан қотиб қолган океанга ўхшайди. Қачонлардир табиатнинг ваҳший кучлари Ер қобиғини қисирлатиб жунбушга келтирган, синдирган, аёвсиз майиштиргану шунда бу тектоник мўъжизалар — бир-бирига мингашган ўлик қоялар, яхлаб қотган харсанг чўққилар, инсон оёғи етмаган музликлар, осмон билан туташ қорли ялангликлар ва ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган бу оидин жимлик мангуликка пайдо бўлган.

Бу — буюк жимлик. Агар қоялар устига қоялар дафъатан қуласа, музликлардан кўчкилар кўчса, ер қатламлари уйғониб тоғлар ларзага келса, бу жимлик уларнинг даҳшатли гумбурини дунёга келмасданоқ ютиб юборарди. Ҳеч қачон ҳеч нарсадан пинак бузмайдиган ваҳимали жимлик бу.

Жонсиз оидин, совуқ жимлик. Зимзиё зулматдан ҳам кўра бунинг ваҳимаси кучлироқ. Шунинг учун бўлса эҳтимол, бу ерларда жон зоти йўқ.

Жонсиз шуъла дунёси, совуқ ва чексиз жимжитлик.

Бу ерда руҳан эзиласиз, фақат ғарбга қарагингиз келади. Чунки орқа томонда ер йўқ, тупроқ йўқ. Фақат кўк тусидаги, кўкка туташ абадий музлик ва қалашган қоялар силсиласи. Худудул — олам, дейишар экан қадимий жуғрофийонлар.

Фақат қиялаб кетган туманли пастликларга, ғарбга тикиласиз, у ерда ҳаёт чорлайди сизни, яшил дунё талпинтиради, парвоз қилгандай бўласиз: ўнгда осмон — ўнг қанотингиз, чапда осмон — чап қанотингиз...

Тасаввур қувватингиз етса, шу баландликдан отилиб тушиб, ундан нари, уч минг чақиримгача, водийлар ва саҳролар оша тўлғаниб оққан кўҳна Жайхунни кўз ўнгингизга келтира биласиз. У дунёнинг энг қадимий дарёларидан бири. Тарих боболари Геродот ва Страбон ҳам уни кекса Оксус деб атаганлар. Атрофдаги ҳамма нарса, барча гўзал ва даҳшатли манзаралар шу дарё туфайлидир: минг йиллар давомида ўйилган, ювилган, нураган қоронғу жарлик ва сирли даралар ҳам, оқимни иланг-биланг йўлларга солиб, қудратли шаршаралар пайдо қилган харсанг қоялар ҳам, пастликларда дилни талпинтирган тириклик жозибаси ҳам Аму билан боғлиқ... Тепадаги бепоён қор далалари, абадий музликлар, ҳатто ватандошимиз Федченко номидаги дунёда энг катта муз денгизи ҳам шу дарёни озиқлантиради.

Айтгандай, ҳали она дарёнинг биз билган қадрдон номи йўқ. Бу ерда у бир номсиз ирмоқ, холос. Кейинроқ унинг тоғлар бағрида туғилган шўх шалола — эгачи-сингиллари ўнгдан ва сўлдан шошиб ёрдамга келадилар. Шундагина у тоғу тошлар аро қутуриб, қояларни кўпориб, юмалатиб, кўпикка бурканиб, зарра-зарра сув тўзонларини паға булутлардай юксакка тўзғитиб...

Ҳай, зарра дегандан, бу ҳақдаги ҳикояни узоқ Қорақумдаги бир қум заррасидан бошлайлик.

Жимжит саҳрода енгил шабада юрди-ю, бир қум зарраси қимирлаб қўйди. Унинг далдаси билан ёнидаги зарралар ҳам, силжишиб, бархан ўпирила бошлади. Қум оқими шамолга бўйсуниб кучая борди, зарралар учқунланиб ҳавога кўтарилди, шамолнинг ўйинига берилган қум-тўзон гир айланиб бош кўтарганда, нарироқда яна шерикларини ҳам кўриб шўхлик қила кетди. Бир мўъжиза кучи билан тиккага кўтарилган гирдибод устунлари энди саҳро бўйлаб телбадай кезади, қум бўронини осмонга олиб чиқиб, қутурган қора қуёнлар кун юзини тўсади...

Дарёда ҳам шундай ҳолат бор. У муз саҳросида, абадий муз қоясининг пана бир бурчида қимир этган зилол томчидан дунёга келади. Сарикўл чўққиларининг ортида, қуёш туғиладиган томонда.

Ҳамма нарса ўз сарчашмаларидан қарздор экан. Бу гап аввало дарёларга дахлдор. Она дарёнинг сарчашмаси мана шу ерда.

Илк нур биринчи зилол томчида акс этиб, гўё унинг тақдиридан, узоқ саргузаштларидан хабар беради-да, кейин, томчилар қўшилиб жилғага, жилғалар қўшилиб дарёга айланганда, Воҳанг деган ном олади. Воҳанг дегани — тақдирдан дарак, демакдир.

Биринчи бўлиб унга оҳунинг кўзидай тиниқ тоғ кўли Заркўл бағрида туғилган Помир дарёси кўмакка келади. «Жаҳон томи»нинг энг суронли дарёлари Гунту Бартанг тоғ юмалатиб, кўпик сочиб, қизил базальт қоялар орасидан ўзига тор ўзан очиб келиб қўшилганда, дарё Панж номини олади-да, бир-бирига улашган қудратли шалолалар занжирини ҳосил қилганча пастка қараб отилади.

Кейинроқ, тағин ўнгдан, кутилмаган жойда қояли тоғлар ортидан кескин қайрилиб келиб қўшилган Сурхоб, Ёзгул, Ванг тошқинлари унинг қудратини яна ҳам оширади. Кўп ўтмай у чапдан сирли водийлар мунгини, асрлар дардини ташиб келган энг гўзал ва ўжар сингисис Кўкча билан учрашади. Бу учрашувдан кўнгли яйраб кетгандай, шаддод хулқи бир оз майинлашиб, ҳайқириқлари шивирга айланади-да, ёйилиброқ оқа бошлайди. Олдинда ҳали қувончли учрашувлар бор. Ўнгдан унга қудратли Вахшнинг тиниқ ва совуқ тўлқинлари, чапдан эса Бомиён қояларининг исканжасидан қутулиб баҳодирона кифтини керганча қадимий Қундуз

шошиб келади. Улар қарийб бир жойда учрашадилар ва она дарёмизга машҳур Аму номини бағишлайдилар.

Адирлар бағрини чуқур ўйиб, тош қатламларидан ўзан очиб келиб, Амунинг эндиги бўтана сувларига анчагача қўшилолмайд оқадиган тиниқ тоғ дарёси Кофарниҳонни ва дилбар жанубий водийларимиздан бирининг қон томири бўлган Сурхонни ҳисобга олмаганда, она дарё бундан кейинги қарийб бир ярим минг чақиримлик узоқ йўлида томчи сув ҳам олмайди, фақат сарфлайди: поёнсиз далаларга, туташ боғ-роғларга, каналу ҳавзаларга, ерга, осмонга, дашту саҳроларга саховат билан ширин сув улашади. Зарафшону Боботоғ, Кўҳи Сафеду Банди Туркистон чўққиларидан озиқланувчи ўнлаб қадим тармоқлари эса, энди унга етиб келолмай, икки соҳилдаги яйлову экинзорларга сингиб кетади.

Икки соҳил. Аму воҳаси деб аталган қадим афсонавий бойликлар дунёси. Кишилиқ маданиятининг бу кўҳна тарихий ўчоғида тириклик ҳамиша Аму саховати билан боғлиқ. Меҳнаткаш дарё бу дуркун воҳага ҳар йили етмиш миллиард кубометр сув, миллион-миллион тонна ҳосилдор лой, маъданий тузларга бой тўқ қўнғир шўртоб тупроқ ташиб келишдан ташқари, бурун замонлардан Бадахшоннинг лаълу ёқутларини, Помиру Ҳиндикушнинг бебаҳо хазиначаларини, инсон оёғи етмаган сирли дараларнинг олтин зарраларини ювиб, улардан дарак келтирган. Антик дунё тарихчиларининг шаҳодатича, Термизхудодга ёлланган вахшлик тоҳарлар Жайхуннинг лойқа сувида пўстак билан олтин қум саралаб, Балх бозорларида араб савдогарларига пуллар эканлар...

Беихтиёр тарихга ўтиб кетдик. Бу ерларнинг кўҳна ўтмиши мангу уйқуга ботган бу ҳайбатли тоғ силсилаларининг тушига ўхшайди. Ана, ёнбағирларда элас-элас хотиралардек туман силжийди. Қаердадир тош кўчади, дараларда кўчкилар гумбури янграйди.

Дарвоқе, даралар... Бу тоғ-тошли соҳилларда асосан дарий тилида сўзлашувчи халқлар, тожиклар, афғонлар, бадахшонликлар, қадим Ориёнининг юзлаб уруғ ва қабилалари яшайди. Дарий дара сўзидан бўлса, бу балки тоғликлар тили деганидир...

Туман сийраклашиб, баҳайбат қояга илиниб турган яшил қишлоқ кўринди. Тошга тирмашиб ўсган наъматак аста тебранди — паст тексикларга чиқиб оқимини секинлатган Аму шабадаси етиб келмоқда. Ундан пастда бир нечтагина мирзатерак кўкка интилганча мудраб, ой нурида нуқрадай йилтиллайди. Қияликдаги яшил ялангликларга, ёнбағирда қалашган уйларнинг ясси томларига, тошлоқда ўстирилган кичик-кичик боғлару бўлтак-бўлтак полизларга кўкимтир сут рангидаги майин шуъла таралади. Узоқларда ўркач-ўркач базальт қоялар... Тонгги туманда сузаётган туя карвонлари хаёлга келади. Хитой ва Ҳиндистонга денгиз йўллари очилмаган замонларда Ғарбу Шарқнинг савдо йўли шу ерларда Аму кечикларидан ўтган. Қуёшда қовжираган чўлу саҳролар, ваҳимали тоғ даралари, обод водий ва суронли шаҳарлар орқали ўтиб келадиган «Буюк ипак йўли» ҳеч қачон ипакдай равон бўлган эмас, албатта. Асрлар тумонатида бу ерларда савдо карвонларига улуғ ҳурмат билан бирга, талончи ва зўравонларга қарши чексиз нафрат ҳам етилган элатлар қалбида. Бу икки соҳилда зимзиё кечалари бир-бирига ёв кўзлар, милтиқ-найза тиглари қарама-қарши тикилишган, қирғоқдан қирғоққа тўплар отилиб, тоғ дарёларининг мусаффо сувлари қонга бўялиб оққан. Амунинг бўтана тўлқинларида қон эмас, дўстлик гулдасталари қалқиб ўтишини ёки соҳилдан соҳилга абринайсон камалагидек қардошлиқ кўприги қулоч отишини орзу ҳам қилолмаганлар.

Ҳа, тоғларнинг унутилган тушларини безовта қилишга тўғри келади. Кўприк тўғрисида гапирдик. Искандар Зулқарнайн сўғд элларини забт этиш учун Навтак кечигида ўз лашкарларининг елкасига буйракўприк ташлаб от ўйнатиб ўтган, дейдилар. Наршахийнинг ҳикоя қилишича, арабларнинг Аму орқали Мовароуннаҳрга ўтиши ўн тўрт ойга чўзилган экан. Аввал Убайдулло ибн Зийёд, кейин Саййид Усмон лашкарлари ўтиб, уч марта орқага қайтганлар. Сўнгра, даҳшатли лашкарбоши Сулм ибн Зийёд ўтганда, Сурхон суворийлари уларни қириб ташлаганлар. Ҳатто

маккор Қутайба Муслим ҳам Аму қирғоқларини қонга бўяб, ўн икки марта Хуросонга чекинишга мажбур бўлган...

Қорахонийларнинг бошлари оққан бу сувларда. Оғули камонлар юкланган Маҳмуд филлари фарқ бўлган. Чингиз Термизга келганда бешикка беланган гўдаклар кетидан ўзини сувга ташлаган минглаб оналар фарёди тўлқинлар билан оқиб кетган.

Ҳа, Жайхун дегани жойи хун маънссиде бўлса эҳтимол. Хун қон ва қасосдир.

Дараларда момақалдиروق гумбурлайди. Тоғларнинг узоқ хотираларини бесаранжом қилдик шекилли. Балки ундай эмас, Амуда фақат қон оқмаган, демоқчидир тоғлар. Дарҳақиқат, Аму буюк дарё, тарихий дарё, гўзал дарё, меҳнаткаш дарё. У аслида денгизга эмас, халқлар қалбига қуйилади. Ўтмишда ҳам унда фақат қон оққан эмас. У гоҳида қуёшдай балқир, нурланар эди. Нималар кечмаган ахир бу кечиклардан!

Аму боқинчилар учунгина «сув тўсиғидир». Аслида у — халқлар, элатлар тақдири, қадим маданиятлар чорраҳаси. «Шоҳнома»да Эрон билан Турон зиддиятлари ҳам, қон-қардош тутинишлари ҳам шу дарё тимсолида тасвирланади. Бу ерда динлар, фалсафалар, худолар, Будда Гелиос, Шива маъбудалари учрашган. Кушонлар салтанати Рум ва Чин империяси билан баҳслашган. Аму Ганг сингари инсоннинг сўнги хоки покени олиб кетадиган муқаддас сув бўлмаса ҳам, усиз бу ерларда ҳаёт йўқ. Ўтроқ ҳаёт, маданият маскани бўлган Амунинг юқори оқимидаги Бақтрия ўрта оқимидаги Сўғдиёна, қуйи оқимидаги Хоразм авлодларимизнинг қадимий кудратли давлатлари эди. Улар бу ерларда Искандару Дорони таслим этдилар, бу соҳилларда ўлмас халқ фарзандлари Широқ, Спитамен туғилиб, вояга етди. Араб халифаларининг Аму фарзанди Муқаннадан кўрқиб бу ерларга кўрдирган кўрғонларининг харобалари ҳали-ҳали турибди.

Ҳа, унда фақат қон оққан эмас. У гоҳида қуёшдек балқир, нурдек мавжланар эди: шайхурраис Сино кечув қидириб, қамишзор соҳиллар бўйлаб кезганда, ожиз Рудакийнинг дардли мисралари, Бобурнинг соғинчли нолалари етиб келганда, ёш Алишернинг китоб карвонларини ёки «Жайхун хулқи»ни таърифлаш учун хаёлга толган Берунийни кўрганда она Амунинг нурланган мавжларини кўз олдингизга келтира билурсиз! Маърифат ва шеъриятнинг буюк чорраҳасида нурланмай бўладими!

Шарқнинг ипагу мушк-анбарини, Хитойнинг кумуш ва чинни идишларини, Термиз ва Мозори Шарифнинг така юнги, балиқ елими, кунжут мойларини Хазар орқали Булғор хонликларига етказган, Буюк Пётр империясининг орзули режаларига туташган бу қўнғир тасмадек тарихий сув йўли, аттангки, эндиликда денгизга эмас, ҳатто ўзининг қадрдон шўр кўлига ҳам эмас, икки саҳро орасидаги бепоён қамишзорларига зўрға етиб бормоқда. Икки соҳилдаги халқлар ўз қадимий ҳаёт манбаларини сақлаб қолиш, эъозлашдек эзгу ташвиш билан яшамоқдалар.

...Ой бўзариб ботаётир, қуёш ҳали орқадаги ўн минг метрли юксак чўққилардан ошиб ўтолганича йўқ, шунинг учун осмон қорамтир кўк, тиниқ бўлса ҳам, ерда қора соялар кезади, арчали қияликлардаги харсанг тошлар қораси ғира-ширада кўрқинчли кўринади. Пастга тушган сари баҳор нафаси вужудингизни қамраб, тошга тирмашган яшиллик, қушлар чақчақидан уйғонган бутазорлар дилни тартади. Тепага қарасангиз, зангори бўшлиқда ҳайбатли тоғлар сузиб кетаётганга ўхшайди, чуқур сой ўзанлари, воҳа ва даралардан тепага қараб паға-паға туман кўтарилади.

Чақиртош сўқмоқларда кўтос подалари силжийди, уларнинг сиртида чуғур-чуғур қушлар галаси. Узоқларда кўчманчи тоғлик қабилаларнинг тошлар панасида қияликка илиниб турган фақир чайлалари кўзга ташланади. Водий нафаси келиб турса ҳам, ҳали айланма тоғ йўллари тикка ва хатарли. Тонг олди қоронғусида омонат осилиб турган қоялар совуқ соя ташлаб, ғуж буталарнинг қораси ваҳимали кўринади. Тун сирли ва сезгир. Кичкина тош кўчса, иккинчи, учинчисига урилиб, пастроқда дараларни янгратадиган суронли кўчкига айланади.

Шу пайт жарлик тепасига ташланган яккачўп устида ёлғиз кимса кўзга ташланди. Бошида кенг соябонли шляпа, соқоли ўсиқ, тиззасигача пайтава ўраб, товони тишли пишиқ ботинка кийган, елкасида йўл халта ва негадир, милтиғи йўқ. Тоғликлар милтиқсиз юрмайди, айниқса бундай маҳалда. Ким бўлсайкин бу хавфли йўлларда танҳо юрган?

У пастга қараб шошар, орқасига қайрилиб боқмас эди. Шунисига қараганда, тоғликлар одатидан хабардор одам. Лекин кўриниб турибди — бу ерлик эмас, елкага қаватлаб ташланган чакмони бўлмаса, қўлида қурол эмас, ақалли таёғи ҳам бўлмаса, қўйингки, шошганидан ҳам билиниб турибди — бу ерлик эмас. Бошига фавқулудда кулфат тушган ёки ўта кетган таваккалчи одамгина бу ерларда тоғликларнинг сирли удумларига хилоф равишда ёлғиз шошиб йўлга чиқиши мумкин.

Тош сўқмоқ уни ҳамон қуйига етакларди. Қоялар панасидан, ўпқонлар четидан эҳтиёт билан ўтар, жарликлардан тармашиб чиқар, йўлни қисқартириш учун қалтис қияликлардан эмаклаб ўтиб, кўчкиларга чап бериб шошар, янгроқ ва қоронғи дараларда фақат унинг оёқ товуши акс садо берар эди.

Бу озғин одам, зиёлинамо, лекин чайир бу таваккалчи қаёққа ошиқаяпти, нимадан қочаяпти, тоғларнинг сирли садосиданми, ўзининг ваҳимали оёқ товушиданми?

Гўё туннинг, тоғу тошнинг қоронғу дунёси уни минг кўз билан кузатар, таъқиб этар эди.

...Мен уларни Мозори Шарифнинг кўримсизгина бир қаҳвахонасида учратдим. Бу ернинг шуниси яхшики, қаҳвани тунука чойнакда эмас, инглиз жезвесиде қайнатишади. Хотиним билан ажралишгандан бери узлатдан маскан топиб, ҳар куни шу жойда нонушта қиламан. Саройда ғалаёнлар кучайгандан буён эътибордан қолган бир камбағал зиёли бўлсам, қадимий кўрғон вайроналарини кавлаб юрган шўринг қурғур бир археолог кимга керак экан, қаёқдан топиб келишди — ҳалигача билмайман.

Ҳозирги «янги»лар ҳам менга унча қайишмади — ватанпарварлигимга шубҳалари бор: археология факультетини Сарбоннада битирганман, гоҳо инглизларга қарши умум нафратнинг майда, куйдирувчи учқунлари менинг юзимга ҳам сачраб турганини сезаман. Аслида армонларим кўп, йигирма йилдан бери она юртимнинг қадимий шон-шуҳратини оламга кўз-кўз қилсам деган орзу-умид билан яшаб, тоғу тошда жон чекиб юрибман. Бунинг учун менинг касбимдан ҳам қулай восита бўлмайди. Буларнинг эса бунга сира алоқаси йўқ экан, ажабо, ухлаб тушимга кирмаган одамлар мени қидириб келишди.

Кундалик қаҳвамни буюриб, чеккароқдаги одатий столим ёнига аста ўтирган эдим, ойнабанд эшикнинг таниш қўнғироғи жиринглаб, икки киши кириб келди. Улар тўғри мен томон юрдилар. Иккиси ҳам европача, яхши кийинган, ўрта ёшда, қадди-қомати расо, юзлари шамолда, офтобда қорайиб дағаллашган; новчароғи жуда хунук киши экан, бурнида иккита катта сўгал, астойдил тарашланган жингалак чакка соқоли ҳам бўртиқ ёноқлари, оғир осилиб тушган жағ суякларининг беўхшовлигини яширолмаган эди. Шериги пакана, бўйига ярашмаган соқол қўйибди, лекин пешонаси кенг, кўзлари чиройли, зийрак ва ақлли кўринарди. Янгигина жинси шимининг тизза кўзига чарм ямоқ солгани, эчки юнгидан тўқилган ёшларга хос енгсиз фуфайкаси унинг гавдасини яна ҳам миқти қилиб кўрсатар эди.

Тикка келиб ёнимга ўтиришди.

— Доктор Суҳайл сизмисиз?

Демак, таниб-билиб, қидириб келишган.

— Хизмат?— Менинг чўчинқираб қараганимни сезгач, иккаласи ҳам ўринларидан қўзғалиб, қўл узатишди:

— Сайёд Ниҳон, тупроқшунос,— деди новчаси.

— Надим Сарбаланд, гидрогеолог,— деди паканаси.

Қўл олишгач, мен ўзимни эркинроқ ҳис қилабошладим: зиёли йигитлар экан.

— Ялло! Яна иккита қаҳва,— дедим югурдак болани чақириб. Бола келганида, улар ўзларига ликёр буюришди, мен рад этдим. Умуман ичкилик ичмайман. Улар чаққок-чаққон қуйиб ичишди. Бегона бўлсак ҳам гапимиз қовушиб кетди. Надим тоғлик исазайлардан экан, шевасидан билиниб турибди, мен бу қабиланинг тоғдаги қадимий изларини ўз вақтида яхши ўрганганман. Сайёд эса, пайқадимки, дурроний элатидан, улар ўзларини дурри-дурроний деб атаб, ғурурланиб юрадилар. Лекин Сайёда манманликни сезмадим. У соддагина қилиб мақсадга ўтди:

— Биз «Жеймс — Морисон» компанияси ирригация ва мелиорация, қурилиш-лойиҳа трестининг вакили номидан келдик,— деди у ишчан, дона-дона гапириб,— Шимолий Афғонистонда Аму сувларидан фойдаланиш юзасидан лойиҳа-қидирув группалари тузиляпти. Сизни ўз группамизга таклиф этмоқчи эдик...

— Кечирасиз, соҳиб Сайёд,— дедим самимий жилмайиб. Уларнинг мени ким биландир адаштираётганига амин эдим,— Сизлар янглишибсизлар, менинг ирригацияга алоқам йўқ, кекса бир археологман.

— Биладан, доктор Суҳайл, ҳаммасидан хабардормиз. Биз сизни компания вакилига тавсия этдик, кафилингизни олдик. Китобларингиз ва номаи аъмолингиз билан танишиб, соҳибимиз Лаъл Маҳдий жаноблари ҳам сиз ҳақингизда «айни муддао, у билан дарҳол танишишим керак» дедилар.

— Жаноб Маҳдий...

— Компаниянинг ваколатли ходими, бош геологимиз,— деб қуюқ, ширали овози билан қўшилди, ликёр ичиб сал қизарган Надим Сарбанд.— Йўқ десангиз, кўп зиён қиласиз, доктор, яхши группа тўпланяпти, компаниянинг контрактлари беқиёс саховатли, зарур мутахассислар учун ҳеч нарсани аямаяпти. Узимизнинг ҳукуматга ҳам Чорвилоятда бундай қидирув ишлари жуда зарур экан. Чинакам юртпарвар бўлсангиз...

Мен бир оз гангиб ўйга толдим, ичиб олган сергап улфатларнинг гурунги унча қулоғимга кирмай қолди. «Жеймс-Морисон» компаниясини эшитиб юрардим, бош резенденцияси Пешоварда эди шекилли, лекин унинг ирригация-қидирув ишларида мен нима қилиб беришим мумкин? Улфатларнинг «ҳукуматимиз эҳтиёжлари», «юртпарварлик» ҳақидаги гаплари, агар мени синаш учунгина ишлатилаётган бўлмаса, чиндан ҳам дилимнинг аллақайси бир торларига тегиб кетди. Дарҳақиқат, балки мен ҳам бир ишга кор келиб қоларман, бекорчилик, тушкун кайфият кўпдан жонимга теккан.

Надим ҳамон саховатли контрактлар ҳақида гапирар эди. Менинг ҳозирги аҳволимда бу моддий манфаатлар ҳам зиён қилмайди.

— Билмадим, бу таклифингиз... Менинг ҳали ҳам ақлим етмай турибди, жаноблар, лекин ўйлаб кўрай,— дедим иккиланиб.

— Йўқ,— деди Сайёд Ниҳон,— кейин ўйлайсиз, аввал жаноб Лаъл Маҳдийга учрашишингиз керак, биз унга ваъда берганмиз. У киши билан суҳбатдан кейин, марҳамат қилиб, бир қарорга келарсиз, илтимос.

— У жанобни қаердан топаман?

— У киши «Бомиён» отелида сизни кеч соат олтигача кутади.

«Бомиён»га соат бешдаёқ бориб биринчи қаватнинг холлида хаёл суриб ўтирдим, кутилмаган таклифларнинг тагига етолмай ҳаяжонда эдим. Жаноб Лаъл Маҳдий аллақадан шошиб қайтиб келдию, ишчан қиёфада пешона терларини артиб, холлни кесиб ўта бошлади. Унинг худди мен кутган одам эканини узоқдан фаҳмладим. У ҳам эскидан танишдек қуюқ сўрашиб, иккинчи қаватдаги хонасига бошлади.

Кондейшн эшитилар-эшитилмас гувиллаб турган оддийгина салқин хонада гиламнинг бир четиде ер тагидан сергак тикилиб ётган паҳмоқ сеттердан бўлак қимирлаган жон, ҳатто бирорта ортиқча жиҳоз ҳам йўқ эди.

— Кофе? Сигара?— деди уй эгаси.

Бу — ажойиб келишган, қотма, гавдаси адл, одмигина, лекин хушбичим костюм кийган, жингалак сочига оқ оралаб, кулранг тусга кира бошлаган ўрта ёшлардаги жозибадор киши эди, билимдонлиги, хушмуо-

малалиги билан мени дарҳол ром қилди. Суҳбатимиздан маълум бўлдики, таги Ҳиндистонда инглиз оиласида туғилган, кулиб айтишича, наслида жасур синкхларнинг «орий» қони ҳам омухта экан, асли номи Рональд Байрсби, дарий ва паштуний тилларни бекам-кўст билади, лекин мен «сэр» деб муурожаат қилганимдан кейин англизча сўзлай бошлади.

Мен, албатта, аввало ўз шубҳамни билдирдим:— сиз-ҳозирги прогресс одамларисиз, биз эса, кўҳна дунё... Мен на типография ва на гидрогеологиядан хабардорман, булар бари замонавий тезкор соҳалар, қадимий дунё билан шуғулланиб юрган мендек бир қарияни группангизга таклиф қилмоқчи бўлибсиз, бу англашилмовчиликми ёки...

— Йўқ,— деди Рональд Байрсби. Телефонда кофе буюриб, рўпамдаги креслога чуқур жойлашиб ўтирди.— Бу англашилмовчилик эмас, доктор Суҳайл. Сиздек билимли, нодир мутахассис бизга жуда ҳам зарур. «Авесто» деган муқаддас китобдан ёввойи отларни қўлга ўргатиш манзараси ёдингизда бўлса керак. Отларни қўлга ўргатиш ўша замонлар учун ҳозирги фан-техника инкилобидан кўра муҳимроқ бўлган, мен сизга айтсам. Пода кетида пиёда судралаиб юрган чўпон бирдан от миниб олди, дейлик. Энди унга уфқлар кўринади, яйловлар кенгайди, чорва кенг ёйилиб, туёқ кўпайгандан кўпая боради. Кўчманчи қабилаларнинг ўзлари ҳам, ер чегаралари ҳам узоқ-узоқларга кўча бошлади. От-улов карвонлари кенг уфқларга қараб йўл олади, янги йўллар, янги география пайдо бўлади. Отлиқ овчи ёй отганда унинг олдида замин бир камон ўқ масофасига кенгайди. Халқлар, элатлар ва қабилаларнинг бу ерлардаги, айниқса тоғ йўлларидаги қадимий миграцияси археологларни кўпдан қизиқтиради, буни биласиз, доктор. Неолит манзиллари бўйича сиз ҳам қадим сув йўллари, пода ва ов сўқмоқларини аниқлагансиз, ўргангансиз. Бу тажриба ва билимларингиз бизнинг тоғ шароитидаги гидрогеологик қидирув ишларимиз учун айни муддао эмасми? Мана сизга қадим дунё ва замонавий прогресс.

Рональд Байрсби янги келган қайноқ қора кофени кичкина сопол идишларга қуйиб, кумуш қисқичда чақмоқ қанд солди.

Дарпардалари тушган салқин, нимқоронғи хонада хушбўй қаҳва ҳиди анқиб, менинг кайфиятимни кўтариб юборди. Суҳбатдошим ҳар нарсани асосли, ишонарли қилиб гапирар, бутун вужудидан шижоат, ўзига ва сизга ишонч руҳи барқ уриб турар эди.

— Ҳа, мен энди оз-моз тушуняпман ўз ўрнимни,— дедим қаноат билан.

— Энди бизнинг компания ва унинг институтлари ҳақида, — деди Байрсби ишчан руҳда. — Штабимиз Пешоварда, билсангиз керак. У ердаги қадим рожадан қолган кўрғонга жойлашган илмий-текшириш институти беш юз акра тажриба плантацияларида, лабораторияларда иш олиб боради. Биз саҳроларни ўзлаштирамиз, яйловларни тиклаймиз, эрозия жараёнларига барҳам берамиз, суғориш тармоқлари, сув иншоотлари барпо этамиз. Ҳиндистоннинг қақроқ Тар чўлларига биз ҳаёт келтирдик, хабарингиз бўлса керак. Геологиядан социологиягача — мана бизнинг иш доирамиз. Ҳозир ҳатто олис кўчманчилик районларидаги ҳаёт шароитларини ҳам ўрганиямиз. Ҳиндистону Покистон, Эрону Афғонистон... Бизнинг лойиҳа ва тавсияларимизни барча ривожланаётган давлатлар имтиёзли шартлар билан жон деб олишяпти!

— Олижаноб фаолият!— дедим мен, жуда маъқул бу гапларга бош ирғаб ўтириб. Суҳбатдошим мени энди ўз одами деб билиб, яйраб ҳикоя қилар, эндиликда ўзимнинг ҳам бунга шубҳам қолмаган эди. У давом этди:

— Мен интернационал бурч ҳақида сўзлаб ўтирмайман, бу ўз-ўзидан равшан, лекин ишимизнинг катта бизнес эканини ҳам унутмаймиз. Ерли мутахассисларни иш билан таъминлаймиз, контрактларимиз ҳам компаниямиз обрўсига яраша эътиборли. Мени тарғиб қилаяпти, деб ўйлай кўрманг, Шимолий Афғонистондаги бўлғувси Катта Аму лойиҳаси мамлакатингизнинг барча ватанпарвар кучлари диққатини жалб этажак, бунга кўзимиз етади. Ҳукуматингиз идораларида ҳам бунга қизиқиш катта.

Уйлаб қарасам, менинг ночор юртим тарихида мисли кўрилмаган бир иш бўларкан. Кўримсиз қаҳвахонада ўтаётган кунларимга ачиниб кетдим, менинг касбим ҳам кор келиб, билимларим тасарруфига жой топилиб қолса зора! Бу адл қоматли билимдон одамни менга ёруғ қисмат дуч қилибдики, йўқ демаслигим керак.

У билан дўстона хайрлашдим, масала ўз-ўзидан ҳал бўлган эди. Шундай қилиб, ўйламаган жойда, кекса бошим билан қидирув группасига аъзо бўлиб қолдим. Сайёд Ниҳон билан Наим Сарбаландни топиб, қароримни билдирдим, биз яна қаҳвахонага бориб, юртимизнинг равнақи, ватанпарварлик ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Улар менинг компания билан шартнома тузишимга ёрдам бердилар, сафарга тайёргарлик борасида тавсия, ҳам маслаҳатларни айтдилар.

Экспедициямиз дастлабки сафарда чуқур воҳанинг ичи билан тоғ жарликларига кўтариладиган эски сой ўзани бўйлаб йўлга чиқиши керак эди. Бунга отлар, тоғ йўлида яхши юрадиган қўтослар сотиб олиш, ёрдамчи кучлар, ерли тоғликлардан йўл бошловчилар ёллаш, палата, зарур лаш-луш, коржомо, озиқ-овқат ғамлаш, асбоб ускуна олиш каби машаққатли тараддудга бир ярим ойдан ортиқ вақт кетди. Йигитлар уйларига бориб, оз муҳлат бўлса ҳам, оилалари билан бўлиб қайтдилар. Менинг эса хайрлашадиган кишим деярлик йўқ, ёлғиз ўғлим Аврангзёб Кобулдаги ёш сарбозлар лицейига кираман деб кетган. У билан отаболалик муносабатларимиз жуда илиғ-у, лекин шу жойга келгандан гапга кўндиролмадим: лисага бораман деб туриб олди. Ўзи болаликдан анча бебош, қўрқмас, таваккалчи, дийдаси қаттикроқ бўлиб ўсди. Ит-мушукка омонлик бермайди. Шиори — ҳеч нарсадан ҳайиқмаслик. Балки бу болалик ғуруридир, балки мактабда, тенгқурлари орасида ўзига келар, дилига меҳр соладиган онаси йўқ, бир муаззинга тегиб кетибди деб эшитдим, мен эса боланинг тарбиясини барибир эплломайман. Бора қолсин, майли, ўқиса балки одам бўлар, дедим.

Ҳачиру қўтосларда той-той юк, расмана бир карвондай чўзилиб, азонда йўлга чиқдик. Эрта баҳор. Куртак ёрган бутазорлардан чумчуқ галалари пир-пир учади, қир этакларида бодроқ-бодроқ бўлиб гуллаган ҳашаки зардолларнинг аридан гувиўлагани узоқданоқ эшитилади. Онда-шонда сал кўкара бошлаган сарғиш Аму яйловларида от кишнайти, шаталоқ отиб бетиним чопқиллаган қулунлар бия товушини эшитиб тўхтайти-да, олисларга аланглаганча бурун катакларини кериб, зах далалар ҳавосини тўйиб шимиргач, яна чопади. Шамолдан ағанаган бултурги қамишзорларга ғақ-ғақ қилиб ёввойи ғозлар қўнади. Мен бу қадрдон йўлларни кўпдан қўмсаган эдим. Баъзан, одатимча, қумда, майсада қолган ҳайвонлар изидан уларнинг баҳорги ҳаётини ўқиб, ўзимча жилмайиб қўяман.

— Доктор Суҳайл, кайфингиз чоғ?— деб сўрайди от устида хоодай ғўдайиб, оёғи ерга теккудай осилиб кетаётган новча Сайёд Ниҳон. Эрта баҳор нафасидан унинг хунук юзига ҳам чирой киргандек.

— Ҳа, йўлимиз ўнгсин, ишқилиб.

— Бу айниқса сизга боғлиқ, доктор,— деди олдинроқда мерган ковбой сингари, от билан бирга қўйилган ҳайкалдек бўлиб кетаётган ҳушқомат бошлиғимиз.— Довондан кейин карвонни лагерда қолдириб, қадим йўлларни ўзимиз кезамиз, сиз ўзингиз йўл бошлайсиз.

— Хўп, сэр.

Уни фақат мен «сэр» деб атайман. Бошқалар орқаваротдан «босс», юзига эса «соҳиб Лаъл» деб мурожаат қиладилар ва ўз тилларида гаплашадилар. Пишиқ бўлади деб хачир миниб олган Надим Сарбаланд унга ҳатто ўзининг исазай шевасида гапиради. Билимдон бош геологимиз шуни ҳам тушунади, унга ҳаммамиз қойилмиз. Ёрдамчи хизматкорлар уни, ҳурмати учун, майда-чуйда халта, бўғчалардан бутунлай холи қилишган. Бизнинг уовларимизда, айниқса пакана Сарбаланднинг хачирида баъзи нозик асбоб-ускуна, қоп, қути каби юклар лапанглаб кетяпти. Соҳиб Лаълнинг эгар қошлари ҳам бўш, зотли оти ўйноқи, қўлида

фақат милтиғу орқада содиқ сеттери «Ража» ҳар тошу шувоққа оёқ кўтариб пилдираб кетаяпти.

Хуллас, бошлиқ ҳаммамизга маъқул. Унинг келишган қад-қомати, энгил сафар жомаси, чаққонлиги, ғайратию ширин муомаласи хизматчиларнинг ҳам ҳавасини келтиради, айтган гапи — гап. Надим билан Сайёд эса унинг учун ҳар нарсага шай. Уларнинг бошлиққа содиқлиги менга ҳам ёқади. Фақат бир нарса сал ғалати: шундай кўркам, маданиятли ва билимдон йигит атрофдаги табиат мўъжизаларига, илк баҳор гўзалликларига андак бепарводай туюлади менга... Бу балки дастлабки юзак таассуротдир, лекин атр таратиб ётган тароватли водийлар ҳам, кип-қизил лолазор қияликлар, банорас ёпинган қирлар, тикка қоялардан учган оқ наъматак гулининг «бўрон»лари ҳам, кўклам уйғотган тоғ ирмоқларида сув ичаётган зангори читтакнинг узун оёқларида тебраниб туриши ҳам — хуллас, ҳеч бир гўзаллик унинг диққатини тортмаяпти, бу ерларнинг мастона манзаралари ҳақида менинг эсим кетиб гапирган гапларимга ҳам шунчаки бош ирғайди-ю, унча завқ билдирмайди. Эҳтимол, унинг ўта ишчанлигидан, хаёлларининг бандлигидандир.

Учинчи куни кечқурун оғир тошлоқ йўллардан отларимиз оқ кўпикка ботиб доvon ошдигу, хушбўй арчали бир қияликда дастлабки база учун чодирлар қурдик. Тепароқда қояга илиниб қолгандай кичкинагина кўм-кўк кишлокча осилиб турарди. Қўйида энгил туман, қандайдир ғуж дарахтлар қорайиб кўринади. Уша томондан эшитилган бойўғли товуши гўё тунни тезроқ чорлаб, юксак осмонда ғарб шафағининг охирги яллиғларини ҳам сўндирди. Лагерь тинди, лекин тун сеҳридан ҳамма уйғоқ, фақат «Санчо Пансо» (сэр Байрсби билан биз ҳачир минган бақалоқ гидрогеологимизни шундай деб атаганмиз) эгарга бош қўйиб, хуррак ота бошлаган эди.

Мен узоқлардаги паст тоғ тизмаларида йил-йилт этган ўтлар, баъзан тоғларда тошга айланган қадимги ёнғоқ тўнкаларининг темир оксиди кўпайганда чўғдай ёниб туриши ҳақида сўзлардим, бошлиғимиз қизиқиб қулоқ солгандай туюлганидан тушунтиришда давом этдим. Умуман, Ўрта Осиёда дастлабки инсон ҳаёти тоғу дараларда бошланганлиги аниқ, суғд ва чоғаниён қабилаларининг ўтга сиғиниш одатлари, оташпарастларнинг дастлабки ибодатлари ҳам шу ерларда пайдо бўлган, улар ибодатхона учун ўтти мана шу оташнафас тоғлардан олганлар. Шу билан бирга, бу қадимий табиий ўчоқлар тириклик маъбаи ҳам бўлган, одамлар шу ёнартошлардан олтингургурт, навшадил, тери ошлаш учун зарур моддаларни ажратиб олабилганлар. Бу ибтидоий ўчоқларнинг ёнганига тахминан уч ярим миллион йил бўлди. Сўғдиёна чироқлари... Улар айниқса мана шундай тунги тиниқ осмон фониди сирли мўъжизадек кўринади, гўё афсонавий девлар тоғлар қаъридан ўзининг олов тилини чиқариб кўрсатаётгандай...

Сухбатдошимга қарадим, ёнбошлаб, қулоқ солиб ётибди. Менинг ҳикоям унинг дилида нималар уйғотди, нималарни ўйлаяпти экан?

— Бу жойлар афсонага бой,— деб аста давом этдим.— Уша оташнафас тоғлар орасида Рахшкўл бор. Осмондай тиниқ тоғ кўли, сувининг мавжи баҳорги майсадек ям-яшил. Афсоналарга кўра, «Шоҳнома»даги Рустами дostonнинг олов қанотли дўлдули Рахш шу кўлнинг тубида ўтлар экан. Бу арчазор ёнбағирларга овга келган мерганлар булбул навоси таъсиридан милтиқларини ташлаб кетарканлар. Ҳали ҳам узоқ-яқиндан бойваччалар калпик сайилига келиб туришади...

Билган гапларим кўп, сўлим баҳор кечаси, тоғ ҳавоси кўнглимни илитдими, илҳомим тошиб, гапиргим келар эди, лекин, қарасам, шефимиз ўша ёнбошлаганича пинакка кетиб қолган экан. Нарироқда уйғоқ ётган Сайёд Ниҳон «жим, соҳиб уйқуга кетдилар» дея ишора қилди.

Жимиб, ўзимдан хафа бўлдим, бунча сергап бўлмасам, булардан ёшим катталиги ҳам, касбимнинг буларга бегоналиги ҳам билиниб қолди. Одамлар, хусусан, сэр Байрсби ҳам, куни билан йўл юриб толиқишган, уларнинг уйқуси ҳам қаттиқ, сеникидай қуш уйқу эмас, кўҳна дунё ҳикояларию афсоналарингга бало борми!..

Асабим бузилиб, уйқум келмади. Халтадаги эски рисолаларимни

олиб, батареяли фонарча ёруғида тоғ қабилаларининг қадимги миграция йўлларини хотирамда тиклашга, кўчманчиларнинг мол сўқмоқларию қуриган сой ўзанларини харитадан яна бир белгилаб чиқишга уриниб тонг оттирдим.

Эртасига ишчиларга жавоб бериб, базага соқчи қолдирдик-да, фақат қидирув группасининг ўзи — бир қўтос билан иккитагина ҳаммол олиб топограф, тупроқшунос, гидрогеолог, севимли Ражаси билан бош геологимиз — пиёда йўлга чиқдик. Йўл бошловчи энди мен эдим.

Қадим йўлларни тош тўсиб, сел ювиб, чакалак босиб кетган, чуқур жарликлар кесиб ўтган, юриш ниҳоятда оғир, лекин яна бир-икки кун деганда мен ўз миссиямнинг моҳиятини астойдил тушуниб, группадаги мавқеимдан тобора қаноат ҳосил қила бошладим. Мен кўрсатган қадимий миграция тармоқлари кўпинча тириклик манбаларига, айниқса эски сув йўлларига яқин эди. Сув эса ўзига маъқул қаттиқ қатламларни танлаб пастлаб борарди. Булар бари группамизнинг мутахассислари учун кашфиёт эди. Улар ҳадеб тоғ-тош кезавермай, оз вақт ичида кўп нарсани аниқлаётганликларига хурсанд эдилар. Бошлиғимиз пахмоқ Ражасини эркалатиб ўйнайди. Сайёд билан Надим буни зимдан кузатиб мамнун, чунки бу — шефнинг ишдан розилигини кўрсатарди.

Йиғилган геологик намуналар оғирлик қилиб орқароқда қолган уловларимизни кутиб, бир яшил ялангликда нафас ростладик. Қир гулларининг нафис ҳиди таралган, баҳор шабадаси, эсиб турибди, тиззадан ўт, қушлар чақ-чақи чарчоғимизни дарров ёзди. Кўп ўтирмай, юкларни у елкадан бу елкага олдик, биримиз пайтавани қайта ўрадик, биримиз ботинка ипини қайта боғладик-да, яна ўрлаб кетдик.

Энди қўзғалганимизда ғовлаб ўсган исириқ тагидан ориққина курк қирғовул парр этиб учди, учдию пахмоқ Ражанинг ўт орасидан ўзи томон ўқдай отилганини кўриб, негадир яна ерга қўнди. Улжани сезиб қони қайнаган Ража ўша томон ҳовлиқиб сакради, қирғовул эса яна учди, нарироққа бориб яна тушди. Сайёд билан Надим бақиришарди:

— Ярадор экан!

— Қаноти синганга ўхшайди!

Соҳиб Лаъл ҳам овчилик эҳтироси қўзғаб Ражасини гиж-гижлар, «Ол, Ража!» деб қувноқ қичқирар эди. Қирғовул чиндан ҳам қаноти сингандай учиб-қўниб, учиб-қўниб узоқлашаверди. Мен жониворнинг ҳийласини тушунардим: шу яқин орада, эҳтимол, ҳалиги исириқ тагида бола очган, жўрттага қаноти сингандай учиб-қўниб, итни уясидаги нотавон жўжаларидан узоқроққа алдаб олиб кетяпти. Ража билан қирғовул анча жойга кетиб қолишди. Ит кўзи қонга тўлиб, ҳансираганча, ана тутаман, мана тутаман деб ҳамон қувлайди, чангал солишга бир қадам қолганда «қаноти синган» она қирғовул базўр ҳаволайди-да, нарироқда тап этиб ерга тушади. Мен жониворнинг оналик инстинктига, фидойилигига қойил қолиб, гап нимадалигини ёнимдаги сэр Байрсбига бейхтиёр завқ билан айтиб қўйибман.

Бу қилган ишимга ҳали-ҳали дилим ўртаниб пушаймон қиламан, ўша дамни ўйласам, ўзимга нафратим келиб кетади.

Менинг гапимни эшитган сэр Байрсби «Э-ҳа!..» деб чиройли кўзларини катта очиб турди-да, дарров Ражасини чақирди. Неча бор қичқириб, таҳдид билан чорлагандан кейин ит ҳам орқасига қайтиб, эгаси томон юрди. Ҳайрият, жонивор қутулди, бошлиғимиз уни аяди шекилли деб, ичимдан қувониб турсам, сэр Байрсби итини қирғовул уяси томон бошлади.

Исириқ тагидаги уяда қирғовулнинг тўртта полопони сариқ тумшуқларини катта очиб, оналарининг ем келтиришини кутиб чуғурлашар эди. Шарпани кўриб, темирқанот жўжалар узун бўйнилларини чўзишиб, талпинишди. Рональд Байрсби кулиб, бирининг қизил гўшт қанотидан тутди-да, юқорига кўтарди, икки қадам нарида тилини осилтириб, ҳансираб, унга қараб турган сеттернинг олдига ташлади. Ит бу ожиз вужудни ҳидлаб, у ёқ-бу ёққа ағдарди. Кейин чўзилиб ётди-да, икки оёғининг орасига олиб ғарчча тишлади, бир парча суяксиз қизил гўштдан

жиндек қон чиқди холос, ит уни тириклай қисирлатиб, икки ямлаб ютди-да, тамшаниб эгасига қаради. Сэр Байрсби илжайганча жўжанинг иккинчисини икки бармоғига илиб олиб, кўтариб турарди.

— Сэр!— деб қичқирдим энди ҳушимга келгандай.

Байрсби кулди. Мен қўлига осиламан деб интилган эдим орқамда Сайёд билан Надимнинг кулгисини эшитдим. Бўшашиб тўхтаб қолдим: ё булар одам эмас, ё мен... Байрсби иккинчи жўжани итга ташлади. Қисир этган товушни эшитдим четга қайрилиб, кўз-қулоғимни кафтим билан бекитиб олдим. Сайёд билан Надим кулишар эди.

— У ҳйлакор бўлса, биз ундан ҳйлакорроқмиз, тўғрими, Ража!— деб кулар эди соҳиб Лаъл, яна бир жўжани ташлаб. Сайёд билан Надим «тўйди, соҳиб, маза қилди!» дея қиқирлашар, мен бўлсам ўзимга тасалли беришга уринардим: хайрият, менинг ҳолимдан эмас, соҳиб кулаётгани учун қиқирлашаётган экан бу икки ялтоқи. Бу «томоша» тугагунча йиғлаб юборишимга сал қолди, хотинчалиш экан деб ўйлашмаса эди...

Шу кундан бошлаб орада қандайдир ришта узилди. Улар гўё ўша-ўша-ю, мен ўзимни группада алланечук бегона сезардим. Сэр Байрсбининг чиройли хатти-ҳаракатлари, хушмуомалалиги ҳам ёқмай қолди. Унга нисбатан кўнглимда пайдо бўлган совуқликни ҳайдашга қанча ҳаракат қилсам ҳам эплолмасдик.

Кўп йўл юрдик, алаф ўсмаган тош қияликлардан, кўчкилар хавфи аён бўлиб турган «жонли» қатламлар четидан ўтиб, кўп оғирчиликлар кўрдик, иш билан, ўй, баҳс билан банд бўлдик, мен бошлиғимизни авваллари икки бармоғида полопон ушлаган ҳолда бир-икки марта тушларимда кўрдиму, кейинчалик аста-секин барини унутиб юбордим. Уша воқеа гоҳ-гоҳ ёдимга тушганда, қирғовул қуриб кетибдими, йилига неча минглабини отишади, неча минглаб тухумио боласига тулки, юмрон қирон келтиради, дея ўзимни овутаман. Ўзим ҳам қизиқ эканман-да, шунча катта ишлар қилаётган биздек одамларда шунақанги болаларча жўн кўнгилчанликка бало борми...

Йўл бошлаб борар эдим. Кўним, тунаш, нонушта пайтлари илгаригидек ишчан, иноқмиз. Совуқликнинг орадан кўтарилганига хурсандман. Дарвоқе, совуқликни улар пайқамасди ҳам, ёлғиз ўзим ичимга ютиб юрдим.

Чакра ғорига етдик. Кўрамиз дейишди. Йўлимиздан четроқда бўлса ҳам, ўзимиз толиққан бўлсак ҳам, улфатларимга меҳрим товланиб, майли, бу мўъжизани ҳам бир кўришсин, дея йўл бошладим.

Чакра! Уни болаликда кўрган тушдай эслайман. Бу ноёб ғорга ёшлигимда бир йўлим тушиб, дилимда кўп орзулар туғилган эди. Чакра мўъжизаси ҳозирча давлат ҳисобида бўлмаса ҳам, илм-фан ҳисобида бор, шунинг учун уни яна бир кўриш ўзимга ҳам айни муддао.

Ғор оғзидаги чуқурни ирғай буталари босган, пештоқига эса занги қизғиш ёввойи ток чирмашиб кетган эди. Ичкарига оёқ босишимиз билан совуқ ва зимзиё қаъридан тўда-тўда кўршапалак бошимиз устидан қора шамолдай учиб чиқиб кетди. Биз карбид фонарларимизни ёқдик. Киришда кўримсизгина туюлган ғор бирдан чарақлаб, кўз ўнгимизда кенг, баланд, оппоқ афсонавий қаср пайдо бўлди. Ичкарига юрганимиз сари ғаройиб шаклларда тарашланган мармардек оқ устунлар гоҳ шифтдан осилиб тушган, гоҳ ердан ўсиб чиққан ўнлаб найзасимон шаффоф пирамидалар қатор тизилиб турар эди. Фонар шуълалари юқоридаги қандилсимон табиий тош кунгираларда товланар, афсонавий гул ёки даҳшатли алвасти шаклига кирган катта тошлар орасида сирли соялар ўйнар эди. Биз бу мўъжизалардан ҳушимиз оғиб, қанча йўл юрганимизни билмаймиз, ғор тоғ ичига деярлик тикка кириб кетган, фақат ярим чақиримлардан кейин сая кенгайиб, жиндак бурилиш ясаган жойи бор эди. Шу ерда бошлиғимиз компасдан кўз узиб, мендан сўраб қолди:

— Бу жаҳаннам узунми, доктор?

— Бу ерда бир туркум ғорлар бирлашган, сувлилари ҳам бор. Умуман узунлиги тахминан уч ярим километр, лекин тагин билмадим, менга нотаниш тармоқлари ҳам бўлиши мумкин, Чакрага ҳали спелеологларнинг

оёғи етмаган, сэр,— дедим мен. Соҳиб Лаълнинг ғордаги табиий мўъжизаларга унча тикилмай, бошқа нималарнидир ўйлаётганини пайқаб тушунтира бошладим:

— Биласизми, бундай ғорлар қандай пайдо бўлади? Мўрт жинслардаги майда дарзларга аста-секин нам, сув ўтади-да, оҳак қатламларини эритиб олиб чиқиб кетади. Йиллар, асрлар давомида ўпқонлар, ғорлар пайдо бўлади. Чакра ҳозир мукаммал яъни ўйилмайдиган жинсларгина қолиб, анча тўла шаклланган мағора ҳисобланади. Унда қадим замонларда ибтидоий одамлар яшаган бўлиши керак. Мана бу кристалллардан устунларни — тепадагилар сталактит, пастдагилар — сталакмит деб аталади — уларни сув томчилари миллион йиллар давомида яратган. Кўрдингизми, сэр, мўъжиза! Халқимиз сал қаддини ростлаб, у-бу ишга қурби етадиган бўлсин, ўшанда бу ерларга спелеология мутахассислари келади, йўллар, отеллар, музейлар очилади, бу ноёб мўъжиза бутун дунё сайёҳларининг диққатини тортади. Истиқболда мамлакатимизнинг жаҳонаро шон-шухрати бу!

Лаъл Маҳдий менинг ҳикоямни тинглар экан, айна пайтда Сайёд Ниҳонга, Надим Сарбаландга иш буюрар, габарит рақамлари, геологик намуналар олдирад, мени эса «ҳа», «ҳа» деб, гапга рағбатлантирад эди. Улар ҳам «хўп бўлади, соҳиб!» деб югургилаб юришибди. Улфатларимнинг шу ерда ҳам ортиқча ишчанлиги, ҳеч қаерда учрамайдиган бу афсонавий гўзалликлар сеҳрига парво қилмагани менга ёқмади. Бу қадар ҳиссиз, дидсиз бўлиш ҳам яхши эмас-да. Лаъл-ку, майли, у бегона бир бизнесмен, ҳа булар-чи, булар ўзимизнинг аффонлар-ку, ахир, катта пул беради деб, она юрт табиатининг фусункорликларига ҳам кўру кардай лоқайд бўлиб, бунчалик мутеълик қилишлар эвида-да!

Чакранинг кўркам қасрларидан оғир кайфиятда чиқдим. Йўлдошларим ҳам сафар коржомалари намиққан юз-кўзлари оҳакка, қизил балчиққа беланган; асбоб ва юкларини зўрага кўтариб ёруғликка чиққанларида, анчагача қуёшга кўз очолмай, майсада ҳорғин юмалаб ётдилар. Шунинг учун улар орасида менинг таъбим хиралиги унча билинмади. Фақат шефимизгина буни бир оз сезди чоғи, кўзларимга қараб-қараб кўярди.

Дарвоқе, буни таъбхиралик деб хато қилган эканман. Кейинроқ таъбхираликнинг шунақасига дуч келдимки, унинг олдида булар арзимаган гап бўлиб қолди.

Бошлиғимиз мутахассисларга махсус топшириқлар бериб, Чакрани яна бир марта узоқ текширтди, унинг тупроқ тузилиши, тоғ жинслари, параметрлари ҳақида маълумотлар тўплади. Бу ерда яна икки кеча тунаб, шундан кейингина ғор ўйган тоғни ошиб ўтдик. У ерда ажойиб манзаралар намоён бўлди: биз Аму воҳасига чиққан эдик!

Бу ерда ҳали анча тез, лекин энди бир оз ёйилиб оққан Амунинг бўтана бўла бошлаган сувига баҳорги тоғ ирмоқларининг тиниқ қор сувлари дарров омукта бўлолмай, унга ола-була ранг, гоҳо йўл-йўл беқасам тусини берар эди. Тезоб жойларда қирғоқлар ўйилиб, соҳилларда қамишзорлар, ёйиқ жойларда кўм-кўк оролчалар пайдо бўлган, тўлиб-тўлғаниб оққан дарёнинг иланг-биланг йўли узоқ-узоқларгача йилтиллаб кўринарди. Пастда воҳа обод, айниқса ўнг соҳилда бодроқ бўлиб гуллаган туташ боғлар, тарам-тарам чексиз далалар, икки ёни теракзор йўллар, сойликлардаги яшил қишлоқлар; чап соҳилда ҳам лозор қирлар, бўлиқ ўтлоқларда мол-ҳол, бўшаб қолган қўра ва қишлоқ жойлари кўзга ташланади. Баҳор худди шу воҳада туғилган, бутун ҳуснини шу ерда намойиш қилаётгандек эди. Шунга кўзларимиз қувониб, завқланиб ўтирганимизда Лаъл Маҳдий жиддий ва баланд руҳда гап очди:

— Экспедициямизнинг омадини пайқадингларми, йигитлар!? Мен сизларни дастлабки катта муваффақият билан табриклайман! Кўрган-кечирган қийинчиликларимиз беҳуда кетмайди, тўплаган материалларимиз лойиҳачилар учун хазина!

Биз тетик тортиб, унга кўз тикдик.

— Энг катта омадимиз шуки,— деб давом этди шефимиз,— лойиҳа

кўзда тутилгандан кўра анча арзонга тушади. Чунки биз, биринчидан, Чакра ғорини трассанинг табиий тоннели сифатида фойдаланишни тавсия этамиз. Бу...

— Сэр...— мен беихтиёр сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

— Бу дегани қаттиқ тоғ жинслари аро уч ярим километрлик қарийб таппа-тайёр тоннель, жаноблар. Уни бизга худонинг ўзи инъом этипти! Сиз бир нима демоқчимидингиз, доктор Суҳайл?

— Сэр, мен бунга қатъиян норозиман ва қурбим борича қаршилик кўрсатаман!— дедим. Овозим ва вазоҳатим ўзгариб кетган бўлса керак, Сайёд билан Надим илжайиб турган жойларида чўчигандай қотиб қолишди. Фақат соҳиб Лаъл юзидаги қувонч ифодаларини ўзгартирмай, лекин гапимга жиддий эътибор бергандай:

— Хўш, хўш?— деди менга қараб.

— Мутлақо қаршиман бундай тавсияга!— дедим.— Мутахассис сифатида, шу юртнинг фуқароси сифатида!

— Биз ҳам мутахассисмиз, биз ҳам фуқаро... Хўш, сиз нега энди...

Соҳиб Лаъл «биз» деб, дарров бошқаларни ҳам ўз ёнига олди, мени яккаламоқчилигини пайқадим.

— Сэр, ахир Чакра — бир афсона! Ватан шуҳрати! Жаҳон аҳамиятига эга бўлган ноёб мўъжиза!

— Ким айтди сизга буни? Қаерда ёзилган?

— Ҳали унга спелеологлар оёғи етмаган, шунинг учун ҳеч қаерда ёзилмаган. Давлатимизнинг даста қисқароқ, ўзингиз биласиз.

— Шарқ!— деб хитоб қилди соҳиб Лаъл, қўлларини ёйиб.— Шарқда икки кишининг бири шоир! Агар-чи, доктор Суҳайл, ҳуда-беҳудага лирика билан шуғулланаверсангиз, давлатингиз ҳеч қачон оёққа туролмайди.

— Вақти келиб, Чакра бизнинг миллий ғуруримиз, шон-шавкатимиз бўлиб қолади, сэр!

— Биз ҳам шу мамлакатнинг ғурури, шон-шавкати ҳақида, Катта Аму лойиҳаси ҳақида жон чекиб юрибмиз, доктор.

— Тушунсангиз-чи, сэр Байрсби, дунёда бундай мўъжиза кам бўлади. Унга сув қўйиб, асрлар давомида сайқалланган абадий гўзалликни оқизиб юбориш ваҳшийлик-ку!

— Кекиртакка зўр берманг, доктор, ўтиринг, — деди соҳиб Лаъл, «бу сизнинг ишингиз эмас, кимлигингизни унутманг» деган маънода.

— Йўқ, — дедим мен, ўтирмадим. Шерикларимга мурожаат қилдим: — Гапирсанглар-чи, лунжларингга талқон солиб олганмисизлар, кўрдинглар-ку Чакрани, оғизларинг очилиб қолди-ку! Сайёд, Надим бу ўзимизники, халқимизнинг оламшумул бойлиги ахир! Нега индамай-сизлар?

Улар дам бошлиққа, дам менга қараб, анқайиб туришаверди. Ҳафсалам пир бўлди улардан, миллий ифтихор ҳиссидан маҳрум бу пул бандалари аянчли кўриниб кетди кўзимга. Ҳаммамиз жим бўлиб қолдик.

— Менга қаранг, доктор, — деб мураса оҳангида сўз қотди Лаъл Маҳдий. Мен ўзимни босиб олганимча йўқ эди, дағаллик билан гапини бўлдим:

— Мен ҳар қаерда айтаман ўз фикримни... агар шу таклиф юзага чиқадиган бўлса, халққа эълон қиламан, ёзаман, афкор оммага мурожаат қиламан, билиб қўйинг, сэр!

У менинг бундай тиш-тирноқ кўрсата олишимни кутмаган, албатта, шунчаки қария, ожиз бир зиёли, деб ўйлаган. Кутилмаганда «ичидан ола чиққани»га гангиброқ қолдию, фикридан қайтиш хаёлига ҳам келгани йўқ. Шунга кўра, уни бошқа йўл излашга кўндириш учун урунмадим ҳам, — тўғри қилдимми-йўқми, ҳозирча билмасдим — жаҳлдан тушолмай қўпол гапирдим, ҳақорат қилдим:

— Сиз, сэр, келгинди бир одамсиз, миллий ҳисларимизга бундай оёқ қўйманг, у вақтлар ўтиб кетган...

Орамиз қаттиқ бузилди. Қидирув группасининг иши ҳали кўп, айниқса сув олиш зонасини белгилаш бўйича энг мураккаб ишлар давом этарди.

Кўтослар билан юкчилар ҳам етиб келиб, Аму ёқасида қапа тикишди. Бош геолог барча мутахассисларга, айниқса топограф, тупроқшунос, гидролог, геологларга муҳим топшириқлар бериб, узоқ ва қийин сафарларга юборар, улар бир неча кунлаб йўл юриб оғир юклар билан ҳориб қайтиб, таппа ташлашар, Сайёд билан Надим бошлиқ нима деса, ҳолдан тойганларига қарамай югургилаб бажаришар, фақат мен беиш эдим. «Сенинг вазифанг тугади» дегандай яккалаб, четга суриб қўйишганини сезяпман. Ё чиндан ҳам вазифам тугади, ё бошлиққа ёқмай қолганимдан ишқилиб, эътибордан тушиб, моховдай юрибман. Бу бекорчилик бошлиқ билан орамиз бузилган кунларга тўғри келганидан менинг дилхиралигим ҳаддан ошди. Бир вақтлар кўркам, маданиятли йигит бўлиб кўринган Лаъл Маҳдийни кўрага кўзим йўқ, энди унинг бадҳазм, ёт одамлигини ҳар қадамда сеза бошладим. Узи амалий иш қилмайди, буюради ва маълумот тўплайди, холос. Бироқ аниқ ишга қўл урганини, бирор илмий фикр айтганини кўрганим йўқ. Унинг мутахассис геолог эканига ҳам шубҳаланиб қолдим. Манови сотилган югурдаклар эса буни пайқамайдилар ҳам. Бошлиқ ҳам кўпинча ўшалар билан ҳамтовоқ, ўшаларга таянади, бирон ишдан тинчиган пайтларида хурсанд бўлиб улфатчилик қилишади. Мен уларнинг қаҳқаҳаларини тинглаб, ўз палатамда мукка тушиб ётаман.

Юлдузли тун эди. Пастда Аму воҳаси ой шуъласига лим-лим бўлиб ётибди. Дуркун баҳор сутдай оқ сокинлик қўйнида бахтли келинчақдай кулиб ором олади. Тўхтаган жойимиз баландликда бўлгани учун, шуълага чўмган тиниқ осмон узоқ-узоқларгача нилий ранг таратиб, бутун воҳани, йилтиллаб оққан Аму сувларини кўз ўнгимизда намоён қилиб турибди. Зангори бўшлиқда ўнг соҳилнинг шаҳар-қишлоқлари, колхоз-совхоз посёлкалари тўп-тўп юлдузлардай нур сочиб, жимирлаб ётибди. Қирғоқ бўйлаб ёруғ-хира чироқлар тизилиб кетган, портлар, электрстанциялар, завод, комбинатлар, канал ва сув омборларининг бош тўғонлари бўлса керак...

Нарироқдаги кўм-кўк ялангликда менинг ҳамсафарларим гангур-гунгур улфатчилик қилишар эди. Мен уларни бу тунги манзараларга бепарво, шунчаки ичиб ўтиришибди, десам, йўқ, улар ҳам худди шу ҳақда гурунглашаётган экан. Сайёд Ниҳон билан Надим Сарбаланд индамай еб-ичиб, қулоқ солиб, гап маъқуллаб ўтиришибди, кўпроқ ширакайф бўлиб олган хўжайинлари хитоб ташлаб сўзляпти. Уларнинг назарида ҳозир мен йўқдайман, бундай пайт одатда «чол» (улар мени орқаворотдан шундай деб аташади) уйқуга ётади. Юлдузли кеча мени ухлатмаганидан улар беҳабар.

— Сен нодонлар беҳабарсан, — дер эди соҳиб Лаъл, содиқ улфатларига очилиб, — Сумбул Садриева ҳозир Амунинг қоқ ярмини Қарши чўлларига бурмоқчи. Яқинда Шўронинг Олий жиргасида гапирди. Уларда шундай академик бор, аёл эмас, ялмоғиз! Қорақумнинг қуюнларини сеҳрлаган ҳам ўша. Бухорога, Ашхободга сув келтирди, девдек хўплаб кетяпти Амунни. Кўрясанларми ўнг қирғоқнинг чарақлаганини, чап қирғоқ эса — зимзиё. Тўртта хира нуқта милтиллаб турибди.

— Бири Оқмачит, яна бири Қизил қалъа бўлса керак... — деди Сайёд.

— Йўқ, Тўғонгузар бу, ёки Ҳайратон... — деди маст Надим, қўлларини ўша томон чўзиб.

— Аянчли... — деди Соҳиб Лаъл, яна май қуйди. — Бу ернинг деҳқонларига у соҳилга кўз тикиш айниқса аламли...

Мен гапларини эшитиб ётибману, ҳаракатларини фақат тахминлайман: ёнбошлаб ётишибди, ёлғиз соҳиб Лаъл доим ўзи билан олиб юрадиган чарм бўғчасининг устига ўтириб олган.

— Майли, — деди у, — энди у чироқлар хира тортади. Мен у қирғоқни ўзим қуритаман!

— Лаббай?

Ҳайрон бўлган Сайёд эди шекилли. У «дўстлар» ва «дўстлик» ҳақида нимадир минғиллади. Лаъл Маҳдий эса ширакайф кулиб давом этди:

— Ишингни дўстларсиз битиришга ўрган, дер эди отам раҳматлик, чунки дўстнинг ҳар бири пинҳона душмандир...

Кўрмасам ҳам, англадимки, у мен томон ишора қилди, улфатпар кулишдилар. Кўрпамни отиб ташлаб, ўтириб олдим, қулоғим динг.

— Ҳа, — деди Лаъл Маҳдий. У маст бўлганда жуда мақтанчоқ бўлиб кетар эди, лекин мастлик — ростлик, дейдилар. Мен этигимни кия бошладим. Ялангликдан бошлиқнинг гапи эшитилди:

— Биласизларми Аму сувни қаёқдан олади? Беҳабарсан сен нодонлар. Сиз севган она ерингиз бағридан олади, ҳа! Нимага у бегона бўлиши керак? Шу қадар бечораи нотавонмисиз? Қисқаси, биз Амунинг жиловини буриб, ўз эгасига қайтарамиз! Дурустми?

— Дуруст, соҳиб!

— Дуруст...

Тунука косаларни уриштириб ичишди.

— Уша мақталган жанубий вилоятларини томчи сувга зор қиламан, ўша Орол деган сассиқ ботқоқ ҳам қуриб, оппоқ туз саҳросига айланади, қовжираган водийларида қуюнлар қутуриб кезади. Юртингиз ғамидан ташқари, менинг ўша ялмоғиз билан шахсий ҳисоб-китобим ҳам бор, йигитлар, ҳа...

Шу ўринда у мени кўриб, гапи оғзида қолди. Мени ўрнимдан ғазаб қўзғатгани, ички кўйлақда, этикни қўлантаёқ кийиб, улар ёнига беихтиёр бориб қолган эдим. Юзига қаттиқ тикилганимда Рональд Байрсби нечукдир орқага тисланиб, ўтирган жойида йиқилишига сал қолди. Дарров хушёр тортиб, мастликда бу маҳлуқларга ортиқча ёрилиб кўйганини фаҳмлади шекилли, кўзларини пирпиратиб:

— Хизмат, доктор Суҳайл... — деди чўчиган овозда.

— Сиз... сизнинг фанга, геолог деган фахрли касбга алоқангиз йўқлигини пайёаган эдим, — дедим тикка қараб. — Айтинг, кимсиз?

Ажабки, у ўзини дарҳол ўнглаб, бошлиғимиз эканини эслатадиган босиқ оҳангга ўтди:

— Сизга нима бўлди, доктор, ўтиринг биз билан. Ўзингизни четга олаётганингиз бизга ёқмаяпти.

— Менинг саволимга жавоб бермадингиз!

— Ие, биз ичдик, биз мастмиз десак, сиз ҳам... а? Утиринг мундоқ, давом эттирамиз.

Бошқалар бу «ҳазил»га кулиб юборишди. Мен ёлғизлигимни, булар қаршисида ожизлигимни янада чуқурроқ ҳис этдим. Бу ёвуз одамнинг чиркин нияти, ўртада она дарёни абадий низолар дарёсига айлантириш ҳақида топшириқ олганлиги аён эди. Лекин ёлғиз ўзим нима ҳам қила олардим? Душманлигимни очик билдириб, қайтага, ҳаётимни хавф остида қолдирдим чамамда. Бундай одамлар ҳеч нарсадан қайтмаслигига ақлим етади.

Энди нима қилиш керак? Гапирсам нуқул кулгига олишяпти. Ғазабимни билдирсам, гурпуада ҳозир бекор қолган иккинчи даражали хизматчиман, холос, бошлиқ ўз ҳуқуқидан фойдаланиб оёқости қилади. Индамадим. Бошим ҳам. Буларга дуч келган куну соатимни лаънатладим.

Энди булар билан бирга қолиш учун иккиюзламачи бўлиб олишим зарур, аммо мен буни сира эплай олмайман.

Кунлар ўтар эди. Соҳиб Лаъл менга эътиборлироқ бўлиб қолди. Яхши гапирари, маслаҳат солади. Аммо мен очилолмайман, тўғрироғи, унга бўлган нафратимни енголмайман. У ҳам мендан воз кечди шекилли-ю, лекин зимдан кузата бошлади. Унинг мақсадига тушунмай хавотирдаман. Ҳойнаҳой, зарар етказмасимдан олдин йўқотворишга қасд қилди. Буни қаёқдан сездим — ўзим ҳам билмайман. Ички бир сезги мени хушёр бўлишга чақирар эди. Унинг газандалигини фош қилиш учун аввало ўзимни эҳтиёт қилишим, тирик қолишим керак.

Вас-вас бўлиб қолдим, кечалари хавотирда ухлолмай, шулар ҳақида ўйлайман.

Шундай азобли тунлардан бирида аниқ қарорга келдим: қочиб керак, бу «қидирувчи» группанинг жирканч ниятини одамларга етказишим керак. Ўзгасига менинг кучим етмайди. Лекин буни мен қилмасам ким қилади? Бу вазиятда қурби етганини қилмаган одам бир умр виждон

азобида қолади. Мен, кекса бир афғон, юртимнинг юзи шувит бўлишини истамайман. Агар менга бир нарса бўлса...

...Тонг қоронғусида тепада омонат осилиб турган қоялар совуқ соя ташлаб, ғуж буталарнинг қораси ваҳимали кўринарди. Елғиз йўловчининг шошқалоқ қадам товуши сирли янграйди. Тоғу тошнинг қоронғу дунёси уни минг кўз билан кузатар, таъкиб қилар эди. Бу қуролсиз тунги йўловчи тош кўчкилари хавф солиб турган тор сўқмоқларда ҳам, тоғликлар одатини қилиб, орқасига қайрилиб қарамас, жарликлар устидаги хатарли овринглардан эмаклар ўтиб, яна югурар, қоқилганида оёқ остидан учган тошлар пастда суронли кўчкилар ҳосил қиларди.

Ҳолдан тойиб тиззалари қалтираб қолган бу кекса йўловчига тонгнинг илк нурлари ёрдамга келди. Инсон узоқ тоғ этакларида кўкариб кўринган яйловларда ўтовлар қорасини кўриб сал таскин топди. Энди сўнгги тик қияликда илонизи бўлиб кетган чақиртош сўқмоқлар унга осон туюлди, нажот манзилларини иллаган кўзларидан ваҳм ариб, умид нури инди.

Бироқ худди мана шу зум нақ тепасидаги тикка тоғ қиясида тўнкадеккина тош қандайдир қисмат кучи билан жойидан кўзғалди. Биргина тош кўзғалдию иккинчисини туртди, иккинчиси, учинчиси яна бошқаларини кўзғаб, тош кўчкиси даҳшатли сурон кўтариб пастга интилди. Қоялардан минг бор ошиб акс садо келди, ёнбағирлардан булутдай ўрлаган қуюқ тўзон тонг чеҳрасини тўсиб қўйди, пастда эса анчагача шағал аралаш сангборон ёғиб, тик қияликдан узилган катта-катта тошлар анча жойларгача юмалаб борди. Бутун водийни уйғотган сурон бирдан тинганда тоғларни шундай ваҳимали жимлик босиб тушдики, бундай пайтда ҳар қандай довюрак инсоннинг ҳам вужуди гўё бир сиқим бўлиб қолади, ҳайбатли қоялар олдида ўзини ожиз сезади.

Бу галги шундай сирли жимлик жуда узоқ давом этди. Анчадан кейингина чанг-тўзондан ариган қувоқларда биринчи қушчаларнинг тонгни кечикиб қутлаган овозлари эшитилди. Жарлик ёқасида қуриб қолган заранг шоҳида бойўғли «ух» тортди...

Чилстун аркининг кунгурали ёғоч дарбозаси эрталабдан очик, ундан эски «Форд», янги «Фиат», шокилали файтонлар кириб, Миллий иқтисод вазоратининг икки қаватли хос биноси олдида тўхташяпти. Эшик зинапоясида сур қалпоқ кийиб, қизил астарли чакмонининг барини кумуш камарига қистириб олган баланд бўйли шоп мўйлов сарбоз келган амалдор ва мутахассисларни қўл қовуштирганча кутиб олиб, узун йўлакдан ичкарига йўл кўрсатиб турибди.

Охирроқда Собир Тўхтабоев билан Фуломали Коргар ҳам етиб келишди. Улар туни билан эгарда довол ошиб, анча чарчаган бўлсалар ҳам, ишчан ҳолатда этигу уст-бошларининг чангини қоққандан кейин, таниш сарбоз билан кўришиб, йиғин аҳлига қўшилиб кетдилар.

Қизил гилам тўшалган чоғроққина залда ҳали ғовур-ғувур тингани йўқ; молия вазири, Ижтимоий ишлар вазоратининг вакили, Катта Аму лойиҳасининг муаллифлари, эътиборли мутахассислар, «Жеймс-Морисон» компаниясининг иш юритувчилари тугал жам, бир-бирлари билан кўришишар, танишишар, анча эскиб қолган, лекин пишиқ, оёқлари қизғиш ёнғоқ дарахтидан ўйиб ишланган узунчоқ стол атрофидаги юмшоқ курсилардан жой танлар эдилар.

Орқадаги кўк эшиқдан Миллий иқтисод вазири кириб келганида, жамоат бирдан тинчланиб, залга бесабр ишчанлик руҳи инди. Вазир баҳмал фас кийган, зиёлинамо оқ юзли, гавдаси сал чўккан кексароқ киши эди.

— Жаноблар, — деб гап бошлади майин овоз билан, — таклиф қилган одамларимиз бари жам бўлди. Раиси жумҳур жаноб олийларининг топшириғи билан Катта Аму лойиҳасининг дастлабки муҳокамасини бошлаймиз. Бу кунни биз узоқ кутдик, жаноблар, лойиҳани иқтисодий-техник жиҳатдан асослаш жараёни кутилмаганда қарийиб икки йил вақтимизни олди, бундан хабардорсиз. Аммо оқибат натижадан биз

мамнунмиз, чунки ҳозир лойиҳа ҳар қалай мавжуд. Боз устига, у ҳозирданоқ машҳур бўлиб кетди, «Иқтисод», «Кобул таймс», «Анис» газеталарида ўқигандирсиз, лойиҳа эл оғзига тушиб; афкор омманинг диққат марказида турибди. Унинг «Катта Аму лойиҳаси» дея ном олиши ҳам бежиз эмас, жаноблар. Бундай иншоот бизнинг миллий ифтихоримиз бўлғуси, юртимизнинг жаҳонро обрў-эътиборини оширгуси. Шунинг учун Раиси жумҳур бизга унинг амал ва ижросини жадаллаштиришни топширдилар.

Шундан кейин лойиҳачилар группасининг бошлиғига сўз берилди. У дарийни чалароқ биладиган калкутталиқ ёш инженер экан. Қидирув ва лойиҳалаш ишларининг ҳамма босқичлари ҳақида, иншоотнинг параметрлари, кўзда тутилган иш ҳажми ва турлари, қорилиш навбатлари ва муддатлари ҳақида узоқ ва қийналиб гапирди. Бу қорача йигит столга ёйиб ташланган чизма ва схемаларни адаштирар, керагини дарров тополмас, топганда эса қандайдир зарур иборани унутиб, ёнидаги қомати келишган чайир, новча одамга инглизчалаб мурожаат қиларди. Залда бир оз ғовур-ғувур бошланди, бу маърузачининг нўноқлигидан эмас, лойиҳанинг чиндан ҳам кутилмаган даражада баҳайбатлигидан эди: мутахассислар ўринларидан туриб, столга энгашдилар, биров кўзига, қулогига ишонмагандай атрофдагиларга саволомуз қарар, биров ҳайрат ва қувончдан ҳовлиқиб қолган эди. Маъруза тугамасданоқ саволлар туша бошлади.

— Бир нарсани сўрасам майлими? — деди пешонаси тиришган Ғулумали Коргар. Бу чанг юқмайдиган кулранг, «қосим ёқа»ли куйлак устидан камар боғлаб, кўполроқ этик кийган, чақмоқ мўйлов, қирғий кўзли йигит бесабрлиги учун узр сўрагандай вазирга тикилди.

— Дарвоқе, — деди вазир, — жаноблар, мен таништирмабман: инженер Ғулумали Коргар ва унинг ёнидаги шўравий мутахассис рафиқ Собир Тўхтабоев Данғара қидирув группасидан. Булар ҳам ҳозир Аму ёқасидан, Чорвилоятдан етиб келишди, Сурхдувол ва Даштимаргҳо иншоотларининг қаҳрамонлари! Марҳамат, жаноб Коргар, нимани сўрамоқчи эдингиз?

— Бу... — Коргар, сапчиб ўрнидан турганига анча вақт ўтган бўлса ҳам, саволи тайёр эмасга ўхшарди, тутилиброқ гапирди: — бу... қайси жиҳатдан «Катта лойиҳа» деб аталапти? Нима маънода?

Савол жўн туюлдими, ўтирганлар бир-бирларига қараб жим қолишди, аллақерда кондиционер ғувилларди, холос. Вазир лойиҳа группасининг бошлиғига қараб елка қисди. Маърузачининг ёнида ўтирган хушбичим, чайир киши «шу ҳам муаммоми» дегандай, истеҳзоли жилмайиб деди:

— Буни жаноб инженер, журналистлардан сўраш керак. Улар халқнинг миллий ифтихор ҳиссини ифодалаб, ватанпарварлик руҳи билан...

— Профессional саводсизлик руҳи билан, денг! — истеҳзоли жилмайишнинг маъносини тушунган Коргар товуши барвақтроқ баландлашганини ўзи ҳам сизди. Сиздию сал юмшатишга ҳаракат қилди: — Хўп, журналистлар учун бу кечирарли. Хўш, ўзимиз-чи, биз мутахассислар-чи? «Катта Аму лойиҳаси» деган гап қайси маънода? Иншоотнинг катталиги, буюклиги ундан халқ хўжалигига келадиган фойда билан ўлчанмайдими? Мана, бизнинг Данғара группаси ҳам Аму сувларидан фойдаланиш юзасидан қидирув ишлари олиб борапти. Лекин биз аввало халққа шу билан нима бера оламиз, деб ўйлаяпмиз.

— Ажабо! — деди хушбичим киши яна ўшандай беписанд жилмайиб. — Халққа сув берамиз, сув, ҳамкасб!

— Жаноб Маҳдий, илтимос, сўзни бўлманг, инженер гапириб бўлсин, — деди раислик қилувчи вазир. Бу ажойиб, мулойим, зиёли одам, инженернинг «жўн» саволини тушуниб олишга ҳаракат қилар эди.

— Хўш, ўша сув келди ҳам дейлик, биз уни қабул қилиб олишга тайёрмизми? — давом этди Коргар харита ёнига бориб. — Битта ариқ олишга кучи етмаган патриархал, ночор хўжаликлар бу сувни қаёққа қўяди?

— Шимолий вилоятларнинг қақраган ерларига ҳаёт келади, жаноб Коргар, — деди маърузачи. — Бу ерларда бепоён яйловлар сув ичади...

— Девбанд даштларининг шўрлаши, ботқоққа айланиши учун, қимматбаҳо сувнинг Қорақум этакларига сингиб кетиши учун шунча куч ва маблағ сарфлаш зарурми? — деб Молия вазирга қаради Коргар.

— Жаноблар, баҳс нима ҳақда ўзи? — деди Лаъл Маҳдий. У қидирув ишларининг бошлиғи сифатидагина эмас, компаниянинг бу ердаги бош мутахассиси сифатида ҳам лойиҳани химоя қиларди. — Қанақа шўр, қанақа ботқоқ? Биз бу районларга атиги икки юз кубометр сув бермоқчимиз.

— Тўғри, — деди Коргар, — аммо бу ерга икки юз куб сув етказиб бериш учун дарёдан олти юз куба сув олиш керак. Чунки лойиҳа шундай тузилганки, беш юз километр давомида фильтрация ҳисобига сув камида уч марта камаяди. Бу муаммо бизга жуда таниш. Дарёни қуритиш ниятидаги кишигина бу муаммони четлаб ўтиши мумкин.

— Дарёни қуритадиганлар нариги соҳилда, жаноб Коргар! — деди Маҳдий. — Сумбул Садриева қуритаяпти Амунни! Нишобга оқар экан деб, ярмини сахрога бурди, қумга сингиб ётибди. Энди Қарши чўлларига...

— Менга қаранглар, жаноблар, — дея Ижтимоий ишлар вазоратининг вакили тақир бошини сийпаб ўрнидан кўзғалди. — Афғон деҳқони ҳали Амудан бир челақ сув олгани йўқ. Чегара дарёнинг қоқ ўртасидан ўтади. Демак, ҳаққимиз бор, жаноб Коргар. Ўзингиз афғонмисиз?

— Ҳа, мен афғонман, жаноблар! — деди яна Ғуломали Коргар, энди овозини бемалол қўйиб. — Шунинг учун ҳам чап қирғоқдан ўтган асрлик чегарани қайта демаркация қилиб олижаноблик кўрсатган қўшнимизга нисбатан нонтепкилик қилмайман. Шунинг учун ҳам академик Сумбул Садриеванинг мўътабар номига тухмат тақилишига йўл қўймайман. Унинг гидрогеологик хариталари бутун дунёда ноёб қўлланма ҳисобланади. У Амунинг энг обрўли ҳомийси. Ўттиз йил давомида яратган оқилона лойиҳаларидан яхши хабардорман. Дарёдан фақат ортиқча сувни олиш керак, бизнинг ҳаққимиз фақат энг зарур оби ҳаёт, лойиҳа эса фақат амалий ҳужжатгина эмас, инсонийликнинг ойнаси ҳамдир — мана у олиманинг устозлик ўғитлари! Сиз у мўътабар аёлга тил тегизманг, жаноб... исмингизни билмайман, кечирасиз. Бизнинг миллий туйғуларимизни чайқовга солишнинг ҳам кераги йўқ! Биз қўшнимизнинг водийларини қовжиратиш эвазига шўхрат орттирмоқчи эмасмиз.

Анча аввал ўрнидан туриб олган раис столни тақиллатди:

— Жаноблар! Инофа! Масаладан узоқлашмайлик, бу сўзларингиз ўринсиз, инженер Коргар қўшнимиз хусусида эса... бизнинг ҳеч қандай қора ниятимиз йўқ. Мана, ичимизда шўравий ўртоғимиз ўтирибдилар, ўз фикрларини айтарлар. — Вазир майин жилмайди, Собир Тўхтабоевга қаради. Собир Тўхтабоев, қошлари қуюқ, бақувват иягида иккита-учта чўтири бор, чувст дўппили, хипча, миқти йигит, ўрнидан туриб:

— Вазир жаноблари, ҳурматли ҳамкасблар, — дея дарий тилида қашқадарёлик тожикларга хосроқ талаффуз билан салмоқлаб гап бошлади. — Сувни ким қанча олаяпти, қанча олиши керак, дарёни ким қуритаяпти, ким қуритмаяпти — масаланинг бу халқаро юридик томонлари ҳақида гапиришга вакил қилинган эмасман. Фақат шуни айтишим мумкинки, дарёни қуритишга бизнинг Конституциямиз йўл қўймайди. Иккинчидан, ҳамма совет кишилари сингари менинг ҳам эътиқодим шуки, Аму низолар дарёси эмас, дўстлик дарёси бўлиб қолиши керак.

Мен бу ерда совет гидрогеологлари ва ирригаторларининг фойдали тажрибалари ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Бу соҳада совет Ўзбекистони тажрибаларининг тан олинган муҳим жиҳати шуки, биз дарёлардан фақат ортиқча сувларни оламиз. Бунинг учун республикамизда ўнлаб сунъий сув ҳавзалари қурилган, жумладан, Амудаги Таллимаржон, Пачкамар, Туямўйин каби энг йирик сув ҳавзалари сизга маълум. Аму йилига икки марта тошиб оқади, шу фаслларда сунъий денгизлар жамғарган сув, яъни дарё ўз ихтиёри билан берган сув запаслари водийларни обод қилади. Ундан ташқари, суғоришнинг фойдали коэффициентини ошириш, сув беришни автоматик бошқариш,

суддан фойдаланиш прогнози, уни илмий нормалаштириш, юмшоқ шланглар, бетон лотоклар, дренаж сувларидан қайта фойдаланиш, ер ости сувлари манбаларини очиш, суддан фойдаланишнинг юридик ва молиявий қонунлари — бу тадбирларнинг бутун бир системаси совет ирригация мактабини ташкил этади. Биз бу тажрибадан бошқа мамлакатларнинг ҳам фойдаланишини истаймиз. Менинг муаллим академик Сумбул Садриева худди мана шу билан шуғулланмоқда, унинг Парижда, ЮНЕСКО кенгашида қилган доклади бу мажлис аҳлига таниш. Сумбул аяни Амунинг ҳомийси деганлари тўғри. У киши Сибирь дарёларидан Ўрта Осиёга сув келтириш муаммосини кўтарар экан, бунда она Амунинг бутун табиий гўзалликлари билан сақлаб қолиш ғами ҳам бор. Устозимиз ҳозир СССР Фанлар Академиясининг Сибирь филиали олимлари олдида ўз ғоясини маъқуллатиб, кўп йиллик катта, баҳсли масалани жойидан жилдирди. Академик ҳозир тоғ жинслари орасида сувнинг силжиши, унинг турлари, актив зоналари ҳақидаги фаразлар билан банд...

Тобора безовта бўлиб, олдидаги қоғозларни асабийлик билан титкилаб ўтирган Лаъл Маҳдий ахирги нутқни бўлди:

— Бу гаплар тарғибий маънода жуда яхши, ўртоқ... Лекин қўлимиздаги лойиҳани муҳокама қиляпмиз, гап мамлакатнинг энг қурғоқ ерларига катта сув келтириш ҳақида кетяпти. Сиз эса...

— Тўхтаг, соҳиб Лаъл, — деди Молия вазири йўғон овоз билан, кетмондай кафтини столга аста кўйиб. Бу узун бўйинли, бесўнақайроқ новча одам мажлис бошлангандан бери индамай ўтирар, нималарнидир зўр бериб ўйлаётгани юз пайларининг тортишиб-тортишиб қўйганидангина билинар эди.— Сиз ундай деманг, соҳиб, бу гапларнинг ҳаммаси лойиҳангизга бевосита алоқадор. Агар биз жаноб Собир Тўхтабоев айтган тажрибаларга қулоқ солганимизда, 1946 йили Гилманд воҳасида азиз миллионларимиз хазондай ёниб кетмаган бўлар эди.

— Қанақа миллионлар? — деб сўради Лаъл Маҳдий.

Вазир саволга эътибор бермай давом этди:

— Уша ерларнинг ўликлиги, сув келса фақат шўр ботқоққа айланиши мумкинлигини шўравий олим Букинчи 1930 йиллардаёқ ёзган эди. Лойиҳа тузишда эса бу фикр эътиборга олинмади. Дарвоқе, ўша лойиҳани ҳам сизнинг компаниянгиз тақдим этган эди, жаноб Лаъл Маҳдий. Афғонистон ҳукумати билан шартнома туздингиз. Бу иншоотга Америка банкларидаги жамғармаларимиз тугал сарфланиб кетди. Сиз яратган ботқоқликларни қуритиш учун биз яна қарз олишга мажбур бўлдик. Ун етти миллионлик шартнома деб, етмиш миллион доллар қарзга ботдик. Бу иқтисодий қарамлик тузоғи дейилади, сэр. Компаниянгизнинг эндиги тузоғи ундан ҳам даҳшатлироқ кўринади...

Зал бирдан жим бўлиб қолди. Бесўнақай новча вазирнинг йўғон овози ҳамон янграб тургандай туюларди. Кўркам юзи қизариб кетган Лаъл Маҳдий ўрнидан туриб олган эди. Ижтимоий ишлар вазоратининг вакили терлаб кетган ярғоқ бошини сидириб артаркан, жимликни бузди.

— Жаноблар! Бу қандай муҳокама ахир, бир-биримизни беҳурмат қилиб, ўттиз йиллик эски гапларни ковлаштириб...

— Ҳа, сизга бу қаттиқ ботади. Чунки ўшанда ишни текширишга оширганимизда халқ кенгаши сизнинг маҳкамангизни айблаган эди, жаноб собиқ вазир. «Жеймс-Морисон» компаниясининг беҳисоб харажатлар талаб қилиб, кейин уни қайтариб бермайдиган, юртни толон-торож қилишга, иқтисодий жиҳатдан қул қилишга мўлжалланган авантюристлик лойиҳаларини сотиб олган сиз эдингиз. Назаримда, бу сафар ҳам Премьер ҳазратларининг атрофларида сиздайлардан иборат яна қандайдир бир гуруҳ тўпланиб...

— Мен норозилик билдираман! — деб гапни бўлди раис.

— ... бизни ҳалокатга...

— Мен бундай гапга йўл қўёлмайман, жаноб вазир! — деди яна раис баланд овозда. Молия вазири бесўнақай гавдасини эгиб, оғир ўтирди. Умуман, у қизиққонлик қилгани йўқ, фақат гап мантиқи ва залворли овози мажлис аҳлини, ҳатто ҳар гапга сачраб турган сўзи ўткир Лаъл Маҳдийни

ҳам босиб қўйган эди. Энди ўз тузоғига илингандай чорасиз қолган Маҳдийнинг умиди раисда, ундан кўзини олмай жовдираб ўтирибди. Мажлисни зиёлиларга хос лутф билан бошлаган хушмуомала вазир қутилмаган бу жанжалдан ўзи ҳам гангиброқ қолди, айниқса сўнги айбнома, «Премьера атрофида қандайдир бир гуруҳ» ҳақидаги шама уни қаттиқ ранжитди. Агар муҳокама бу хилда давом этса, ҳамма нарса чалкашиб, Садри аъзам олдида жавоб бериш керак бўлиб қолади. Табиатан юмшоқ, мулойим бу одам масъулиятдан кўрқар эди. Шунинг учун йиғинни «дастлабки мунозара учун шу гаплар ҳам кифоя», деб юмалоқ-ёстиқ қилиб қўяқолди, лойиҳа муаллифлари бугунги фикрларни, албатта ўйлаб кўрадилар, дея, кўзгаган эҳтиросларни совутиб, издиҳомни тинчитган бўлди.

Кун кеч бўлиб қолган эди. Собир Тўхтабоев билан Ғулумали Коргар мусофирхона ҳовлисидаги чойхона сўрисида ёнбошлаб дам олдиларда, тўрқовоқ тагида иккита нон билан чой ичиб, қора тонгда йўлга чиқдилар.

Соат саҳар учлардан ўтган эди. Саланг йўлига юрадиган, биқинига «Басий миллий» деб ёзилган сербезак, усти очиқ автобусга чиқдилар. Тепага ўрлаб кетган маҳаллаларнинг деразаларига илк нур тушган, кўҳи Осмоийда кушон деворларининг кунгиралари жездай қизариб кўринар эди. Кобул уларни узоқ-яқиндан эшитилган мунгли азон товушлари билан кузатиб қолди.

Кечадан бери бир-бирларига гап қотганлари йўқ. Сарин тонг жимлигида «бўрибхай» моторининг бир маромда гувилласи дараларда янграр, қоятошлардан акс садо қайтар эди. Саланг дошонидан ошиб, елкаларида қуёшнинг дастлабки илиқ тафтини сезгандagina кечаги мажлиснинг ёқимсиз ғала-ғовури ҳам, катта шаҳарнинг кўнгилни нотинч қиладиган сирли машмашалари ҳам орқада қолиб, енгил тортдилар.

Самангонда тунаб, эртасига карвонсаройда қантариб қўйилган отларини олиб миндилар. Отлар кенгликлар нафасини сезгандай, тоштупроқ йўллардан пастга қараб енгил йўртиб кетишди. Офтоб шимолга қиялаб кетган бўлтак-бўлтак далаларни, кичик-кичик қишлоқчаларнинг қизғалдоқ ўсган лойшувоқ томларини, пахса деворларга туташ полизлар, ўт босган томорқаларни, баҳорги тоғ жилғаларининг ғанимат сувидан кўкариб ётган яйловларни бирпасда ёритиб юборди.

Бу ранг-баранг қашшоқ ўлка Ғулумали учун ажойиб бир олам эди. У дўстининг ҳам шу вақтгача ёзилиброқ гапирмай, кечаги мажлиснинг қутсиз таъсирида эзилиб келаётганини пайқаса-да, ўша оғир таассуротлардан қутулиш учунми, туғилиб ўсган ўлкасининг сеҳрли завқига эрк бергиси, бошқа ёқимли мавзулардан гап очгиси келди.

— Собиржон, айтинг-чи, нима учун шу вақтгача уйланмагансиз?

Собиржон шунча азобли хаёллардан кейин йўлдошининг биринчи луқмаси шундай енгил-елпи бўлишини кутмаган эди, қорайган юзидаги майда ажинлари ёзилиб, жилмайди. Савол «енгил-елпи» бўлса ҳам, унинг елкасидан гўё қандайдир юкни олиб ташлаб, кўнглини очиб юборди. Оёқларини узангига тираб, эгарда ғоз ўтирди. Ғулумали ўзи оиладан, хонадондан, бола-чақаю қариндош-уруғдан кўп гапирадиган қалби илиқ йигит. Афсуски, шу борада омади чопмади, хотини биринчи тўлғоқда ҳомиласи билан бирга нобуд бўлганидан кейин бошқа уйланмаган. Қадди-қомати келишган, кучли, соғлом, билимли йигитнинг бўйдоқ юриши сабабларини Собиржон суриштирган эмас, биладики, бу масала жуда мураккаб: аввало, Ғулумалининг ҳикояларига қараганда, у ўша фожиали илк севгисини, ҳали-ҳамон унутолгани йўқ, унутолмаса ҳам керак, иккинчидан, «бизнинг томонларда уйланиш ўзи бўлмайди, дала-даштда юрган шунчаки бир геолог бўлсак...» Шундай дейди-ю, дилида оила ва хонадон файзини қўмсайди шекилли, қутилмаганда яна шу мавзудан гап очиб қолади. Ундаги бу инсоний дил тафти Собиржонга ёқади.

— Очиғини айтсам, Ғулумжон, яхши кўрган қизим бор...

— Гўзалми? — ҳовлиқиб, яйраб сўради дўсти.

— Ширин қиз, — деди Собиржон, хаёлида нималардир жонланиб. — Лекин... нима десам экан, бизнинг муносабатлар ҳам мураккаб.

— Муносабатлар... майли. Узидан гапиринг.

— Узи яхши. Бирга ўқиганмиз. У ҳам геолог, Сумбул аянинг севимли шогирдларидан...

— Сустрасмасдан, очикроқ айтсангиз-чи, нима гап?

— Ҳеч гап йўқ. Фақат... уни яна битта йигит яхши кўради.

— Ҳа, нима бўпти! Бўш келманг! Қиз ўзи-чи? У қайси томонда?

— Манзура-ку, мен томонда-я... — деди Собиржон ёш боладай, эгар қошидаги чарм попуқни ўйнаб.

— Шундай экан, кўтармайсизми бошни, биродар, янаги боришда уйланасизу олиб келасиз, вассалом!.. Манзура дедингизми отини?

— Манзура!.. — дея такрорлади Собиржон. Севган исми тилига ширин татиб, беихтиёр жилмайди. — Лекин Деряевнинг бир ютуқли томони бор...

— Деряев!

— Ҳа, ўша йигитнинг фамилияси шунақа. У гидролог, фан кандидати, ҳар хил фаразу назариялар билан банд, бир жойда ўтиради; биз ирригаторлар бўлсак, бир умр дала-даштда юрамиз, уйга фақат командировкага борамиз. Қайси хотинга ёқади дайди эр! Мана, ҳозир ҳам улар Қаршида, биз бу ёқларда юрибмиз...

Сўнги ғамгин сўзлар иккаласига ҳам қаттиқ таъсир қилди. Жим қолдилар. От туёқларининг тошлоқ йўлдаги вазндор садоси ҳам чарчатди. Қизғалдоқ гиламдай қизариб ётган бир ялангликда тўхтаб, отларни ўтга кўйдилар-да, эгарларни бош остига ташлаб, майсага чалқанча чўзилдилар.

Йўл ҳамон пастлаб борар, таниш воҳалар, ҳозирдан қовжирай бошлаган пасттекисликлар, кўнғир тепалар икки йўловчининг кўзларига иссиқ кўринар, хилма-хил ўйларга толдирар эди.

— Бу ғаламислар ҳукуматга ёмон хатарли лойиҳани тиқиштирадиганга ўхшайди, ишни тезлатмасак бўлмайди, — деди Ғуломали ўйчанлик билан.

— Ҳа, уларнинг мўлжали катта, — деди Собиржон. — Пул-мулни аяб ўтиришмаса керак.

— Уларда пул кўп, айниқса бундай ишлар учун...

— Биз эса аввало пулнинг ҳисобини қилишимиз керак, шунинг учун бизнинг трасса пасттекисликлардаги ўтроқ қабилалар, деҳқончилик районларидан ўтиши шарт. Шундагина биз халқ кучига, кўҳна орзуси ушалган деҳқоннинг қўллаб-қувватлашига умид боғлашимиз мумкин. Сув фақат зарур жойларга бориши керак. Лойиҳамизнинг «Катта Аму лойиҳаси»га нисбатан кўп имтиёзли жиҳатлари бўлишига аминман, фақат улардан олдин тақдим этиб улгурсак эди...

— Улгуриш шарт! — деди ўрнидан туриб ўтирган Ғуломали. У худди мажлисдагидек ҳаяжонда эди. — Акс ҳолда улар ҳозир бутун макру пасткашликларини ишга солиб, бўйинтуруқни осий йўлларини қидиришадди. Уларнинг усуллари кўп, қалбаки ватанпарварларни, ёлғон туйғуларни, нозик миллий ҳисларни, баландпарвоз шиорларни, нодон амалдорларни ишга солишадди, мансабпарастларни, пулпараст сиёсатдонларни сотиб олишадди... Тўхтанг, мен бир нарсага тушунмаяпман, — дея Ғуломали ўз фикрини бўлиб, дўстига қаради. — Сиз ишни тезлаштириш керак деяпсизу, нима учун олти ойдан бери ўрганган, қарийб маъқуллаган трассамиздан воз кечиб, ўша Ҳокбад қирларига тармашиб олдингиз? Бунақада ишимиз орқага сурилиб кетмайдими?

— Йўқ, Ғуломжон, — аксинча, ишни тезлатиш йўлини ўйлаяпман, — деди Собиржон ва негадир бўғчасини титкилай бошлади. — Ҳокбад қирларида гап кўп. Унда худди ажойиб хазина бордай, кўнглим нуқул ўша ёққа тортаяпти. Назаримда биз бир кашфиёт устидан чиқдик, — у кулиб, бўғчаси ичидан сарғайиб кетган бир рисолани авайлаб тортиб чиқарди.

— Сиз куляпсиз-у, масала жиддий, — деди Ғуломали. — Ҳукуматни бу ҳалокатли хуруждан фақат биз, бизнинг лойиҳамиз қутқазishi мумкин, тушуниб турибсиз-ку!

— Тушунаман. Мана буни қаранг, — деди Собиржон рисолани очиб. Бармоғини лабига текизиб, сарғиш саҳифаларни варақлади-да, араб

алифбосида йирик ҳарфлар билан ёзилган бир сарлавҳага тўхтади: «Чорданаҳр». — Мана, Ҳокбад қирларидан пастга қараб таралган ўн тўрт анҳор ҳақида гап кетяпти. Бу анҳорлар мамлакат шимолидаги то Қорақум этакларигача бўлган кенг вилоятларни гуллатган, у ерларда обод воҳалар яшнаб ётган. Лекин бу қадим замонлардаги гап. Қани ҳозир ўша анҳорлар? Улар сувни қаёқдан олган, нима учун қуриб кетган? Биз уларга сувни Амудан кўтариб беришимиз мумкин, лекин улар қаердан ўтган? Эски ўзанларнинг имтиёзли томонларини биласиз, улар топилса, бизни узоқ қидирув ишларидан, тупроқни, ландшафтни, ер қатламларини текшириш, унинг гидрологик хусусиятларини ўрганишдай узоқ, мураккаб ишлардан халос қилади. Ўн тўрт анҳор, ўн тўрт канал! Улар қаердан ўтган, ким билади?

— Бу қанақа китоб ўзи?

— Буни фақат мана шу китобнинг муаллифи айтиб бериши мумкин. Фуломали Коргар рисолани қўлига олиб, уни худди жонли нарсадай эҳтиётлаб, у ёқ-бу ёғини айлантириб, варақлаб кўрди.

— Менга қаранг, бу археология-ку?

— Бунинг аҳамияти йўқ, бизга унинг муаллифи керак.

— Муаллифи — доктор Сухайл.

— Ўқишни биламан, ўзи керак, — деди Собиржон, китобни киссага жойламоқчи бўлиб унинг қўлидан оларкан.

— Ўзи... ўзи менинг бобомнинг ошнаси эди. Доктор Сухайл бизнинг уйимизда кўп бўлган, лекин у қадимий ривоятлардан бошқа...

Бу вақт Собиржон ёнбошлаб ётган жойидан сакраб туриб тиззалади-да, ошнасини қучоқлаб ерга босди, улар қийқиришганча майсада юмалашиб кетдилар. «Ҳой-ҳой, нима қилаяпсиз! Чўнтагимда кўзойнагим қирс этди, тўлайсиз!» деб бақирарди Фуломали. Собиржон бир силкиниб тикка турди-да, оёқларини кериб босганча қулоч ёзиб, енгил туман ястанган пастликларга, қуёшда жимирлаб ётган узоқ кенгликларга тикилиб қичқирди:

— Доктор Сухайл топилди-и! Доктор Сухайл тири-и-ик!

Уст-бошини қоқиб, синган қора кўзойнагига афсус билан тикилиб турган Фуломалининг елкасига бир мушт туширди-да, эгарни оласолиб отига югурди.

— Биласизми бу нима деганим? Далалар, сиз уйғонасиз, деганим! Қимирланг, омад келади-ганга ўхшайди.

— Қаёққа борамиз ҳозир?

— Бобонгизникига!

Улар ўзларининг қидирув гуруҳлари жойлашган Данғара базасига бормай, жиловни Мозори Шариф йўлига бурдилар.

Кўп ўтмай қош қорайиб, Пайки деган катта бир қишлоқда қўниб қолишга тўғри келди.

— Тоғаникига тушамиз, — деди Фуломали, четроқдаги чироқсиз қишлоқда қорайиб кўринган мезанани нишон олиб йўл бошлар экан. Отлар ҳам чарчаб, сағриси нам тортиб қолган эди, қўнимни пайқаб, галмагал пишқирганча тезлаб кетишди.

Ниҳоят, ғира-шира чироқлар ҳам кўринди. Тоғанинг қўрғони катта, пахсалари анча нураб қолган бўлса ҳам, этак томондан дарахтзор боғ эпкини келди. Қозонида қайнаб, чўмичида ўйнайдиган уруғлари кўп, деган эди Фуломали, катта хонадонга ўхшайди. Текис кесиб пухта тахланган боғ-боғ шох-шабба ғарамлари ёнидаги очиқ дарвозадан кириб борганларида, қўрғон тўрида ўчоқ яллиғи кўзга ташланди. От дупурига ўша томондан шарпалар кўзғолди.

— Тоғам, — деди Фуломали. Отдан тушишлари билан кимлардир жиловни чаққон олиб, отларни сайисхонага етаклаб кетишди. Рўпарадан фонус тутиб тоға чиқиб келди: мошгуруч чўққи соқол, кўк салла ўраб, узун чакмон барини қатлаб елкасига ташлаган, элликларни қоралаган деҳқонсифат пишиқ одам. Фонусни ерга қўйиб, жияни билан қучоқлашиб кўришгач, қўлини кўксига қўйиб, ичкарига бошлади.

Кўрғонда пастак-пастак лойшувоқ уйлар, супали айвонлар кўп эди. Ўн-

ўн бешта эшик-дераза ҳовли томонга ланг очиқ, ҳаммаси тандир биқинидаги ўт ёнаётган ўчоқдан сал ёришиб, шўнга тикилгандай бўлиб турибди.

Хўжайин меҳмонларни бўйра ташлаб устидан гилам ёзилган катта уйга таклиф қилди. Хонтахта атрофида кўрпачаю лўла болишлар пайдо бўлди, ҳовли ҳам, меҳмонхона ҳам жонланиб қолган эди. Утирдилар.

— Хуш келибсизлар! — деди тоға, юзига фотиҳа тортиб. — Саломатмисиз, меҳмон? Жуда яхши бўлибди келганингиз, Фуломалининг шўровий ҳамроҳи деб эшитар эдик, уйдагилар тинч-омонми?..

Хизматкорлар пишиқ экан чамаси, тоға уларга ҳеч нарса буюрмай, очиқлик билан суҳбатни бошлаб юборди; гап давомида биров келиб қўлга сув тутди, биров дастурхон тузади, биров чой-нон қўйиб кетди. Гап айланиб бўлғуси канал қурилишига келиб тақалганда тоға деҳқонларга хос пухталиқ билан қайта-қайта сўраб тасдиқлатиб олди: чиндан ҳам Аму суви шу ерларгача келадими? Шу гап ростми? Қачон?

Собиржон пайқаб ўтирибдики, бу содда деҳқонда ўзига яраша муғомбирлик бор, ўткир кўзларининг сирли ёнишидан билиниб турибди. У йигитларнинг катта, журъатли ишга қўл урганларига ҳайратда қолаётгани йўқ, унга сувнинг келиши муҳим.

— Бунга ҳали анча бор, тоға, — деди Фуломали, уни бир оз совутиб.

— Тоға, айтинг-чи, — Собиржон ҳам бу муғомбирроқ одамни ёқтириб, яқин олиб «тоға» деди, — бордию шу атрофдаги қишлоқларни бир кун келиб ҳашарга чорласак қўллашармикин, нима дейсиз?

— Биз, албатта, қўллаймиз, меҳмон. Мен ўзим ҳамма хизматкорларим билан чиқаман, чорлайверинг, — деди тоға очилиб. Унинг юзи ажинсиз, қип-қизил, кўзлари жонли, кичкина мошгуруч соқоли ҳам ўзига ярашиб турарди.

— Аммо-лекин, — дея салмоқлаб давом этди у, — хели малик, тапамалик ва муширларга¹ олдиндан маслаҳат солиб, улус жиргаларини чақириш керак. Уларнинг ҳам кенгашчиси, саййиду муёни бор. Аммо бу атрофда веш билан келган ҳамсоюлар кўп...

Собиржон дўстига савол назари билан боқди.

— Қуръа ташлаб ер алмаштирган келгиндилар. Шундай одат бор, кўчманчилардан қолган... — деб тушунтирди Фуломали.

Тоға гапида давом этди:

— Бу ҳамсоюлар бари ночор, ерга меҳри камроқ бўлади, тупроққа тер тўкмаган-да. Ҳашарга чиқмайди улар, йўқ, чиқмайди. Кўчманчиларни эса қўяверинг, уларга ҳашарни сира тушунтиролмайсиз: бир яйловни тап-тақир қилиб қиртишлайдию, кўчини кўтариб бошқасига кетади-қолади.

— Биз яйловларга ҳам сув берамиз.

— Берсангиз, ейди-ичади-ю, лекин барибир кўчиб кетади.

— «Ҳамсоя»лар-чи, уларга ер-сув берилса, балки меҳр қўйиб қолишар? — Собиржон шундай дедию тилини тишлаб қолди, қаерда ўтирганини унутиб қўяёзган экан. Чиндан ҳам, ким беради уларга ер-сувни... Суҳбатдошлари унинг саволига узоқ сукут билан жавоб қилишди.

— Янгаларингиз билан кўришиб чиқасизми, Фуломали? — деди тоға анчадан кейин, ноқулай жимликни бузиш учун. Ё зарур иши бор эди чоғи, жиянини бошлаб хонадан чиқди.

Шу маҳал чойнак-пиёла кўтариб бир қиз кирди. У эшикда кўриниши билан Собиржон, аввал, юзини тўсатдан ёлқин ялагандай, кўзларини пирпиратди-да, кейин бирдан баданини нам босиб, суратдек қотиб қолди: қиз шу қадар соҳибжамол, айна мўъжиза эди! У остонада кавушини ечди. Саломлашди ҳам шекилли, лекин Собиржон эшитмади, энг олдин унинг ўзини эмас, юзини ҳам эмас, кўзларини кўрди: катта-катта, тим қора кўзлар фонус ёруғида ич-ичидан ёнгандек йилтиллаб, гўё сехрлаб қўйди. Қиз ўзи ўн олти-ўн етти ёшларда эди, гулдор лозими тўпигигача тушиб турган қорача яланг оёқлари билан дастурхон четини босганча эгилиб

¹Маҳалла-улус бошлиқлари.

косаларни оларкан, Собиржон кенг, калта чит кўйлак ичидаги кийикдай қоматининг бутун дуркунлигини, ўтли ва нафис тўлғанишларини кўз қири билан кўргандай бўлди. Қаддини ростлаганида эса, бир ўрим йўғон қора сочини тўлғаб елкасига ташларкан, бутун вужудидан оловли ёшлик эпкинни сандал ёғочининг нафис хиди аралаш аллақандай сирли орзулар атрини пуркади. Қиз, бошида рўмоли кожбаста, чўзинчоқ сўлим юзини сал яшириб, бўртиб турган лаблари билангина жилмайиб, аста: «ош бўлсин», дея чиқиб кетди. Собиржон бўлса, унинг саломига алик олмаганини энди эслаб, хижолат тортди. Худди ҳозиргина ажойиб туш кўргандай ҳангманг бўлиб ўтирар, қизнинг юзини эслашга уринар эди. Бу юз унга нақ болалигидан бери танишдай туюлдию, лекин ҳозир қанча уринмасин, яна бир бор кўз олдига келтиролмади. Бир нимасини йўқотгандай ўрнидан туриб кетди, кенг хона тор кўриниб, қиз чиққан эшикдан отилиб чиққиси келди. «Булар мени нега ёлғиз ташлаб кетишди» деб, ўзини зўрға босиб турганида тоға-жиян кириб келиб: «Қалай, зерикмай ўтирибсизми?» дея меҳмонхонага одатий вазиятни қайтардилар, орқадан хизматкорлар яна таом кўтариб киришди, гурунг қайта бошланди.

Собиржон эртақдай жозибали хаёл дунёсидан одатий вазиятга базўр қайтдию, энди бу суҳбатдан зерика бошлади. Унинг дилида бу ерга, бу хонага, бу даврага сиғмайдиган аллақандай сеҳрли бир ҳавас алангалар, бировдан сўраб бўлмайдиган телба саволлар туғилар эди: нега кирди у? Чиндан ҳам кирдимиз? Ўзи ким?

...Кекса тут соясидаги супага жой солиб ётганларида ҳам шу саволлар қийноғида анчагача у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб, уйқу ололмайдётди. Оғилхона яқинми, қаердадир мол қавуш қайтарар, қўнолғада товуклар жойлашолмай безовта, чигиртка чириллар эди.

— Биласизми тоғам нега ташқарига чақириб чиққанини? — деб қолди Фуломали. У ҳам ўз ўйи билан бўлиб, ухлолмайдётган экан.

— Нега? — деди Собиржон бедор хаёлларидан зўрға узилиб.

— Сув келиши аниқми, деб яна сўрадилар.

— Ҳай... деҳқон-да. Сўраши табиий.

— Йўқ. Бордию аниқ бўлса, мана бу ночор ҳамсояларнинг ерларини сотиб олмоқчи эканлар.

— А? — Собиржон бирдан ҳушёр тортди. Бояги енгил-елпи хаёлларидан хижолат бўлди.

— Кучи етадимиз тоғангизнинг?

— Ҳа-да, арзон-гаров ерлар. Булар бари қарздор тоғамдан. Қарзигаёқ беворади.

— Ўзлари-чи?

— Нима иложи бор, талон-торож бўлса ҳам, қарздан қутулганига хурсанд, оч қорним — тинч қулоғим...

— Катта ерларми?

— Катта.

Собиржон дўстини шундай мушкул чигалликлар қийнаётган бир пайтда ўзи қаёқдаги чучмал хаёлларга берилиб ётганигами, ё бошқа бировгами қазаби қайнаб, ўрнидан туриб ўтирди.

— Кечирасиз, Фуломали, йиртқич экан-ку тоғангиз?..

— Майда йиртқич, — деди Фуломали қимирламай юзтубан ётганича. — Бундан каттароқлари бор.

— Ундан чиқди, бизнинг меҳнатларимиз...

— Шуни ўйлаб ётибман: биз келтирадиган сув бойни бойитишга, қашшоқни бадтар қашшоқлаштиришга хизмат қилади шекилли. Минг-минг таноб бу қақроқ ерлар сувгагина эмас, ҳаётбахш ижтимоий ўзгаришларга ҳам ташна, деган гапинг жуда тўғри экан-да,

— Буни мен эмас, Ленин айтган.

— Сизда сув келганда деҳқонлар нима қилади?

— Бизда... сув келиши билан баробар колхоз посёлкалари, суғориш тармоқлари, яхлит-яхлит текис ерлар, боғлар барпо этилади. Халқ янги ерларга кўчиб келиб, сувни бир байрамдай кутиб олишга шай туради. Сув келадию, ҳамма нарсага жон киради.

— Менинг тоғам ҳам шайланяпти! — деб Ғуломали илон чаққандай сапчиб туриб ўтирди, мушти билан кўзларини артди. У йиғлагандек эди. Собиржон бирон гапим билан хафа қилдимми деб қўрқиб кетди.

— Ғуломали...

— Мен... мен нимага бундай ожизман, Собиржон? Қўлимдан иш келади, қилган ишимдан қувонмайман... Ҳаммасидан воз кечиб, ташлаб кетгим келади!

— Кейин Лаъл Маҳдий иқтисодий қуллик кишанидан иборат хоинона лойиҳасини олиб бориб тиқиштирсин, шундайми? — дўстининг билагидан тутди Собиржон. — Йўқ, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш, дейди буни бизнинг ўзбеклар. Нега қувонмайман дейсиз? Агар юртнинг мустақиллигига хизмат қиладиган арзон ва оқилона лойиҳа тақдим қилиб, ўша авантюристларни қоқинтирсак, бу иш қувонч бағишламайдимми? Бу шарафли иш бизнинг қўлимизда-ку? Бу ҳозир сиз билан бизга боғлиқ бўлиб турибди-ку? Бундай пайтда изтиробга тушишингиз...

Ғуломали юзини четга қаратганча, бир қўли билан дўстининг кифтидан кўпол кучоқлаб, «кечир» дегандай силкиб қўйди. У ўз ҳолатидан хижолат эди.

Собиржон ошнасининг изтиробини сал босгандай бўлди-ю, лекин барибир эрталабгача ухлолмадилар. Саҳарда эса дарвоза томонда қандайдир шовқин эшитилди, эшак ҳангради, сайисхона эшиги ғирчиллаб очилди. Булар ўринларидан туриб улгурмаган эдиларки, супа олдида кетмон соқолли, хол-хол гулли салла ўраган пакана қария пайдо бўлди. У меҳмонларга тикилиб, ҳансираб турарди. Ковушини ечиб супага чиқди-ю:

— Эй, эсон-омон келдингизми, жигар, жон нисор, жон нисор, — дея Собиржонга ўзини отди. — Сурхондан меҳмон бор экан деган хабар етдию ярим кечада турасолиб ҳангини ниқтаб қолдим-да, хайрият-э, хайрият-э!..

Кўйлақчан Собиржон тер анқиб турган бақувват чолнинг бағридан қутуллолмай, ё бир сўз айтолмай, хижолат эди.

— Э, зап келибсиз, жигар, тан-жонингиз саломатми ишқилиб, кўзимиз тўрт эди, ота-она, уруғ-аймоқ, қон-қариндош, қўни-қўшни бари бардамми?..

Шоша-пиша зўрға кийимини кийиб олган Собиржон «шукр-шукр, бари саломат»дан бўлак гап қотолгани йўқ, чол эса йигитнинг кифтидан олган кафтини қошларига, лабларига суриб, кейин қийиғи билан кўз ёшларини артганча супа четига чўкди-да:

— Она юртимиз омон бўлсин, топганингиз тўйингизга буюрсин, жигар, — дея кемшикроқ иягидаги кетмон соқолини тутамлаб қўйди.

— Қаерликсиз, бува? — деб сўради Собиржон.

— Биз асли Деновданмиз, жигар, Хайриддин найнов дейдилар, Хожиқул пансотнинг куёвлари бўламиз, эшитган чиқарсиз...

— Ҳа-а... — деди Собиржон «эшитган эмасман» деёлмай. — Биз Қаршиданмиз, ота. Қалай, ўзингиз, уй ичи, бола-чақа билан омон-эсон...

— Э, барака топинг, ўғлим, раҳмат, бари тугал худонинг даргоҳида, мана шу ерлардан ризқимизни топиб... Ҳай, Деновга борганмисиз?

— Ҳафтада бўлмаса, бир ойда бир албатта борамиз, бува, ишимиз шунақа.

— А?

Ўзининг эски хотиралари билан яшаётган қария Қаршидан Деновга ҳар ойда бориш мумкинлигига ишонқирамади шекилли, қизарган кўзлари билан Собиржонга шубҳалироқ қараб қўйди. Лекин қадрдон хотиралар бу шубҳани ҳам енгди чоғи:

— Ҳай, Дўнганариқ шарақлаб оқиб ётибдими?

— Оқиб ётибди, ота, — деди Собиржон Деновда ҳозир бундай ариқ йўқлигини билса ҳам.

— Темир кўприк тепасида якка тут бор эди, кесилиб кетмадимикин?

— Турибди, қари тут яшнаб турибди, бува...

Чол яна кўзғолиб Собиржонга талпинди, бўйнига маҳкам осилганча,

бутун вужуди билан қалтираб йиғлай бошлади. Собиржон нима қилишини билмай, унинг елкасига қоқар, юпатмоқчи бўлар, лекин ўзининг ҳам раҳми келиб, кўнгли бузилиб кетган эди.

— Хайридин бува, энди бас, биз шошиб турибмиз, — деди Фуломали.

— Биламан, болаларим, қисматдан нолиш — гуноҳ, Лекин қариганда одам боладек бўлиб қолар экан, айбга буюрмайсизлар. — У ўзини ўнглаб, бирдан ялт этиб Фуломалига бурилди: — А қаёққа шошасизлар? Ахир мен бошқа бир жойни кўзлаб қўйишмасин деб, ярим кечада туриб йўлга чиқдим-а! Йў-ўқ, бизниқига юрасизлар, сизларни олиб кетгани келганман!

— Йўқ, бува, раҳмат, боролмаймиз, — деди Собиржон.

— Мени ранжитманг, меҳмон ўғлим, отингизни ҳам сўрамадим, негаки мен учун сиз — сиз эмас, бир зумга қайтиб келган ёшлигим, бутун ғамгузор умрим, ҳар тун тушларимга инадиган она юртимсиз...

— Хайридин бува, бизнинг жуда муҳим ишларимиз бор, — деб ялинди Фуломали. — Бошқа вақт албатта сизни бориб зиёрат қиламиз, шундай эмасми, Собиржон?

— Шундай, шундай, ваъдамиз — ваъда.

— Йўқ! — деди чол. Йиғлаб-ялиниб, тиз чўкаётганида Фуломали уни турғизиб:

— Биз Содиқ Сардор ҳузурига кетяпмиз, — деди жиддий. Бу номни эшитганда қария бирдан ўзгарди, юмшади:

— Шундай денг?! — товушидан, ишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим эканлиги энди унинг учун ҳам ҳеч шубҳасиз эди. — Ундай бўлса, бошқа гап. Сардорга биздан қуллуқ деб қўясиз, майли, тезроқ боринглар, кеч қолманглар...

Чол аҳдидан чекинди-ю, дилида яра қолганлиги сезилар, бу оғриқни қандайдир катта иш ҳурмати учунгина боса олганлиги билиниб турар эди.

Нонуштадан кейин от эгарлаб йўлга чиққанларида, Собиржоннинг кўнглида минг хил савол, турфа ўй ва таассуротлар ғужғон ўйнар эди. Тонг олдидан Мозори Шарифнинг тупроқ йўллари кўпчиган, от тўёқларидан садо чиқмас, чексиз жимлик ва кенгликлар чувалган хаёлларга майлу рағбат бағишлар эди. Собиржон эгардан эгилганча йўл четидаги ҳали гулламаган жийда шохини синдириб олди-да, унинг нозик атрини сезгач, ҳалиги чолнинг елкалари титраб йиғлагани ёдига тушди. Назарида, мана бу ниҳоясиз тонг осмонида бахту бахтсизлик, соғинч, алам, шодлик, ушалмаган армонлар, яна минг хил бир-бирига зид, ранг-баранг туйғулар булутдай сузиб юрибди, улар қаерларга бориб томчилайди: қовжираган саҳроларгами, долғали уммонларгами? Кимдир маҳрум улардан, кимдир даҳшатда. Кимдир тўйган улардан, кимдир интизор...

— Хайридин бува йигирма тўққизинчи йилларда келиб қолганлар, — деди Фуломали энди тушунтириш кераклигини англаб. — Бизнинг тоғага қайната бўладилар.

— Э-ҳа...

— Тоғамнинг катта хотинлари шу кишининг қизи эди.

— Шундай денг ҳали... Шу Пайкида турадиларми?

— Ҳа, ўзбек даҳасида.

— Куёв қарияни хафа қилмайдиларми ишқилиб?

— Йўғ-э, — деди Фуломали.

— Ночорроқ кўринадилар...

— У киши ҳам вақтида бадавлат бўлганлар. Энг катта давлати — қизи эди. Бу атрофда ҳусн-жамоли билан афсона бўлган ўша гўзал ўз қўлида эканида обрў-эйтибори ҳам, мол-дунёси ҳам бор эди. Қизи кетдию омади ҳам кетди.

Шу пайт Собиржоннинг дилида чўкиб ётган бесабр савол қалқиб чиқди:

— Кечаги қиз ким эди, Фулом?

— Қайси?

— Сизлар чиққанда меҳмонхонага чой олиб кирган.

— Зулайҳоми?

— Зулайҳо... ҳа, ўша бўлса керак, — деди Собиржон дилбарнинг исми бошқа бўлиши мумкин эмасдай.

— Тоғамнинг қизи-да, — деди Фуломали дўстига ялт этиб боқиб. — Мана шу чолнинг яккаю ягона невараси бўлади. Нима эди?

Собиржон чиндан ҳам қулоғигача қизиб, нам тортган манглайини енги билан сидириб артдию, беихтиёр ҳолатини билдирмасликка ҳаракат қилди:

— Шунчаки ўзим...

— Ҳай-ҳай, ўзингизга эҳтиёт бўлинг, — деди буни сал сезган Фуломали кулиб. — Аҳволингиз шу бўлса, Марзия пайқаб қолади.

— Нималар деяпсиз, сўраб ҳам бўлмайдимиз?

— Айтаман-да. Онаси раҳматли ёшлигида не-не йигитларни жинни қилган. Онасига тортган бўлса...

— Очиғини айтсам, жинни бўлишга арзийди.

— Бир кўришда-я? — деди Фуломали кулиб.

— Яна кўриб бўлармикин?..

Фуломали жиловни тортиб, дўстига разм солди.

— Жиддий гапиряпсизми?

— Билмасам...

— Менга қаранг, дўстим, — бизда бир эътиқод бор: ўта гўзал қизлар сал беҳосият бўлади, дейишади. Бу бир қимордай гап: ё тенги йўқ бахт, ё... ҳалокат.

— Бидъатнинг уяси экансиз, — деди Собиржон.

— Сиз эса тутриқсиз... бевафо, — тескари қаради Фуломали. Анчадан кейин сўради: — Марзияга ваъда берганмисиз?

— Бунинг нима алоқаси бор?

— Ие!

— Гап илоҳий гўзаллик ҳақида кетяпти. Бундай санамга сиғиниш керак. Ҳамма ишда ҳам қонун-қоида, ҳисоб-китоб бўлавермайди, оғайни...

Фуломали борган сари дўстининг ғалати-ғалати ҳисларини билиб олаяпти. Собиржон унга гоҳ соддагина кўринади, гоҳ эса — тушуниб бўлмайдиган мураккаб. Баъзан бир ишда ниҳоятда қатъий, баъзида эса мана ҳозиргидай мужмал... Лекин у барибир Собиржонга талпинади.

Ҳамроҳларнинг ўйга толиб жим қолганини отлар ҳам сезиб, қадамларини секинлатишган, бир маромда тебраниб ёнма-ён борар эдилар. Кўп ўтмай, шаҳар яқинлиги ҳам билинди — йўл серқатнов бўлиб қолди; чанг тўзғитиб от-улов ўтиб қолар, ҳўкизини хивич билан ниқтаб кекса деҳқон келар, орқасидан, йўл четидан аёли билан боласи; узоқларда эса кўчманчилар тўда бўлиб қўзғалишмоқда, арава фирчи, молчиларнинг ҳай-ҳуви, чарс-чарс қамчин овози...

Собиржон бирдан уйғонгандай тетик тортиб, узангига тарангроқ босди, пастга қараб тезлаб кетдилар.

— Менга қаранг, Фуломали, эрта билан ҳалиги Хайриддин бува бобонгизнинг исмини эшитиб, сеҳрлангандай ўзгариб қолди-я? Нега шундай экан?

— Ҳа, буни мен сизга олдинроқ тушунтиришим керак эди, — деди Фуломали. — Содиқ Сардорнинг номи бу атрофда ҳаммага шундай таъсир қилади. Бу — эски шуҳрат, бобом ҳозир қариб қолган. Утмишдаги обрў-эътибори эса Омонуллохонга яқинлиги билан боғлиқ. Ёшлигида шоҳнинг маҳрам шиғовули экан.

— Омонуллохоннинг офицерлари кўп бўлгандир ахир?

— Ҳа, албатта. Лекин Содиқ Сардор шоҳнинг алоҳида ишончини қозониб, унинг Ленинга ёзган хатини Тошкентгача етказган элчилардан бири бўлган, халқ эса бундайларни унутмайди. Тўғрироғи, бобом ўша элчиларнинг энг ёши, уларнинг қуроли соқчис бўлиб борган, ўша улуф сафарнинг яккаю ягона тирик гувоҳи...

— Тушунарли, — деди олдинда турган учрашувни кўз ўнгига келтириб ҳаяжонлана бошлаган Собиржон. — Ҳозир нима иш қиладилар?

— Севган шоҳини Бачасақо каллакесарларидан ҳимоя қиламан деб,

Майманадаги жангларда қаттиқ ярадор бўлгандан кейин корноил, яъни полковник унвонида истеъфога чиққан эдилар. Кейинги шоҳларнинг беписандлигига аччиқ қилиб, Мозори Шарифдаги отамерос мулкига бориб ётиб олди. Ҳозир Иқбол ғояларига берилганлар.

— Шоир Иқболми?

— Ҳа, ўшанинг таълимини тарғиб қиладилар бутун улусни оғизларига қаратиб. Қаерда пайдо бўлсалар, эл оёққа туриб кутиб олади. Содиқ Сардор деса, энг жангари қабила бошлиқлари ҳам ўйланиб қолади. Бу атрофнинг сайланмаган пешвоси. Лекин душмани ҳам кўп бобомнинг. Ҳали ўзлари билан гаплашасиз. Иқболни сўранг ундан. Иқбол — унинг учун бутун бир дунё.

— Уғиллари, яъни дадангиз-чи?

— Дадам эл қатори, оддий повинда эди. Читрол довонидан отда юнг тойлари ташиб юрарди. Омонуллохонни Римга қочирганда Содиқ Сардор негадир ўғлини ҳам унга қўшиб юборибдию, шу билан анчагача дадамнинг дарагини топишмаган экан. Ўн йилдан кейин хаста, ночор бир аҳволда қайтиб, бир неча вақтдан сўнг қазо қилган. Шундай қилиб, Сардор бирдан-бир ўғлини ҳам қиблагўхига қурбон қилди, деган гап чиқиб, халқнинг эътиқоди яна ҳам ошади.

— Менга қаранг, Фуломали, дабдурустан кириб бориб ў кишини безовта қилишимиз...

— Бемалол. Қайтага, кирмасак хафа бўлардилар. Бобом менинг ишларимга жуда қизиқади, у кишининг тарбиясида катта бўлганман-да. Биз жангу жадалда ўтиб кетдик, энди сен ўқиган, юрт шундай турмайди, катта воқеалар юз беради деб, Кобул университетига бериб ўқитдилар. У кишининг ҳар бир сўзига бошқалардай мен ҳам, негадир, ишонаман, башорат қилгандай, гўё дилингизга кириб гапирадилар...

Кун оғиб, Ҳиндикушнинг қорли чўққилари орқасида осмон қорайди, чапда эса поёнсиз пасттекисликлар ғарб шафағидан қизариб, гўё оловланиб ётибди. Кечки салқинда шивирлаб тебранган теракзорлар кўзга ташланди, шаҳарнинг чеккасидаги эски қўрғонлар ўрикзор боғларга туташ, йўлда кўтарилган озгина чанг ҳам бу яшил фонда қуёшнинг сўнгги нурларида ҳарир пардадай жилваланиб кўринади.

Кечки пайт икки отлайқ боғ кўчага кириб борганда лолазор томларда ўпоқ-сўпоқ болалар, қизил кийган сершовқин қизалоқлар пайдо бўлди: бу синчков кўзлар ҳар бир йўловчини шундай кутиб, шундай кузатишса керак.

Содиқ Сардорнинг боғ ҳовлиси қадимдан қолган жой экан шекилли, эски, сувоқсиз уйлар, синчли болохоналар этаккача чўзилиб кетган, қаровсиз гулзор четида кимдир қудуқдан сув тортар, катта боғ сўлғин, кимсасиз, аммо олдинги қатордаги бежиримгина янги уй пухта оқланган, ойнавонли айвони кенг, ёруғ, кўзни чорлаб турар эди.

Йигитлар отларни дарвозахонадаги оғилга боғлаб, сули тўрвасини бошларига кийгазгач, этикларнинг чангини қоқиб, тўғри ўша айвон томон юрдилар. Айвонда китоблар уйилган хонтахта ёнидаги юмшоқ курсидан жажжигина кумуш мўйловли, ёрғоқ бошига яшил фас кийиб, эгнига адрас чопон ташлаб олган баланд бўйли кекса одам қад кўтарди, Собиржон уни худди шундай нуроний қиёфада тасаввур этган эди-ю, саксонларга бориб қолган кишининг бундай хушбичим, тик қоматли, серҳаракат бўлишини ўйламаган эди. У меҳмонларни кўргач, офицерларга хос кескин ҳаракат билан елкасидаги хонаки чопонни ташлаб пешвоз юрди. Кулранг мовутдан тикилган тик ёқали, жез тугмали ярим ҳарбий камзули уни янада бўйчан қилиб кўрсатди. Фуломали бобосининг бағрига бош қўйди, кейин эгилиб камзул барини ўпди-да, дўстига навбат бергандай четга чиқди.

— Шўравий ўртоғингиз шуми? — деди Сардор, меҳмонга жилмайиб.

Собиржон ҳам дўстига тақлид қилиб омонлашди-ю, Сардорнинг муҳитнинг салобати босиб бирон сўз топиб айтолмади.

Хонтахтада, гилам устида, қандил орқасидаги баланд токчаларда чарм ҳошияли қадимий асарлар, Европада чоп этилган юпқа, ялтироқ муқовали китоблар, турли ёзувларда, турли тилларда... Собиржон шошиб

қолди. Буни сезган уй эгаси, афтидан, суҳбат учун аввал ўртада тенглик ўрнатиш ниятида:

— Сиз китобларга қизиқиб қолдингиз, меҳмон, мен олим эмасман, бу китоблар кексаликда тартибсиз тўпланган бир эрмак. Қани, ўтиринглар, ҳасанот, мен сизларни кутган эдим, жуда яхши бўлибди, — деди айвон тўридаги хонтахта ёнига бошлаб. Эгилмайдиган чап оёғини хонтахта остига узатиб, аввал ўзи ўтирди.

— Меҳмонга ўз қўлингиз билан ўзбекча палов қилинг, Ғуломали. Шўравий ўртоқлар билан кўпдан кўришганим йўқ, бу оқшом ўзимизники, мириқиб гурунглашамиз.

Икки ўртоқ кўз уриштириб олиб, бир-бирларини дарров тушунишди.

— Йўқ, бобо, айбга буюрмайсиз, вақтимиз жуда зиқ, сиздан фақат бир нарсани сўраш учун кирдик.

— Ундай эмас-да, йигитлар, мен сизларни бетоқат кутганимки, ишларингдан унча-мунча хабардорман. Хўш, нима гап, қаёққа шоша-япсизлар? Бир оғиз гапириб бермай кетмассизлар ахир?

Ҳамма гапни ҳикоя қилиб беришга тўғри келди. Йигитлар навбатманавбат, бир-бирларининг сўзларини бўлиб, тўлатиб, батафсил гапирдилар: «Катта Аму лойиҳаси», унинг муҳокамаси, муаллифлари, баҳсдаги позициялар, ўзларининг ҳозирги аҳволлари... Ош ҳам, мириқиб суҳбатлашиш ҳам, меҳмонларнинг шошиб тургани ҳам эсдан чиқди. Патнисда келган ширинлигу нон-чоёга ҳам қарамадилар. Сардор ўрнидан туриб кетиб, йўл-йўл шим, юмшоқ амиркон ботинка кийган узун оёқлари билан катта-катта одимлаб, сал оқсоқланганча гиламда у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Ҳа, шошилганларингча бор экан! — деди у салмоқлаб. — Уларни Афғонистондан кўра кўпроқ нариги қирғоқ қизиқтиради. «Жеймс-Морисон» компанияси бизнинг даврдаёқ жосусу қўпоровчиларнинг уяси эди, менинг «ошнам» полковник Лоуренс ҳам ўша ерда ишлаб, Точ шаҳридан ўз айғоқчиларига кўрсатма бериб турган. Буниси... ким дедингиз? Лаъл Маҳдийми? Ҳа, Лоуренсни ҳам Пири Карамшоҳ дер эдилар. Бу «лойиҳа» группаси жосусларнинг янги авлодига қарашли бўлса керак, уларнинг вазифалари ҳам янги. Сизларнинг жанубий вилоятларингизда кўзни кўйдирадиган ишлар бўляпти-да, — деб Собиржонга юзланди Сардор. — Қарши, Шеробод чўлларидаги, Қорақумдаги режаларингизни барбод бериш, Муҳаммад Довуд ҳукуматида Амуни қуритиб, қўшничилик асосларига болта урадиган лойиҳани элтиб суқиштириш — мана уларнинг фирибгарлик ниятлари.

Сардор ўз жойига келиб ўтирди, жим қолганида гавдаси бир оз букчайгандайроқ кўриндию, яна қақдини ростлаб гап бошлади:

— Лекин сизларнинг тутган йўлларингиз тўғри, йигитлар! Бу дўстликнинг сарчашмаларига энди уларнинг қўли етмайди! Унинг манбалари Ленин номи билан туташ. У халқлар дилига томир отган. Сиз совет тажрибаси тўғрисида жуда ўринли гапирибсиз, Собиржон.

— Бизда яна бир тажриба бор, муҳтарам Сардор, — деди Собиржон, гап мақсадга яқинлашганидан қувониб. — Ёш олимларимиз эски ўзанлар муаммосини кўтаришган. Шу ҳозир бизга қўл келадиган бўлиб турибди. Шунинг учун мана бу рисоланинг муаллифини излаб келдик. Ғуломалининг айтишича, сиз уни танир экансиз... — дея рисолани қўйнидан олиб журъатсизгина узатди. Содиқ Сардор олдию, бирдан қайнаб келган ғазабини яширмай, рисолани хонтахтага ташлади.

— Доктор Суҳайлни қўйинг... Менинг уйимда бу номни тилга олманг! — деди четга бурилиб.

Йигитлар ўнғайсиз аҳволда қолиб, аввал бир-бирларига, кейин ерга қарадилар. «Нега?» деб сўрашга ҳеч ким журъат этмади. Сардорнинг қиёфаси ўзгариб, юзидаги нур сўнган эди.

— Чорданаҳрнинг қадим ўзанларини ўрганганда доктор Суҳайл...

Собиржон, уй эгасининг кўзига кўзи тушдию, гапи оғзида қолди. Яна жимлик чўкди. Яна сал букчайиброқ қолган Сардор, жимликни бузгиси келмагандек, паст, сўниқ овоз билан гапирди:

— Тўғри, биз ошно эдик, лекин мен адашган эканман... У зот бизга ёт бўлиб чиқди. Аввал ўша «Катта Аму» гуруҳига қўшилиб кетибди деб эшитдик. Кейин эса, мана!

Сардор орқасига қайрилиб, токчадан бир парча газета қийқимини олиб узатди. Ғуломали уни қўлида айлантириб, «Кобул таймс» газетасидан қирқиб олинганлигини пайқади, сўнгра қалам билан белгилаб қўйилган кичик ахборотга кўзи тушди. Унда таниқли археолог доктор Сухайл Абу Матлабнинг ватанни тарк этиб, шахсий ва мафкуравий сабабларга кўра Америкага кетиб қолганлиги хабар қилинган эди.

Икки ўртоқ бошларини эгиб қолишди. Сардор эса паст, ҳасратли овозда ғазабини сочар эди:

— Шахсий ва мафкуравий эмиш... Сотқин, қочоқ! Аҳволидан, ишидан, касбининг қадрсизлигидан нолиб юрарди, жичча қийинчиликни кўтаролмади, кўрқоқ! Мен эси паст бўлсам, дўстим деб юрибман ўша номардни! Адо қилди бу мени, ҳеч қачон бу қадар қақшаб куймаган эдим!..

Озроқ нафас ростлаб, ҳорғин овоз билан яна бошлади:

— Бу ёқда ташлаб кетган хотини — тирик бева. Бир бебош ўғли билан қон йиғлаб қолди. У болани тарбияга олай деб қидиртирдим, йўқ, белига чувра тақиб, анови «Уйғоқ ёшлар» тўдасига қўшилиб кетибди. Шунақа бир чала ҳарбий ташкилот бор, тайинсиз, ʼраҳмсиз, шовинист офицерлар кўлига тушиб қолган. Ватан шербаччаларини тайёрлаймиз деб, ёш болаларнинг дилидан меҳр-шафқат, инсонийлик ҳисларини суғуриб ташлашга уриниб ётишибди. Ҳайвоний ҳирсдан бўлагини билмайдиган қаланғи-қасанғи, тўқликдан қутурган келгинди нодон офицерлар ёшлар ҳаёти билан ўйнашяпти. Уйиндан ўт чиқиб, бир кориҳол юз бермаса...

Ғуломалининг «авлиё» деб улуғлаган қудратли бобоси шу ўринда аянчли туюлиб, довуши товланиб қолди. Унинг ҳам қурби етмаган ишлари, изтиробга тушган пайтлари кўп экан.

Лекин икки йигитнинг фикри-зикри ўз муаммоларида эди, улар баробар ўринларидан туришди.

— Начора? Узанларни ўзимиз излаймиз.

— Сумбул аяга ёзамиз, зора...

— Лекин шошиш керак, узр, бобо, бизга рухсат.

Вақт кеч эди, лекин Сардор қолинглар, демади. Қолинглар демадию, негадир ўрнидан туролмаётгандай, бир зумга рухсат сўраб, Собиржонга қаради. Хира тортган кўзларида қандайдир армонли хотиралар ўйғониб, меҳрибон бир товушда Собиржонни «ўғлим» деб атади.

— Уғлим, Сумбул деган номни боя ҳам бир тилга олдингиз.

— Академик Сумбул Садриева — бизнинг устозимиз, совет олимаси, ҳурматли Сардор, — деди Собиржон.

Лекин Сардор унинг урғу берган бошқа сўзларини эшитмагандай, яна фақат:

— Сумбул... — деди секин. Бу унинг учун гўё эзгу ном эди. — Қаерлик у киши? Ёшлари нечада?

Бир оз ҳайрон бўлган Собиржон кутилмаган саволлардан шошиб қолди:

— ...У киши асли Шеробод томондан бўлсалар керак. Ёшлари... биз ая деб ўрганганмиз, ўн йилдан бери «ая, ая», ёшларини суриштирмабмиз ҳам, етмишга борганларми-йўқми, билолмадим.

Сардор индамади. У негадир чўкиброқ қолган эди, йигитларни кузатиш учунгина ўрнидан турди.

Икки ўртоқ қош қорайганда ўз базаларига қараб йўлга чиқишди. Сардор эса уларга оқ йўл тилаб, далда беришга ҳаракат қилди-ю, оғир ўйларнинг тутқунлигидан чиқолмай, маъюс кўзларини улардан зўрға узиб, дарбоза ёнида қолди.

О, у йилларнинг романтикаси! Ёшлик, порлоқ орзу, ёрқин идеаллар... Мактаби Ҳабибияни битириб, энди ҳарбий коллежга ўтган ёш офицермиз, буруннинг тагида кўнғиз мўйлов, кўлтиқда Маҳмуд Тарзийнинг «Сирож ал-ахбор» газетаси, «Эски афғонлар»нинг «жиҳод» шиоридан қаҳ-қаҳ

уриб куламиз, чунки у нодонлар Россиядаги инқилобни ҳали ҳам тан олгиси келмай, ҳамон жаҳон урушини қўллар эдилар. Биз, «Ёш афғонлар» кўп нарса билар эдик, мен эса Иқболни, унинг устоди Жамолиддин Афғонийни мутолаа қилар, Иқболнинг сеvimли жўрабошимиз Омонуллохонга бағишланган «Паёми Машриқ» достонини майдонларда ёд ўқир эдим. Биз учун Афғонистоннинг мустақиллик йўли аён бўлиб қолганди. Шунинг учун ўша савр эртаси Омонуллохон Кобул дурборида қилич сермаб қасам ичганида, томоқларимиз қирилгунча бақириб шиор отганмиз: «Амир Омонуллохонга худо ёр бўлсин!», «Ингилистон мустабидларига ўлим!», «Ёш афғонлар, олға!», «Яшасин истиқлол!»

Ажойиб баҳор эди! Элда ҳам, дилда ҳам. Ёш, ҳамфикр дўстимиз — амир, замон бизга қайишган, мамлакат қайнаб ётибди, иш кўп, куч-ғайратимиз тошиб, амри-фармон кутамиз.

Дастлабки кунлардаёқ Омонуллохон мени ҳузурига чорлади. Арkning ҳар эшигида ўзимизнинг ёш офицерлар, амир ҳам ўша-ўша: тик ёқали гимнастёрка, энли камар, ялтироқ этик... Аввал ўз уйимга киргандай яйраб кетдим. Лекин бир зумдан кейиноқ сездимки, Омонуллохон офицер кийимида бўлгани билан, эндиликда у амир эди. Шундай жиддий саломлашдики, дарров тетик тортдим. Мен у ҳақда ёмон фикрга бормадим, ҳозир унинг ўрнидаги одам бошқача бўлиши мумкин эмасди.

— Содиқ, сиз катта сафарга шай бўлинг, — деди у буйруқ оҳангида.

— Қанақа сафар? — дебман буйруқни сўзсиз, ҳарбийча шайлик билан қабул қилиш ўрнига. Мен ҳали кечагина орамизда тенг бўлган дўстлик муносабатларимизни унута олганимча йўқ эди.

— Унисини айтолмайман, — деди амир, — ҳозирча фақат шуни айтишим мумкинки, сафар жиддий, оғир, узоқ ва масъулиятли бўлади.

Омонуллохон ҳали унча тартибга ҳам солинмаган, биргина деразали, баланд шифтли қабулхонасида этигини ғирчиллатиб у ёқ-бу ёққа юрар, камгап, нафасини кўксига йиғиб, биқинидаги юришга халақит бераётган револьвернинг ёғоч ғилофини орқароққа суриб-суриб кўяр, зиммасида бутун бир мамлакат тақдири зил босиб турганлиги яққол сезилар эди. Қолган гапни сахтириш ортиқча: биз «Ёш афғонлар» сафидаёқ, агар Омонуллохон тахтга чиқса, унга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида кўп марта қасам ичганмиз.

Арқдан чиқдим, қувончли ҳовлиқишлар қаёққадир учди-кетди. Ёш амирнинг безовта руҳи менга ҳам юқди шекилли, нотинч, ўйчан бўлиб қолдим. Биринчидан, қанақа сирли сафар? Узоқ, қийин... Иккинчидан, худди шу кунларда саройдан узоққа жўнаб кетиш... Омонуллохон ўзи бирдан қалтис кетиб қоляпти, дарров мажбурий ҳарбий хизмат қонунини эълон қилибди, бундан норози исазай, илэксзай, анозай каби тоғли қабилалар бош кўтаришга шайланмоқда, акиси Анарулло ҳам ҳали тинчигани йўқ, қора кучларни йиғиб пайт пойлаб ётибди, ҳар қандай янгиликдан сочи тикка турадиган «эски афғонлар» ҳам, воқиф ерларини бой берган саййиду муёнлар ҳам тиш қайраб ўтиришибди, Омонуллохонинг баёнотларидан қути ўчган инглизларга худди мана шу кучлар қўл келади. Мени қаёққа юборяпти шундай пайтда? Тушуняптимикин бу хавф-хатарларни? Нега гапирмадим? Нега гапира олмадим?

Ёш бўлса ҳам, ҳамфикр дўст бўлса ҳам, амир амир экан-да. Эскидан қолган мутеълик кайфияти қурсин, чиқиб, кетаверибман, мана энди на тунлари уйқу бор, на кундузи ҳаловат. Уйдагилар мажнунсифат бу аҳволимдан хавотирда, яширин топшириқ ҳақида эса уларга ҳам, дўстларимга ҳам бир оғиз сўз айтолмайман, кўнглимда бир олам ташвиш, ўзимни кўярга жой тополмайман.

Беш кун чидадим. Олтинчи куни тоқатим тоқ бўлиб, ўзим бораман деб турганимда, Арқдан чопар келиб қолди. Бу сафар ҳамма гапни айтаман деб ўзимга далда бериб борсам, мени амир эмас, генерал Муҳаммад Валихон қабул қилди. Генерал — у замонлар биз «жарноил» дер эдик — ёши улғ бўлса ҳам ўз кишимиз, фикрли, донишманд одам, амирнинг ишонган маслаҳатчиси. Унинг инглизларга қарши икки урушдаги ҳарбий хизматлари тилларда дoston, биз, ёшлар учун эса унинг номи азиз.

Ишонса бўладими, қурби етадими, дегандай кўзимга тикка қараб турди-да:

— Урусияга борамиз, навқирон дўстим! — деди ортиқча даромадсиз. Мен қулоқларимга ишонмай, ҳовлиқиб, нафасим ичимга тушиб кетди, дарров бир нима деб жавоб беролмадим. Генерал ўзи ҳам ўйланиб қолган эди.

— Жарноил, агар сир бўлмаса...

— Сизга сир эмас. Амиримизнинг тавсияси билан чақирдик, бизга шиғовул, маҳрам соқчимиз бўлиб борасиз; элчига ўлим йўқ дейдилар, лекин вазият... энг муҳими — сафаримиз тарихий сафар, навқирон дўстим, ватанимиз тақдири билан боғлиқ эзгу бир вазифа зиммамизга тушди...

Генерал бу эзгу вазифа нимадан иборатлигини сўзлаб берди: биз амир Омонуллохоннинг Владимир Ильич Ленинга ёзган мактубини Москвага етказиб беришимиз керак экан. Бунинг учун генерал Муҳаммад Валихон бошчилигида элчилар группаси тайинланибди. Энг дўстона ҳиссиётлар изҳор этилган бу хатни жуда қаттиқ ардоқлаш, душман қўлига тушмаслиги учун барча чораларни кўриш зарур эди.

— Эзгулик ҳам ўз-ўзидан бўлмайди, шиғовул, уни барқарор этиш учун жанг қилиш керак, — деди кекса генерал, менга оталарча меҳр ва қатъият билан боқиб.

Ёш бошимга мислсиз масъулият тушганини билардим, менинг бениҳоя ҳаяжонларимни шу кекса, доно одамнинг осойишта қарашлари босиб турарди, холос. Ҳаяжонларим қувончдангина иборат эмас эди, катта, мураккаб, шонли, шу билан бирга хатарли воқеалар қомига кириб бораётганимни сезардим. Анча жимликдан кейин журъат қилиб сўрадим:

— Жарноил, шундоқ ҳам ўрислар Афғонистонда шўро ҳукумати ўрнатади деб, амиримизни «коминтерн хавфи» билан қўрқитмоқда эдилар, бу мактубдан кейин нима бўлади? Инглизлар улусдан шундай бир турткини кутиб ўтиришибди-ку? Юртнинг ҳоли хароб, яна уруш бошланмаса эди... Сиз нуфузли, донишманд одамсиз, Омонуллохон ёшлик қилаётгани йўқми?

— Мулоҳазангиз ўринли, лекин бари астойдил ўйланди. Душман қутқу кўзгамай қолмайди, албатта. Шу билан бирга, бу мактуб етиб борган тақдирда улар учун катта талвасага ҳам сабаб бўлажак. Урусия — қудратли кишвар. Душманнинг қутқуси балки ўзининг бошига етар, буюк ва мазлум Ҳиндистон ҳам бу вазиятда бизнинг дўстимизга айланиши мумкин, навқирон дўстим, — генерал тақир бошини силаб, кенг манг-лайини тириштирганча бир оз жим ўтирди-да, менинг саволим билан бўлинган фикрининг учини топди шекилли, давом этди, — ҳозир гап унда эмас, шиғовул, бу катта ишларни тарихнинг ўзига қўйиб берайлик. Айтин-чи, сафарга руҳан шаймисиз?

— Бажонидил, жарноил!

— Сўраганимки, йўлимиз хатарли эканини билиб қўйишингиз керак. Туркистон қамалда, Красноводда инглизлар изғиб юрибди, Аму ёқаларида босмачилар... Кўзғалишимиз билан бари ғимирлаб қолади, айғоқчилар ҳозирдан изимизга тушган бўлса ажаб эмас.

— Биладан, сардор, ҳаётим сизнинг ихтиёрингизда!

Генерал ўрнидан туриб ёнимга келди. Ҳорғин юзига содда табассум ёйилди:

— Йўқ, шиғовул, энди аксинча, менинг ҳаётим сизнинг ихтиёрингизда, — деди у, елкамга юмшоқ кафтини қўйиб.

— Кўксингизга қалқонман, сардор!

— Мана қалқон! — деди генерал столдаги қизил бахмал муқовали папкани олиб. — Бу мактуб жафокаш юртимизнинг кўксига қалқон бўлур, иншоолло!

Апрелнинг ёмғирли кечаси, кутилмаганда, беш киши бўлиб йўлга чиқдик. Ортиқча диққат-этиборни жалб этмаслик учун бўлса керак, кийимларимиз ҳам шунга мос одми эди. Биримиз косибга, биримиз дукондорга ўхшардик, яна биримиз — деҳқонсифат. Соябони туширилган

икки отлик файтонда эгнига жўнгина жанда, бошига кўримсиз сур телпак кийиб, мирзасининг ёнида кичкинагина бўлиб ўтирган кишини ҳеч ким машҳур генерал Муҳаммад Валихон деб ўйламас, ўткинчининг аввал бошлаб унга кўзи ҳам тушмас эди. Қуйиб турган ёмғирда бу файтонга агар бировнинг кўзи тушса ҳам, аввал жиловдор ўрнида ўтирган гардони кенг, шопмўйлов Ҳамди Салмонга тушар эди. Мўйловига сурма қўйиб, қолларини териб юрадиган оқ юзла, ўзича келишган, гавдали бу одам элчининг мутасадди муовини, кўпроқ хўжалик тадбирларига қарар, сафарда қўним жой, юклар, озиқ-овқат, бекатларда отларни алмаштириш, ем-хашак каби нарсаларга жавобгар эди. Мирзо эса генералнинг ёшдоши, ориққина, камгап, зиёли одам, элчининг қоғоз ва ҳужжатларини бошқарар, рус ва инглиз тилларини яхши билганидан саройда эскидан обрўли тилмоч ҳисобланар эди.

Мурод Юсуфзай билан биз орқада, отда кетяпмиз. Юсуфзай катта офицер — корноил, лекин мен унга эмас, элчига бўйсунаман, унинг ҳар бир кўз қарашини илғаб, сўзсиз буйруғини ҳам тушуниб, бажаришга шай туришим, ундан кўз узмаслигим керак.

Баҳор ёмғири совуқ бўлмаса ҳам, туни билан савалайвергандан кейин тагимиздаги эгару ёпинчиқларимизгача шалаббо қилди, унинг бутун қаҳру захрини Юсуфзай билан биз татияпмиз, соябон остидаги қариялар эса дам мудраб, ўнқир-чўнқирларда сал хушёр тортиб, ҳар ким ўз ўйини ўйлаб, тебраниб бораяпти. Тоғ йўлларини сел ювиб, чақир тошларини юзага чиқариб, чўнқирларини сувга тўлғазиб кетган эди, баъзан кўлмакларнинг теранми, саёз эканини билиб ҳам бўлмайти, файтоннинг соябонигача лой чапланиб кетган, йўл оғир, лекин, хайрият, тинч эди. Қари билганни пари билмас: намгарчиликда кечаси йўлга чиққанимизнинг маънисини ҳам шу бўлса керак. Ёмғир тинмаганидан, тоғ оқарганини ҳам пайқамабмиз. Бир-икки дам олиб, отларни алмаштирамасданоқ Саланг довонидан ўтиб олдик.

Иккинчи куни белгиланган жойда отларни алмаштириб, бошқа уловга кўчдик: довондан кейинги йўлларда енгил файтон юролмас эди, тўрт ғилдиракли пишиқ четан арава бердилар. Корноил Юсуфзай билан бизлар эса ҳамон эгардамиз.

Ёмғир тиниб қуёш чиққан эди, эрта баҳор яшнатган ниҳоясиз кўм-кўк кенгликлар чарақлаб кетди. Мең мамлакатимизнинг шимолини, ўзим туғилиб ўсган жойларни биринчи марта тепадан кўряпман. Зангори осмон билан тутшиб кетган узоқ яйловлар, бодроқ бўлиб гуллаган ғуж-ғуж боғу роғлар мени тўлқинлантириб юборди. Ажабо, «Ёш афғонлар»нинг сершовқин баҳсларида, офицерлик йиғинларида кўрагимизга уриб «Ватан!» дер эканмиз-у, ватаннинг нима эканини билмас эканмиз! Бўлмаса ўсмирлигимда бу йўллардаан неча бор ўтганман, Мозори Шарифдан Кобулга қатнаганман, энди бўлса мана, дафъатан... Узимни бирдан улғайгандек ҳис қилдим. Анави аравада мудраб кетаётган қари, донишманд генерал учунгина эмас, дилбар баҳор саринликлари билан сингишиб кетган мана бу чексиз, муқаддас тупроқ тақдири учун ҳам жавобгарман. Энди мен ҳовлиқиб юрган ёш офицер эмас эдим.

Тагимдаги ёш жийрон йўрға бирдан қулбқларини динг қилди, йилтиллаган сағрисида пайларни титраб қўйди. Бу жимлик, бу осойиш алдамчи эмасмикин? Бу хавfli сафарда бир кор-ҳол юз берса, сафардагина эмас, янги ҳаёт бошлаётган бутун мана шу мамлакатда нимаики юз берса, мен масъулман. Эгар устида кўксим яна ҳам кўтарилиб, узоққа тикилган кўзларимдан томчи ёш сизиб чиқди. Мен уни артмадим. Умуман, кўз ёшидан уялар эдим, лекин бу сафар уялмадим, йигитлик кучим тўлишаётганини, ўзимнинг кимларгадир зарурлигимни, юрт ишига яраганимни, қадримни сездим.

Тўртинчи куни узоқдан кўм-кўк бўлиб Аму кўзга ташланди. Осмоннинг нилий рангини акс эттириб, ёйилиб оқаётган Аму менинг, кечаги оддий ширин ҳисларимни йигитлик ғурурига айлантиргандай бўлди. Мана, дарё ҳам шенинг вужудимни қамраган ҳислар сингари тоғлардан бебош боладек шаталоқ отиб тушиб, чексиз кенгликларга етган, ором олгандай, жиддий, босиқ, улуғвор, ёйиқ оқмоқда. У ҳам менинг

еримда туғилган, менинг қўлим, менинг қулочим, қўшниларга очган қучоғим. Уёқдагилар ҳам буни сезармикин, менинг ҳисларимни, ўйларимни тушунармикин, қандай у одамлар, ўз тақдирини ўз қўлига олган у бахтиёрлар?

Чегарада бизни кутиб туришган экан. Можаросиз етиб келганимизга қувонар, қаттиқ чарчаган бўлсак ҳам илжайар эдик. Лекин бизни кутганлар ҳарбий кийимда, ҳаммаси жиддий эди. Бизнинг илжайишларимиз, бунинг устига косибча, деҳқонча жўн кийимларимиз кулгили туюлди. Ҳужжатларни расмийлаштириб, юкларни паромга жойладик. Атрофи ихоталанган кенг ёғоч паромда бизу бизнинг юкларимиз, яна бир неча нотаниш ҳарбий соқчилардан бўлак ҳеч ким йўқ. Мен Амуни томоша қиламан. Уртароққа келганимизда унинг лойқа тўлқинлари баҳайбат, чуқур, ваҳимали туюлди, лекин дарё, қандайдир, юракка яқин, мени чексиз, нотаниш янги дунёга узатаётган она қўлидай қадрдон эди. Яқинлашаётган бегона қирғоқ менга узоқ, номаълум келажакдай кўринади. Унда қош қорайиши билан милтиллаб битта-битта пайдо бўлаётган чироқлар аста ипга тизилиб, дарахтзорлар орасидаги ясси шаҳар кўчаларини, ундан таралган узоқ-яқин йўлларни белгиламоқда. Чироқларнинг энг баланд ва энг ёруғлари шаҳар четидаги гавжум соҳилда ёнди, унда кема гудоклари янграб, узоқдаги қоронғи бўшлиқлардан акс садо келар эди.

Нарсаларимизни паромдан эски яшил машинага юклаб, бизни ўша томонга олиб кетдилар. Бизни қарши олган одамлар, соқчиларимиз меҳмон кутаётганликларини унутмай жилмайиб қарашга, мулозимат кўрсатишга уринар эдилар-у, негадир жуда шошар, меҳмондўстликни унча ўрнига келтиролмай, бизни ҳам ошиқтирар эдилар. Буни биз кейин тушундик: бу ерда бир неча кун қолиб кетмаслик учун, ҳозир маълум соатда жўнайдиган поездга улгуришимиз зарур экан.

Жойимиз умумий вагонда, фақат олдиндаги уч очиқ купе биз учун бўшатишган, озода, файзли эди. Этакдаги купеларда бизга ўхшаган содда йўловчилар юки, бола-чақаси билан овора, баъзиларигина йўлак ва эшигимизга қўйилган ҳарбий соқчиларга қараб, бизнинг оддий йўловчи эмаслигимизни тахминлашди шекилли, ўзаро пичирлашиб олишди. Купе устунидаги фонусларни қаттиқ тебратиб поезд юргандан кейин эса, бизга ҳам ҳеч ким қарамай қўйди.

Кўп ўтмай оқшом чўкиб, вагон ғилдиракларининг тароқ-туруқидан бошқа ҳамма овозлар тинди. Генерал чордона қуриб ўтирган жойида, Мирзо сандиқ ёнида ғужанак бўлиб, гавдали Ҳамди Салмон эса ўз сўрисида тоғдай ёнбошлаб пинакка кетди. Фақат посбонлар уйғоқ, улар тикка туришибди. Юсуфзай билан биз эса ўтирган, кўринишдан бепарво бўлсак ҳам, худди ўша қуролли соқчилардай ҳушёр ва шаймиз. Мен ҳар галгидай сардордан икки қадам четроқда, унинг уйқуси уйқу эмас, шунчаки ором аралаш чексиз ўйлар эканини сезиб ўтирибман. Унинг ўйлари катта, чигал ўйлар, мен эса унинг гўё бир бўлагиман, шунинг учун ҳаяжони ҳам, кўнгил осойиши ҳам менга тез ўтади. Ҳозир ташқарида тун, ғилдиракларимиз остида бегона ер, сардор ҳам шуни ўйлапти, мен биламан. Лекин унинг ёрқин ҳаяжонларига соя солган бу эмас. Термизда ҳалиги жиддий, шошқалоқ одамлар унга бошқа шумхабар айтишди: биз жўнаб кетган кунларимиз мустамлакачи қўшинлар шарқий чегараларимизга бостириб киришибди. Бу хонавайрон бўлган юртимизга уларнинг учинчи марта уруш очиши. Сардор бирдан қақшаб, ранги ўчиб, тиззалари қалтираб қолди. Аммо мезбонларимиз унга тасалли бердилар: мустақилликнинг уфқларини илғаган заҳматзада халқингиз, ёшу қари ёппасига бош кўтариб, босқинчиларга ғазаб ва нафрат ўтини сочмоқда, мислсиз қахрамонлик кўрсатмоқда. Британия Ҳиндистонида ҳам исёнлар... йўлингизда хотиржам давом этаверинг...

Хотиржам... Айтишга осон. Кекса генерал босқинчиларнинг ваҳшийликларини, найрангларини яхши билади, энди унинг хотиржам бўлиши мушкул, ватан яна ўт ичида, биз эса ундан узоқлашиб кетяпмиз.

— Йўқ, узоқлашиб кетаётганимиз йўқ, қайтага, яқинлашяпмиз... — Сардор шундай деяпти ҳозир. У индамай, кўзини юмиб ўтирибди-ю,

лекин шундай деяпти, мен биламан. У ҳамиша шундай, кутилмаган бир доно гап айтади-да, кейин тушунтиради.

«Ҳозир бутун дунёда босқинчи империалистларга қарши ғазаб аланга олаётган пайтда, ҳар қандай ғазаб учқуни кучли гулханга айланаётган пайтда, келгиндилар зулмидан асрлар давомида азоб тортган ҳинд мусулмонлари ҳам бош кўтарган пайтда жим туриш мумкин эмас. Пайтни бой берманг, ерингизни талон-торож қилган мустабибдиларни елкангиздан улоқтириб ташланг! Ўз вайроналарингизнинг яна ҳам поймол бўлишига йўл қўйманг! Сиз ўз юртингизнинг хўжайинлари бўлишингиз керак! Ўз ҳаётингизни ўзингиз истаган изга солингиз! Сиз бунга ҳақлисиз, тақдирингиз ўз қўлингизда!»

Биз мана шу гапларни айтган буюк инсон ҳузурига кетаяпмиз. У маслаҳат беради, нажот йўлини кўрсатади.

Қаердадир хуррак эшитилди. Этакда, йўловчилар орасида. Епирай, бемалол ухловчилар ҳам бор-а! Қачон келаркин барча одамлар кечалари бамайлихотир ухлаб ором оладиган пайтлар?!

Хаёл билан бўлиб тонг оттирибмиз. Қурум босган деразаларда туманли эртанинг хира кўрки балқиди. Нон хиди, чақалоқ товуши келди. Сардор ҳам кўзини очган эди, ўтирган жойида «мана, бир кун ўтди», дегандек, менга қараб ҳорғин жилмайиб қўйди.

Мен шу пайт нонушта ҳақидами, бедор ўтган тунимиз ҳақидами, бир нима демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эдим, бирдан вагон ларзага келиб, тормозларнинг хунук ғирчиллаши остида юқори тоқчадаги ёғоч чамадонун аллақандай қоплар гурсиллаб ерга тушди, вагонда қаттиқ қий-чув кўтарилди. Шикастланган йўловчилар фарёд кўтарди, менинг ёнимдаги тошфанор полга тушиб чил-парчин бўлди, керосин хиди анқиди. Йўқ, вагон тўхтамаган, фақат ғилдираклар темир изларда ваҳимали ғирчиллаб судралиб борарди.

Эшик томонда қандайдир сурон кўтарилди, манглайини чақа қилган соқчи ўша томон отилди, чап томонда эса — ўқ овози, деразалар чил-чил сина бошлади. Корноил билан биз қуролимизни олиб, девор ёнида ўтирган сардорга қарадик. Ҳеч қандай буйруқ бўлмади. Сардор ҳали вазиятни англаб етгани йўқ эди шекилли. Йўлакда беқасам кийган нотаниш одамлар кўринди, чапдаги деразаларга ўқ отилар, ташқарида қийқириқ, от дупури эшитилар эди. Кирганлардан бири — қора соқолли, чақмоқ телпакли, ёш, кўринишдан жасур, чиройли йигит, бақириб берди.

— Нима гап!!! Тўхтат бемаъни отишмани! Айт каллаварамларга, кимга отишяпти?!

Буйруқни ташқарига етказдилар, ўқ овозлари тинди. Йўлакдаги қуролли одамлар ҳам, қора соқолли йигит ҳам ўз сўрисида девдай бўлиб ўтирган савлатли ҳамди Салмонга тикилишган эди. Мен сардорнинг кўз қарашини илғадим: «Қуролни қўйинг, булар кўп. Мана буни олинг!» У кирганларнинг ўзига эътибор бермаётганидан фойдаланиб, ёнбошидаги кичкина чарм портфелни мен томон сурди. Олиб қўйнимга жойладим, бунда асосий ҳужжат, биз олиб кетаётган тенгсиз бойлик — Ленинга ёзилган мактуб бор эди, энди унинг тақдири, ҳаммамизнинг тақдиримиз менга топширилди — мен буни сўзсиз тушундим...

Вагонимиз судралиб бориб, офтоб тифида қовжираб ётган кўримсиз бир чакалакзорда тўхтади. Деразалар ойнаси тўқилган, аммо уларга яқинлашиш — ўлим билан баробар. Пешонасини танғиб олган йигитлар қора соқолли ёш бошлиқлари билан бирга илжайишиб, мўйлабига сурма тортган Салмонни гапга солишади: элчининг шу эканига шубҳалари йўқ: Салмон эса ким эканлигини айтмади, бухоролик тожикман, деб кўрди. Босмачилар қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Шубҳасиз, улар бизнинг кимлигимизни яхши билишади, фақат бошқа йўловчилардан ажратиб олиб кетиш учунгина суриштиришяпти. Мен эс-ҳушини йиғолмай турган этакдаги йўловчилар томон аста силжий бошладим. Зора ўшаларга аралашиб, «йўқолиб» кетишнинг иложи топилса.

Бироқ шу маҳал йўлакдаги босмачилардан кимдир менинг отимни айтиб бақириб қолди:

— Содеқ!!!

Мен ҳанг-манг бўлдим. Аввал қулоқларимга ишонмадим: Содиқ деган бошқа бир кимса ҳам бўлиши мумкин-ку... Йўқ, исмим яна янгради:

— Содеқ! Мен, мен ахир, Жалил Гуфтадўст, танимадингми? — деб суртелпакли бир новча йигит босмачилар орасидан қўлларини силтаб чиқиб келарди; елкасида бешотар, кўкси тўла ўқдон, қора мўйлаби қаламда тортилгандек ингичка, ола-кула кўзларида қувонч. Оббо, мана шу етмай турган эди, деди сардорнинг кўзлари ҳам. Ноилож, илжайганча танишимга қараб юрдим. Гуфтадўст чиндан ҳам менга ошна, тенгдошим, биз билан Ҳабибияда ўқиган офицер эди. Ҳабибуллохон даврида Саид Олимхоннинг илтимоси билан бир гуруҳ офицерлар қатори «Бухорои Шарифни большевиклардан муҳофаза қилгани» юборилганди. Ҳабибуллохон қатл этилгандан сўнг улар Омонulloхондан қўрқиб, Афғонистонга қайтиб боролмай, шу ерда қолиб кетишган. Бу гўрсўхта новча дайдиб юриб-юриб, босмачиларга қўшилиб кетган экан-да.

Уни қучоқлаб, «Э, жўражон, эсон-омон бормисан, юз кўришар кунлар бор экан-ку!» дея атай сурон солиб кўришдим. Сардорнинг кўз қарашидан маъқуллаётганини илғадим. «Қувонч»га берилиб, яна қучоқлаша кетдик, атрофдаги йигитлар кулишар эди. Гуфтадўст юртимизни роса соғиниб-сарғайиб юрган экан, нуқул хўнграб йиғлайди. Атрофдагиларнинг раҳми келиб кетди шекилли, бизга йўл очиб, кенгроқ жойга чиқиб гаплашишимизга имкон беришди.

— Бу ёққа юр, жўра! Вой жўражон-эй, қани, гапир, тўғри Кобулдан келяпсанларми?

— Ҳа -ҳа, — дейман унинг қучоғидан қутулолмай, хаёлим эса бошқа ёқда: сардорни, шерикларимни ташлаб кетяпман, уларнинг қисмати нима кечади?

— Шундай қилиб, тўғри... о, жўражон-эй, бизнинг хонадондан хабаринг борми, дадам омонмилар, ойим, синглим... — Гуфтадўст сур телпагининг астари билан ёшларини артиб яна йиғлаб юборди. Мен унинг қариндош-уруғларини кўпдан бери кўрганим йўқ, бир вақтлар жуда ҳовлиқма, шарткесар бўлган бу новчани ҳам унутаёзган эканман, шундай бўлса-да, барча саволларига «ҳа, ҳа» деб туравердим.

Вагондан тушиб, кенгроқ жойга чиқиб олдик. Атрофда поездни тўхтатган қуролли тўданинг маст-аласт йигитлари: бақириқ-чақириқ, қаҳ-қаҳа, ранг-қути ўчган, пешонаси қашқа, қўли синган, қовурғаси майишган йўловчиларнинг ниманидир кутиб аланглаган кўзлари, ваҳимали ивирсишлари... Вагон деразасидан кимдир бақирди, сал нарида паға-паға буғ пуркаб, вишиллаб турган паровоз шовқинида унинг нима деганини мен эшитмадим. Лекин Гуфтадўст эшитди чамаси, йиғламсираб турган жойида дарров ўзгариб, қулоқлари динг бўлди: уни чақиришаётган экан.

— Мен ҳозир, жўра, шу ерда тур! — деди-да, мени қолдириб, вагон зинасига сакради. Босмачи бўлса ҳам бу аҳмоқ жуда жўн экан. Ҳойнаҳой унга мени олиб келишни буюришади. Мен эса, «дам шу дамдир...» дедим-да, ғилдираклар орасидан вагон остига урдим ўзимни. Нариги томонда яна шелонлар турган экан, эгилганча яна бир неча издан ўтиб, бир бочка қўланса сув, қизил пақирлар ёнидан чиқдим, нарироқда қандайдир дўкон, семафор ёнида мазут суркалган шпаллар, орқасида тўзонли чакалак, чўнқир...

Қаёққа кетаётганимни билмайман, ишқилиб, узоқроққа кетсам бўлди. Шунинг учун йиқилиб-сурилиб, юз-кўзларим тирналса ҳам, яна туриб югуравердим.

Поезд йўлидаги суронлар орқада қолди, бир эски кўрғон деворлари бўйлаб пастга тушдим, серқатнов арава йўлидан қочиб, хилват чорбоғларга қайрилдим, томорқалар, молхоналар, гўнгтепалар...

Туппа-тузук қишлоққа ўхшайди, лекин нега ҳеч ким йўқ, ҳолдан тойганча юрдим ҳамки жон зоти кўринмади. Балки бу ҳам менинг омадимдир, ахир биров учраб, кимсан, деса, нима деб жавоб қиламан? Ёнимда-ку ҳужжат йўқ эмас, ўқиса, ярим дунё ҳайратда қоладиган ҳужжатларнинг ҳужжати бор қўйнимда! Лекин уни ҳали сақлаб қолиш

керак, ўз ҳаётимдан ҳам кўра ўша муҳим. Тўғрироғи, бир-бирига боғлиқ, бири бўлмаса иккинчиси ҳам йўқ деяверинг. Шунинг учун бу пастқам жойда нафас ростлаш керак. Бу жойлар кимга қарайди? Агар юртни ҳалигилар сўраётган бўлса, менинг аҳволим мушкул. Портфель менда, сардор ва шерикларим гаровда. Группамиз тақдири менинг қўлимда. Уларни қийнашлари мумкин, лекин портфель топилмагунча ўлдирмайдилар — буниси аниқ.

Аслида мен омади келган йигитман, лекин бу ерда омад чопмоғига ҳеч кўзим етмаяпи. Қуёш найзага келди ҳамки чолдевор тагида, чанг босган қовжироқ тиканзорда ҳансираб ўтирибман. Ташналик, чарчоқ, қуёш тиғидан бошим ғувиллаб, вужудимни қора тер босарди. Юришга ҳам қўрқаман, юрмасликка ҳам.

Кимса учрамагани яхши, лекин қаердалигимни кимдан сўраб биламан? Чигал ҳаёллар мудратмас, аммо толиқтирар эди. Бехос недир шитирлади. Қандайдир шитирлашдан ҳушёр тортиб, ўзимни панароққа олдим. Бир пасдан кейин:

— Вой, ўлай! — деган овоз эшитилди. Беш қадам нарида ранги қув учган қизалоқ кўзларини пирпиратиб турарди. У чала қуриб ётган ўрикзор томондан чиқиб келди. Қизил иштоннинг липпасига ғўра терган экан, қистирилган этагини шошиб туширдию, нима дейишини, нима қилишини билмай, менга тикилганча узоқ туриб қолди. Қонаб, чанг-лой суркалиб кетган башарам уни чўчитган эди чоғи, паст овозда:

— Ҳой, қиз, қишлоқда ким бор, нега одамлар кўринмайди? — деганимни биламан, қизалоқ ҳуркиган тоғ эчкисидай қочиб қолди.

Бу эси паст ҳозир бориб қишлоққа ёяди: фалон жойда ғалати одам яшириниб ўтирибди, ундоқ-мундоқ...

Энди бу ерда қолиб бўлмайди. Мен зўрға туриб, эрта баҳордаёқ қовжирай бошлаган ўрикзорга кирдим. Ариқлар қуруқ, оёқ остида, сарғайган ўтлар орасида калтакесак шитирлайди. Пастлаб юрган сарим, шом яқинлашдим, ҳавода саринлик сездим, бир қақроқ жойдан ўтгандан кейин кўк ўт, мева туккан дарахтлар ҳам учрай бошлади. Марза четларида сигир-бузоқ, йироқдан мол қўралари, йўлнинг иссиқ чангида «ювина-ётган» товуқлар кўринди.

Кечга яқин бир эски бостирма орқасидаги шотут соясида жилдираб оққан ариққа дуч келиб, ҳовучлаб узоқ сув ичдим-да, жойимдан жиллолмай майсада ёнбошлаб қолдим. Қош қорайган эди, кундузи борар жойини билмаган одам қоронғида қаёққа ҳам борар эдим, таваккал, шу ерда терни қотириб, сал дармон йиғиб олай-чи.

Тун салқинида ҳушёр тортдим. Ажабо, мен қаерларда ётибман, умуман менинг ҳозир ётишга ҳаққим борми? Неча-неча элатлар келажани, юртимнинг тақдири, узоқ-яқинидаги қирғин урушлар, юз минглаб одамларнинг ҳаёт-мамоти — бари менинг қўйнимдаги кичкина мактубга боғлиқ-ку! Мен ер юзида ўт парчасидай лов-лов ёниб, тинмай кезишим, ўлсам ҳамки уни манзилга етказишим керак.

Вужудим қизиб, сапчиб ўрнимдан турган эдим, тушимми-ўнгимми, яна бояги товуш эшитилди:

— Ҳей... ҳей киши...

Қоронғида қизчанинг шарпасини илғаб, севиниб кетдим. Бола бўлса ҳам, жон эгаси, ҳозир у менга жуда зарур эди.

— Нима дейсан?

— Бу ердан кет, бу ерда ётма, — деди қиз яна шивирлаб.

— Қаёққа? Менга ҳеч ким йўқ жойни кўрсат.

— Билмасам — қаёққа. Бу ердан кет. Ҳамма жойда босмачилар, одамлар уйларига қамалиб олган. Бу ердан кет.

Мен тахминан шундайдир деб ўзим ҳам ўйлаган эдим, лекин ҳозир буни эшитиб таҳликада қолдим: чўғ устида ётган эканман-ку?

— Ҳей... — деди қизалоқ яна. У яқинроғимга келиб чўккалаб ўтирган эди, қоронғида ёниб турган катта қора кўзларини кўрдим. — Сиз тожикмисиз?

— Йўқ, сен тожик қизимисан?

— Йўқ. Лекин тожикчани ҳам биламан.
— Менга қара, эсли қиз экансан, мен афғонман, биласанми...
— Вой, анов ёлғончини! Афғон нима қилади бу ерда... — деди қизча кулиб.

— Бошим оғиб келиб қолдим-да.

— Ҳа... гапиришлари ғалати девдим-а, — қизча менга ишонди, менинг ҳам унга ишонгим келди.

— Менга қара, яширинадиган бирон жойни кўрсат, мени босмачилар тутиб олса ўлдиради.

— Йў-ўқ... — деди қиз.

— Ҳой қиз, сен Ленинни биласанми? — дея сўрадим таваккал қилиб.

— Вой, билмай-чи!

— Мен Лениннинг олдига кетяпман.

— Елғон, — деди қизалоқ, ўрнидан туриб. У гапимга ишонмади, албатта. Қайтага шубҳаси ортди. Ҳозир жўнаб қолса ёмон бўлади, мен кўрқиб, яна илтимос қилдим:

— Ҳеч ким йўқ жойни кўрсат.

— Йўқ... бировни яширгани учун Мукри қишлоғини ёндириб кетишган, — деди қизча. — Дадам ўша ерга яқинда келин бўлиб тушган опамнинг жасадини олиб келдилар... — овозида йиғи оҳанги эшитилдию, шарт бурилиб жўнаб қолди.

Ана энди пешонангдан кўр, дедим ўзимга ўзим. Каллакланган тутқатор оралаб пастлаб кетдим. Тун салқин, пастлаб борган сари рўпарадан муздек шабада эсди. Тонггача тинмай юришим керак, лекин қоронғи тун, номаълум йўл ваҳима солар эди. Тўхташ эса мумкин эмас. Қай томонга бўлса ҳам узоқлашган маъқул.

Марза бошига чиққанимда тутзордан яна овоз эшитилди:

— Ҳей... ҳей, афғон!

Уша қизчанинг овози. Изма-из юрибдими нима бало?

— Нима дейсан?

— Бу томонга юринг! — деди шивирлаб.

Унгга қараб бошлади. Молхона ҳиди келгани учун мен у томонга юрмаган эдим. Бу бир нимани билади чоғи, эргашдим. Қизчага бу йўллар ёд экан, чаққон бошлаб кетди, унга зўрға етиб юардим.

— Ленинга кетаётганингиз ростми? — деди кутилмаганда.

— Рост, рост, нон урсин! — дедим ҳансираб. Нима ҳам дейман, қандай ишонтираман? Ленин номи билан ҳазиллашиб бўладими, ишониш керак ахир. Бу жонсарақ қизчанинг кечаси кўрқмай мени топиб келгани ҳам балки шу ном туфайлидир. — Ҳозир қаёққа кетяпмиз?

— Юраверинг, кўрқманг. Чори мингбошининг чорбоғидамиз, уникига босмачи келмайди.

— Сен кимнинг қизисан?

— Дадам мингбошининг сайиси, ҳозир отхонага ўтиб оласиз, у ерда ҳозир ҳеч ким йўқ. — Қизча бир сакраб тўхтади — ўқариқ бор экан, кўлини узатмаганида сувга тушиб шалаббо бўлардим.

Кўп ўтмай, ҳувиллаб ётган узун отхонанинг орқасидаги пастқам жойга етиб тўхтадик.

— Мана, синчга оёқ кўйиб чиқсангиз, тепаси сомонхона, хавотир олмай кириб ётаверинг. Дадам уюри билан яйловда.

— Сен-чи, сен қандай борасан?

— Менинг ғамимни еманг.

Қизча ғойиб бўлди, афсус, у билан жиндак гаплашгим бор эди, тили ширин, эсли қиз экан. Синч деворга суюнганча ўтирдим. Пастдан муздек шабада келар, нимадир шовуллар эди. Бу ер чиндан ҳам беҳавотир экан, асабларим дам олди.

Сал ўтиб, қиз қайтиб келди.

— Тинчликми? — дедим чўчиб.

— Тинчлик. Нега чиқиб ётмадингиз? — Қизча этагидаги уч-тўртта хом олма, битта ғудур бодринг билан чавати нон, кўлидаги тут толқон тўла заранг косани олдимга қўйди. Унинг юзини яқиндан энди кўрдим. Қорача

пешонасига тер доналари қалққан дилбар қиз эди, ўн олтиларга борган бўлса эҳтимол, бўйи чўзилганидан гулли чит кўйлаги ўзига калта келиб, тўпиқдан бўғилган қизил лозимининг тиззасигача кўриниб қолибди.

— У ёқда нима шовуллаяпти? — деб сўрадим.

— Қамиш. Қамиш шовуллаяпти, — деди, унинг нафасини яқиндан сезиб, яна кетиб қолишидан хавотир олдим.

— Қанақа қамиш? Дарё борми?

— Вой ўлай, билмайёсизми ҳали? Аму оқиб ётибди пастда!

— Аму? Шу ерда-я? Яқинми?

— Яқин!

— Менга қара, соҳилга бормаймизми? — дедим ҳовлиқиб.

— Биладан, — деди қизча. — Сиз босмачилар талаган поезддан қочгансиз... Қўрқмайсизми?

— Бу жойлар беҳавотир деяпсан-ку.

Қизча бирдан ғурурланиб кетди: демак, бу мусофир йигит унга таяниб қолган, унга ишонади.

— Юринг, — деди шартта қўлимдан олиб. Биз биттадан олма олиб ғарчча тишладик-да, асов тойлар минги қилинадиган яланг майдонни кесиб югурдик. Майдон четидаги теракзордан чиққач, қамишзорнинг шовуллаши кучайди. Осмон рангида бўзариб Аму кўринди, унинг таниш сарин нафаси-юзга урди.

— Яқин бормаймиз, қирғоқда катта йўл бор, мана шу ердан томоша қилинг, — деди қизча дўнглик панасидаги майсани кўрсатиб. Утирдик.

— Олманг ширин экан, — дедим бошқа гап тополмай.

— Сизлар Ленинни қаёқдан биласизлар, унга бориб нима дейсиз? — деб сўраб қолди қизча.

Бу мураккаб савол мени илгариги ташвишли ҳолатимга қайтарди.

— Ҳа... Етиб боролсайдик! Унга айтадиган гапларимиз кўп. Мана шу дарёнинг нариги қирғоғида менинг қадимий заҳматкаш ватаним бор. Неча юз йиллардан бери уни не-не келгиндилар оёқости қилмади! Ленин бизнинг мустақиллигимизни Россия номидан тан олди. Унинг сўзи билан менинг халқим ўз қадрини топди. Ленин бизнинг якка эмаслигимизни жаҳонга эълон қилди. Ҳозир инглизлар бизга қарши яна уруш очган. Қўйнимдаги хат тақдиримизни ҳал қилади. Унга бориб, биз қайта туғилдик, сиз бизга куч бердингиз, деймиз, у бизга душманни қандай енгил кераклигини ўргатади. Ҳа... етиб боролсак, айтадиган гапларимиз кўп.

— Етиб борасизлар! — деди қизча. Унинг ишончи қулфи дилимни очиб юборди. Аҳволимни унга айтдим. Қизча чиройли кўзларини катта очиб сўзимни тингладию:

— Мен ҳаммасини билиб бераман, сиз бегона кўздан панада жим ётсангиз бўлгани! — деди.

Юзига тонг нури тушдими ё жасорат тўла аҳди уни шундай лобар қилиб кўрсатдим, биринчи бор кўраётгандай тикилиб қолибман: бола эмас, етук бир гўзал эди бу! Лаблари энди қизарган олчадеккина, узунчоқ қорача юзида сирли оқила кўзлар... Майда ўрилган сочларидаги хас-хашакни олиб ташлагим келди-ю, ҳаддим сиғмади.

— Сен... Сиз қандай қилиб...

— Тонг отди, жойингизга боринг, — деди у. — Ариқда мана бу ерингизни ювиб олинг, — шундай дедию, сабза мўйлабимга бармоғини текизди.

Ариққа етганда тирналган юзимдаги қон юқи аралаш лойни ювиб ташладим, лекин ўша бармоқ изи, назаримда, ўшанда ҳам, кейин ҳам бир умр кетмади.

Эски бостирманинг тепасидаги сомонхонага чиқиб ётдим, на тут толқон ўтади томоқдан, на чавати нон. Сабр-тоқат деган нарса одамга мана шунақа жойда керак бўлар экан, баданларим қизиб, ўт олиб кетишимга сал қолди, бир кун роса бир йилдай чўзилди назаримда. Аму ёқасида интизор ўтган ўша азобли куним ҳозир ўйлаб қарасам, ҳаётимнинг энг ноёб дамлари бўлган экан...

Қизалоқ қош қорайгандагина одатича, «ҳей...», деб, ердан ўсиб

чиққандек пайдо бўлди. Барини кўриб-билиб келибди. Шерикларим вокзал почтахонасида қамоқда экан, қизча уларни дераза панжаралари оша кузатибди. Бўйи пастроғи миқ этмай бошини эгиб яшиқ устида ўтирганмиш, соқолига сурма қўйган басавлат одам нуқул бақириб гапирар, «ҳаққингиз йўқ!» деб қўлларини пахса қилармиш, аскарга ўхшаганнинг жағи қонабди, ўзини босолмай ким биландир муштлашганга ўхшайди. Қизнинг чамасича, босмачилар уларни сўроқ қилавериб зерикшиган, фойдаси йўқлигини ҳам билишади, лекин кимдир улардан «урасан, қийнайсан, топтирасан!» деб талаб қилаётган кўринади. Чунки қизча станцияда босмачилардан ташқари, «оқлар»га ўхшаб мовут кийган бегона «начайлик»ларни ҳам кўрибди. Улар жуда такаббур эмиш, бири вокзал майдонида Муҳиддин кўрбошининг юзига қамчи тортиб юборса ҳам, йигитлари индаёлмабди.

Қиз бўртиб кетган юзларини кафти билан сидириб, шивирлаб ҳикоя қилар, мен эса унинг жасур руҳини, кўрқмас жонини ўйлардим.

— Уйдагилар сени қидириб, хавотир олаётгандир...

— Уйдагиларга кўриндим, — деди у қўлтиғидан латтага ўралган нарсани олиб. Бу иссиқ зоғора нон эди. — Ҳозир қоронғи тушди, қамишзорга бориб ётасиз. Қишлоқда Муҳиддин кўрбошининг йигитлари юрибди, сизни излашяпти.

Ҳаммани тинчитди бу жонсарак қиз, уйдагиларни ҳам, мени ҳам. Станция, қишлоқ, қамишзор — қачон қаерда пайдо бўлишини билмайсан — ҳаммасига улгуради, қай маҳал ухлаб ором олиши номаълум. «Ҳей...» деб азонда қамишзорда пайдо бўлиб, янги хабарларни етказадиди, юзимга тикилиб бир пас ўтиради. «Ленинга ёзилган хат шу чарм бўғчадами?» дейди портфелга бармоқ учларини текизиб. Яна менга тикилади. Очқаб зоғора чайнашимни жилмайиб томоша қилади, гўё мен эмас, ўзи маза қилаётгандай.

Қамишзорда икки кечаю икки кундуз ётдим. Кийим бошимдан зах ўтиб, соч-соқолим ўсиб, лабларимга учуқ тошган, тикиладиган жойим йўқ, лекин у ҳар келганида бир мўъжиза кўргандай тикиларди.

Учинчи куни кечгача йўқлиб кетди. Негадир вужудим қалтирай бошлади. У кетса ўзимни ожиз сезардим, ўзимдан ҳам кўра уни кўпроқ ўйлаётганимни пайқаб қолардим: бир жойда эҳтиётсизлик қилиб қўймадимми, кўзга яқин нарса, ҳирсга тўлган босмачи йигитлар қишлоқда изғиб юрган бўлса... Бир келганида шунга ўхшаш хавотирдан гап очувдим:

— Улар мени эмас, сизни қидиришяпти, — деди.

Ўша йўқ бўлиб кетган куни кечқурун янги хабар олиб келди:

— Ёнган қишлоқдаги тақачи Салим акага... хабар бердим. Нима қилишни ўзи билади.

— Синалган одамми?

— У киши ҳам шундай деб сўровди-я, — деди у кулиб. — «Ҳа» дедим.

Бу қиз менга бирдан жуда қадрдон туюлиб кетди. Унга яхши гаплар айтгим келди. Ўйлаб қарасам, ажабо, ҳозиргача исминини ҳам сўрамабман. Хижолат тортиб, ичимда «тўнгат» деб сўқдим ўзимни.

Энди отини сўрайман деб оғиз жуфтлаган эдим, одатдагидек, лип этиб яна ғойиб бўлди. Аттанг, Салим деганнинг кимлигини ҳам суриштирмоқчи эдим. Тақачининг исмини тилга олганида товуши жуда ширали товланди қизи тушмагурнинг... Йўғ-е, ёш бола-ку, мен нималар деяпман.

Тунги қўнолғада қушлар безовта, олисларда адашган ёввойи ўрдакнинг қағиллагани эшитилади. Тагимда зах дўнглик, атроф ботқоқ. Қамишзорнинг тинмай шовуллаши аллақаяёқдаги ўйларга етаклайди.

Шўринг кўрғур Аму, дейман. У ёғида жанг, бу ёғида жанг, ҳусну қудратини томоша қиладиган бир жон йўқ. Бўлмаса, созликда қашқирдай писиб ётиш ўрнига, дарё кечалари сарин шабада эсган қирғоқда муҳаббат ҳақида гаплашадиган пайтимиз.

— Исмингиз нимади, ҳай қиз?

— ...

— Менинг исми Содиқ, ёш офицерман.

— Сизларда ҳамма ёш офицерлар ҳам шунақа чиройли мўйлов кўядими?

— Липпангиздан яна битта олма олиб беринг.

— Олма ҳали аччиқ, пишганда дарёга отаман, нариги қирғоқда тутиб оласиз.

Қаҳ-қаҳ янграйди, дарё шовуллайди.

Йўқ, бу туш эди, сал мизғиган эканман, отлар дупуридан уйғониб, тўппончага қўл югуртирдим. Қарасам, тонг отиб қолибди, отлиқлар орасида таниш овоз.

— Юсуфзай! — дедим қувончим тошиб. Отлиқлар ўнтача, улар қашишзордан сал нарида тўхтаб, пишқириб, типирчилаб турган отлар устида гурунглашяпти. Улар орасида Юсуфзай товушимни эшитдим, отини тикка мен томон буриб қамчи босди. Югуриб қашишзордан чиқдим. Отлиқ қизил аскарлар мени қуршаб олишди, абгор аҳволда бўлсам керак — анча ачиниб томоша қилишди.

От бердилар, эгарда базўр ўтирибману атрофга қарайман: қиз йўқ эди. Буларни ким бошлаб келди?

Ёнимда пайдо бўлиб, мешчасида сув узатган Юсуфзай қисқача тушунтирди: бу йигитлар кечаси станцияни ҳам, атроф қишлоқларни ҳам босмачилардан тозалаб, катта талофот беришди, бизни қутқаздиш учун бўлган жангда командирлари ҳалок бўлди, сардор жуда хижолат...

— Сардор сендан рози. Аҳволингдан сал-пал хабардор эдик.

«Бир қизалоқ орқалими? Қани ўзи?» деб сўрамоқчи бўлдим-у, ўзимни тийдим. Отлиқлар йўлга тушишди. Юсуфзай билан биз орқаларидан йўртдик. Мен ҳамон қизалоқни ўйлардим, наҳот яна бир кўрмай, хайрлашмай кетиб қолсам?

Тақирдан ўтганимизда теракзор орасида икки отлиқнинг шарпаси кўринди-ю, танимай ўтиб кетдик, улар бизни тераклар орасидан кузатиб қолишди.

Нуқул қизни ўйлар эдим: бир кўриб миннатдорчилик билдирмай кетиш одобдан эмас-ку, Юсуфзайга айтсаммикин?..

Хаёл билан орқароқда қолган эканман, «ҳей!..» деган таниш овоз эшитилди. Юрагим шув этиб кетди: қутулганимиз туш бўлиб чиқса-я?!

— Ҳей!..

Қарасам, қиз қўлларини ёйиб, қоқина-сурина қувиб келаяпти. Мен ҳам истиқболига интилдим. У етиб келдию бўйнимга осилиб, юзимдан ўпиб олди. Кўзларимга ишонмай, шошиб қолдим. Ориқ елкаларидан ушлаб ўзимга тортибман. Қиз эса лабларини мўйлабимга теккизди-да, қўлимдан чиқиб қочди. Орқасига қараб югурди. Эсимга келганини қаранг: — Ҳой қиз, исминг нимади? — деб қичқирибман миннатдорчилик билдириш ўрнига.


— Отим Сумбул! — деди қўл силкиб чопаркан.

Нарироқда унинг оти, яна бир отлиқ кутиб турарди. Ҳалиги теракзордаги шарпалар хаёлимга келди: Салим тақачи ўша бўлса, эҳтимол...

Эгарга сакраб, Юсуфзайга етиб олдим, қулоғимда қизнинг товуши янграр эди: «Отим Сумбул...» «Сумбул...»

Бу воқеани аслида мана шу исм туфайли эсладим. Бошқа ҳамма нарса тарихдан маълум: мактубни Тошкентгача яна кўп қийинчиликлар, қатилмаган саргузаштлар билан ардоқлаб олиб борганимиз, Туркистон қамалда, Оренбург йўли бекитилгани учун хат мазмунини Москвага радиотелеграф орқали ётказганимиз — барини биласиз. Аммо ўша жонсарақ қизнинг Сумбул Садриева деган оламга машҳур олим бўлиб етишганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Буни мен ҳам бугунгача билмас эдим. Сиз менинг қалтироқ қўлларим билан мана бу қировдек оқ мўйловни силай берганимга ҳайрон бўлманг. Бу ўша мўйлов. Ўша эзгу илк бўсадан кейин мўйловимни олдирган эмасман...

Қидирув партиясининг базасида бу маҳал ҳеч ким бўлмайди. Бош гидрогеологнинг ходирида ҳамма нарса муҳайё: мешда булоқ суви, ерга



Расмни Х. Лутфуллаев чизган.

кўмилган хумда қўй сутидан сузилган пишлоқ, тўшак остида икки қават кигиз, пашшахона... Лекин Собир Тўхтабоевнинг ҳамон мазаси йўқ: болдири мўматалоқ бўлиб, шишиб, кўкариб кетган, яраси газак олиб ётибди, бўғинларига дармон кирмаётибди. Ташналик қийнайди, Гожсўхта деган қора табиб, кўп сув ичиш маъқул эмас, деб кетди. Фуломалининг ўзи эса йўқ. Олти кундан бери йўқ, чодири офтобда куйиб, ҳувиллаб ётибди. Қаёқда юрибди экан, бирон нишона топдимми?

Чорданаҳрнинг ўн тўрт ўзанидан энди олтитаси тахминан аниқланди. Фуломали ваъда қилганини топиб келса, еттита бўлади. Ёмон эмас. Лекин вақт тез ўтиб кетяпти. Ҳукуматнинг «Катта Аму лойиҳаси»ни қабул қилиш хавфи тобора яқинлашмоқда. Ёмоннинг қасофати деб шуни айтади — доктор Сухайл ўз юртига сотқинлик қилиб қаёқларгадир қочмаганида, вақтдан камида беш ой ютилган бўлар эди. Ҳали бу ўзанларни ўрганиш, ўзан воҳаларидаги қабилаларга гап тушунтириш учун ҳам кўп фурсат керак бўлади шекилли. Булар ҳам ғалати, ўз манфаатини англайвермайдиган, жуда хилма-хил халқ бўлар экан. Сув келади, десанг, уйингга ўт кетди, деб тушунадиганлари ҳам бор.

Собиржон ўтган ҳафта ўзи аниқлаган иккинчи «наҳр»ни ўрганаркан, ўзан этагида яшовчи кўчманчи қабиланинг бошлиғи билан танишди. Бошлиқ кекса бўлса ҳам, бақувват, мошгуруч соқоли қуюқ тўлқинланиб, кўзлари ялтиллаб турадиган, ола саллали, елкасидан сочиқ тушмайдиган, кенг пийрону тумбон кийган чайир одам эди. У пастанкина отидан чаққон тушиб, меҳмон билан қуюқ кўришди-да, очик жойда кун тиғига дастурхон ёздирди. Хушрав бобо дер эканлар, атрофида доим тўрт-бешта жангари йигит, ўзи ҳам муғомбирроқ кўринарди.

— Сув келади денг?... — деганча, бу хабарга талай вақт ўз муносабатини билдирмай, бошқа ишлар билан шуғулланди, таом буюрди, оқсоқоллардан кимларнидир йўқлади. Эчки сутидан қурутий, кичир, йилқи гўштидан чойнаки шўрва, яна аллақандай нотаниш таомларнинг тотли ҳиди анқирди; кўп ўтмай, қир шабадаси ҳам юрди, олисда подалар кўзғалиб, уфқда чанг булутлари кўринди.

— Бу муждангиз бизга маъқул эмас, меҳмон, — деди Хушрав бобо ниҳоят.

Буларни хушхабар билан ғоят хушнуду. миннатдор қилдим, деб ўтирган Собиржон ҳанг-манг бўлиб қолди, ё гапимни тушунтиролмадимми, деди ичида. Қараса, оқсоқолларнинг ҳам қовоғи солиқ, булар уни шумқадам деб ўйлашяпти чамаси, дастурхон устида ўтирган чақирилмаган меҳмондай, жуда ноқулай сизди ўзини.

— Нечук ундай, сардор? — деди кўзлари пирпираб.

Қабила бошлиғининг товуши ҳам ўзгарган эди, у ғудраниб тушунтирди:

— Бу ерларда бизнинг тирикчилигимиз наҳрдан сув қайтиб, ботқоқлар қуригандан кейин бошланган, меҳмон. Биз кўчиб юрадиган мана бу ҳадсиз яйловлар бундан икки юз йил муқаддам пайдо бўлган экан. Сиз бўлсангиз еримизни яна ботқоқликка айлантирмоқчисиз...

Оқсоқоллар унинг гапини маъқуллаб, ўзаро ғўнғиллаша бошладилар, лекин бошлиқ бир имо билан бу норози овозанинг олдини олди.

Собиржонга бор гап тушунарли эди. Бир неча аср аввал анҳор этаклари чексиз созлиқларга айланган. Ерли қабилалар, мўл-кўл сувдан фойдаланишга укуви ҳам, кучи ҳам етмай, ерни ботқоқлар ихтиёрига ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Чорданаҳр қуриганда бу воҳада табиий яйловлар пайдо бўлиб, уни кўчманчилар келиб эгаллаган. Улар энди ўз ҳаётларини ўзгача тасаввур этолмайдилар, бу фақир яйловлар улар учун она ер.

Шундай бўлса ҳам, Собиржон тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Энди ботқоқ бўлмайди, ҳурматли оқсоқоллар. Сувни инсон ўзи бошқаради. Яйловларни суғориш билан бирга, экин-тикин, боғ-роғ дегандай... Воҳа обод бўлиши керак. Умуман, ҳаётни бир оз ўзгартириш пайти етди. Қачонгача кўчманчилик, ахир ҳозир жаҳонда...

У эҳтиётсиз ножўя гапириб қўйганини дарров пайқади. Оқсо-

қолларнинг юзларига бегоналик соя ташлади. Фақат муғомбир Хушрав сир бой бермай, кулимсираб ўтирарди.

— Сиз билмайсиз, меҳмон, Афғонистонни мана шу кўчийлар боқади, — деди у салмоқ билан соқолини силаб. — Шимолнинг кўчийлари бўлмаса мамлакат бозорларида на гўшт, на сут-қатиқ, на юнг, на тери... Бизнинг халқимиз учун буларнинг нима эканини ҳукуматимиз ҳам билади...

Бу кейинги гапда жиндак таҳдид оҳанги ҳам бор эди. Собиржон хато қилганини тушундию, бунинг нақадар хунук оқибатлари бўлишини ҳали билмас эди. Бу ерларда янги гап газета ёки радио орқали эмас, оғзаки, демак, турли-туман рангу муболағаларда, қўшилиб-чатилиб, тез таралади.

Собир Тўхтабоев офтоб тиғидаги суҳбат қабила аъзолари орасида ваҳима кўзгаганини пайқаб, ўзининг ношудлигидан нафратланди, эртасига эса мулзам бир ҳолатда бошқа воҳага ўтиб кетди.

Қўшни ўзан воҳасига қадар отда бир кунлик йўл эди. Шу бир кун давомида Собиржон нуқул кўчманчилар ҳақида ўйлади. Кўчманчи деганда у бутунлай бошқача халқни, ерга меҳри йўқ, бир жойни қиртишлаб, кўч-кўронини кўтарганча бошқа жойга ўтиб кетаверадиган, фақат ўз тирикчилигини ўйлайдиган ярим ёввойи, сарсари қабилалар деб тушунар эди. Йўқ, булар мамлакатда ўз ўрнини яхши англайдиган, ернинг қадрига етадиган, иззат-нафсини ўбдон биладиган халқ бўлар экан.

Қўшни воҳа аҳли уни хушнуд кутиб олди. Бу қовжираган, қақроқ воҳада пастликдаги катак-катак ерларда эрта баҳор жилдираб келган сувларга жиндак полиз, жиндак сабзавот ундириб, кейин қир этакларига арпа сепиб, осмондан ёмғир тилаб омадини кутадиган камбағал, заҳматкаш қавмлар яшар экан. Ҳар ким ўзининг пешона тери сингган бир парча ерини авайлайди. Шунинг учун олақуроқ экинзорлардан ҳам кўра тошу тиканак билан кўтарилган ихота марзалар кўпроқ кўзга ташланар эди. Зўрға билиниб турган кўҳна ўзаннинг икки ёнида ҳозирданоқ қовжираб, сарғайиб кетган тошлоқ кенгликлар, рўзғорларда ҳар бир қўшу омочгина эмас, ҳар бир таппию чўп ҳам ҳисобда.

Собиржоннинг бу сафар эҳтиёт билан айтган «сув келади»сини даставвал биров ишонмай, биров ҳайрат билан, гўё ғайри табиий бир мўъжизадек қабул қилди. Кейинчалик, биров суҳбатдан сўнг эса, хуш-хабар барча деҳоту қалъаларга, қишлоқ ва кўраларга ёйилиб, тутқич бермай учган чиройли қушдай, қувонч таратиб парпираб юрди.

Қабила бошлиғининг зиёфати қуюқ бўлмаса ҳам, суҳбати қуюқ, одам кўп эди. Собиржон ҳам очилиб кетиб, Аму сувини қадимий Чорданаҳр ўзанларидан шимол ерларига тараш режасини батафсил гапириб берди. Бу тезда бўлмайди, албатта: режани илмий асослаш зарур, ҳукумат қўллаши, улус ёрдам бериши керак. Лекин бу — порлаб турган эртаги кун!

Келажакка гал келганда Собиржон Ўзбекистон чўлларида яшнаган боғу бадавлат рўзғорлар ҳақида сўзлаб кетди. Шундай сўзладикки, ўзигина эмас, йиғиндагилар ҳам қаерда ўтирганликларини унутаёздилар. Буни кўзига ёш олиб ўтирган бир қариягина унутмаган экан шекилли, салмоқ билан сўради:

— Уғлим, сиз бўладиган гапни гапиринг, бордию сув келса, унинг изми кимнинг кўлида бўлади, мен ўзимга ариқ очсам, кимнинг оёғига бош ураман?

Ҳамма жим бўлди, Собиржон ҳушёр тортди. Яна қовун тушириб қўймадимми, ҳикояси буларга эртак бўлиб туюлди чамаси. «Бўладиган гапни гапир!» Чиндан ҳам, «бўладигани» нима? Булар шунча меҳнат, шунча азоб, шунча маблағ эвазига келадиган сувни қабул қилиб олишга тайёр эмаслар-ку! Бу фикр унинг кўнглига неча марта келиб, не қийноқларга солмаган. Шу азобли ўй билан гоҳо кўли ишдан совиб, умидсизликка берилар, бу юришлари, бу ташвишлари тамом фойдасиздай туюлар, барини ташлаб кетгиси келиб қолар эди. Ўша оғир кайфият яна қамради вужудини. Буни пайқаган қабила бошлиғи, бошига қайиш чамбарак кийиб, ўсиқ сочларини елкасига йиғнаган, баланд бўйли, қотма, кекса бўлмаса

ҳам, ҳамма Қулбобо деб ҳурматлайдиган ёқимтой одам, масалани ўзича тушунтириб, йиғинни тинчитган бўлди: сув келаверсин-чи, унга эгалик қиладиган нуфузли, қурбли одамлар топилар, деҳқон халқмиз, иншо-олло...

— Ери борга сув керак, Қулбобо, ери йўқ — ўша-ўша-да... — деди кимдир.

Қулбобого бу луқма унча ёқмади. «Сув азиз, сув муқаддас, куфур кетмангиз. Шўравий меҳмонга хушхабар учун ташаккур айттайлик!» деб, энди учи чиққан катта зиддиятни, билибми, билмайми, хаспўшлади-қўйди. Фотиҳадан кейин Собиржон ҳам ҳеч нарса деёлмай ўрнидан турди. Қулбобо унга мачит ёнидаги «оташхона»дан жой кўрсатди — бу меҳмонхонадай гап экан, намат устида қалин тўшак, супада енгил дастурхон ёзиғлиқ, чой-нон, ўчоқда қора қумғон шарақлаб турибди. Лекин келди-кетди, синчков ёш-яланг, полизчи, намозмон, даладан қайтган қўшчи, бола-чақа шомгача тинчлик бермади. Булар билан гаплашиш, содда, чигал саволларига жавоб бериш Собиржоннинг ўзига ҳам қизиқ эди, анча ёзилди. Лекин...

Булар билан тил топишдим, деб ўзидан мамнун бўлиб, энди ётишга шайланиб турганида ўнг оёғининг аллақасерига наштар урилгандай жаз этдию, оғриқ бутун аъзои баданини зирқиратиб юборди. Сапчиб турай деган эди, гурс этиб жойига йиқилди-да, наматда юмалаб додлай бошлади. Ёнидагилар ваҳимада ўзларини четга олиб, кўзлари ола-кула бўлганча, аввал ҳеч нарса тушунмай бақрайиб турдилар. Кейин кексароқ бир деҳқон Собиржоннинг тепасига бориб бир нималарни сўради, лекин Собиржон жавоб ўрнига бақириб тўлғанар, оёғини кўрсатар эди. Қария ёнидаги ёшларни ёрдамга чақирди, чироқ тутдилар, кимдир Собиржонни юмалагани қўймай босиб турди.

— Бир нарса чақдимиз!

— Билмайман... — деди Собиржон тишини тишига босиб.

— Гожсўхтани топинглар! Гожсўхтани чақиринглар! — деди ваҳима-ли суронга етиб келган Қулбобо. У Собиржоннинг бошини этагига олиб, унинг бодраб совуқ тер чиққан пешонасини нам пахта билан артиб турди. Қария пичоғини олиб, этик қўнжини тилиб юборди. Собиржоннинг болдирини шишиб кетган эди.

Тарашадай қотма, ярим яланғоч, ўтдан чиққандай қоп-қора Гожсўхта кириб келди. Бу қабилининг табиби, фолбини, азайимхони, ринд мўъжизакори экан. Унга йўл бердилар. Гожсўхта кириши билан вазиятни тушунди шекилли, аввал меҳмоннинг пайтавасини ғижимлаб бурчакдаги бўш пақирга ташлаб қўйди, кейин Қулбобо қўлидаги пахтани олиб беморнинг болдирини артди-да, астойдил тиз чўкиб, шиш жойига оғзини қўйиб сўра бошлади. Собиржон тўлғанар, қария бошлиқ ёшлар унинг оёқ-қўлларини босиб туришар, қоп-қора, чайир Гожсўхта эса болдирга канадай ёпишиб, бор кучи билан уқалаб-уқалаб, тишлаб сўрар, дам-бадам сўлагини туфлаб ташлаб, кўкариб кетган болдирга яна тиш солар, Собиржоннинг бўғилиб бақиршига қарамай, шафқатсиз сўрар эди. Бўйнида кўк томирлар бўртиб чиқди, тупук ўрнига оғзидан қон келганда бундан яна рағбатлангандай қаттиқроқ ёпишди, Собиржон эса нима бўлаётганини билмас, вужудини ўт чулғагандай тез-тез нафас олар, инглар, мўматалоқ бўлиб кетган болдирини ўзи кўролмас эди.

Бу қийноқ ўн беш-йигирма минут давом этди. Кейин табиб шиш жойига ниш уриб қон чиқарди, аллақандай ўт баргини тутатиб кукунини ярага босди. Узум шарбати келтирдилар, Гожсўхта озгинасини ярага тўкиб, қолганини ўзи ичиб юборди-да, бемор ёнига ҳорғин гавдасини чалқанча ташлади. Шундагина бемор ҳам, табиб ҳам шаррос терга ботиб тинч ётиб қолдилар. Атрофдагилар енгил тортиб, юзлари ёришганча шукрона ўқишди. Сал ўзига келган Собиржон уларни кузатарди: бири жулдур, бири художўй, бири ялангоёқ, бири астойдил куюнган, бири шунчаки синчков... Яқинда бўлиб ўтган саросима уларни ажойиб бир тарзда бирлаштирди. Собиржон ўзига нима бўлганини ҳали билмаса ҳам, шулар туфайли бир ўлимдан қолганини биларди, жилмайиб боқди.

Нафасини ростлаган Гожсўхта ўрнидан туриб, пақирдан пайтавани олди-да, икки бармоғи билан тутиб силкиди. Чироқ тутдилар: ерда қорақуртнинг ўлиги ётар эди. Катта, эзилиб кетган, жирканч... Ҳамма оғзини очиб қолди. Ҳатто ҳозиргача бир сўз айтмаган Гожсўхтанинг ўзи ҳам Собиржонга қараб:

— Бале! — деди бўғиқ овозда. «Шу даҳшатли газанда ҳам сени ўлдиrolмабди», дегани бўлди шекилли. Атрофдагилар ҳам буни шундай тушуниб, бошларини сарак-сарак қилиб қўйишди.

Гожсўхта, бемор ухлаши керак, деб йиғилганларни уй-уйига жўнатди. Унинг гапи — гап, эътибори баланд эканлиги кўриниб турар эди. Белига латта-путта ўраган, дарвешнамо, гўё устихонигача ўтда ўртангандай қоп-қора (сўхта деганларича бор), бесўнақай бу одамга ҳайрат билан тикилиб ётган Собиржон сўради:

— Ҳурматли табиб, ҳаётингизни хавф остига қўйиб мени қутқаздингиз, то қиёмат қарздор қилдингиз. Ҳозир сизга миннатдорлигимни билдириш учун ёнимда ҳеч нарсам йўқ, эгарланган отимни берсам хафа бўлмайсизми?

Гожсўхта Қулбобо билан кўз уриштириб олиб, сал жилмайди-да, меҳмоннинг кўнжи тилинган этигини ердан кўтариб, кўнини уқалаб, ҳидлаб, яна жойига қўйди.

— Ҳозир қаердан келаяптилар, мусофир соҳиб? — дея сўради жавоб ўрнига.

— Қўшниларингиздан. Кўчманчи қабилалардан келаяпман, ҳурматли табиб, нима эди?

Мезбонлар яна кўз уриштиришди. Гожсўхта бошлиққа маъноли қараб, беморга икки кунгача кўп сув ичмасликни маслаҳат бериб, саломатлик тилаб чиқиб кетди.

Собиржон ётган ўрнида кучсиз талпинганча «отни миниб олинг» деб қолди.

— Хафа бўлдими? — деб сўради кейин Қулбободан.

— Йўқ, у отингизни минмайди, бемордан суд олишни гуноҳ деб билади, — деди қабила бошлиғи, — гап бунда эмас. Гожсўхта бошқа нарсага шама қиляпти. Этигингиз ишланган кўндан экан, бундай этик кўнжига қорақурт яқин йўламайди, ўз оёғи билан келиб ҳеч вақт кирмайди. Биз бу газанданинг одатларини яхши биламиз...

— Нима демоқчисиз?

— Уни пайтавангизга кимдир атай ташлаб қўйган.

— Йўқ, йўқ, асло! Ундай деб ўйлашга ҳеч қандай асосим йўқ, ҳурматли Қулбобо!

— Ҳар ҳолда, эсланг-чи... кўчманчилар сизни қандайроқ кутишди?

— Яхши, яхши кутишди. Ҳеч кимдан шубҳам йўқ, — деди Собиржон шошиб. Бу ўринда баҳона билан икки қабиланинг азалий низолари қалқиб чиқаяпти, деб ўйлаб, бундай гапни шу жойдаёқ босди-босди қилмоқчи эди. — Мен мутлақо соғман, тузалиб кетдим. Биз далада ишлайдиган одамлармиз, қорақурт чақади, илон чақади, нималар бўлмайди дейсиз... Ундай шубҳаларни кўнглингиздан чиқариб ташланг, сардор.

Бу гапдан кейин Собиржон, ҳали кўнгли баҳузур бўлиб турган бўлса ҳам, барвақтроқ базага етиб боришга аҳд қилди.

Азонда уни эгарга ўтқазиб, қабиланинг бир неча йигитлари кузатиб келишди. Собиржон базадаги ҳамкасбларига ҳам ортиқча тафсилотни айтмасдан, тўғри Фуломалининг палатасига кирдию ётиб қолди. Бош гидрогеологнинг ўзи йўқ эди.

Елғиз қолгач, Собиржон болдирини ўзи биринчи бор кўриб, қўрқиб кетди: тиззагача кўкариб кетган болдири ҳеч нарсани сезмас, яраси газак ола бошлаган эди. Бир тасалли — энди қонда заҳар юқи йўқ, кўнгил айниш ҳам камайди. Гожсўхта унинг оти-зотини ҳам суриштирмай фидойилик кўрсатди, бўлмаса бу шароитда ўлимдан бошқа нима чора бор эди!

Шу беминнат, дили пок, камбағал, заҳматкаш одамларга умрбодлик бир яхшилиқ қилсанг қанийди!

Фуломали Коргардан ҳамон дарак йўқ. Доктор Суҳайлнинг китобида

қайд қилинган қадимги ўзанлар шу эканига ишонч ҳосил қилиш учун аввал уларнинг роса ўн тўртта эканини аниқлаш керак. Собиржон қисқа йўл деб, қидирув партиясини хатога бошламаган бўлсайди. Кобулда нима гап экан? Рональд Байрсби бошчилигидаги «Жеймс-Морисон»чилар сотқин амалдорларни қўлга олиб, ҳукуматга риекорлик лойиҳаларини рўпара қилиш учун тинмай изғиб юришибди. «Бизнинг бу ётишларимиз уларга зап қўл келади-да», дея алаҳлагандай ғудраниб, ёнбошига ағдариларкан, Собиржон оёғининг аллақаеридаги оғриқдан инграб юборди. Шу аҳволда базага қандай етиб келганига ҳайрон...

Ярим кечада уни от дупури уйғотди. Ўрнидан турганида чайла ёнида оёқ шарпаси эшитилди. Дўстини қадамидан таниган Собиржон дарров фонус пилигини кўтариб:

— Фулом! — деди ташқарига қараб. Палос «эшик»ни кўтариб кириб келган Фуломали хуржунини гурс этиб ерга ташларкан, Собиржон унинг нимадандир мамнун эканини сизди. Ёки қувончли хабарни жуда ҳам орзиқиб кутганидан шундай туюлдимикин?

— Узоқ қолиб кетдинг, Фуломали, нима гап?

— Термосда кофе борми?

— Кофе йўқ, кечқурун келиб, ўликдай қотиб ухлаб қолибман.

Фуломали унинг овозида қандайдир ўзгариш борлигини пайқаб:

— Тўхта, тўхта, менга қара-чи, — дея фонусни унинг юзига тутди. — Нима бўлди сенга?

— Нима бўларди! — деди Собиржон. Билардики, кечаги азоблардан кейин афти башараси бир ҳолатда бўлса керак, лекин сир бермади. — Айтяпман-ку, итдай чарчаб келдим деб.

Фуломали ишонқирамай турдию, примусни ёндириб, кофе қайнатгани жез идишни ўтга қўйди.

— Хўш, гапирсанг-чи, ахир, — деди Собиржон тоқатсизланиб. — Рангимни суриштирасан, кофе дейсан, олти кун йўқолиб кетдинг-ку! Ўзандан бирон нишона топдингми?

— Йўқ, — деди Фуломали қоронғида кофе идишларини тарақлатиб; ниманидир тушуриб синдирди ҳам.

— Йўқ? Ҳеч нарса-я?

— Топмадим. Тополмадим, нима дейсан! Кофе ичиб олгани кўясанми-йўқми? Кечадан бери туз тотганим йўқ.

— Кечир... — деди Собиржон рандаланмаган тахтадан наридан-бери ясалган столга яқинлашиб. — Мен ҳам очман.

Кичкинагина йиғма курсиларга ўтирдилар.

— Қидирган ўзанимни топмадим, — деди Фуломали бир пиёла кофе ичгандан кейин овози мулоимлашиб. — Лекин мен бошқа нарса топдим, жўра, бекор юрганим йўқ.

— Бошқа нарсанг нимаси, бизга еттинчи ўзан керак!

— Мен... мен доктор Суҳайлнинг ўзини топдим, — у эгилиб, оёқ остидаги хуржунини титкилай бошлади. Собиржон иссиқ кофедан оғзи куйгандек, сапчиб ўрнидан турди.

— Нима дединг? Йўғе...

— Мана! — Фуломали титилиб кетган эски дафтарни столга қўйди.

— Нима бу?

— Доктор Суҳайлни дафн қилган одамлар сақлаб қўйишган экан.

— Дафн қилган?! Демак, у?..

— Афсус, тиригини эмас, ўлигини топдим. Тўғрироғи — қабрини.

Лекин топдим! Уқи!

— Қаерда ахир? Кимлар экан улар?

— Тоғда. Тоғлик қабилалар унинг абгор бўлган жасадини тошлар орасидан топиб, дафн қилишибди. Буни эса қўйнидан олиб, сақлаб қўйишибди. Ҳаётлари ярим ёввойи бўлса ҳам, ажойиб танти, софдил одамлар экан, сувнинг дарагини эшитгач, «мироб, мироб» дейдиган бўлишди. Гапдан гап чиқиб, воқеани ҳикоя қилишди, бу ёзувларни бир сирли тумордай яшириб юришган экан, ҳаммасини кейин айтиб бераман сенга, ҳозир масала бунда эмас. Сен ўқи, ўқи бу ёзувларни! Гап кўп.

— Ажабо! — дея Собиржон чироқни яқинроқ суриб дафтарни очди.

Дафтар ўликнинг ёнидан чиққанини ўйлади шекилли, нон-понни четроққа суриб қўйди, лекин сал ўтмай столга бутун гавдаси билан эгилиб, ёпишиб ўқий кетди: «Мен уларни Мозори Шарифнинг кўримсизгина бир қаҳвахонасида учратдим... Археология факультетини Сорбоннада... Шундай қилиб, ўйламаган жойда, қари бошим билан қидирув группасида...

Шу кундан бошлаб орада қандайдир ришта узилди... Соҳиб Лаълга бўлган нафратимни енголмас эдим... Унинг учун хавфли одам бўлиб қолдим... Унинг газандалигини фош қилиш учун аввало ўзимни эҳтиёт қилишим керак...»

Собиржон дафтарни охиригача зўрға ўқиб, бўғилаётгандай ўрнидан туриб кетди. Тор чайла ичида у ёқ-бу ёққа асабий юраркан, оёғи оғриётганини яшириш ҳам эсидан чиқди. У билан бирга ҳаяжонда қолган дўсти ҳам унинг чўлоқланаётганини пайқамади.

— Демак, ўзини эҳтиёт қилолмаган... биз уни сотқин деб юрибмиз.

— Ўзи кечирсин, — деди Фуломали секин ерга қараб. Собиржон ҳамон асабий юриб туриб гапирар эди:

— Соҳиб Лаъл... Соҳиб Лаъл... геолог ниқобидаги анчайин қотил дегин.

— Мен унинг шундай одам эканини билардим.

— Менга ҳеч гапирмагансан.

— Тахмин эди-да, кўнгил сезгандай бўларди... Исбот эса йўқ.

— Энди нима қиламиз, жўра?

— Нима қилардик! Мен Кобулга жўнайман. Энди «Катта Аму» деган ифвогарлик лойиҳасининг чуви чиқди деявер! Соҳиб Лаъл ўз бошига етади!

— Шошма, ҳовлиқиш керак эмас, — деди Собиржон. — Далил етарлими?

— Ҳужжат ахир бу! Газета учун ёзилган, конвертини кўрдингми?

Собиржон конвертдаги «Кобул таймс» газетаси редакциясининг адресини энди кўрди.

— Ҳа, доктор сўнги нафасигача курашган... — деди ўзига гапиргандай, секин. Кейин овозини баландлатди: — Барибир, пишиқ ўйлаш керак, — деди бу ишнинг осон кўчишига кўзи етмай. — Ҳар ҳолда, биз манфаатдор томонмиз. Бордию...

— «Бордию»ни қўй, исбот йўқ эди, мана исбот! Ҳали ҳам кўп вақтни бой бердик, энди бизнинг кўрқадиган жойимиз йўқ, — Фуломали доктор Сухайлнинг дафтарини авайлаб конвертга жойлади. — Ҳукумат энди бунинг учун «Жеймс-Морисон»нинг бошини силамас керак, бу тўсиқни дарҳол йўлдан олиб ташлаб, астойдил ишга тушамиз. Мен Кобулга кетаман.

— Қачон?

— Тонг отиши билан. Тўғри Аркка бораман!

Собиржон яна асабий у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

— Оёғингга нима қилди? — деб сўради дўсти.

— Ҳеч вақо бўлгани йўқ... Менга қара, мен бу ерда нима қиламан?

Сув борадиган жойларда одамлар билан тил топиш энг чигал масала бўлиб турибди... — Собиржон қабилалар билан гаплашишдаги қийинчиликлар, дастлабки тўрт ўзан воҳасида бошидан ўтган барча саргузаштлар, одамларнинг кайфияти ҳақида батафсил гапирди, қорақурт чаққанини эсламади, холос.

Фуломали соқолини қирди, чақмоқ мўйлабига ҳусн берди, янги кўйлагини топиб, дазмол босди, этигига сассиқ мой суриб ялтилатди — у сафарга тайёрланар, аммо Собиржоннинг ташвишли ҳикояларини эътибор билан тинглар эди.

— Биласанми, — деди ивирсишда давом этиб, — қабилалар билан гаплашишда Содиқ Сардор жонимизга ора киради. Сен ҳозир тўғри ўша кишининг ҳузурига бор. Барибир доктор Сухайл ҳақидаги мана бу янгиликни ҳам у кишига тез етказмасак, кейин хафа бўлади. Кўнгли тинчисин.

— Бу гапинг тўғри. Қария эски дўстининг гўрига бекордан бекор ёишт

қалаб юрмасин... Ажойиб одамларинг бор, Коргар! Бундай одамлари бўлган юрт жаҳонда тарихий қадрини топади! — Собиржон дафъатан юксак хаёлларга берилиб кетганини пайқаб, шеригига қаради. — Сардордан ёрдам сўрасак, ноқулай бўлмасмикин, ҳар қолда, саксон ёш...

— Ҳеч қиси йўқ, биз айтмасак ҳам, бобом қабилалар орасида юрибди, Иқболнинг шеърлари билан ҳаммани оғзига қаратиб... Чарчамайди у киши!

Улар қучоқлашиб хайрлашдилар.

Собиржон кўзини очганда атроф хира кўринди, кун иссиқ, ҳаво ҳам, аъзойи бадани ҳам лов-лов ёнар эди. У қачон ҳушидан кетганини билмайди, фақат эгарга ўтирганида болдири отнинг қовурғасига ишқаланаверганидан оғрий бошлагани эсида. Кун бўйи йўл юрди, қишлоқларда наврўз байрами, гузарлар гавжум, майдонларда қир гули билан безатилган арғимчоқлар тиккайиб турибди, хотинлар хамирни тошга ўраб сангнот пиширишарди, ялангоёқ бола-чақа, қий-чув, қамиш найча садоси, лола бозорида отўйин, ялангликда гуди паррон мусобақаси... Фақат Собиржоннинг булардан кўзи қувонмайди. Аввал қаттиқ кўнгли айнаб, боши айланди. Қонда заҳар асаридан жиндак қолган экан-да, эрталаб сувни ҳам кўпроқ ичди, лекин ҳеч қиси йўқ...

Эгарнинг қошига маҳкам тармашганини билади. От жонивор ўрганган йўлидан итоат билан юрар, хўжайинининг аҳволини сезгандай сал секинлаган эди, холос. Собиржон отасидан қолган эски солдат флягасида оғзини намлаб олиб, яна бир соатча юрди, кеч киргани, қош қорайгани ҳам ёдида, лекин қачон ҳуши оғди — билмайди...

Атроф хира кўринса ҳам, қулай жойда ётганини, ёнида кимдир борлигини сезарди. Нарироқда от пишқирар, қирт-қирт қилиб хашак чайнар эди; унинг оти, ўша олиб келган уни бу ерга, жонивор... Лекин қаер бу?

Ёнидаги шарпа шипиллаб дам у ёнга, дам бу ёнга ўтар, пешонасига муздек ҳўл сочиқ тутар, юзига тикилар эди. Анчадан кейин Собиржоннинг кўзи кенгроқ очилиб, атрофни тиниқроқ кўра бошлади, тепада соя солиб турган зардоли шохи тебранганда боши айлангандай бўлиб, яна кўзини юмди.

— Ҳей, меҳмон, қалайсиз? Қаерингиз оғрияпти? — деди кимдир.

Собиржон яна кўзини очди, рўпарасидаги чеҳрани хирагина кўрди-ю, танимади.

— Қаердаман? Кимсиз?

— Хавотир олманг, биз сизни таниймиз... Бу ерга кечаси отингиз олиб келди, мазангиз қочиб, эгарга мункайиб қолган экансиз, энди яхшимисиз?

— Кўнглим беҳузур бўлаяпти...

— Мана, қатиқ ичиб олинг.

Собиржон лабида ёғоч қошиқни, оғзида муздек қатиқ мазасини сезди. Тамшаниб кўзини очса...

Йўғ-э... яна ҳушидан кетаётгани йўқми? Бу қанақаси?! Кўзини очса шундоққина рўпарасида қуқоқ қора сочларини оқ рўмол билан танғиган гўзал, чўзинчоқ оқиш юз, катта-катта кўзлар нимадир ўтингандай, бўртиқ лаблар сал титраб, йиғламоқдан бери бўлиб турибди.

— Зулайҳо... — деб шивирлади Собиржон туш кўраётганига амин бўлиб. Шу онда яна ўша аниқ, шўх товуш эшитилди:

— Ана, топдингиз, ичинг яна қатиқдан. Мен ҳам сизни дарров танидим, ҳов бирда Ғуломали ака билан келган эдингиз.

Собиржон бор кучини йиғиб ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, дармони етмади. Яна талпинди, тушларида кўришни орзу қилган бу тасодифий бахт, бу учрашув унга куч бағишлаган эди, дардини унутди. Утирганча пешонасини маҳкам сиқиб, бош айланишидан қутулишга уринди. Қиз нималардир гапириб, атрофида ивирсир, унинг овози Собиржонни тетиклаштирар эди.

— Зулайҳо... — деб ўзича шивирлади яна.

— Лаббай?

— ...Тоға яхшимилар? — деди Собиржон ўзини йўқотиб қўймаслик учун.

— Дадам сизни шу сўрига ётқизиб, нон-чойга қараб тур, деб кетдилар. Сизни офтоб урибди экан, табибни олиб келаман, дедилар.

— Мени офтоб ургани йўқ, тузалиб кетдим, яхшиман... Зулайҳо, сизни кўрарман деб ўйламаган эдим, уйдагилар бари саломатми?

— Ҳамма наврўзга кетган...

— Уйда ёлғиз экансиз-а?..

— Ҳа... — деб бош эгди қиз.

Собиржон яна уни гапга солгиси, овозини эшитгиси келар эди.

— Менга қарайман деб, байрамда ўйнаёлмасиз ҳам. Овора қилганим учун узр сўрайман.

— Зарари йўқ, катта байрам кеча эди. Чой ичасизми?

Сўрининг бир четида патнисда нон-чой, қанд-қурс турарди. Собиржон бу омадига ҳали ҳам ишонгиси келмай, юраги уриб, нафаси тезлашиб ўрнидан турди. Пастда этиги ҳам тозаланиб, жуфтлаб қўйилган, шўр босган гимнастёркаси ҳам ювиб-дазмолланган, ёнида тахлоғлик ётарди. Нарироқда сув, сочиқ тутган Зулайҳони кўриб, тиззаларига зўр берди: «гандираклаб кетмасам бўлгани...»

Ўтган гал кўрганида Зулайҳо унга бўйи энди чўзилиб, кўйлаги калта келиб қолган қизалоқдайгина туюлган эди. Энди разм солса, қишлоқча тикилган кенг чит кўйлаги қаддини яшириб турса-да, ўнг биқинидан пастга осилиброқ тушган кенгбар, ялтироқ атлас белбоғ белини сал қуйидан қисиб, қомати етуклигини бўрттириб турибди. Бир оз энгашиб қўлга сув қуяркан, бу айниқса яққол кўринди.

Собиржон, касаллик асарими, ҳаяжонданми, биров ялтиратиб қўйган этигига сув сачратиб, андак хижолатда қолди, буни сезган қиз айбни ўзига олиб, «кечирасиз» деб қўйди, эътиборни бозқа гапга тортган бўлди:

— Бувам мени, сен ўзбексан, дейдилар. Биз қаридик, ота-бобонгнинг юртини унутма, деб ўгитлаганлари ўгитлаган.

— Хайриддин бува ҳали тетиклар... — деди Собиржон гап узилиб қолмасин учунгина. У Зулайҳонинг ёшини тахминлаётган эди. — Сиз нечанчини битиргансиз?

— Тўрт синфни битирганча қолдим. Бизнинг қишлоқларда катта мактаб йўқ. Мозори Шарифга қатнашга дадам унамадилар... Сизларда ҳар бир қишлоқда катта мактаб бор экан-а?

— Бор, Зулайҳо, бор...

Совуқ сувда ювиниб юзини артган Собиржон тетик тортиб, шундоқ рўпарасида турган дилбарнинг маъсум кўзларига қараркан, кўнглига чексиз орзулар тошиб келди: қани энди ғунчадай очилаётган шу ташна қиз истаган барча кўнгил бойликларини муҳайё қи́ла олса!..

— Мен боришим керак, Зулайҳо, раҳмат сизга, — деди. Гапи ўзига ҳам ясамароқ эшитилди.

— Вой, ҳозир дадам табибни бошлаб келадилар...

— Мен табибга кўринганман, ҳечқиси йўқ, соғман, дадангизга қуллук деб қўярсиз, ишим бор.

— Йўқ, нонуштасиз кетманг, яхши бўлмайди, — деди қиз астойдил ранжиб.

— Чиндан ҳам юмушим жуда зарур, Зулайҳо. Муҳим вазифа билан Содиқ Сардорнинг ҳузурига кетаётган эдим... — деди Собиржон бу номнинг таъсир қилишини билиб. Чиндан ҳам, қиз бу гапдан кейин меҳмоннинг хуржунига иккита нон қўйди-да, қозиқдаги от томон юрди. Собиржон ҳам хуржунни олиб эгарга ташлагандан сўнг, тизгинни ушлаганча от ёнида, қизнинг рўпарасида тўхтади.

— Ноқулай бўлди, сизларни безовта қилдим, — дея ерга қаради. Кейин: — ҳаммасига мана бу айбдор, — деб тўриқнинг бўйнига аста кафти билан уриб, жилмайди. Қиз ҳам отнинг сағрисига қўлини қўйиб, унинг титраган пайлари орқали йигитнинг ҳолатини сезгандай, сирли жилмайди.

— Шу жонивор олиб келмаса кирмас эдингиз ҳам. Отингиз яхши экан... ўзингиздан...

— Яна келаман, Зулайҳо...

Собиржон узангига оёқ қўйиши керак, қиз нарироқ кетиши керак, лекин улар буни унутгандай, от ёнида юзма-юз туравердилар. Узоқ турдилар, иссиқ қўллари орасида жонли восита бўлиб ҳар замонда пайларини титратиб, йилтиллаб турган жийрон тўриқдан ҳозир ҳар иккаласи ҳам миннатдор эди.

Ниҳоят Собиржон узангига оёқ қўйди. Зулайҳонинг йиғламоқдан бери бўлиб лов-лов ёнганини кўргач, кўнгли алғов-далғов ҳислар билан тўлишди.

— Мен кейинроқ сизга Ўзбекистон ҳақида узоқ гапириб бераман, хўпми? — деди эгардан қиз томон сал энгашиб. Зулайҳонинг кўзларида нимадир йилтиллади. Шу йилтиллаш Собиржоннинг вужудини энтиктирди. Бу ҳолат гўё отга ҳам ўтди-да, қўранинг очиқ дарвозасидан чиққач, қанот битгандай равон ва тез йўртиб кетди.

Содиқ Сардорни Собиржон шом пайти ёлғиз сайр қилиб юрганида учратди. Отини қўра дарвозаси олдидаги қозиққа боғлаб, пастқам бутазордаги ариқни бўйлаб унга пешвоз юрди. Кажава тўқувчи лўлилар сийраклатиб кетган самбит толлар орасидан Сардорнинг тик, баланд бўйи узоқдан кўриниб турарди. У Собиржонни худди ўз ўғлидай қучиб, бошини бағрига босди.

Дарвоза тарафдан айланиб юрмай, яккачўпдан ўтиб, орқадаги кичик эшикдан ҳовлига кирдилар. Сардор меҳмонни ўзининг хосхонасига бошлади, китоблар орасидаги ўша таниш креслоларга ўтирдилар. Уй эгаси ҳали совумаган чойнакни ёнига тортиб, меҳмонга чанқовбости чой узатгач, шошмай, лекин сал ҳаяжон билан сўради:

— Бугунги безовта ҳолатимни энди тушундим: эрталабдан бери сизни кутган эканман, қани, нима хабар олиб келдингиз, ўғлим?

Собир қийин аҳволда қолди. Қария, албатта, қидирув партияси ишларидан янгиликлар кутган. Дабдурустдан ошнасининг ҳалокати ҳақида гап очса, унга қандай таъсир қиларкин?.. Яхшиси, сўзни узоқроқдан олиб келиш керак. Собиржон қадимий Чорданаҳр ўзанларидан фойдаланиш фикрида қатъий тўхтагани, ҳозир ўша эски ўзанлар воҳасидаги қабилалар билан ҳам мулоқатда бўлаётганликлари ҳақида гапириб, мавзунини аста доктор Суҳайлга бурди.

— У киши бўлганларида, албатта, иш янада тезроқ ва осонроқ кўчарди, — деди. — Доктор мамлакат шимолини мўл-кўл сув билан таъминлашда бебаҳо ва фидокорона илмий-сиёсий хизмат кўрсатиб кетдилар...

— Бебаҳо? Фидокорона?.. Кетдилар, дедингизми? Хўш, қаёққа кетибдилар? — дея кетма-кет савол берди, Сардор оппоқ қошлари чимирилиб. Дастёр келтирган дастурхонни олишни ҳам унутиб, ўрнидан қўзғала бошлади. Шунда Собиржон бор гапни очиб айтиб, топилган дафтар мазмунини батафсил ҳикоя қилди, Фуломалининг қаёққа кетганигача аста тушунтирди.

Ўрнида беҳол ўтириб қолган Сардор қалтироқ қўли билан бошидаги фасни олди, жиндак куч тўплагандан кейин оёққа туриб, бурчакдаги китоб жавонига юзланди.

— Ўзи мени кечирар, Суҳайл, сен ҳам зинҳор афв эт... — деди яланг бошига шаррос тер қалқиб, товуши қалтираб. Бу жавонда дўстининг китоблари яширинган бўлса керак, чол ичкарироққа тиқилган баъзиларини олиб, қўли билан чангини артар, тартиб билан қайта териб қўяркан, ўзича ҳамон гапирар эди: — Сени ҳақоратлаган тилим кесилсин, Суҳайл. Авлодимизнинг ватан деб фидо бўлган юзлаб асил кишилари қатори сен ҳам кетдинг... Лаънат ўша икки исмли, икки юзли жаллоду жосусларга! Улар юз йиллардан бери бизни қийратади!..

Қариянинг мазаси қочди, Собиржон уни суяб, ўрнига ўтқазгач, дарров иссиқ чой қуйиб берди. Гавдаси букчайиброқ қолган чол ҳам ўз аҳволини англади шекилли:

— Уғлим... сен кетма, ёлғизликда мен бу изтироб билан...

— Мен шу ердан, Сардор. Очиғи, шошмай, бежавотир ишлаш пайти энди келяпти. Фуломали қайтсин-чи... Чойдан иссиқ-иссиқ ичинг. Ҳасратингизга биз ҳам шерикмиз, сизга тасалли бериш бизга жоиз эмас, лекин ортиқча куйманг, ҳурматли Сардор. Авлодлар доктор Сухайлдек одамларга ҳайкал қўяди!

Сардор сал ўзига келиб, бир-икки чой ҳўплагандан кейин юзига ранг югурди.

— Иқболда бундай байт бор, — деди манглайини жийириб эсларкан:

Тутса ҳам оламини тун, зулмат ёруғдин қўрқадур.

Яхшидин кун йўқ ёмонга хоҳ ўлик, хоҳи тирик.

— Ҳа, худди раҳматлик дўстингиз ҳақида айтилибди, — деди Собиржон. Сўнгра мавзуни чалғитиш учун баҳона топиб, давом этди: — Афсус, Иқболни мен яхши билмас эканман, унинг орзулари нимадир, Сардор?

Содиқ Сардор бутунлай ўзига келиб, яйраброқ жилмайди:

— У сиздай кишиларни орзу қилган, меҳмон ўғлим...

— Мендай?.. Мен нима... Мендайлар кўп. Урушда ўлиб кетган оддий бир кетмончининг ўғлиман.

«Ҳа, — деди Сардор ичида, — Сумбул аянг ҳам бир замонлар қашшоқ бир отбоқарнинг қизи эди...» У кейинги вақтда академик Сумбул Садриеванинг асарлари билан қизиқиб, кекса дўстлари орқали анчагинасини топди ҳам. Рўпарасида ўтирган бу йигит ўтган гал неварасининг бир ҳамроҳи эди, холос, энди у — ўша гўзал Сумбулдан дарс олган, у билан неча бор суҳбатлашган, қўл ушлашиб кўришган жонли гувоҳ, қариликдаги ширин хаёлларининг бебаҳо бўлаги.

— Катта миқёсли ишлар одамни ўзгартиради, — дея давом этди у, ўз хаёлларини бўлиб. — Мана, сиз устозингиз билан чўлларга неча минг чақиримлик каналлар тортибсиз, денгизлар яратибсиз. Шу ишлар пайтида нима қилаётганингизни ўйлайсиз-ку, демак, ўйларингиз ҳам катта, узоқни кўрасиз, бутун халқ билан биргасиз. Қилган катта ишларингиз таржимаи ҳолингизнинг бир бўлаги бўлиб қолади...

— Ҳозир улусдаги гурунгларингиз нима хусусда, Сардор?

— Бизда оддий кишиларнинг манфаатлари оила, жамоа, қабила доирасида чегараланиб, биқсиб қолган. Шундай ижтимоий фаолиятсизлик шароитида Иқболнинг инсон ҳақидаги орзулари биз учун жуда муҳим, қудратли куч деб ўйлайман. «Асрори худди», «Румузи беҳудди»ни ҳар бир киши билиши керак. Бу нафис дostonларда мусулмон ахлоқи фаол ижтимоий фаолият билан қаттиқ боғланади. Биз узоқ тўхтаб қолганмиз. Иқбол бундай дейди: «Ҳастам агар меравам, гар наравам — нестам!» Инсон шахси, унинг ҳаёт мазмуни ҳаракату муборизада, жамоат ишида, халқ хизматида намоён бўлади. Инсон камолоти эл-юрт олдидаги бурчни ўташ, доимий безовталиқ, дунёни, турмуш шароитини ўзгартириш, яхшилашга қаратилган саъйи-ҳаракат билан боғлиқ, деб таълим беради Иқбол.

— Бундай таълимотни тарғиб қилиш ҳозир айна муддао-ку!

— Бале, устоз Иқбол айтибдиларким:

Эр йигит эрсанг агар, бўлгил мулозим халқинга,

Сенда нечоғ иқтидор, халқ корида бўлгай кушод.

Собиржон ич-ичидан завқланиб ўтирарди. У Фуломалининг сўзларини эслади. Ҳақиқатан ҳам, бу Иқбол, бу Сардор — уларнинг эларо обрўси — бебаҳо хазина; ҳозир қабилаларда буларсиз иш битириш маҳол. Собиржон шу кунлари қабила жиргаларида Сардорнинг икки оғиз ваъзи жуда қўл келишини, Иқбол шеърлари ҳам айна муддао эканини айтиб, шу кечаю кундуздаги режа ва сафарлари ҳақида гапирди. Сардор ҳам бу режаларни жуда маъқуллади-ю, ҳозир у анча чарчаб қолган эди. Собиржон уни ярим тунгача олиб ўтириб фаросатсизлик қилганини тушунди, шоша-пиша узр сўраб, уй эгасига тинч уйқу тилади. Жойлар солинган эди, Сардор ўз ётоғига кирди, Собиржон ҳам айвонда этигини ечиб, ёнбошлади.

Савр кечаси, юлдузли кеча. Қаердандир юлқиниб келган ел дарахтларнинг гулини дув тўкади-да, яна тинади. Утли из қолдириб юлдузлар учади...

Тонг олдидан кимдир қудуқдан сув тортди. Ёғоч сатилни бошига кўтариб узоқ сув ичди. Кейин даҳлизда нимадир тарақлади. Ичкаридан фонус тутиб оқ кўйлак, оқ лозимда Сардор чиқди.

— Фонусни кўйинг, бува...

Даҳлизнинг деворига суянганча оёқларини кериб ўтирган Ғулумали чимирилган кўзларини кафти билан тўсиб, ҳансираар эди. Силласи қуриган, кўйлаги ҳўл.

— Ғулумали? Нима гап? — деди Собиржон ҳам сапчиб туриб. — Пиёда келдингми нима бало?

Ғулумали этигини ечиб, ёқаларини бўшатди, рўпарасига чўккалаган бувасига тикилди.

— Нима бўлди? Дафтарни нима қилдинг? — деди яна Собир.

— Одамларнинг кўнглига дафтар сиғадими шу топда! — деди Ғулумали, тағин чўзилиб заранг косада хумдан сув олиб ичди. — Аркка яқинлашолганим йўқ.

Сардор кимнидир уйғотиб иш буюрди, сочиқ олиб келди.

— Тур-чи, — деди Ғулумалига, — аввал муздек сувда юзингни чайиб ол.

Собиржон офтобада ўртоғининг бошидан совуқ сув куйди. Ғулумали артингач, нафас ростлаб яна ҳалиги жойига гурс этиб ўтирди, хизматкор иссиқ чой билан нон келтирди.

— Бува, Кобулда қиёмат, ич-ичидан-қайнаб ётибди шаҳар. Осмонда самолётлар тинмай айланади, шаҳар зилзила вақтидагидай нотинч. Дўконлар тақа-тақ бекик, Аркни ҳарбийлар қуршаган, Кобулсой ёқаларида отишма, амалдорлар уй-уйида қамалиб ётибди...

— Шундай бўлса ҳам дафтарни... — деди Собиржон бетоқат, лекин Сардорнинг жиддий чеҳрасига кўзи тушиб тўхтаб қолди.

— Дафтар, дафтар дейсан, дафтаринг бир пул у ерда... Бир-иккита амалдорга йўл топиб, лойиҳамиздан гап очиб кўрдим, мийиғида кулади, нима кўтариб юрибсан шу пайтда, дегандек. Кўпларда жон қайғуси ҳозир!..

— Бўлмаса шу вақтгача нима қилиб юрибсан, от қани?

Ғулумали жавоб бермади.

— Ҳарбийлар нима деяпти? — деб сўради Сардор.

— Ёнига йўлатмайди.

— Ҳар ҳолда, кайфият, гап-сўз...

— От ўзимизникиларда, ғам ема, — деди Ғулумали Собирга қараб. Бир оз нафас ростлагандан кейин у ҳам анча жонланди. Патнисдаги иккита нонни секин олиб белбоғига қистирди. — Бува...

Улар негадир қоронғи даҳлизга ўтиб, бир нималарни узундан-узоқ шивирлашди. Ғулумали, кейин чолни бу ерда ушлаб қолиб бўлмайди, деб бувасига ҳамма гапни айтмаяпти шекилли. Баҳс, асабий юриш тонггача давом этди.

Эрталаб туриб қараса, Ғулумали яна йўқ, Собиржоннинг отини миниб кетиб қолибди. Сардор негадир азонда ясаниб олган, бошида шерози кулоҳ, қомати генераллардек тик, ҳовлида оқсоқланиб у ёқ-бу ёққа юриб турар эди.

— Бизнинг Афғонистонга баҳордан омад келган... Зора яхшиликка бўлса. Ҳов ўшанда ҳам савр энди кирган эди... — дея ўзича гапирарди. Кейин ёнида Собиржонни кўргач: — Сиз, ишни ташлаб кетди, деб ўртоғингиздан хафа бўлманг, — деди, — унинг йигитлик бурчлари бор, нима қилсин, долзарб пайтда сафдошлари билан бирга бўлиши керак. Мана, менга ҳам ҳамма гапни айтмай жўнаб қолди. Лекин мен ҳамма нарсани сезиб, билиб турибман... Савр. Бизга ҳам қутлуғ кунлар келади, меҳмон ўғлим!

Булар нимага умид боғлаб, нимага ишонишаётганини Собир билмайди-ю, лекин ўз ўйларида қатъий: нима воқеа юз берса ҳам

нақадар кескин ўзгаришлар бўлса ҳам, ҳатто Ғуломали бошқа ташвишлар билан бўлиб, уни ташлаб кетса ҳамки, Чорданаҳр ўзанларидан фойдаланиш ғоясидан кечмайди! Ҳозир дўстининг ғалати хатти-ҳаракатини кўриб, қандайдир хавф сезгандай, ўз ғоясига маҳкамроқ ёпишди, уни ўзича яна бир баҳолаб, салмоқлаб, батафсил қайта таҳлил қилди, истиқболини тахминлади.

Тушликдан кейин Собиржон базага жўнади. Олти ўзаннинг батафсил тавсифини академик Сумбул Садриевага юбориш керак, балки аввалги хатига жавоб ҳам келгандир. Ғуломалининг бу «дайдиш»лари оқибатида группаларнинг хулосаларини тўплаш, умумлаштириш ишлари ҳам ўлда-жўлда. «Ўлда-жўлда»ни ўзи ҳам тўғрилайдику-я, лекин Ғуломалисиз қилиб бўлмайдиган ишлар бор. Қачон келишини ҳам айтмай жўнаб қолди...

Базага етиб борганида партиядаги ёрдамчи ишчилар, баъзи лаборантлар ҳам жўнаб қолишган, қолганларнинг қўли ишга бормай, кетишни ҳам, қолишни ҳам билмай ўтирган экан; жавоб сўрай деса бошлиқлар йўқ. Палаталарда кечаю кундуз мунозара, тортишув, кўпларнинг овози ўчиб, баъзилар жанжаллашиб, топограф билан бош геодезист эса бир-бирларига мушт кўтаришгача боришибди. Групадаги бирдан-бир эски мотоциклнинг эгаси, иккинчи геодезист энди Кобулдан қайтган экан. Бу бақалоқ, оғиргина йигит бирдан ўзгариб, ваҳимачи бўлиб қолгандай кўринди, у лабини ялаб, ҳовлиққанча бетиним гапирар, жаҳаннамдан чиқиб келгандай сув ичар, яна гапирар, ёнидагилар ҳамма ҳикоясига ишониб ўтирган бўлса ҳам, нуқул имон келтирар эди.

— Бунақанги қиёмат-қойимни биринчи кўришим! Икки кунда қулоғим битиб кетди. Кўчада ҳам, майдонда ҳам ҳар ким билганини бақиради; биров: «Яшасин инқилоб!» деб қичқирса, биров: «Му-сулмонлар, гуноҳдан кўрқ!» деб жар солади. Осмонда эса ҳелкўптарлар гувиллаб гир айланарди! Арк томонда тўп отилиб ётибди. Кечга яқин ваҳима яна ошди: «Садри аъзам қатл этилибди!», «Аркда ҳукумат тўнтарилибди!» Узимни қаёққа уришни билмай тентираб кетаётсам, Афғон радиоси биноси олдида ўзимизнинг Ғуломали турибди! Ёпирай! Енгида қизил алвон. «Рафиқ Коргар, рафиқ Коргар!» дейишяпти. Қарасам, эътибори баланд, кўзларимга ишонмай анқайиб қолибман. Чақирди. Югуриб бордим. «Энди бу нима бўлади?» дебман, саломлашиш ўрнига, «Э, эсипаст, — деди илжайиб, — нима бўларди, Инқилоб бу! Халқ ҳукумати! Бошингни кўтар, каллаварам! Боғи Умум майдонига югур, ҳозир жами дурбор ўша ерда, катта улус жиргаси бўлади, нима бўлишини билиб оласан!»

— Қачон келарканлар рафиқ Коргар? — деди Собиржон. — Бизнинг ишимиз нима бўлади, сўрамадингизми?

— Э, қаёқда? Оғзи қулоғида у кишининг, оломонни ҳай-ҳайлаб юрибди, бизни тамом унутганга ўхшайди! — бақалоқ геодезист йўл юриб, гапириб чарчаган эди, яна сув ичди.

— Хўш, Боғи Умумга бордингми ахир, у ерда нима бўлди?

— Боғи Умумга яқинлашолмадим мана бу фалокат билан, — деб, чанг босиб кетган эски мотоциклни кўрсатди геодезист. — Ундан кейин, шошдим. Бу ерда сизлар, уйда бола-чақа, қаёққа чопишни билмай, ахири шу ерга ҳайдадим, нима қиламиз-а, биродарлар? Уйда чолу кампирлар бор ахир, отишма бўлиб кетса... Сизлар Кобул кўчаларини кўрмабсизлар, сизлар бунинг нима эканини тасаввур қилолмаяпсизлар, нима қиламиз?

«Нима қиламиз?» — бу савол гўё ҳамманинг устидан оғир босиб тушди. Бу ерда кўпроқ ёшлар қолган эди. Ун етти киши. Ҳаммаси ҳар жойдан. Узоқроқдан келган бири «бизнинг шаҳар тинчдир» деб ўзига тасалли берса, бошқа баъзилари уни талаб ташлашади: «Сенга тинч бўлса! Яна ўша эскича биқсиб-сасиб яшайвермоқчимисан?!» Бундай деганлар ўзлари ўша «ғалаён»лардан узоқроқда — далада қолиб кетишига алам қилиб ўтирганлар эди. Хуллас, ҳаловат йўқолди, иш ҳақидаги гаплар кўнгилларига сиғмай, саросимада қолдилар. Бунинг устига, кечга яқин ёмғир қуйиб берди, ҳамма тўпланган катта чайла — Коргарнинг оқ

палатаси қияроқда эди, наMATлар тагига сув кетди, ён-веридан лойқа жилғалар оқиб ўта бошлади, латта «эшик» ҳўл, шамолда шалоп-шалоп этиб брезентга урилар эди. Уртадаги тош фонусдан намиққан брезент деворларда титроқ соялар ўйнар, Собиржон ўйчан, ёш-ялангнинг юз ифодаларини кузатар эди: улар тақдир ҳақида ўйлашяпти, ўз тақдирлари, бола-чақа, ота-она тақдир, юрт тақдири. Бу «инқилоб» деган портлагувчи сўз баъзиларини чўчитди. Собиржон уларнинг ҳаяжонларига тушунади, Собиржон уларга дилдан хайрихоҳ. Улар тарихий онларида, катта воқеалар олдида турибдилар. Уларнинг табиий безовталиклари Собиржоннинг ўзига ҳам «юқди», чиндан, нима бўлади? Наҳотки унинг астойдил кўнгил берган Чорданаҳр ғояси аро йўлда қолиб кетса? Ҳозир ҳамманинг хаёлини бутунлай бошқа нарсалар чулғаб олди. Тоғу тош кезиб, эски ўзанларни қидириш кимнинг юрагига сиғади?

Собиржон бу ерда кўп ажойиб одамлар билан танишган эди, энди ҳаммасининг фикри-зикри, ташвишу қисмати ўзгариб кетди. Фуломалининг катта уруғи — бобоси, тоғаси, Хайриддин чол, Зулайҳо... Улар қандай қабул қилади бу катта воқеаларни?

Ёмғир ҳамон шиваларди. Савр ёмғирлари оламни янгиловчи барака ёмғири ҳисобланади. Абринайсон — дил ризқи, савр ёмғири — йил ризқи, дейишади шимол қабилалари. У кунлар қизиганда бошланадиган бир неча ҳафталик «афғоний» шамолнинг ҳам олдини олади, унинг теракдек-теракдек қуюнларининг томирини қирқади.

Ёмғир эртасига ҳам тинмади, индинга ҳам. Кийимлар намиқиб, палата биқсиб кетди. Бетоқат бўлиб ташқарига чиққанлар чориғида бир ботмон лой билан қайтиб кирар эди. Тўртинчи кун ҳам ёмғир тинмади, шундай бўлса ҳам, яна уч киши кетиб қолди, қолганлари осмонга тикилиб ўтирарди, хаёллари уйда, шаҳару қишлоғида, қариндош-уруғларида...

Ёмғир тинганида Собиржон хўжалик мудирини ва битта юкчи билан ўзи қолди. Юкчи, букрироқ ўрта яшар сўққабош одам, оти Бобошоҳ, Собиржонни юпатмоқчи бўлиб, нуқул унинг атрофида айланади: «Сўвсиз яшаганмиз, энди бундан кейин ҳам... Ишқилиб, юрт тинч бўлсин...»

Қизиқки, ишнинг барбод бўлганига Собиржоннинг ўзи ҳам амин эди. Бутунлай барбод бўлмаса ҳам, кўп йилларга орқага сурилди, тамом, деди у ўзича.

Ёмғирдан кейин лаш-лушни арқонга ёйиб, ташлаб кетилган сандиқ-сандиқ асбоб, тупроқ намуналари, ҳужжату материалларни тартибга соламан деб юрганида узоқдан отлиқ кўринди. Собиржон дўстини таниб, ҳаяжон билан юраги уриб, пешвоз чиқди. Фуломали етаклаб келаётган отининг тизгинини эгар қошига илиб, чаққон сакраб ерга тушди. Собиржон қовоқ солишни, зардаю гинани эпполмади: дўсти жуда бошқача эди — енгил, юриб эмас, учиб келаётгандай туюлди, ҳорғин кўзлари ич-ичидан нурланиб турибди, юзи жиддий, лекин чақмоқ мўйлов тагида очилишга ҳозир турган енгил табассум бор...

Қучоқлашдилар.

— Ҳамма гапдан хабардормиз, рафиқ Коргар! Табриклайман!

Улар яна қучоқлашиб, шу ҳолатда узоқ турдилар.

— Қалай? — деди Собиржон.

— Яхши. Кейин гапириб бераман. Бу ерда нима гап?

Бу савол Собиржонни эски ҳолатга келтирди, у тумтайиб олди.

— Мана, кўриб турибсан, ўртоқ бош гидрогеолог!

У ўртоғидан қаттиқ гина қилмоқчи бўлди-ю, яна удда қилолмади, ростки, дўстига ҳаваси келарди.

«Ўртоқ бош гидрогеолог» дегандаги кесатиқ оҳангини тушунган Фуломали индамай хўжаликни айланди-да, қуритгани қўйилган эгар устига келиб ўтирди. Дўстига илтижо билан боқди.

— Ўзинг айтган эдинг-ку: сув масаласи аввал ижтимоий жиҳатдан ҳал қилиниши керак, деб!

— Мен эмас, буни Ленин айтган, — деди Собиржон ҳам зах тошга келиб ўтириб. Улар узоқ жим қолдилар. Ёмғирдан кейин яшнаган хушбўй қирларга тикилдилар. Дала гулларига ранг-баранг капалаклар келиб қўнар

эди. Тўрт кечаю кундуз босиб ёққан ёмғир ерга сингди-кетди. Табиат майин, мусаффо. Эрта-индин Биринчи май, қаердадир тантаналар, баҳор байрамининг қутлуғ нафаси, буюк қувонч... Собиржоннинг эса кўнгли ҳеч ёришмаяпти.

— Энди нима қиламиз, одамлар тарқаб кетди, мен сизларнинг ишларингизга аралашолмайман, ортиқча бўлиб қолдим...

Суронлардан толиқиб қайтган Фуломали тинч далалар шуқуҳига берилиб кетган экан, ўрнидан кескин турди.

— Йўқ, биродар, иш энди бошланади! Одамларни эса, сен ҳам ема, топиб келамиз. Эртага хел жиргасини чақирганмиз, Шокалон тоғанинг қишлоғи ўша Пайкида.

— Хел жиргаси?

— Ҳа, унга қишлоқларнинг ҳам, қабилаларнинг ҳам вакиллари қатнашади.

— Сув масаласидами?

— Ҳа. Илгари мен бу ишда бир мутахассис сифатидагина ишлаётган бўлсам, энди бунга хизбий созмонимиз олдида жавобгарман. Бизнинг ишимиз ҳукумат иши бўлиб қолди, тушуняпсанми?

— Менга қара, қурилишни халқ қўлласа, энг арзон лойиҳа тақдим этамиз!

— Бу ҳам бор. Умуман, муаммо кўп.

— Шокалон тоғанинг қишлоғида дедингми? Мен ҳам бораманми? Аралашсам бўлмас...

— Бир чеккада ўтирасан, менга далда бўлиб.

Собиржон бирдан қувончга тўлиб кетди. Бунинг устига, Пайки қишлоғи, у ерда балки Зулайҳони яна бир кўрар...

Унинг ҳолатини англаган Фуломали дўстининг елкасига қўлини ташлади:

— Энди ҳаммиша бирга бўламиз.

Фуломали Коргар қандайдир салобатлироқ бўлиб қолган эди. Қорайган юзидаги, кўз ёнларидаги майда ажинни, чаккасидаги бир-иккита оқ толани Собиржон энди пайқади.

Уша куни кечқурун улар лагерни хўжалик мудирин билан букри ҳаммолга топшириб, йўлга отландилар.

— Сенга энди ҳаммасини очиқ айтсам бўлади, — деб гап бошлади Фуломали отда ёнма-ён кетар эканлар. — Биз «парчамийлар» пинҳонадан чиқдик, подполье дейди сизларда, шундайми?

— Ҳа... Табриклайман, Фуломали, — деди Собиржон, дўстини энди кўраётгандай тикилиб. — «Парчамий», нимади бу?

— Талабалигимизда сиёсий тўғаракда «Парчам» деган жариди чиқарардик. Унда мамлакатда биринчи марта Лениннинг сурати босилган. Кейинроқ «Ленинга дуруд айтган кофирлар» дея бизни таъқиб қила бошладилар. Узга иложи қолмагач, пинҳона ишга ўтган эдик. Ҳозир эса бизнинг хизбимиз...

Собиржон тингларкан, дўсти ҳақида ўйлар эди. Унинг иш вақтида кўпинча ғойиб бўлиб кетишларидан илгари ҳам ниманидир тахминлар эди-ю, бунчалигини билмаган экан. Ҳозир у билан ёнма-ён кетаётганидан ўзида янги куч сезди.

Икки от қўшилган эски файтон Пайкига кечки салқин тушганда кириб борди. Одатдагидек, мачит ёнбошидаги оташхона майдонига тўпланаётган одамлар аввал файтонга ҳадиксираб, бегона кўз билан қараб турдилар-у, кейин, меҳмонлар орасида Содиқ Сардорни кўришгач, орада мамнун жонланиш бошланди, қувноқ шовқин билан омонлашиб, тўрга йўл олдилар.

Оташхона томида жирга ноғоралари янграганда, майдоннинг узоқ четида қозиқларга боғланган отлар ҳуркиб, бир ўйноқлаб қўйишди. Ҳаммани майдон чорларди, йўлларга сув сепиб юрган дарвешсифат фаррош энди ўртадаги гулханга кадидан чимдим-чимдим чарви мойи пурқаб турибди.

Оташхонада паштунвалай ваъзлари, жангномахонликлар тугаган. Энди бу ерда қишлоқ оқсоқоллари, хели-малик, кандид-малик, муширу муёнлар, қабила сардорлари тўпланган эди. Бир-бирларига унча дўст бўлмаган, муриду фуқарога ўз ҳукми билан мағрур бу казо-казолар мулозимат удумини жойига қўйиб, таъзимкорлик билан омонлашишар эди. Кейинги янгилликлар кўпларини гангитган, кўзларида ташвиш. Ҳаммасининг гапи ичида, бошқаларнинг оғзини пойлашади: қани, бу нима дер экан...

Шиқашим қавмининг кандид-малиги кирганда ҳамма ўрнидан турди. Асли Воҳан дараларидан бўлган бу асабий одам жангарилиги, қабила анъаналарига эътиқоди, ўчу низода шафқатсизлиги билан машҳур эди. Бекорга ҳам ханжар-қилич тақиб, қаерга борса беш-олти навкарини эргаштириб, қора от миниб юрарди. Исми Ёқубхон оталиқ. Ўзи кўримсизгина, чувак жусса, эгнида олача жевак; асабини босиш учун одам билан ерга қараб гаплашади. Ёнида эчки соқолли мавлавий. У кириши билан Шокалон тоға дастурхон кўтариб келди.

— Оби ангурдан май солганмиз, ҳурматли Ёқубхон, — деди, сўнг ўртага пиния пайраҳасидан шам ёқиб, орқасига тисарилди. Оталиқ ҳам, бошқалар ҳам на дастурхонга, на майга қарадилар, фақат Содиқ Сардорнинг ёнида ўтирган қизил юзли, семиз заминдор, Маҳбубшоҳ деган беғам киши илжайиб, лабларини катта рўмол билан артиб-артиб, май шимирди.

Ташқарида ноғора садоси тинган, гулхан чирсиллаб ёнар эди, аёну муёнлар ичкаридан чиққанда майдонни қуршаб ўтирган оломон, нафаси ичига тушгандай жим бўлиб қолди. Дарахтлар орасида лой тепаётган болаларнинг ялангоёқ кўчманчилар миниб келган хачиру эшакларнинг ҳам овози ўчди.

Тўрдаги гилам устига чиқиб ўтирган казо-казолар ичидан Ғуломали оёққа турди. Бу хушмўйлов йигит асли шу ерлик бўлса ҳам, умри Кобулда ўтган, кўпчилик танимас эди. Ҳайрон бўлиб қараб туришди: оқсоқоллар қолиб, бу ўрнидан турди, янги ҳукуматнинг тартиби шундай бўлса керак-да?.. Ғуломали йиғин аҳлининг ўйларини тушуниб турар эди.

— Жамоат, — деди у, — янги ҳукумат мени вакил қилган эмас. Лекин маълумки, савр инқилоби мен аъзо бўлган Халқ хизби раҳнамолигида ғалаба қилди. Шунинг учун мен ўз хизбим номидан сизларга мурожаат қиламан: хел жиргаси бугун Марказий халқ ҳукуматини қўллаймиз, деб баённома қабул қилиши керак!

Оломон орасида кучли ғовур тўлқини югуриб ўтди. Гиламда ўтирганлар ўзаро кўз уриштириб олдилар: уларни ноқулай бир ҳайратга солган нарса шу эдики, нотик аввал уларга эмас, анави чўккан подадай бўлиб ўтирган, ҳеч нарсаи ҳал қилмайдиган, юпун, яланг-оёқ, қаланғи-қасанғи оломонга мурожаат қилди.

Майдон жим эди. Собиржон безовталаниб қўйди: дўсти катта сиёсий масалани кўтаряпти-ку, Чорданаҳр муаммолари эсиданоқ чиқиб кетганга ўхшайди...

— Ҳали билмаймиз-ку, жиян, бу янги ҳукумат бизларга нима каромат кўрсатади, — деди Шокалон тоға ўрнидан турмай. — Кейинроқ, бундоқ ишимизга қор келганида қўллармиз ахир!

Гиламдагиларнинг ҳаммаси, пастдагиларнинг баъзилари бу гапни қувватлашди. Тоға зимдан Ёқубхонга кўз ташлаб қўйди. Кандид-малик, одатича, юз ифодаси сира ўзгармай, ерга қараб ўтирар эди.

— Тўғри, айтинг-да бундай, рафиқ, янги ҳукумат нима қилиб беради бизга? — деди пастда, ўзи ёш бўлса ҳам, бир тўп ўпоқ-сўпоқ болалари билан чуғурлашиб ўтирган зиёлинамо серажин киши.

— Халқ ҳукуматининг режалари катта, — деди нотик. У оломонни бир сўзи билан бошлаб кетиши мумкин бўлган нуфузли, ҳукмдор одамлар орасида ўзини дадил тутарди. — Бу ерда ўтирган деҳқон ва чорвадор улусга шуни айташим керакки, ҳукумат ҳаммага ер беради, бу хизбимизнинг рўзномасида бирламчи масала бўлиб турибди. Иккинчидан, биз деҳқонга шунчаки ер эмас, сувли ер бермоқчимиз. Мана бу ерда менинг

ошна, шўравий мутахассис, машхур мироб Собиржон Тўхтабоев ўтирибди. У Шимол ерларига Аму сувини бошлаб келмоқчи. Лекин гап шундаки, ҳукуматимиз янги, ҳали маблағ кам, биз сув келтиришнинг энг арзон лойиҳасини тақдим қилишимиз шарт; бу тадбирларни деҳқонлар қай даражада қўллаш олади, биз сизларнинг қандай ёрдамларингизга таянишимиз мумкин? Аминмики, юртнинг бирдамлик ҳашарлари лойиҳани икки баробар арзонлаштиришга имкон беради. Мана шунинг учун биз сизга мурожаат қилаямиз, янги ҳукуматни қўллаш — ўзимизни қўллаш деган сўз.

Анча жимликдан кейин бир чол ҳассасига таяниб ўрнидан турди. Катта салласи унинг ориқ, букчайган гавдаси учун оғирлик қилаётгандек эди. У носини эҳтиёт билан туфлаб, томоқ қирди-да, тўр томонга таъзим қилгач, деди:

— Ўғлим, айтинг-чи, бу бизларга ерни қаердан олиб берасизлар?

— Бизнинг... — деди саволнинг соддалигига жилмайиб Ғуломали, — кўп ортиқча ерларни эгаллаб ётган заминдорларимиз бор, отахон. Биз ерни ҳаммага тенг бўламиз. Ким ишласа, ер ўшаники, адолат шуни тақозо этади. Адолатли Халқ ҳукуматининг рўзномаси шундай, Халқ инқилобининг шиори шундай.

Пастдагилар яна бир қалқиб тушдилар. Лекин бу сафар қандайдир саросима, ҳадик сезилди. Халқни эътибор билан кузатиб ўтирган тўрдагилар ҳам буни тушуниб турарди.

— Ўғлим, айбга буюрмайсиз, — деб чол яна ўрнидан турди, — сиз ўзингиз ҳам ер оласизми?

— Йўқ, падари гулин, мен деҳқон эмас, инженерман...

— Ҳа-а... — деб бобой, буёғини айтмай, инқиллаб этагини қоқди-да, четга чиқа бошлади. — Ўзингиз олмайсиз, олинлар, бировнинг ерини тортиб олинлар, деб бизни бир-биримизга тезлайсизу, қирқ-пичоқ бўлишимизни томоша қилиб турасиз. Омон бўлинг, болам, биз бу ишдан кўлни ювиб қўлтиққа урдик.

Чол чўккалаб-тиззалаб ўтирганларни оралаб четга чиқаркан, юзини қоп-қора соқол босган бир йигит ўрнидан турди:

— Бобой ҳақ гапни айтди, биродар, биз бировнинг хасмини ола билмаймиз, бу гуноҳ!

— Бу макруҳ! — деди нарироқда яна кимдир.

— Сиз кетасиз, биз қоламиз, ука!

— Ҳар кимга нима берса, худонинг ўзи берган!

Шовқин-сурондан, кутилмаган бу қаршилиқдан шошиброқ қолган Ғуломали орқага, гиламда ўтирганларга қайрилиб қаради. У ерда кимдир хайрихоҳ, кимдир елка қисарди, кимдир «ёрдам керак бўлиб қолдимиз», дегандай таънали назар билан заҳарханда қилар эди. Майдонни ташлаб чиқиб кетаётганлар кўпайди. Ажабо, деди Собиржон чиқиб кетаётган ҳалиги юпунгина чолга қараб, мутеълик ҳам одамнинг суяк-суягига шунчалик сингиб кетар экан-да... ўзининг ҳоли бу-ку, бир умр қонини сўрган заминдорнинг «хасми»ни довлаб ўтирибди.

Шу вақт ҳалиги барвақт қариган зиёлинамо, болажон одам — бу қишлоқнинг муаллими Нурмуҳаммад Пайкий деган киши эди — гўдагини кўксига босганча ўрнидан туриб, қўлини силтаб қичқирди:

— Тўхта, ҳей, сенга ер бераман деган одил ҳукуматга қуллуқ қил, онкўрлик бўлади! Сен олмасанг, мана, биз оламиз, экин экиш қачон гуноҳ бўлибди?!

— Заминдор ерини бериб қўяр эканми?!

— Бировникини олиш шариятга хилоф, мусулмонлар!

— Одил ҳукумат эмас, таланчи ҳукумат экан!

— Низолар шундоқ ҳам кўп!

— Қон тўкилади!

— Бизга ер керак, яшасин Инқилоб!

— Гуноҳ! Сайиди муён гапирсин!

Бу суронни энди ҳеч ким тўхтатолмайдигандек эди. Бироқ тўрда Содиқ Сардорнинг оқ кийимдаги барваста қадди тиккайиб кўринганда

майдон сув сепгандай жим бўлиб қолди. «Содиқ Сардор!», «Содиқ Сардор!» деган шивир-шивир ҳам тингандан кейин ўртадаги гулханнынг сирли шитирлаши жўрлигида шеър янгради. Содиқ Сардорнинг қироати сеҳрли эди, турганлар ҳам жойига чўккалади.

*Мерасад марде, ки занжири ғулмон бишканад,
Дидаам аз равзани девори зиндони шумо!
Халқа гирди ман занед, эй пайкарони обу гил,
Оташе дар сина дорам, аз ниёғони шумо!*

— Иқбол! Офарин, устод Иқбол! — деб қичқиришарди пастда.

— Бале! Мавлона Муҳаммад Иқбол шундай демишлар. Мана, сиз, жамоат орасидан этак қоқиб чиқиб кетаётган отахон қария, исмингиз Низомиддин-а? Мен сизнинг отангизни ҳам, ҳурматли бобонгизни ҳам билгучи эдим. Улар ҳам худди сиздек заминдорнинг ерида бир умр заҳмат чекиб, букчайиб ўтиб кетдилар.

*Хануз андар жаҳон одам ғулом аст,
Низомаш хому кораш нотамом аст.
Ғуломи фақри он гетипаноҳам,
Ки дар динаш мулуқият ҳаром аст.*

Мавлавий мудраб ўтирган эканми, сесканиб, бир Сардорга, бир Ёқубхонга аланглади.

— Жамоат, — деди Сардор, — ерни ерсизларга бўлишиб бериш ақидага хилоф эмас, билъақс қурумсоқлик билан ортиқча ерларни ўз қўлида сақлаб ўтириш гуноҳи азимдур! Бизнинг ҳурматли заминдорларимиз аллақачон гуноҳга ботиб қолганлар, ана энди янги ҳукумат уларга ҳам гуноҳларини ювиш учун имкон яратмоқда!

Оломон энгил тортгандай тамом тинчиди, гулхан ёруғида умидвор нурланган юзлар кўринар, тун қўйнидаги алангада нимадир туғилаётгандек, ҳаммаёқ жимжит эди. Шокалон тоғанинг бесаранжом овози эшитилди.

— Кимники ортиқчалиги фақат ўзига аён, ҳурматли Сардор...

— Йўқ, ҳукумат ҳам билади, тоға, — деди Ғуломали ўтирган жойидан жавоб бериб. — Ислоҳот режасига биноан жон бошига олти жариб ер тегиш, бинобарин, сизнинг тўрт жонингизга йигирма тўрт жариб... Сиз эса ҳозир тўрт юз жариб ерни эгаллаб ётибсиз.

— Азалдан ўз ерларим! Кимнинг ерини олибман, жиян? — Шокалон ўрнидан туриб кетди. — Биз бировникини олмаймиз, бировники бизга ҳаром, сизлар у ҳаромдан ҳазар қилмайдиган!

— Булар олмайди, Шокалон, ҳукумат ҳалол қилиб ўзи олади, — деди ҳали ҳам тикка турган Сардор.

— Биз бермаймиз, гап тамом!

— Бермасангиз тортиб олади, камбағалларга, ерда тер тўкиб ишлаганларга адолат билан бўлиб беради.

— Бу — ҳалокат, Сардор, қон тўкилади!

Содиқ Сардор ғазабини босиш учун бўлса керак, бир нафас жим қолиб, кейин жавоб берди:

— Сиз... афғон фуқароси эмас экансиз, Шокалон, Халқ ҳукуматига шундай таҳдид солмоқчи бўлсангиз!.. Мен ҳарбий одамман. Яхши биламанки, собиқ мустабидларимиз худди шу гапингизни кутиб туришибди.

— Йўқ, ҳукуматга ер керак бўлса, берамиз, олсин! — деган йўғон овоз янгради. Қип-қизил юзли, беғамроқ кўринган семиз заминдор Маҳбубшоҳ ўрнидан турган эди. — Менда ер кўп, олаверсин, биз еримизни берсак ҳам, элимизни бермаймиз! Шокалон агар ҳаммамизнинг номимиздан гапиряпман деб ўйласа, номаъқул ўйлабди, Сардор, биз сизни ҳурмат қиламиз.

Бу пайт майдонда кўпчилик ўрнидан туриб кетган эди. Шундай вазиятда ўтириб туриш ноқулай туюлиб, тўрдагилар ҳам аста қўзғалди. Оёқ остида кўринмай қолганидан алам қилибми, Ёқубхон оталиқ ҳам

қилич-ханжарларини шалдиратиб бирдан сакраб турди. Енида турганлар, Сардордан бўлак ҳамма бир қадам чекинди.

— Ҳукумат... — деди камгап Ёқубхон паст овоз билан, — ундай нияти бор экан, оладиганлар билан эмас, берадиганлар билан гаплашсин. Гадо ҳамма вақт «оламан» дейди...

— Бу ерда ҳам нуқул... ўшанақалар жағига зўр беряпти, — дея четроқдан қистирди тоға.

— Бизни гадо дедингиз, Ёқубхон. Улус жиргасида ҳақоратомуз гап анъанамизда йўқ эди, — деди Содиқ Сардор.

— Ҳақорат эмас, ҳақ гап бу, Сардор, — деди канди малик, олдида баланд юксалиб турган Содиқ Сардор томон бир қадам ташлаб, уни менсимагандай бармоғи билан туртиб кўрсатаркан. — Мана, сиз... шу ёшга кириб, олти жариб ерга эга бўлолмаган экансиз, бунга ким айбдор?..

Сардор ғазабини яна босди:

— Менинг ерим бўлмаса ҳам, эътиқодим бор, Ёқубхон.

— Эътиқод... ҳамма касофатни эътиқоддилар бошлайди. Эътиқодини бошқаларга тақаштирмоқчи бўлади-да, юктиролмаса фитна кўзғайди... Менда ҳам бор эътиқод. Эътиқод дегани у дунё-бу дунёлик, катта нарса. Майда-чуйдага, бир камбағалнинг қорнини тўйғазушу, ариқ қазишгача ўз эътиқодини пеш қилавермайди инсон деган. Беш афғонийга нос олганда ҳар сафар юзталикини чиқаравериш на ҳожат?

— Йўқ, мен йирик-йирик чиқариб ўрганганман, малик. Таваккал: ё ҳаммаси, ё ҳеч нарса! Сизнинг эътиқодингиз эса — ёвузлик, Ёқубхон, — деди Сардор бу сафар ўзини босолмай.

— Оғзингизга қараб гапиринг, алжиб қолган воиз!

— Сиз ва сиз сингарилар қабилаларимиз орасида кўзғаб юрган низолар, хунрезликлар халқимизни юз йиллаб орқага силтади. Ана энди ўша халқ ҳукумат ер-сув бераман деса, бу — гуноҳ, деб, қўл силтаб ўтирибди!

— Унақа ҳукумат йўқ, мен тан олмайман! — деб бақирди асаби кўзғаган Ёқубхон. — Сиз эса... мана бу талончиларга суяк ташлаяпсиз!

— Ўз халқингни ҳақорат қилма, қарғишига қоласан!

Сардорнинг сансираганими, жавобига гап тополмаганими, Ёқубхонни оловлантириб юборди, кўзига қон қуйилиб, қалтираган қўлларини қилич дастасига узатганча Сардор томонга шахт билан қадам кўйди. Оломон ичида бир зум ҳайрат, «уввв...» деган машъум ғулу сезилди. Сардор, юзида осойиш, гавдаси тик, қилич яланғочлаган чуваккина бу ёвуз одам томон юрди. Шунданми, халқ ичидаги «увв...» деган кўрқинчли товушданми, Ёқубхон бўшашиб, қиличини туширди. Сардор ҳансираган маликнинг қиличига қўл узатди. Ёқубхон оталиқ жаҳолатда ортиқча қизишиб хато кетганини англади-ю, энди кеч эди. Қилич кекса Сардор қўлига кирди.

— Мен каллакесар Бачасақонинг қонли қиличини ҳам мана мундай қилиб... — у ялтиллаб турган дамашқий қилични бир қўли билан дастасидан, бир қўли билан учидан ушлаб, ёйдек эга бошлади. — Мана бундай қилиб синдириб, қўлига берганман. — Қилич ярим доира шаклига келгач, ўртасидан қирс этиб синди. Сардор икки бўлак қилични жаранглатиб оёқ остига улоқтириб, қўлларини этагига артди.

Оломон ўрнидан кўзғалган эди. Ёқубхон оталиқ пастки лабини тишлаб, орқага шартта қайрилди-да, тўрдагилар орасида йўқ бўлди. Бир неча дақиқадан кейин бир тўда отличнинг асабий дупури эшитилиб, майдон устини чанг булуту қоплади.

Гидамдаги одамлар сийраклашган эди, пастда ҳам ким кетди, ким қолди. Кетганлар ичида эҳтиёткор кўрқоқлар бўлганидек, қолганлар ичида ҳам «энди нима бўларкин, кўрайлик-чи» дейдиган шунчаки томошаталаб синчковлар йўқ эмас эди. Ишқилиб, ўчаётган тунги гулхан атрофида юз-юз элликтача одам билан ғулумали яна узоқ гаплашиб, жирганинг баённомасини маъқуллаптиб олди.

Содиқ Сардор олдида хижолат тортган Шокалон тоға ҳам, Маҳбубшоҳ ҳам, йўл узоқ, кеч бўлди, этиб қолинглар, дея шунча

қистасаларда, Сардор унамади. Ярим кечада учовлон файтонда йўлга чиқдилар.

Тун қоронғу. Файтон фонусининг шуъласидан чўчиган тунги қушлар йўл четидаги буталардан патирлаб учар, отлар ҳар бир кўланкадан ҳуркиб, қулоқларини диккайтирар эдилар. Бундай ғулувли воқеадан кейин янада хатарли кўринган қоронғи тун ёшлар кўнглига ваҳима солар, айниқса Собиржон орқада судралиб келаётган қоп-қора чанг булути ичида ҳар зум бир фалокат кутгандай ўтирар эди.

— Энди бу Ёқубхон ҳеч нарсадан қайтмайди, — деди Ғуломали.

Содиқ Сардор индамади. У соябон остида, бир оёғини чўзиб бурчакка мункайиб ўтириб олган, эҳтимол нотекис йўлда тебранавериб, чарчоққа, толғин кексалик уйқусига таслим бўлгандир...

Бу фикр йигитларнинг руҳини туширди. Улар Сардорга ишониб қолган эдилар, вазиятни тушунтиради, маслаҳат ва тасалли беради, йўл кўрсатади, деб.

Йигитларнинг боши эгилиб қолди, фикр карахт, отлар чарчаган, тун борган сари қоронғулашиб, ёлғизлик ваҳимаси ортар, йўл ҳали узоқ эди.

Бироқ қария бедор экан. Анчадан кейин унинг тетик товуши эшитилди:

— Ҳа, мунча хомушсанлар?

Бу товушдан икки оғайнигина эмас, отлар ҳам ҳушёр тортиб, дадилроқ юра бошлади.

— Биладан нима ўйлаётганларингни, — деди Сардор. — Юрт алғов-далғов, кимнинг дилида нима бор — билиб бўлмайди, туннинг нафаси совуқ, ҳар нима бўлиши мумкин...

Қизиқ, бу одам таҳликали гап гапиряпти-ю, йигитларнинг кўкси исиди.

— Аммо мен мана шу зимзиё тунда бир ёруғлик кўряпман, — деб давом этди Сардор. — Эл билан бирга узоқ йўл босдим, бундай паллаларни яхши биладан: халқнинг қисматида тарихий кунлар бошланмоқда.

— Вой, бува-ей... — деди Ғуломали, отларга қамчи босиб. — Ҳозир орқамиздан Ёқубхон йигитлари билан етиб келиб ҳаммамизни чавақлаб кетса, сиз билан биз учун на ёруғлик бўлади, на тарихий кунлар.

— Ҳикмат шунда-да, бола. Душман талвасага тушдими, билгинки, олға юришнинг айни пайти! Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема. Бир лаҳза ҳам тинчлик бермаслик керак, токи нафасини ростлаб ололмасин! Генерал Муҳаммад Валихон жангларда бизга шундай дер эди.

Одатда мажлислардан кейин улуғ ўйлар билан уйга қайтадиган Собиржон учун ҳам бу кайфият унча тушунарли эмас эди. Одамларнинг янги Ҳукумат тадбирларини тушуниши ҳалигиндай... Нимага ишоняпти бу кекса одам? Бунинг устига, Собиржоннинг орзу-хаёли, ўз касби-кори, севган машғулотлари қаёқда қолди, ўзига мутлақо алоқасиз бегона ташвишларга аралашиб юрибди-ку?

— Сизнинг ҳам нега бош эгиб қолганингизни биладан, меҳмон ўғлим, — деди Сардор. — Энди менинг ишларим буларнинг кўнглига сиғадими, бу ерда ортиқча бўлиб қолдим, деб ўйлаяпсиз. Хато қиласиз. Ахир Инқилобнинг ўзи деҳқонга ер-сув беришдан иборат эмасми? Аксинча, янги ҳукуматнинг ҳамма вазоратларида энди сиз энг азиз, ҳурматли одамлар бўласиз! Ҳар хил жосусу қўпоровчиларнинг қалбаки лойиҳалари йўлингизни тўсмайди.

Ғуломали ич-ичидан қувониб, кечаги Кобулни кўз олдида келтирди. Ҳа, ҳали кўп сабр-тоқат керак, ҳозирча шаҳарда ҳатто чироқ ҳам йўқ, одамлар ваҳимадан қутулмаган, дўкону қаҳвахоналар тақатақ берк.

Бу маҳал узоқдан от дупури эшитилди. Собиржон файтонда тикка туриб қаради: бир тўда суворий чанг кўтариб келарди.

— Нима қиламиз? — дея Сардорга қаради Ғуломали.

— Отларни саваб қийнаманг, барибир қувиб етишади, тез келишяпти... — деди Содиқ Сардор. Ғуломалининг қамчи кўтарган қўли аста пастга тушди, отлар секинлаб, ўз билгиларича йўл топиб юришар, гоҳ бир нимани сезгандай сағрилари диркиллаб, пишқириб қўяр эдилар. —

Ёқубхон ўзи бўлса мен билан гаплашади, бордию бетамиз йигит-ялангини юборган бўлса...

Водариг, кимсасиз тун. Бу яланғоч даштда ном-нишонун биронта из қолдирмай йўқ қилиб юборишлари ҳеч гап эмас... Уччаласининг ҳам хаёлида шу фикр.

Отлиқлар етиб келишди. Улар кўпчилик эмас экан, фақат дупури сокин кечада ваҳималироқ эшитилибди.

Отлиқларнинг бир қисми файтоннинг чап томонидан, яна бир қисми ўнгидан ўтиб, илгарилай бошлашди, қуюқ чанг, эгар-жабдуқ ҳиди димоққа урди, лекин одамларни таниб бўлмасди. Қуршаб олиб, кейин тўхтатишмоқчи шекилли.

— Ҳей, жонларинг омонми? — деган товуш эшитилди ўнгдан.

Ажабо, бу таниш овоз эди! Файтондагилар бирдан тикка туришди.

— Ухлаб кетяпсизларми нима бало? Беғамлик шунчалик бўлади-да!

Бу, ҳеч шубҳасиз, Хайриддин буванинг товуши эди. Уччаласи ҳам таниб, қувониб кетишди, файтон секинлади.

— Ҳой, ҳурматли Сардор! — энди чапдан овоз чиқди. — Емон қалтис ишни-ку, қилдингиз, энди бу қалтис йўлга чиққанингиз нимаси, биродар?

Бу овозни ҳам танишди: Маҳбубшоҳ! Унинг эгар устида тоғдай тиккайиб, от белини букиб келаётган гавдаси ҳам энди аниқ кўринди.

— Ҳурматли Маҳбубшоҳ, — деди Сардор соябон тагида ўтирганча, — раҳмат сизга, лекин бекорга овора бўлибсиз, ўз еримда жонимни ҳовучлаб соқчи билан юраманми энди.

— Бардаммисиз, Хайриддин бува! — деди жони кириб қолган Собиржон ўзбекчалаб. Истараси иссиқ бу чолнинг кулгилироқ қиёфасини эсларкан, унга бир илиқ сўз айтгиси келди. — Жиргага борган экансиз-да, оқсоқол!

— Бордиқ, жигар. Аҳвол мана шунақа бизда, сиз ҳам кўрдингиз.

— Ёқубхонни билмас экансиз, Сардор, — чапдан Маҳбубшоҳ баланд овоз билан давом этди: — Ҳали ҳам ўзини босди, бўлмаса эл олдида бу ҳолидан ўлгани яхши эди. Энди у қутурди деяверинг! Ҳозирданоқ эшитдик: йигит тўплаб тоққа кетаман, деганмиш...

— Ёввойи бўлмоқчимми? Ҳозирги туришидан ортиқ бўлолмайди, — деди Ғуломали.

— Ундай деманг, жигар, бизнинг ёшлигимизда Сурхонда ҳам босмачилар мана шундай пайдо бўлган эди, бу жуда хатарли, — деди ўнгда Хайриддин бува, — юрт иккига бўлиниб, қон тўкилади.

— Юрт аллақачон иккига бўлинган. Ё мана сиз Ёқубхонлар билан ҳамдардмингиз, Хайриддин бува?

— Тоғангизга буюрсин унақанги ҳамдард. Шокалонга ўхшаганлар оилани ҳам иккига бўлиб, қирпичоқ бўлишга тайёр!

Бу гапдан Собиржон сесканиб тушди: энди Зулайхонинг тақдири не бўлади?

От устида чайқалиб келаётган Маҳбубшоҳнинг йўғон овози янада яқинроқдан эшитилди:

— Сардор, сиз энди қабилама-қабила, кандма-канд юравермай, кўпроқ уйда ўтирганингиз маъқул.

Содиқ Сардор кулди:

— Менинг деҳқонларга бўлиб берадиган ерларим йўқ, Маҳбубшоҳ. Сиз ўша Ёқубхонлар учун мендан кўра хавфлироқсиз, ўзингиз уйда ўтиринг хонанишин келинчакдай.

Орқада келаётган йигитлар ҳам кулиб юборишди. Маҳбубшоҳ қамчинини жаҳл билан ҳавода чирсиллатиб, уларни тинчитди.

— Мени биласиз, ҳурматли Сардор, ер талашадиганлардан эмасман, ammo афғон деган номим, қадрим учун Ёқубхонга ўхшаш юзта ватанфурушнинг яланғоч қиличига қарши тикка бораман.

— Мана бу фирқа неварам эртага Қуйиқала қишлоғида яна жиласа чақириб қўйибди, — деди Сардор, Маҳбубшоҳга юзланиб, — мен билан бирга борасизми?

— Сиз ваъз айтасиз жиласага, мен нима қиламан?

— Гавдангизни кўрсатасиз! — деди Сардор, орқада йигитлар яна «пиқ» этиб кулишди.

— Кечаги гапингизни айтасиз, Маҳбубшоҳ, — дея баланд, қувноқ овоз билан гапга қўшилди Ғуломали. — «Ерни берсак ҳам, элни бермаймиз!» дейсиз, шу гапингизнинг ўзи кифоя. Шу гапингиз ўлдириворади Ёқубхонларни!

— Ана! Сиз ўлдирасизу, улар қараб ўтирадимиз? — деди яна кулиб Сардор.

— Бўпти, эртагами, карнай-сурнайга етиб борамиз! — деди Маҳбубшоҳ жиддий.

— Энди-чи, «эртага» эмас, бугун денг. Тун ярмидан оғди, — деди Хайриддин бува. — Шунинг учун, биродарлар, ҳозир бизниқига қайриламиз. Отларга дам бериш керак.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Хайриддин буваники яқин, эрталабгача нафас ростлаб, шундоққина Қуйиқала қишлоқ жиргасига чиқиб бориш ҳам қулай эди. Келишиб, йигитларга жавоб беришди-да, сувсиз анҳор кўпригидан ўтгандан кейин, этагида тераклар шовуллаб турган эски қўра томонга бурилишди. Хайриддин буванинг ҳовлиси эски қўранинг шундоқ ёнбошида, паҳса девор билан ўралган, бир-бирига чаплашиб ётган беш-олтита япаски томли сомонсувоқ хужралардан иборат эди. Учоқбошидаги чироқнинг нури дарвозагача йўлкани ёритиб турибди. Кираверишда иккита шафтоли ҳозирдан сувсаб, деворга чирмашган тоқларга кул тошиб ётибди. Хайриддин бува шошиб қолган кампирини аввало қўра этагидаги қудуққа сувга югуртирди, ўзи супага бўйра, наमत ташлаб, бемаҳал хазон тўккан шафтоли тагини наридан-бери супуриб, Сардор билан Маҳбубшоҳни «қани-қани» қилиб ичкари бошлади. Собиржон билан Ғуломали отларни совутиб, суғориб, ем бергачгина, шошилмай орқадан кириб келдилар.

— Хайриддин, бемаҳалда кампирни уринтирманг, ҳозир таом увол бўлади, — деди Сардор, супага ўтириб. — Эчки сути билан обинон беринг, вассалом.

Хайриддин бува ўчоқ бошидан кампирини чақирди. Меҳмонлар қўлига сув қўйди. Бир пиёладан эчки сути билан обинон еб олгандан кейин, кексалар меҳмонхонада, ёшлар супада ётиб ухлаб қолдилар.

Собиржон тонгда уйғониб қараса, Хайриддин бува супанинг ёнида ерга чўкка тушиб, юзига тикилиб ўтирибди.

— Бува...

— Мен, мен, жигар, уйқунгизни қочириб юбормадимми?..

— Ухлаётганим йўқ, — деди Собиржон у томонга ёнбошлаб.

— Айбга буюрманг, жигар, сизга икки оғиз розим бор, эрталаб яна кетиб қоласиз деб...

Чол шивирлаб гапираркан, супа ёнбошига суяниб, тиззаларини кучоқлаб ўтириб олди.

— Гапираверинг, бува, қулоғим сизда.

— Бу, энди, жигар, ғалати гап... айбга буюрманг. Неварам тўғрисида...

— Зулайҳоми? — Собиржон сапчиб туриб ўтирди. — Нима бўлди унга?

— Унга ҳеч нима бўлгани йўқ... Лекин мен энди уни қандай авайлайман, ожиз қолдим, болам. Қиз шўрликнинг қисмати нима бўлади?

— Нега сиз? Ахир униң ота-онаси...

— Улар... Улар ҳеч нимани билмайди. У бераҳмларнинг иши — буюриш, қиз бечоранинг кўнгли билан иши йўқ. Шокалон нима қиларини билмай изғиб юрибди, ҳукумат еримизни олса қурол кўтарамиз, деяпти, ҳали Ёқубхон тўдасига қўшилиб кетадимиз, худо билади.

Собиржон ҳеч нарса деёлмай қолди.

— Ўзингиз... ўзингиз нима қилмоқчисиз? — деди кейин суҳбатни улаш учунгина.

— Билмайман. Зулайҳо бизнинг бирдан-бир зурриётимиз, жигар, бир умидимиз шундан эди. Энди чолу кампир қон йиғлаб ўтирибмиз, наҳотки дунёда биздан ном-нишон қолмаса?! Нури дийдам бир хил бўлиб

юрибди, паришон, дунё кўзига тор... Ота-онасидан яширади, кампир билан биз биламиз, холос.

— Нимани?

— Сизнинг йўлингизга тикилади бола шўрлик...

Собиржон оёғини пастга олиб ўтирдию, карахт бўлиб қолди. Бадани бир қизиб, кейин совуқ терга ботди.

— Юринг-чи, — деди шошиб этигини кияркан. Чолни етаклаб дарвозадан ташқарига, сувсиз анҳор бўйига олиб борди. Қари тут тагида тўхтаб, чўкка тушдилар.

— Яна бир марта баландроқ қилиб айтинг-чи, бува, нима деди... Зулайҳо?

— Ҳеч нима демади, жигар, лекин биз биламиз. Йўлингизга тикилгани-тикилган. Чўп бўлиб қолди...

Собиржон ўзини тиёлмади, чолнинг ушоққина гавдасини қучоқлаб бағрига босди.

— Мен ҳам билардим, бува! Билардим!..

Тонг ёруғида Хайриддин бува йигитнинг нурланган юзини кўрдию, тасалли топмади.

— Бир ҳасратим икки бўладиганга ўхшайди, — деди у. — Сен тагин нимага қувонаяпсан, жигар? Сен қаёқдаю у қаёқда! Фожиа-ку бу!

— Нимага қувонмай, ота! Қанақа фожиа! Муҳаббат денг! Нега энди қувонмай?

— Булар ҳаммаси ҳавойи гап, жигар. Буёғини ўйласангчи. Сен Амунинг нарёғида. Қиз нима бўлади, ҳозирдан ўзини еб қўйяпти.

— Менинча, ота, ҳаммаси жойида бўлади. Юртингизда яхши янгиликлар. Қишлоқларингизга сув олиб келамиз.

— Тилиннга шакар! Илоё топганинг тўйингга буюрсин, болам. Лекин бу Ёқубхону Шокалонларга бизнинг кучимиз етармикин...

— У киши сизга бир нима дедими?

— Ёқубхон таҳдид қилаётганмиш. Шокалон менинг ҳам кўнглимга қўл солиб кўрди. Янги ҳукуматга ён бериб, биз билан кетмаганлар тириклай ёндирилади, кули кўкка совурилади, деди титраб-қақшаб. Мен яна қаёққа бораман, жигар? Она юртнинг юзига бутун бир марта оёқ қўйиб, ватангадоликнинг қаро қисмати умримга татиди-ку! Мен бу ерда ошиён топдим, болаларим шу ерда туғилиб ўсди. Ери ҳам, эли ҳам кўнглимга ўтирган. Энди қариганда иккинчи ватанимнинг ҳам юзига оёқ қўяманми!

Чол ҳўнграб йиғлаб юборди. «Ҳеч қаёққа бормаيمان, шу ерда ўламан!» дея, ўтирган жойида ерни муштлаб, ўзига ярашмаган йиғи товуши билан нола қилди. Собиржон тушундики, у Шокалон тоға билан гаплашганда ҳам шундай қилган.

— Дардимни сизга айтяпман, жигар. Нури дийдамни олиб кетса, нима қиламан?..

Тонг ёришган эди. Собиржон ожиз қариянинг қизариб кетган нурсиз кўзларини кўрди. Нажот тилар эди бу аянчли кўзлар...

— Очиғини айтсам, ёшлигимда хўп эсипаст, довдир бўлган эканман. Эсипаст бўлмасам, Ҳожиқул понсадга ичкўёв тушаманми! Кўёв бўлганда ҳам, сон кирмаган еттинчи кўёв! Понсад олти қизини жойи растон қилиб, энг кенжа, эркасини ёнидан кетказишга кўзи қиймай юрганида, мен сабил оёғининг тагидан чиқиб қолганман. Кўёв эмас, батрак эдим унга, ҳа. «Ўғлим, ўғлим» қилиб сувдай эритворган-да, каминани, ялтоқининг найрангини қаёқдан билай, ақл ўргатадиган отам ёки акам бўлмаса.

Бу гапларни энди гапиряпман-ку. У пайтлар, нима, йигитчиликда. Уйланиш ўзи бўлармиди у замонларда. Бўйдоқ ўтган қиличдай йигитлар сон-мингта эди. Бу ёқда бизга бўлса — текин тўй, текин хотин. Менга ҳам, «Етимчага ана омаду мана омад!» деб ҳасад қилганлар озмунча эдим!

Хатча ҳам лаҳча чўғ эди-да, ўзи. Чимилдиқда биринчи кўришимизу бир умрга чиппа ёпишдик-қолдик бир-биримизга. Ҳозир у, маймоқ супургига ўхшайди бизнинг кампир; у маҳаллар, жуссаси кичиклигини айтмасангиз, мана шу Зулайҳонинг қўйиб қўйган нусхаси эди, мен сизга

айтсам! Отаси «Олакўз!» деб жеркарди жаҳли чиққанда. «Ола» эмиш, куралай дейдилар бунақанги кўзни, акаси!

Хизматкорлар қаторида кўп юрмадим. Бир йил деганда қўчқордай ўғил берди. Азалдан қизлар бозори бўлиб кетган понсад хонадониди бу — мисли кўрилмаган воқеа эди. Қариб қолган Ҳожиқул ягона меросхўр неварасининг оёғидан сув ўгириб ичмас эди, холос. Ўғилча туфайли бизнинг ҳам обрўйимиз ошиб, «бўтам-бўтам» бўлиб қолдик. Мундай мавқе, мундай муомала бизга ҳам хуш ёқиб, етимчалигу ичкўвлик эсданоқ чиқиб кетди, чўпон-чўлиққа гоҳо буйруқлар берадиган бўлдик, «кичкина хўжайин» дейишарди хизматкорлар.

Қайнатамиз оқ яхтак, оқ лозим, умуман ҳамиша оппоқ кийиб юрадиган халта соқолли, биткўз, пакана, ичидан пишган, фитнароқ одам эди раҳматлики. Понсад деган лақаби отасидан қолган, ўзи шунчаки бой, олтами-етти сурув қўйи ёзин-қишин Шеробод чўлларида ёйилиб юрарди.

Кўп ўтмай, жажжи меросхўрнинг қувончлари ҳам татимай қолди Ҳожиқул понсадга. Бир минг тўққиз юз йигирма етинчи йил эди-да. Унга ўхшаганларнинг пайтовасига қурт тушган пайт.

Ажабо, одамни мол-дунё ер экан. Кўзидан уйқу қочиб, бемаҳал мункайиб қолди Ҳожи. Раҳмим келганидан, нима деса шуни қиладиган бўлдим. Бир куни ярим кечаси ётоғимга кириб, «кетамиз, ўғлим» деса, хўп бўлади, дебман.

— Қаёққа, дада? — деди қўрқиб кетган қизи менинг ўрнимга, кўрпанинг тагидан.

— Авғонга... — деди понсад сирли қилиб. У вақтлар «Авғон» дейиладиган жой ҳақиқатан унинг ўзи учун ҳам сирли, бировлардан эшитиб билинган номаълум бир юрт эди.

— Нима учун, дада? У қанақа жой? — деди хотиним уялишни ҳам унутиб, кўрпани очиб ташларкан.

— Жим ёт, сенинг ақлинг етадиган гап эмас, дориломон жой, мусулмонобод! — дея жеркиб берди қайнотам. Ўзим ҳам ҳанг-манг бўлиб қолибман, лекин қарши гап айтолмадим.

Мен нима қилаётганимни ҳам билмайман, мутеъ, понсад қўлида гўё бир ўйинчоқ... Эси пастлигим мана шу ерда яна бир марта билинди. Ахир сўрмайманми: қаёққа? Мен нима қиламан у бегона юртда? Болам бор, хотиним бор, туғилиб ўсган жойим бор, ота-боболаримнинг тупроғини ташлаб қаёққа бораман? Мени биров кет деяптими? Куядиган мол-дунёим бўлмаса?!

Биз бир ҳафта деганда тугадиганимизни тугдик, йўқотадиганимизни йўқотдик. Камбағал бўлсанг кўчиб боқ, дейдилар. Шошилишда қанча буюм сочилиб қолиб кетди, эсизгина осойишта тирикчилик, файзли хонадон энди алғов-далғов, ҳаммаёқ хонавайрон, ўлик чиққандай совуқ...

Ҳожиқул понсад кимларнидир ёллади, кимларнидир сотиб олди, ўзи иккита хотини, бир-иккита хизматкори, қимматбаҳо буюмлари билан олдинроқ жўнайдиган бўлди. Гулмат қимор деган чўпони бор эди, ўша билан биз қўйларни ҳайдаб, тайинланган жойга кейинроқ етиб борар эканмиз. Менга сал жон кирди: Гулматга ишонса бўлади — иккита бўри билан якка ўзи олишиб тирик қолган! Ўзи юпунгина кўринсада, ман-ман деган қиморбоз бойваччалар уни кўрганда зириллаб туради. Унча ҳалол бўлмаса ҳам, тегирмондан бутун чиқадиган таваккалчи. Понсадга қўлбола паром ўтадиган пастқам жойни ўша топиб берибди. Қаршининг қайсибир бойини ҳам ўша кечикдан ўтказиб юборган экан.

Уйда ҳамма иш менга қолди. Хотин-халажнинг оғзини тийиш, йиғи-сиғини босиш... Понсад қочган кечаси Хатча шўрликни боласи билан чирқиратиб дўппослабман. Умримда хотинимга қўл кўтарган одам эмасдим. Бемеҳр бўлиб қолдим. Кимдандир ўч олишим керакдай, қовоғимдан қор ёғиб юраман, кечалари шаррос тер босганча тўсатдан ўрнимдан туриб совуқ сув ичаман, бунинг устига Гулмат қимор мени «бой ота, бой ота» деб калака қилади, барига чидадим-да, қаранг.

Қўйларни ҳайдаб йўлга чиққанимизда менинг аҳволим бундан ҳам бадтар бўлди. Гулматга нима, унинг ишлари «гардкам!» Қалтис ишларга

суяги йўқ бир сўққабаш беғам. Ташвишу азоблар менинг бошимда. Мени «бой ота, бой ота» дейди-ю, ўзи хўжайин, хотинимга ҳам буйруқ беради: «ўчоққа ўт қала, шўрвани ос...» Хатча бояқиш куни билан от устида йўл юриб, кечалари қўй соғади, пишлоқ солади, бола боқади... Хайриятки, гўдакчаси тетик, мени кўрса тугмадеккина бурнини жийириб илжайгани-илжайган. Бирдан-бир қувончимиз шу. Уқубатлар ҳам ўтар-кетар, қаерда бўлса ҳам манзил топиб, шу чақалоғимизнинг йигит ёшини кўрсак, армон ушалар, бу кунимиздан бадтар бўлмасмиз ахир...

Гулмат бўза ачитиб ичади, саксовул соясида ётиб мўйлабини қайчилайди. Бу чўли маликда, билмадим, кимга зарур экан Гулмат қиморнинг пардоз-андози. Қирғоққа етганимизда бир кеча йўқ бўлиб кетди. Кейин итдек тилини осилтириб қайтиб келдию, иккинчи кечаси чўйларни яна пастга қараб ҳайдадик. Азонда қуоқ қамишзорга келиб тафин тўхтадик, Гулмат яна йўқолиб кетди.

У ёллаган, сотиб олган одамларини топиб, ишни пишитиб келгач, роса ётиб бўза ичди-да, чўлиқларга топшириқлар берди. Аму бу ерда саёз оқар, ясси қирғоқ шовуллаб ётган чексиз қамишзорларга туташиб кетган эди. Қош қорайганда шу қамишзорларни оралаб, айланма «субр» йўллардан қўйларни ҳайдаб дарёга чиқсак, пиёда ҳам юриб ўтса бўладиган саёзлик ойдинда жимирлаб, бехатар оқиб ётибди, нариги қирғоқнинг қамишзорлари қорайиб кўриниб турибди! Мен аввал ҳайрон бўлдим: наҳотки шунақа осон бўлса кечув?

Жиним севмай қолган Гулматга муносабатим ўзгарди. Мен унинг билағонлигига, тадбиркорлигига қойил эдим. Ойдин сувга чиқишимиз билан сурувларни иккига бўлди-да, бир бўлагини чўлиқларга топширгандан кейин, бир бўлагининг ҳаракатини тўхтатмай, шошилинч буйруқларини эълон қилди; олдинда оқ серка билан кетаётган чўтир чўлиққа «дадил бўл» дея бўза ичирди, ярим товушда «қуррей, қуррей» қилиб, карвонни сувга солди. Биз отга юкланган бешигу қора қумғон, яна аллақанча лашлуш билан орқада эдик. Қўй жонивор кечаси маърамайди экан, бир-бирининг ҳидини олиб жипс юради, поданинг кучли вишиллаган манқа нафаси эшитилади, холос. Кечув сал кам бир чақиримча экан шекилли, ярим кечага бормай оёғимиз қаттиқ ерга тегиб, сал енгил тортдик.

Чиққан жойимиз ҳам ғовлаб ётган қамишзор эди, оёқ ости негадир юмшоқ, зах. Юришимиз қийинлашди. Пода изидан халқоб қалқиб, биз қамишзорни ёриб юришга, бошқа йўл солишга мажбур бўлдик. Бу азоб эди, юзларимиз тилиниб, ёқаю қўйинларимизга ёпишқоқ «султон» уруғию қурт-ҳашорот тўлиб кетди. Болани чакмонга ўраб олганман, чиқ тўла сув, баданим кичийди, орқада от етаклаган Хатча ҳансирайди, йиқилади, қўлтиғидан кўтараман. «Чида! Чида!» дейман ичимда унга ҳам, ўзимга ҳам. Бироқ бир пасдан кейин маълум бўлдики, бу азобларимиз ҳали ҳолва экан.

Бир вақт тонг бўзара бошлаган томонга қарасам, не кўз билан кўрайки, нариги қирғоқ ўрнига дарёнинг ўзи хира ойдинда қўнғир тусга кириб даҳшат билан тўлғониб оқиб ётибди. Миямга санчиган фикр шу бўлди: биз ҳали дарёни кечиб ўтмаган эканмиз, унинг асосий чуқур жойи олдинда, биз турган ер эса ўртадаги қамишзор орол экан. Гулматнинг айтишича, бу орол ҳамма вақт ҳам бундай юзага қалқиб турмайди, кўпинча сув остида ётади. Ҳозир эса бирдан-бир қулай пайт: дарёнинг ярмини пиёда ўтдик, ярми эса чуқур, хатарли... У ёнига паромда ўтилади.

Бўшашиб кетдим. Пароми ишончли бўлсин-да, ишқилиб, бу ер қил-кўприкнинг ўзгинаси экан-ку! Орқага қайтиш йўқ, узоқ қолиб ҳам бўлмайди, худое, ўзинг асра, Гулмат қиморнинг таваккалчилигидан жоним безиллаб қолди.

Рўпарада Аму, сернайранг, мудҳиш дарё, гўё ўпқондай, ўзига тортиб туради. Оқими тез эмас, лекин салмоқли, теран. Этим жунжикиб, жимирлаб кетди.

Паром эллик қадам пастроқда, қамишзор панасида экан, уни Гулмат билан бориб кўрдик. Йўғон ходаларга миҳланган тахта саҳн бесўнақай лапанглаб, шалоп-шалоп тебранарди. Менинг дарров бошим айланиб,

кўнглим беҳузур бўлди. Лекин паром катта, пишиқ, тевараги гир айлана тахта тўсиқ. Нариги соҳилга тортилган салқи арқонлар дарё ўртасида гирдобли тўлқинларга урилиб ётибди.

Гулмат болта тутган, юзларини соқол босгани иккита ярим яланғоч одам билан сирлашиб, ниманидир ҳал қилди-да, чўлиқларга буюрди:

— Бошланглар!

Бурни иягига тегай деб турган кемшик чўпон «ҳайт!» деб, бўрибосарни гир айлантириб югуртирганда қамишзорни пайҳон қилиб ғужанак бўлиб ётган сурувлар бетоқат кўзғалди. Чўтир чўлиқ, суяги синиқ бақувват ўсмир бола оқ серкани шохидан судраб тахта тўсиқнинг дарвозадек очиқ жойида ичкарига киргизган эди, кетидан қўйлар тўхтовсиз, лойқа анҳордай оқиб кираверди. Жонворлар туёқ остида тақир-туқур қилиб нотаниш янграган товушдан ҳурка-пуса, бир-бирларига тиғиз биқиниб айлана тўсиққа тумшуқлари билан тақалганча, майдонни бир пасда тўлдиришди. Чамамда, уч юзга яқин қўй тамом сиғиб кетди, эшик ёнида от билан юкларга, яна ўзимизга ҳам супадеккина жой қолди.

Юрагимга ғулу тушди: ҳозир хайрлашамиз, бу тупроқда бизни сўнги марта кўрган одамлар билан ҳам ажрашамиз, манави жонининг қадрига етмаган Гулмат, манави нотаниш чўпону чўтир ўсмир, ҳатто болта тутган сирли, серсоқол одамлар кўнглимга қадрдон туюлиб кетди. Ота-боболар холи поки, кечир бизни, гуноҳимиздан ўт...

— Улигимиз бегона ерларда қолиб кетадиган бўлди-и-и!.. — деб ҳўнграб юборди Хатча, бу менинг ҳам кўксимдан чиққан нола эди. Кўз ёшимни зўрға тийдим.

Паром бир лапанглади. Биз ҳали тахта майдонга чиқмаган ҳам эдик, Хатча қаёқдадир боласи билан овора, Гулмат вақтни бой бермай, ўзининг одамлари билан арқонга ёпишди...

Худди шу маҳал... Шу зум ёдимда қолган, бошқасини эс-эс биламан-у, лекин шу зум худди кечагидай ёдимда: олдинда, паромнинг энг олди томонида бир нарса қаттиқ қарсиллаб, нимадир «шалоп» этиб сувга тушди. Кимдир жон-жаҳди билан бақира бошлади. Кейин берироқда кемшик чўпоннинг хунук товуши эшитилди. Гулмат ҳам ўша томонга отилди, мен орқасидан югурдим. Паромга чиқиш билан пайқадикки, олдинги томонда тахта тўсиқнинг бир жойи қўйларнинг силжишданми, нимадандир синиб, тасодифан ўша жойга тўғри келиб қолган оқ серка сурилиб сувга тушиб кетибди. Биз яқинлашганда қўйлар битта-битта ўзини дарёга ташлаётган экан. Кемшик чўпон томоғи йиртилгудай бўлиб чўлиққа бақирар, бола эса фалокат жойига яқин турган бўлса ҳам қўйлар орасидан ўтиб боролмасди. Қўйлар биқинма-биқин уймалашган, чўлиқ уларнинг устидан ўтишга ҳам уринди, лекин йиқилиб, қўйлар оёғи остидан туролмай қолди. Сурув ҳамон сурилар, дарёга энди битталаб эмас, бешталаб-ўнталаб ташлашар эди, орқадагилар тирбанд эргашиб, сурилиб, ўша томонга тиғиз оқиб борар эди. Тўхтатишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Ёнимда Хатча ўкириб йиғлар, Гулмат сўкинар эди. Эс-ҳушим оғиб, қараб турибман. Гирдоб ютаяпти сурувни. Бу қўй дегандан ҳам аҳмоқроқ жонивор йўқ экан!

— Чўкиб кетишяпти! — деб ингичка йиғи товуши билан қичқирди кемшик чўпон.

Даҳшатдан тиззаларимиз қалтираб, карахт бўлиб қолган эдик. Бир-бирларимизга тикилганча, айтгани гап тополмай туравердик. Ҳувиллаб қолган паромда қўй қийи аралаш зардобдай сарғиш сув қалқиб, халқоб-халқоб бўлиб ётарди.

Кимнинг бошида нима хаёл — билмадим, мен бирданига гадо бўлиб қолган қари Ҳожикўл понсадни ўйлар эдим. Энди унинг Гулмат билан муомалалари қандай бўлади?.. Айтгандай, Гулмат... у ҳозир ўзининг болта тутган сирдошлари билан ҳисоб-китоб қилиши керак. Қўлида қурол бор. Яна бир фалокатни бошламасин бу қиморбоз...

Шу пайт орқамизда Хатчанинг нохуш, ваҳшиёна чинқириғи эшитилди. Юрагим шув этдию, беихтиёр ўша томонга интилдим. Етиб борсам, Хатча телбадай қўлларини ёйиб, у ёқ-бу ёққа югургилаб юрибди.

— Вой дод! Шўрим қуриб қолди-и-и!

— Хатча!

— Шу ерда эди! Бешик шу ерда эди! Болагинам шу ерда эди-и-и! Унинг бир оёғида лой махси, сочлари тўзғиб кетган, қўлида йиртиқ рўмоли ҳилпиради, соҳил бўйлаб югурадию, яна орқасига қайтади, бақириб томоғи қирилиб кетган.

Ҳамма шу ерга тўпланди. Ҳамма қудратли тўлқинларини зимдан юмалаётган сокин дарё юзига, унинг қора-қўнғир тусдаги узоқликларига кўз ташлади. Хатча бўлса, бежо кўзлари билан менга бир боқди-да, тикка дарёга қараб чопди. Сувга энди тиззадан кирганида қаёқдандир пайдо бўлган Гулмат уни камзулидан ушлаб қолиб:

— Қаёққа! Эсипаст хотин! — дея қирғоқ томонга силтаб ташлади.

Балчиққа юзтубан тушган Хатча жон-жаҳди билан ўрнидан туриб, яна ўзини дарёга урди. Бу сафар унинг йўлида мен пайдо бўлган эдим, қулочкашлаб юз-кўзи аралаш солган эканман, ерга учиб тушди.

— Бола қани, манжалақи!?

Жаҳолатда ақл қочаркан, одамлар бўлмаганда шўрликни тепкилаб ўлдириб қўяр эканман.

— Қаерда эди? — деди Гулмат.

Хотин лойга беланган юзини аранг кўтариб, қирғоқдаги кичик ялангикда ювиб қамишга ёйилган йўргакларни кўрсатди. Демак, бешик шу ерда бўлган, Хатча болани белаётганида паромдаги ваҳимали суронга қараб югургану қўйларга алахсиб, бешикни бир зумгина унутган.

Кимдир сувга кириб, соҳилга яқин жойларни айланиб ҳам чиқди, бири негадир узоқларга бориб қайтди, югуриб қамишзорни кезди.

Эс-ҳушимни йиғиб, Хатчага яқинлашдим. У зах қирғоқда юзини қумга босиб ётар, вужуди қалтираб, чуқур ўкси:ишдан кўкси қалқиб-қалқиб тушар эди. Бўлар иш бўлди, аламимни енгиб, чўккалаб, хотиннинг бошини тиззамга кўтардим. Унинг қарашида маъно йўқ, кўзлари очиқ бўлса ҳам, ҳеч нимани кўрмаётгандай, атрофдаги одамларга телбанамо тикилди.

— Боламни бешикка белаган эдим... — «Одамлар, менга ишонинглар» деб ялинаётгандай аста гапирди у. Кейин яна бирдан хунук чинқириб юборди: — Боламни бешикка белаган эди-и-и-и!..

Мен энди астойдил даҳшатга тушдим. Телба бўлиб қолса нима қиламан?! Қўйлар кетди, бола кетди... Энди хотиндан ҳам ажрасам.

— Хатча... Хатча! Эсингни йиғ, Хатча! Кечир мени, сен айбдор эмассан, Хатча...

Хотиним яна дод сола бошлади, дарёни лаънатлади, йўлга чиққан кунимизни лаънатлади, бу хосиятсиз тонгга лаънат ёғдирди. Туриб яна дарёга талпинди, базўр ушлаб қолдик.

— Энди мен бу ёруғ дунёда нима қиламан, дадаси!..

Икки қўлидан маҳкам тутиб, паром томон судрадим. Бошқалар ҳам ўша томон силжишди: чойгум, кийим-бош, тугунларимизни ёнимизга олиб келиб бердилар. Тахта тўсиққа суяниб ўтирдик, шу ер қуруқроқ эди. Фикри-зикрим Хатчада.

Бошини этагимга олиб, титроқ вужудини чопонимга буркаб ўтирдим. Шунда кўчқордеккина чарос кўзли ўғилчам бирдан кўз ўнгимга келиб, ўзимни туюлмамай йиғлаб юбордим.

Бир вақт қарасам, паром силжиб кетяпти, дарёнинг ўртасига бориб қолибмиз. Қаёққа борамизу қаёқда қоламиз — энди менга барибир. Бағримда иссиқ жон, Хатча шўрликкинам омон бўлса бас. Қисмат дегани шу экан, уни ўзгартириб бўлмайди, деганлари рост. Энди Гулмат йўқ эди. Кетди. Хайрлашмади ҳам.

Қирғоқда бизни понсаднинг одамлари кутиб олишди. Менинг Хатчадан бўлак қайғум йўқ эди, пиёда аллақайларга олиб кетишди, паст-қам йўллардан узоқ айлангиришиб, кечқурун юкларимизни туяга ортишди. Кейин отда, эртасига аравада Қуйиқалага етиб келдик.

Хатча энди қайнатамдан қўрқар эди. Ота-бола учрашганда, хотинимга қарасам, ёраб... ўн тўққиз яшар хотинимнинг сочларида оқ тоялар!.. Шум

хабар Хожиқул понсадни ҳам тамом қилди. Қалтираб, қизини калтаклай олмади ҳам. Шу кундан бошлаб орамизга бегоналик тушди.

Не-не азобу умидлар билан бу ерларга келган чол ўзоқ яшамади. Ундан кейин қайноналарим ҳам бирин-кетин оламдан ўтишди.

Ёш эканмиз, куч кўп эди, деҳқончилик қилдик, бу ерда ҳам яхши одамлар кўп, кўни-қўшни орттирдик, бегоналигимиз билинмади, яна бола кўрдик.

Бегоналигимиз сезилмади-ю, эсипастлигим яна панд берди. Ҳусни-камолти билан чор атрофни ўзига қаратган Ойпарчамни мана шу доғули Шокалонга узатдим, омадим ҳам кетди. Худо қарғади мени. Ватангадо-лигим энди астойдил билиняпти. Мол-дунёга учганнинг жазоси шу экан-да... Мана энди ягона жигарбандим Зулайҳодан ҳам ажраладиган бўлиб турибман. У орқали балки ота-оналарим тупроғига яна боғланарман, деган илинжим бор эди. Томирим қирқилаётир, азизлар: беному нишон ўтиб кетаман шекилли ёруғ дунёдан...

Ғулумали уч ой юриб, оёқдан қолиб бўлса ҳам (ҳозир у оқсоқланиб, тиззасига баргизуб боғлаб юрибди), қарийб тарқаб кетган группани қайта тиклади. Ўзининг ота қишлоғидан уч хонали уй топиб берди. Охирги ҳисоб-китоб ишлари учун жуда қулай, тинч жой. Бу палла қишлоқда деярлик одам йўқ, ҳамма бола-чақаси билан далада, яйловда. Одамлар марказдаги воқеалар, ҳар хил ваҳимали хабару миш-мишлардан бесаранжом бўлсалар ҳам, деҳқончилик экан, экин-тикиннинг, қишнинг ғами ҳамон биринчи ўринда.

Қишлоқ четидаги уйнинг хоналари катак-катак бўлса-да, геологик қидирув группасининг бошлиқлари, мутахассислари бурчак-бурчакка жойлашиб кетди. Бошқа ходимлар, ёлланган юкчилар эса ҳар жой-ҳар жойда ижара туришибди. Собиржон билан Ғулумали ўз хоналарига озиқ-овқатдан, усқуналардан бўшаган яшиқлардан чалакам-чатти, стол, курси, жавонлар ҳам ясаб олдилар. Тўғри, ҳали иссиқ тугагани йўқ, оқшомлари пашша, чивин безор қилади. Унинг устига, қандайдир молхона ҳиди, уй орқасидан ўтадиган лойқа анҳорда сиртини йилтиллагиб бўйни йўғон кўтослар чўмилади, улар дам олганда катта ярим ойдек шохларига зағчалар қўнади. Зағчаларнинг сакраб-сакраб канаю қуртларни чўқилаши хуш ёқади шекилли, кўтос жониворлар кўзларини юмганча соатлаб жим туришади.

Собиржонга бу манзара ёқади. Ундан нари яланғоч қирлар. Лойиҳадаги канал йўлига пиёда чиқиб борса бўлади.

Ғулумали кейинги вақтда, лойиҳа материаллари устидаги ишнинг ҳал қилувчи пайтларида, гарчи ўзи аралашмай қўйган бўлса ҳам, ҳар келганида шошма-шошарликка бошламоқчи бўлади. Собиржон бунга кўнмай, мана, икки ҳафтадирки, ораларидан гап қочган.

— Менга қара, — деди бугун яна Ғулумали, дўстининг хонасига кириб; — сен, шўравий, наҳотки тушунмасанг, бу шунчаки лойиҳа эмас, бу ҳозир катта, қудратли инқилобий омил! Ҳукумат лойиҳани маъқулласа, минг-минглаб деҳқонлар инқилоб томонига ўтади.

— Мен инқилобларингни ҳурмат қиламан, қани ўтир-чи, — деди Собиржон. Ҳужранинг шифти паст, новча бўйли Ғулумали тикка қолганда букчайиб ёки бошини бир ёнга эгиб туришга мажбур эди. У стол ёнидаги яшиқка ўтирди. Собиржон пешонасини артиб, бир пасдан кейин давом этди: — Сен ҳозир гидрогеолог сифатида эмас, фирқа фаоли сифатидагина гапирапсан.

— Гидрогеолог сифатида ҳам гапиришим мумкин, — деди Коргар сал оғриниб. — Энг қисқа трасса аниқландими? Аниқланди. Аму йилига икки марта тошади, ана шу пайтлардаги ортиқча сув канал орқали бизнинг Сангкосага йиғилади. Демак, биз дарё сувини олаётганимиз йўқ, ортиқча сувни оляпмиз, ўзининг бошданоқ муддаонг шу эди. Хўш, Сангкосадан воҳага сув тараш эса қарийб текинга тушяпти. Ун тўрт ўзандан ўн биттаси бизнинг назаримиздан ўтди. Ер ислоҳоти ҳақида фармон тайёрланяпти ахир, хумпар, шунга тўғрилаб лойиҳани ҳам эълон қилсак, биласанми бунинг таъсири қанақа бўлади! Нонга ёғ суртиб бергандай...

— Тўхта, тўхта! Яна сиёсатга буриб кетаяпсан. Мен сиёсатни тушунаман, тарғиботинг керак эмас. Очиғини айтсам, шошқалоқлик ҳозир сиёсий жиҳатдан айниқса хатарли. Ёш ҳукуматингизга бир хато билан панд бериб қўйсан, унда нима бўлади? Бу аниқ фан ахир, техника, пул, маблағ ва ниҳоят бу — янги ҳукуматнинг мавқеи, обрўи масаласи. Шошиб бўладими! Мана, сен жуда шоирона от қўйган Сангкосани олайлик. У ерда тошга айланган қадимий қум қатламлари бор. Ушалар кўпориб ташланса, тўғри, тоғ этагида бутун чанқоқ воҳага лиммо-лим зилол сув тутадиган ажойиб тош коса пайдо бўлади. Лекин ўша қатламларни кўпорадиган маълум йўналишли портлатувларни бизнинг «Союзвзрив-пром»нинг консултациясиз лойиҳага киритиб бўлмайди! Биздаги ўша «Союзвзривпром» дунёда бундай қудратли ноёб портлатувлар билан шуғулланадиган ягона ташкилот, Лойиҳалаштириб ҳукуматга тақдим қилишдан аввал мен Сумбул аянинг олдидан ўтишим керак. Биласан, бундай катта масалани мактуб орқали ҳал қилиб бўлмайди.

— Хуллас, сенинг кетгинг келяпти... — деди Ғулумали бўйра тўшалган полга тикилиб, ҳазинроқ товуш билан. — Кетсанг, яна қачон қайтиб келасан ўзи? Ҳозир бир кун ҳам ғанимат.

— Мен лойиҳа мате́риалларини ҳозир тақдим этолмайман.

— Сен уйингга шошяпсан...

Очиғи, бу ҳам рост... Уртоғидан яшириб юрган ягона сири тушлари эди. Юртгача атиги икки соатлик йўл ахир. Самолётда икки соат учса, Амунинг у ёғида, боғлар ичида чарақлаб ётувчи яп-янги оппоқ совхоз шаҳарчасида, деразаси сув омборига қараган икки қаватли ёруғ уйида, куюнчак онасининг бағрида бўлади! Сув омборида айни шўх-шўх шўнғиб, яйраб чўмиладиган фасл; сокин зангори тўлқинларни кўз ўнгига келтириб, ёқимли салқинни бутун вужуди билан сезади. Сочикни елкага ташлаганча, қулупнайзор оралаб, орқа эшикдан кириб келганида, онаси боқчадан қайтиб, унга чой қўяр экан, кеч тургани учун шунчаки хўжа кўрсинга жавраб терган бўлади.

Қани энди ҳозир ўша «жавраш»ларини яна бир эшитса...

— Тўғри-да... — деди Ғулумали ўша тушкун оҳангда. — Бизнинг ташвишларимиз билан сенинг нима ишинг бор...

Собиржон индамади.

Ташқарида кимдир қудуқдан сув оляпти. Топографлар тоғ-тошдан қайтиб келишди чоғи, ҳозир қоронғида чанг-чунг коржомаларини ечишиб, бир-бирларининг устларидан пақирлаб сув қўйишади. Ҳар куни хуфтонда шу аҳвол, бу уларнинг бирдан-бир шўхлик соатлари...

— Майли, эрталаб яна гаплашармиз, — дея Ғулумали эгилганча ўз хужрасига чиқиб кетди.

Полнинг ғиштлари кўчган, эшик ўрнига эски палос осиглик, лекин бу хужранинг шифти баландроқ эди. Шам ёқиб, тўнтарилган сопол косанинг устига ўрнатди-да, Аму тарихини ўрганган эски географ ва сайёҳларнинг китобларини олди. Бу китобларни унга Собиржон тақдим этган, бўш вақтларида ҳар сафар қўлга олади-ю, ўқигани миясига кирмай, хаёли аллақачонларга кетиб қолади. Ғалаёнли Кобул кўчаларида, Мозори Шарифдаги серташвиш сафдошлари орасида кўради ўзини. Унинг бу Собиржон айтган «иккинчи» ҳаёти энди бутун фикри-зикрини, барча ҳис-туйғуларини қамраб олган. «Иккинчи» эмас, биринчи!

Шу маҳал эшикдаги эски палос кўтарилди. Кимдир кирди. «Собиржоннинг ўзи келди, деди ичида Ғулумали. — Тун ярим бўлаяпти-ю, ухламай, у ҳам менга ўхшаб, хаёлга чўмиб ўтирган».

— Қимирлама! — пастгина эшитилган бегона овоздан Ғулумалининг бадани жимирлаб кетди. — Қўлингни кўтар!

Йўқ, ҳазилга ўхшамайди. Ғулумали қўлини аста кўтариб ўрнидан турароқ орқасига қайриларкан, аввало кўксига қаратилган тўппончанинг қора, йилтироқ оғзини кўрди. Остонада ўзига ярашмаган катта қўпол ботинка, ҳарбий шим ва эгнига одмироқ қора кўйлак кийган, сочлари ўсиб елкасига тушган, соқол-мўйи энди сабза урган қорача йигит турарди. Қалин қош остида йилтиллаган кўзлари бежо, қўллари сал қалтираса ҳам,

афтидан тап тортмай отадиган... Фуломалининг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Наҳотки шундай бемаъни ўлиб кетса?!

Бу вақт даҳлизда нимадир шитирлаб кетди. Тунги «меҳмон» шарпадан хавотирланиб бир зумгина бошини ёнга бурган эди, Фуломали пайтдан фойдаланиб, бир зарб билан қўлидан тўппончани учириб юборди. Қолгани осон кўчди, бир паслик олишувдан кейин Фуломали йигитчанинг қўлини орсанга қайириб, хонанинг ўртасига, чироққа яқинроқ жойга қўққайтириб тинчитди. Оғриқдан букчайиб қолган «меҳмон» ҳансирар, юзидан шаррос тер оқар эди.

Бу маҳал Собиржон кирди.

— Ҳа, нима гап, бу ким? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Шундоқ, жиндай гаплашиб олдик... — деди Фуломали.

Собиржон ерда ётган тўппончани кўрдию уларнинг оқариб, ҳовур қалқиб турган юзларига қараб, вазиятни тахминан тушунди. Тўппончани олиб, қўлида салмоқлагач, столга ташлади.

— Қани, — деди у ўтиришга курсини мўлжаллаб, — қўйинг энди уни, иккита кап-катта одам ёш боланинг қўлини қайириб ўтирсак ярашмас... — Ўзи ўтириб, Фуломалига жой кўрсатди.

Фуломали ўтириш ўрнига, столдаги шамни берироқ суриб, даҳлизга ҳам қараб қўйди.

— Сен кимсан, отинг нима? — деди қайтиб келиб.

Йигит бошини эғиб, шам нуридан юзини олиб қочди.

— Нима қилсанглар қилинлар, биласизларку, қўрқадиган бўлсам бу ерга келмасдим... — деди ўжарлик билан.

— Билдик, довюрак экансан. Лекин аҳволинг мана бу, энди ким эканлигингни айтишга тўғри келади.

Йигит индамади.

— Битта ўзингмисан, ё орқангда писиб ётган қўрқоқ шерикларинг ҳам борми?

— Битта ўзимман. Ишонмасангиз, ўзингиз биласиз, — деди йигит. Ўйлаб туриб, ўзича қўшиб қўйди: — Менга гувоҳлар керак эмас.

— Э-ҳа... Якка террорчидан дегин? Ростдан ҳам мени ўлдиргани келганмидинг? Нега ахир, сенга нима ёмонлик қилувдим?

— Сизни эмас, мана буни! — деди йигит Собиржонни ияги билан кўрсатиб. — Зулайҳони тинч қўйсин!

Собиржон дўсти билан кўз уриштириб олди.

— Бундоқ демайсанми... — Фуломали масалага бир оз тушунгандай бўлиб, курсига ўтирди. Лекин юзидан кўриниб турардики, масала унга мутлақо ойдин эмас. Чигалнинг учи энди кўриняпти.

— Менга қара... — деди у, йигитга яна тикилиб қараб, — сен... Сен доктор Суҳайлнинг ўғлисан-а, шундайми?

Собиржон дўстига ялт этиб қаради.

— Ҳа, у менинг... собиқ отам эди, — деди йигит.

— Э-э, «собиқ» дегин? Қани, мундай ўтир-чи, гаплашиб кўрайлик, балки тил топишармиз.

— Терговни нима қиласиз, отиб ташланг. Мен тақдирга тан бераман.

— Билдик, билдик қўрқмаслигингизни, шундай бўлса ҳам... Айтчи, не-га энди «собиқ»?

— У одамнинг отини тилга олманг менинг олдимда. У қўрқоқ ўз ватанини ташлаб қочган. Менинг ундай отам йўқ. Менинг тутинган отам ҳақиқий мард, довюрак инсон!

— Бу ерга ўша юборганми?

— Йўқ.

— Менга қара, ҳозир тўппончангнинг оғзи менинг юрагимга қадалиб турган эди...

— Мен сизни отгани келган эмасман.

— Хўп, дейлик, мана бу менинг дўстимни ўлдиргани келган экансан. Кейин мени ҳам кўярмидинг, ахир гувоҳлар керак эмас деяпсан-ку?

— Хай, сизнингча бўлсин.

— Хўш... Шундай қилиб, ҳозиргина тўппончанг менинг юрагимга

қадалиб турган эди, энди, аксинча, мен сенинг юрагингга қўл солмоқчиман, — Ғуломали йигитчанинг кўзидан таниш белгилар қидиргандай унга узоқ тикилиб турди. — Сенинг отанг доктор Суҳайл буюк олим, ҳурматли одам... У сотқин эмас. Сенга айтишимиз керак, у киши ҳозир ҳаёт эмас. Уни ўлдирганлар. Қани, ўтир бу ерга...

Йигит ўтирмади, кўзи қиличдай йилтиллади:

— Ҳар нарсани тўқиш мумкин. Исбот? Мен сизга нима учун ишонишим керак экан, қани исбот?

Ғуломали курсида жим ўтирган Собиржонни кўрсатди:

— Мана гувоҳ!

Йигит Собиржондан юзини четга бурди.

— Мен отангнинг ўз қўли билан ёзган хатини топиб олдим, менга қара, отинг нимади?

— Қани? Қани хат?

Ғуломали дўстига ожизгина кўз ташлади.

— Газетага берганмиз, газетада чиқади. Ўқийсан.

— Гезетани ўқиганман. Ушандан кейин лисада¹ бир неча ой бошимни кўтаролмай юрдим. Онамни ташлагани, мени ташлаб кетгани етмай, ватанга ҳам хиёнат қилиб... Сиз эски афсоналарни такрорлаб юрибсиз: улуғ олим, ҳурматли одам...

— Менга қара, Авранг... Афрангзеб эди-а исминг? Биз сенга чин кўнгилдан гапиряпмиз... — Ғуломали столдаги тўппончани йигитга яқинроқ жойга суриб қўйди. — Отангнинг номини булғам!

— У булғаган менинг номимни!..

Икки дўст бунга гап ўқтириб бўлмаслигига амин бўлиб, жим қолишди.

— Менга қара, Аврангзеб, — деди шу вақтгача индамай ўтирган Собиржон ердан кўз узмай, — сен бу ерга одам ўлдиргани келибсан. Сенга таниш бўлмаган, мутлақо бегона одамни. Айт-чи, ёшинг нечада?

— ...

— Одам ўлдиришнинг нима эканини биласанми ўзинг?

— Биламан. Ўлдирганман ҳам. Хавотир олманг, улар Садри Аъзамнинг душманлари эди.

— Унда биз ҳам сенинг душманларингмиз, — деди Ғуломали. — Демак сени бу ерга юборган одамлар адашмаган. Ол ана тўппончангни, от, ўлдир!

— Мени ҳеч ким юборган эмас, ўзим келдим, Зулайҳони ўз ҳолига қўйсин!

— Зулайҳо эмиш... Қиз шунчаки бир баҳона, сен болани лақилла-тишган. Сен уларнинг қўлида мана бу тўппончадай қуролсан, холос. Зулайҳо эмиш! Севаман ҳам дерсан? Қотилда муҳаббат нима қилади?

— Ҳақорат қилманг! — деб йигит тўппонча томон бир интилиб қўйди. Лекин уни Ғуломалининг даҳшатли товуши тийиб қолди:

— От! Ўлдир! Яхши касб орттирибсан, профессорнинг ўғли! Биласанми мана бу ким? — деб қичқирди Ғуломали, Собирни кўрсатиб. — Мен унинг учун сенга ўхшаганларнинг мингтасига қарши бораман! Менинг мана шу одамдан бўлак ҳеч кимим йўқ дунёда! У менга она тупроқни севиш қандай бўлишини ўргатди. Сен бўлсанг, қотилликни ўргатган ифлос бир офицерни деб юрибсан!

— Унга тил теккизманг!

Ғуломали ғазабини тиёлмай, ўрнидан туриб кетган, хунук важоҳатда «меҳмон»нинг устига босиб келар эди.

— Уринг, ўлдилинг, отинг, менинг энди йўқотадиган ҳеч нима йўқ, — деди йигит йиғлаб.

— Йўқол кўзимдан!

Йигит ишонқирамай, аланглаб эшик томон қадам қўйди.

— Шиқиллат туёғингни, изингни кўрмай!

«Меҳмон» кўрқа-писа палос-эшик орқасига лип этиб ўтдию, қора тун қўйнида йўқолди. Ғуломали югуриб бориб столдаги тўппончани олди-да, деразани ланг очиб, бор кучи билан улоқтирди.

¹ лицейда

— Ол бунингни!

Ҳансираб курсига келиб ўтирди. Руҳан толиққанини энди сизди. Анчадан кейин Собиржон ер чизиб гапирди:

— Бекор қилдинг, доктор Суҳайлнинг фарзанди-я!

— Шунинг учун қўйвордим-да, бўлмаса... — тишларини ғижирлатди. — Э, фарзандлиги қолибдими бунинг, — деди кейин қўл силтаб. — Она сути оғзидан кетмаган бунақанги мишиқилардан ҳозир отрядлар тузишяпти, «Ватан», «Мужаҳидлар», «Шербаччалар...» Бунинг лицейи ҳалигиндай «ота» офицерлар домига илиниб, ҳукуматга қарши кучлар тарафига ўтиб кетган. Яқинда дўртта ташвиқотчимиз ўқув корпусининг ўзида дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди. Билиб қўй, бу бола «мактаб» кўрганлардан.

— Шундай бўлса ҳам, қайириб олса бўларди...

— Иложимиз йўқ. Доктор Суҳайлнинг ёзувлари қўлимизда бўлганда ҳам бир гап эди, аксига олиб, у ҳам газета редакциясида беш ойдан буён туя гўшти еб ётибди. Вақтим бўлганда бориб жанжал қилардим. Ким билади, ҳозир кимлар ўтирибди у газетада.

— Шундай бўлса ҳам...

— Шундай бўлса ҳам, шундай бўлса ҳам!.. — Ғулумали ўрнидан туриб кетди. — Аҳмоқона бир ўлимдан қолиб ўтирибди-ю, тагин тарбиячилик ҳам қилмоқчи бу! Уша олакўзга илашмасанг нима қиларди ўзи?

Собиржон дўсти Зулайҳони «олакўз» деганига хафа бўлди, тескари ўгирилиб ўтирди. Юраги эзилди. Отасидан неклик чиқмайди, бобоси ожиз бир нарса. Тагин Собиржонга умид боғлаб юрибди, Собиржоннинг эса аҳволи бу... Мунча бахтсиз экан қиз бояқиш. Шундай ҳусни билан... Собиржон гўзалликни катта бахт деб юрарди. Гўзаллик бошқа экан, бахт бошқа. Гўзаллик ҳамма вақт ҳам бахт бўлавермайди, бахтлиларгина ҳамиша гўзал.

Ғулумали дўстини хафа қилганини фаҳмлаб, эрталабгача ухламади. Эртасига ҳам улар бир-бирларига айтадиган гаплари йўқдай, қовоқ солиб, тумтайиб юрдилар. Фақат далада, бўлғуси трассанинг ҳозиргача ҳал қилинмаган қийин бир участкасида тушлик пайти учрашиб, тоғ-тошда, тиканли чангалзорларда тирналиб кетган этикларини ечдилар-да, майсага чакмон ташлаб ёнбошладилар.

— Сендан бир нарсани сўрасам майлими? — деб қолди Ғулумали, кечадан бери биринчи бор гап очиб. — Бу... Манзурани чиндан ҳам унутдингми энди?

Собиржон ўртоғининг дўстона оҳангиданми, кечаги мавзу унинг ҳам ёдида ҳамон сақланиб, суҳбат узилмагандай давом этадиган бўлганиданми, руҳи кўтарилиб, йўлхалтадан пишлоқ, нон олди, термосдан кружкаларга иссиқ қаҳва қўйди.

— Унутганим йўқ, — деди кейин тиззаларини қучоқлаб ўтириб, пастликдаги Сурхон чўлларига ўхшаш сарғиш-яшил кенгликларга тикиларкан. — Мен ундан умид узмоқчи эмасдим. Бўлмаса, Самад Деряев билан беллашиш осон эмас. У ҳам астойдил, Манзура деганда ҳеч нарсадан қайтмайди. Фақат бир нарса унга панд бериб қўйди: улар фанда бир-бирларига рақиб чиқиб қолдилар. Манзурадан кўнгил узмоқчи эмасдим, лекин Зулайҳони кўрдиму... Очиғи, энди Деряев билан олишишга илгаригидай иродам йўқ... Менга қара, менинг ўрнимда бўлсанг сен нима қилардинг?

— Афсуски, мен сенинг ўрнимда бўлолмайман-да. Сен бахтлисан.

Шунча жойга авайлаб кўтариб келинган иссиқ, хушбўй қаҳва ҳам совиб қолди. Ғулумали ўз туйғуларидан ҳеч гапирмасди. Кекса бобосидан бошқа ҳеч кими йўқ унинг.

— Сенга ҳамма гапни очиқ айтмасам бўлмас экан, — деди Собиржон, — ақлга сиғмайдиган қалтис режалар тузаман. Эрталаб турганимда буларнинг ҳаммаси хомхаёл эканини тан оламан-у, кечаси яна бошланади азобли хаёллар.

— У билармикин бу аҳволингни, ёш бола-ку...

— Балони билади!

— Сенга ҳамма нарсани очиқ сўзлайдими?
 — Сўзлайди. Кўзлари ҳам дилда борини айтиб туради.
 — Ҳа... Гули садбарг дер эмишки, юзта тилим бўлса ҳам, сукутдамен.
 — Эрта етилган оқила! Ҳар томонлама етук қиз у. Узининг фожиали аҳволини ҳам тушунади. Лекин қўрқмайман, дейди.
 — Манзурага ачинмайсанми?
 — Майли, Самад Деряев олсин уни. Яхши йигит.
 — Айтгандай, нега Деряев? Туркманми?
 — Ҳа, отаси Дерягелди деган туркман эди. Дарвоқе, Дерягелдининг тарихи аломат. Афсонами, ростми — бир туркман қўйчивони уни боқиб катта қилади. Бу ҳақда ашула ҳам бор, бундай деб бошланади:

Тўлқинлар шовуллайди
 Уйқашув кечигида.
 Дерягелди келади,
 Қалқиниб бешигида...

Дерягелди колхозда машҳур сувчи эди. Самад Деряев ана ўшанинг ўғли.

— Дарҳақиқат, афсонага ҳам ўхшар экан... — деди Фуломали.

Улар иккаласи ҳам хаёлчан узоқларга тикилдилар. Кўкиш туман босган кўз илғамас пастликларда Амунинг тўлғаниб оқишини қалб кўзи билан кўргандай бўлдилар. Туганмас оқим. Туганмас афсоналар, тақдирлар. Элу элатларнинг қон-қардошлиги ҳам, қонли низолари ҳам шу соҳилларда туғилган. Туркман қўйчивони яхши одам экан-да, номи қўшиқларда қолибди, кетида шундай неварам... Хайриддин бобо айтганидай, Аму шундай дарёки, эзгу ният билан борсанг толеинг очилади, ёмон ният билан борсанг — ўзингдан кўр...

Собиржон кейинги пайтларда дўстининг камгаплиги, тушкунроқ ҳолатини кўриб, бирдан ҳушёр тортди: мен нима қиялман ўзи, — нуқул ўзим, ўз ҳисларим, қизлар ҳақида... Сени тинглайдиган одамнинг аҳволи билан ҳам қизиққин-да. Фуломали унинг суҳбатларини қўллайди, астойдил қулоқ солган бўлади-ю, баъзан ҳиссиз, қару кўрдай, бир зумга қотиб қолади. Узидан гапирмайди. Утган сафар тўртта ташвиқотчи ўртоғининг ҳарбий лицей корпусларида ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетганини айтиб қолди-ю, у ҳам жаҳл устида. Кўп нарсани ичига ютиб юрганга ўхшайди. Собиржон эса муҳаббатдан фалсафа сўқади. Шуни ўйлаб, ҳозир хижолат тортиб қолди.

Тапир-тупир от келиб тўхтаганини эшитгач, ТЭОга¹ тайёрланаётган материалларини йиғиштириб, ташқарига чиқди.

Чови кўпикланиб, йилтиллаб кетган от қудуқ ёнида боғлоқлик турарди. Қўшни хонага кирса, Фуломали чанг кийимлари билан йиғма каравотда чўзилиб ётибди.

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, кел, — деб дўсти шошиб ўрнидан турди-ю, лекин кўзлари ичига чўккан, дилида оғир тош ётганлиги кўриниб турарди. Собиржон яшиқ устидаги китобларни суриб ўтирди. — Кел, ҳозир чой ичамиз...

— Тўхта, — деди Собир уни баридан ушлаб. — Айт, Фулом ошна, нимага мунча азобланиб юрибсан?..

Фуломали девор томонга қараб бош эгиб турди-да:

— Ўтир, — деди, — ўзим ҳам ичимга сиғдиролмай қолдим, бари ўтаркетар, дердим, йўқ, ўтиб кетмаяпти, бадтар бўлаяпти... Бир ҳафта ичида кўп яқин танишларимни йўқотдим — бири ҳалок бўлди, бири домдараксиз, бири иродасизлик қилиб... Мамлакатда қирғин. Мен бу кулфату қон йиғлашардан қочиб узоқ қишлоқда ётибман деб ич-этимни еб юрган эдим, офат энди бу ерларга ҳам етиб келяпти. Бобом билан бориб жирга ўтказган қишлоғимиз эсингдами? Кеча у ерда катта фожа юз берибди.

¹ ТЭО — бўлғувси лойиҳани иқтисодий ва техник жиҳатдан асослаш комиссияси.

Ёқубхон оталиқ қишлоқнинг ярмини ўзига эргаштириб, қолган ярмини қириб ташлаб, Покистонга ўтиб кетибди...

— Қириб... ўз юртидан кетмагани учун?

— Икки юз ўн икки киши... бола-чақа, хотин-халаж, қариялар...

Ғуломали деворга қараб турганидан, Собиржон ўртоғининг юзини кўрмас, лекин елкасининг титрашидан унинг ҳолатини тасаввур қилар эди.

Ғуломали бир оз ўзига келгандан кейин йиғма каравотга келиб ўтирди.

— Нима қиламиз? — деди Собиржон.

Ўртоғи эгилиб, оёқ остидаги халтани тита бошлади:

— Сенинг нима қилишинг аниқ, — деди нарсалари орасидан муҳрли бир қоғозни олиб бераркан.

Элчихона Собир Тўхтабоевга «тўла тайёр ҳолда» зудлик билан етиб келишни таклиф қилар эди. Элчихонанинг мутахассисларини ҳар хил юмушлар билан чақириб туриши янгилик эмас, лекин «тўла тайёр ҳолда» дегани...

— Ҳойнаҳой, Иттифоққа қайтиб кетасан, — деди Ғуломали.

Собиржон уйга кетишни мўлжаллаб юрган бўлса ҳам, бунинг шундай шошилич бўлишини кутмаган эди.

Улар ўрниларидан қўзғалдилар. Номаялум, фожиали воқеалар олдида тургандай ҳаяжонда эдилар.

— Эрталабгача вақтинг бор, Зулайҳо билан хайрлаш, Сардорнинг дуосини ол.

— Сен-чи? — деди Собиржон.

— Сен билан бирга жон деб жангга кетардим. Лекин... — Ғуломали маъносиз жилмайди. Кейин дўстини даст қучоқлаб, кўксига муштлаб қўйди. — Учрашамиз, ишни албатта охирига етказамиз!

— Шу билан сени кўрмайманми?

— Балки Сардорникида бўларман...

Шу билан, у группанинг хўжалик мудирига нималарнидир тайинлаб, йўл халтасини қаттиқ тугиб, қудуқ ёнида совуб турган отини яна минди. От дупури, оддий туёқ товуши бутун вужудини ағдар-тўнтар қилиб, кўзга ёш келтириши мумкинлигини Собиржон шунда билди. Қаёққа кетди, қандай хавфу хатарларга қарши? Ўз шахсий ҳаётидан қарийб воз кечган, кучли, ажойиб инсоний қалбли бу йигитни яна қайтиб кўрадимми-йўқми?..

Собиржон кимсасиз дала йўлларини чангитганча ўрлаб кетаётган мотоциклин тўхташиб, сакраб ерга тушди-да, чорраҳада турган ёлғиз аёл томон югурди. Бу, ҳеч шубҳасиз, Зулайҳо эди, Собиржон уни шамолда қушдай талпиниб туришидан таниди. Қиз ҳам пешвоз югурди. Орада бир қадам қолганда тўхтадилар-да, бироз нафас ростлаб тикилишиб тургач, Зулайҳо йигитнинг кўксига бошини қўйди.

— Нечук йўлда турибсиз?

Қиз бошини кўтарди, у анча озиб кетган, шунинг учун яна ҳам катта-катта кўринган кўзларида чексиз ҳасрат, туганмас илтижо ва саволлар бор эди.

— Уч кундан бери йўлга чиқаман. Хайрлашгани келарсиз деб...

— Зулайҳо, юринг, сизни бир учираман, — деди Собиржон.

— Юринг!

Улар бута тагида қийшайиб ётган эски мотоцикл томон югурдилар. Зулайҳо узун кўйлак кийган, бошига арақчин қалпоқ кийиб, қалин сочини тепага йиғиб туморли зулфибанд билан баланд қилиб турмакланган (чиний турмак дейдилар бунинг), икки чаккасида уни танғиб турган қарс осилиб тебранади; шундоқ тортиб юборгинг келади киши. Шундоқ тортиб юборсангу, қора соч тулум-тулум бўлиб елкасига шалоладай ёйилиб тушса!.. Мотоциклининг борлиги иш берди. Булбулшо деган бақалоқ геодезист, Собиржоннинг кетишини билиб, мана, истаганча мининг, бирор жойга ташлаб кетарсиз, деб ўзича мурувват кўрсатди.

— Энди нима бўлади, Собиржон ака? — деб сўради Зулайҳо.

Улар қовжираган ўтлоқларни кесиб, пастлаб борар эдилар. Катта

йўлдан узоқ ерлар, сокин шабада, қаердадир тиккада тўрғай товуши чексиз зангори оламда кумуш жарангидай таралмоқда. Жаҳонда ҳеч қандай ташвишу фожиалар йўқдай...

Орқада Собиржоннинг белидан ушлаб олган Зулайҳо. Йигит унинг вужудини, тенгсиз лаззатли меҳр тафтини сезмоқда. Шу ҳолда олис-олисларга, узоқ ва беташвиш кетаверса, кетаверса...

— Сиз кетиб қоласиз... Мен нима қиламан?

Собиржон жавоб беролмасди. Гапирса ҳам барибир, сўзларини ғир-ғир шабада учириб кетади. Лекин гап бунда ҳам эмас, гап шундаки, бу саволлар Собиржоннинг ўз дилида ҳам қалашиб ётибди.

Ўн-ўн беш чақирим юрганларидан кейин дарё эпкинни келди.

Улар тўхтаб, мотоциклни бир қияликда қолдирдилар-да, югургилаб қирдан пастроқ тушдилар. Зулайҳо ҳам йигит бошлаган ёққа юраверди. Унинг дадиллиги Собиржонга ҳам ёқар, ҳам чўчитар эди. Муҳаббати йўлида ҳар нарсага қодир қиз уни ҳам ҳар қандай хавотир ҳиссидан холи қилди.

Қир этагида дарё томонга қараб ёнма-ён ўтирдилар.

— Қўлингизни беринг, — Собиржон қўйнидан совғасини олиб қизнинг кафтига қўйди. Ишқ маъбуди Шива сўрати солинган жажжигина кумуш сурмадон. Лабидарё бозорида тасодифан учратиб, бир покистонлик савдогардан олган эди. Зулайҳо совғани кўксига босди.

— Сизнинг кетганингиз яхши, бу ер хатарли... Мен чидайман. Сизни унутсам... охиратим куйсин!

Собиржон тўлиб-тошган ҳисларини ифодалай олмас, қизнинг юмшоқ қорача қўли унинг кафтларида қушчадай титрар, Собиржон уни, гўё учиб кетаётгандай, яна маҳкамроқ ушлаб, юзларига босар эди.

— Зулайҳо, қишлоқ тинчми, дадангиз нима деяптилар?

— Тинчлик қаёқда! Дадам кечаю кундуз сайида муёнлар билан... Ерларим ислоҳот бўлса, ҳайё-ҳув деб кетаману мужаҳидлар билан қайтиб келиб тортиб оламан, дейдилар. Бобомни ҳам кунда чақиртириб авраяптилар.

— Бобонгиз-чи?

— Бобом оёқ тираб туриб олганлар, «биз бир марта қочиб бўлганмиз, иккинчи ватанимнинг ҳам юзига оёқ қўйсам, мени ер кўтармайди», дейдилар. Ғулумали ака ҳам дадамга кўп тушунтирдилар: сизга ҳеч ким тегмайди, минг-минг жариб ортиқча ерни босиб ётган заминдорлар ҳақида гап кетяпти, деб. Озгина юмшайдилару яна... Ёқубхон деган ошналаридан чопар келяпти кечалари. Шундан кейин яна қамчи тутиб от минадилар, аллақаёқлардан кўзларига қон тўлиб қайтиб келадилар. Чарчаб кетдик, Собиржон ака... — Зулайҳо йиғлаб юборди. Собиржон қийналиб тасалли излар, бир сўз топиб юпатолмас, ожиз эди. Қиз ўксиб давом этди: — Сиз кетасиз... Тўғри-да, мен кимману сиз ким!.. Бир шўринг қурғур, қисмати қора, ношуд, қишлоқи... Сиз тарафларда билимли, яшнаб юрган бахтли, чиройли қизлар кўп...

— Зулайҳо... Сиз гўзалсиз, ягонасиз.

Бир нафас жим ўтиргандан сўнг, ўйчан, оғир гапирди:

— Менингча, у ғалаёнли кунлар яхшилик билан тугайди. Ота-боболаримнинг тажрибасидан билиб айтаяпман. Мен бу ерга нега келдимуга нега кетяпман — биласиз. Мана, Аму соҳилида ўтирибмиз. Мен учун энди иккала соҳил ҳам баббаравар азиз. Менга қолса, шу ерларга сув олиб келиш учун, шу ерларда боғ-роғлар яшнаши учун бор умримни бағишлашга тайёрман, Зулайҳо.

Қиз маъюс кулди:

— Ҳозир икки кўзингиз у ёқда...

— Онамни соғиндим, Зулайҳо...

Иккаласи ҳам нариги қирғоқдаги уфқларга тикилдилар.

— Амунинг бу соҳилига ҳам яхши кунлар келади. Кураш кўп қурбон талаб қилади. Менинг бобомни инқилоб йиллари босмачилар ўлдирган, отам эса Ватан урушидан кўксида ўқ билан қайтиб, олти йилдан кейин, айни менинг ёшимда оламдан ўтди. Биз бу ҳаётни барпо этгунча, уни

сақлаб қолиш учун беҳисоб талафотлар берганмиз. Сизларга ҳам осон бўлмайди чоғи...

— Осон бўлмайди... — деди қиз, кўз ўнгига қандайдир таҳликали манзаралар келиб кетгандай, қаттиқ сесканиб, елкалари титрай бошлади. — Мен ўз кучларимизни кўрмаяпман, биз ожизмиз. Собиржон ака, сиз бўлса кетяпсиз... — қиз сапчиб ўрнидан турди. — Мабодо келмай ўша ерда қолсангиз, гоҳо соҳилга чиқиб, биз тарафларга ҳам боқинг. «Чиқиб туринг Амуга, Тўлқин бўлиб оқарман...» Шунақа ашула бор...

Собиржон уни қандайдир хунук қисматни туюб, изтиробда нималар деяётганини ўзи ҳам билмаяпти, деб ўйлади, титраган елкасидан қучиб, мехру мадад бағишлаб, таскин бермоқчи бўлди. Аммо қиз тасалли топмади, эсини йўқотгандай лаблари асабий титраб, давом этди:

— Нега кетяпсиз бўлмаса, нега ташлаб кетяпсиз, бизни ҳимоя қилгингиз келмайдими, мени... — у бирданига гапдан тўхтаб қолди, «нималар деяпман!» дегандай, Собиржоннинг кўзига узоқ боқди. — Кечирасиз... — деди кейин чуқур нафас олиб: — Сиз қайтиб келинг. Албатта қайтиб келинг. Мен ҳар куни хуфтонда дарё ёқасига чиқиб сизни тилга оламан. Токи биздек ошиқларни ажратадиган эмас, учраштирадиган эзгу дарё бўлсин... — қизнинг товуши тобора пастлашар, боши йигитнинг кўксига эгилиб тушган эди. — Бобомнинг юртига салом айтинг... — деди охирида шивирлаб.

Собиржон унинг ушоққина гавдасини бағрига маҳкам босди:

— Албатта, — деди у ҳам қизнинг қулоғига шивирлаб. — Сен ўша азиз тупроқнинг узоқларга учган бир заррасисан...

Нарироқдаги эски мотоциклнинг пешойнасига қуёш тушиб, ўткир шуъласи тепага, тўрғай сайраган бўшлиқларга санчилган эди.

Зулайҳони чорраҳага олиб келиб қўйгандан кейин Собиржон жудолик алами билан мотоциклга шундай газ бердики, худди бирдан учиб кетгандай бўлди. Бензин ҳиди анқиган ғуборли ҳаво бир зумда аллақадарда қолди. Чексиз бахт, чексиз изтиробда тўлғаниб, йўл устида ёлғиз ёлқиндай ловуллаб қолган қиз кўз ўнгидан сира кетмасди. Анчадан кейингина рўпарадан урган кечки шабада уни бир оз совутди, ҳар жой-ҳар жойда супадай харсанг тошлар қаққайиб ётган қақроқ кенгликларга оқшом тушмоқда эди. Зулайҳонинг бўсасидан кейин мусофирликнинг оғир кайфиятидан фориг бўлгандай, бу ерлар унга ўз юрти сингари туюлиб кетди.

Собиржон шомда қорайиб кўринган Мозори Шариф теракзорларини мўлжал олиб, қир ошиб кетяпти. Вақти ниҳоятда зиқ бўлса ҳам, Содик Сардор билан хўшлашмасдан кетолмайди. Бу қадимий бобо унга биринчи кўришишданок шу юртнинг асил рамзидай бўлиб туюлди. Узоқ умри жангларда ўтган бўлса ҳам, қомати тик, кўнгли навқирон, нуроний ва доно. Халқ дардини билади, хаёллари ҳамиша замонавий. Фақат йиллар... Саксоннинг қоқ этаги ахир. Ҳаммани оғзига қаратиб суҳбат қурган кентлари, қабилаю қишловларидаги алғов-далғов уни изтиробга солиб, оёқдан йиқитиб қўймадимикин?..

Собиржон «пот-пот»ини толзорда қолдириб, уст-бошини қоқа-қоқа, таниш йўлқадан юрди. Сардорнинг эски кўрғони ҳувиллаб ётарди,

Собиржон Сардорнинг китоб тўла хосхонасига яқинлашиб, остонадан ҳатладию, қўлидан фонари тушиб кетаёзди: тўрда катта тўшак билан бир бўлиб Сардор ётарди, буйи узун, соч-соқоли ҳам, ранги ҳам оппоқ, кўзи очик... Фонарнинг ўткир шуъласини четга олди, ёнидаги гиламда коса, дори, мошранг духоба фас...

— Кел, меҳмон ўғлим, сенмисан?..

— Ассалому алайкум, ҳурматли Сардор! Тарки одат-ку бу, шомдан ётмас эдингиз?

Чоғ манглайини артди. Собиржон унинг гапиришга дармони йўқлигини дарров пайқаб, яқинроқ кела чўккалади.

— Тан-сиҳатингиз қалай? Ҳовлида ҳеч кимми топмадим. Ёлғизмисиз?

— Ёлғизман, болам. Ҳолим мушкул, ёлғизимни олиб кетдилар.

— А? Кимни? — Собиржон ҳали гапга унча тушунмасдан, беморнинг

бошидаги ёстиқни кўтарди, илиқ чойнақдан чой қуйиб тутди. Чол бош чайқади, нафас ростлади.

— Ўртоғингиздан беҳабар экансиз-да...

— Ўртоғим? Нима гап, Сардор?

— Ғулomalини олиб кетдилар... Ёлғизман, ёлғизимни олиб кетдилар... — буёғига Сардорнинг беҳол шивирлаган гаплари алаҳлашга ўхшар эди. Собиржон нимадир юз берганини англади-ю, қистаб сўрайвермади. Яна беморнинг ўзи гапирди:

— Азонда, бекордан-бекорга, сабабсиз... ҳибсга олдилар.

— Мужаҳидларми?

— ...Йўқ.

— Душманлар... номаълум одамларми?

— Маълум, маълум. Гап шунда-да... Нима бўляпти, билмайман. Аксига олиб, оёқнинг дармонини чегириб қўйди.

— Кимлар эди, билдингизми?

— Узимизникилар... Янги ҳукуматнинг махфий хизматчилари.

Собиржон гиламда ўтирган жойида илжайиб, ўзини орқага ташлади. Лўлаболишга суяниб, танасида илиқ қон яйраганини сезди. «Э, чол-эй, одамни қўрқитиб...»

Югуриб чиқиб, тандир ёнидаги ўчоқни қовлаштириб, қора чойгумни чўққа қўйиб келди.

— Сиз сира хавотир олманг, Сардор! Унинг иши шунақа... Янги ҳукумат ходимлари, дейсиз, Янги ҳукумат Ғулomalиларнинг ўзи-ку! Ҳибс қиламан деса душман қуриб кетибдими.

— Сен билмайсан, болам... — деди чол. Собиржоннинг тетиклиги унга озгина бўлса ҳам таскин бермади.

— Ҳукуматнинг бир долзарб иши бордирки, зудлик билан олиб кетган-да. Кун-тун ўшанинг хизматини қилиб юрибди-ку, Ғулomали Коргарни ким билмайди!

— Ана шундан қўрқаяпман. Икки кун ўзини қўярга жой тополмай, хомуш юрди бола. Ҳукуматнинг фаол одамларидан бир тўпи ҳибсга олинганлигини айтиб қолди. Энди билсам, менга ҳам навбат келади деб хавотир олган экан...

— Англашилмовчилик.

— Ундай эмас. У мен билан шундай хайрлашдики, кўзида шундай тушкун изтироб аломати бор эдики, кетган заҳотиёқ оёқдан қолдим, шу ётганча ётибман.

— Бошқалар қани?

— Бирон хабар топармиз, деб изидан кетишди. Дарак йўқ.

Собиржон ҳам ваҳимага тушди. Ғулomalининг қиёфаси, гаплари, қилиқлари, овози, борингки, бутун ташвишли ҳаёти кўз ўнгига келди. Адолатсизликни кўролмайдиган куюнчак жон. Хатоми, хиёнатми бўлиб, қамаб қўйишса, ичидан ёниб шамдай сўнади...

Лекин қарияни овутиш керак эди, у жуда оғир олганга ўхшайди бу ғалати воқеани, ҳоли ночор. Собиржон кечаси билан унинг ёнида бўлиб, атрофида югуриб-елди. Шўрва қайнатиб ичирди, дори берди, очиқ-сочиқ китобларни тартибга соларкан, тасалли қидирар, тинмай гапирар эди:

— Ҳеч нарса бўлмайди ўртоғимга. Тегирмондан бутун чиқади! Инқилоб деган нарсанинг мураккаблигини ўзингиз биласиз-ку... Хато бўлади, кейин тузалади. Англашилмовчилик бўлади-да...

Чолга шўрваю доридан кўра, сеvimли неварасининг ўртоғи келганлиги, унинг тўғри-нотўғри, узундан узоқ гаплари дармон бағишлади. У сал мизғиб олгандан кейин, Собиржоннинг аҳволларини суриштириб, режаларидан қаноат ҳосил қилди. Вақти зиқлигини билгач, азонда жавоб берди. Тилига бирон ноумид гап олгани йўқ. Ёлғизлигини ҳам эсламади, яна кўришамизми-йўқми ҳам демади. Ранг-рўйи оппоқ бўлса-да, қомати офицерларча тик, кўзида ёшликка ҳавас, муҳаббат бор эди.

— Биз қайтиб келамиз, Сардор!

Охири келгуси сонда



Зулфия

ДИЛДАН БИР ЯПРОҒИ БЕЖИЗ ЙЎҚОЛМАС

(«Тонг билан шом аро» туркумидан)

Кел, баҳор!

Кел, баҳор, куриган саҳрога
Илк ёмғир берар гулсимон, кел!
Айланмай қон дилда сафрога,
Жонлансин, энг қодир ҳаёт бер!

Тарсо-тарс ёрилган чўллардек
Ўрак чоғ, бутунмас,
минг бир дарз.
Томир ҳам қатқалоқ йўллардек,
Қоқилса, чап бериб яшаш фарз.

Кел, баҳор, Инқилоб сингари
Итқит қиш қобиғин жонлардан.
Қўйма у дарзларни сингани,
Пайвандла энг жасур ранглардан.

Сарғаймас баҳордек диёрим
Қадамин ларзасин илғай мен.
Яшартиб бу кўҳна дунёни,
Довруғлар солганин билай мен.

Ҳеч баҳор, тупроқда уйғониш
Утдими қалбимнинг ёнидан?
Баҳорда туғилдим!
Унга эш
Яшашнинг қонуни қонимда.



Қулочим етмайин қучишдан
Уч, завқ-ла қўшиқлар юғургим.
Иккимиз басма-бас юришдан
Ҳар сафар янгидан туғилгум.

Ҳар гал сен янги,
мен навқирон,
Фарзандлар кутар,
мен этсам тарк.
Баҳорни тарк этса бор инсон,
Жаҳон ҳам бўлмасми
жувонмарг?..

Кел, баҳор!

Саҳар мен билан...

Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим,
Наҳот ҳаёт шомим яқинлиги бу?
Салқин оромида йўқолар тинчим,
Демак шафақ мен-чун ёлқинлиги бу!

Наҳот умримдаги саҳарги завқлар
Тарк этиб излайман саҳардан наҳот?
Бирдай эмасмиди йил, фасл, вақтлар
Недур ўтиб, недур келмайди наҳот?

Саҳар бу — ёшлиқдай борлиғи орзу,
Саҳар ўқилмаган ғаройиб китоб.
Наҳот умр олиб қўлга тарозу
Мендан кутар ҳалол, аниқ сарҳисоб?


Тўхта!
Нечун йиллар палласи вазмин,
Умрим эмасмиди ҳаётдан тўхта?
Сарҳисоб чоғда ҳам ўзимда изн,
Посангисин ростлаш пайтимас, тўхта!

Кун фақат саҳармас, кундуз, шоми бор,
еч пишар мевалар озми тупроғда?
Тўхта!
Тарозуга қўярдек куй бор
Ҳали саҳар сиёқ яшноқ дил — боғда.

Мен ахир саҳар чоғ таваллуд топдим,
Онам кўкси, азиз юртим ҳам саҳар.
Шеърга дил, дафтарни саҳарлар очдим,
Эслайман:

Топганди севги кўйнидан
Мени тоғдан оғир ҳижрон ҳам саҳар.

Бугун шом устидан ял-ял кулажак
То умр борица саҳар мен билан.
Ҳар кун менга саҳар тўхтафта этажак
Халқим юрагига сафар мен билан.



Тонг

Мендан бошланади уйда уйғониш,
Зеро уйқу нима билмаган жонман.
Менга жуда мушкул яшашдан қониш,
Сафардан бир нафас тинмас карвонман.

Тонг сувратин чизмоқ бўламан ҳамон,
Ўсрак тўлқинига етмайди ранглар.
Табиат нақ шу кун туғилгансимон
Ҳар гал ҳамма ёқда янги жаранглар...

Ё раб!

Тўп-тўп...

Бу не мўъжиза, рўё,
Томирларда сездим баҳорги ирмоқ.
Ҳаёт ибтидоси каби бу садо
Наҳот бўлди тандан чарчовни қувмоқ?

Угрилиб қарайман:

Маъсум мўъжиза

Бу — менинг набирам!

Бошлабди қадам.

Нақ мисли айиқча, полапон, жўжа —
Овдир-довдир йўлин бошларкан одам.

Лапанглаб одимлар... борлиғи журъат,
Нақ паға булутга тушар оёқлар.
Мурғак, муштдай жонда бир ҳаёт қудрат,
Тонг рангда шафтоли, момик ёноқлар,
Оғзи, кўзларидай очиқ кенг қулоч,
Набирам қадамлар!

Ёш дорбозсимон

Лангардай елпийди икки қўлини.
Аср! Қопқаларинг борлигича оч,
Бу кекса заминда яна бир Инсон
Тонг билан бошлабди буюк Йўлини.

Билмайман!

Бу нотинч она-жаҳонда

Шу тонг йўлга кирди не сон минг гўдак?
Кимнингдир илк йўли йўқолди қонда,
Ёт, изғиқ мудҳиш ўқ этди жувонмарг?

Менинг набирам-чи, кекса дунё-ла
Тиллашмоқни бошлар қушдай ҳижжалаб,
Гўдак, тонг — ибтидо асл маъно-ла
Бизлардан ҳимоя,
фаросат талаб...

Уриклар гуллар...

Шоир севган тупроқ кўксиди
Хушбўй баҳор кезиб юради.
Не боғ! Ҳатто қоя устида
Урик оппоқ бўлиб гуллади.





Жуда ҳам кўп гуллади ўрик,
Зеро чўллар боғ бўлиб кетган —
Ҳамма ерда очилган қўрик,
Юртин халқи гулистон этган.

Дўсту ёрлар жамулжам бу кун,
Азиз номинг меҳр нурида.
Минг бор узр,

 бугун сен учун
Мен ўлтирдим тўйинг тўрида.

Бугун сенга тўлмиш етмиш ёш,
Ярми биздан қайларда кечди?
Ўттиз беш бор гул очиб қийғоч,
Ўттиз беш бор ўриклар пишди.

Орамизда сени мўйсафид
Кўрганларнинг билмам номини.
Куйлаб ишқни, тонгни муттасил,
Менга қўйдинг умр шомини.

Мен шомлардан саҳарлар ясаб,
Ўттиз ёшли бўлиб юраман.
Ҳар баҳорга чиққанда қўмсаб,
Қайноқ қўлларингдан тутаман

Ва юраман ёнингда ўктам,
Эл омонлик этар сени шод.
Сени кўрган ва кўрмаган ҳам
Бу муборақ номинг қилар ёд

Ва биласан кексармас умринг,
Дондай ёйиқ йиллар қатига.
Куйлай бериб ёшлик қўшиғин
Мангу қолдинг ёшлик фаслида.

Не-не гўзал ёшликлар келар,
Умри боқий ҳаёт йўлида.
Ўшанда ҳам ўриклар гуллар,
Сен бўласан диллар тўрида.

* * *

О, муҳаббат, кўрсат қиёфанг,
Бисотингда ханжарми, ё май.
Гоҳ қалбларни яйратиб чексиз,
Гоҳ жароҳат соласан қиймай...

Салом, тансиқ баҳор!

!

Яна кўк тубида сайрайди кушлар,
Яна ерда кўҳна ям-яшил кўрпа.
Яна тандан кетди мудрашу тушлар,
Яна ёшдай дилда ўйлар минг турфа.

Гар ибора қадим, қофия сийқа,
Аждод ўлмаслигин ҳақиқати бу.
Баҳор дединг: бирдан олам антиқа
Ва сенда энг ёлқин, тирик бир туйғу.

Ёшингни, дардингни, изтиробингни
Бир силкиниш билан отасан йироқ.
Хаёлинг етмаган, умид тутмаган
Энг йироқ уфқлар келар яқинроқ

Ва сен яна қалби оташга тўлиқ,
Тоғни талқон қилгич қудрат танингда,
Меҳнатга тушасан, ҳосил ҳам бўлик,
Бу йил етилажак шонда ақалли
Заррача маҳсулинг бўлиши аниқ.

2

Эй, баҳор, тўймагич жоним бор,
Сен билан туғилдим гар эгиз.
Борлиғинг қучмоққа ҳолим бор,
Ишлайлик йил бўйи иккимиз.

Яралиш — туғилиш удуминг
Чарчаган қонимга эт пайванд.
Йил бўйи яшил сув, кўк нуринг
Томирда югурсин юз минг чанд.

Йил бўйи ниҳолдай сарғаймай, /
Саратон зуғмига берай дош.
Қаҳратон қаҳридан мунғаймай,
Қонимда кез яшил, Еш Қуёш...

Гул қўшиқлари

1


Ерда гул, кўлда гул, чаккаларда гул,
Гул бўлиб порлайди кўкдаги қуёш.
Бахтдай яшартириб инсон дилин ул,
Ҳар тақдирга бўлди у мангу йўлдош.

Утмиш зулматининг ботқоқларини
Кечиб-янчиб бизга яшнаб чиқди ул,
Кезиб, юртим шаҳар-қишлоқларини
Кўраман сарғаймас ҳаёт номли гул

Ва ҳаёт боғбонин кўраман аён
Еру элни тутган яхлит бир нурда.
Ленин, ўлмас Ленин шу буюк боғбон,
Бахтни йўлдош қилган мангу умрга.

2

Кўз йўлда, қўлингда даста ёниқ гул,
Висолдан туҳфами, ё унга муштоқ?
Жисминг толса ҳам кут, толарми кўнгил,
Келар йўли қанча бўлмасин узок.





Келарнинг келишин бўларми кечи,
Дилни кутиш ўти тарк этмаса бас.
Ишққа гирифторнинг интиқ севинчи
Висол шаробидан ширин этар маст.

3

Қўлингда ёқут, дур, гавҳар тусли гул,
Бахтнинг рухсоридай ранг-баранг ёниқ.
Олдда нигоҳингдан чўзилган у йўл
Наҳот висол дамин қилолмас яқин.

Жаннатдан терилган бўлса ҳамки, соч,
Энг бахтли қўлда ҳам гул сўлмай қолмас.
Сен ишқнинг ўзига мунис дилни оч,
Дилдан бир япроғи бежиз йўқолмас.

Сочиб юбор барин, ишқ йўли бўйлаб,
Ҳар баргидан унсин бир орзу боғи.
Бир кун соясида авлодинг тўплаб,
Сўйлайсан на мушкул севги ардоғи.

4

Тонгда сўз қудуғин тубига чўкиб,
Ахтарардим дур,
Тонгдай соф туйғулар қалбимда жўшиб:
Қаламинг ол, дер.

Шу жўшқин туйғудан азиз, чақноғин
Бўлардим олмоқ.
Қалам қодир энди лойиқ салмоғин
Олиб нақ чақмоқ —

Чақнатишга, унга қўшиб юракни,
Керак бўлса жон!..
Ажиб бўйга кўмиб ён-теваракни
Тутдилар райҳон...

Мен энди ифорий бу тухфадан маст,
Унутдим тонгни.
Бу меҳр йўлига биргина жонмас,
Сочдим илҳомни...

* * *

Мен дўстан хат олдим,
уни очмасдан
Борлиғимга тарқаб кетди қайноқ нур.
Ёшлиқдай истак ҳам биздан қочмасдан,
Хаёл йўқлаб турса, мактуб ёзиб тур...

Бу кунларда уйда эмасман...

1

Тоғликлар ўлкасин бургут сиёқли
Сахий ўктами.
Бугун қўшни бўлиб қолди йироқли
Қардош тамтами.

Қаршимда қўш бошин қорларга ўраб,
Чақнаб, чорлар тоғ.
Куйини юксакка занжирдай улаб,
Йўл кетган узоқ.

Дам олиш фаслини кутдим, етишдим,
Топдим танҳолик.
Уйку, жимлик майин шимириб ичдим,
Бекиёс тотлик.

Жимлигу ҳордиқдан толдим!
Бир парвоз
Истайман шу тоб,
Интилса дил етар, чақирса овоз,
Эй, дўст; мени топ!

Кездир: шалолалар шовқини қучсин,
Тортай сезгирлик.
Ҳайратдан кўз ёшим учқундай учсин,
Атроф сеҳрлик.

Сен бошла қир, қоя даралар ўтгач
Тоғлиқ кўйнига.
Осилай ипакдай ҳимралган ўрқач,
Булут бўйнига.

Чўққидан юксакда учган қушларга
Кучлидир суқим.
Мен қушдан ўктамман: у муз тўшларга
Қўнишим муқим.

Гарчанд чўққи қорли — яқин қуёшга
Бор эди аҳдинг.
Малика атадинг кўтариб бошга,
Қур энди тахтинг.

Ерда ахтарганлар чўққидан топсин,
Ўзим ювсин сел.
Совқотсам булутлар пар кўрпа ёпсин,
Аллаласин ел.

Кундуз санчсин қуёш минг бор бигизин,
Бўлай ўт нафас.
Элимнинг парирў, ҳар гулрў қизи
Боқсин серҳавас.

Чўққи кафтидаги шу тахтда туриб,
Шам бўлиб ёнай.
Бутун жаҳон элин тинчликда кўриб,
Беҳадик қонай.

Элдошинг:
«Бу ёниқ шам қайдан ўзи?»
Деб қилса сўроқ.
Де:

«Яқин қардошнинг бир она қизи,
Вафоли кўноқ».



Бу кунларда уйда эмасман,
 Яна мени тарк этди юрак.
 Юрак топган ҳайратдан мастман,
 Ҳайрат менга ёшликдек керак.

Қайдамиз, дил?
 Бу кимнинг эли,
 Бунча танти, эрка қуёши!
 Тилимизга ўхшайди тили,
 Куйли экан сувидек тоши.

Шўх жилғаси, тошотар ўйнаб
 Уйноқлайди тойдай ҳар тўлқин.
 Қоялари офтобдан яйраб,
 Томчи сочар мисоли учкун;


Илиқ нигоҳ оқбош тоғлари,
 Кўзларингни куйдирса ҳам муз,
 Ёмғирига баҳор чоғлари
 Илк севгига тутган каби юз —

Қизлар жала билан ўйнайди,
 Йигитларни нигоҳ-ла кесиб.
 Севса на жон, молни ўйлайди,
 Кетса мумкин ҳар недан кечиб.

Ҳар ким сени чорлайди уйга,
 Меҳрин қўшиб тутар нону май.
 Сен кирган уй айланар тўйга,
 Қолсанг мумкин кўнгил узолмай.

Сойда ғозлар сузгани мисол,
 Қизлар ўйчан ракси сеҳрлар.
 Титрар тоғу даралар хушҳол,
 Йигитлари жўр бўлса ағар.

Гар тингласанг она алласин,
 Ошиқлардан дoston узун кун,
 Ерин, элин битмас ярасин
 Боисини англайсан бутун



Ва ногаҳон сен ҳам танингда
 Жароҳатин, бахтин сезасан —
 Қонли-қонсиз жанглар мардига
 Қалб-ла таъзим қилиб, кезасан:

Недан сўзлар қиличдай кескин,
 Тоғдай метин қаноат қайдан?
 Кексаларин қадди тиклигин,
 Ғурур ҳатто янграшин найда.

Эльбруснинг қўш оппоқ боши
 Нақ «Қиз кўкси» — софлик, саховат.
 Бу ҳусндан эл дара, тоши
 Касб этади тенгсиз нафосат.

Тупроғида яшноқ зилоллик,
 Эл бир гўзал иқбол-ла яшар.

Одатидир яратиш, шодлик,
Ўктамлик ҳам шондай ярашар.

Мана, нечун уйда эмасман!
Тоғли дўстлар меҳмони юрак.
Шаробию меҳридан мастман,
Кайфин олиб кетмоғим керак,

Кетганда ҳам ҳеч унутмасман...

* * *

Юрагингда бир ғаш бўлса мабодо,
Уни менинг меҳрим ўти куйдирсин.
Зарра ёмонликни кўрсам гар раво,
Отанг руҳи мени бўғиб ўлдирсин.

Ўтли томчи...

Ўтли томчи, шўр томчи сени
Нега инсон кўзёши атар?
Қалб ўртангач кўрғошин сели
Эмасмикан оққан шашқатор?

Ўтли томчи, шўр томчи сели
Сен юзлардан ирмоқ очасан.
Ўзимдан ҳам яширин сирни
Рақибимга елдай сочасан.

Пешонамга ёзиқ тақдирни
Чиқарасан кўзимдан сиқиб.
Чўнг иродам қурган қасрни
Жаҳонгирдай бераҳм йиқиб,

Гўё шамгин, гўё яланғоч,
Шон-шуҳратим очиб ташлайсан.
Йўқ душманам бир дам этиб шод
Дўстларимнинг дилин ғашлайсан.

Чиқ сўнг томчи, юздан сидириб
Мен орқангдан отай қора тош.
Ўз ҳаққим-ла кўксимни кериб
Кўзёшга ҳам боқайин беёш...

* * *

Сен дейсанки: Муҳаббат сўнмас
Ва қонингда кезади олов.
Кўзингдаги мен деган ўтмас
Заифлигинг ва мени аёв.

Мен дейманки: Муҳаббат бумас,
У музда ҳам ловуллаб ёнар.
Олов номли кучга бўйсунмас,
Ула туриб азобдан ёнар.



Чиққанда ҳам жони танидан,
У сен билан тирик қоләди.
Совуш топсанг музнинг дамидан,
Жунбиш ўпқонига олади.

* * *

Гоҳ, гоҳ, бир дақиқа тарк этмас хаёл,
Эски бозордаги сурондай ўйлар.
Бирининг баридан тутдимми хиёл,
Узгаси шағалдай оғир қуйилар.

Охири кутишдан қурийди тинкам
Ва дилгинам ўзра тушади харсанг...
Шукр, дунё ичра яшамадим кам
Ва ҳеч дард, ҳеч жумбоқ этолмади танг...

* * *

Шеър демак — ўжар дўст қаламнинг изи,
Шоирни борича этар намоён —
Не тариқ: Ҳаётда отган илдизи,
Не тариқ: қаддини тиклаб турган жон.

Бу шундай бир изки, қалб солланиши,
Гоҳ денгиз долғаси, гоҳи насимдир.
Гоҳ байрам... гоҳ ғусса яллиғланиши,
Дардлардан таваллуд камёб тизим дур...

Гоҳ ғурбат, дағаллик итарган кунжак,
Гоҳ муштдек юракда яшаган жаҳон.
Гоҳи узун ўтмиш, сирли келажак,
Ёшинг ўтган сари ўсгувчи армон.

Истар у, машаққат ҳайратдай кучсин,
Сахрога ёйилсин сой бўлиб яйраб.
Ойдан шуъла эмас, сўйловчи учқун,
Дардимга малҳамли бўлсин мушарраф.

...Ҳамон парча-парча дилни чегалаб,
Ундан бутун қўшиқ тўқимоқ орзу...
...Инсонга берилур умр чамалаб,
Афсус, ҳукмдамас тошу тарозу...

* * *

Қоғоздан ёқилган гулхан гар кўркам
Бир дамда кўк ўпар минг тилли олов.
Бир дам алақишсанг сўнади шу дам,
Ўтни тилга солиб бўлмайди дарров.

Буларнинг севгиси — гулхан ёниши,
Ўзни ҳам, атрофни этди нурафшон.
Бу оний ёниши, офтоб ботиши —
Симон ҳароратдан олмади нишон.

Икки қирғоқ аро оққан меҳрмас,
Икки дилдаги дард — муз куйдириши,



Бир севги иккига ёрилдими — бас,
У, чироқ сўниши, туннинг кириши.

Афсус, сўнган гулхан қайта олмас чўғ,
Дарз кетган кўнгиллар бўлмади бутун.
Гулханни сўндирган бўрон муз тўлуғ
Дилу кўзларини кўр қилди тутун...

Болакай

Кўзларингда чуқур ўй,
Ҳайронликми, изтироб?
Кундан-кунга ўсиб бўй,
Не-га излайсан жавоб?

Мурғак фикринг етолмас
Бу дунё ўйинига.
Севиб, отдилар паққос,
Сени тақдир кўйнига.

Ҳаётинг икки ора
Талашлигин билмайсан.
Соғинчдан дилинг пора,
Лекин ошкор қилмайсан.

Гўдакликдан чиқмасдан
Улғайтдилар умрингни,

Жонларига суқмасдан
Сўндирдилар кулгингни.

Толхивичдай жуссангда
Қаердан тоғдай тоқат?
Айт-чи, пинҳон ғуссангдан
Олиб бўларми гарддақ?

Ўйласам кўздан жовдир
Оқади ёшим сели.
Бу — сен тўкмасга қодир
Соғинч ҳисси, шекилли...

Борлиғим бўлиб юрак,
Азиз бошинг силайман.
Ҳеч дарз кетмас, бўлинмас,
Яхлит тақдир тилайман!

* * *

Менга хасис келди табиат,
Шодлигимга алам қоришиқ:
Кутиб олдим баҳорни бетоб,
Танимдаги дард-ла олишиб.

Ҳамма ёқда ифор, насим гул,
Қум ҳам, тош ҳам таратар жаранг.
Мен-чун яшаш шундайин мушкул,
Жуссамни тик тутаман аранг.

Хасис келди табиат менга...
Баҳорни ҳам кўрмакда зое.
Лекин кўзда ўхшаб нақ тонгга,
Ял-ял ёниб туради толе.

Толе ҳаёт номли жозоба,
Умр бўйи сен унга мафтун.
Бўлмас сендан ночор, ожиза —
Умидлардан қўл силтаган кун...

* * *

Умид!

Узинг несан,
недир қиёфанг?

Вазнинг бор!

Рангинг бор
ёки таъминг бор!

Заифликни босиб янговчи оҳанг,
Кўкракдан парвозга дилни ундовчи
Ҳаётбахш, сафарбар шаънинг бор,
Умид!..



Хушҳоллик

Не ажаб даврга пайванд тақдирим,
Ўзимни сезаман муттасил хушҳол.
Сабоҳ, елларидай ҳамон тик қаддим,
Оқшомги онлардай тиниқдир хаёл.

Ешлик.

Баркамоллик...

Ўзга фаслни —

Токи умр мулким, ола билмам тан,
Бағримга олганман

замон фаслини...

Танти, зукко элга суюкли экан,

Айтажак сўзимнинг поёни бўлмас!
Зеро ҳаёт қилар қўшиқ тақозо.
Бугунги инсонлар йилларни билмас.
Зеро ерга бўлди ошно фазо!

Ҳаёт қайновидай юрак урар жўш,
Дилга қалам эшки, мен беҳад хушҳол.
Шукрим, ўйларда муқимдир жунбиш,
Кўзимда кундан-кун тўлишгич иқбол.

Габриэла Мистральдан

(Чили шоираси)

Оналар айтган дostonлар

У ҚАНАҚА БЎЛАР ЭКАН?

У қанақа бўлар экан? Гулларнинг япроғига узоқ тикилиб, кейин у баргларни қувонч билан ушлаб кўраман: мен ўғлимнинг рухсори худди шу гул баргидай юмшоқ, беғубор бўлишини орзу қиламан. Мен маймунжоннинг новдаларини тўзғитиб ўйнайман. Мен унинг сочлари қора ва қуюқ бўлишини хоҳлайман. Бордию болам қорачадан келган кулоллар севадиган қизғиш лойнинг рангига ўхшаган бўлса ҳам, сочлари менинг бутун ҳаётимдай оддий, силлиқ бўлса ҳам ҳечқиси йўқ.

Мен тоғлардаги туманга қопланган ўнгирликларга тикиламан. Назаримда, туман худди қиз боланинг қиёфасига, нозикниҳол қиз боланинг қиёфасига ўхшаб кетади. Майли, қиз туғилса ҳам.

Лекин энг муҳими, бола худди эримнинг нигоҳидай мулойим, меҳрли, иссиқ нигоҳ билан менга боқадиган бўлсин, боламнинг овози худди эримнинг товуши сингари дилбар, эркаловчи, самимий бўлсин. Зеро, мен кутаётган инсонни худди ўз бўсалари билан мени бахтиёр этган кимсани севгандай севай.

УМРЛИ ДАРД

У менинг жисимда азоб чекаётганидан беҳол бўлиб рангларим ўчиб кетади. Унинг қимирлашидан дард чекаман, мен кўрмаганим, лекин танамда ардоқлаб юрганам жоннинг бир ҳаракатидан ўлиб кетишим ҳеч гап эмас.

Аммо мен бу дардни ҳис қилишим, унинг менга боғлиқлиги фақат танимда эканлигидангина деб зинҳор ўйламанг. У дадил қадам ташлаб ўз йўлини топиб юрганда ҳам, ҳатто жуда узоқлашиб кетганда ҳам унга келган шамол менинг танамни қамчилайди ва унинг чинқириғи менинг лабларимдан кўтарилади. Менинг йиғим, менинг табассумим сенинг чеҳрангга туғилади, ўғилгинам!

ШУ ТУФАЙЛИ

Майсаларнинг тагидаги ингичка жилға каби уйкуда ётган шу жон ҳаққи менга озор берманг, оғир юмушларни буюрманг, агар қандайдир таомни тусамай қолган бўлсам, шовқин-суронни кўтаролмай қолган бўлсам, ўша жон туфайли мени кечиринг.

Ҳаётнинг ҳамма пасту баланди, рўзгорнинг оғир-ёнгиликлари ҳақида мен боламни йўргаклаб олганимдан кейингина мен билан сўзлашингизни илтижо қиламан. Ҳатто қўлингизни пешонамга қўйсангиз ҳам у озор топиб ўша ердан нидо беради.

ЕР ТИМСОЛИ

Мен илгари ернинг асл қиёфасини кўрмаган эканман. Ер худди қўлида гўдак кўтариб турган аёлга ўхшайди.

Мен энди нарсаларнинг оналик моҳиятини англай бошладим. Менга қараб турган ана у тоғ ҳам — Она, оқшомлари туман унинг кифтларида, тиззаларида худди гўдакдай эркаланиб ўйнайди. Мен водийдаги ўнгирилари эслайман. Унинг тубларида қоялар ҳимоясида ҳамма ёқни куйга тўлдириб ирмоқ чопади, мен ҳам худди шу ўнгирига ўхшайман. Мен ўз жисмимнинг туб-тубида кичкинагина ирмоқни ҳис қиламан. У ўзига йўл топиб, ёруғ дунёга келгунча мен ўз танимни қоя сингари унинг ихтиёрига топширганман.

БОЛАМНИНГ ДАДАСИГА

Дадаси, менга ёндошманг. Худди сув ўзидан нилуфар бунёд этганидай, сиз менинг борлигимда инсон ато қилдингиз. Энди мен нилуфар ўсаётган кўлдай осойишта бўлмоғим лозим.

Мени севинг, илгаригидан кўра қаттиқроқ севинг. Мен мурғаккина бўлсам ҳам сизга, сизнинг ҳаёт йўлларингизга ҳамроҳ бўладиган жон ҳадя қиламан. Мен жуда кўримсизман, мен сизга олам лаззатларидан тўла бахраманд бўлишингиз учун яна бошқа кўзлар, бошқа дудоклар тўхфа этаман. Мен шундай мўртманки, севгингиздан ҳаёт шароби тўла шишадай дарров синиб, шароб каби ёйилиб кетаман.

Кечиринг, мени, дадаси! Менинг юришларим ҳам беўхшов, чой узатишларим ҳам кўпол, начора, ҳаммасига ўзингиз сабабсиз. Мана энди аранг қимирлаб юрибман.

Менга ҳар қачонгидан кўра ҳам меҳрибонроқ, ғамхўрроқ бўлинг, дадаси, жонимга ҳаяжон солманг, юрагимни ҳам ўйнатманг.

Мен энди — енгил, ҳарир бир пардаман. Бугун менинг таним мисоли бир парда, унинг остида гўдак ухляпти.

ОНАЖОН

Онам мандан хабар олгани келди. Биз ёнма-ён ўтирибмиз. Биз ҳаётимизда биринчи бор қандайдир оғир синовлар ҳақида сўзлашаётган эгачи-сингилдек ўтирибмиз.

У титроқ қўллари билан менинг қорнимни силади ва кўкракларимни очиб, авайлабгина учларини ушлаб кўрди. Назаримда, унинг қўллари тегиши билан мен худди нафис гулдек очилиб кетдим. Ва кўксимни қандайдир ёқимли ҳислар тўлқини тўлдириб юборди. Қизариб, уялибгина,

не андишалар билан танамдаги дардларим ва хавотирларим ҳақида сўзладим. Сўзлар эканман, онамнинг кўксига бошимни кўйиб олибман. Мен қайта бошдан ҳаёт олдидаги таҳликадан унинг қўлларида йиғлаб турган кичкинагина қизалоқ бўлиб қолган эдим.

СЎЗЛАБ БЕРИНГ, ОНАЖОН!

Бошингиздан кечирган оналик дардларидан хотирингизда қолганини менга ҳикоя қилиб беринг, онажон! Қани айтинг-чи, бола қандай туғилади? Таначаси ҳали менинг танамга боғлиқ гўдак қай йўсинда ёруғ дунёга келади?

Айтинг-чи, онажон, менинг кўкрагимга унинг ўзи талпинадимми ёки менинг ўзим кўкрак тутишим керакми?

Меҳру муҳаббат ҳақидаги ҳамма билимларингиздан воқиф этинг мени, онажон! Янгича эркалашга, энг нозик, энг латиф эркалашга, эримнинг эркалашларидан ҳам ўтли эркалашга ўргатинг мени!

Уни қандай қилиб чўмилтираман? Қандай қилсам унга озор бермасдан йўргаклайман?

Мени тебратиб ўлтириб айтган аллаларингизни энди менга ўргатинг, онажон! Ҳамма кўшиқлардан ҳам гўзал бу алла гўдакни ором оғушига олади, онажон!

МУҚАДДАС ҚОНУН

Айтишларича, танамда жоним дилдираб қолибди. Лекин мен ўзимни жуда енгил ҳис қилиб, эркин нафас оляпман.

— Мен ким бўлдимки,— дейман ўзимга-ўзим,— ўғлимни тиззаларимда эркалаб ўлтирсам?

Ўзимга-ўзим жавоб қиламан.

— Аёл! Севгувчи ва севгиси биринчи бўсадан зурриёт тилаган аёл!

Тупроқ менга ва мен қўлларимда кўтариб турган ўғлимга қарайди ва мени шарафлайди. Чунки эндиликда мен мевали, пальма дарахти ва жўяклар мисол жаҳонга ҳаёт берган мевали ва муқаддасман.

АЛЛА

Тун қоронғи, тун ғариб,
Тун ичра қолди денгиз.
Мен бешигинг тебратиб,
Ўзни сезмайман ёлғиз.-

Осмон оламда ғариб,
Ойни ҳам қучди денгиз.

Сени қўлда кўтариб
Ўзни сезмайман ёлғиз.

Инсон ер узра ғариб,
Топилмас бироқ ғамсиз.
Сен билан тўлиқ бағрим,—
Эмасман якка-ёлғиз...

ЭЗГУЛИК

Сенга атаб мен айтсам қўшиқ,
Бунда тупроқ билмайди ғамни.
Кулгинг мисол мулойим, илиқ
Тоғу тошлар, қирлар тикани.

Сенга атаб айтаман қўшиқ,
Ҳайдаб оғир ўйларни куйдан.
Нафасингдан меҳрга тўлиқ
Ҳатто илон, қоплон уйида.

Бутун ер узра кундуз,
Уғилчам кўз юммайди.
Бошида нур тинимсиз
Шўхлик қилиб ўйнайди.

Ўйнар боғда ҳар новда,
Игначи тушар рақсга.
Улоқчадай ҳаводан
Булут сакрайди пастга.

Шов-шувга тўлиб чошгоҳ
Қошида чуғурлайди.
Йўрлагин ечиб ногоҳ
Ел севиб эркалайди.

Тун чўқади... чирилдоқ
Қочар эшигим қоқиб.
Юлдуз кўз қисиб қувноқ,
Ўйнар гўдагим топиб.

Узга онага дейман:
«Йўлинг кўп, йўлинг узоқ.
Сен болангни тебратсанг,
Меники ухлар тезроқ.»

У — борлиғи матонат
Чексиз чувалган йўлда
Дейди: «Ўз боланг тебрат,
Меники ухлар шунда.»

Марина ЦВЕТАЕВАДАН

Кеча термулардинг ҳали кўзимга,
Бугун қайлардадир кезади нигоҳ!
Кеча қуш тургунча бўлдинг ўзим-ла,
Бугун ҳамма тўрғай — нақ қарға сиёқ.

Мен чунон нодонман, сен эса доно,
Сен тирик, мен жонсиз данг қотиб қолдим.
Замонлар аёлин доди бу садо:
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим!!»

Аёл кўзёши — сув ва қони ҳам — сув,
Қонда ва кўзёшда чўмилди аёл.
Севги она эмас, ўғай она у,
Ҳукм ва тараҳҳум кутмак хом хаёл.

Кема олиб кетар севгилимизни
Уларнинг йўллари нурафшон доим.
Фарёдимиз тутар ернинг юзини:
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим!!»

Ҳали кечагина ётиб пойимда
Бир юрт ҳоқонига этгандинг қиёс.
Бирдан икки қўлим қолди ёнимда,
Занглаган чақадай сочилди ҳаёт!

Фарзандин қатл этган бир жаллодсимон
Сўддаман: носуюк, журъатсиз, музлим.
Мен дўзахдан сенга чекаман фиғон;
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим!!»

Сўрайман стулдан ва каравотдан:
«Нечун шунча азоб, шунчалик тоқат!»
Ва жавоб оламан: «Тўйди ўпмакдан,
Ўзгани ўпмак-ла, этмоқчи бадбахт.»

Оташда яшашга ўзинг ўргатдинг
Ва муз саҳросига сўнг отдинг жисмим.
Мана, не кунларга солдинг, не қилдинг,
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим!!»

Мен барин айтаман — қилма эътироз,
Боз кўзим очилди. Эмасман жазман.
Қаерда чекинса муҳаббат, шу хос
Ҳукмин бошлар ажал аталмиш боғбон.

Олма шоҳларини силкитмоқ нечун,
Пишиб етилганда тушар ўзи жим...
— Мени кечир, бари, барчаси учун,
Жонгинам, мен сенга не қила қолдим!!


Анна АХМАТОВАДАН

Юртин ёв қўлига ташлаб кетганлар
Ҳеч замон ҳамроҳим бўлолмас меним.
Маҳлиё этолмас мадҳу найранглар,
Уларга бермасман битта ҳам шеърим.

Лекин мисли тутқун, мисоли хаста,
Ҳамиша аянчли менга қувғин жон.
Мусофир, йўлларинг қора зулматда
Ҳеч вақт ширин бўлмас ёт қўл берган нон.

Бу ерда, ёнғинлар аччиқ дудида,
Қолган ёшлигимиз этаркан қурбон,
Эл бошига тушган кўргуликлардан
Ўзимизни олиб қочмадик бир он.

Биламиз, келажак қилар сарҳисоб,
Қийматин топади ўтган ҳар соат.
Лек, биздек кўзёшсиз, оддий ва кибор
Одамлар бўлмаган жаҳонда ҳеч вақт...





Гўзалбек Холлиев

Ҳаёт ва тинчлик фидойиси



ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Мен ушбу журнални севиб ўқийман. Мана, яна «Шарқ юлдузи» журналининг 1984 йил ўнинчи сони қўлимда. Журналнинг бу сониде Буюк ғалабамизнинг қирқ йиллигига атаб берилган очерк — «Самандар»ни ўқиб ҳаяжонланиб кетдим. Бизнинг Ўзган шаҳрида ҳам Қаҳҳор ака Шарипов деган киши бўлар эди. Уша киши ҳам Польшани озод қилишда қатнашган деб эшитардик. (Ҳозир у киши Тошкентда яшайди). «Самандар»да мадҳ этилган Санобар опани ўлим лагеридан кутқарган «Авлиё Никола», яъни Қаҳҳор ака Шарипов бизнинг ўзганликмикан ёки бошқа кишимикан?

Ҳурматли редакция! Агар малол келмаса, шу киши тўғрисида маълумот берсангиз.

Ўзган шаҳар, Абдуваҳобовлар оиласи.

Дафъатан қуйиб ўтган ёмғирдан сўнг кўкда камалак жилва қилди. Ҳаво кишини энтиктириб юборадиган даражада мусаффолашди. Атиргулларнинг ҳиди атрофни тутиб кетди...

Баланд бўйли, ёши олтмишдан ошганига қарамай қадди тик, кўзларида қатъият ва меҳр порлаб турган киши қўлида гулқайчи билан ҳовлига чиқди. У баҳор осмонида товланаётган камалак жилосига тикиларкан, кўнглида алланечук туйғулар уйғонди. Ҳозиргина юзини ёмғир чайиб ўтган нафис гулларни оҳиста ораларкан, Қаҳҳор ака уларни беихтиёр сийпаларди, ўтмишни эслаб, лаблари оҳиста пичирларди: «Ҳаёт қанчалар гўзал, яшаш, тириклик нақадар ширин!..»

...1920 йил. Фарғонада енгилган босмачиларнинг бир қисми Ўш, Ўзган шаҳарлари ва теварак-атрофдаги қишлоқларда, Олой тоғларининг ёнбағирларида изғиб юришарди. Ер-сувдан ажралган, мол-мулки мусодара қилинган аламзада бойлар эса тоғу тошларда беркиниб олган босмачилар томонига ўтиб, кечалари қишлоқларга бостириб келар, ёшу ялангларни, шўро активларини ўлдириб, уйларига ўт қўйиб; мол-мулкларини талаб олиб кетишарди. Вазият ташвишли эди.

Ҳамма нарсага қизиқиш билан қарайдиган, анча воқеаларнинг моҳиятига тушуниб етадиган, саккиз ёшли шўх ва абжир Қаҳҳорни худди шу йили отаси эски мактабга топширди.

Эски мактабдаги ўқитиш услублари ғайратли, зийрак Қаҳҳорга дастлабки кунданоқ маъқул тушмагач, воз кечиб, Мамадали Кўчқоров таълим бераётган янги билим даргоҳига борди.

Қаҳҳор совет мактабида ўқишга жондилдан берилди. Жамоат ишларида фаол қатнашди. Биринчилар қаторида кашшоф бўлди.

Уттизинчи йилларда Ўзган территориясида аҳвол жуда мураккаблашиб кетди. Ғойиб понсод, Жонибек қози, Айтмерек кабилар бошчилигида босмачи тўдалар тинч аҳолини тез-тез безовта қила бошладилар. Ёш бўлишига қарамай, янги тузум афзалликларини тушунган, босмачиларнинг тезроқ барҳам топишини истаган Қаҳҳор Олим ака Мирзараҳимов раҳбарлик қилаётган кўнгилли қизил отрядга ёрдан бера бошлади. У командирнинг кўрсатмаси билан муҳим топшириқларни бажариб юрди. Ғойиб понсод босмачи тўдаларининг энг катталаридан бири — Усмон Алининг Ўзган шаҳарида беркиниб ётган жойини қизил қолган Қаҳҳор шу кунгича қизил аскарларга хабар берди. Тезликда Усмон Али шайқалари қўлга олинди. Шундайдан жасорат, фидойилик кўрсатаётган Қаҳҳорга мустақил разведкачи сифатида махсус топшириқлар ҳам берила бошланди. Ун икки ёшли кашшоф-разведкачи эшак миниб, хуржунига ип, игна, этик мойи каби майда-чуйдаларни солиб, нонга алмаштириш учун юрган етим бола қиёфасида, қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул кезиб юрди. У гап орасида босмачилар ҳақида маълумот тўплар, эшитган янгиликларни ўзига тегишли одамлар орқали тезлик билан Ўзган шаҳарига, қизил командирга етказиб турарди.

Шундай кунларнинг бирида, Қаҳҳор Селек қишлоғига кираверишдаги йўлдан кетаётганда, ўзганлик аравакаш Тўрабой шайтонга дуч келди. Қинғир ишлар уштомони бўлгани учун халқ орасида «шайтон» аталувчи бу одам Қаҳҳорнинг Усмон домла даргоҳини ташлаб кетганини, Мамадали Қўчқоров мактабида ўқишини ҳам билар, қизил галстук тақиб юрганини бир неча бор кўрганди. Усмон домладан яна қўшимча маълумотлар ҳам эшитганди. Қаҳҳор унинг босмачилар айғоқчиси эканлигини сезиб, йўлни терс ёққа бурмоқчи бўлди. Боланинг ниятини сезган Тўрабек шайтон:

— Қизил кашшофга йўл бўлсин? Бу томонларга ташриф буюрибдиларми?! — сўради истехзоли кулги аралаш.

— Шундай, ўзим, майда-чуйда нарсаларни нонга алмаштириб, тирикчилик ўтказиб юрибман, — дея хуржунига ишора қилди Қаҳҳор. Шунда шайтон бир нималар деб ғўлдираб, аравакаш тизлатди ва қаршисидан келаётган саллали кишини тўхтатиб, унга бир нималар деди...

Қаҳҳор қишлоққа яқинлашган ҳам эдики, қаршисидан бир неча отлик чиқиб, уни қўлга олдилар. Болани босмачилар қароргоҳига олиб келишиб, сўроқ қилишга киришдилар. Сўроқдан натижа

чиқмагач, ваҳшийлар уни обдан тепкилаб, ҳушидан кетгунча саваладилар. Қаҳҳор ҳушига келиб, ўзини қоронғи оғилда кўрди. Сўроқлардан натижа чиқара олмаган кўрбоши, алдагани бола яхши, деб ўйладими, мулойимлик билан аврай бошлади:

— Хўш, ўғлим, сен қайси қишлоқларда бўлдинг, кимлар билан суҳбатлашдинг? Сен билиб берган маълумотларни Ўзган шаҳрига кимлар етказиб турипти? Шу саволларимга тўғри жавоб берсанг, қўйиб юбораман.

Қаҳҳор биринчи сўроқда: «Мен бир камбағал етимчаман, фақат очликдан ўлмаслик учун шундай тирикчилик қилиб юрибман», деган жавобини яна қайтарди. Қўрбошининг овози ўзгариб:

— Ёлғон гапиряпсан, тирранча. Сен, кичкина фирибгар, айғоқчисан, қизилларнинг шеригисан! — дея ғазаб билан ўшқирди. — Тўғрисини айтсанг, озод қиламан, кўп олтин пуллар ҳам бераман. Агар алдасанг, мана буларга ўхшаб асфалософилинга жўнатаман!

У ерда ётган уч мурдани кўрсатди. Қаҳҳор ваҳшиёна ўлдирилган одам ўликларини кўриб бадани жимирлади, кўз олди қоронғилашиб кетди. Лекин яна тезда ўзини тутиб олди, кўрбошининг ширин сўзларига ҳам, қуюқ ваъдаларига ҳам учмади. У фақат: «мен нон учун юрибман, ўзим ҳам, уйимдагилар ҳам оч», деган гапни такрорлайверди. Шунда Ғойиб понсод ўзини туютмай: «Буни кўзимдан йўқот!» деб бақиршиб билан Қаҳҳорни яна дўппослай-дўппослай ўша молхонага ташлашди. Яна сўроқ, яна дўппослашлар давом этди. Понсод ниҳоят унга: «Бу — охириги сўровим, агар энди ҳам айтмасанг терингни шилдираман, гўштингдан кадоб пиширтираман!» деди. Қаҳҳордан бари бир садо чиқмади. «Улсам ўлайки, аммо сотқинлик қилмайман», деб ўз-ўзича қасам ичди у. Шу ниятда кўрбоши башарасига нафрат билан тик қаради. Бу ҳолни кўрган понсод ёнидагиларга имо қилиши ҳамонно навкарлардан икки киши болани судраб, ҳовлига олиб чиқишди. Бир оздан сўнг кўрбошининг ўзи ҳам кўринди. Шу дамда босмачилар жаллоди пичоғини қинидан суғуриб, Қаҳҳорнинг бармоқларини кеса бошлади. Шунда ҳам қаҳрамон кашшофдан садо чиқмади. Буни кўрган қонхўрлар бола бармоқларининг терисини шилиб, туз сепишди. У бари бир бирон сирни айтмади. Ҳушидан кетган Қаҳҳорни судраб яна молхонага элтиб ташлашди. Шу кунни тунда кўрбоши беркинган қишлоққа Осташков, Жуков ва Мирзараҳимовларнинг кўнгилли отрядлари бостириб кирди. Уларга Қаҳҳорнинг маълумотлари етиб борганди. Қонига беланиб, чала ўлик ҳолда ётган Қаҳҳорни эса молхона ичкарисидан олиб чиқишди, даволашди.

Шундан кейин ҳам Қаҳҳор Фарғонада ва Қирғизистон тоғлари ичкарасида беркиниб юрган босмачи тўдаларининг қолган-қутганларини йўқ қилишда актив иштирок этди. Ўзган воҳасида тинчлик ва осойишталик бошланди. Босмачиларни тугатишда фаол қатнашган, оғир кунларни, даҳшатли синовларни бошидан кечирган, ўз маслаги йўлида ўлимдан ҳам кўрқмайдиган Қаҳҳор Шарипов социалистик қурилиш ишларида ҳам алоҳида жонбозлик кўрсата бошлади.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига хиёнаткорона уруш бошлади. Бу пайтда Қаҳҳор Шарипов ўз жанговар бурчини ўтаб, Ғарбий Украинанинг чегарасида, 261-ўқчи полкда офицер эди.

Унинг взводи зиммасига дастлабки жангдаёқ немис танклари ҳужумини қайтариш топшириғи тушди. Менаравия қишлоғи учун беш кеча-кундуз тинимсиз жанг кетди. Кучлар тенг эмасди. Қаҳҳор Шарипов хизмат қилаётган полк қўшинлари душманга катта талафот етказиб, махсус буйруққа биноан, снарядларнинг «ёмғири» остида чекина бошладилар. Кутилмаганда Қаҳҳор оёғидан қаттиқ яраланиб, жанг майдонида йиқилиб қолди. У ҳушига келиб, кўзини очганда қўлидаги автоматни унга тўғрилаб турган фашист солдатини кўрди...

Асирлар ортилган поездда ғарб томон кетаётган Қаҳҳор Шариповнинг хаёлидан: «Қочиб керак, қочиб қутулишим, душмандан аёвсиз ўч олишим керак», каби хаёллар сира аримасди. Поезд Варшава яқинига бориб тўхтади. Асирларни Радом қишлоғи ёнидаги катта концлагерга олиб кириб қамашди. Лагерда ўн мингдан ортиқ ҳарбий маҳбуслар бор эди. Улар 250-350 кишилик группаларга бўлиниб баракларга жойлаштирилганди.

— Лагерда маҳбуслар кун бўйи оғир меҳнат қилишар, кечалари эса бир-бирларининг пинжларига суқилишиб, тўп-тўп бўлиб очиқ ҳавода ётишар эди. Кўпчилик очлик ва совуқдан шишиб кетган, баракларда ҳар кун 30—40 киши совуқдан ўлиб қоларди, — деб ўша қора кунларни эслайди Қаҳҳор Шарипов.

Қочиш режасини тузиб юрган йигит ўзи сингари душманлардан ўч олиш истигади ёнган беш кишини атрофига тўплаб, группа тузди. Улар бир қарорга келишгач, кечаси лаҳм қазिशга киришдилар. Беш йигит кундузи ишлар, кечалари металл парчалари билан ер қавлардилар. Тонг отиши билан лаҳм оғзини беркитиб, ишга кетардилар.

Оч, юпун, мадорсиз, аммо тиришқоқ йигитлар 15 кунда бу ишни ниҳоясига етказдилар. 1942 йилнинг 13 февраль оқшоми, ҳамма уйқуга кетганда, қавланган йўл орқали биринчи бўлиб Қаҳҳор, унинг кетидан шериклари чиқиб қочиб қолди. Қўлга тушмаслик учун улар якка-

якка бўлиб кетдилар. Қаҳҳор Шарипов кечга яқин Польша қишлоқларидан бирига етиб келди. Қоронғи тушиши билан таваккал қилиб бир эшикни тақиллатди. Унинг бахтига бу уйнинг эгаси поляк коммунисти бўлиб чиқди. Мезбон Қаҳҳорни уйига киритиб дам олдирди, парваришлади. Сўнг Польша партизанларига қўшилиб олиши учун кўмаклашди. Қаҳҳор Шариповнинг Польша партизанлари билан қўшилиши қасос ўтида ёнган йигитга фашистлардан ўч олиш учун катта имкон яратди. У қисқа муддат ичида темир йўлларда қўпорувчиликни уюштириб, отрядни озиқ-овқат билан таъминлаш, ярадорларни даволаш ва шунга ўхшаш ишларнинг моҳир устаси эканлигини амалда исботлади. 1943 йилда тиришқоқ ва кўрқмас йигитни Польша бирлашган ишчилар партияси аъзолигига қабул қилдилар. У Варшава яқинидаги Легинов, Яблони, Непорента каби районларда ҳаракат қилган партизанлар отрядининг жасур командири сифатида шуҳрат қозонади. Қаҳҳор Шарипов отряди катта-катта операцияларда қатнашиб топшириқларни муваффақият билан адо этмоқда эди...

Ҳамма ишлар кўнгилдагидек кетаётган бир пайтда негадир партизанлар кетмакет муваффақиятсизликка учрай бошладилар. Варшава кўзғолони арафасида шаҳарга қурол келтираётган группалар немислар қўлига тушди. Айниқса, шаҳарга бориб-қайтиш жуда қалтис иш бўлиб қолди. Отрядда сотқин бор, деган тахмин туғилди. Людовой армиясининг 3-округи командири, сиёсий раҳбар Р. Крогульскийга бу ҳақда хабар берилди. Лекин сотқинни топиш қийин эди. Қаҳҳор Шарипов бу ишни ҳам ўз зиммасига олди. Унга сотқинни топиш ва Лайск қишлоғи ёнида жойлашган немис қўшинларининг сонини аниқлаш вазифаси топширилди.

Қоронғи тушиши билан Қаҳҳор Шарипов бошлиқ партизанлар деҳқон кийимида йўлга чиқдилар. Лайскка яқинлашганда кутилмаганда отишма бошланди. Қаҳҳор Шарипов буйруғига биноан, отряд иккига бўлиниб, бир группаси душман билан отишиб турди. Бир неча партизанлар эса Қаҳҳор билан бирга қишлоққа кириб, бостирмага беркинишди. Кундузи бу жойда қолиш хавфли эди. Шунинг учун қўлида ҳасса, оқсоқ қиёфасидаги Қаҳҳор Шарипов шаҳар томоғи ҳайдаб кетилаётган одамлар тўдасига қўшилиб олди. Шаҳарга кириш жойида ҳужжат текширилайдиган пост бор эди. Қаҳҳор назорат пунктига яқинлашганда: «Тўхта! Партизан!» деди кимдир. У овоз чиққан томонга қаради. Рўпарасида «аскарликдан қочиб келдим», деб бундан уч ой олдин партизанлар отрядига қўшилган одам турарди. Қасос ўтида ёнган йигит фурсатни бой бермасдан,

қўйнидан тўппонча чиқарди-да, сотқинни шу ернинг ўзида отиб ўлдирди. Аммо ўзи қочиб қутула олмади. Немис солдатлари унга ташландилар ва қўлларини орқасига боғлаб, олиб кетдилар. Немисларнинг сўроқларига Шарипов бир оғиз ҳам жавоб бермади. Ғазабдан жони ҳиқилдоғига келган фашистлар уни қаттиқ калтакладилар, тепкиладилар. Калтак зарбидан Қаҳҳор Шариповнинг бутун аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб, тишлари синиб кетди. Шунда ҳам у ўзини йўқотмади. Бу асирдан бирор наф чиқишига кўзи етмаган фашистлар уни отиб ташламоқчи бўлдилар. Лекин ҳукм ижро этиладиган куни партизанлар уни қутқардилар.

Қаҳҳор Шарипов шундан кейин олтинчи Польша партизанлари отрядида ҳаракат қилди. Орадан кўп ўтмай, яна ўзининг кадрдон отрядини топиб олди. Қаҳҳор Шариповнинг ўз полкида пайдо бўлиб, фашистларга яна қирон келтириши унга чексиз шон-шўҳрат келтирди. Қаҳҳорга польшаликлар «Авлиё Микола» деб ном бердилар. Асирлик азобини тортган Шарипов Варшава атрофида жойлашган лагерларга, тутқунлар ортилган эшелонларга ўз отряди билан ҳужум қилиб, минг-минглаб асирларни ўлим чангалидан олиб қолди, уларни ҳам фашистларга қарши курашга бошлади.

Газандаларни Польша тупроғидан тамомила қувиб чиқариш учун 1945 йилнинг 12 январида совет қўшинлари қаттиқ ҳужум бошладилар. Немис қўшинларининг йўлини тўсиш учун, Модлин қишлоғи яқинидан ўтадиган Нарев ва Буғ дарёси устидаги темир йўл кўпригини портлатиш зарур эди. Кўприк портлатилса Модлин райони қалъасида жойлашиб олган газандаларнинг катта бир қисмини йўқ қилиб ташлаш имконияти туғиларди. 16-Динова-Лужицк танк бригадасининг сиёсий бўлим бошлиғи, гвардиячи-полковник А. Н. Рябченко, партизан отрядлари командирлари операцияни тез, пухта ва аниқ амалга ошириш планини муҳокама қилдилар. Бу муҳокамада Қаҳҳор Шарипов ҳам қатнашди. Ишлаб чиқилган план асосида партизан отряди тез ҳаракат қилиши кўзда тутилганди. Шунда командирлар бир масала хусусида ўйланиб қолишди: операциянинг бошқа нозик ва хавфли томони бор эди. Буни Қаҳҳор Шарипов қўйидагича изоҳлайди: «Портлатиладиган кўприкка борадиган йўл йўқ. Варшава шаҳрида бўлиб ўтган кўзғолондан кейин немислар ҳаммаёқда назоратни кучайтириб юборишган. Шунинг учун ҳам партизан отрядлари командирларини бу вазифа ўйлатиб қўйганди. Ўйланиб ўтиришга вақт йўқ, ўрнимдан туриб: «Бу операцияни менга топширинглар», дедим. Топшириқни олдим-у, операциянинг ниҳоятда оғирлигини ва муҳимлигини яна бир

қарра чуқур ҳис қилдим. Фурсат ниҳоятда зиқ эди. Белгиланган жойга бориш йўлини дарров хаёлан тасаввур қила бошладим. Сафар тараддудини кўраётганимда ёнимга Януш ва Тадауш исмли поляк йигитлари келиб: «Уртоқ командир, сиз билан бирга боришимизга рухсат беринг, деб туриб олишди. Шунда мен уларнинг раъйини қайтармадим. Учаламиз қурол-аслаҳа, портлатгичларни олиб, қоронғи тушиши билан жунаб кетишга тайёр бўлдик. Шунда яна бир қўшимча муҳим топшириқ келди: биз портлатадиган кўприқдан тунда немис солдатлари тушган, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ортилган эшелон ўтиши кутилаётган экан. Кўприк билан бирга шу составни ҳам портлатиш лозим. Бу хабардан сўнг яна қўшимча портлатгичлар олиб, қоронғи ўрмон ичидан юриб кетдик. Топшириқни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан душманга сездирмасдан бажаришимиз кераклигини йўл-йўлакай Януш ва Тадаушга тушунтирдим. Биз кўприкка ярим тунда етиб бордик. Қулай фурсат топиб, портлатгичларни яхшилаб жойлаштирдик ва поезд келишини кутиб ётдик. Азонга яқин қатор вагонлар тиркалган паровоз белгиланган жойга етиши биланоқ, портлатгичга уланган симни куч билан тортиб юбордим. Шундай кучли портлаш бўлдики, темир йўл кўприги билан бирга эшелон дарёга қулаб тушди. Шу заҳоти кучли отишма бошланиб кетди. Немис солдатлари бало-қазодай ёпирилиб кела бошлади. Немислар билан отишиб турганимда ўқим тамом бўлди. Шунда: «Энди ҳамма нарса тамом, гранатамни оламан-у, ўзимни портлатаман, ҳам кўплаб немисларни ўлдираман. Асосий ишни бажардим — кўприкни портлатдим, эшелонни ағдардим, энди ўлсам ҳам беармон кетаман», деган хаёлга бордим. Эндигина гранатани олиш учун ҳаракат қилаётганимда, бошимга ўқ тегиб, беҳуш бўлиб қолибман...».

Қаҳҳор ака кўп қон йўқотиб, беҳуш ётганида немислар уни асир олишди. Партизанлар тўғрисида маълумот беришини талаб қилишиб, фашистлар уни турли хил усуллар билан қийнадилар. Оёқларини махсус тайёрланган қийноқ исканжалари орасига олиб сиқишди. Қийноқ оёқ суяқлари парчаланиб, тўпиқлари эзилиб кетгунча давом этди. Ҳушидан кетганда фашистлар уни зах ертўлага ташлашиб, ҳушига келгач, яна сўроқ бошладилар. Қаҳҳор ака бари бир ҳеч нарса айтмади. Ғазабдан ваҳшийлашган фашистлар свастика тамғаси туширилган темирни қип-қизил чўғ қилиб пешонасига босишди (тамғанинг ўрни ҳозир ҳам Қаҳҳор ака пешонасида аниқ кўриниб туради). Шунда ҳам у душманга сир айтмади. Қийноқлар зарбидан ўликдек чўзилиб қолган партизанни немислар

яна ертўлага элиб ташлашди. Кутилмаганда совет кўшинлари немис қароргоҳига ҳужум қилиб, бу ердаги асирларни, шу жумладан Қаҳҳор Шариповни ҳам озод қилдилар.

Қуролдош дўстларининг меҳрибонликлари ва душман устидан кетма-кет эришадиган ғалабалари «Авлиё Микола»ни яна соғайтириб, оёққа турғизиб юборди. Фашист газандаларини қувиб, Польша тупроғига кириб келган Совет Армиясини «Авлиё Микола» бошлиқ партизанлар кучоқ очиб кутиб олдилар. Польша озод этилгандан сўнг Қаҳҳор Шарипов Легинова шахрида хавфсизлик милицияси сафида ва Легинова — Рембертув шаҳарларида совет ҳарбий комендантининг ўринбосари вазифасида ишлайди. 1945 йилнинг кузида у ўз она Ватанига қайтади.

Она-Ватанга чексиз муҳаббат, фидойилик, ҳалол меҳнат, эзгу ният инсонга бахт ва обрў келтиради. Қаҳҳор ака ҳам ана шундай яшаб, бахтга муяссар бўлганлардан.

Партия ва ҳукуматимиз Қаҳҳор Шариповнинг қаҳрамонона курашларини, кўрсатган жасоратларини ҳисобга олиб, уни «Қизил юлдуз» ордени ва кўплаб бошқа медаллар билан тақдирлади.

У Польша ерларини немис bosқинчиларидан озод этишда олиб борилган жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Польша ҳукумати томонидан ўн бир марта орден ва медаллар билан тақдирланган. 1967 йилнинг 10 апрелида Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши қарори билан Қаҳҳор Шариповга республиканинг олий мукофоти — «Партизанлик Олтин Крести» ордени топширилди. 1973 йилнинг Октябрь ойида Польша Халқ Республикасининг Киев шахридаги Бош ваколатхонасига Қаҳҳор

Шариповга «ВВС фахрий офицерлик ханжари» ва «Польша Халқ Республикаси жасур аскарининг Биринчи даражали фахрий нишон»и топширилди.

Қаҳҳор Шарипов «Грунд Волт-Берлин» медали, «Офицерлик крести», «Вербутто» ордени, «Варшавани озод этиш» медали сингари мукофотларга ҳам сазовор бўлган. Қаҳҳор аканинг кўксига яна янги медаллар порлади. Польша ҳукуматининг таклифига биноан у ўзининг иккинчи она-юртига бориб, Ф. Э. Дзержинскийнинг 100 йиллиги юбилей медали ва дастасига олтин суви югуртирилган иккинчи «Фахрий офицерлик ханжари» билан ҳам тақдирланди.

Запасдаги полковник, Польша Халқ Қаҳрамони, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Қаҳҳор Шарипов ҳозир ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб келмоқда. У радио, телевидение орқали ҳарбий ватанпарварлик мавзусида тез-тез суҳбатлар ўтказмоқда, пионер, комсомол ва студентлар орасида бўлиб, граждандар ҳамда Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонликлар ҳақида суҳбатлашмоқда. Шу билан бирга, Қаҳҳор ака кўчаларни ва кварталларни кўкаламзорлаштиришда ҳам ёшларга бош-қош бўлиб келяпти.

«Мен ер очиб, кўчат ўтқазиб боғ қилишга ёшлигимдан ҳавасманд эдим. Аммо тақдир тақозоси билан бу ишларга ёшлик йилларимда фурсат бўлмади. Шунинг учун қолган умримни ер очиш, кўчат ўтқазиб, боғ қилишга бағишляпман», дейди Қаҳҳор ака. Утган умрини халқлар бахти, эзгу иш учун бағишлаган, шу мақсадда ўлимларни енгган Қаҳҳор Шариповнинг ҳаёт йўли ёш авлодлар — Ватанимиз посбонлари учун намунали бир мактабдир.



Абдусалом
Муталибов

ПАРТИЗАН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Биринчи снарядим душманни яксон қилади

Биз бу кунни икки йил кутдик. Икки йил концлагердан қутулиш, партизанларга қўшилиб фашистлардан ўч олиш орзуси билан яшадик. Ниҳоят орзуимиз ушалди. Василий Петрухно, Иван Рижик, Иван Романов билан бирга икки кундан буён белорус ўрмонларида эркин юрибмиз. Подполковник Градовнинг разведка-қўпорувчи группасидаги мураккаб операциялар, қўлга тушиш, гестапо зиндонларидаги қийноқлар, Малий Тростянец қишлоғи яқинидаги СД концлагери, назоратчини ўлдириб қочиш... Ҳаммаси орқада қолди. Очлик, чарчоқ силламизни қуритаётган бўлса-да, тезроқ партизанларга қўшилиш истаги гўё танзимизга куч

Фашист босқинчилари она-Ватанимиз тупроғига хоинона бостириб кирган пайтда ушбу эсдадикларнинг муаллифи Абдусалом Муталибов. Белоруссия Политехника институтининг 3-курс студенти эди. У урушнинг биринчи кунлариданоқ Ватан ҳимояси учун жангга кирди. Урушнинг барча азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирди. Немис-босқинчилари ташкил этган ўлим лагеридаги даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Концлагердан қочиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, подполковник Градов (С. Ваупшасов) раҳбарлик қилган партизан разведка-қўпорувчилик группасида қатор мураккаб операцияларни амалга оширишда қатнашди.

Белоруссия озод қилинган, 3-Белоруссия fronti қўшинлари сафида Вильнюс, Каунас шаҳарларини, кейин бутун Литвани озод қилиш, Шарқий Пруссияни фашизм асоратидан қутқаришда, Кенигсберг Пиллау фронтларидаги олишувларда, Кенигсберг (ҳозир Калининград) қалъасини озод қилиш жангларида иштирок этди. Шонли Совет Армияси сафида милитаристик Япония қўшинларини тор-мор этишда ҳам қатнашди.

бағишлаётгандек. Шу боис тунда, ўшанда ҳам қишлоқларга кирмай ҳаракат қиламиз. Бизга Минск яқинидаги ўрмонда партизанлар отряди борлигини айтишган, лекин ҳалигача уларнинг ўзи тугул изидан ҳам дарак йўқ. Ўрмонда кундуз юриш хавфли, ҳар қадамда душманга рўпара келиш ҳеч гапмас. Бунинг устига биз даҳшатли йўл-йўл ҳалат ва иштондамиз. Баъзан дарахтга тирмашиб чиқамизу партизанлар гулхани кўриниб қолармикан деган умидда тун қўйнига тикиламиз.

Тонг ёриша бошлади. Суви тип-тиниқ анҳор бўйида тўхтадик. Атроф сокин. Қаердадир, узоқ-узоқларда бомбаларнинг гумбур-гумбури элас-элас қулоққа чалинади. Саҳарги намхуш шабада эскириб титиғи чиққан кийимимиздан ўтиб баданга игнадай санчилади. Сакрабми, югурибми исинай десанг, мадор йўқ. Гулхан ёқишга гугурт керак. Азим қайин ёнидаги чуқурдан бошқа яхшироқ «бошпана» кўринмади кўзимизга. Чуқур зах, чиринди ҳиди анқийди. Бир-биримизнинг пинжимизга тикилиб ўтирибмиз. Бошқа чора йўқ. Қоронғу тушишини кутиш керак. Ҳа демай қуёш чиқди. Танага илиқлик югургандай бўлди. Уйқу элитди.

Қанча ухладим, билмайман. Бир пайт кимдир туртиб уйғотди. Зўрға кўзимни очдим. Вужудим зирқираб, бошим, оёғим лўқиллаб оғрирди. Уйғотган Василий экан. Кўриниши жуда тетик, қўлида эски челақ. У:

— Манавини қаранглар, сут, сигирни сути! — деди севиниб.

Чинданам қўлидаги челақда оппоқ сут кўпикланиб турарди.

— Аввал ичиб, қоринни тўйдириб олинглар, кейин гапириб бераман, — деди Василий савол беришимизга қўймай.

Сут муздай эди. Навбат билан симирик. Челақнинг кир-чирига ҳеч ким аҳамият бермади. Охирида ифлосланиб қолган қўйқани ҳам кўзни чирт юмиб ичиб юбордим. Зирқираб турган вужудим тетиклашгандай бўлди.

— Беш-олти километр нарида қишлоқча бор экан, — дея ҳикоясини бошлади сут ичиб бўлишимизни кутиб турган Василий. — Немислар йўқ. Сигир-моллар анча, бемалол юрибди. Четроқда юрган биттасини ушлаб, соғиб олганим шу. Агар, хўп десанглар, ўша ерга борамиз. Қишлоқда партизанлар қаердалигидан хабардор одам бўлиши керак.

— Сотқин бўлсачи?

— Ҳозир бориш хавфли.

— Немислар кепқолиши мумкин.

Уйлаб-ўйлаб тунда боришга қарор қилдик. Қуёш ботди. Қоронғида одам-одамни танимайдиган пайт келди. Анҳордан ўтиб, Василийнинг изидан йўлга тушдик. Ўрмон аста-секин сийраклашиб бораверди. Ниҳоят, олисдан итнинг акиллагани эшитилди. Яна бирпас юрганимиздан кейин, милтираган чироқ кўзга ташланди. Чироқлар ўчмай қишлоққа кириш хавфли. Қабристонда икки соатча кутишга тўғри келди. Кейин эҳтиёткорлик билан, оёқ учида энг четдаги уйга яқинлашдик. Петрухно деразани оҳиста чертди. Жимлик. Яна чертмоқчи эди аёл кишининг «Ким?» деган овози эшитилди. «Қочоқлармиз» деди Петрухно. Жавоб бўлмади. Анчадан кейин эшик очилиб, остонада фонус кўтарган аёл билан милтиқли киши пайдо бўлди.

— Хўш, сенларга ким керак? — милтиғини ўқталиб, дўриллади эркак. — Ким юборди ўзи?!

Унга воқеани қисқача айтиб бердик. Аёл қўлидаги фонусни юзимизга тутди, эркак милтиғини шай тутган ҳолда яқинроғимизга келиб, афт-башарамизга, уст-бошимизга қаттиқ тикилди. Ишонди шекилли: «Юрингларчи, кўрамиз» — деди.

Буюк Ғалаба кунини жанговар орден ва медаллар билан кутиб олган Муталибов урушдан сўнг яна ўқишни давом эттирди, аввал кандидатлик, сўнг докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Абдусалом Абдуғаниевич Муталибов бузунги кунда республикамизнинг кўзга кўринган олимларидан бири. У — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, СССР Министрлар Совети мукофоти лауреати, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, техника фанлари доктори, профессор.

Абдусалом Абдуғаниевичнинг журналхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган эсдаликларида совет халқининг урушда кўрсатган жасорати, партизанлар ҳаракатининг Буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Н. МАЛАГА,
доцент

Хотинига шивирлаганча бир нималарни тайинлади. Аёл бошини лиқиллатди, бизга ёвқараш қилиб, уйга кириб кетди. Эркак индамай йўл бошлади. Аввал дарё ёқалаб, кейин ўрмон оралаб узоқ юрдик. Тун, совуқ, оёқни зўрға кўтариб босамиз. Буям камдай йўлбошловчимиз йўлни ботқоқликка қараб солди. Ҳамма томонини ботқоқлик ўраб турган оролчага қадам қўйишимиз билан осмондан тушгандай рўпарамизда қуролланган икки киши пайдо бўлди.

— Кўтар қўлингни!

Бу буйруқ ҳаммамизга тегишли эди, биз буйруққа бўйсундик. Йўлбошловчимиз соқчиларга бир нима деди, пароль шекилли, соқчилар унга индашмади. Бизни эса тинтиб кўришди. Мен оролдаги бу ватандошларимни кучоқлаб ўпгим, уларга бор дардимни айтгим келар, бироқ ҳозир бундай қилиш мумкин бўлмагани учун ўзимни зўрға босиб турардим. Ҳамроҳларимнинг юз-кўзларида ҳам ички ҳаяжони сезилиб турарди. Тинтув тугади. Соқчилар бизни ўтказиб юборишди. Йўлбошловчимизнинг орқасидан оролчанинг ичкарисига кириб боравердик. Партизанлар пичан уюмлари устида бемалол ётишарди. Улар бизга қизиқсиниб қарашади. Йўлбошловчимиз билан тўғри командир ҳузурига бордик. Командир жуссаси кичик, ўрта ёшли киши экан. У қиёфамиздан кўп нарсани англади шекилли, савол-жавоб қилиб ўтирмади. Бизга овқат беришни буюрди. Иссиқ бўтқадан кейин ҳузур қилиб, пичан устига чўзилдик. «Юмшоқ кўрпа»га кўмилиб, бир неча ойдан бери биринчи марта тинч, беҳавотир уйқуга кетдим.

Отряд командири эртасига ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Кейин тўртовимизга ҳам ишонганини айтди.

— Бироқ,— деди у,— биздаги тартибга кўра, синовдан ўтасиз. Шу давр ичида гитлерчиларга қарши кўпорувчилик ҳаракатларида қатнашиб, душманга нафратингизни иш билан исботлайсиз.

Командир бизга ўзимиз қочган Малий Тростянец лагерига кириш йўлини миналаштиришни таклиф қилди. Ўзимизга шахсий қуролни жангда топишимиз лозимлигини ҳам таъкидлади.

— Яқинда заставага отряд штабининг бошлиғи келади,— деди командир суҳбат охирида.— Операцияни бажаришга ўшандан сўнг киришасиз. Ҳозирча взвод командири топшириғи бўйича кундалик ишларга қарашиб турасизлар.

Икки кун давомида турли-туман хўжалик ишларини бажариб юрдик. Учинчи куни отряд штабининг бошлиғи келди. Тик қомат, бели ва елкаси оша камар тақиб олган бир киши бир ёнига маузер, иккинчи томонига командирлик планшеткасини осиб олганди. Кейинроқ у денгизчи капитан Анатолий Прокофьев эканини билиб олдик. Анатолий Прокофьев қишнинг бошларида «Совет Белоруссияси учун» бригадаси штабининг бошлиғи бўлди. Бизнинг Комсомол номидаги отрядимиз шу бригада таркибида эди. Капитан ҳар биримиз билан алоҳида суҳбатлашди, қариндош-уруғларимизнинг адресларигача сўраб-суриштирди. Мени подполковник Градов отрядида, Минскдаги разведка-диверсия ишларида қатнашганларимни эшитгандан сўнг биз ўша пайтда амалга оширган кўпгина операцияларни майда-чўйдасигача сўраб олди. Сўроқ кечгача давом этди. Шундан кейингина бизга оролчада эркин юришга ижозат берилди. Оролча ўрмоннинг ниҳоятда хилват жойида эди. Ҳамма томон ботқоқлик бўлгани учун унча-мунча ёв яқинлашолмасди. Душман самолёти сезмасин деб биттаям уй, ёки чайла қурилмаган, ертўлаларнинг усти ҳам яхшилаб ниқобланган. Оролда 70 га яқин партизан бўлиб, улар асосан, кўпорувчилик билан шуғулланишарди. Бизни отряд омборига олиб боришиб, турли ҳажмдаги снарядларни кўрсатишди. Шерикларим снарядларни кўздан кечиришиб, қайси калибрда эканини дарҳол аниқлашди. Уларнинг Қизил Армия командирлари эканига ишонч ҳосил қилдим.

Шундай қилиб 15 сентябрь келди. Бугун концлагернинг биқинида қалтис операция ўтказишимиз керак. Бизга замбарак снаряди, граната, битта тўппонча ҳамда белкурак ролини бажарувчи япасқи немис найзаси беришди. Қурол-яроғ тақчил пайтда тўппонча берилиши бизга билдирилган ишонч белгиси эди. Кечга яқин, йўлга отланаётган пайтимизда, ҳаво айнади, ёмғир томчилай бошлади. Взвод командиримиз бу миналаштириш учун энг қулай пайт эканини таъкидлади.

Турнадай тизилиб кетаётган пайтимизда ёмғир кучайиб, жалага айланди. Сўқмоқ сирпанчиқ бўлиб қолди, юриш қийинлашди. «Большой Тростянец орқали ўтувчи йўлдан юрамиз,— деди Анатолий,— у ерда полициячилар гарнизони бор. Лекин бунақа жалада сезмайди». Чиндан ҳам гарнизон ёнидан ўтганимизни немислар пайқашмади. Фашистларнинг орқасига ўтиб олгач, катта йўлга чиқдик. Бу йўл кеча-ю кундуз жуда қаттиқ кўриқланар, немисларнинг Минск томонга борувчи ҳарбий техникасининг асосий қисми шу йўлдан ўтар экан. Василий иккимиз йўлга қараб эмакладик. Қолганлар бизни ҳар томондан ҳимоя қилиб кузатиб туришди. Йўлга чиқай деганимизда иккита юк машинаси кўринди. Ерга қапишиб олдик. Мен ҳар эҳтимолга қарши гранатани шайлаб турдим. Йўқ, сезишмади.

Снарядларни кўмиб, зарядладик. Ишнинг у ёғини ёмғир тинчитди: тупроқни текислаб, ҳеч қандай из қолдирмади. Шовуллаб ёғаётган ёмғир остида изимизга бурилдик. Орадан бир кун ўтгач, разведкачилар СД концлагери яқинидаги портлаш туфайли немисларнинг қурол-яроғ ортган икки машинанинг кули кўкка совурилгани ҳақида хабар олиб келишди. Севинчдан теримга сиғмай кетдим. Концлагердан кейин душманга зарба берган биринчи снарядим... Бу муваффақиятни мустаҳкамлаш, кечирган азоб-уқубатларнинг қасоси учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак!

Партизан сўқмоқлари

18 сентябрь. Кечқурун. Оролчага рота командири Ф. Бантишев келди. У взвод командири билан ёнимизга — пичан устига ўтириб, бизни илк муваффақият билан табриклади. Кейин навбатдаги вазифалар ҳақида гапирди. Партизанлар Минск-Москва, Минск-Гомель сингари муҳим стратегик темир йўл магистраллари ўртасида қандай ҳаракат қилиши зарурлигини тушунтирди. Минск-Москва, Минск-Бобруйск, Минск-Могилев автомобиль йўлларида немис қўшинларининг ҳаракатини қаттиқ кузатиш кераклигини айтди. Сўхбат орасида у қуйидаги воқеани гапириб берди:

— 1942 йилнинг ноябрида Лазо номли отрядда солиқ ҳарбий асир пайдо бўлди. Гапига қараганда, у Ленинск яқинидаги лагердан қочган. Урушгача Қизил Армияда қуролсоз бўлиб ишлаган. Уни отряднинг қуролсозлик командасига қабул қилдик. Лекин, негадир, кўпчилик унинг гапларига ишонмади. Узиям шубҳамизни сезди чамамда, гумонлардан ҳоли бўлиш учун топшириқ беришимизни сўради. Махсус топшириқ бердик. У ҳаммани қойил қолдириб, қурол-яроғ, қимматли асбоблар олиб келди. Қўпоровчилик ишлариниям қойиллатди. Ҳамма ишни сипсиллик бажариши гумонимизни янада оширди. Узига билдирмай кузатдик. Тезда қўлга тушди. Тинтувда ёнидан немис автомашиналарида ҳар қандай пайтда, ҳар қандай йўналишда юриш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ҳамда анчагина миқдорда кучли таъсир қиладиган стрихнин заҳари топилди. Сўроқ пайтида ашаддий сотқинлиги аён бўлди. Унга партизанлар отряди раҳбарларини заҳарлаш топширилган экан. Смольница қишлоғидан етти кишини фашистлар унинг қақувига биноан отиб ташлагани ҳам аниқланди. Ҳарбий қонунга мувофиқ сотқинни ҳамманинг олдида отиб ташладик. Душман партизанлар орасига жосус юборишнинг бошқа йўлларида фойдаланишга ҳам уриниб кўрди,— ҳикоясини давом эттирарди командир,— жосусни ҳарбий асирлар лагерига жойлаштиришди. Кейин у асирлар билан қочди. Партизанлар отрядига қўшилди. Лекин сал кунда миси чикди...

Командир бу ҳикоя билан нима демоқчи эканини тушундик. Шу куни бизга яна бир марта Малий Тростянец концлагерига кириш йўлини миналаштириш топширилди. «Гап шундаки, ўша жойда яна операция ўтказиш душман юрагига гул-гула солади, маҳаллий аҳолининг кайфиятини кўтаради,» деб изоҳ берди командир.

19 сентябрь куни кечгача операцияга тайёрландик, портловчи қурилма тузилишини ўргандик. Кечқурун отряднинг портлатувчилар бўлими командири Василий Иосифович Калеко билан биринчи марта учрашдим.

Отрядда Калеконинг қаҳрамонликлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришарди. Унинг бир ўзи икки марта поезд йўлини портлатган. Неча марта ажал чангалидан омон қолган. Бу жасур партизан билан бизни Бантишев таништирди. Калеко мен билан кўриша туриб, «Сендан яхши диверсант чиқаркан. Ҳали икковимиз кўп ишлар қиламиз»,— деб жилмайди. Машҳур партизаннинг мақтовидан ичимда фахрландим.

Тўртовимиз йўлга отландик. Юкимиз олдингидан энгил, ойдин кеча, тиниқ осмон юлдузларга тўла. Юкни алмашиб кўтарганча манзилга яқинлашиб боряпмиз. Ана, машиналар овози. Демак, Могилев шоссеси яқин. Ўтириб, бирор ерда шосседаги ҳаракатнинг тўхташини кутиш керак. Бизнинг дастимиздан фашистлар кечаси юришга қўрқиб қолишган. Ҳаракат тингач, операцияни шоям, хотиржамлик билан бажариш мумкин.

Нафасимизни ростлагунча, атрофга сукут чўкди: оҳиста йўлни кесиб ўтдик. Концлагер яқинидаги дзотлар, ўнг томонда Малий Тростянец қишлоғи элас-элас кўринади. Атрофни диққат билан кўздан кечирдик, қулоқ солиб, бир оз кутдик, кейин эҳтиёткорлик билан ишга киришдик.

Ўтган сафар кучли жала остида 122 миллиметрли калибрли снаряд учун биз 70—80 сантиметр чуқурликда ҳандақ қазигандик. Энди бўлса унчалик чуқур қазишнинг ҳожати йўқ. Бу гал ҳам миналаштириш менинг зиммамга тушди. Мен

портловчи модда — тол (тротил) солинган яшиқни чуқурчага жойладим, ип ўтказиб, портлатгичга уладим. Кейин оддий қурилма устига авайлаб тупроқ тортдим, изни яшириш учун атрофини текисладим. Иван Романов менга кўмаклашди. Вася Петрухно дзотлар томонни, Иван Рижик Малий Тростянец қишлоғидан келувчи йўлни кузатиб турди. Ишни рисоладагидай бажариб, хотиржам лагерга қайтдик. Уша куннинг тонготарида разведкачиларимиз концлагерга кираверишда соқчиларни олиб бораётган машина портлаганини маълум қилди. Машинанинг олд қисми кўкка учибди. Беш солдат, ҳайдовчи ва концлагер бошлиғи ўша заҳоти асфаласофилнинг жўнабди. Қолганлар оғир жароҳатланибди. Лагеримиздагилар иккинчи муваффақият билан бизни табриқлашди.

* * *

Кейинги кунларда асосий ишимиз қишки уйлар тиклашдан иборат бўлди. «Тиклаш» сўзи бу ерда унчалик мос эмас, чунки биз қурган уйларнинг биттасиям тепага кўтарилмайди. Биз ерни ковлаб ертўлалар қаздик. Ертўла партизанларни қор ва ёмғирдан, бошқа кўнгилсизликдан ҳимоя қилади. Волма қишлоғи яқинида қурган ертўлаларимиз сира ёдимдан чиқмайди. Шу ерда дурадгорлигим роса асқотди. Бу ҳунарни ёшлигимда, Тошкентда ўрганган эдим. Ертўлалар битгач, яхшилаб ниқобладик. Ерга қарағай ва арча шохларидан «кўрпача» тўшадик. Ўз қўлим билан ясаган «уйим»га кириб энди маза қилиб ухлайман, деб турганимда, командири чақираётганини айтишди. Бордим. Дўстларим Иван билан Вася ҳам шу ерда экан.

— Штабга борасизлар. Сизлар учун ҳам ҳақиқий партизан бўладиган пайт келди, — тушунтирди командири. Унинг ҳамроҳлигида штаб жойлашган лагерга иккинчи октябрь тонготарида етиб бордик. Чошгоҳларга бориб бутун отряд очиқ майдонда сафланди. Командир ўринбосари, комиссар В. П. Глушченко (отряд командири С. К. Винокуров августдаги жангларда яраланиб, катта ерда даволанаётганди) бригада кўмондонлиги кўчма Қизил Байроқ таъсис этганлигини маълум қилди. Сентябрь ойи жанговарлик мусобақаси ақунларига кўра, қаҳрамонона ҳаракатлари, фашистларга энг кўп талофот етказгани учун биринчи ўринни эгаллаган Комсомол номидаги бизнинг отрядга кўчма Қизил Байроқ топширилди. Тантанавор «Ура!» садолари янгради.

Кейин Глушченко бригада бўйича чиқарилган буйруқни ўқиди.

— Немис босқинчиларига қарши курашда мардлик ва матонат кўрсатаётгани учун қуйидаги ўртоқлар «Совет Белоруссияси учун» номли партизан бригадаси сафига қабул қилинсин:

— Романов Иван.

Иван бир қадам олдинга чиқди:

— «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»

— Рижик Иван.

Юрагим гупиллаб ура бошлади. Унинг дукурини ҳамма эшитаётгандек эди.

— Муталибов Абдусалом!

Олдинга бир қадам ташлай туриб ўйлайман: «Мана ўша кун. Бу кунни қанча кутдим. Энди мен ҳам ҳақиқий партизанман».

Бир қадам орқага ташлаб, сафга қайтаман.

Глушченконинг буйруғи билан Василий Петрухно разведкачилар отрядига, қолган уччаламиз биринчи рота (Ф. Бантишев ротаси)га жангчи қилиб ўтказилдик.

Оролчамизга келсак ҳамманинг оғзи қулоғида: жанговар командиримиз Степан Кузьмич Винокуров соғайиб отрядга қайтиб келибди. Унинг отрядга қайтиб кела туриб қилган ишларининг ўзиям мардлик ва матонат намунаси эди. Гап шундаки, 1943 йилнинг августида Водопой қишлоғи ёнидаги жангда оғир ярадор бўлган Степан Кузьмични партизанлар госпиталида операция қилиш, баданидаги учта ўқни олиб ташлаш қийин эди. Шу сабабли уни катта ерга — Москвага жўнатишганди. Москвалик врачлар уни оёққа турғазишди. Степан Кузьмич кадрдон отрядига талпинади. Бригадамизда аэродром бўлмагани учун С. Винокуров йўловчи самолётда Полосьегга боради. Полосьедан бизнинг Червеничинаяга келиш учун душман оралаб саккиз юз километр юриш керак. Бунга ҳар кимнинг юраги ҳам дов беравермайди. Командиримиз эса бу йўлни бир неча кун ичида босиб ўтади. У йўлда учта дарё, жуда қаттиқ кўриқланаётган учта темир йўлни кесиб ўтади.

Шу ўринда икки оғиз бригадамизнинг тузилиши ҳақида. 1943 йилнинг бошида тузилган бригадамиз «Ураган», «Победитель», «Сергей Лазо», «Кутузов» ва «Комсомол» номидаги бешта отряддан ташкил топган. 1943 йилнинг сентябрига қадар бригада фаолиятига Белоруссия Коммунистик (большевиклар) партиясининг Минск яширин ташкилоти раҳбарлик қилди. Октябрдан бошлаб бу ишга

партизан ҳаракати Белоруссия штабининг махсус вакиллари етакчилик қила бошладилар. Уша пайтда шароит жуда оғир эди: озиқ-овқат етишмас, оддий туз топиш ҳам машаққат эди. Кўпинча иссиқ овқатни тузсиз ердик. Гўшт етишмай қолган пайтларда душмандан бирорта молни тортиб олиш учун овга чиқиларди. Шунга қарамай партизанларнинг руҳи тетик, ҳар қандай топшириқни бажаришга доим тайёр турадилар. Сергей Кузьмичнинг қайтиши руҳимизни тағинам кўтариб юборди. Сергей Кузьмич отрядда махсус вазифага ихтисослашган группалар тузди. Мен В. И. Калеко бошлиқ портлатувчилар бўлинмасига тушдим. Биродарларимдан бири Иван Рижик ҳам Вася Петрухно сингари разведкачи бўлди. Иван Романов ротанинг хўжалик бўлимида қолдирилди. Кейинчалик у ротамиз командири Ф. Бантишевнинг адъютанти ва ёрдамчиси бўлди.

Рельслар жанги

Василий Иосифович Калеко, ёки оддий Вася бошлиқ бўлимимизнинг асосий вазифаси темир йўлларда кўпорувчилик қилишдан иборат эди. Биз кўпинча Минск-Москва темир йўлини портлатардик. Бу ғоят оғир юмуш эди. Аввало партизанлар тол деб атайдиган портлатувчи модда топиб бўлмасди. Бу моддани фронтдан олиб келиш қийин, кўпинча портламай қолган снаряд, бомба ва миналардан фойдаланардик. Уларни жанг майдонларидан топиб, лагерга олиб келардик-да, эритиб, тол олардик. Бу иш қуйидагича бажарилади: снаряд ёки авиабомбанинг бош қисми — портловчи қурилмаси бураб олиниб, снаряднинг ўзи сувли тоғорага солинади. Кейин оловга қўйилади. Снарядни тикка қўйиб бўлмайди. Гарчи бу ҳолатда тол тезроқ оқиб тушса-да, қизиб портлаб кетиши мумкин.

Снаряд тешигидан эриган тол кўрингач, уни махсус тайёрланган ёғоч яшикка қўйилади. Толда портлатувчи қурилма ўрнатиладиган тешик ҳосил қилинади. Қарабсизки, мина тайёр.

1943 йилнинг кузида рельслар жанги жуда қийинлашди. Айниқса Минск — Москва темир йўлида. Фашистлар ўзларини партизанлар зарбасидан ҳимоя қилиш учун кўриқчи гарнизонлар сонини кескин оширдилар. Кўп жойларда темир йўлнинг ҳар икки томонидаги ўрмон кесиб ташланди. Трасса бўйлаб соқчилик миноралари тикланиб, уларга пулемёт ва прожекторлар ўрнатилди, қозиқ қоқилиб, тиканли тўсиқлар қурилди. Бундай тўсиқларга сон-саноқсиз консерва банкалари илиб ташланар, сал тегсанг оламини жаранг-журунг тутиб кетарди. Энг хавфли жойларда немислар блиндажлар, дзотлар қуриб, пистирма қўйдилар, кўприкларга туташ жойларни миналаштириб ташладилар.

Ана шундай шароитда топқирлик мўъжизаларини кўрсатиш, жойларни ипидан игнасиғача билиш, маҳаллий аҳоли билан яхши алоқада бўлиш, мардлик ва садоқат ғоят муҳим роль ўйнади.

Бизнинг портлатувчилар бўлимимиз командири В. И. Калекода шу хусусиятларнинг ҳаммаси бор эди. Минск область Смоленвич районидаги Верхмень қишлоғида туғилган Васянинг фашист босқинчиларига нафрати чексиз: фашистлар унинг қишлоғига бутунлай ўт қўйиб юборишган. Айни пайтда, у портлатишда устаси фаранг, бу партизанлик касб-корининг сир-асрорини барчага жон-жон деб ўргатади.

1943 йилнинг 18 октябрдан 24 ноябригача Минск-Москва темир йўлида душманнинг уч эшелони портлатилган экан, бунда Вася Калеконинг хизмати катта эди. Мен биринчи эшелонни портлатган кунимни сира унутолмайман.

Уша кунги операцияга В. Калеко тўрт кишини танлади, ўзи билан бешта бўлдик. Вазифамиз 716-километрни портлатиш эди.

Темир йўл ёқасига ғира-ширада етиб олдик. Бу ерда ўрмон анча жойгача кесиб ташланганди. Икки юз қадамча беридан атрофни, соқчилар ҳаракатини кузата бошладик. Патрулларнинг бориб келиши ораллиғидаги вақт беш-етти минутни ташкил этарди. Тун қуюқлашди. В. Калеко елкамга қоқди — эмаклаб кетдик. Олдинда у. Мен, елкамда мина солинган қоп, уч қадамча орқароқда бораёпман. Қолганлар бизни ҳимоя қилиб туришибди.

Операцияда асосий ҳаракат қилувчи шахс Вася бўлса ҳам, мен қаттиқ ҳаяжонда эдим. Ахир, поезд йўлини миналаштириш автомобиль йўлига мина қўйиш эмас-да. Муздай рельсга юзимни босиб, шагални сура бошлаганимда ўзимни хиёл босиб олдим. Минани жойлаш кўп вақтни олмади. Ихтиёримизда яна тўрт-беш минут бор. Портлагични ўрнатиш қийинроқ эди. Вася буням жуда тез бажарди. Иш тугади. «Кетдик» — шивирлади Вася. Эмаклаб темир йўлдан узоқлашдик.

Мен ўзимиз қўйган минанинг портлашини, бир-бирининг устига ағдарилб тушаётган вагонларни, манфур босқинчиларнинг дод-войини кўзим билан

кўришни истардим. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Зудлик билан лагерга қайтишимиз керак. Буйруқ шундай. Операция натижасини алоқачилар маълум қилишади.

Лагерга тонг саҳарда етиб келдик. Ошпаз кеча кечқурунги овқатни иситиб берди. Қоринни тўйдириб, ертўлага кирдик-да, ширин уйқуга кетдик.

Уйғонганимда В. Калеко ёнимизда йўқ эди. Ташқари чиқдим. У иккита аскар билан гаплашиб ўтирган экан. Мени кўриб дарров ёнимга келди. «Қалай ухладинг?»— дедию, жавобини ҳам кутмасдан, жанговар оҳангда:

— Эртага пастирмага борамиз. Қўл пулемёт ва милтиқларни тахлаб қўйиш керак,— деб меҳрибонлик билан елкамга қоқиб қўйди.— Энди бориб дамингни ол. Эртага жуда оғир бўлади.

Разведка маълумотларидан немислар ўз гарнизонига бир неча уловда қурол-яроғ юбораётгани аниқланган бўлиб, биз шунга қўлга туширишимиз лозим эди.

Уша пайтда отряд аъзоларининг сони 2—3 баравар кўпайган, лекин, тенг ярми қуролсиз, қурол топиш ҳамон мушкул савдо эди.

Ертўлага кириб, похол устига чўзилдим. Уйқум келмади. Туриб ППШимни тозаладим, патронларни бирма-бир артиб, порохни қуритдим.

Ун жангчи тонгда лагердан чиқдик. Белгиланган жойга етиб боргунча вақт пешиндан ошди. В. Калеко пулемётчи билан мени йўл яқинига қўйиб, ўзи сал нарироққа ўрнашди. Қолганлар дарахтлар ва қияликдаги буталар орасига яширинишди.

Кутиш дамлари бошланди. Ҳамма нигоҳлар йўлга қадалган, вақт имиллаб ўтар, Вася дамба-дам соатига қараб тоқатсизланарди. Ана, ниҳоят, биринчи арава кўринди. От жоловини ушлаган полициячи ёнбошлаб олган. Тўртта қуроллиси аравага суяниб, икки ёнидан қўриқлаб келишяпти. Биринчи аравадан ўн беш-ўн олти қадам орқароқда яна икки арава келмоқда. Оралиқ минут сайин қисқариб, аравалар биз турган жойга яқинлашаверди. Мен ҳаяжон ичида Васяга қарайман. У хотиржам. Афтидан, орқада яна арава бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқчи, тўғри қилади, агар арава бўлса, жанг тактикаси ўзгариши мумкин-да.

Аравалар шундоқ рўпарамиздан ўта бошлаганда командирнинг босиқ овози эшитилди:

— Йигитлар! Бошладик!

Пулемёт сайраб кетди. Милтиқлар пақиллади, граната портлади.

Олдиндаги «аравакаш» биринчи ўқданоқ қулади. Ҳуркиб кетган отлар аравани ўрмон ичига олиб қочди. Соқчилар пала-партиш отиб, ўзларини ҳимоя қила бошлашди. Кейиндаги арава кутилмаганда бирдан орқага бурилди. Аравакаш отга қамчи урди. Урди-ю, гупиллаб ағдарилиб тушди. Бу пайтда ўртадаги арава бяздан олислаб қолган эди. Биз уни анча ерга қувиб бордик. Соқчиларнинг уч-тўрттаси аравага чиқиб олишган экан, автоматлардан бетиним ўт очиб, яқинлашишга имкон бермади. Арава тепалиқдан ошиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ўлжа тушган икки аравани ҳайдаб лагерга қайтдик. Васянинг қовоғи солиқ. У рапорт, тушунтириш хати ёзишни хуш кўрмасди. Лекин ёзиш шарт. Бунинг устига битта арава қўлдан чиққани алам қиларди.

Лагердагилар бизни қувончли хушxabар билан кутиб олишди. Ўтган кунги операция натижаси аниқланибди. Кундуз куни поездлар жуда секин, соатига 20 километр тезликда юрса ҳам портлаш пайтида паровоз ва учта вагон ишдан чиқибди.

Рота командири Ф. Бантишев ротани майдонга сафлади. 1943 йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигига яқун ясалди. Бизнинг иккинчи бўлимимиз шаънига ширин сўзлар айтилди. Кейин командир шонли Қизил Армия ҳужумни кенгайтирганлиги муносабати билан партизан отрядларининг жанговар ҳаракатини кучайтириш ҳақидаги буйруқни ўқиб берди.

— Белоруссияни, бутун мамлакатимизни тўла озод бўлишига оз қолди,— деди у.— Қўшинларимизнинг муваффақиятли операциялари туфайли Смоленск шаҳри озод қилинди. Шонли Қизил Армия Витебск ва Могилевга яқинлашиб келмоқда. Ғалаба учун биз, партизанлар душманга бераётган зарбани яна ҳам кучайтиришимиз лозим...

Командирнинг «Фашист босқинчиларига ўлим!» деган даъватига жавобан «Ура!» ҳайқириви янгради.

* * *

Ертўлага В. Калеко кирди. Унинг кўзларидан ўт қақнар, толиққан одамга сира ўхшамасди.

— Йигитлар, шай бўлиб туринглар,— деди у жанговар овозда.— Бир соатдан кейин темир йўл «ови»га жўнаймиз!

Мен унинг гапириш оҳангидан бугун қўлдан чиққан араванинг ўчини ҳам поездлардан олмоқчи эканини сездим.

Минск-Москва темир йўлини портлатишга 24 октябрь куни кечқурун бордик. Ҳали қор ёғмаган бўлса ҳам ҳаво совуқ эди. Дарахтлар, буталар, ўт-ўланлар қиров билан қопланган. Темир излар орасидаги шағалнинг усти музлаган, милага жой очиш анча қийин эди.

— Эшелоннинг портлашини кутмаймизми?— дедим ўрмонга кирганимиздан кейин командирга.

— Йўқ,— деди Вася.— Поезднинг қачон ўтишини билмаймиз. Бунинг устига озчиликмиз, душман сезиб қолса... Муҳими, паровозни ағдарганимиз ёки икки-учта вагонни пачоқлаганимизда эмас, поездларнинг фронтга боришини анча тўхтатиб қолганимизда. Буни билиб қўйишинг керак.

Озгина юрар-юрмасимиздан, кутилмаганда, темир йўлдан оғир эшелон ғилдираklarининг «тақа-туқи» эшитилиб қолди. Ҳаммамиз таққа тўхтадик, вужудимиз қулоққа айланди.

Гумбурлаган товуш ўрмонни ларзага солди.

* * *

Роса мириқиб ухладим. Уйғониб, Ф. Бантисевнинг ертўласидан чиқиб келаётган В. Калекони кўрдим. Вася жилмайиб, муваффақиятли операция билан табриклади.

— Янги топшириқ олдик,— деди кейин у.— Муҳим хўжалик ишини бажарамиз. Дон учун жой тайёрлаймиз. Аммо, ҳеч ким сезмаслиги шарт. Бу — махфий! Бундай муҳим вазифани менга ишониб топширишганидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Ўрмон ичидан омбор учун жой танланди. Ер юзасидаги чимни эҳтиёткорлик билан ўйиб, бир четга тахладик. Ҳандақдан чиққан тупроқни олиб бориб жарликка тўқдик. Ҳандақ деворлари текисланиб, полига тахта тўшалди. Дон билан тўлдирилгач, икки сидра тўсин ётқизиб, ораларига йўсинлар тўшаб устини ёпдик. Кейин тупроқ тортиб, донга шамол тегиб турсин учун сезилмайдиган жойдан туйнукча очиб қўйдик. Энг охири чим босилди. Дон омбори шундай усталик билан ниқобландики, нарироқ бориб қараганимизда ўзимиз ҳам ҳеч нарса сезмадик.

Кейинчалик билсам, бундай иш бошқа отрядларда ҳам амалга оширилган, бу Белоруссия Компартиясининг топшириғи экан.

Энг оғир ой

1943 йилнинг октябри мен учун жуда оғир кечди. Икки марта ажалнинг оғзидан омон қолдим. Биринчи воқеа поезд «ови»да юз берди. Энди тажрибали портлатувчи бўлиб қолганим учун Логачев иккимизга темир йўлни портлатиш топширилди.

Зим-зиё кеча. Йигирма-ўттиз қадам нарида немисларнинг дзоти. Дзотни айланиб ўтиб, темир йўлни миналаштирмоқчи бўлдик. Логачев икковимиз деярли ёнма-ён эмаклаб боряпмиз. Ёритувчи ракеталар отилган пайтда қимир этмай ётиб оламиз. Еруғлик сўниши билан яна олға интиламиз. Дзотдан беш-олти қадам берироқда ўрмалаб боряпмиз. Яна тўрт-беш минутдан сўнг... Тўсатдан мушаклар атрофни кундуздек чарақлатиб юборди, пулемёт ва автоматлар тириллай бошлади. «Тамом» деган ўй миямни зирқиратиб юборди. Белимдаги учта гранатани биз томон чопиб келаётган душманга қараб отдим-у:

— Логачев! Ўрмонга!— деб ҳайқирганча жойимдан сапчиб турдим. Логачев фикримни дарҳол тушунди. У ҳам ирғиб туриб, гранаталарини бирин-кетин фашистлар томон ирғитди. Бор кучимизни йиғиб, ўрмон томон чопдик. Ҳаммаёқ ёп-ёруғ, ўқ бамисоли жала, қулоқларим остида чийиллайди. Ўрмонга кириш билан гуппа йиқилдим. Уқ тегиб эмас — оёғим алланимага илашиб. Логачев кела солиб, қучоқлаб кўтарди:

— Салом, сенга нима бўлди!

— Ҳеч гап йўқ. Кетдик!

Яна югурдик. Фашистлар ўрмонгача қувиб келишди-ю, ичкарироқ киришга қўрқишди шекилли, ўқ овозлари олислаша бошлади. Биз тўхтаб, улкан дарахт танасига суяниб ўтирдик. Тириклигимга ишонгим келмайди. Мўъжиза, фақат мўъжиза туфайли омон қолиш мумкин бунақа пайтда. «Бахтинг бор экан, Сима» дейман ичимда. Кўз олдимда ҳозиргина бўлиб ўтган даҳшатли жанг эмас, мени фронтга кузатиб қолган севақлим Симанинг маъсум қиёфаси. Бир пайт Логачев биқинимга туртди. Унга қарадим. Қучоқлашиб, бараварига кулиб юбордик.

Лагерга қалгунча Симанинг қиёфаси кўз олдимдан кетмай қолди. Уни

кўрмаганимга ҳам икки йилдан ошди. Фронтга жўнагандан сўнг подполковник Градов отрядидалигимда у билан икки-уч марта кўришдик. Бу отрядга қўшилганимда доимо уни ўйладим, қидирдим. Минскда Сима яшашни мумкин бўлган адресларни алоқачиларга бериб, излатдим. Ном-нишон йўқ. «Қаерда бўлсанг ҳам соғ бўлсанг бас» дейман ичимда.

Лагерга кираверишда Калекога дуч келдик. У негадир сирли жилмайиб энимизга келди, қўлимни маҳкам сиқиб бағрига босди. Дўзахдан соғ чиққанимизни қаёқдан эшитиб қолдик, деб ҳайрон бўлдим. У қучоғидан қўйиб юбормай қулоғимга шивирлади:

— Суюнчи бер, Симанг топилди.

Қувонч ва ҳаяжондан қарахт бўлиб қолдим. Калеконинг:

— Эшитдингми, соғ-саломат Минскда яшаётган экан,— деган сўзларидан сўнг уйқудан уйғонгандек Калекони маҳкам бағримга босдим.

— Алоқачига Симани ўрмондаги лагерга олиб келиш топширилган,— деди Калеко,— эртага у билан учрашасан.

Бояги қўрқув ва чарчоқлардан асар ҳам қолмади. Сима билан қандай учрашар эканмиз, деган ҳаяжонли ўй бутун борлигимни қоплаб олган эди. Унга айтадиган гапларим жуда кўп. «Сеникиям роса йиғилиб қолгандир, Сима!»

Тонг отгунча мишжа қоқмадим ҳисоб.

Саҳар чоғи уч киши — взвод командири Аверков, аравакаш чол ва мен лагерга жўнадик.

Назаримда отлар жуда секин юраётганга ўхшар ўзимни аравадан тушиб, чопиб кетишдан зўрға ушлаб ўтирардим. Лагерга чошгоҳларда етиб бордик. Минскка кетганлар ҳали келишмаган экан. Сабрим чидамади, марказий йўлга соқчиликка қўйишларини илтимос қилдим. Лагерга келадиган йўлни кузатиб турсам, Симани олдинроқ кўраман, деб ўйлардим. Илтимосимни рад қилишмади.

Тепаликда ёнбошлаб, ўрмонга кириб келувчи илон изи йўлга тикилиб ётибман. Соат 12 дан ошган. Яна икки соатдан сўнг — роппа-роса иккида шу йўлда битта арава пайдо бўлади. Мен тепаликдан тушиб, пешвоз югураман. Сима ҳам мени кўриб, аравадан сакраб тушади-ю, мен томонга қушдай учади...

Немислардан ўлжа олган чўнтак соатни олдимга қўйиб олганман. Ана, унинг нозик миллари иккига етай деб қолди. Жойимдан туриб, эгни-бошимни тузатдим, сочимни тараб, камарни тортиб боғладим. Милтиқ қўлда, кўз йўлда — учишга шай бўлиб турибман. Атроф жимжит. Соат иккидан ошди. Секин-секин ҳаяжонларим ваҳима билан алмаша бошлади. Йўлда бирор кори-ҳол юз берган бўлса-я! Фашистларга дуч келишган бўлса...

Қош қораймоқда. Улардан эса ҳануз дарак йўқ. Навбатчиликка келган ёшгина украин йигит мени Аверков чақираётганини айтди. Руҳим тушиб лагерга қайтдим.

— Хафа бўлма, йўлда ҳар хил воқеа бўлиши мумкин. Эртага, албатта, келади,— кўнглимни кўтармоқчи бўлди Аверков,— бир оз дамингни ол. Балки, кечаси келиб қолишар.

Дам олиш қаёқда. Тун бўйи ажриқда ётгандай тўлғаниб ётдим. Хаёлим минг кўчага кириб чиқди. Тонгга яқин хиёл кўзим илинган экан. Аверков уйғотди.

— Биз қайтмасак бўлмайди,— деди у гуноҳкорлардай секингина.— Қайтишимиз керак. Сенга тушгача рухсат. Ундан кеч қолма.

Аверков кейинги сўзларни қийналиб айтди. Чунки бу сўзлар партизан уставига зид эди. Уставада партизанларнинг ёлғиз юриши таъқиқланганди...

Аверков билан аравакаш жўнаб кетишди. Мен яна кечаги тепаликка бордим. Вақт ўтиб борар, вақт билан бирга менинг умидларим ҳам тугаб бораётгандек эди. Қуёш тиккага келди. Менга берилган вақт ҳам адо бўлди. Ноилож ўзимизнинг лагерга қараб жўнадим... Ҳозироқ Минскка бориб, нима бўлганини билгим келарди-ю, на чора...

Ўрмон четидаги йўлга тушиб олдим. Командирим эрталаб шу йўл билан кетганди. Атрофимдаги нарсаларга эътибор бергим келмас, лекин қоп-қора тунд булутлар елкамдан босиб тушаётгандек туюларди. Қулоғим тагидан чийиллаб ўтган ўқ товушидан ҳушимга келдим. Пулемёт тариллаб қолди. Ўзимни ерга отдим. Яна ўша машъум кечадагидай ўқ ёмғири остида ётибман. Атрофим очиқ майдон. Бирорта тўсадиган нарса йўқ. Ўқлар устимдан чийиллаб ўтади, энимга тушиб тупроқнинг титиғини чиқаради, бошимга, устимга лой, тошчалар сочилади.

Думалаб, арава ғилдираги ўйиб кетган чуқурга ётиб олдим. Пулемёт бир неча минут тинмай ўқ ёғдирди. Кейин секинлашиб, тинди. Яна бир ўлимдан қолганимни ҳис қилдим. Улар, афтидан, мени ўлдига чиқаришган эди. Йўл ўртасида чўзилиб ётибман. Уч қадам нарида ўрмон. Бир сакрашда... Лекин қимирлашга юрак бетламайди. Шу куйи анча ётдим. Умр бўйи арава изида ётиб бўлмайди. Таваккал. Бор кучимни жамлаб, ўрмон томон коптоқдай думаладим. Пулемёт бирдан тариллади. Ўқлар дарахт пўстлоқларини учириб юборди. Энди отишса-отиша-

версин. Қадрдон ўрмон, азим ва азиз дарахтлар мени душман ўқидан асрашга қодир.

Лагерда даҳшатли воқеани эшитдим. Ўша куни, йўлда, мени ҳозир пулемётдан ўққа тутишган жойда Аверков билан аравакашни ўлдиришган экан... Менинг бошимдан ўтганларни эшитиб, отряддагиларнинг ғзаби баттар жунбушга келди. Душман яқин ўртада бунчалик ўрмон ичкарасига киришмаган эди. Бу воқеа ҳаммани ҳушёрликка чорловчи мудҳиш огоҳлантириш бўлди. Партизан ҳаммаша; ҳамма ерда ҳушёр бўлиши керак. Чунки, партизанлар жангида фронтнинг аниқ чизиғи йўқ. Душманни ҳар қандай вақтда, ҳамма ерда кутиш мумкин. Душман ўта айёр ва яхши қуролланган. Улар сон жиҳатдан ҳам, техника жиҳатидан ҳам биздан устун. Лекин биз ўз еримиздамыз. Она ер, муқаддас тупроқ — бизга мадад беради. Адолат, диёнат биз томонда. «Сиз учун ўртоқ Аверков, жангларда жон берган барча дўстларимиз учун қасос оламыз!» Аверковнинг тобути устида мен ана шундай онт ичдим.

Аверковнинг ўлими ҳаммамизни сергаклантирди. Немисларнинг жазо отрядларига қарши партизан жазо группалари тузилди. Бундай группалар партизан зонасига тумшуқ тикқан душманнинг адабини бериб қўйиши керак эди. Группага ротамиздагилардан ташқари бир неча словак ҳам кирганди...

Маълумки, фашистлар Германияси Чехословакияни тўла босиб олганидан сўнг, мамлакатни бўлиб ташлаб, словакия кўғирчоқ протектарини тузди. Бу «давлат» тепасига Гитлер ўз малайи Тиссани қўйди. Тисса хўжайинига садоқатини кўрсатиш учун шарқий фронтга словак дивизияларини юборди. Бироқ, гитлерчи босқинчилар словак қисмларига ишонмас эдилар. Улардан, асосан, қоровул хизматида фойдаланишарди. Жумладан, Минск-Червень темир йўлини, кўприкларни, Минск, Красный Урочеш, Уручь, Колодиш, Смолевичга туташ йўллارни кўриқлашда ҳам босқинчилар словаклардан фойдаланиш ниятида эдилар. Фашистлар шу ўринда адашган эди. Словаклар группа бўлиб партизанлар томонга ўтиб кета бошлашди. Бунда партизанлар ҳам катта роль ўйнади, албатта. Улар словакларга фашистларга қарши курашиш имкони борлигини тушунтириши учун кўп куч-ғайрат сарфладилар.

Словак бўлинмалари бизнинг районимизга 1943 йилнинг августида келишганди. Сентябрдан эътиборан Комсомол номли отрядимиз словак антифашистлари ҳисобига кўпая бошлади. Уларнинг партизанларга келиб қўшилиш йўллари турлича эди. Масалан, Иван Корол словакларнинг катта гуруҳи билан партизанларга Уручдан қўшилди. Кетиш олдидан улар фашист гарнизонини нон билан таъминловчи новвойхонани портлатишди. Германияга жўнатиш учун тўплаган ғалла ва буюмлар йўқ қилиб ташланди. Иван Корол ўзи билан милтиқлар, патронлар ва гранаталар олиб келди.

Словакларнинг деярли ҳаммаси жангда ўзларини ҳақиқий антифашист эканликларини кўрсатишди.

... Ўша машўм кунда Смольница қишлоғига разведкага Рижик ва Корол боришди. Иккаласи ҳам жуда хушчақчақ, хушмуомала йигитлар эди. Яхши қуролланишганди. Иван Рижикнинг қўлида милтиқ, белида тўппонча ва иккита граната. Иван Королда қўл пулемёти... Икки Иван гаплашиб кетаётганди. Смольницага ярим километрча қолганида уларга қарата пистирмадан пулемёт «сайраб» қолди. Бир неча жойидан ўқ еган Иван Рижик қонга беланиб, ерга қулади. Иван Корол қарши ўт очди. У ҳеч кимни кўрмаса ҳам буталар томонга ўқ ёғдираверди. Кимдир чинқирди. Лекин ўзи ҳам яраланиб Ваня Рижикнинг ёнига ағдарилди...

Бизга бу даҳшатли воқеани эртасига эрталаб алоқачи қизча етказди. Ярадор бўлган йигитларимизни дарахтга боғлаб отишганини ҳам шу қизча айтиб берди. Дарҳол Смольницага отландик.

Мана, дўстларимиз қийнаб ўлдирилган жой. Қонга беланган жасадлар... Уларни авайлаб дарахтлардан ечиб олдик. Иван Рижикнинг таниб бўлмайдиган юзига қараб туриб кўзимдан дув-дув ёш оқади. Ахир у билан концлагерда бирга бўлдик, азоб-уқубат ва хўрликларни бирга кечирдик. Бирга жанг қилдик. Қочиш планини тузган, концлагердан қутилишимга сабаб бўлган ҳам Иван Рижик эди. Иван озодликда оз яшади. Аммо шу қисқа вақт ичида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатди. Узининг она юрт олдидаги бурчини адо этди.

Юзида ёвга нафрат туйғулари қотиб қолган Иван Корол жасадига қараган кишининг қалби ўртанади. Корол жабр-дийда Ватани озодлиги учун, унинг мустақиллиги учун энг сўнгги нафасигача курашди. У Смольница қишлоғида, қадимий Белоруссия ерида, буюк Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тупроғида жон фидо қилди. Ўз ҳаётини Ватан озодлиги учун бахшида этган совет жангчиларининг қони ва жони сингари унинг номи бизга азиз ва муқаддасдир.

Ҳаммамиз учун азиз бўлган кишилар билан сўнгги бор видолашдик.
— Қонга қон, жонга жон!

Фашистлар Смолевичига кетишгани аниқланди. Уларни Смольницада қўлга тушириш плани тузилди.

Босқинчилар муҳим йўлларнинг икки ёнидаги дарахтларни кесиб ташлашган эди. Дарахт кесишга қишлоқларнинг бутун аҳолисини ҳайдаб чиқишарди. Смольница билан Смолевичи оралиғидаги йўл бўйларидаги дарахтлар қирқилган, айрим жойлардагина яккам-дуккам дарахт қаққайиб турарди.

Командиримиз пистирмага қулай жой танлади. Немислар катта йўлда кундузи, тўсатдан пайдо бўлди. Отлиқ кавалерия бўлинмасидан бўлган фашистлар қирқдан ошиқ эди. Биз — йигирма иккитамиз. Яна уларнинг ҳар бири тез отиладиган пулемёт билан қуроолланганди. Бизда атиги биттагина қўл пулемёт бор. Қолганларимиз милтиқ ва бир неча граната билан қуроолланганмиз.

Немислар яқинлашди. Ҳаяжон ичида командани кутдик. Гитлерчиларнинг ўтиб боришига нафрат билан қараб турибмиз. Улар йўл четидаги буталардан кўзларини узмай боришмоқда. Биз жуда яхши ниқоблангандик, ҳеч ким қимир этмасди.

Ниҳоят жанговар команда янгради:

— Ут очилсин!

Келишилганидек, дастлаб, бараварига гранаталарни улоқтирдик. Кетма-кет пулемёт ва автоматлар тилга кирди. Оёқ остидан бошланган ҳужум фашистларни бутунлай эсанкиратиб ташлади. Босқинчилар йигирмадан ортиқ ўлик ва ярадорларни қолдириб, ура қочишди. Бу дўстларимиз учун олинган биринчи қасос эди...

Жабр-дийда белорус тупроғини озод қилиш айна ўша кунлардан бошланган эди. 1943 йил 26 ноябрда Москва радиоси Гомель озод қилинганини эълон қилди. Совет қўшинларининг 1943 йил ёз ва куз ойларидаги ҳужуми даврида шарқий Белоруссиянинг кўплаб шаҳар ва қишлоқлари озод қилинди.

Волма коменданти

Қирқ учинчи йил декабрнинг тунд ва булутли кунларидан бирида отряд командири С. К. Винокуров чақириб қолди. Степан Кузьмич Винокуровнинг мардлиги ҳақида аввалроқ ёзганим учун такрорлаб ўтирмайман. У фақат отрядимизда эмас, балки «Совет Белоруссияси учун» бригадасида ҳам катта обрўга эга. Бизнинг жангчиларимиз уни беҳад ҳурмат қилишади.

Штаб ертўласига кириб, одат бўйича честь бердим:

— Оддий солдат Муталибов чақирингизга биноан етиб келди!

Командир комсомол ишлари бўйича сиёсий ўринбосари Шчербицкий билан ниманидир муҳокама қилаётган эди.

— Вольно!— деди у ғоз турганим учун. Кейин оддий қилиб қўшиб қўйди:

— Салом, ўтир!

У кўрсатган ёғоч курсига ўтирдим.

— Биз бу ерда сизнинг комсомол раҳбарингиз билан маслаҳатлашиб, сенга муҳим бир вазифани топширишга қарор қилдик. Сени масъул ишда синаб кўрмоқчимиз.

Степан Кузьмич кейинги сўзларга алоҳида урғу берди.

— Биз сени Волма коменданти қилиб тайинламоқчимиз.

Бу мен учун сира кутилмаган топшириқ эди. Мен Волмада бир неча бор бўлганман. У ерда партизанлар пости борлигини ҳам биламан. Лекин унга комендант бўлишни хаёлимга келтирмагандим. Комендант шаҳар ёки муҳим аҳоли пунктида бўларди. Волма бўлса кичиккина қишлоқ. Степан Кузьмич ҳайронлигимни сезиб, тушунтира бошлади:

— Волма биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. У бизнинг чегарамиз. У ерда сиздек одамимиз бўлиши шарт. Сизнинг билимингизга, муомалангизга, тажрибангизга ишонамиз.

«Сен»дан бошланган суҳбатнинг «сиз»лаб тугалланиши айtilган гаплар бўйруқ эканини билдиради. Ўрнимдан туриб, честь бердим:

— Топшириқ тушунарли. Рухсат этинг, бажаришга киришай...

«Амалдор» бўлганимни эшитган дўстларим аввалига кулишди, кейин муваффақият тилашди.

Тўрт киши Волмага кечқурун етиб келдик. Хаталардан бирида тунни ўтказдик. Эрталаб барвақт туриб қишлоқни айланиб чиқдим. Командир айтганидек, Волма партизанлар зонаси чегарасида жойлашганди. Қишлоқ ўртасидан ўтувчи дарё уни тенг икки бўлиб оқар, ўнг соҳили ботқоқлик ва ўрмон бизники, чап соҳили эса яқин-яқингача немисларники эди. Қиш бошлангандан бери немислар бу ерда солдат сақлашга чўчир, лекин жазо отрядлари Волмага тез-тез «ташриф» буюриб турарди. Қишлоқ ҳар икки қарама-қарши томон учун ҳам муҳим

аҳамиятга эга бўлиб, Апчак, Минск, Колодише, Городише шаҳарларига борадиган катта йўл шу ердан ўтарди.

Волмада доимий йирик застава ушлаб туриш учун партизанларда ҳам имконият йўқ эди. Қишлоқда партизанлик анъаналарининг кучлилиги ишимизга анча ёрдам берди. Урушнинг биринчи кунларидаёқ волмаликлар партизанларнинг дастлабки группаларига бошпана берган, едириб-ичирган, зарур жиҳозлар билан таъминлаб, ўрмонга кузатган, жанг бўлган жойлардан қурол-яроғ тўплаб партизанларга юбориб турган.

Партизанлар ҳам аҳоли олдида қарздор бўлиб қолишмади. Қишлоқни доимо қўриқлаб туришди. Ешлар ва ўсмирларнинг Германияга ҳайдаб кетилишига йўл қўймади.

Волманинг коменданти фашистлар томонидан осиб ўлдирилганидан сўнг, қишлоқда тартиб-интизом бир оз издан чиққан, одамлар чўчиб қолишганди.

Мен қишлоқнинг четидаги уйда яшашга қарор қилдим. Алоқачиларимиз ҳам, маҳаллий аҳоли ҳам буни маслаҳат беришмади. Уй эгасини қишлоқда ёқтиришмас, беканинг ўғли қаердадир полицаё бўлиб хизмат қилаётган экан.

Мен, бари бир ниятимдан қайтмадим. Кампирникига жойлашиб, одамлар билан суҳбатлашдим. Кўпчиликнинг биринчи илтимоси сув тегирмонини тезроқ тугатиш бўлди. Волмаликларнинг илтимосини алоқачилар орқали отрядга етказдим. Бизга тегирмон тузатувчи мутахассис юборишди.

Командиримизнинг тегирмончига бериб юборган хатида шундай жумлалар бор эди:

«Тегирмонни тезда ишга туширинг. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга».

Тегирмон йўқлиги учун одамлар донни кели, ўғур, ёрғучоқларда янчар эдилар.

«Тегирмон ишга тушса, одамларнинг бизга бўлган ҳурмати янада ортади,— йўладим ичимда.— Иккинчидан, немис гарнизонлари жойлашган қишлоқлардан ҳам тегирмонга одамлар келади. Улардан муҳим маълумотлар олиш мумкин бўлади».

Иш қизиб кетди. Тезкорлик билан тегирмонни тузатишга киришдик, Волмаликлар ҳам бизга жон-жон деб ёрдамлаша бошлашди. Иш пайтида Қизил Армиянинг қаҳрамонона жасорати ҳақида, партизанларнинг жанговар ишлари ҳақида, «иккинчи фронт» ҳақида сўрашарди. Мен уларга Техрон конференцияси ҳақида сўзлаб бердим.

«Гарнизоним» ҳалиям тўрт кишидан иборат эди. Уларнинг энг кўзга кўринарлиси — тегирмончи. Ҳақиқий белорус паҳлавони бўлган бу одам жуда меҳнаткаш, содда, самимий, қўли гул инсон эди. Қўл урган ишига жон киргизарди. Ети синф ҳажмида маълумоти бўлганларга зўр ҳурмат билан қарар, машина-созлик факультетининг уч курсини битирган мендек одам унинг учун етиб бўлмас «чўққи» эди. Мен уни ҳурматлар ва қадрлар эдим.

Ниҳоят, отряд топшириғи бажарилди — тегирмон ишга тушди! Энг муҳими, оддий аҳоли ўртасида обрў қозондик. Волмалик чоллардан бештаси ёнимизга қўшилди.

Яхши вазият вужудга келганидан фойдаланиб, патруль хизматини анча яхшилаб олдик. Одамлар бемалол тирикчилик билан шуғулланар, биз яқин қишлоқларда бўлаётган ҳар бир воқеадан ўрмондаги дўстларимизни хабардор қилиб турардик. Ҳатто, декабрнинг охирида тўй ўтказиладиган бўлди. Одамларнинг севинчи чексиз. Гўё уруш тугаган-у... Бахтиёр чеҳраларга қараб туриб, йиғлагинг келади.

Ҳамма келин-куёвнинг соғлиги учун қадаҳ кўтармоқда. Тўйга ўрмондан ҳам меҳмонлар келишган.

Алламаҳалда тўй тарқади. Меҳмонларни кузатиб, постлардан хабар олмоқчи бўлдим. Лекин бордимми-йўқми, ҳанузгача эслолмайман. Хатага келиб, ечинмай ухлаб қолибман. Бир пайт кўзимни очсам, тепамда уй бекасининг бадбуруш юзи энгашиб турибди: «Немислар!» шивирлади у.

Сакраб дераза олдида бордим. Фира-шира тонг қоронғусида 30—40 қадамча нарида қатор тизилиб келаётган одамлар кўринди. Орқа эшикдан чиқиб, тегирмонга қараб югурдим. Лекин у ер аллақачон немислар қўлида эди. Ўрмонга қочишдан бошқа йўл йўқ. Ўрмон четидаги улкан эман панасида туриб, немисларнинг ҳаракатини кузатдим. Улар қишлоқни уйма-уй кезиб чиқишди. Одамларни тегирмон ёнига тўплашди. Патрулларимизнинг бирортасиям уларнинг орасида йўқ эди. «Қочишга улгуришибди». Кўнглим сал-пал жойига тушди. Немислар тегирмонни ёқиб юборишди. Ишқилиб чол-кампиру гўдакларга тегишмаса бас. Бир кунлик маишат жуда қимматга тушяпти. Агар постлар жойида бўлганида, агар кечқурун хабар олганимда... Бошимни дарахтга ураман. Бехуда.

Дарё ёқасига бориб, қалин ўрмонга қараб роса отишди-да, Апчак тарафга жўнаб кетишди.

Уша ондаёқ қишлоққа қайтдим. Бошқалар ҳам пана-пастқамдан чиқиб келишди. Тегирмон ёнида тўпландик. Ҳаммининг чеҳраси ғамгин, айбдор.

Мен юз берган воқеа ҳақида отрядга рапорт ёзишим керак. Аммо қандай?! Ахир боқибегамлик, тегирмон... На илож, хато юз берди. Хато — жазоланиши керак!

Ҳар қалай, қариялар омон бўлишсин. Улар куйиб-пишиб кўнглимни кўтаришди:

— Бунақа воқеа олдин ҳам бўлганди,— дейишди улар.— Хафа бўлманг, ўғлим, ўзимиз ёрдам берамиз. Тегирмонни бошқатдан қураимиз.

Мени комендантликдан «чақириб» олишмоқчи экан. Лекин тегирмон қурилишида бутун қишлоқ бир жон-бир тан бўлиб ишлаётганимиз учун «чақириш» қаттиқ «хайфсан» билан алмаштирибди. Бу хабарни эшитиб бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилди. Ичимда «энди бундай хато қилмайман!» деб онт ичдим.

Қарши зарбалар

Кундалик ташвишлар билан янги, 1944 йил кириб келганини сезмай қолдик. Янги йил барча совет кишилари каби партизанлар учун ҳам бошқинчиларни Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқарадиган йил бўлиши керак. Шунинг учун партизанлар ҳужуми ҳамма ерда қизиб кетди. Ҳар бир ўрмон, ҳатто йўл бўйидаги бутазордан ҳам чўчиб қолган фашистлар партизанларга қарши сапёрлар отрядларини ишга солишди. Аммо, партизан ҳужумини тўхтатиб бўлмасди. Биз кўприкларни буздик, темир йўл, алоқа, электр линияларини яксон қилдик.

Смолевичи районининг Володута қишлоғи яқинида жойлашган партизан аэродромига қўнаётган самолётлар бизга Катта ердан қурол-яроғ келтира бошлади. 1944 йилнинг 7 мартида биринчи самолётни кутиб олган эдик. Қисқа вақт ичида 130 та автомат, 20 та танкка қарши милтиқ, 2 тоннадан зиёд портлатувчи модда, мингдан ортиқ граната келтирилди. Қурол-яроғ билан бирга дори-дармон, туз, хат-хабар ҳам олиб келган самолётлар қайтишда оғир ярадорларни олиб кетарди. Апрельнинг бошида бригадамиз радиопередатчик ва радиоприёмник билан таъминланди. Менинг комендантлик фаолиятим ҳам шу даврга келиб ниҳоясига етди. Комендант сифатидаги сўнги ишим Волмадан 5—6 километрча наридаги кўприкни портлатиш бўлди. Бу кўприк ноябрнинг ўрталарида портлатилган эди. Январь ойида фашистлар кўприкни бир мунча кенгайтирган ҳолда қайтадан қуришди. Энди ундан фақат пиёдалар эмас балки от-арава ва машиналар ҳам ўтиши мумкин эди.

Мен бу вазиятни отрядга маълум қилдим. Отряддан Федор Бантишев бошчилигида йигирмата партизан етиб келди. Тунда ҳужум қилиб, қоровулларни йўқотдик, кўприкни ишдан чиқардик.

— Волма бундан буён комендантсиз ҳам яшаши мумкин,— деди операция тугагандан кейин Федор менга.— Энди отрядга қайтасиз, ўртоқ Муталибов.

— Есть!

Командир кулиб юборди.

— Соғинибсан-а?

— Нимасини айтасиз. Бу ерда, чол-кампирлар билан...

— Чол-кампирлар билан кўплар қилолмайдиган ишларни бажардинглар. Сизлар юборган ҳар бир маълумот операцияларимизнинг муваффақиятида катта роль ўйнади,— деди сўзимни бўлиб командир.

Кейин «комендантура»мизнинг барча «ходимлари»ни тўплаб, уларга отряд номидан раҳмат айтди. Шу билан комендантликдан озод бўлдим.

* * *

Березовка билан Заямочное ўртасига қўйилган пистирмада ётибмиз. Бу ер Апчак билан Петровичига анча яқин. Мазкур шаҳарларда душмanning йирик гарнизонлари жойлашган. Ҳадемай бу ердан душман колоннаси ўтиши керак. Биз кутаётган колонна узоқда кўринганда вақт ўн иккига яқинлашиб қолганди. Анча жойгача чўзилган колонна яқинлашиб келаверди. Уларга қараб қотиб қолдик: колоннанинг олдида чолу кампирлар, болалар келишарди. Аблахлар! Топган ҳайласини! Бари бир қутилиб бўпсанлар! Зудлик билан ҳужум режаси ўзгартирилди. Зарба колонна охиридан бериладиган бўлди.

Бир оз кутиб, чол-кампиру болаларни ўтказиб юбордик-да...

Кутилмаган ҳужум фашистларни доводиратиб ташлади. Улар палапартиш отиб, келган томонларига чекинмоқчи бўлишди. Худди шунда ўрмондан резервдаги партизанлар қиқиб душман йўлига тўғаноқ бўлишди...

Отрядга боргандан кейин мен қатнашган биринчи операция ана шундай тугади.

Бир неча кундан сўнг, 14 апрелда Минск-Могилев йўлини миналаштириш ҳақида топшириқ олдик. Олинган маълумотларга кўра, шу куни бу йўлдан қурол-яроғ ортган машиналар ўтиши керак эди. ГРУППАГА взвод командири Иван Толкач, диверсион операцияларнинг моҳир ижроچиси Вася Калеко, Борис Логачев, мен ва яна учта партизан киритилди.

Операциянинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олиб Вася Калеко Иван Толкач билан Станево қишлоғига вақтлроқ боришди. Улар миналаштириладиган жойни олдиндан разведка қилиш ниятида эдилар. Қолган беш киши яхшилаб ниқобланган иккита аравада шартлашилган жойга етиб келдик. Пулемёт ва миналарни олиб тайёрлай бошладик. Лекин негадир Калеко билан Толкачдан ҳамон дарақ йўқ эди. Ҳамиша вазмин ва босиқ бўлган Борис Логачев ҳам асабийлаша бошлади. Кутаётган дўстларимиз тўсатдан пайдо бўлишди. Икковиям ҳаяжонда эди.

— Тез бўлинглар, — деди Калеко кела солиб кўлига мина оларкан, — ҳадемай бу ерга немислар етиб келади. — Салом, иккитадан бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши, бизни ҳимоя қилиб турунглари. Борис, сен биз билан борасан. Кетдик.

Улар кетишди. Қолганлар буталар орасига яшириниб, пулемётларни шай тутган ҳолда йўлни кузата бошладик. Йўлни миналаштираётган ўртоқларимизга қараб туриб негадир ҳасадим келди. Минани ўз кўлим билан кўмгим келарди. Юртимиз бошига шунча дарду алам келтирган босқинчиларнинг мен кўйган минадан яқсон бўлишини жуда-жуда истардим...

Тўсатдан юз берган портлаш еру кўкни ларзага солди. Қарғалар қий-чув билан осмонга кўтарилди. Портлаш овози узоқ-узоқларда акс-садо берди. Урнимдан сәпчиб туриб, портлаш юз берган жойга бордим. Ҳозиргина уч партизан мина кўмаётган ерда даҳшатли чуқур ҳосил бўлган, атроф қон, кийим ва гўшт парчалари, порох ҳиди...

— Калеко!! — дея жон ҳолатда бақириб, тупроқни титкилай кетдим. — Калеко, дўстим...

— Салом, немислар! Салом! — кимдир елкамдан тортиб турғизди. — Эшитяпсанми? Қара!

Лекин кўзимга даҳшатли портлашдан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.

Ҳалок бўлган ўртоқларимизнинг қолдиқларини йиғиштириб олиб кетиш ҳам nasib этмади...

Ушанда ажойиб инсон Вася Калеко, қатъиятли Иван Толкач, дилкаш Борис Логачев энди йўқлигига сира-сира ишонгим келмасди. Мана, орадан қирқ йил ўтдию, ҳали ишонгим келмайди. Телевизор экранда олис Вьетнам, Лаос, Кампучия, Никарагуа, Гренада, Ливан тупроғида душман бомбаси портлаётганини кўрсам қалбимга ларза тушади. Дилимни дард ва алам чулғайди... Бу бомбаларнинг ҳар биттаси, қанча одамнинг ёстигини қуритяпти, қанча оналарни боладан, дўстларни дўстлардан жудо қиляпти-да, ахир!

Уша даҳшатли портлашдан сўнг орадан икки кун ўтгач, саккиз киши икки аравада бориб дўстларимиз ҳалок бўлган жойнинг тупроғини тобутга солиб, ўрмонга дафн этдик. Уч қадрдонимиз қабри устида қуйидагилар ёзилган оддийгина тахтачалар қолди:

«Толкач И.

1910—14.04.1944

Калеко В. И.

1919—14.04.1944

Логачев Б. К.

1914—14.04.1944

Немис-фашист босқинчиларига қарши курашда ҳалок бўлдилар».

* * *

Май байрами яқинлашиб келмоқда. Кейин ёвуз босқинчилар Белоруссия тупроғидан ҳайдаб чиқариладиган ёз бошланади. Лекин ҳали шароит ғоят оғир. Фашистлар еган тепкиларининг ҳаммаси учун партизанлардан ўч олишга қасд қилгандек ҳар куни бизнинг зонага ҳужум қилишади.

Фақат 1944 йилнинг январь-апрель ойларида фашист босқинчилари қарийб юз марта бизнинг зонамизга ёриб киришга интилиб кўрдилар. Лекин ҳар гал бурни қонаб, чекинишдан бошқа чора топишолмади. Уларнинг тўрт юз кишилик отряди билан Червон райони, Ровеничи қишлоғи яқинидаги хуторни эгаллашга уриниши ҳам чиппака чикди.

Бундай ҳаракатлар билан мақсадга етиб бўлмаслигини фаҳмлаган душман апрелнинг охири — майнинг бошида ўн икки минглик моторлашган группасини

ташлади. Уларга танк ва авиация бўлинмалари мадад бериб турди. Майнинг ўрталарида «Пламя», «Красное знамя», Киров номли, 1-Минск, «Правда» газетаси номидаги бригадаларимиз фашистлар қуршовида қолди.

Аммо, қамал узоқ давом этмади. Бошқа партизан отрядларининг шиддатли зарбаси қамал занжирини парчалаб ташлади.

* * *

Навбатдаги операция 23 майга белгиланган эди. Бу операция учун 104 жангчи ажратилди. Отрядни икки ёндан ҳимоя қилиш учун «Ураган» отрядидан қўшимча яна бир рота жангчи сафарбар этилди.

Вазифа — Липки разъезди яқинида, 714—715 километрларни портлатиш. Темир йўл тиканли сим билан тўсилган. У учта дзот, иккита қоровул минораси ва прожекторлар билан қўриқланарди.

Операция жойига кечқурун бешларга етиб келдик. Екатеринбург борувчи катта тош йўл бўйидаги бутазорга бекиндик. Бу ердан темир йўлгача эллик метрча келарди. Қоронғи тушганидан сўнг темир йўлга қараб эмакладик. Бирдан прожекторлар ёниб, пулемётлар тилга кирди. Ён-веримиздан ўқлар чийиллаб ўтарди. Бир зумдан сўнг прожекторлар ўчди, отиш тўхтади. Нега отишди-ю, нега... Яна чироқлар ёнди: та-та-та!.. Кейин сукунат. Уларнинг нега бундай қилишаётганини тушуниб бўлмасди. Эҳтимол кўзларига партизанлар кўрингандай бўлгандир, эҳтимол ўзларини хушёр тортириш учун шундай қилишаётгандир.

Мана, прожектор яна ўчди, ўқларнинг овози тинди. Биз шиддат билан йўлни кесиб ўтдик. Яна бошланди!

Энди истаганча отишаверсин. Биз — уларнинг «уйи»дамиз. Темир йўл бўйига маҳкам ўрнашдик. Узоқдан паровоз чироғи кўринди, ёрқин нур тун пардасини тешиб ўтиб, яқинлашиб келаверди.

Энг яхши снайперга ПТР — танкка қарши милтиқ билан паровозни ишдан чиқариш топширилган. Қанотлардаги жангчилар дзотнинг овозини ўчириши, прожекторлар ёқилгунча қўриқчи минораларни яқсон қилишлари керак. Мана хуштак чалинди. ПТР ишга тушди. Тепадаги прожекторлар йилт этдию ўчди, минорадаги ва дзотдаги пулемётлар «сайролмай» қолди. Поезд тўхтади. Мажақланган паровоздан бурқсиб тутун кўтарилди. Жангчиларимиз вагонларга қараб ўқ ёғдирдилар. Кутилмаганда поезд Смоленичи станциясига қараб юриб кетди. Ҳайрон бўлиб қолдик. Биз эшелоннинг икки томонида ҳам паровоз борлигини билмаган эканмиз. Ушандаги аҳволимизни бир кўрсангиз, эди, ўзиям роса алам қилди-да. Поезд хиёл узоқлаши ҳамано устимизга яна ўт ёғила бошлади. Биховка ва Загорье томонидан бизни минометлар ва тўплардан ўққа туттишарди. Осмонда қизил ракета кўринди, бу чекинишга берилган буйруқ.

Оғзимиздаги «ош»ни олдириб чекиндик. Урмон ичкарасига ўн километрча кириб, дам олдик. Эртасига яна ҳужум уюштирилди. Бу сафар операция муваффақиятли ўтди. Эшелон портлатилди. Темир йўл ҳаракати 9 соат тўхтаб қолди.

* * *

Улуғ Ватан уруши тарихидаги йирик операциялардан бири «Багратион» операцияси ҳақида кўп ёзилган. Партизанларнинг бу операциядаги ўрни ҳақида Совет Иттифоқи Маршали К. К. Рокоссовский шундай ёзади:

«Белоруссияда немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтиришда партизанлар муҳим роль ўйнадилар.

Ҳужум қилиб келаётган совет қўшинлари партизанлар билан ҳамкорликда 1944 йилнинг 3 июлида Белоруссия пойтахти — Минск шаҳрини немис-фашист босқинчиларидан бутунлай озод қилдилар».

Улуғ Ватан уруши тарихидан маълумки, Ставканинг буйруғида Минскни озод қилиш 1944 йилнинг 6—7 июлига белгиланганди, амалда эса у 3 июлда озод қилинди. Шавкатли Қизил Армия ҳаракатининг тезлашувида Белоруссия партизанлари муайян ҳисса қўшдилар.

«Багратион» операцияси бошланиши арафасида «рельслар жанги» айниқса, авжига чиқди. Биргина 19 дан 20 июнга ўтар кечасининг ўзида Минск-Боржов темир йўлининг 6 километри йўқ қилинди.

Партизанлар зарбасини гитлерчиларнинг ўзлари ҳам тан олишга мажбур бўлишди. «Марказ» армия группаси ҳарбий алоқалар хизматининг собиқ бошлиғи, полковник Г. Теске ўз эсдаликларида бу ҳақда шундай ёзади: «Русларнинг ялпи ҳужуми олдидан, 1944 йил июни охирида барча муҳим йўлларда бошланган кучли чалғитувчи ҳужум немис қўшинларини бир неча кун бошқаришдан маҳрум этди». Герман қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлари бош штабининг собиқ офицери Э. Миндельдорфнинг хотираларида қуйидаги сўзлар бор: (Совет қўшинларининг)

«1944 йил ёзги ҳужумини тайёрлаш жараёнида шарқий фронтнинг марказий участкасида 19 дан 20 июнга ўтар кечаси рус партизанлари томонидан 10500 портлаш уюштирилди. Бунинг натижасида оператив немис резервларини ишга солиш бир неча кун орқага сурилди»...

Темир йўл участкалари Қизил Армия қисмлари етиб келгунга қадар партизанлар назоратида бўлди. Бизнинг «Совет Белоруссияси учун» бригадамиз зиммасига Минск билан Смоленевичи ўртасидаги иншоотларни назорат қилиш тушган эди. Армиямиз етиб келгунга қадар биз бу йўлдан бирортаям немис эшелонини ўтказмасликка ҳаракат қилдик. 23 июнда Слобода қишлоғи яқинида бўлган жанг ҳеч эсимдан чиқмайди. Биз бу ерда йўлни издан чиқарган эдик. Гитлерчилар уни тиклаш учун Минскдан қўшимча куч олиб келишди. Тиклашди. Лекин бир соатдан кейин яна темир йўлнинг кули кўкка соврилди. Ҳазабланган газандалар бизга қарши элликтача солдат ташлашди. Шиддатли олишув бўлди. Жангда рота комиссари Г. Шчербицкий ҳалок бўлди.

2 июлда «Совет Белоруссияси учун» бригадамиз шавкатли. Қизил Армия қўшинлари билан учрашди. Бир неча минутлик қувончлар, табриклар, кўз ёшлардан кейин яна жанг бошланди. Қўшинларнинг бир қисми Минск «қозони»да қолган немис армиясини тор-мор этиш учун жўнатилади. 19-ўқчи корпус қўмондонни генерал-майор И. Саморский буйруғига биноан бизнинг бригадамизга Смоленевичи районидаги Великий Бор аҳоли пункти ёнида фашист қўшинларининг чекиниш йўлини тўсиш топширилди. 6—8 июль кунлари қирқ соат мобайнида фашистлар қуршовдан чиқиш учун партизанлар билан беҳуда жанг қилдилар. 19-ўқчи корпус, 70-ўқчи дивизия қисмлари билан биргаликда олиб борилган жанглар натижасида 593 гитлерчи ўлдирилди, 1146 киши асир олинди, кўплаб жанговар қурол-яроғ, шу жумладан, 4 та танк, 20 дан зиёд машина ва бошқалар ўлжа қилинди. 8 июлдаги жанг ҳам шиддатли бўлди. Қарши ҳужум пайтида халқани ёриб ўтишга уринган фашистларни орқага улоқтириб ташладик, юздан зиёд гитлерчи ер тишлади. Биз ҳам анчагина қурбон бердик. Битта жангнинг ўзида 20 партизандан айрилдик. Уларнинг кўпи билан партизанлик ҳаётининг аччиқ-чучуғини бирга тотиб, биродарлашиб кетгандик.

Партизанлар паради

14 июль тонготарида Минскка кириб келдик. Шаҳар одам билан гавжум. Партизанлар оқимининг кети узилмайди. Булар — Белоруссия тупроғида жанг қилган, 1108 партизан отрядларининг вакиллари. Яна бир кундан кейин, 16 июль куни шаҳарда илк марта партизанлар паради ўтказилиши керак.

Бизнинг отряд мен учун қадрдон бўлган Белоруссия политехника институти яқинидаги истироҳат боғига жойлашди. Шаҳарга қадам босганимдан буён юрагим типирчиларди. Шу ерда ўқиганман. Қаердадир Симам кутмоқда. Қаерда, қайси уйдасан, Сима?

Жойлашиб бўлган заҳотиёқ Федор Бантишевнинг олдига чопдим. У айтмасдан фикримни тушунди — эрталабгача жавоб берди.

Кечасиёқ Оксана Кишиникни излаб топдим. У улғайиб қолган қизи билан физкультура институти биносига яшаётган экан. Оксана менга Ефросинья Ивановна Горелядни топишга кўмаклашди. Гитлерчилар мени кўлга олишганда Сима Ефросинья Ивановнаникидан бошпана топганди. Гестапочилар Симани ҳам ўша ердан тутиб олиб кетишибди.

— Симани суриштириб гестапога бордим, — деди Ефросинья Ивановна, — Лекин ҳеч нарса аниқлай олмадим. Уни қаергадир жўнатишган бўлса керак...

Оксани уйига кузатиб, отряд қароргоҳига қайтиб келдим. Жуда кеч бўлишига қарамай кўчада одам кўп эди. Минск 1100 кунлик азоб-ўқубатдан сўнгги озодликни байрам қиларди.

Байрам парадигача ҳар қадамда Симани қидирдим. Байрам тонгида халқ дарёдек ипподром томон оқди. Минбарга Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Пономаренко, 3-Белоруссия fronti қўмондонни, армия генерали И. Д. Черняховский, республиканинг бошқа раҳбарлари кўтарилдилар. Уртоқ Пономаренко барчани Белоруссиянинг озод қилингани билан қизгин табриклади. Майдон узра қудратли «Урал» садолари янгради.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда мен олисдаги қадрдон Ўзбекистонимни, дўстларим, ёру биродарларимни эсладим. Майдон узра белорус партизанларининг қаҳрамонликларига шон-шарафлар айтилганда Иван Рижик, Григорий Шчербицкий каби жанговар сафдошларим қиёфаси кўз олдимда жонланди.

Партизан отрядлари майдондан саф тортиб ўтиб боришмоқда. Чеҳраларда шодлик, ҳаяжон.

Тантанали параддан чиқиб яна тўғри фронтга-жанг майдонига қараб жўнадик...

Абулқосим Мамарасулов

МАЙ ЁМҒИРИ

Киммат момони район ҳарбий комиссариатидан сўраб келишди. Кичик невараси момонинг олдига югуриб келиб: «Момо, момо, сизни иккита одам чақиряпти», деди ҳовлиқиб. Чиқса, ҳарбийча кийинган икки киши бошлиқлар минадиган енгил машина ёнида туришипти. Кексароғини дарров таниди: ўглини суриштириб борганда доим шу одам «Хабар йўқ, янги гап бўлса ўзимиз чақирамиз», деб момони қайтариб юборарди. Қирқ йилдирки, шу ҳол. Муҳаммадидан қирқ биринчи йилнинг охиригача хат келиб турди. «Эртаниндин жангга кириб қолсак керак. Нима бўлади, нима қўяди, ўзим ҳам билмайман. Немислар ҳамма ёқдан бало-қазодай бостириб келяпти. Омонлик бўлса яна хат ёзаман», деганди охириги хатида. Ушандан бери момо умид билан яшайди. Олдинига уруш тамом бўлсин, деб кутди. Кейин ўлдига чиққанлар келиб қолиб, момонинг кўнглида шамчироқ ёнди. Яна кутди. Чидолмай қайтариб юборишларига қарамай ҳарбий комиссариатга бораверарди... Мана бугун, кутилмаганда... Наҳотки кута-кута... Анов таниш ҳарбий бекорга келмагандиров. У қачонлардан бери ҳар сафар момони кўрганда яширингани жой тополмай қоларди. «Келманг, овора бўлманг, қийналманг, менга ишонинг, ўзим хабар бераман» дерди. Муҳаммадидан дарак бўлмагандан кейин нима учун бормаслиги, овора бўлмаслиги, қийналмаслиги керак?

Қиммат момо саксон тўрт ёшга кирди. Сочлари оқариб, оғзида битта тиши қолмади. Аллақачон ўлиб кетарди. Бирдан-бир илинжи — Муҳаммадини кутиб яшашти. Ҳозир қишлоқда момонинг тенгдошлари қолмади ҳисоб. Бари ўғилларининг қўлида обрў-эътибор билан дафн этилди. Аммо Қиммат момо ўлса, ким кўмади? Қайси ўгли «онажон!» деб йиғлайди?

Қиммат момо мажолсизланиб ўтириб қолди.

— Ие, момо, сизга нима бўлди? — Ҳарбий киши тезгина келиб, момонинг кўлтигидан олди.

Момо шунчалар яқин кўринган бахтдан энтикиб, ниҳоят хўрлиги келиб, ўзини йўқотиб қўйганди.

— Муҳаммадидан хабар келтирдиларингизми? — дея сўради момо, зўрга шивирлаб.

— Билмадим, — деди меҳмон ҳаяжонда, — ҳар ҳолда, яхши гаплар бўлса керак. Ҳозиргина бошлигимиз сизни олиб келишни буюрди. Машинада учиб етиб келиб турганимиз. Юринг, нима гап бўлса ўша ёқда биламиз.

«Яхши гаплар» дегани момога «мана ўглинг», дегандай туюлди-ю, ҳовлиқиб кетди. Вужудига қувват югуриб, тезда уйга кирди. Муҳаммади келганда кийиш учун атайлаб қўйлак-рўмол олиб қўйганди. Бўхчаларни титар, излаган нарсасини тополмасди. Икки невараси тараддуланиб қолишган, аммо момоларига қандай ёрдам беришни билмай, хонада у ёқдан бу ёққа зир югуришар, «Нима керак? Нимани топиб берайлик?» деб сўрашарди. Момолари эса тайинли жавоб бермас, лаблари алланималарни пичирлар, гоҳ йиғламсирар, гоҳ кулимсирар эди.

Ниҳоят кийимлар кийилди. Сабр-тоқат билан кутган икки киши момони машинага ўтказиб, район ҳарбий комиссариатига равона бўлишди.

Боягина осмон тип-тиниқ эди. Машинага ўтиришганда осмонга булут чиқди. Кўп ўтмай, баҳор ёмғири қуйиб берди. Шофер машина эшигининг ойнасини очди. Момо хаёлга толди. Уша куни ҳам ҳозиргидай, баҳор ёмғири қуяётган эди...

Муҳаммади даладан келавермади. Қиммат момо ташвишга тушди. Ўгли нимага келмаяпти? Бирон кори ҳол юз бердими? Қоронғи тушаётганди. Ҳамма ишдан қайтди. Муҳаммади йўқ. Олдинига сигир соғиш, овқат пишириш билан алаҳсиди. Овқат тайёр бўлди ҳамки, ўгли кўринмасди. Дастлаб аччиғи чиқди, кейин хавотир олиб, кўча эшигидан тез-тез хабар ола бошлади.

— Қорин очқаб кетди, овқатингни сузсанг-чи, Муҳаммадинга жин ҳам урмайди. Бирон жўрасиникига кириб қолгандир-да,— деди Муҳаммадининг отаси, кўрпачага ёнбошлаб ётаркан.— Бунча ваҳима қилмасанг.

Момога гап кор қилмасди. Қиммат қирқ тўртга кирган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан ўтказиб келаётган ситамдийда аёл эди. «Момо» номи унга ўттиз ёшлигида тақилган, тенгдош дугоналаридан бири Қиммат доим ўйлаб, қарияларга хос гапириши учун аллақайси тўйда «худди момойларга ўхшаб гапирасан, энди сени Қиммат эмас, Қиммат момо деб чақирамиз», деганди. Ушандан бери тенгдошлари ҳазиллашиб, ёшлар эса чинакамига момо деб чақираб, Қиммат кўникиб кетганди.

Момо яна кўчага чиқди. Кутавериб, охири ўглининг дўсти Абдуғаффорни-кига борди. «Бемалол уйингизга бораверинг, келиб қолади», деди сирли кулимсираб Абдуғаффор. Унинг кулимсирашида сирдош ёшларга хос аллақандай ҳаяжон яширинганини момо сезмади. Кўнгли алағда бўлиб уйга қайтди. Овқат сузиб, дастурхонга ўтирди, аммо томоғидан ҳеч нараса ўтмади. Охири бўлмади. Яна кўча эшиги тагига чўнқайди. Агар ўлмаганда Муҳаммадининг олтига ака-укаси бўларди. Ҳаммаси туғилади, дўмбоққина бўлади, икки, уч ёшга киради-ю, бирдан касалланиб... Омон қолганлардан биринчиси қиз бўлди. Исмини Турдихол қўйишди. Кейин Муҳаммади дунёга келди. Кейин яна битта қизлари омон қолди. Пешоналарига бошқа ўғил битмаган экан.

Момонинг тўнғичи Турдихол ўн тўққизга кирди. Қанча-қанча совчилар келяпти. Битгаси ота тарафдан. Куёв бўлмиш йигит мўмин-қобилгина. Ҳамма рози. Фақат Турдихол оёқ тирайди. Тилаб олган фарзандлари, кўнглини ўкситишни исташмайди.

— Болам, танлаганинг бўлса айт,— деди бир куни момо.

Қиз сапчиб кетди.

— Нима, уйларингизга сиғмай қолдимми? Ҳайдаб юборинг, қутуласиз-қўясиз.

Шу-шу момо қизига оғиз очолмайди.

Турдихолга термулавериб қон бўлиб кетган юрагини бировга ёролмайди. Ишқилиб, Муҳаммади опасидай «ичимдагини топ» бўлмасин. Биргина тилаги шу... Яна бир истаги Қосим қассобнинг қизи Ҳалимани келин қилиш, суқсурдай қиз-да ўзиям.

Хуфтон бўлдиямки, Муҳаммадидан дарак йўқ. Қиммат момо чидолмай далага жўнади. Муҳаммадиларнинг бригадасига ажратилган майдон қишлоққа бир чақирим келадиган жийдазорнинг орқасида эди.

Қулоғига гўнғир-гўнғир овоз эшитилди. Овоз Муҳаммадиникига ўхшарди. «Ўғлим» деб юборишига сал қолди. Бирдан ўглининг товушига қиз боланинг товуши қўшилди. Ҳалима! Е томба! Тушими, ўнгимми? Овозлар йигирма-ўттиз қадам наридаги иккита йўғон толнинг орқасидан келарди. Муҳаммади ниманидир шивирлади. Ҳалима пиқиллаб кулди. Йўқ, булар бегона эмас. Фарзандлари. Эҳтиёткорлик билан ён томондан уларга яқин борди. Ўйлаганидай, иккиси толнинг панасида ёнма-ён ўтиришарди.

Тентаклар-э! Топган жойини. Жийдазордан бошқа ер қуриб кетибдими?

Момо ўзида йўқ қувониб уйга қайтди. Ўрнига чўзилди. Уйқуси келмади. Минг хил нарсаларни ўйлаб, шифтга тикилганча ётаверди. Турдихолнинг сарполари тайёр. Тезроқ уни узатганда Муҳаммадига йўл очиларди. Энди Ҳалима учун майда-чуйда тайёрлаш керак. Эртага шаҳарга тушиб чиқса-чи? Яхши-яхши атлас матолардан келинга уч-тўрт кийимлик олса. Биринчиси ҳам, охириг келини ҳам Ҳалима бўлади. Обрўлироқ қилиб, расм-русумни жойига қўйиш керак.

Муҳаммади ярим кечада келди. Момо ётган жойида ўгли қозонни очганини, косага овқат сузиб еганини сезди. Ниҳоят, Муҳаммади кўрпага кирди-ю, момонинг кўнгли тинчиб, кўзлари илинди.

Ухлаб қолибди. Муҳаммади «момо, момо», деб турта бошлади. Момонинг аччиғи чиқди. Одамлардан ўрганиб, энди бу ҳам ўз онасини момо дейдиган бўлдими? Оқшом куттиргани, Ҳалимани жийдага яқин олиб ўтиргани учун бир жазосини бериб қўйсинки, Момо иссиқ ўринда эди шекилли. Ҳаво шунчалар совуб кетибдими? Аста кўзини очди. Ён-верига қаради. Машинада кетяпти. Олд

ўриндиқларда ҳарбийлар. Таниши, ўзига хайрихоҳи орқага ўгирилиб, кулимсираяпти.

— Момо, кўзингиз илиндими?

— Сал хаёлим қочибди.

Емғир машинанинг олд ойнасига шиддат билан урилиб, капотга оқар, тозаллагич ойнани артиб улгурмасди...

Ез келди. Қимнат момо кудалари билан келишиб, энди тўй бошлаймиз деб турганда ширин орзу-умидлари чил-парчин бўлди. Қиронли уруш бошланди.

Муҳаммади урушга кетди. Кузга бориб момонинг бошига яна мусибат тушди: Турдихол йўқолиб қолди. Эрталаб, эл қатори далага кетган эди. Ҳамма ишдан қайтди. Турдихол йўқ. Момони ваҳима босди. Эрини оёққа турғизди. Қишлоқ остин-устун бўлиб кетди. Турдихол йўқ.

Бир одам ёшгина қизни район йўлида бир эркак билан машина кузовида ёнма-ён ўтириб кетаётганини кўрибди. Худди Турдихол билан Мусо бригадирга ўхшармиш...

Эрталаб бу миш-миш ҳақиқатга айланди. Турдихол Муса билан қочиб кетган эди.

Тушда Мусонинг хотини уч боласини етаклаб, момоникига бостириб кирди-ю, болаларини чирқиратиб момога ўшқирди: «Манжалақи қизингни йиғмадинг, эримнинг бошини айлантириб, қайси гўрга олиб кетди? Энди болаларини ўзинг боқиб ол!» Момо қотиб қолди. Жанжалнинг устига Турдихолнинг отаси келиб қолди. Мусонинг хотини энди унга аламини сочди. «Буларни боқасан». Аёл сочини юлиб, дод солаверди.

Турдихолнинг отаси ҳиқиллаётган уч гўдакка қараб турди-да, аста:

— Қўй энди, бўлган иш бўлди, агар қўлимга тушса эрингниям, қизимниям сўяман. Менинг ундай қизим йўқ. Қаерга борса хор бўлсин. Оқ қилдим, — деди-ю, гапининг охирида овози қалтириб, ерга қараганча, ичкарига кириб кетди.

Эртасига Мусони ҳарбий комиссариатдан излаб келишди. Қочибди. Чақириқ қоғози бўйича бормапти.

Турдихолнинг қилиғидан руҳан азобланиб, ўзини ўзи еб юрган Қимнат момонинг чоли Муҳаммадидан дарак бўлавермагандан кейин, баҳорга чиқиб, букчайиб қолди. Упка касалига чалинди. Ҳасса таянадиган бўлди.

Бу кўргиликлар ҳам ҳолва экан. 1942 йил баҳорида Турдихол афтодаҳол қайтиб келди. Ҳовлида куймаланиб юрган Қимнат момо қизини кўрди-да, донг қотиб қолди. Кейин қўлидаги коса-товоқни отиб, Турдихолга югурди. Қизининг юз-кўзларини ўпаркан, Муҳаммадидан ярим йилдан бери хат-хабар йўқлигини, отаси касал бўлиб ётиб қолганини айтиб, хўнг-хўнг йиғлади. Кейин, бирдан орқага сурилиб, қизини ўзидан итариб, турқи-тароватига қаради-ю, бўшашиб қолди. Турдихолнинг юзида катта-катта қора доғлар пайдо бўлган, тўлишган — боласи борлиги аён эди.

— Отанг ўлдиради, болам, — дард билан пичирлади момо.

Турдихол кўзларидан ёш оққанча, миқ этмай қаққайиб турарди.

— Энди нима қиламиз? Отанга нима деймиз?

Йиғи-сигини эшитибми, йўтала-йўтала Ҳасса таянган чол ичкаридан чиқди. Остонада қизини кўриб, илон чаққандай, юзи бужмайиб, ўтириб қолди. Момо Турдихолни қўйиб, эрига югурди.

— Йўқот унингни! — Турдихолнинг отаси яна ўрнидан тураётиб, қўлидаги Ҳассасини силтаб, бехосдан момони уриб юборди. Зарб Қимнат момонинг бўйнига тегиб, шилқиллаб қулади.

Турдихол ёрдам бергани шошиб келаётганди, отаси йўлини тўсди:

— Яқинлашма, фалокат!

Турдихол кўрқинч ва илтижо тўла нигоҳини дам онасига, дам отасига тикканча тараддуланиб қолди.

— Сув келтир, нимага бақрайиб қолдинг? Биратўла онангни азасини тутяпсанми? — отаси бақириб берди.

Иш буюргани — кечиргани. Турдихол шошилганча ошхонага кириб, пиёлада сув олиб чиқаётганди, эшикнинг тагидаги тошга қоқилиб, юзтубан йиқилиб тушди. Қорнида қаттиқ оғриқ турди. Букчайганча азобдан кўзлари қисилиб ерпарчин бўлиб ётиб қолди. Ота нима қилишини билмас, бир ёқда хотини, иккинчи ёқда қизи думалаб ётар, иккисининг ўртасида Ҳассасига таянганча, қалтираб турарди.

Шу воқеа устига кичик қизлари даладан тушликка келиб қолди.

— Қўшнилари чақир, қўшнилари, — деди ота ҳирқираб. Яна бир нима демоқчи эди, йўтал тутди. Йўталаверди. Йўталаверди. Хотини ҳам, қизи ҳам кўзига кўринмай кетди. Қишда ўпкасини совуққа олдиргандан бери касали кундан-кун зўрайиб борарди.

Қўшнилар келиб, уччаласини ҳам ичкарига олиб киришди. Кўп ўтмай, иккисининг аҳволи бирмунча яхшиланди-ю, Турдихол ёмон йиқилган эканми, кечга яқин тўлғоқ тутди. Доя кампирни чақириб келишди. У оғриқ азобидан чинқираб, ўзини уйнинг у бошидан бу бошига отар, кампирларнинг қўлида юлқинар, яна букчайиб бир бурда бўлиб қоларди.

Тонгга яқин Турдихол туғолмай жон берди.

«Ота қарғишига учраган эди,— дейишди қишлоқдагилар,— ота қарғиши ёмон бўлади».

Турдихолнинг отаси чўпдай озиб кетди. Ёзнинг охирида тўшакка михланиб қолди. Жон таслим қиларкан, нуқул бир нима деб тамшанар, нима деяётганини англаб бўлмас, мижжаларидан тинмай ёш қуюларди...

Уруш тугади. Омон қолганлар қайтди. Э-воҳ! Уларнинг орасида Мусо ҳам бор эди. Мусонинг аёли уч болани етаклаб йўлига чиқди. Момо Мусонинг ёқасидан олгиси, «Чолимнинг, қизимнинг хунини тўла!» деб юзига чанг солгиси келди. Аммо чидади. Бировга ёмонлик тилагандан ўзига омонлик тилаган маъқул. Мусонинг келгани яхшиликка бўюрсин.

Момонинг орзулари жуда кўп. Ҳаммаси Муҳаммадига боғлиқ. Момо неча марталаб ҳарбий комиссариатга борди. «Омон бўлса топилади, кутинг. Бир куни «лоп» этиб кириб келади, суюнчини кимга беришни билмай қоласиз»,— деб кўнглини кўтаришди у ердагилар. Момо кутаверди. Бу орада Ҳалимага совчилар кела бошлади. Қиз рад қилаверди. Совчи келиб кетганини эшитса, момо қийналар, ўзини қўярга жой тополмай қоларди. «Берманглар, ўзим келин қиламан», дейин деса, Муҳаммадининг қачон келиши номаълум. «Шунча кутганларинг учун раҳмат, энди обрўйимиз битди, мен рози, майли, келган жойларни қайтарманглар» дей деса, Ҳалимани кўзи қиймайди. Охири бўлмади. Қирқ еттинчи йили Ҳалимани эрга бериб юборишди.

Тўйдан бир ҳафта олдин Ҳалима Қиммат момонинг олдига келди. Кўзларида ғам, сал бўлмаса, хўнграб йиғлаб юборишга тайёр.

Момонинг юраги эзилди. Ғам тўла кўзларини Ҳалимага тикди.

Ҳалима ўзини момонинг кучоғига отди. Кўзларидан тирқираб ёш қуюлди. Тўйиб-тўйиб йиғлади...

Ушандан бери қанча сувлар оқиб кетди. Ҳалима болали-чақали. Ҳар замонда момоникига келиб туради. Момо Ҳалимага қараса, яна кўз ўнгида ўн етти ёшли Муҳаммади гавдаланаверади. Гўё ўша сафаргидай, пойлаб боргану, иккаласи жийдазорда пиқиллашиб ўтиргандай. Агар уруш бўлмаганда... Уруш... отгинанг ўчкур уруш...

Уруш туфайли Қиммат момонинг омон қолган яккаю ягона қизи ҳам жуда нимжон ўсди. Момонинг бахтига ота-онасиз, мўмингина йигит ичкуёв бўлиб келди. Биринчи невараси дунёга келгандан кейин қизи этиб қолди. Умрининг ярми тўшак билан касалхонада ўтиб кетди. Уй-рўзгор ишларининг бари Қиммат момонинг бўйнида эди. Бу ҳам етмагандек, қизи яна туғди-ю, касали баттар оғирлашди. Хуллас, охирги қизи ҳам пешонасига сигмаган экан...

Ҳайҳотдай оиладан биргина Қиммат момо қолди. Тирик экан, яшаш керак эди. Баъзи урушда йўқолганлар йигирма-ўттиз йилдан кейин тўпилиб келяпти. Газеталарда ёзишяпти. Балки Муҳаммади ҳам келиб қолар...

Қиммат момо куёвию, икки қиз невараси билан яшаяпти. Ҳатто қизидан ҳам ўғил фарзанд битмади. Ахир ўлса момони ким кўмади? Тўғри, куёви бор, у жуда яхши. Бари бир ўз фарзанди эмас. Ҳозир ўзига бошқа хотин изляяпти. Айтмаса ҳам билади. Аммо куёвини айблаб олмайди. Фақат невараларини ўйлаб, боши қоатади...

Район ҳарбий комиссариати олдида учовини пенсияга чиққан бошлиқ кутиб олди:

— Кечикасизларми, деб ўйлагандим,— деди у хурсанд бўлиб, момонинг тушишига ёрдамлашаркан.— Тез юринглар, ҳозир бошланади.

Момо «ўғлимдан хабар борми?» деб сўрашга улгуролмади. Катта зал тўла одам. Аксарият қариялар, кўксига орден-медаль таққан одамлар. Учовлон энг олдинги бўш қаторга ўтишди. Атрофда тантанали байрам руҳи ҳукмрон. То момо нафасини ростлаганча бир қанча киши президиумга ўтиришди. Мажлис бошланди.

Қиммат момо атрофига аланглаб, ўғлини қидирди. Йўқ, Муҳаммади кўринмасди. Балки яшириниб ўтиргандир. Онамни бир хурсанд қилай, деб, а? Охирги дақиқада осмондан тушгандай, ёнига келса. Болалик чоғларидагидай, орқасидан келиб, елкасига бошини қўйса. Момо шошганидан «ким экан бу?» деб ўгирилса-ю, ўғлини кўрса. «Муҳаммадим» дея тура солиб, бағрига босса...

Район ҳарбий комиссари бугунги Ғалаба куни учун йигирма миллион киши қурбон бўлганлиги, Ватан дея урушда шу районнинг не-не йигитлари ҳам

жонини фидо қилганларини гапирди. Нотиқ сўзининг охирида ҳамон фарзандларини кутаётган оналарнинг номини тилга олди. Уларнинг орасида Қиммат момо ҳам бор эди.

...Совғаларни янги бошлиқнинг ўзи топширди. Қиммат момо қўлидаги чиройли қутига қараб, тарадудланиб қолди.

Мажлис тугади, кўчага чиққанларида, ёш комиссар момонинг ёнига келди.

— Момо, нафақангиз етарлими? Оз бўлса айтинг, тўғрилаб берамиз. Ҳеч тортинманг, сизларга ёрдам бериш бизнинг бурчимиз.

— Болам, пулим етарли. Менга ўғлим ҳақида...

— Ўғлингизга келсак... Ўғлингиз ҳақида ҳали хабар келмади. Балким, кейинроқ келиб қолар. Бирон янгилик бўлса ўзим хабар қиламан. Овора бўлиб юрманг, кутинг, момо. Менинг машинам ҳозир сизни уйингизга элтиб қўяди.

Қиммат момо гаранг бўлиб қолди.

Шу ниятда, манави қутини бериш учун уни районга олиб келишган эканда. У бўлса...

Одамларга қараб туриб кампирнинг дилида яна умид чироғи милтиради. «Эртага келар. Балки, келиб уйда кутиб ўтиргандир. Кутиб ўтирган бўлса-я...» Қиммат момо совғани кўксига босганча машинага ўтирди-да, шофёрга қараб шоша-пиша:

— Ҳайда, болам, ҳайда,— деди.





Ойгул Суюндикова

Жанубдан хат

I

Кўлам келаётир жануб ёқларга,
Салом-алик қилди қуёш билан ер.
Қорлар эриётган баланд тоғларда,
Қирларда, сойларда баҳор билан юр.

Осмоннинг чеҳраси очилиб борди,
Офтобнинг нуридан бир қалам йўйдим.
Бир парча қоғознинг бир дунё дарди —
Бинафшаранг олам жилмайиб қўйди.

II

Оғир дамда одам керак одамга,
Озод кўтаргучи бағрига босиб.
Бир бора берилган ёруғ оламга
Шукроналар айтмоқ қилсин-да насиб.

Одам керак одамга бахтиёр дамда,
Бахт ҳам имкон бермас олишга нафас.
Айниқса йўқотиб, топганинг дамда,
Бахтни кўтармоқлик осон иш эмас...



Деразанинг ёнида бир қиз
Уй суради, дилбар, паришон.
Юрагида ҳоким қандай ҳис,
Кўзларида ёнар ҳаяжон,
Деразанинг ёнида бир қиз...

Оқшом эса келмоқда тушиб,
Уфқ ранги ўча бошлайди.
Ёш қалбида нелардир жўшиб,
Узоқларга нигоҳ ташлайди,
Оқшом эса келмоқда тушиб...

Кипригида ялтирайди нам,
Ойнинг титроқ нурларида жим.
Недир қалбин тирнаган алам,
Уни маъюс этиб кетган ким?
Кипригида ялтирайди нам...

Кўзёшингни кўрмасин ағёр,
Айт елларга, артиб ташласин.
Тиниқ кўкда шўх юлдузлар бор,
Айт уларга, қўшиқ бошласин,
Кўзёшингни кўрмасин ағёр...

Келгач дейди: «Малагим менинг!..»
Қайғунг кечар кечалар мисол.
Нозларингга сиғиниб сенинг —
Тонгги шафақ ранги каби ол,
Келгач дейди: «Малагим менинг!..»

Москва.

Малика Мирзаева

Ҳайрат

Денгизга сочилиб бир тўп юлдузлар,
Тўлқинлар бўйнига осилдилар шўх.
Уларнинг рақсидан юрагимда чўғ
Ўт олар. Ишонмас бу ҳолга кўзлар.

Юлдузлармас, балки бир шода япроқ
Тўлқинлар бўйнидан қучгандир хандон?
Уларга талпиниб қўл чўзганим он
Кўкка парвоз қилар япроқлар — оппоқ.

На юлдуз, на япроқ...
Танидим сизни...
Табиатга таъзим қиламан шодон:
Ҳей, сиз чорлоқларим, ушоққина жон,
Тизгинлаб олибсиз буюк денгизни!



Гул каби нозик хаёлим, нозини ёр билмади,
Гул хаёлидай кўнгил эъзозини ёр билмади.
Дуру гавҳарни нетарман бир ширин сўз олдида,
Дуру гавҳар ганжи сўздан озини ёр билмади.
Мен қуёш ёғдусидан ранглар талашдим ёр учун,
Зарварақ девони ишқ мумтозини ёр билмади.

Субҳидамларда сабо гулларга этгай рози дил,
Ул сабо дил розидай дил розини ёр билмади.
Булбули гўё бўлиб очди Малика кўнглини,
Англамасдан шунда ҳам, овозини ёр билмади.

Ўғлимга

Чуғурлайсан, ўғлим, ажабо,
Чуғурчўкнинг сен худди ўзи.
Сен — боғимда сайрайсан танҳо,
Сен — ижодим, бахтим юлдузи.

Сўзинг худди шакардир, ўғлим,
Қушлар куйи учар тилингдан.
Сирли бир ҳис, сирли бир қўшиқ
Жўй олгандир мўъжаз дилингдан.

Шарафлидир сен танлаган йўл,
Толеинг ёр бўлгайдир, ишон.
Бўлган каби қалбда орзу мўл,
Қўшиқларинг мўл бўлсин, ўғлон!



Тақдир, менга бердинг туйғули юрак,
Ноҳақликни кўрса бошлайди хуруж.
Ва бердинг дардларни туйишдай тилак
Қийналар қийноққа келганида дуч.

Тақдир, менга завқли юракни бердинг,
Бахт ичра яшамоқ муродим эзур.
Беш фарзанд — беш олам тилакни бердинг,
Уларнинг меҳридан қалбимдаги нур...

Фаргона.

Ойдин Шукурова

Оқшом одимлаб оғир,
Сувга борганингда боз,
Шивирлаб ниманидир,
Чиқармагин паст овоз.

Кутма мени, волидам,
Бунча ўртаниб, ёнма.

Кечалари дам-бадам
Алаҳсираб уйғонма.

Қўйгил, хўрсинма, она,
Ўйчан ўтирма узоқ.
Энтикма, маъюс боқма
Дарвоза очилган чоқ...



Юлдузларнинг ортидан қирғоқ
Шивирлайди, лабларида нам.
Чўққиларни тарк этиб мудроқ,
Тарқалади туман хотиржам.

Шабнамларнинг ҳидини олиб,
Шабадалар югурар нўрга.
Сен унутган барча нарсалар
Кўмилади қайта сурурга.

Бухоро.

Осмон қучоқ очди

Осмон қучоқ очди қалдирғочларга.
 Шовқиндан уйғониб кетган ўрикзор
 Жилмайди, ўранди оппоқ гулларга,
 Толбаргак сочлари қирқ ўрим тор-тор...
 Ун етти ёш қизнинг тилакларидай
 Офтобга қўл чўзган, лов-лов лолалар.
 Адирлар бағрини тўлдириб, елдай
 Чопиб бораётир бир тўп болалар.
 Буларни кузатиб... Кўз тинар завқдан,
 Юрак ҳаяжондан борар кенгайиб.
 Зангори қўшиқлар тўкилар ундан
 Эҳтирос селига юзларин чайиб.
 Осмон қучоқ очди қалдирғочларга,
 Заминга мовий ранг сепади улар.
 Энди ўз-ўзини отади жарга —
 Қалбдан жой тополмай қолган қайғулар.



Уфқ анор суви ила ювди юз,
 Қуёшнинг сочлари бўлди чамбарак.
 Рўмолин жимгина силкиди кундуз,
 Оқшомга кийдирди тожини фалак.
 Сўлимлик, тароват тўкилди бир-бир,
 Хиёбонни сирлар ўраб ташлади.
 Покиза туйғуга бўлганча асир,
 Юраклар оҳиста шивир бошлади.
 Энтикиш... ёнишлар...
 ва... ниҳоят, роз,
 Қутлуғ сўз тафтидан гурлади диллар.
 Еллар рақс тушди... бир майин, серноз...
 Жилмайиб қутлади намозшомгуллар.

Тошкент.

Гулчеҳра Муродалиева

Сўнгги қор кафтимда эрийди,
 Лабимга босаман жонсарак.
 Мен сўнгги аёзни ичаман —
 Аёзлар қалбимда илийди...

Эртага баҳор ҳам келади,
 Кўксида оловли қуёши.
 Соғинчдан юлдузлар қулайди —
 Тўкилар майсалар кўзёши.

Эртага ҳаммаси бўлади,
 Армонлар айланар орзуга.

Балки у...
• Балки у... қайтади,
Айланиб юракнинг розига.
Эртага ҳаммаси бўлади...



Мен сизни соғиниб-соғиниб,
Бу дунё — соғинч деб билсайдим.
Қаҳратон музларнинг остидан
Бойчечак нафасин туйсайдим.

Мен сизни соғиниб-соғиниб,
Буюк бир бардошга айлангум!
Сиз — мовий кенгликсиз,
Мен — ўтман.
Оҳ, сизни ёндиргум...
ёндиргум...

Ленинобод.

Умида Абдуазимова

Юриб келдим гиламдан

Уйга кирди Мирҳосил,
Чанг-тупроқ эгни, боши.
Полни ювгандим ҳозир,
Кетди фиғоним ошиб:
— Пол босиб келгандирсан? —
Сўрадим жаҳл билан.
Дер: — Ҳеч хавотир олманг,
Юриб келдим гиламдан...

Тошкент.

Мақсуда Эргашева

* * *
Мен кузни севаман ҳатто баҳордан,
Қалбимни титратар кузги сокинлик.
Барглар жаранг-жаранг тўккан оҳангдан
Руҳимда сезаман ажиб яқинлик.

Мен кузни севаман ҳатто баҳордан,
Қалбимга шавқ солар кузги тўкинлик.
Унинг сахийлиги, ўктамлигида
Деҳқоннинг феълига бордир яқинлик.

Фарғона.

Чорвоқда

Соҳилга оҳиста бош қўймоқ бўлиб,
Кумушранг сочларин ёяр тўлқинлар.
Қалбимга бир олам қувончни тугиб,
Югуриб кетаман, тез қайтар улар.

Асов тўлқинларга тўш урар қушлар,
Туйғумга ҳамоҳанг тоғлар ҳайрати.
Кўзларим тўймайди. Эсимга келар
Урол оғанинг бир машҳур суврати.

Тўлқинлар бағридан таралган туман
Тоғларнинг бошини олади чулғаб.
Шу ерда унутдир макон ва замон,
Югурик лаҳзалар қолади тўхтаб.

Қайноқ тўлқинларнинг муздек оғушин
Қумсаб, қумларига бошимни қўйдим.
Яқиннинг бу қадар олис бўлишин,
Шу ерда илк бора ҳис этдим, туйдим.

Қамаши.

Ҳалима Қорабоева

Ёруғликлар

Тонг. Дераза ёнидаман. Кўкка боқиб,
Юрагимга кириб келар нурлар оқиб.

Кўк четида сўниб борар тонг юлдузи,
Нурлантлар бу дунёни қуёш ўзи.

Кўксимда бор ташвишлардан фориг бўлиб,
Соф ҳаводан симираман тўлиб-тўлиб.

Яқин дўстдай ҳамнафасдир ёруғликлар,
Уйларимга жуда мосдир ёруғликлар...

Шаҳрихон.



Эсоной
Содиқова

САНОБАР

Кизини икки дугонаси қўлтиқлаб олиб чиқишаётганда Санобархон чидаб туrolмади, уни бағрига маҳкам босиб, йиғлаб юборди.

— Бўлди, бас қил йиғини, — деди маҳалланинг энг кекса кампири Чўлпон момо. — Йиғлагандан кўра унга бахт тила. Ўйнаб-кулиб кузат. Қизинг: «Онам йиғлаяпти», деб кўнгли хижил бўлиб уйдан чиқмасин, болам...

Санобархон кўз ёшларини рўмоли учига артиб, ихлос билан пичирлади:

— Борган жойингда бахт топ. Қўшганинг билан қўша қариб, Рустамдек ўғилларнинг, Барчиндек қизларнинг онаси бўлгин.

Келин билан қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар бир-бир хайрлашгандан кейин ҳамма аста-секин енгил машиналар томон юра бошлади. Юракларни ларзага солиб сурнай «ёр-ёр»и янгради.

Иўлда ҳам Санобархон ўзини босолмади. Кўзидан ёш оқаверди. «Қўйинг энди», дейишсаям йиғисини қўймади. Йиғларди-ю, қизининг чақалоқлик пайтларини ўйларди. Уша пайтлар бошидан не кечганини ёлғиз ўзи билади. Санобархоннинг қулоқлари остидан сурнай овозию хотинларнинг «ёр-ёр»и узоқлашиб, қушларнинг чуғурига тўлган, табиат жонлана бошлаган баҳор фасли кўз олдига келди...

Ушанда Санобархон туғруқхонада ётарди. Енида эса қоши ўрнига билинар-билинимас чизик тортилган, сочлари пешонасига тушган гўдак жимгина ухларди. Фарзанди туғилдию севинчи ошиб-тошиб, ўзга бир сеҳрли, серташвиш олам қўйнига кириб қолгандек ҳис қилди ўзини. Боласини ҳамширалар олиб келишини интизорлик билан кутар, олиб чиқиб кетишаётганда эса болалар палатасигача ҳамширанинг орқаси-

дан борарди. Оналик туйғусидан кўнгли гурурга, фахрга тўла эди. Кечалари йиғлаб қолмадимикин, деб уйқуси қочиб, вужудини қулоқ қилиб ётар, баъзан эса оёқяланг болалар палатасига бориб, эшик тирқишидан қулоқ тутарди. Назарида қизи туғилдию шунгача бўлган ғам-кулфатлари — ҳамма-ҳаммаси нари кетгандек эди. Унинг каравоти шундоққина дераза олдида эди. Дугоналари келиб деразани чертса, эшитиб бошини кўтарарди. Адҳам акаси эса кунда келар, лекин қовоғи солиқ, ҳеч ёзилиб гаплашмасди. Ишим шошилинич, дердию олиб келган нарсаларини узатиб, кетиб қоларди. Санобар унинг қовоғи солиқлигига ҳам, илгаригидек очилиб-сочилиб гаплашмаслигига ҳам эътибор бермасди. Ўзи билан ўзи овора эди. Мана, эртага врачлар уйга кетишга рухсат беришди. Санобарнинг икки кўзи йўлда. Келса, айтади. Ҳозир келса эди, қизини ҳам кўрсатарди.

Санобар қўлидаги гўдагини ўпди. Димоғига энтиктирувчи гўдак ҳиди урилди. Қизи билан овора бўлиб, Адҳам акаси келганини сезмай қолибди. Дераза чертилганини эшитиб бош кўтарганида, қалбида қуёш чиққандек яйраб кетди.

— Мана, қаранг, худди ўзингиз-а,— деди Санобар чақалоғини дераза ойнасига яқин келтириб. Адҳам унинг кўнгли учун қараган бўлди. У қандайдир бепарво, лоқайд эди.

— Эртага бизга жавоб беришади.

— Жавоб?!— Адҳам чўчиб тушди.— Сизга илгари ҳам айтгандим-а,— деди у койинганнамо. Сўнг, ҳар бир сўзини ўйлаб, тарозига солиб тортгандек, салмоқ билан гап бошлади:— Шу... баъзи бола кўрмаган одамлар туғруқхонадан бола олади, деб эшитгандим, биз ҳам...

Санобар қотиб қолди. Қулоқларига ишонмади. Янглиш эшитмадиммикин, дея меровсираб Адҳамга қаради.

— Кейин... кейин қайтариб оламиз. Тушуняпсизми, қайтариб оламиз. Таниш кишиларга берамиз, гаплашиб қўйдим.

«Гаплашиб қўйдим». Адҳамнинг кейинги жумласи узоқ-узоқдан эшитилгандек бўлди. Шу пайтгача юрагида дарё юзидаги оқиб келаётган хасдек дам кўриниб, дам кўринмай қалқиб турган ташвиш энди уни ўз измига олиб, бутун вужуди карахт бўлиб қолди. Палатадаги бошқа аёллар ҳам каравотларидан туриб ўтириб олишган, кутилмаган бу воқеа уларни ҳам сергаклантирганди.

— Олсин шунақа отани!..— жимликни бузди ён томондаги каравотда оёқларини осилтириб ўтирган кўҳликкина бир жувон.— Меҳри тошми, дейман-да, ўзиям. Гаплашиб қўйганмишлар.

— Ҳа-я, бировлар тирноққа зор, бу бўлса... Ҳе-е, фарзанд кўр қилгур!..— деди аёллардан яна бири.— Олтита болам бор. Шунисини врач билан гаплашиб, бир бало қилай, десам, дадалари чунонам уришдиларки...

Хотинларнинг гапи таъсириданми, ич-ичидан аламли хўрсиник чиқиб, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди.

— Қўйинг, хафа бўлманг, хафа бўлсангиз сутингиз қочиб, болангизга зиён етади. Битта болани ўйнаб-кулиб катта қилиб оласиз,— деди бояги оёғини осилтириб ўтирган жувон.

— Ҳа-я, замон тўқчилик.

Палатадаги хотинларнинг айримлари унга ачиниш билан қарасалар, айримлари эса: «Айб ўзингдамасмикин?! Ажаб қилдими? Сендақа суюқоёқларга бу ҳам оз» дегандек, андак ғайирлик билан кўзларини лўқ қилиб тикилиб туришарди. Айниқса, бурчакдаги каравотда ётган семиз, паст бўйли, бурни пучук, нокбош хотин ёмон қаради. Санобарнинг кўзи бехос унга тушди-ю, юзидаги масхараомуз ифодадан мияси зирқираб кетди. Бу зирқираш бир зумда суяк-суякларига ўтди. Номусдан ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди. Кўзи қизчасига тушди-ю, ич-ичидан аламли хўрсиник чиқди. Кичкинагина бошида шунча ташвиш-а?! Санобар энди ўзи қолиб, гўдаги учун эзилиб-эзилиб йиғлай бошлади. Энди уларни ким

сиғдиради? Опасиникида илгаригидек яшаб кетармикин? Бунгача тортган азоблари-чи? Еки Адҳам акаси айтгандек... Йўқ, йўқ... Санобарнинг қалбини ўткир пичоқ тилиб, алам билан «балки, у ҳалиям кетмай тургандир, гапидан пушаймондир», деб ўйлаб, деразага ўгирилди. «Вой, номард, бевафо-ей, кетиб қолибди, кетиб қолибди. Индамай кетди-я, ноинсоф, бошини ғалвадан олиб қочибди-да. Илгарилари қандай эди? Болаларни кўрса, кўзи чақнаб кетарди. Е ҳаммаси шунчаки ниқобмиди? Ҳаммаси жойида бўлади, хафа бўлмаг, деганди туғруқхонага келаётганимизда. Гаплашиб қўйдим, деяпти, шунинг учун ҳам ўша куни «жойида бўлади» деган экан-да. Балки, балки, ўйлаб кўриб, эрталаб келар...»

Санобар кечаси билан тиканак устида ётгандек тўлганиб чиқди. Бир-биридан аламли, бир-биридан азобли ўйлар қалбини эзиб, пармаларди. Шу азоб, аламлар ичра: «келади, келади», деган умид шамчироғи дам ўчиб, дам ёнарди. Тиқ этган овоз унга дераза чертилгандек бўлиб эшитиларди. Лекин тонг ёришиб, қуёш нурлари палатани тўлдирдиям келмади. Санобар, жисму жони карахт, қўлларини боши остига қўйганича ётарди.

— Эмизасизми?

У ҳамширанинг овозини элас-элас эшитди.

— Кечирасиз,— тортинчоқ ҳамшира қиз секингина қизчасини унинг ёнбошига ётқизиб қўяётгандагина вужудидаги карахтлик ўрнини ширингина оналик туйғулари эгаллади-да, тез ўгирилиб, чақалоғини бағрига босди, сўнг меҳр билан юзига тикилди. Назарида қизчаси митти кўзларини очганича унга қараб табассум қилаётгандек, гўёки: «Ойижон, қўяверинг, мен борман-ку, ҳамма ғамларингиз беҳуда, бекорга ўзингизни азобляпсиз», деяётгандек эди. Қуриган булоқ сувининг кўзи очилгандек, яна кўзларини ёш қоплади. Укинчли йиғидан елкалари силкиниб-силкиниб кетди.

— Вой, яна йиғляпсизми? Қўйинг энди! Опангиз бор эканлар-ку,— деди кечаги далда берган келинчак уни юпатиб.

— Мирсолиева, сизни олиб кетишга келишибди,— деди шу пайт ҳамшира қиз эшикни очиб.

«Ана, келади, дедим-ку, келибди-да. Йўқ, ундай номардлардан эмас». Санобар бирдан борлигини қувонч эгаллаганини сизди. Қизчасини кўтариб, палатадагилар билан шоша-пиша хайрлашиб, коридорга чиқишга ошиқди. Эшикни очдию коридорнинг охирида врач билан гаплашиб турган опасини кўриб, бўшашиб кетди. «Келмабди-да!» Ҳам алам, ҳам уятдан бошини қайси эшикка тиқишини билмай, довдираб қолди. Палатага қайтиб кирай деса, бўлмади. Опасининг қовоғи солиқ, озиб, юз суяклари чиқиб қолибди. Иложсиз улар томон юрди. Опаси ақалли ўгирилиб ҳам қўймади.

— Ундай бўлса...— врач Санобарга ўгирилди.— Синглингиз.

— Синглим нима дерди? Қилғиликни қилиб...— опаси гапини тугата олмади. Томоғи бўғилиб, кўзини ёш қоплади. Санобарнинг боши яна ҳам қуйи эгилди. Ҳозир шундай, кўчага чиққанда нима қилади?

Сукунатни врач бузди:

— Опангиз болани ташлаб кетсин, деяптилар.

Унинг овози синик, нимжон эди.

— Қандай қилиб?— Санобар чидамсиз оғриқдан бақириб юборгудек бўлди, бағрига ҳарорат бахш этаётган гўдагини кўкрагига қаттиқроқ босди.

— Қандай қилиб бўларди, аҳмоқ?— жеркиди опаси.— Қариндош-уруғларнинг кўзига қандай қарайсан, ор-номусимни букдинг-ку! Поччанг, боласини ташлаб келсин, бўлмаса унга эшигим берк, деяпти.

Санобарнинг боши айланиб, вужуд-вужуди зирқираб кетди.

Беҳолгина деворга суянди. Адҳам акасининг бепарво, лоқайд башараси дераза ортидан кўрингандек бўлди. Бу башара энди уни илгаригидек мафтун қилмас, юрагини жизиллатиб, ловиллатмасди. Аксинча, нафратини қўзғаб, ғашини келтирарди. «Номард, индамай

кетди-я! Ўзим ҳам шунча лақма бўлмасам. Унинг алдовларига, ширин сўзларига лаққа учибман-а. Эй, пишмаган калла. Чиқишинга уй топиб, ҳозирлаб қўяман. Бўлмаса, аямларга тушунтираман. Ҳаммаси жойида бўлади, деганди, ишонибман-а, мен аҳмоқ!»

Санобарнинг дилини яна ўткир пичоқ тилиб ўтди.

— Йўқ, йўқ, бари бир ташлаб кетолмайман,— деди кескин. Сўнг шошиб-пишиб қўшиб қўйди:— Айб менда бўлса, бу гўдакда нима гуноҳ? Майли, қийналсам, мен қийналай, лекин...

— Нима қиласан энди, қизим?— унинг гапини бўлди оппоқ қалпоқча тагидан кумуш сочлари чиқиб турган врач.— Таниш, яхши оилага берамиз, бориб кўриб турасан.

У гапирардию бу сўзларни ноиложликдан айтаётгани шундоққина аён эди. Шунинг учун ҳам Санобарнинг кўзига тик боқмасди.

— Майли, опамникига бормасам бормасман. Лекин болани ташлаб кетолмайман.

— Энди, қизим, ўқир экансан. Қийналиб қолмасмикинсан, дейман-да. Опангнинг аҳволини кўриб турибсан.

— Хўп де, синглим, хўп де. Сени бу ёқдалигингни қўшнилар билишмайди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади,— дея илтижо қилди опаси овози бўғилиб. Санобар унга қанча ачинмасин, айтганини қилишга ўзида заррача бир истак топа олмасди. Санобар фақат оналик бахтига уни мушарраф қилган кичкинагина вужудни тан оларди, холос.

— Майли, опа, бўлмаса биз бошқа...

— Бошқа жой топилармиди шу аҳволда?— гапини бўлди опаси.

Санобар ухлаётган гўдагига қаради. Кўзида ёш, меҳри товланиб, унинг момиқ юзларига лабларини босди. Сўнг опасига юзланди:

— Сиз ўзингиз болангизни...

— Гапирма, мени йўригим бошқа.

— Бари бир, онасиз-ку!

— Майли, ҳозирча ташлаб кет. Кейинчалик олиб кетамиз,— синглисининг гапи таъсириданми овози майинлашди опасининг.

Санобарнинг вужудини алам тегирмон тошидек эзар, гўё у аста-аста нураб, ўз-ўзидан тўкилиб кетаётгандек эди.

«Кўчага қандай чиқаман, одамлар кўзига қандай кўринаман? Ё қизларнинг олдига, ётоқхонага борсаммикин? Яхшиси, шундоқ қила қолай». Миясига келган фикрдан Санобар сергакланди.

— Опа, биз ётоқхонага, қизларнинг олдига борамиз,— у шундай деганича ташқарига йўл олди. Орқасидан опаси ҳай-ҳайлаганича югурди.

— Тўхта, тўхта деяпман, аҳмоқ!

Лекин Санобар қулоқ солмади. Уша кетганича қизлар ётоқхонасига борди.

Эҳ-ҳе, ўшанда тортган азоблари... Қизи сал катта бўлгач, бир кампирга боқишга бериб, ўқишини кечкига кўчириб, кундузи ишлади. Лекин ҳаётида бўлиб ўтган бу воқеа бутун умр қалбида армонли доғ қолдирди. Доғ қолдирди-ю, лекин у оналикни тарк эта олмади. Уртоқларининг тўйи бўлганда ҳам, қўл ушлашиб кетаётган келин-куёвларни кўрганда ҳам, оқшом чоғлари кўчаларни тўлдириб ўтган куёвнавкарларнинг қийқиригини эшитганда ҳам, ўша армонли алам тиг бўлиб бағрини тилиб ўтарди. Уйга кириб олиб аччиқ-аччиқ йиғларди. Ахир у ҳам оппоқ келинлик либосини кийса ярашмасмиди?! Уртоқлари қуршовида, паҳлавондек ёри билан «Тўйлар муборак» қўшиғи остида қарсақлар билан тўйхонага кириб келса ярашмасмиди?! Ҳа, ҳа, ярашарди, шундай қилса бўларди. Лекин ўзи энгилтаклик қилди. Шу энгилтаклиги армонли доғ бўлиб қалбига бутун умр муҳрланиб қолди. Мана энди бировга айтиб айта олмайди, пинҳон дард чекади. Қизи олдида ҳам юзи шувут...

Машина бир нарсага урилиб тўхтадими, ё Санобарга шундай туюлди, билмади, ишқилиб, бир қалқиб кетиб ўзига келди.

Улар тушган машинадан уч-тўрт қадам нарида кўча ўртасида гулхан ёнар, атрофини болалар, хотин-халажлар ўраб олишган эди.

«Келин келди... Ура-а-а, келин келди!» деб болалар уёқдан бу ёққа югуришарди. Санобархоннинг қизи келган оқ «Волга» машинасини қўлида гул кўтариб олган куёв, яна хотин-халажлар ўраб олишган эди. Куёв навнихолдеккина экан. Иккаласи қўлтиқлашганча, «Тўйлар муборак» қўшиғи остида, ҳовлида ясалган столлар томон юрди. Куёв-келиннинг ўртоқлари уларнинг устидан гуллар сочишди.



Саломат
Вафоева

ҚУВОНЧ

Абдулла эрталаб аранг кўзини очди. Оғзи қуруқшаган, боши лўқиллаб оғрийди. Унг ёнига қараса, хотинининг ўрни бўш. Бирпасдан сўнг эринибгина қўзғалди. Ҳовлига чиқиб кўкрагини тўлдириб нафас олди. Ҳовлининг ўнг юзидаги ошхонага қараб, хотини сут пишираётганини кўрди. Сигир соғишга ҳам улгурибди.

Университетда бирга ўқиган дугоналари бугун Гавҳарни кўриб танимаса керак. Ураган рўмолининг катталигидан юзи бир бурда бўлиб кўринади. Юзи сал кўпчиган — ой-куни яқин.

Ошхонада нимадир тарақлаб ерга тушди. Абдулла ювингани ҳовли саҳнига тушиб, ўша ердан овоз берди:

- Неча марта айтаман сенга, оғир нарса кўтарма деб!..
- Унда қўлимни совуқ сувга урмаслигимга тўғри келади.
- Урмасанг урма.
- Овқат емайсизми?
- Йўқ... Есам ўзим қиламан.

Гавҳар бир гапида туриб оладиган қайсар эрига гап уқтиришга кўзи етмаса ҳам, шўхлик қилгиси келди.

— Ана супурги, кўча супурилмаган.

Абдулла кулимсираб, ерда ётган супургини олдию ташқарига йўналди. Гавҳар кулиб юборди.

— Нега куласан?

— Қўяқолинг, Абдулла ака. Бари бир супуролмайсиз. Меҳри опа уйидан чошиб чиқиб, қўйинг, Абдуллажон, сиздай қишлоқнинг обрўли одамига ярашмайди, деб айтади.

— ...Кейин айтадики: «Гавҳархон сал эркароқ. Биз ундайлигимизда иккита болани опичлаб, ишга қатнаганмиз...»

Эр-хотин кулишди.

— Ишга кеч қолманг, — деди Гавҳар бирдан жиддийлашиб.

Абдулла супургини ташлаб ошхонага кирди, тик оёқда бир пиёла чой ичиб чиқиб кетди.

Гавҳар қаймоқ бойлаб турган сутга нон тўғради, лекин кўнгли тортмади — сут шундайлигича қолди. Деразани очди. Хонага эрта-лабки салқин куз ҳавоси ёпирилиб кирди. Дераза раҳидаги сарғиш япроқларни суриб туширди.

Йўлнинг у бетида кетмон кўтариб кетаётган иккита қиз Гавҳарга қарай-қарай узоқлашишди.

«Қишлоқ қизлари беғубор-да, — деб ўйлади Гавҳар, — ўзларига қўшилиб кулишимни, тўйларда ёр-ёр айтишимни, шўхлик қилишимни ишташади. Ҳар ўтганда, ҳар кўрганда, мўлт-мўлт тикилиб, нимадир демоқчи бўлишади. Мен эса остона ҳатламайман...»

Йўл бўйида сўнгги япроқлари зўрға илиниб турган теракка қараб туриб, университетни эслади. Етоқхоналари ёнида, шундоққина дераза олдида терак ўсарди. Ушанда Гавҳар шеър ёзарди...

Кимдир кўча эшигини очди шекилли, товуқлар безовта қақағлади.

— Ҳой, ким бор?

— Келинг, Меҳри опа, — Гавҳар ўрта яшар сариқ хотинга пешвоз чиқди.

— Яхшигина ўтирибсизми, келин? Сабзиларингизни товуқлар чўқилаб ташлашибди.

— Нима? — деди Гавҳар дабдурустан англамай.

— Товуқларингиз, — деди Меҳри опа, — сабзини кавлаб ташлабди.

— Кираверинг, опа. Мен товуқни қамаб келаман.

Меҳри опа дераза тагига ўрнашиб ўтирди, одати бўйича хонага кўз югуртирди. Деворда катта зангори гилам, тепасида Абдулла билан Гавҳарнинг тўйда тушган сурати. Ойнаванд китоб жавонида гилам гуллари жилоланади. Бурчакда рангли телевизор.

«Китоблари бунча кўп бўлмаса, — деб ўйлади Меҳри опа энсаси қотиб. — Нима бало қиладиган бошқа ишлари йўқми? «Алпомиш» деган китобимиз бор эди, дадаси болаларга «самолёт» ясаб берибди... Бир жавон китоб-а! Эсизгина пул...»

Гавҳар лаганда узум кўтариб кирди. Меҳри опа оёқларини йиғиштириб, хонтахтага яқинроқ сурилди.

— Олинг, Меҳри опа.

— Абдулла ишдами?

— Ҳа.

Гавҳар узумдан номига чимдиб ўтирди. Шу кунларда иштаҳаси йўқ, ўзига қолса, гум-гурс бўлиб ётаверса...

Меҳри узумдан тогинган бўлиб, Гавҳарга кўз қирини ташлади. «Жуда хушрўй-да шу Гавҳари тушмагур. Абдулла бекорга Тўрткўлдай жойдан олиб келмаган. Ҳусндан берган-у, лекин бошқа томондан қисган — фарзанди турмайди. Иби, нега бу кулимсирайди?.. Қўлида қўш узум. Вой бечора, эгизни ўйлагунча яккасига омонлик тиласангчи!..»

— Хаёл суриб қолдингиз, Меҳри опа?

— Хаёл сурмай қаёққа борардик, эрмагимиз шу-да. Бу кунлар ҳам фанимат, пахта терими бошланиб кетса, бир-бировни кўриш борми?

— Яхши қилибсиз чиқиб.

— Сизга ҳам қийин, бўладиган иш-да...

Гавҳар қўшни хотиннинг ойбаркашдек юзига тикилди. «Яна кимнингдир ғийбатини бошламоқчи шекилли. Ўзи яхши хотин-у, лекин сал...»

Меҳри опа бирпас жим ўтирди, сўнг дафъатан сўраб қолди:

— Нима қиласизлар энди?

— Нимани?

— Даъво қилишмаяптими?

— Кимни айтяпсиз, опа?

— Билмаганингиз ҳам яхши, айланай. Сўраганимни эрингизга айтиб юборманг. Балким ёлғон гапдир. Биласиз, миш-мишни ёмон кўраман, сизга айтиб дилингизни оғритмай, гуноҳи ёмон...

Меҳри опа уни аядими, гапни дудмал қилди. Гавҳар ботиниброқ гап сўраёлмади, қўрқди. Билдики, бу сирнинг Абдулла акасига дахли бор. Ундай деса, эри соппа-соғ юрибди. Е ишида бирор кўнгилсизлик бўлдимми?.. Унда майлиди, мансабга жудаям ёпишиб олгани йўқ, оддий агроном бўлиб юраверади.

Меҳри опа яна бир оз ўтириб, хамирини баҳона қилиб чиқиб кетди.

Гавҳарнинг боши айланди, кўнгли айниди. Вужудда оғриқ уйғонди. Ҳалигина эшитган гаплари тегирмон тошидай эзаверди, эзаверди. Гўдак ҳам безовта.

Лоп этиб студентлигидаги бир воқеа эсига тушди.

...Эшик очилиб ичкарига паст бўйли, боши катта, бароқ қошли бир киши кирдию, кўзлари жовдираб Гавҳарга бир варақ қоғоз узатди:

— Бир сингиллик қилинг, шуни машинкада... Аёлим қазо қилганди. Савоб бўлади...

— Ким ёзди буни?

— Узим.

Эсловдан Гавҳарни нафаси қайтиб кетгандай бўлди: «Туғолмай ўлсам, Абдулла ҳам... район газетасига... ҳеч қачон, ҳеч қачон!..»

Пешингача йиғлаб ўтирди. Ниҳоят, эшик очилиб, тердан бўғриққан Абдулла кирди. Қўлидаги похол шляпасини пойгакдаги стол устига қўйди.

— Зерикмаяпсанми? Ҳамма ёқни беркитиб ўтирибсан.

Дарпарданинг темир қисқичлари шиғиллаб чеккага сурилдию хона ёришиб кетди.

— Бугун Раҳима Содиқовна, қуш тинадики, Абдулла тинмайди, деди. Каналнинг уёғидаги ерларга теримдан сўнг техника ажратадиган бўлдик.

Абдулла холодильник устидан сигарет олди. Кўзларини қисиб деразадан кўчанинг нариги бетидаги дарахтларга тикилиб қолди.

— Аввал мақтади, — деди деразадан юз ўғирмай, — лекин орқа участка йўлларини асфальт қилайлик, деб айтганимни биламан, мой сепилган шох-шабадади ловуллаб ёниб кетди. Бурун тикмаганингиз шу иш қолувди, агрономлигингизни билинг, дейди. У кишига биров гинг демайди. Кескинроқ гапирсанг, одамлар дарров гайирликка, ичиқораликка йўйишади... Нимага индамаяпсан, Гавҳар, бирор нарса десангчи?..

У сигаретини эзғилади, лекин чекмади, қайтиб кулдонга қўйди. Бориб, телевизорга тикилиб ўтирган хотинини ўзига қаратди. Гавҳарнинг кўзлари йиғидан қизариб кетган эди.

— Мазанг қочдимми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нега?..

— Мен кимман сизга?

— Қизиқмисан, Гавҳар берган саволингни қара-ю.

— Айтинг, кимман?

Абдулла хотинининг нима демоқчилигини англай олмади.

— Ким бўлардинг, хотинимсан-да, — деди кулиб.

— Хотинингиз бўлатуриб... гапингизни бегонадан эшитсам-а?

— Қайси гапимни? Э, шошма, анави Зокирни гапираётган бўлма?

Шундай дедию кўзларини олиб қочди.

— Сени ранжитгим келмади, — деди сал туриб.

— Муштлашдингизми? — деб сўради Гавҳар.

— Йўғ-э, — деди Абдулла. — Кеча... кечқурун олдимдан лоп этиб

чиқиб қолди. Озгина ичган экан. Унг оёғи лат ебди. Касалхонага обордим, бугун яна борсам, қочиб кетибди. Унга кимдир, қаттиқ турмасанг Абдулла қутилиб кетади, сен чўлоқ бўлиб қолаверасан, деганмиш...

Гавҳар индамади. Абдулланинг юраги сиқилди. Кимдир ўчакишиб кесак отди шекилли, ҳовлига боғланган ит жон-жаҳди билан ҳурди, Гавҳар бошини кўтариб, эшикка қаради.

Дераза тагидан биров гурс-гурс ўтди. Йўталиб-йўталиб хирқироқ овозда ашула бошлади:

Даладаги пахтани-ё, пахтани,
Қизлар қилди яғана-ё, яғана.
Мени севган ёримдан-о, ёримдан,
Абул қилди бегона-ё, бегона.

— Иби, Зокир-ку, — деди Гавҳар бирдан энтикиб.

— Касалхонага қуён расмини чизибди шекилли.

Эр-хотин кулиб юборишди, ўртадаги совуқлик кўтарилгандай бўлди.

Гавҳар чарчаган экан, Зокирнинг қўшиғини эшитиб кўнгли тинчиди чоғи, боши ёстиққа тегиши билан ухлаб қолди. Абдулла туриб ҳовлига чиқди. Шудринг ҳиди келаётган ҳаво баданни сал увиштиради. Кўча тарафдан қуй овози келди. У ишком тагидаги супага омонатгина ўтирди. Эртага раис билан бўладиган тўқнашувни эслаб, юраги сиқилди. Раҳима Содиқовна муаллимликдан раисликка кўтарилган, ҳар нарсани ўз қаричи билан ўлчайди. Тўғрими, нотўғрими, бари бир унинг айтгани бажарилиши керак.

Қўлини куйдираёзган сигаретни асабий чеккага улоқтирди... Яна ичкарига кирди. Гиламда ётган рўмолни олиб, дераза токчасига қўйди. Хира чироқ ёруғида хотинининг қорни баттар дўппайиб кўринарди. Абдулла кулумсиради, вужудига ёқимли туйғу ёйилди: эгизак бўлса-я? Энгашиб хотинининг пешонасидан ўпди. Гавҳар кўзини очди.

— Уйғотсангиз бўлмасмиди, — дея нолинди. — Овқатингиз ҳам совиб қолди.

— Иш кўп. Гавҳар, кун бўйи пунктда ўтирдим.

— Колхозда сиздан бошқа одам йўқдай, — деб кулди Гавҳар. — Гўё сиз бир кун ишга чиқмасангиз, ҳаёт таққа тўхтаб қолади. Бугун ҳам жанг бўлдимми?

— Иссиқ овқат масаласида...

Гавҳар қадини ростлаб, эрининг катта, сертомир қўлларини юзига босди. Димоғига пахта ҳиди урилди.

Абдулланинг юраги шиг этиб кетди: ёшлиги ёдига тушди. Ушанда ҳам Гавҳар гапириб-гапириб ўтирарди-да, бирдан ҳаяжонланиб кетиб, унинг қўлларини юзига босарди.

— Ҳамма одам мен эмас-да, Абдулла ака. Ҳамма нарсага аралашаверасиз. Нима қиласиз ўзингизни ёмон кўрсатиб? Кўпни кўрган одамлар бор...

— Чидаёлмасам нима қилай. Болалар кун бўйи пахта теради. Бугун қозонга масаллиқ солаётган ошпазни тергаб турсам, раис опа кепқолди. Мени роса мақтади, кейин... машинага чиққанимиздан кейин: «Одамларга яхши кўриниш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилиш шарт эмас, яхшини эл сайлайди», деса бўладими!..

— Кўп ишлаёлмайсиз, мени айтди дерсиз. Асабингиз чатоқ, жаҳлингиз бурун учиди.

Абдулла уҳ тортди, лекин индамади.

— Тўйдан олдин ҳаёт бошқача эди-да, Гавҳар, — деди сал ўтиб.

— Кўп чекадиган бўлибсиз, — деди Гавҳар хаёлчан.

— Ташвиш кўп.

— Одамга боғлиқ.

— Энди ташлашим қийиндир-ов. Букрини гўр тузатаркан.

Гавҳар эрини туртди.

— Зокир билан гаплашдингизми?

— Йўқ.

— Гаплашинг, Абдулла ака. Ичадиган одам, бурди йўқ, гапга учиб шикоят қилиб юрмасин.

— Соппа соғ-ку.

— Бари бир гаплашинг, Абдулла ака. Бирор касофатни бошласа... менинг аҳволим нима бўлади.

Абдулла хотинига ачинди. Бечора юрак олдириб қўйибди, деб ўйлади, бунгаям қийин. Мени деб ҳамма нарсадан воз кечди, рўзгорга ўралашиб қолди. Яхшигина шеърлар ёзарди. Қишлоқда янгилик яратаман, деб келувди, энди у гаплар эсидан чиққандай.

Эрталаб Абдулла кўчага чиқаётиб, йўл устида турган тоғорага қоқилиб кетди. Ивителиб қўйилган шолчалар тупроққа қорилди-қолди.

— Тоғора қўйишга топган жойини қара, — деди. — Шимим ифлос бўлди-ку!..

Қаршисида касал жўжа кўтариб олган Гавҳар пайдо бўлди. У Абдулланинг кўзига дафъатан хунук кўринди: қорни катта, оёқлари тарвайган, кўзлари ёшли.

— Бошқа жойга қўйсанг бўлмайдами? Кеч қолдим, раис теримга сомон тикади!

Бечора Гавҳар тоғорани кўтаролмадим, дейишга оғиз жуфтлади, лекин эри дарвозадан чиқиб улгурган эди. Жўжани ошхона бурчагидаги бочка ёнига қўйиб, озгина дон сепди.

Гавҳар касал жўжага қараб турди-да, бирдан хўрлиги келди, кўкрагидан бир нарса узилиб, қорнига тушгандай бўлди. Абдулла акаси ҳеч бундай муомала қилмасди...

Абдулла тушликка уйга бормаи, тўғри шийпон тарафга бурилди. Бориб кўрса, шийпон тўйдаи гавжум, катта қозонларда дамланган ошларнинг буғи чиқиб турибди. Суриштириб билдики, Урганчдан шоирлар келган экан. Секин бориб даврага кўшилди. Шу пайт ўрта бўй, атлас кўйлакли, юзлари оппоқ бир қиз ўртага чиқди. Чайқалиб-чайқалиб, қўлларини шеър оҳангига монанд қимирлатиб шеър ўқий бошлади. Абдулланинг назарида, қиз яна бир зум шу ҳолатда турса, қанот чиқариб учиб кетадигандай эди. Маҳлиё бўлиб тикилди.

— Агроном ака, — деб шипшиди кимдир Абдулланинг қулоғига. — Гавҳар опам тез келсинлар деди.

— Тинчликмикан? — Абдулланинг юраги шув этиб кетди.

— Дўхтирга кўрсатаркансиз.

Ярим соатлар ўтиб, Абдулла машинасида тупроқ йўлни тўзғитиб борарди. Гавҳар орқа ўриндиқда. Тишини тишига босган. Бир маҳал машина қарсиллаб чуқурга тушди. Гавҳар оғриқдан инграб юборди:

— Секинроқ-да, Абдулла ака.

— Сабр қил, Гавҳар, — деди Абдулла. — Буёғи оз қолди.

Асфальтга чиқиб, йўл устида машина ковлаб ётган йигитга кўзи тушди. Йигит кўли билан «орқага, орқага» дея ишора қилди. Абдулла нима гаплигига тушунмади. Сал ўтмай мотор пақиллаб ўчиб қолди. Капотни очиб титкилади: ҳаммаси жойида. Бензин тугабди. Челакни олиб, боя йўлда тўхтаб турган йигит томонга чопди.

— Ука, бир ёрдам қилинг! — деди ҳаллослаб.

— Барибир қайтибсиз-да. Мениям ўтказишмади. Энди бу ерда бузилганини қаранг...

— Жуда шошаётувдим, бензинингиздан озгина беринг, ука.

Абдулла резина ичакдан бензин тортаман деб, анчасини ичига ютиб юборди. Челакни тўлдириб, яна қайтиб келди, моторни юргизди.

— Сал бўлмаса йўлда қолардик, етдик ҳисоб, — деб хотинига далда берган бўлди.

Сал юриб йўлга кўндаланг туширилган ола-була ёғочга дуч келди. Тўхтади. Атрофда ҳеч ким кўринмади. Четдаги бостирмага ўхшаган бино олдида вағир-вуғур шовқин эшитилди. Абдулла у ерда кигизга чордана қуриб, қовун еяётган тўрт-беш йигитга кўзи тушди.

— Ҳорманглар, йигитлар!

— Бор бўлинг, — деди йигитларнинг бирови. — Қани, қовунга келинг.

— Шошиб турибман, кейинги сафар... Ғовни очиб берсаларинг...

— Келинг-э, ака, бу қовунни ейман деб қаерлардан келмайди!..

— Хотинимни касалхонага олиб кетаётувдим.

— Утишга рухсат йўқ. Орқага қайтиб, участка касалхонасига олиб боринг.

— Бахтингиз кулсин, укажон, ўтказиб юборинг. Уни ҳар сафар районга олиб бораман.

Йигитлардан бири эриниброқ турди-да, яқинроқ келди.

— Гапни қисқа қилинг, ака, — деди тундлик билан. — Сизни туғруқхонага, яна биттасини касалхонага ўтказиб юбраверсак, унда биз нимага турибмиз?

— Сиз ҳам осмондан оёғингиз билан тушмагандирсиз, сизни ҳам бир муштипар туққандир?!

— Қанақа гапга тушунмаган одамсиз ўзи, қайтинг-э!..

— Ўтиб кетаверишсин, туғруқхонага экан-ку, — дея суҳбатга аралашди даврадан ажралиб чиққан рангпаргина бир йигит. — Бекорчи юрганни қўймасак бўлди-да.

Тунд йигит унга бир ола қаради, сўнг сал юмшади:

— Узинг жавоб берсанг, майли.

...Операция узоқ давом этди. Кутавериб Абдулланинг сочлари оқариб кетгандай бўлди. Ниҳоят, рўпарадаги эшик тепасида ёниб турган қизил чироқ ўчди. Абдулла ичкаридан чиқаётган врачларга тикилди, лекин бирини ҳам фарқлай олмади, ғуборли оқ доғларни кўрди, холос.

Сал ўтиб, чақалоқ йиғисини эшитди...



Моҳира
Мамадалиева

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Анвар шаддод, қаҳри қаттиқ, аммо ўта гўзал бу қизни қачон ёқтириб қолганини ўзи ҳам билмайди. Эҳтимол, уни биринчи учрашувдаёқ ёқтириб қолгандир. Ушанга ҳам сал кам олти йил бўлипти. Анвар ҳозир 6-курсда ўқияпти-ку, ахир, у вақтларда ҳали абитуриент эди...

Уша куни қувончи ичига сиғмай кетди. Назарида дунёда ундан бахтли одам йўқ, чунки шу куни унинг барча орзулари ушалиб, институтга қабул қилинган эди!

Бир оз қўрқув, бир оз ҳаяжон билан аудиторияга кириб келган Анвар ўзининг ўқишга қабул қилинган ёки қилинмаганини тезроқ билишга ошиқарди. Юрак қурғур шундай безовтаки, гўё ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётгандек. Хайрият, узоқ кутишга тўғри келмади. Фамилияси эшитилиши билан бир нафас ўзини йўқотиб қўйди, аммо дарров хаёлини йиғиб «мандат комиссияси» деб ёзилган эшикни очиб, ичкарига дадил кирди. У ерда унинг институтга қабул қилинганини айтиб, студент бўлгани билан табриклашди. Севинчдан ҳовлиқиб коридорга чиқди, гўё коридорга сиғмаётгандек ташқарига отилди. Шу вақт тўсатдан кимгадир урилиб кетди-ю, ҳуши ўзига келиб, тўхтаб қолди. Рўпарасида бир қиз қошларини чимириб турарди.

— Кечирасиз, билмай қолдим — деди у.

Атлас кўйлаги ўзига жуда ярашган, шахло кўзлари ёниб турган бу қиз Анварнинг хаёлини бир нафас ўғирлади. Анвар бир оз довдираб, яна бир бор кечирим сўради-да, ташқарига чиқиб кетди.

Қизнинг бағоят гўзаллигига бир муддат лол бўлган Анвар кейин уни унутиб, ўз қувончига берилди. Ростдан ҳам унинг қувончи чексиз эди. Болалик йилларидан бери дилида ардоқлаган орзуси ушалган, энди у студент. Орадан йиллар ўтиб у, албатта; врач бўлади. Ота ига ўхшаб одамларни даволайди. Ҳа, худди отаси сингари уларга меҳрини бағишлайди...

Анвар отасини тузукроқ эслай олмайди ҳам. Чунки отаси оламдан ўтганда у эндигина икки ёшга тўлган эди. Кейин катта бўлиб, эсини таниганида у ҳақда жуда кўп яхши гаплар эшитган ва фахрланиб юрган. Отаси бир вақтлар жуда тажрибали хирург экан, неча-неча одамларнинг жонига оро кирган. Онаси Латофатхон тўрт ёшли ўғли Адҳам ва икки ёшли Анвар билан бева қолган. Отаси ҳалок бўлган пайтда онаси энди ўттиз икки ёшга кирган экан.

...Ўша куни тун яримлаб қолганига қарамай кимдир эшикни қаттиқ тақиллатди. Эшикни очган Ақром бегона кишини кўриб, ҳайрон бўлди.

— Жон ука, ёрдам беринг, келинойингизни мазаси қочиб қолди, — деди салом-аликни ҳам унутиб бегона киши. Ақром бир зум иккиланиб қолди. Фарзанд кутаётган аёлга ёрдам бера олармикан, лекин бу тоғли районда бошқа доктор топиш ҳам амримаҳол эди. У асбобларини олиб йўлга тушди. Аксиға олиб ёмғир қуйиб, тезроқ юришга ҳам имкон бермасди. Йўл бошловчи эса иложи борича тезроқ юришга ундарди. Ақромнинг кўнгли негадир ғаш, неча йил шифокорлик қилиб, бугун биринчи марта фарзанд кўраётган аёлга ёрдам бермоқчи...

Хайриятки, ҳаммаси яхшилик билан тугади. Дунёга янги бир инсон келди. У хурсанд ва хотиржам бўлиб йўлга отланди. Уй эгаларининг, бемаҳалда кетманг, қолинг, дея зорланишларига ҳам қарамасдан, у уйига кетди.

Эртасига жар ёқасидан Ақромнинг жасадини топишди. Унинг қандай ҳалок бўлганини ҳеч ким аниқроқ била олмади. Бу сирни у ўзи билан бирга олиб кетди. Баъзилар уни ёмғирда сирганиб ёмонроқ йиқилган дейишса, яна бошқалар бирор нарсадан қаттиқроқ қўрққан бўлса керак, дейишди...

Анвар мактабда ўқиб юрган кезларида одамларнинг: «Е товба, худди отасининг ўзи-я, ишқилиб умри ўхшамасин-да», деганларини кўп эшитарди. Баъзилар эса Ақром жуда яхши шифокорлигини, одамларга қанчалар меҳрибон бўлганини гапиришарди. Шундай пайтларда у отаси билан жуда фахрланиб кетар, катта бўлса худди отасидек шифокор бўлишга аҳд қиларди. Хаёлан отасидек одамлар дардига малҳам бўлар, ҳаммага ёрдам кўрсатар, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этарди. Ҳаётдаги бирдан-бир орзуси врач бўлиш эди унинг.

Мактабни битирган йили унга бахт кулиб боқди. У ўқишга қабул қилинди. Орзиқиб кутилган дарслар бошланиб кетди. Тасодифни қарангки, бир марта учратиб хаёлини ўғирлаган ўша атлас кўйлакли қиз билан бир курсда ўқиш унга nasib этипти. Дарслар бошланганига

бир ҳафта ҳам бўлмади Анвар у қизнинг исми Зухра эканини, дадаси шаҳардаги йирик универмаглардан бирида директор, Зухра онасининг яккаю ягона фарзанди эканини билиб олди. Зухра қизлар орасида гўзаллиги, ниҳоятда яхши кийиниши ва ўзини жуда сипо тутиши билан ажралиб турарди. Зухра деярлик ҳеч ким билан дўстлашмас, гердайиб кириб, гердайиб чиқарди. Курсдошлари билан зарурат юзасидангина сўзлашарди.

Орадан кунлар, ойлар ўтиб, мана, I курс яқунланадиган пайт ҳам яқинлашиб қолди. Анвар бу қизни жуда кўп ўйлар, у билан узоқ-узоқ суҳбатлашгиси келар, аммо бунинг иложини тополмас эди. Зухра Анварнинг аудиторияда бор-йўқлигини ҳам сезмас, унга эътибор ҳам бермас эди. Унга бирор нарса дейиш учун Анвар ўзида журъат топа олмасди. Ниҳоят Анвар омадини синаб кўрмоқчи бўлди. Зухрани дарсдан олдин кўчада кутиб турди-ю, у кўриниши билан гўё тасодифан учрашиб қолгандек:

— Салом, Зухраҳон! — деди.

Қиз индамай йўлида давом этаверди.

— Хафароқ кўринасизми?

— Нима, хўжайинмисиз?

— Йўқ, энди шунчаки...

— Йўлингиздан қолманг!

— Йўлимиз бир шекилли?

— Уқишга боргунча бир, аммо мен сиз билан бормайман.

— Мен сиз билан бораман.

— Мен ҳеч қачон сиздақа шилқимлар билан бирга бормайман!

Анвар мулзам бўлиб, ўз-ўзидан ортда қолиб кетди.

Кейинчалик Зухра курсдошлари билан бир оз илиқроқ муомала қиладиган бўлди, аммо Анварга бўлган совуқ муносабатини ўзгартирмади. Анвар II—III курсда ўқиётганларида ҳам бир неча бор қизга қалбини очишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин Зухра эшитишни ҳам истамади. Бу орада уч-тўрт йигит Зухрага оғиз солиб кўрди-ю, эшитган гапларига пушаймон бўлиб қолаверишди.

Анвар жуда ҳафсала билан тиришиб ўқир, жамоат ишларида жонбозлик кўрсатар, бир пас бўш қолса Зухра билан гаплашгиси келар, унинг тўғрисида хаёл сурарди.

4-курсда Анварни факультет бўйича комсорг қилиб сайлашди. У комсомол ишларини пухта олиб борар, деворий газеталарга мақолалар ёзиб берар, қайси байрамга атаб чиқарилаётган бўлса, ўша байрамга атаб 4—6 сатр шеър ёзиб берар ва бундай шеърлари билан деворий газеталарни безаб борарди. Курсдошлари ҳазиллашиб уни, шоир Анварий, деб аташарди. Уқишнинг тўрт йили ўтиб бораётган бўлса ҳам, Анвар яна қайтиб ҳеч қачон Зухрага гапира олмади. Анвар ташкилий ишлар, дарслар билан бўлиб вақтнинг ўтганини ҳам сезмай қоларди. Мана бу йил 6-курс. Зухрага ҳамон бирон нарса деёлмайди-ю, пинҳона ўртангани-ўртанган. Гўё усиз ҳаёт йўқдек туюлади. Деярлик у билан гаплашмас ҳам, бир хонада таҳсил кўриб, бир ҳаводан нафас олаётганидан хурсанд бўларди.

Барча студентлар қатори Анварларнинг курси ҳам пахта теримида отланди. Анварнинг курсдошлари қуйи курсларда ҳам пахта теримида бўлишган, лекин Зухра бу йил биринчи мартаба пахта тергани бораётган эди. Аввалги курсларда у гоҳо соғлиги кўтармагани учун, гоҳо бошқа сабаблар билан бора олмаган эди. Студентлар тушган автобус ўйин-кулги, ҳазил-мутойибалар билан пахтазорга етиб келди. Эртасига ҳаммалари теримга тушишди.

Зухра шу кунни жуда қийналди. Қанча ҳаракат қилмасин, пахтаси кўпаймади. Кечгача зўрға ўн килограмм пахта терди. Аммо ўзи жуда чарчади. Оёқ-қўли, бели зирқираб оғрир, ўзини жуда ҳорғин ҳис қиларди. Бу ҳам етмагандек, энг ками унинг пахтаси бўлгани учун курсдошларининг бир оз кулгисига сабаб бўлди. Бу эса дард устига чипқон деганларидек, ўзи чарчаб турган Зухрага қаттиқ таъсир этди,

бошқалардан хижолат чекди. Ичида эртага уларга етказиб теришга аҳд қилди. Эртасига эрталаб у ҳаммадан олдин пахтазорга жўнади. Берилиб тера бошлади. Озгина териши билан яна бели оғриб, эгилиб-букилиши қийинлашди. Лекин ўзини тетик тутиб иложи борича кўпроқ теришга ҳаракат қилди. Тушликкача у ўн икки килограмм терипти. Бу кечагига нисбатан анча кўп эди. Аммо Зухранинг кўнгли тўлмади. Тушдан кейин яна зўр бериб тера бошлади. Ишга қизиқиб кетганидан кеч бўлганини ҳам сезмай қолди.

- Ҳорманг, — деди биров, Зухра бошини кўтариб Анварни кўрди.
- Саломат бўлинг, — деди ҳушламайгина Зухра,
- Сизга бир гап айтмоқчи эдим.
- Сиздан ҳеч нарса эшитмоқчи эмасман.
- Аввал қулоқ солинг, ҳали пахтангизни...
- Анвар, тинч қўйинг, илтимос, бу ерда ўралашаверманг.

Анвар айтадиган гапини ҳам айта олмай нари кетди. Зухра терган пахтасини кўтариб хирмонга йўл олди. Тарозибон Зухранинг пахтасини тортиб кўриб 21 килограмм эканлигини айтди. Зухра хаёлида тушликкача терган ўн икки килограммни қўшиб 33 килограмм деб ҳисоблади-ю, юраги увишиб кетгандек бўлди. Чунки бугун ҳам курсдошларига етказа олмаган эди. Шу пайт тарозибон:

— Балли, қизим, бугун яхши терибсан, — деди. Тарозибон Зухранинг фамилияси қаршисига 63 кг, деб ёзиб қўйди.

— Янглишмадингизми? — деди Зухра.

— Йўқ, тушгача 12 кило, тушдан кейин бир йигитдан 30 кило бериб юборибсан, ҳозиргиси 21 кило, жами 63 кило бўлди, — дея тушунтирди тарозибон.

Зухра Анварнинг пахта қўшиб қўйганини тушунса-да, нафасини ичига ютди. Эртасига Анварни учратиб:

— Анвар, мен садақага зор эмасман, — деди.

— Нега садақа бўлар экан, янги теримчига ёрдам холос.

— Менга ёрдам ҳам қилманг, илтимос, — деди Зухра, энди бир оз мулоимлик билан.

Кейинчалик Анвар гоҳо-гоҳо Зухра ҳисобига 20—25 кг терадиган бўлди. Зухра ҳам бунга кўниқиб қолди шекилли, индамай қўйди. Анвар билан Зухра пахта теримидан, озгина бўлса-да, дўстлашиб қайтишди. Энди улар бир-бирлари билан саломлашишар, бир-бирларининг ҳол-аҳволларини сўраб турардилар. Аммо Анвар ҳамон қизга кўнглини оча олмас, бирор нарса деса Зухра яна ундан узоклашиб кетадигандек қўрқар, гаплашганида иложи борича уни ранжитиб қўймасликка ҳаракат қиларди.

Бу орада янги йил яқинлашиб, студентлар уни қандай кутиб олиш тўғрисида бош қотира бошлашди. Чунки бу йил охири курс бўлганлиги учун ҳаммалари бирга кутишмоқчи эди. Ниҳоят, улар курсдошлари Озоданинг таклифига кўра янги йилни унинг уйида кутадиган бўлишди. Ўша куни келиб ҳаммалари Озодаларникига йиғилдилар. Озодаларнинг уйи жуда кенг, ўртада стол ясалган, унда ҳамма нарса муҳайё эди. Ҳаммалари аста-секин жойлашди-ю, негадир ҳамма жим ўтирар, ўртада қандайдир ноқулайлик ҳукм сурарди. Бу ноқулайликни Озоданинг ўзи бузди.

— Ҳурматли ўртоқлар, бугунги кечамизни факультетимиз шоири Анварий олиб борсалар, — деб таклиф киритди у. Анвар эса бундай ўтириш ва кечаларни олиб бормаганини айтиб, бошқа бирор кимсага оширмоқчи бўлди. Лекин курсдошлари Озоданинг таклифини қувватлашди. Анвар бир оз қийналиб, қизариб бўлса-да, ўрнидан туриб, аввало ҳамма курсдошларини кириб келаётган янги йил билан табриклади. Сўнгра музика қўйиб, ҳаммани бемалол ўтиришга чақирди.

Озода барчани дастурхондаги ноз-неъматлардан еб ўтиришга ундар, айниқса Анварга кўпроқ илтифот кўрсатарди. У Анварнинг ёнига тез-тез келиб, у-бу нарса қўйиб кетар, иложи борича кўнглини

олишга интиларди. Унинг бу хатти-ҳаракати Зухранинг назаридан четда қолмади. Нега бунча илтифот, наҳотки у Анварни ёқтириб қолган бўлса, деб ўйлади. Негадир хаёлига, ҳа, Анвар ёқтирса арзийдиган йигит, деган фикр келди. Зиёфат охиrhoғида кимдир Анвардан бирорта шеър ўқиб беришини илтимос қилди. У яқинда газетада ўқигани бир шеърни ёддан айтиб берди. У шундай сатрлар билан тугарди:

*Севганимдан тунлар йиглайман,
Фақат сенга умид боғлайман.*

Бу шеърни у Зухрага атаб ўқиган эди. Буни ҳеч ким сезмаса ҳам, Зухра дарҳол сёзди. Шеър унга яхшигина таъсир қилди. У бир вақтлар Анвар муҳаббат изҳор қилганини, у эса ҳатто эшитишни ҳам истамаган дамларини эслаб, афсусланди.

Ўша куни курсдошлари янги йилни яхши кутиб олиб, ҳаммалари хайрлашишди. Шу куни Зухра Анвар кузатиб қўйишини кутган эди. У эса Зухра билан барча қатори хайрлашди-ю, ётоқхона томон кетди. Ўша кундан бошлаб Зухра Анварни тез-тез эслайдиган, унинг гапиришини кутадиган бўлиб қолди. Лекин Анвар бу ўзгаришдан беҳабар эди. Энди ҳар иккалалари ўзларича пинҳона ўртанар эдилар-у, бир-бирларининг ҳолларидан беҳабар эдилар. Шу йўсин 1 Май байрами етиб келди. Барча студентлар қатори Анвар билан Зухра ҳам байрам намойишига чиқдилар. Намойишдан кейин йигитлар, қизлар кинога, хиёбонларга, концерт залларига тарқаб кетишди. Елғиз Анваргина ҳамма билан хайрлашиб ётоқхонага бориш учун автобус бекатига қараб кетди. Бир оздан кейин Анвар Зухрани бекатда кўриб ҳайрон бўлди. Қаерга кетаётганини сўрамоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Кўпчилик олдида изза бўлишдан қўрқди. Зухра унга қараб кулиб қўйгандек бўлди. Анвар бир гапириб кўрайми, деди-да, яна журъат этмади. Аммо бир оздан кейин таваккал қилиб кўрмоқчи бўлди.

- Қизлар кинога кетишди, сиз бормадингизми?
- Астойдил таклиф қиладиган одам бўлмади.
- Агар мен таклиф қилсам-чи, борасизми?
- Бораман.

Анвар қулоқларига ишонмай қолди. Шу гапларни Зухра ростдан айтяптими? Еки унинг устидан куляптими?

Анвар ишонқирамай бўлса-да, уни кинога таклиф қилди. Зухра сўзсиз рози бўлди. Улар унчалик қизиқарли бўлмаса-да, фильмни қизиқиб кўришди. Сўнг Анвар Зухрани уйига кузатиб қўядиган бўлди. Улар аста-секин пиёда юриб бордилар. Анвар қизнинг ҳозирги кайфиятидан фойдаланиб, кўнглини ёрди. Уни биринчи учрашувдан бошлаб севиб қолганини, ўшандан бери унинг хаёли билан яшаётганини гапириб-берди. Зухра Анварнинг гапларини бўлмай эшитди, гарчи сўз билан бўлмаса-да, ўзининг ҳам Анварга кўнгли борлигини сезди. Анвар Зухрани кузатиб қайтар экан, қувончи оламга сиғмасди. Чунки, бугунги бахтни у деярлик олти йил кутган эди.

Ширин хаёллар оғушида парвоз қилиб келар экан, ногоҳ кўча юзидаги уйнинг ёнаётганини кўриб қолди-да, ўша ёққа бурилди. У борганида одамлар тўпланиб туришар, улар орасида бир аёл зўр бериб:

— Қўйиб юборинглар! Сизларга айтяпман. Қочинглар йўлимдан! — дея дод солар, қандай бўлмасин ёнаётган уйга киришга интиларди. Уч киши аёлни базўр тутиб турарди.

Анвар билдики, ичкарида кимдир қолиб кетган. Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди. Ўзини ичкарига урди. Уй икки хонадан иборат бўлиб, иккаласи ҳам қуюқ тутун билан қопланган эди. Анвар хоналар ичини пайпаслаб юриб, хонанинг бурчагидаги каравот тагидан янчли овоз эшитиб қолди-ю, ўзини ўша ёққа уриб, қўлига илинган нарсани олиб ташқарига отилди...

Анвар эртасига касалхонада ўзига келди. Аҳволи анча оғир, гапиришга ҳам мадори йўқ эди. Тепасида йиғидан қизарган кўзларини унга тикиб Зухра ўтирарди.

— Боланинг аҳволи қалай? — дея сўради пичирлаб.

— Бола яхши эмиш, ҳамширалар кўзини очди, дейишди.

Анвар индамай кўзини юмди. Шу кўйи у бир неча кун оғир ётди. Зухра ҳар куни касалхонага умид билан келар, аммо Анварнинг аҳволи енгиллашмаётганини кўриб, кўнгли вайрон бўлиб қайтарди.

Орадан кунлар ўтиб, Анвар бир оз енгиллаша бошлади. Докторларнинг фидойилик билан қилган ёрдамлари ўз кучини кўрсатаётган эди.

Зухра палатага кирганида, Анварни анча тетик ҳолда кўрди. У Зухрани кўриб, аста бошини кўтарди.

— Қимирламанг. Тузукмисиз, Анвар?

— Раҳмат, мана, яхши бўлаяпман.

— Хайрият. Энди...

Эшик очилиб палатага Анварни даволовчи врач кириб келди.

— Хўш, ўртоқ бемор, ишлар қалай? — дея ҳазиллашди у. Зухра билан Анвар бараварига салом беришди. Кейин Зухра докторга қараб:

— Раҳмат, доктор. Сизга қандай миннатдорлик билдиришни ҳам била олмаяпмиз, — деди.

— Арзимади, синглим, — деди камтарлик билан доктор. — Беморларга хизмат кўрсатиш бизнинг вазифамиз. Аммо сизнинг даволаш усулингиз ҳам бизга ёрдам берди.

Зухра, қандай усул, дегандай докторга саволомуз қаради.

— Ҳа, рост, синглим, — дея давом этди доктор. — Оғир дамларда сиз унинг бошида парвона бўлдингиз. Биз дори-дармон билан даволаганда сиз меҳрингиз билан даволадингиз.

Зухра кетиш олдидан Анварнинг қийшайган ёстиғини тўғрилаб қўйди.

Шу куни Зухра касалхонадан жуда хурсанд бўлиб чиқди. Унинг қувончи чексиз эди...

Жаҳон классик адабиётидан

Уильям
Шекспир



МАКБЕТ

БЕШ ПАРДАЛИ ФОЖИА

Саъдулла АҲМАД таржимаси

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

ДУНКАН — Шотланд қироли
МАЛЬКОЛЬМ
ДОНАЛЬБАЙН — Унинг ўғиллари
МАКБЕТ қиролнинг қариндоши —
БАНКО — Шотланд саркардалари

МАКДУФ
ЛЕНОКС Шотланд
РОСС вилоятларининг
МЕНТЕЙС ҳокимлари
АНГУС
КЭТНЕС

ФЛИНС — Банконинг ўғли
СИВАРД — Нортумберленд
графи, инглиз саркардаси
ЕШ СИВАРД — унинг ўғли

СЕЙТОН — Макбетнинг
яроқбардори
Макдуфнинг норасида ўғли
ИНГЛИЗ ТАБИБИ
ШОТЛАНД ТАБИБИ
СЕРЖАНТ
ДАРВОЗАБОН
ҚАРИЯ
МАКБЕТ ХОНИМ
МАКДУФ ХОНИМ
МАКБЕТ ХОНИМНИНГ
ЖОРИЯСИ
ГЕКАТА
УЧАЛВАСТИ
Банко руҳи ва бошқа арвоҳлар
Лордлар, аъёнлар, офицерлар,
аскарлар, кушандалар,
хизматкорлар ва чопарлар.

Воқеа Шотландия ва Англияда XI аср ўрталарида
кечади.

I — ПАРДА
1 — САҲНА

Яланглик. Чақмоқ ва момақалди роқ.

Уч алвасти киради.

1 — АЛВАСТИ

Қачон учов қалди роғу чақмоғу ёмгир
Орасида топишамиз яна бир топқир?

2 — АЛВАСТИ

Жангда енгиб бир томон,
Зафар қозонган ҳамон.

3 — АЛВАСТИ

Бари наҳорда тамом!..

1 — АЛВАСТИ

Ҳай, қаерда кўришамиз?

2 — АЛВАСТИ

Чангалзор қумда.

3 — АЛВАСТИ

Қош қораймай Макбет ҳозир бўлади унда.

1 — АЛВАСТИ

Мавлон пишак миёвлади. Ҳозир — у — у!..

3 — АЛВАСТИ

Бақа қурғур қуриллади, чақирар зовур!

УЧАЛААЛВАСТИ

Яхшиликни ёмонликка қориштир. Учсин!
Ҳа-ю!.. Ҳамма шивирткига мингашиб учсин.

Ғойиб бўладилар.

2 — САҲНА

Форрес яқинидаги лашкаргоҳ.

Саҳна ортида жанг шовқини. Дункан, Малькольм, Дональбайн, Ленокс ва мулозимлар кирадилар. Улар қонга бўялган сержантга рўпара келадилар.

ДУНКАН

Қонга ботган бу аскар ким? Шу туришида,
Бизга хабар берар, дейман, исёнчилар-ла
Жангнинг қандай боришидан.

МАЛЬКОЛЬМ

Бу ўша сержант.

Асир тушмай, ҳозир эркин юрганам ҳаққи,
Мен ундан қарздорман. Салом, баҳодир дўстим!

Кимнинг қўли баланд эди, айт, чиққанингда,
Қирол билмоқ истайдилар?

С Е Р Ж А Н Т

Билиб бўлмайди.

Икки тараф — молтиётган икки ҳарифдай,
Ботаман деб ғами ҳам йўқ, ҳеч кўз очирмай
Савашмоқда. Макдональд-ку, итдай қутурди!
Хиёнатчи юрагига туғилмасданоқ
Кўз кўрмаган тубанликлар ин қўйган экан.
Ўз олдига солиб келди оролма-орол
У мағрибдан Ирландия найзабозларин.
Дастлаб кўча қизларидай юзсиз илжайиб,
Орқасидан иярдию, дейди Фортуна,
Бекор кетди! Шону шуҳрат соҳиби Макбет
(Бу олқишлар ҳали камдир унинг шаънига!)
Пўлат шамшир зарби билан йўлин тозалаб,
Танидан қон бурқсиб турган интиқом янглиғ
Пайдо бўлди хиёнаткор олдида бирдан!
Ҳурмат билан қўлларини сиқиб турмади,
Видо айтиб, аччиқ-аччиқ хўшлашмади ҳам,
Қилични бир сермаш билан бошин кесдию
Туғ учига қалпоқ қилиб кийдириб қўйди!

Д У Н К А Н

Бизнинг жасур қондошимиз! Номус тимсоли!

С Е Р Ж А Н Т

Аммо баъзан қуёш чиқса, рўшнолик эмас,
Кемаларни ғарқ этгувчи довул туради.
Кони кулфат бўлди бизга ютуқнинг боши.
Сўзи эшит, сен қиролсан Шотландияга:
Қарор топиб бирдамликда адолат ва ҳақ,
Енгилоёқ ирландларнинг қочиши билан,
Норвегларнинг қироли ҳам, вақтни бой бермай,
Ҳали сафи бузилмаган қўшинларини
Бизга қарши бошлади тез!

Д У Н К А Н

Хўш, чўчишдими

Бундан Макбет ҳамда Банко — саркардаларим!?

С Е Р Ж А Н Т

Лочин қушлар чумчуқлардан, ёлдор арслонлар
Қуёнлардан қанча қўрқса, шунчалик, холос!
Сенга айтсам, икки ёқдан улар душманнинг
Кўп тиқилинч сафларини сийрақлатдилар.
Жон олгувчи яраларнинг иссиқ қонида
Чўмилмоқчи, Голгоф кунин ёвга бошқатдан
Е солмоқчи эдиларми?
Буни билмадим...
Қолдан тойдим. Бор вужудни яра куйдиар.



Мен Шекспирнинг «Макбет» фожиасини Саъдулла Аҳмад таржимасида ўқиб чиқдим. Фикримча, таржима етук. У танланган асар нусхасига жуда яқин бўлиш билан бирга, ўзбек китобхони учун ҳам табиий ва раво янграйди. Асарнинг туб моҳияти ҳамда бадиий хусусиятлари сақланган. Тил бой ва соф. Поэтик савия яхши.

Саъдулла Аҳмад бу катта ишда ўз таржимонлик маданиятини кўрсата олган.

Асқад МУХТОР

ДУНКАН

Жароҳату сўзларингдан номус гуркирар!
Табибни тез чақиринглар, қарашсин унга!

Сержантни олиб чиқадилар.

Ким келаётир?

МАЛЬКОЛЬМ

Шавкатли Росс ташриф қилди.

Росс киради.

ЛЕНОКС

Кўзлариниң ёнишидан, шошиб йўл босган,
Ғоят муҳим хабар олиб келган, шекилли.

РОСС

Шон ва шараф бўлсин қирол ҳазратларига!

ДУНКАН

Қаёқлардан сўраймиз, хўш, марҳаматли бек?

РОСС

Файфдан келдим, олампаноҳ. У ерда шамол
Норвеглариинг байроғини бодбезак қилиб,
Сарбозларинг юз-кўзини елпиди анча;
Сонсиз лашкар бошлаб келган Норвег қироли
Ҳамда сотқин Кавдор беги бирга қўшилиб,
Бизга ҳужум қилиб турди. Жанг давом этди:
Токи, Макбет — Беллонаниннг эрка сипоҳи —
Кўп синашта сипар билан тўсиб ўзини,
Шофбозликда тўшма-тўшу юзма-юз туриб,
Норвегликниинг ғурурини синдирмагунча.
Ев енгилди! Алқисса, шу.

ДУНКАН

Буюк ғалаба!

РОСС

Норвег қироли Свенон шафқат сўради;
Аммо бизга чўзиб қўйди ўн минг тиллани
Сент-Кольм деган жазирада, ўликларини
Йиғиштириб зах тупроққа қўшмасдан аввал.

ДУНКАН

Кавдор беги бундан кейин бизни сотолмас.
Тез қатл эттир иғвогарни, янчилсин илон.
Кавдор беги деб Макбетни этингиз эълон.



Уильям Шекспирини ўзбекчага ўгириш билан бирга, ўзи ҳам шекспирина драмалар яратиб қолдирган устод Мақсуд Шайхзода, «Макбет»ни таржима қилмоқ — қайноқ ёшлигимнинг орзуси эди, деб кўп айтар экан.
Мазкур таржимани устоднинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Таржимон

РОСС

Ҳаммасини бажараман боришим билан.

ДУНКАН

У Макбетни кўтарди ўз қулаши билан.

Чиқадилар.

3 — САҲНА

Дашт. Момақалди роқ.

Уч алвасти киради.

1 — АЛВАСТИ

Ишлар тигизми, синглим?

2 — АЛВАСТИ

Тўнғиз заҳарлар эдим...

3 — АЛВАСТИ

Ўзинг-чи, опа?

1 — АЛВАСТИ

Утдим дарға хонимни кига.

Қирс-қирс чақиб турган экан каштан ёнғоғин,
Мен тилансам, «жинқарча», деб қувиб ҳайдади.
Эри унинг Ҳалаб сари кетди кемада.
Мен ҳам думсиз каламушга айланаману
Ғалвирчани қайиқ қилиб, қувиб, еламан.
Еламан, еламан, еламан!

2 — АЛВАСТИ

Мен ҳам сенга шамолимни бераман.

1 — АЛВАСТИ

Оҳ, синглим, оғзингга бол.

3 — АЛВАСТИ

Меникин ҳам қўшиб ол.

1 — АЛВАСТИ

Етмасди фақат шамол,
Энди минг сузсин дарға,
Кучи кетар бекорга.
Охир, чўпдай қуриб у,
Кўзлари кўрмас уйқу.
Кундузию кечаси
Сузса қуриб тинкаси,
Танлари бўлиб латта,
Бари бир: унмас марра —
Сизга айтсам, уч карра
Йигирма етти ҳафта!
Ботмаса ҳам кемаси
Соғ қолмас ҳеч нимаси.
Ҳуу-у!

2 — АЛВАСТИ

Не у?!

1 — АЛВАСТИ

Бошмалдоқ!
Дарға бошқарган кема,
Денгизга чўкди, демак.

Саҳна ортидан ноғора товушлари эшитилади.

3 — АЛВАСТИ

Жим! Ноғора овози!
Макбет қирол ҳузурига шошмоқда ҳозир.

УЧАЛА АЛВАСТИ

Қуруқликлар ва сувлар
Устидан биз афсунгар
Халқа солиб учамиз,
Уч мартадан учтамиз.
Кўпайтсак учни-учга
Тўққиз бўлар. Тўхта, қот!
Сехримиз кирди кучга!

Макбет ва Банко кирадилар.

МАКБЕТ

Шонга ботган, қонга ботган қиёмат кун бу!

БАНКО

Форресгача узокми, ҳей? Ким бўлди булар?
Қоқшол, дейми? Қуруқ суяк? Еввойи хилқат!
Улар ерда турибди-ю, аммо ер узра
Бунақаси учрамаган.— Инсмисиз ё жинс?
Гапиринглар? Ана, қадоқ бармоғингизни
Қуруқшаган лабингизга тегизгандайсиз,
Соқолингиз бўлмаганда, кампир дер эдим.

МАКБЕТ

Ахир, тилдан қисмагандир? Айтинг, кимсизлар?

1 — АЛВАСТИ

Гламис беги сен — Макбетга шарафлар бўлсин!

2 — АЛВАСТИ

Кавдор беги сен — Макбетга шарафлар бўлсин!

3 — АЛВАСТИ

Шону шараф сенга, Макбет — бўлғуси қирол!

БАНКО

Титрадингми? Наҳот шунча кўрқасан, Макбет,
Улар айтган ширин сўздан?! Ҳақиқат ҳаққи,
Жавоб беринг, арвоҳмисиз ёхуд тирик жон?
Сиз дўстимни хушхабарлар билан кўмдингиз.
Янги-янги лавозимлар камлик қилгандек,
Уни шоҳлик мартабаси гангитиб қўйди.
Аммо нечун жим турибсиз менга келганда,

Модомики, сиз нуктадон, вали экансиз,
Унда менинг тақдирим ҳам ойнадай аён.
Такбир қилинг, қаҳрингиздан сира қўрқмайман,
Кўзим учиб тургани йўқ эҳсонингизга!

1 — А Л В А С Т И

Шарафлар бўлсин!

2 — А Л В А С Т И

Шарафлар бўлсин!

3 — А Л В А С Т И

Шарафлар бўлсин!

1 — А Л В А С Т И

Сен Макбетдан ҳам қуйи, ҳам юқоридирсан.

2 — А Л В А С Т И

Бахтсизроқсан, аммо сенинг толеинг баланд.

3 — А Л В А С Т И

Қиролмассан, аммо қирол сендан туғилар.
Иккингизга бирдек шараф, Банко ва Макбет!

1 — А Л В А С Т И

Макбет, сенга, Банко, сенга, шарафлар бўлсин!

М А К Б Е Т

Е, валилар, ҳали менга айтмадингизки,
Отам Синель ўлган бўлса, Гламисга бекман,
Аммо Кавдор беги ҳаёт, у фароғатда,
Демак, Кавдор эмасман мен, Шотландияга
Қирол бўлмоқ эса Кавдор беклигидан ҳам
Енгил бўлиб қолибди-да?! Бу сафсаталар
Қайдан келди миянгизга! Куйиб кул бўлган
Сахро ичра сиз бўлмағур каромат билан
Нечун бизни тўхтатдингиз? Жавоб берингиз?

Алвастилар ғойиб бўладилар.

Б А Н К О

Ер юзида булар худди сувдаги каби —
Пайдо бўлган пуфаклардир. Хўш, қани улар?

М А К Б Е Т

Оғзимиздан чиққан ҳовур, бир нафас бўлиб,
Таналари соф ҳавога қўшилиб кетди...
Эссиз, ҳали сўрайдиган гапим бор эди.

Б А Н К О

Улар бизга кўриндимиз аслида, қайдам?
Биз сен билан ақлимизни заифлатгувчи
Мастак-пастак емадикми?

М А К Б Е Т

Ўзингдан кейин,
Зурриётинг қирол этиб кўтарилажак,
Демак, руҳан сен қиролсан?

Б А Н К О

Сен — тирик қирол!..

М А К Б Е Т

Кавдорга бек бўлганимдек, шундай эмасми?

Б А Н К О

Шундайликка шундайку-я... Келаётган ким?

Росс ва Ангус кирадилар.

Р О С С

Макбет, сенинг ютуқларинг ақлга сиғмас!
Бу хабардан қиролимиз боши осмонда.
Якка жангда фитнакорни даф қилганингни
Эшитаркан, шоҳ дилида сенга нисбатан
Тилсиз ҳайрат олқиш билан талашар эди.
Улимнинг шум арвоҳига яна панд бериб,
Норвегларнинг сафини ҳам ёриб ўтганинг
Хабарини хушнуд туриб эшитди Дункан.
Жангдан чопар келиб турди бутун кун бўйи!
Улар сени мақтайвериб, айтиш мумкинки,
Сенга — қирол таянчига, тахт қаршисида
Сўздан ҳайкал тикладилар.

А Н Г У С

Ҳокими мутлақ
Биз орқали ҳузурига чорлайди сени.
Хизматларинг иззатини ундан топгайсан.

Р О С С

Ҳозир эса, шонли Макбет, шу илтифотдан
Ширинкома бўлсин сенга Кавдор беклиги.
Менга шундай буюрилган. Унвон муборак!

Б А Н К О

(бир чеккага)

Гоҳо-гоҳо шайтонлар ҳам ҳақ бўладилар...

М А К Б Е Т

Кавдор тирик. Нега мени ёт бир либосга
Ўрашмоқда?

А Н Г У С

Ҳозирча у тирик бўлса ҳам,
Аммо фармон панжасида. Улим муқаррар.
Билмадимки, норвегларнинг қироли билан
У иттифок туздимикан очикдан-очик
Ехуд махфий йўллар билан ёрдам бердим;
Е ҳар икки йўл биланми, нима бўлса ҳам,
Уни юртнинг тузи тутиб, ўзи фош бўлди.
Ватанфуруш эканидан тонгани ҳам йўқ.
У қулади.

М А К Б Е Т

(бир чеккага)

Гламис! Кавдор! Фақат... тахт қолди...
Е, сен яздон!..

(Росс ва Ангусга)

Миннатдорман хизматингиздан.

(Банко томонга қараб)

Сенинг пушти камарингдан қирол туғилар...
Шу гапларга рости билан ишонасанми?
Мени Кавдор беги деган башоратчилар
Наслингга тож ваъда қилган...

Б А Н К О

(Макбет томонга қараб)

Ҳой, кўзингни оч!
Бу ҳақда ўйлама! Токи, ҳокимликдан сўнг,
Тожни ҳавас қилмагайсан. Мен қўрқаяпман:
Жуда кўп вақт, бизни кулфат босгиси келса,
Жаҳаннамнинг тили билан башорат қилиб,
Осонгина ишончингни қозонади-ю,
Имонингни қўлдан олиб, чалиб кетади.

(Росс ва Ангусга мурожаат қилади.)

Изн беринг, бир сўзим бор.

Пичирлашадилар.

М А К Б Е Т

(бир чеккага)

Икки каромат
Амалга ошди. Демакки, бу шоҳномага
Икки дебоचा.

(Росс ва Ангусга)

Жаноблар, сизга минг раҳмат!

(бир чеккага)

Бошим қотди, ул ғойибнинг башоратларин —
Яхшига ҳам, ёмонга ҳам йўйолмай ҳайрон;
Ёмонликка бўлса, дейман, ул айтганлари
Ўнгдан келиб, Кавдорга бек бўлмасдим ҳозир.
Яхшиликка эса нечун сочим тиккайиб,
Юрак қиндан чиққудайин типирчилайди
У кўнглимга солган ўша машъум фикрдан!
Ўз ўйимиз тўқиётган васвас ҳамиша
Қоронгининг ваҳмасидан кўпроқ қўрқитар.
Ҳозир, ҳали амалига ақлим етмаган,
Олдиндаги қотилликни ўйлашнинг ўзи
Ҳаловатсиз вужудимни ларзага солди.
Дилда ғашлик... Нечун бунча тез, ошиқаман?
Маломатга қолар бўлди ҳаётим, ёху!

Б А Н К О

(Росс ва Ангусга)

Ҳаяжондан ўзлигини йўқотибди у!

М А К Б Е Т

(бир чеккага)

Йўқ, йўқ! Тожни менга тақдир ваъда қилдими?
Ўзи тақдим этсин, токи...

Б А Н К О

Янги унвонда,
Киши баъзан янги либос кийгандагидек,
Қулайини тополмайди.

М А К Б Е Т

(бир чеккага)

Э, садқаи сар!
Чикка ёки пукка бўлсин, кун ўтмай қолмас.

Б А Н К О

Бизлар сени кутиб қолдик, марҳаматли бек.

М А К Б Е Т

Уэр. Ангда қолганимни ўйлаб кетибман.
Дўстлар, сизнинг бу қимматли хизматингизни
Юрагимнинг китобига киритдим, токи,
Уни ҳар кун ўқиб турай. Кетдик, саройга.

(Банко томонга қараб)

Сен бу ерда ўтганларни қайта ўйлаб кўр.
Икковлашиб, фикримизни бир жойга тўплаб,
Ҳаммасини келишамиз очиқчасига.

Б А Н К О

(Макбет томонга қараб)

Бажонидил!

М А К Б Е Т

(Банко томонга қараб)

Ҳозирча шу. Қани, жўнадик.

Кетадилар.

4 — С А Ҳ Н А

*Форрес. Саройда бир хона. Бурғу овозлари. Дункан, Малькольм.
Дональбайн, Ленокс ва мулозимлар кирадилар.*

Д У Н К А Н

Кавдор қатл этилгандир? Ехуд чопарлар
Ҳамон қайтиб келмадими?

М А Л Ъ К О Л Ъ М

Йўқ, олампадох,
Улар ҳали қайтмадилар. Аммо қатлни

Кўзи билан кўрган биров менга айтдики,
Кавдор беги иқроф бўлган сотқинлигига,
Хатто сиздан шафқат сўраб, илтижо қилган.
Тирикликда кўрган иззат-икромларидан
Шарафлироқ қаршилабди ўлимини ҳам.
Нақ ажалнинг ўз қўлида таҳсил кўргандек,
Кулиб туриб, жон берибди: гўё яшашнинг
Барча роҳат, фароғати унга бир чақа!

ДУНКАН

Афсуски, биз одамларнинг ичидагисин
Юзидаги маънолардан ўқий олмаймиз.
Бўлмаса, мен шу вассалнинг садоқатига
Кўр-кўрона ишонардим.

Макбет, Банко, Росс, Ангус кирадилар.

Содиқ қардошим!

Ҳали сени алқамоқлик қарзи бўйнимда.
Сенинг буюк парвозингни шарафлаш учун
Сўзимизга нурдан қанот битмоғи лозим!
Алалхусус, мақтамоққа сўз тополмайман,
Ҳар қанчалик олиймақом мукофотлар ҳам
Садоқатинг қаршисида ерга қоришар.

МАКБЕТ

Сизга содиқ қолмоқликнинг ўзи мен учун
Сўзсиз мукофот. Қиролнинг иши —
Биз қуллари, яъни тахтнинг қаролларидан
Мўъжизалар талаб қилмоқ. Бизга шарафдир —
Қиролимиз ишончини қозонмоқ учун
Елиб-югурмоқ...

ДУНКАН

Марҳамат, азиз меҳмон бўл!
Парваришга киришдимми, тез кунда сени
Ўзим гулга киргизаман. Ҳурматли Банко,
Бизга сенинг хизматларинг зарра кам эмас,
Буни ҳамма билиб қўйсин. Бери кел, қучай!

БАНКО

Шу қучоқда бошоқ тортсам, ўрими сиздан.

ДУНКАН

Хурсандликдан кўзларимда ёш турмаяпти,
Сўзламоққа кўзёшларим халақит берар,
Ўз теримга сиғмагандан йиғлаганим бу!
Тахтимизнинг яқинлари, биродарларим,
Тўнғичимиз Малькольмни биз бугундан бошлаб,
Салтанатнинг вориси деб эълон этамиз
Ва Кемберленд шаҳзодаси деган унвон ҳам
Ўз-ўзидан осилажак унинг бўйнига.
Ҳам шу фармон шарафига, қўшимча қилиб
Айтманки, кўкимизни ёритиб турган
Барча дўстлар қуруқ қолмас бугун қатордан.
Инвернесга бориб, Макбет, сенга қўноқмиз,
Токи, бизнинг бирлигимиз абадий бўлсин!

МАКБЕТ

Иўлингизга сарфланмаган вақтим ҳамиша
Менга дўзах азобидек сўнгсиз туюлар.

Бу шодликни хотинимга етказмоқ учун
Мен ҳозироқ йўлга тушай.

ДУНКАН

Яшавор, Кавдор!

МАКБЕТ

(бир чеккага)

Шаҳзода Кемберленд менинг йўлимни тўсди.
Қуламоқ ё сакрамоғим шарт бу тўсиқдан.
О, юлдузлар, сиз руҳимга бундай тикилманг,
Қуюқ туман ҳалқобланар унинг қаърида!
Аммо қанча қўрқитмасин мени ҳадиклар,
Чирт кўз юмиб, бажараман тақдир ёзмишин.

Кетади.

ДУНКАН

Ҳақ гап, Банко. Мен Макбетни алқаб тўймайман,
Футуввату жасорати дилимга қувват.
Отланинглар! Макбет бизни кўнгилдагидек
Кутмоқ учун сал олдинроқ от қўйиб кетди.
Қани, шундай мезбон бўлсанг ҳам улдуғ инсон!

Кетадилар.

5 — САҲНА

Инвернес. Макбет қасрида бир хона. Қўлидаги хатни
ўқиган ҳолда Макбет хоним киради.

МАКБЕТ ХОНИМ

«Мен уларни бахтли бир кунда учратдим ва билдимки, уларнинг билими
ҳад билмас. Яна ҳам батафсилроқ суриштириш шавқи билан ёниб типирчилар
эдим, аммо уларнинг таналари ҳавода парланиб кетди. Кўрганларим таъсири-
дан ҳайратланиб турган пайтимда, қиролликдан келган чопарлар мени Кавдор
беклиги билан қутладилар. Ахир, ҳозиргина ўша жодугар ҳамширалар мени
худди шу унвон билан улдуғлаган, узоқ келажагимдан башорат қилиб:
«Бўлғуси қиролга шарафлар бўлсин!» деб турган эдилар-да! Сени — зафарла-
рим сафдошини, бу ҳангомалардан хабардор қилдим. Токи, ҳозир кўрмаётган-
нинг қасрига, олдинда кутаётган шодликлар шамолидан бебаҳра қолма.
Буларни кўнглингга тугиб қўй, хайр!»

Гламис, Кавдор ҳокимисан! Яна ёзмишинг
Шаъма қилган мансабга ҳам минарсан. Аммо
Нозик ҳислар маммасини кўпроқ эмгансан!
Шуҳратпарастсан-у, йўқсан амалиётга.
Қўлимни ҳеч булғамасдан қўтарилсаму
Гуноҳсиз бир гуноҳ билан ўссам, дейсан-да!
Уйин пайти оғмачилик одатинг-ку, йўқ,
Аммо ғирром ютуқни тез ўзлаштирасан;
Евузликка қаршимассан, аммо евузлик
Ўз қўлингга унишидан қўрққанинг учун
Иккиланиб ўтирибсан. Ҳали шошмай тур!
Уйга келсанг, тиним бермай, эркаклигингни
Қулоғингга қўроғошиндай қўйиб тураман.
Тақдирингнинг буюргани олтин тож билан
Орангизда девор бўлган бор тўсиқларни
Битта қўймай тилим билан суриб ташлайман!

Хизматкор киради.

Нима дейсан?!

Х И З М А Т К О Р

Қирол ташриф буюрмоқдалар.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Бу қандай гап? Соҳибинг-чи? Бирга эмасми?
Бундай пайтда тадорикни кўрар эди-ку?!

Х И З М А Т К О Р

Тез орада етиб келар Макбетнинг ўзи.
Йўлда ундан ўзиб ўтган чопар ҳаллослаб,
Айта олган бор гапи шу, нуқул ҳансирар.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Муҳим хабар келтирибди. Бор, яхши қара!

Хизматкор чиқади.

Қарға девор дандонидан қаттиқ қағиллаб,
Дунканнинг шум қадамидан дарак бермоқда,
Қани, сиз, эй, ёвузликнинг топқирликлари,
Зулмат руҳи, қабоҳатлар қалбимга келинг!
Сафро билан тўлатинглар сийналаримни!
Қонхўрликнинг ваҳший кучи танамга тўлсин!
Қонларимни қуюлтириб, раҳмдилликнинг
Йўлларини тўсиб тацланг! То бу қўрқинчли
Қароримда қатъий турай! Кушандаликнинг
Сиз, кўз кўрмас илоҳлари, менга ёр бўлинг!
Бетим қотиб, шу соатдан мен нар бўламан!
Жаҳаннамнинг тутунига ўрал, ўлик тун,
Ўзи очган жароҳатни кўрмасин пичоқ,
Кўз очолмай қолсин осмон: «Тўхта!» демасин!

Макбет киради.

Гламис ҳам Кавдорнинг сен улуғ ҳоқими.
Яна юз бор улуғроқсан келгусинг билан!
Хатинг мени келажакка кўчирди тамом,
Эсу ҳушим ўша ёқда.

М А К Б Е Т

Суюкли қумрим,
Кечқурун Дункан келади.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Қачон кетмоқчи?

М А К Б Е Т

Эрта тонгда.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Бундай «эрта» асло келмайди.
Менга қара, юзларингдан, китобдагидай,
Осонгина ўқиш мумкин ғайри ҳисларни.
Одамларни алдай десанг, уларга ўхша,
Чехрангни оч, кўрар кўзга гул бўлиб кўрин,
Асли гулнинг тубидаги илон бўл ўзинг.
Ҳа-ҳа, қўноқ тарадудин кўрмоқлик керак,
Бундан кейин келадиган туну кунларнинг
Ўзимизга қолсин десанг шоҳона базми,
Бу кечанинг ғамларини менга қўйиб бер.

МАКБЕТ

Буни кейин гаплашамиз.

МАКБЕТ ХОНИМ

Тортиниб турма,
Қувноқроқ бўл, у ёғини менга ташлаб қўй.

Кетадилар.

6 — САҲНА

Уша жой. Макбет қасри қаршиси. Бурғу ва машғалалар.
Дункан, Малькольм, Дональбайн, Банко, Ленокс, Мак-
дуф, Росс, Ангус ва аъёнлар кирадилар.

ДУНКАН

Қаср яхши жойда тушган, ҳавоси тоза,
Қушдай енгил тортасан-а.

БАНКО

Жарқалдирғочлар
Гапингизга кафил, шоҳим. Бу ёзлик меҳмон
Турар жойнинг созлигидан дарак беради,
Кўп кузатдим, кўзлагани баҳрали манзил.
Бирор устун, туртиб чиққан бирор бурж йўқки,
Шу жонивор ин қўймаган бўлсин у ерда.

Макбет хоним киради.

Ана, хоним ўзлари ҳам. Ишқ деган — дилга
Ҳарчанд ташвиш келтирмасин, оташи баланд.
Биз ҳам келиб тараддудга қанча кўп қўйсақ,
Шунча ортиқ қадрлайсиз, деган ўйдаман.

МАКБЕТ ХОНИМ

Икки қатла икки шунча хизмат қилсақ ҳам,
Тақсиримнинг қайта-қайта кўрсатаётган
Илтифоти қаршисида қилчалик эмас.
Ҳақингизга дуодамиз доим қўл очиб.

ДУНКАН

Кавдор қани? Биз кетидан от қўйиб келдик,
Э-ҳа, унга етмоқ қайда! У отга минса,
Отилган ўқ деяверинг. Айни ҳозир-ку,
Ишқингиз ҳам шиғов бериб, отни қичаган.
Шундай қилиб, бугун сизга қўноқмиз, хоним.

МАКБЕТ ХОНИМ

Ўзимиз ҳам уйимизни, бизлар ҳамиша —
Сизники, деб келганмиз, шоҳ. Бу ерда кўпроқ
Биз қўноқмиз, ҳазрат эмас.

ДУНКАН

Шунчалик бўлса,
Қўлни бериб, эрингизнинг олдига бошланг.

У бизларга ҳиммат қилди. Энди бизлар ҳам
Қарзни узиб, уни бошга кўтаргусимиз.

Кетадилар.

7 — САҲНА

Макбет қасри. Бурғу ва машғалалар.
Дастурхон оғаси ва таом кўтарган хизматкорлар
кириб саҳнани кесиб ўтадилар. Кейин Макбет киради.

МАКБЕТ

Бир зарб билан ҳаммасидан соқит бўлардим,
Лоақал бир дақиқа ҳам қараб турмасдим,
Агар барча қийинчилик изни яширмоқ
Ҳам ютуққа эришмоқдан иборат бўлса!
Қулай фурсат қўлин чўзган худди шу дамда,
У дунёнинг бор роҳатин қурбон қилардим.
Аммо қасос кутар бизни ер юзида ҳам:
Сен ҳаётга агар жиндай озор етказсанг,
У ҳам сени ўз дарсингдан ўқитиб қўяр;
Сен-ку, жомни заҳарлайсан, аммо ҳақ уни
Ўз оғзингга тутқасади... икки ёқлама
Муҳофаза остида тинч ухлайди қирол.
Мен — кўрнамак қондошиман ва содиқ маҳрам,
Шунинг ўзи суиқасдни қийинлаштирар.
Боз устига меҳмондир у. Ет ҳужумлардан
Қўриш ўрнига, тиғ билан у ётган уйга
Пусиб кирмоқ менга ҳайфдир. Бундан ташқари,
Дункан ҳалол, очикқўл шоҳ, унинг шавкати
Фариштадай учиб юриб, қасосга чорлар.
Воҳ, ачиниш бўронидан туғилиб қуюн
Жаҳон-жаҳон кўз ёшларда чўмилади у!
Қонларимни қизитгудай сабаб кўрмайман,
Асов оддек кўтарилиб тахтнинг ҳаваси, —
Сурирганча ағнаб тушар яна бир зумда.

Макбет хоним киради.

Нима гап бор?

МАКБЕТ ХОНИМ

Тугатмоқда кечлик овқатни.

Сен нимага дастурхоннинг бошидан турдинг?

МАКБЕТ

Сўрадимми?

МАКБЕТ ХОНИМ

Бўлмаса-чи, сўрамасмиди?!

МАКБЕТ

Йўқ, бу йўлдан қайтиш керак. Ҳамма нарсада
Ундан менинг бўйнимда қарз. Эл назарида
Эътиборим чакки эмас, биров бўлса ҳам,
Шу покиза шуҳрат билан яшасам, дейман.

МАКБЕТ ХОНИМ

Қани ўша орзуларинг? Е сен маст эдинг,
Сархушликда кўзларингни ўйнатган нарса
Ҳушёрликда қора бўлиб кўринмоқдами?

Мана, сенинг муҳаббатинг! Ҳамма вақт шу гап —
Истамоқда шердилсан-у, амалда ожиз;
Шундай улуг мартабага орзуманд бўлиб,
Ожизлигинг голиб келса, ақлга сиғмас.
Бу не ҳолки, гул узмоққа жазман бўлсанг-у,
Тиканин захридан қўрқсанг?

М А К Б Е Т

Сўрайман, жим бўл!
Бажараман ҳар не келса одам қўлидан,
Ортиғига журъат қилган — одам ҳам эмас.

М А К Б Е Т Х О Н И М

У қандай бир маҳлуқдирки, ниятларингни
Аввалига мажбур қилиб менга очтирди?
Унда қўлдан келар эди, сен одам эдинг!
Билиб қўйки, сен бу йўлга қанча тез тушсанг,
Шунча тез одам бўласан. Бу ишга вақт,
Шарт-шароит йўл бермасди, йўл излар эдинг.
Мана, шу йўл! Энди ўзни орқага олдинг.
Мен боққанман ва биламан, қандай ҳузурбахш
Эмаётган чақалоқни қўлда тутмоқлик.
Аммо мен ҳам сўз берсайдим, эмчаккинамни.
Унинг юмшоқ милкларидан шарт суғурардим
Ва мен, она, чақалоқнинг бош чаноғини
Уз қўлимда мажақлашга куч топар эдим!

М А К Б Е Т

Зарбимиз хато кетса-чи?!!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Хато кетсами?!

Сен ўзингни дадилроқ тут, бу мумкин эмас,
Куни билан отда юриб, Дункан чарчаган,
Кўзлари бир илинса бас, хос соқчиларга
Мен шундай май ичирайки, бош миямизнинг
Қоровули бўлган ҳушлар буғланиб кетиб,
Эсларининг кошонаси ҳувиллаб қолсин.
Улар гафлат уйқусида тарракдай қотса,
Не кўйларга солиб бўлмас, бир қаровсизни?
Бор айбни маст соқчиларга тўнкамоқлигу
Одамкуш, деб уларнинг ҳам ўлик уйқуда
Суробини тўғрилашдан осон иш борми?

М А К Б Е Т

Менга фақат ўғил тукқин! Сен бу дунёга
Эркак зотин кўпайтирмақ учун келгансан.
Қотилликни соқчиларга ағдариш учун
Биз уларнинг ханжарини ишлатамиз-да,
Ўзларига қон суркаймиз. Ишонармикин?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Уликнинг бошида йиғлаб, дунёни бузсак,
Фигонимиз кўкни тутса, ишонмай бўпти!

М А К Б Е Т

Мен тайёрман. Мушакларим пар-пар учмоқда!
Юр, кирайлик, меҳмонлар ҳам қолишди кутиб,
Хотиржамлик ниқоб бўлсин қора ниятга...

Кетадилар.

(Давоми келгуси сонда)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ КОМИЛ ЯШИН ТУҒИЛГАН КУНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

Ҳафиз Абдусаматов

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ АДИБ

Атоқли санъаткор, оқсоқол адибимиз Комил Яшин деярли 60 йиллик ижодий фаолияти давомида ўз қалами билан халққа, партияга муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Комил Яшин ижоди ўзбек совет адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғайратий поэзияда, Абдулла Қодирий, Ойбек романчилик соҳасида, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин асосан кичик ҳикоялар бобида машҳур бўлсалар, Комил Яшин драматургия жанрида шухрат қозонган.

Ўзбек драматургиясини ривожлантириш, уни бутуниттифоқ миқёсига олиб чиқишда Комил Яшиннинг хизмати бениҳоя катта. Драматург яратган пьесалар халқимиз ўртасида кенг тарқалиб, сеvimли асарларга айланиб қолган. Яшин пьесалари 55 йилдан бери республика театрлари саҳнасининг кўрки бўлиб келмоқда. Улар қардош республика театрлари репертуаридан ҳам фахрли ўрин эгаллади.

Яшин асарларига муваффақият бахш этган асосий омиллар муҳим ғоявий мазмун, бадиий маҳорат, ҳаётий конфликтларнинг ҳаққоний акс эттирилишида, кучли характерлар яратиш каби қатор фазилатларда намоён бўлди. Бунга санъаткор биринчи навбатда ҳаёт ҳодисаларини чуқур ўрганиш, уларни кенг ва ҳар томонлама идрок этиш орқали эришди. У замоннинг жўшқин нафасини, давр руҳини, совет кишиларининг бой, мураккаб дунёсини тараннум этди.


Яшин ўз ижодида даврнинг бош тенденцияларини, совет кишиларидаги янги характерли хусусиятларни ёрқин тасвирлади. Чунки адабиётнинг ижтимоий-тарихий роли унинг ҳозирги замон ҳаётини нақадар тўғри ва чуқур ифода этишига боғлиқ.

Яшин бадиий асарда ҳаёт ҳақиқатини тўғри акс эттиришининг асосий тематика шундай ёзади: «Ҳақиқат — воқеликнинг синфий маъносини ва унинг инқилобий тараққиётини, истиқболини очиб кўрсатишда намоён бўлади».

У бу «ҳақиқат» нималарда намоён бўлишини ҳам алоҳида уқтирди. «Социал воқеликнинг ўзгариши, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, одамнинг социалистик руҳда қайтадан тарбияланиши, — деб таъкидлайди Яшин, — бизнинг бутун турмуш муносабатларимизни ва мамлакатимизда турмушни ўзгартади». Ешлар, ўсмирлар ўртасида янги муносабатларнинг туғилиши, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни, маданий инқилоб масалалари — буларнинг ҳаммаси совет драматургиясининг асосий тематикасини ташкил этиши лозимлигини уқтиради у. Буларни адабиётда ҳаққоний ёритиш учун ҳозирги ҳаётни, ўтмишни билишгина кифоя қилмайди, балки шу билан бирга келажакка назар ташлай олиш, уни олдиндан кўра билаш каби қобилиятга эга бўлиш жуда ҳам муҳимдир.

Шу сабабли у «янги адабиётнинг қаҳрамони дунёни қайта қурувчи, катта иродага эга бўлган, кишилик муносабатларини ўзгартириш, янги коммунистик жамият қуриш вазифасини ўз зиммасига олган одам бўлди» деган тўғри хулоса чиқаради. Яшин бу фикрни ўз мақолаларида янада чуқурлаштиради ва асар марказида инсон, унинг ҳаёти, кураши, орзу-умидлари туриши лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Яшин драматургиясининг асосий хусусиятларидан бири — новаторлигидир. У бутун ижоди давомида адабиёт ва санъатда новаторликка, янгилик яратишга чақирди,



Ғайратий, Назир Сафаров, Раҳмат Мажидий, Комил Яшин.

ҳақиқий ижоднинг душмани бўлган тақлидчиликка, такрорга, бир жойда қотиб қолиш ҳолларига қарши чиқди.

Санъаткор кишини мафтун қиладиган, хотирада узоқ сақланадиган, адабиётда чуқур из қолдирадиган кўплаб оригинал саҳна асарлари яратди. Яшин ўзбек драматургиясида биринчилардан бўлиб коммунист Арслон, қўлига қурол олиб душманга қарши курашган жасур ўзбек аёли Дилбар («Тор-мор») каби давр фарзандлари образини саҳнага олиб чиқди. 30-йилларда хотин-қизлар озодлиги масаласини ҳам у кенг планда акс эттирди. Адиб қаламига мансуб Гулсара («Гулсара»), Онахон («Номус ва муҳаббат»), Асал («Асал»), Нурхон («Нурхон») образлари бунинг ёрқин далилидир. Драматург яратган ҳар бир образ ўзига хос бетакрор фазилатлари билан ажралиб туради.

Улуғ Ватан уруши мавзусида ҳам («Даврон ота», «Улим босқинчиларга», «Генерал Раҳимов», «Офтобхон») Яшин самарали ижод қилди. Миллий драматургиямизда улуғ В. И. Ленин образини («Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги») санъаткор муваффақиятли тарзда яратди.

Адабиётимизга олиб кирган долзарб масалалари, ёрқин тасвирланган характерлари, қисқаси драматургияда янги очган кўриқлари билан Яшин томоша залини тўлқинландирди, томошабинини саҳнадаги ҳодисаларни кузатиб боришга, улар устидан ҳукм чиқаришга жалб қила олди.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамзанинг адабий фаолиятини тарғиб қилиш, бадиий образини яратиш соҳасида Яшин улкан ижодий ва ташкилотчилик ишлари олиб борди. Унинг бу борадаги хизматларига алоҳида тўхталиш лозим.

«Мен, — деб ёзган эди Ғафур Ғулом, — ўқиб-ўрганишдан ҳеч қачон толиқмайман. Фақат бир нарсадан кўнглим тўлмаган — ўзининг маҳорат сирларини китоблари орқали эмас, балки ўз оғзи, ўз қўли билан менга ишониб топширган жонли устод ёнимда бўлмаганидан афсус чекаман... Тирик Ҳамзадан сабоқ олган Яшинга қанчалар ҳавас қилганим ёдимда!».

Ҳақиқатан ҳам Комил Яшин ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамзани кўриш, у билан суҳбатлашиш, унинг бевосита раҳбарлигида шеърлар ёдлаш, у ижро этган роллар сеҳридан баҳраманд бўлиш, ижодий мактабидан таълим олиш бахтига эришган адибдир.

Комил Яшин бу жонли алоқани ўз романида шундай шарҳлайди: «Асар муаллифи мактабдоши Ниҳод Умарий билан биргаликда Андижонда ўтказилган «Шарқ кечаси» да Ҳамза Ҳакимзода Ниезийнинг бир ҳафта мобайнида Миркомил бойнинг мусодара қилинган савдо биносидида пианино чалиб ўргатган «Ишчи бобо!», «Ҳой, синглим!» кўшиқ-декламацияси билан иштирок қилган эди». Шеърни дўндириб ижро этган ўн яшар Комилдан Ҳамза мамнун бўлган ва ёш қалбда ижодга сўнмас муҳаббат уйротган.

Комил Яшин Ҳамза билан икки марта (1919 ва 1924 йиллар) бевосита учрашган. Устоз ва шогирд орасидаги ёзишмалар бир мунча вақт давом этган. Ҳамза ёш ҳаваскор шеърларини таҳрир қилиб, «Янги Фарғона» газетасида чиқариб турган. Шу сабабдан ҳам тирик Ҳамзадан унутилмас сабоқ олган Комил Яшинга ҳар қанча ҳавасинг келса арзийди.

Шу ўринда СССР халқ артисти, ўзбек киносанъатининг устозларидан бири Комил Ерматовнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтайлик: «Комил Яшиннинг Ҳамза Ҳакимзода Шибёзий ижодини рўёбга чиқаришдаги улугъ хизматларини биламиз. Шу жасоратнинг ўзидек бир ижодкор умрини безай олади».

Комил Яшин ярим ардан ортиқ вақтдан бери барҳаёт устознинг жўшқин ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақида қалам тебратиб келади. Бу олижаноб ният йўлидаги ижодий ишларининг юқори нуқтаси «Ҳамза» романи ҳисобланади. Улугъ санъаткор ҳаёти ва ижодий оламини бутун кўламини ва тўла моҳияти билан очиб берган бу асар муаллифнинг ҳам юксак маҳоратини ёрқин намойиш этади.

«Халқ учун, унинг бахт-саодати учун ҳам юрак кўрини, ҳам фикрни, ҳам ишларни бағишлаш керак, — деган экан Ҳамза, — ўзбеклар кўп қайғу ва аламларни бошларидан кечирдилар, энди улар шоду хуррамликни ҳам кўрсинлар».

Романинг бутун мазмуни юқоридаги фикрларни тўлақонли, пухта характерларда, ўткир, кескин конфликтларда, кизиқарли бадиий шаклда очиб беришга қаратилган. Ҳамза халқнинг бахт-саодати, озодликка эришиши, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни билимдон қилиш, уларни жаҳолатдан, хурофотдан ҳоли этиш учун юрак кўрини ҳам, жонини ҳам, бутун жўшқин фаолиятини ҳам бахшида этган улугъ граждан ва чин коммунист, жанговор солдат, социалистик маданиятнинг мангу фидойисиди эди ва шундай қиёфада романда яққол кўринади.

Биз романда Ҳамзани даставвал илғор маърифатчи, илмда янгилик учун жўшқин курашчи сифатида кўраамиз. У бутун умрини халқ оммасига билим бериш орқали уни хурофотдан, жаҳолатдан қутқаришга интилган оташқалб инсон сифатида намоеён бўлади. Адиб бош қаҳрамони характеридеги айрим нуқсонларни ҳам очиб бериб, образнинг реаллигини тўла таъминлаган.

Ҳамза дастлаб бойларни, ҳукмдорларни инсофга чақириш, улардан иқтисодий ёрдам олиш орқали адолатни тиклаш, меҳнаткашларга билим бериш мумкин деб ўйлайди. «...Миллатни фақат илм-маърифатгина жаҳолат ботқоғидан олиб чиқади» дейди у. Бу жиҳатдан у жадидларга яқинлашиб боради ва ёшликдаги дўсти, кейинчалик миллатчи бўлиб кетган Олчинбек Назирийга ҳамфикрдай туюлади. Лекин ёш адиб бундай хатоларни тез тушунади, мутаассиб ва ҳукмдор синф вакилларининг асл ниятини англаб этади ва реакцион дин ҳомийларидан, хурофотдан, золим бойлардан юз ўгиради.

Муаллиф ўз асарида миллатчиликнинг зарарли моҳиятини тўғри талқин қилади ва илғор зиёлилар билан улар ўртасидаги тафовутлар ҳамда кескин курашларни ҳаққоний ақс эттириб беради.

Билимнинг туб моҳиятини тушунган сари ёш Ҳамзада жадидлардан фарқ қиладиган илғор фикрлар туғила бошлайди. «Бироқ, — деб жавоб берди Ҳамза Олчинбекка, — ана шу «басир оломон»нинг болаларини тўплаб, уларга билим бермоқ даркор. Мен меҳнаткаш табақанинг болаларини назарда тутаман. Рухонийларимиз ҳам боёнларимизнинг фарзандлари ҳақида биз қайғурмасак ҳам, ўз йўллариини ўзлари топиб кетадилар».

Мамлакатда содир бўлган улугъ инқилобий ўзгаришлар кучоғида яшаган Ҳамзанинг синфий онги, билими ва ҳаёт тажрибалари ошиб боради. У курашда энди реформачи, бойлардан мурувват кутувчи оддий маърифатпарвар эмас, балки ҳаётдаги ҳар бир ходисани пухта таҳлил қилиб, мағзини чақувчи онгли шоир, инқилобчига айланади. Қаҳрамондаги бу юксак фазилатларни миллатчилар, аксилинқилобчилар, жоҳил рухонийлар, чор амалдорлари ҳамда босмачиларга қарши курашда яққол кўраамиз. Миллатчилар билан тўқнашувнинг яққол кўриниши маориф халқ комиссарлиги раҳбарларидан бири Назирий кабинетига содир бўлади. Бу ерда Назирий, олим Шавкат, шоир Урфонлар бир томонда, Ҳамза иккинчи томонда туриб курашади. Мазкур тўқнашув иштирокчиларининг барчаси роман саҳифаларида ўзига хос, бетакрор қиёфада гавдаланади. Тўқнашув-мунозара Шавкатнинг хато, чалқаш, реакцион руҳ билан сугорилган китоби ҳамда миллатчиларнинг халққа зид қилмишлари устида боради.

Миллатчиларнинг кирдикорларини яхши тушунган Ҳамза уни хаспўшлаб ўтишга ёки оддий баҳс деб эътибордан четда қолдиришга қатъиян қарши чиқади. У шундай фикрда бўлган Назирийга кескин зарба бериб:

«Йўқ, баҳс эмас, жанг...» деган худосага келади.

Муаллиф китобхонларга Ҳамза ва Назирийни ёшлик чоғларидан бошлаб таништириб боради. Болаликдан улар дўст бўлиб, илм масалаларида қарашлари ҳўпинча бир ердан чиқар эди, Аммо инқилобий рқим, ҳаётдаги жиддий ўзгаришлар ҳар иккисини икки қирғоққа олиб бориб ташлайди. Назарий қариндоши Содиқжон бойвачча таъсирига батамом ўтиб кетади, золимларнинг итоатли кўғирчоғига айланади. Ҳамза эса меҳнаткаш халқ билан бирга қадам ташлайди, инқилобий кураш оловларида тобланади.

Романда Ҳамза юксак интернационалист сифатида ҳам кенг тасвирланади. Меҳнаткашларнинг умумий душманларига қарши курашни ўз фаолиятининг маъноси деб тушунади.

Муаллиф Ҳамзадаги ана шу ноёб фазилатларни очиб берадиган ҳаётий лавҳалар, эпизодларни ёрқин гавдалантириш орқали бош қаҳрамон фаолиятидаги улугъвор жиҳатларни бўрттириб кўрсатади. Бунини биз айниқса, Ҳамзанинг илғор Россияга, унинг инқилобий анъаналарига, бой адабиёт ва санъатига, ажойиб фани ва илми, кўнгли кенг, мард, олижаноб кишиларига бўлган чексиз меҳр-мухаббатига яққол кўраамиз.

Комил Яшин романда бу мавзунини завқ-шавқ билан, улкан илҳом билан тасвирлайди. Муаллиф қаҳрамон ҳаётининг барча илдизлари Россия билан чамбарчас боғланиб кетганлигини тўла асослайди ва унинг фаолиятини рус халқига ва маданиятисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини бадиий бўёқларда исботлайди.

Опаси Ачакхонни ўлимдан қутқариб қолган рус жарроҳи, унга революция ва ғалаба

илмини ўргатган дўсти ва устози Степан Соколов, музикадан таълим берган рус композитори Сергей Иванович, меҳнаткаш халқни озодликка олиб чиқишда катта роль ўйнаган рус халқи, унга илк севги қувончини бахшида этган, турмуш йўлдоши Аксиньялар асарда меҳр билан тасвирланади.

Романда икки қалбнинг жўшқин, самимий, дўстона муҳаббати, таъсирли лавҳаларда чиқарилгани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Тарихдан маълумки, Ҳамзанинг биринчи жуфти ҳалоли рус қизи бўлган. Бу оддий кўринган ҳодисада чуқур маъно бор. Хуррофот ва жаҳолат авжига чиққан бир замонда Ҳамза рус қизи — «кофир» билан ҳаётини боғлаши — улкан жасорат эди.

Бу икки ёшнинг ширин турмушлари, фарзанд кўриш бахти тасвирланган саҳифалар китобхонда туганмас севинч уйғогади. Аммо қора кучларнинг ошиқ-маъшукларга ҳужуми, таҳқирланишлар, Ҳамзанинг жоҳанжон оиласини ташлаб, чет элга кетиш лавҳалари ўқувчини қаттиқ изтиробга солади.

Қаҳрамонларнинг ишқ-муҳаббатларини ёритишда Комил Яшин шоирона бўёқлардан маҳорат билан фойдаланади. У ўзининг севимли қаҳрамонининг биринчи муҳаббатини ҳамда Зубайдага бўлган муносабатини жозибадор акс эттириш учун катта меҳнат қилгани сезилиб турибди.

Адиб Ҳамзанинг ҳам, ёрининг ҳам руҳий оламини, изтиробларини, севги фожиасини чуқур очиб беради. Утмиш тузуми, зулматли дунё икки қалбни майиб қилиб ташлагани, Зубайдани зўрлаб Содиқжон бойваччага берилиши, у заҳар ичиб бевақт ҳалок бўлиши каби ўринлар ҳаяжонли лавҳаларда ўз аксини топган.

Комил Яшин ўз қаҳрамонидаги муҳаббат жараёнларини кўрсатиш билан бирга, унинг қалб драматини кенг тасвирлайди ва Ҳамзанинг қайта уйланиш сабабларини очиб беради, шахсий турмушини издан чиқарган ёвуз кишиларнинг кирдикорларини аёвсиз маҳв этади.

Ҳамзани бундай кулфатларга гирифтор қилган маҳаллий амалдорлар, руҳонийлар, ёт унсурлар эди: «Уни (Зулфизарни — Ҳ. А.) ҳам мендан юлқиб-юлқиб олишди. Яна ёлғиз қолдим. Яна атрофим бўм-бўш, совуқ, нашъасиз кулбамни куйдириб хонавайрон қилишди ноинсофлар... Шайхлар, Назирий, Шавкат — қанчадан-қанча эгбеллар, «қатралар» — ҳаммасининг дилини ҳуфтон қиламан чоғи, ҳаммасининг мени кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ...» Шайхлар, миллатчилар босмачилар учун Ҳамза энг ашаддий душман эди. Чунки у барча йўллар ва воситалар билан бу ёвузларнинг кирдикорларини очиб ташлар, аёвсиз ҳажв қиларди.

Романда Ҳамза улғу ижодкор сифатида ҳам кенг кўламда тасвирланган. Унинг оташин шеърлари ва пьесалари ёт унсурларни, душманларни ларзага солгани, меҳнаткашларни озодликка чорлаб, совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилгани, хуррофот ва жаҳолат, бидъатларга қарши аёвсиз ўт очгани асарда катта маҳорат билан гавдалантирилади. Ҳамзани ҳар қадамда таъқиб этиб, бошига минг азобу уқубатларни солган, чет элга ҳайдаган, маънавий жиҳатдан эзган текинхўр шайхлар — Содиқжон бойвачча, Эргаш, Қора Қоплон, миллатчи жадидлар — Олчинбек, Назирий, Шавкат, Урфон, Англиянинг жосуси, «оқсоқ дарвиш» капитан Рейли, чор амалдорлари — Қўқон ҳокими Мединский, полиция офицери Китаевлар, айғоқчи — Ғиёсхўжаевларнинг образлари ҳам реалистик бўёқларда чизилади.

Булардан кўпларининг характерлари кучли драматик коллизиялар, кескин тўқнашувлар орқали кўрсатиб берилади. Шайх Исмоил ўта ярамас қилмишларини, бузуқлиги ва ифлосгарчилигини қанчалик дин ниқобига ўрамасин, ҳаёт тўлқинлари унинг астар-аврасини ағдариб ташлайди. Назирий хоинлик ва душманлик кирдикорларини яшириб, дўстлик, қизилсўзлик билан, усталик ва муғомбирлик билан ёпмасин, шармандаю шармисорликка маҳқум.

Турли синф вакиллари, айниқса руҳонийларнинг характери ва тилини беришда муаллиф катта маҳорат кўрсатган. Уларнинг ҳар бири ўз моҳиятидан келиб чиқиб, ўзига мос савияда фикр юритади, сўзлайди. Руҳонийларни бундай чуқур индивидуаллаштириш романнинг бадиий савиясини кўтарган омиллардан биридир.

Фақат уламоларнинг нутқларигина эмас, умуман асар тили жозибали, ширали, ранг-баранг, тасвирий воситаларга бой.

Ёзувчи ижобий қаҳрамонларнинг характерларини ҳам кескин курашлар жараёнида кўрсатишга катта аҳамият берди ва шу орқали уларнинг ўзларига хос хусусиятларини очишга муваффақ бўлади. Масалан, уч аёл — Зубайда, Аксинья ва Зулфизарларнинг мақсад, интилишлари бир-бирига яқин, аммо характерлари турлича. Бири уятчан, ота-онасига итотлироқ, иккинчиси дадил, доворак, янгиллик нури билан сўғорилган, кейингисининг эса характерида изчил қатъийлик, кескин журъат етишмагандай кўринади.

Ҳамзанинг кучига куч қўшган, қийин-мушкул вақтларида унга камарбаста бўлиб турган, руҳини кўтарган, душманларнинг ҳамласидан сақлаган олижаноб кишилар — президент Йўлдош Охунбобоев, полвон Умар, Шоҳимардондаги шоғирдлари Алижон ва Омонтойлар ҳам романда бетакрор қиёфалари билан гавдаланади.

Романнинг катта ютуқлари билан бирга, айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Баъзи ўринларда воқеа-ҳодисаларни изчил тасвирлаш ўрнига ахборот, оддий баён услуби ишлатилади. Айрим лавҳалар ва эпизодлар муаллифнинг бошқа асарларига ўхшаб қолган жойлар ҳам бор. Фактик хатолар ҳам кўзга ташланади. Маълумки, «Заҳарли ҳаёт» трагедияси 1915 йилда, Ҳамза чет элдан қайтгандан кейин ёзилган. Романда эса аксинча бўлиб қолган. Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи 1927 йилда яратилган деб талқин қилинади, аслида эса у 1934 йилнинг маҳсули.

Комил Яшин Ҳамза ҳаётини тасвирлаш воситасида замон босқулисини ёритишга, инқилоб йилларидаги улкан ўзгаришлар моҳиятини ифода этишга муваффақ бўлди. Шу



Дўстлар суҳбати.

билан бирга адиб мазкур роман орқали бугунги долзарб масалалар, муаммоларни чуқур англашимизга ҳам ёрдам беради, қувноқ ҳаётимизнинг қадрига етиш, ҳали ҳам баъзан учраб турадиган хурфот ва иллатларга аёвсиз муносабатда бўлишга чорлайди. Асардаги улуғ рус халқи билан дўстликни мустаҳкамлаш, урушга, зулмга қарши кескин кураш олиб бориш мотивлари бевосита ҳозирги замон руҳи билан туташиб кетади. Ана шу пафос асар қимматини янада оширади.

Роман қуйидаги сўзлар билан тугалланади: «У (Ҳамза — Ҳ. А.) граждан ва коммунист бўлиб яшади, солдат бўлиб ўлди. Унинг номи муҳаббат сингари мангудир». Китобни ўқиган ҳар бир ўқувчи Ойбекнинг ушбу мисраларини Комил Яшин билан бирга қайта-қайта такрорлагиси келади:

*«Ичимда тўлқинлар алам ва фироқ,
Бу ерларда кезганда бир шоир оғам,
Қани, изларин ўпсам!
сўйла,*

*ел,
кўл,
тоғ!»*

Бугун инсон ва маданият арбоби Ҳамзанинг босган изларини ўпиб, меросини кўзга суртиб, жўшқин фаолиятдан сўнмас Илҳом олиб ёзилган пухта, баркамол «Ҳамза» романининг ҳам умри боқий эканига аминмиз.

«Оловли йўллар» кўп серияли телефильмида (муаллифлар — Комил Яшин, Борис Привалов, Шуҳрат Аббосов) мазкур романдан кенг фойдаланилган. Айрим қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисалар, эпизодлар фильмга олиб ўтилган. Лекин роман билан телефильм ўртасида жиддий фарқлар мавжуд.

Романда ҳаёт ҳақиқати, тарихий воқеалар изчил тасвирланган бўлса, фильмда миллий тўқимадан кўп фойдаланилган ва Ҳамза фаолияти заминида ўзбек халқининг тарихини, миллий интеллигенциянинг пайдо бўлиши ва ривожланишини кўрсатишга асосий урғу берилган.

Роман билан телефильм ўртасидаги тафовутлар ҳамда улуғ шоирнинг таржимаи ҳолида учрамайдиган ҳодиса ва эпизодларни экранда берилиши кескин баҳсларга сабаб бўлди.

Шунга қарамай «Оловли йўллар» фақат «Ўзбекфильм» студиясининггина эмас, балки Бутуниттифоқ кино санъатининг жиддий ютуғидир. Телефильмлар конкурсид

«Оловли йўллар»нинг мукофот билан тақдирланиши, Москва ва Тошкент телевидениеси орқали бир неча бор намоиш қилиниши ҳам асар қимматини кўрсатиб турибди. Фильм ўзбек халқининг асл фарзанди Ҳамза донгини бутун мамлакатга ёйишда жуда катта роль ўйнади. Ҳамза миллион-миллион томошабинлар олдида бутун салобати билан ёрқин намоён бўлди.

Баҳслар масаласига келсак, шунга таъкидлаб айтиш керакки, муаллифлар ва студия ижодий коллективи бадий тўқимага кенг йўл бердилар. Буюк Максим Горький таъкидлаганидек, тўқимасиз бадий асар бўлиши мумкин эмас. Адиблар қайси мавзунга тасвирлашдан қатъий назар бадий тўқимани ҳар хил шаклда, турлича қўллайдилар. Баъзилар асосан, тарихий, реал фактларга, ҳодисаларга қаттиқ ёпишиб олиб, улардан чиқиб кета олмайдилар. Айрим санъаткорлар эса тарихга, воқеликка суянган ҳолда кенг типиклаштиришга, фантазиядан кўпроқ фойдаланишга уринадилар. Атоқли адиб Константин Фединдан трилогияда («Илк қувончлар», «Ажойиб ёз» ва «Гулҳан») тарихий ҳужжатлардан қандай фойдаланганини сўрашганда, у бу асарларда фақат икки фоизгина тарихий ҳужжатларга асосланганини, қолгани бадий фантазия, тўқима маҳсули эканини таъкидлаган. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг асосий гап — акс эттирилмаган даврни, воқеа-ҳодисани бузмасдан, ҳақиқатга яқинлаштириб, ҳаққоний манзарани бера олишдадир. «Оловли йўллар» телефильмининг ижодкорлари ҳам адабиётимизнинг бу асосий ҳуқуқидан фойдаландилар ва социалистик инқилоб арафаси ва ундан кейинги даврнинг асл моҳиятини ифодалашга муваффақ бўлдилар. Фильмда халқнинг босиб ўтган йўли, оғир ҳаёт, озодлик учун кураши ҳаққоний акс этган. Бу курашда ўзбек халқининг улкан зиёлиси ва революционери, оташқалб шоири Ҳамза ёрқин ва кенг кўламда кўринади, ранг-баранг фаолияти ва ҳаётининг турли қирралари намоён бўлади. Тўғри, фильмдаги баъзи эпизодлар, яъни Ҳамзанинг Робиндранат Тагор билан учрашуви, чет эллардаги инқилобий ишлари ва шунга ўхшаш айрим ҳаракатлари тарихдан маълум эмас. Лекин булар Ҳамза фаолиятининг моҳияти ва руҳиятига зид ҳам эмас. Телефильмда акс эттирилган кўп ҳодисалар, бош қаҳрамон амалга оширган қатор ишлар реал Ҳамзанинг моҳиятига монанд тушади. Лекин шунга ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўша давр учун, баъзи қаҳрамонларнинг моҳиятига мос тушмайдиган талайгина эпизодлар ҳам борки, буларни муаллифлар четлаб ўтиши лозим эди. Масалан, руҳонийнинг рус жарроҳига операция қилдириши, ҳомиладор рус аёлини ҳақорат қилиб, уришлари каби ҳодисалар. Бадий асарга, унинг баъзи камчиликлари эмас, балки умумий савияси ва сифати, масалани қандай ҳал қилганлиги, яратилган характерлари қай даражада эканлигига қараб баҳо бериш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Оловли йўллар» жиддий ижодий баҳога сазовордир.

Комил Яшин — кўп қиррали санъаткор. У атоқли драматург ва истеъдодли сценарист, шоир, адабиётшунос ва театршунос, отақин публицист ва актив жамоат арбобидир. Адиб йигирма икки йил давомида Ўзбекистон Ёзувчилар союзига раҳбарлик қилди ва ўзбек совет адабиётининг ривожланиши, Бутуниттифоқ миқёсига чиқиши учун ўз ижоди ва самарали ташкилотчилик фаолияти билан салмоқли ҳисса қўшди.

Ёзувчилар союзида яхши адабий муҳит яратилгани, қаламкашларни ижодга тўла йўналтирилгани, уларга етарлича ғамхўрлик қилиб турилгани оқибатида шу даврларда талай пухта асарлар яратилди ва ўзбек адабиётининг донги ортди. Шу сабабдан ҳам «Правда» газетасида республика ёзувчилар союзининг фаолияти ижобий баҳоланди ва ижодий тажрибалари намуна сифатида СССР ёзувчилар союзининг пленумида муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Яшин мамлакатимиз ҳаётида юз берган улғў ўзгаришлардан илҳомланиб ёзган барча асарлари орқали совет тузуми ва социалистик ҳаётнинг улғўворлигини зўр пафос билан куйлади, айна замонда мудҳиш эски тузумнинг жирканч томонларини аёвсиз фош қилди, тараққиётимизга халақат берадиган чиркин сарқитларга қарши ўт очди. Санъаткорнинг юксак партиявийлик ва халқчиллик, ғоявийлик билан суғорилган драмалари давр синовидан ўтиб, зўр тарбиявий аҳамияти ва қимматини йўқотмай келмоқда.

Яшин асарларидаги ҳаётийликни таъминлаган асосий нарса коммунистик ғоя, совет воқелигидир. Ленинча партиявийлик принципига амал қилган адиб ўз ижодининг дастлабки кунларидан бошлаб ёш ўзбек совет адабиётининг ғоявийлиги ва партиявийлиги учун зўр бериб курашди, бу соҳада намуна кўрсатди. Социалистик реализм методи қудрати ва улғўворлигини исботловчи бу жанговор асарлари ўзбек совет адабиёти ва театри ғоявий позицияларини мустаҳкамлашда алоҳида роль ўйнади. Атоқли санъаткорнинг бой ижодий лабораторияси ёш драматурглар учун катта мактабдир.

Яшин ижоди қардош халқлар адабиёти ва санъатининг ривожланишига ҳам маълум таъсир кўрсатди. Унинг қатор пьесалари тожик, қозоқ, туркман, қирғиз ва бошқа халқлар сахнасида қўйилди ва муносиб баҳоланди.

КПСС XXVI съезди ҳамда партия пленумларида белгилаб берилган қарорларини амалга ошириш йўлида зўр матонат кўрсатаётган совет халқининг қаҳрамонлигидан илҳомланган атоқли санъаткор янги асарлар яратиш иштиёқида самарали меҳнат қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Мурод Муҳаммад Дўст

БЕЗАВОЛ ДУНЁ

Зулфия опа билан уч соат гаплашдик. Шу вақт ичида беш-олти жойдан сим қоқишди. Зулфия опа мени аяди чоғи, кейинроқ ўзим кўнғироқ қиламан, деб жавоб қайтарди. Кейин кўнғироқ қилари ҳам аниқ. Ҳали у одамлар билан гаплашишга ҳам қанча вақти кетади.

Зулфия опага Қаҳрамон унвони берилганидан кейин олинган телеграмма ва хатларнинг сон-саноғи йўқ. Келди-кетди ҳам шунга яраша.

У қачон шеър ёзишга улгуради?

Боягина гап орасида, кўнглимда анча нарса йиғилиб қолган, ҳозир стол ёнига ўтирсам — ҳозироқ шеър ёзадиган шаштим бор, деб айтди. Айтдию тарзимга қараб, хижолат чеккандай бўлди. Кўрдик, қоғоз-қалам олиб, шайланиб ўтирибман, осонликча қутулмоқнинг чораси йўқ. Умрининг ярмини журнал ишига бахш этган киши эмасми, аҳволимни тушуниб жилмайди.

Аслини олганда, суҳбатимиз кеча бошланди. Кечқурун ишдан қайтиб, Зулфия опага телефон қилдим. Журналнинг топшириғи шу, деб мақсадимни айтдим.

— Суҳбатлашиш жудаям шартми? — деди Зулфия опа салгина малол билан.

Сездимки, вақтини қизғаняпти. Тўзукроқ бир баҳона ахтариб турувдим, ёнимга қизчам келиб хархаша қила бошлади. Бир қўлимда трубка, униси билан болани аппаратдан нари сураётганимда, ҳозиргига оғрингандай бўлиб турган Опа фавқуллодда меҳр билан сўради:

— Овозидан қиз болага ўхшатдим, қизчами?

— Ҳа, қизча. Узр, Зулфия опа, ҳозир опкетишади.

— Ёши нечада?

— Иккига қиряпти.

— Умри билан берган бўлсин. Майли, индаманг, гапираверсин, бола овозини эшитсам, жоним киради... Майли, ука, эртага ўн иккиларда келинг, бемалол суҳбатлашамиз.

— Қандай бўларкин?..

— «Қандай-пандайи» йўқ. Албатта келинг.

Хуллас, боланинг шарофати билан учрашдик. Бугун ҳам, эшикдан киришим билан:

— Қизчангиз соғми, совқотмаяптими? — деб сўради. Сўнг елкасига ташлаб олган рўмолига ишора қилди: — Илгари совуқни писанд қилмасдим, бу йилгиси билинди...

— Киш ўзи қаттиқ келди-да, Зулфия опа.

— Бунинг отини лутф дейдилар чоғи!.. — деди Опа. — Юпатмай қўяқолинг, мен ёшини яширадиган пайдан ўтганман... Менга қаранг, ука, кеча тагин, кўнглим бўшлигини билиб, атай болани ишга солган бўлманг?

— Йўғ-э, Зулфия опа, ўзи хархаша қилиб келди.

Ростакамига хижил тортдим шекилли, Опа кулди:

— Ҳазиллашдим. Бола зоти сезгир бўлади. Улар бекорга хархаша қилмайди. Чамаси, қизчангиз ҳам отаси мен билан гаплашмаса бўлмаслигини сезган. Хўш, гаплашамизми? Қани, аввал хонага кирайлик...

Шу билан орадаги расмият йўқолди (гапнинг рости, мен шу пайтгача Опадан ҳайқиқиброқ юраддим). Хонага кирдик. Опа яна бир бор ҳол-аҳвол сўради, сўнг ўзидан гапирди:

— Иш озаярмиди дейсиз... Чала қолган нарсалар бор, шуларни сарагу пучак

қиялпан, бу ёғи янги шеърлар, таржималар... Чили шоираси Габриэла Мистралнинг бир неча шеърини ўзбекчага ағдардим.

Мен Мистраль шеърларини сал-пал ўқиганман, лекин Опа айтиб берган гаплардан мутлақо беҳабар эканман.

— Катта шоира, афсуски, шундай беназир аёл тирноққа зор бўлиб ўтган, — деди у маъюсланиб. — Тирноқсиз бўла туриб, фарзанд ва оналик ҳақида шундай сўзлар битганки... нақ юракка бориб тегади. Туйғулари шу қадар рост, шу қадар аниқ. Ҳайратимни сизга қандай тушунтирсам бўларкин!.. Мана, мен ҳам шоираман, лекин мен фарзанд ўстириб, оналик туйғусига тўйиб шеърлар ёзганман. Мистралнинг «Аллалари»ни синчиклаб ўқидим, синчиклаб таржима қилдим, қарасам, шоира тасвир этган Она туйғусида бирорта кемтик жой йўқ экан. Армон билан тасаввур бирлашиб, шоиранинг қўлларига чақалоқ залворини бергандай!.. Шеърят шундай бир зўр, мўъжиза эканки, кўнгилнинг асло нур кўрмаган қоронғи қатламларини ҳам ёритиб юборибди!

У ҳаяжонланди. Буни яшириш учун бўлса керак, секин ва жўн гапирди:

— Шеърларнинг бир қисмини журналга бердим. Ўқиб кўрарсиз.

Дастурхон ёзилди. Чой-нон келди. Пайтдан фойдаланиб, хонага тузукроқ кўз югуртирдим. Стол-стул, чоғроқ бир диван, ўнг тарафда одмироқ «стенка». Чаптаги девор юзаси бўш. Унда фақатгина Ҳамид Олимжоннинг сурати бор.

— Таржимаи ҳолимни биласиз, — деди Опа чой қуя туриб. — Кўп қарра қайтарилган. Бир ўғлим, бир қизим бор, улардан саккиз неварам... Онадан меҳр, фарзанддан оқибат, дейдилар. Мен болаларимдан розиман. Ўғлим ҳам, қизим ҳам инсофли одамлар бўлиб етишди. Эл орасида эътиборлари бор. Отасидан ёки мендан қарзга олинган эътибор эмас, ўзлариники... Шунисига хурсандман. Энди, мана, ўғлим отасининг чироғини ёқиб ўтирибди. Унга, шарт-шароити зўр, марказга яқинроқ, деб; бошқа жойдан уй ҳам беришди, лекин Омон кўнмади, қайтага, жаҳли чиқди, мрамар лавҳани қўлтиққа қисиб кетавераманми, деб айтди!.. — Зулфия опанинг овозида фахр сезилди. — Ҳулқарни биласиз, университетда ишлайди..

— Биламан, Ҳулқар опа мендан имтиҳон олган.

— Ҳафа қилгани йўқми, ишқилиб? — дея ташвишланиб сўради Зулфия опа.

— Йўғ-э...

— Хуллас, болаларим яхши. Энди, шуларки яхши бўлмаса, тақдир менга нисбатан нотантилик қилган бўларди!..

Зулфия опанинг овози бирдан ҳазин тортди. Мен ҳам сал маъюсландим. Ҳамид Олимжоннинг девордаги суратига қараб ўйладимки, агар у шоир бўлмаганида, балки Зулфия опага осонроқ бўлармиди... Мана, қирқ йилдири, Зулфия опа унинг сўзларини ўқийди, ўқиш ҳам гапми, рўй-рост эшитиб, ҳис этиб туради.

Баъзи бир донишманд дўстларимиз: «Зулфия ҳижронни енгди», деб ёзишади. Зулфия тош эмаски, енгса... Агар у ҳижронни енгса, биз билган Зулфия бўлолмас эди. Аксинча айтсак, жўн қилиб айтсак тузукроқ чиқаркан: ҳижрон Зулфияни енголмади.

Зулфия ҳижрондан изтироб чекди, лекин дод солгани йўқ. Изтиробини писанда қилгани йўқ. Неки бўлса, ўзи билди, тишини тишига босди, кўнглида сақлади. Агар ҳижрон дарди юрагидан шеър бўлиб чиқиб кетган бўлса, бунга Зулфия айбдор эмас. Бизга муҳими шуки, ҳижрон унинг кўнглида оддий бир айрилиқ ҳолатида қолмади, балки юксалди, юксалгани баробар шеърятга айланди.

Зулфия опа ҳақида кўп яхши гаплар айтилган. Менга энг маъқул тушгани — Асқад Мухторнинг сўзлари. Асқад ака айтганки, Зулфия туйғуларни бировдан насяга олмайди, ҳижрон десак ҳижронни, муҳаббатни десак муҳаббатни... барини армонсиз туйди, бариси ўзининг бисотидан...

Қолаверса, шоиранинг ўзи ҳам бир шеърда айтиб ўтган:

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Сўйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Қўйдим,
Иzzат нима — билдим,
Шу-да бир яшаш!

Бу — шоира шахсининг энг субъектив кўриниши, Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, самимият ва ошқоралиқнинг энг охири нуқтаси. Лекин шу содда иқронни айтмоқ учун қандай катта матонат керак! Биз кечинмаларимизни ҳам пардозлашга ўрганиб қолганмиз, ахир!

Зулфия опа пардозни ёмон кўради. Унинг ҳамма шеърлари бежоғсиз, рўй-рост айтилган шеърлар.

Зулфия опа «бир яшаш» деб айтибди. Лекин бу айни шеърдаги бир яшаш. Ҳамма гап шундаки, ҳақиқий шоир ҳар бир шеърда бир яшайди, шеърлар сони баробар яшашлар ҳам ортиб бораверади. Ҳолатлар ўзгаради, туйғулар ўзгаради, шоир шахси бойийди.

Зулфия опанинг энг ажойиб хислати — ҳар хил бўла олиши. Гап бир гал қувноқ, бир гал маъюс, бир гал сершафқат ва яна бир гал ғазабноқ бўлишда эмас, балки ўзгаларнинг дилини уқишда, ўта шахсий мотивларда ҳам ўзгаларнинг дардларига эш бўла олишда. Мен айни суҳбатда замонанинг йирик фалсафий мавзуларида қалам тэбратган шоиранинг аёллиги ва оналигига атай урғу беряпман. Бу нарса бошқаларга, эҳтимолки, шоиранинг ўзига ҳам сал жузъийроқ камров бўлиб туюлиши мумкин. Аммо мен ўз йўлимда собит қоламан, негаки, «Зулфиягача ўзбек аёлларидан ҳеч ким халқ ҳаётига, ижтимоий борлиққа, инсоний, сиёсий, тарихий ҳодисалар ичига бунчалик чуқур кириб бормаган эди. Шу сабабдан ҳам Зулфиянинг қаҳрамони ижтимоий эркинликка чиққан шарқ хотин-қизларининг тимсол-образи сифатида қабул қилинади» (Иброҳим Ғафуров).

— Шеърят армондан туғилади, — дейди Зулфия опа. — Унга ҳеч қачон тўёлмайсан, чанқоғи бир умрлик... Умрингни бахш этасан, э, ками қолмади-ку, деб ўйлайдиган пайтларинг ҳам бўлади, лекин бир маҳал қарабсанки, у яна измига оляпти. Боя айтганимдай: армондан туғиларкану яна армон бўлиб қоларкан. Ёшликда ҳаяжонинг зўр бўлади, кучинг ҳам шунга яраша. Кейин ҳам ҳаяжон сусаймайди, лекин юрак фириб беради. Яна ўша армон: ёшликда кўпроқ, яхшироқ ёзсам бўларкан, деб ўйлайсан... Хабарингиз бор, кейинги пайтлар уйимиз жуда гавжум бўлди. Дўсту ёрлар келиб табриклашди, ҳали жуда ёш кўринасиз, ҳали кўп йиллар яшасиз, деб тилак билдиришди. Бир хил саҳийлари эса, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас — роппа-роса бир аср ваъда қилишди!..

Зулфия опа беозор кулди. Шунда у яшариб кетганини пайқадим. Ўзим ҳам бирор юз йил умр тиламоққа чоғландим, лекин Опа ҳафсаламни пир қилди:

— Мени юпатиш шарт эмас, ука. Тағин, Зулфия опа жуда умидсиз экан-ку, деб ўйламанг, умидим кўп ҳали. Лекин, барибир, менинг ёшимдаги одам реалистроқ бўлгани маъқул. Ишга чанқоқлик ҳам шундан. Уйлаб кўрсам, анча вақтим бекор кетгандай... Дунё кезган яхши, бошқа элу элатларни кўрасан, ўзингга, элингга қиёс ахтарасан, хуллас, фойдали жиҳатлари кўп... Лекин, бир мамлакатга бир марта борган тузук экан. Мен нима қилдим? Ҳиндистонга бирор олти-етти марта бордим, Японияга ҳам деярли шунча, бошқаларига... Албатта, бекорчиликдан эмас, иш билан.

Саёҳатномалар, нари борса, шоирнинг таржимаи ҳолидаги факт сифатида яроқли бўлмоғи мумкин, лекин шеърят даражасига кўтарилиши жуда қийин. Ҳақиқий шеърят киндик қонинг тўкилган тупроқдан ўсиб чиқади. Худди дарахтга ўхшаб... Дунёда иккита интернационалчи бўлса, ўшанинг бири — мен. Лекин бегона юртларда кўнглим роҳат топмади, шеърим жонланмади. Мусофирликда шеър ёзмоққа уриниб, неча бор қалам синдирган пайтларим бўлди. Биргина тузукроқ сатрга кучим етмай, соб бўпсан-да, Зулфия, деб йиғлаган пайтларим бўлди. Сўнграқ англасамки, юртни соғинган эканман, боғ-роғларини, даладашларини, воҳога тоғларини... Топинг-чи, мен узоқ юртларда яна нимани соғинганимни? Тополмайси. Жийда билан мажнунтолни соғиндим. Атай шуни эслайман. Биламанки, сиз ёшлар жийдаю мажнунтолни мазах қиласизлар. Сиз учун улар — сийқалик муҳри. Лекин меҳри ўшаларга тушган мен бечора не қилай? Айб мажнунтолда эмас, тасаввурнинг сийқалигида. Ана, Миртемир ака кексайган пайти мажнунтолни қандай сўзлатди!..

Мавзу ўз-ўзидан ёшларга қараб оғди. Миртемирнинг номи тилга олинган жойда ўзи шунақа бўлади чоғи. Устознинг ёш-яланг қуршовида «бўтам», «бўтам» деб туришларини эсладик.

— Ёшларни авайлаш — бизнинг бурчимиз, — деди Зулфия опа. — Бу бобда Миртемир акадан ўрнак олса арзийди. Каттаю кичикка баробар одам эди, кўнгли кенг, гинаю кудуратни билмайдиган... Ёшлар билан гаплашганда доимо Саида Зуннуновани эслайман. Жуда фозила аёл эди, яхши шоира, яхши ҳикоянавис, дили гўзал, афсуски, жуда қисқа умр кўрди. Саидахон бир куни келиб айтдики, ёшимиз ҳам ўтиб қоляпти, бу ёғига мардроқ бўлайлик, ёшларни тан ола билайлик, деб... Авлодлар бир-бирларини тан олишмас экан, ўртада ёмон узилиш бўлади, адабиёт жабрини тортади. Адолат меваси турфа хил, лекин бирдай сара, жаҳолатдан эса нуқул жаҳолат урчийди. Саидахон айтганидек, мардроқ бўлсангиз, ўзгаларни тан олиб, уларга яқинлаша билсангиз... яшариб кетаркансиз! Лекин сиз ёшлар ҳам айбдан холи эмассиз, ортиқча тортинчоқликданми ёки бошқа сабаби борми, ҳадеганда дил ёришлар йўқ...

— Балки ортиқча худбинликдандир? Бизда андак кеккайиш бордай, Зулфия опа.

— Кеккайиш эмас, ёшликнинг ҳавоси денг... Айрим талантли ёшларнинг



Т. Қайпбергенов, И. Абашидзе, Зулфия, Мустай Карим.

ўзлари билан овора бўлиб, жамоатдан йироқроқ юришлари мени ташвишга солади. Агарда ёшлар ўзларини четга тортиб юраверса, биз катта авлод уларнинг кўнглидагини қайдан биламиз?

— Ёшлар сиздан ётсирамайди чоғи? Шогирдларингиз кўп-ку?

— Кўп деб айтолмайман. Кўплаб ёшлар маслаҳат сўраб келишлари тўғри, лекин бировни тўғридан-тўғри «шогирдим» деб аташ ўнғайсиз бўларкан. Ҳаддим сиғмайди, ука. Хуллас, шогирдларим эмас, мен шеърларини ёқтирадиган укаларим ва сингилларим бор. Ана шуларнинг сони кўп, деб мақтансам арзийди. Қирқ биринчи йилдан бошлаб роса тўққиз йил нашриётда ишладим, эллингинчи йилдан то бугунга қадар, роса ўттиз йилдирки журналга муҳаррирман. Хизмат юзасидан ҳам кўп ёшларнинг ижоди билан танишман.

— Эсингизда қолганлари кимлар?

— Ҳаммаси эсимда турибди. Ҳайрату ҳавасимни қўзғаганларини сўрасангиз, бошқа гап...

— Майли, ўшалардан гапиринг.

— Узини тутиб олганларини қўйиб, энг ёш бўғиндан гапира қолай. Кейинги пайтларда Фароғат Камолова билан Қутлибека Раҳимбоеваларнинг шеърларини ёқтирдим. Қутлибека билан танишувимиз ҳам қизиқ бўлди. Редакцияга келсам, қабулхонада кутиб ўтирган экан. Кабинетга кирди, қўлимга шеърларини берди. Бошқалар шеър келтирганда дудуқланиб, ўзларини йўқотиб қўйишади, энди, бу қурмагур дудуқланса қани! Пишиққина экан, миқ этмай ўтирибди — юзида на бир ҳайиқиш, на бир ҳаяжон. Шеърларини ўқиб кўрсам, шеърлари ҳам пишиққина. Энди, мана, бир-ийки китобча чиқарди, нимага қодир эканини ўзингиз ҳам кўриб турибсиз.

— Бир-икки китоб ҳеч гапмас, кейин сусайиб кетмасмикин?

— Йўқ, бу сусаймайди. Зуваласи пишиқ, деб айтдим-ку. Лекин умуман жон бордай гапингизда. Бир-икки ёш шоираларга тилак тилаб, кейин уялиб қолган пайтларим ҳам бўлди. Қисқароқ ўйлаган эканман. Қўлимдаги бир даста яхшигина шеърларига учибман-ука. Шунақаси ҳам бўлади: ёш шоира битта яхши туркум билан тилга тушадию доза вақт сарсон бўлиб юради, кўп ёзади, кўп чиқаради, лекин ўша бир туркум яхши шеърларидан юксакроққа чиқолмайди.

— Энди, шоираларга қийинроқ, Зулфия опа, рўзгор, бола-чақа, қозон-товоқ...

— Бекор гап! Юрагида ўти бўлса, ҳаммасини эплайди. Ана, Ҳалимадан, Гулчехралардан суриштириб кўринг-чи, бир ўзлари нечта жоннинг иссиқ-совуғидан хабардор эканлар? Лекин ёзадилар-ку, яна қандай ёзадилар!..

— Барибир қийин, Зулфия опа...

— Йўқ, ука. Мен бу ёқда қолиб, шоираларнинг тарафини сиз олганингиз қизиқ бўлдию... Сизга қолса, шоираларимиз кўллларини совуқ сувга урмаса, шундайми? Унда аёллиги қайда қолади? Эсдан чиқармангки, улар биринчи навбатда аёл — болаларга она, эрга хотин, қайногага қайнонага келин... Шеърга ҳам унинг аёллиги керак. Шарт-шароит, имконияту кўникмалар маъносида олсак, эҳтимолки, эркак кишининг аҳволи сал осонроқдир. Лекин модомики аёл киши



Зулфия ва Чингиз Айтматов

ният билан қўлга қалам тутибдими, ранжига ҳам чидасин. Шеър деганимиз — жасорат асли. Баски, қўлга қалам ушлаган аёлдан бир эмас, икки ҳисса жасорат талаб қилинади. Шоираларимиз шуни эсдан чиқармасликлари керак. Агар яна ёшларга қайтадиган бўлсак, биттагина ўғитим бор. Минг бора қайтарилган ўғит. Лекин ҳамон эскиргани йўқ. Айтмоқчиманки, ёшликда кўпроқ ёзиб қолинглар, токи кейин бу завқу шавқни излаб сарсону саргардон бўлмагайсиз... Эҳтимол, бугун туйғулар қоғозга сал хомроқ бўлиб тушар, лекин умр бир кунлик эмас, кейинчалик, тажрибаю билим кўпайганда... қайта пешлаш мумкин-ку? Ўзимнинг ёшлигимга келсак, энг катта армоним — проза ёзмаганим. Эллингичи йилда Турсуной Каримова ҳақида битта очерким чиққани, кейин бошқа уринмадим. Ҳозир энди алам қилади, асли ёзсам бўларкан, шеърни сал-пал эплайдиганга ўхшайман, балки прозада ҳам...

— Балки эсдаликлар ёзарсиз?

— Қийиндир-ов.

— Дунё кўрган одамсиз, кўп нарса биласиз...

— Кўнглимга қараяпсиз-да, ука. Йўқ, бировники бировга юқмайди, татимайди.

Халқ шоири, Давлат мукофотларининг лауреати, ЎзССР Олий Совети депутати, ярим миллиондан зиёд нусхада чиқадиған нуфузли журналнинг бош редактори... Опанинг халқаро миқёсдаги обрўси ҳам чакки эмас: Неру мукофоти, «Нилуфар» мукофоти. Мана, яқинда мамлакатимизнинг энг юксак унвони ва энг юксак нишони билан тақдирланди...

— Сиз менинг устозларимни унутиб қўйяпсиз, ука, — деди Зулфия опа жиддий тортиб. — Халқ озми-кўп хизматимни тақдирлаган пайтларда энг аввало ўшаларни ёдга оламан. Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода... Ҳар бири — битта олам.

— Камтарлик қияпсиз, Зулфия опа, ҳар бир санъаткор ўз салафларидан қарздор...

— Сиз уларнинг қандай салафлар эканини билмайсиз-да, ука, бўлмаса, бундай гапирмас эдингиз, — деди Зулфия опа менга ачингандай. — Беназир инсонлар эди улар. Шайх ака келаётганини бир чақиримдан сезиб турардингиз, «ўзларидан сўрасак?...» деб келаварарди. Ёнида ёш-яланг, талабаю камхаржроқ ёш шоирлар. Қўли очик одам эди Шайх ака, ҳеч ким унинг илтифотидан оғринмасди. Еки Фафур Фуломни олинг... Шўх, аскияга ўч, мисоли гулдирақдай... Юрса, кўчани тўлдириб юради! Лекин сиз шундай сершовқин одамнинг она мисоли мунис тортиб қолишини асло кўрмагансиз. Мен кўрганман, ука. Қирқ бешинчи йил эди. Бошимга мусибат тушган дамлар, баъзида дардимни қоғозга тўкаман, бировга кўрсатиш хаёлимда ҳам йўқ... Лекин нима бўлдию кўнглимга ожизлик тушиб, янги ёзган бир шеъримни Фафур акага ўқиб бердим. «Баҳор келди сени сўроқлаб...» Уқиганим ўша шеър эди. Фафур ака жим ўтириб тинглади. Кейин ҳам



Зулфия чет эл прогрессив адиблари билан бирга.

узоқ тек ўтирди. Ниҳоят, тилга кирди: «Сен энди бунақа шеър ёзма!» Нега деб сўраёлмадим. Ўзи изоҳ берди: «Бошқа ёзма, ўзингда қасдинг борми, адои тамом бўласан-ку!..» Устоз мени аяди, мисоли отамдай, мисоли онамдай... Меҳрини сезиб, кўзларимга ёш келди. Ёзмайман, деб ваъда бердим, лекин... ёзмасдан бўларканми? Кейинроқ Ғафур ака мени бошқа жиҳатдан ҳам аяганини англаб етдим. Уша ёзган шеърларим анча ҳазин эди. «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри эллик саккизинчи йилда чиққанидан билаверинг. Лекин яна такрор айтаман, бошда бу шеърлар матбуотга аталмаган эди. Эҳтимол, уларни йўқотиб ҳам юборардим, лекин Абдулла Қаҳҳорнинг бир оғиз далдаси билан сақлаб қолдим. Абдулла ака жуда зийрак эди, менинг ҳолатимни пайқаган шекилли, бир куни Ғафур аканинг гапининг бутунлай тескарисини айтиб қолди: «Сиз ёзаверинг, Зулфиябону... Аччиқ бўлса-да, шу дамлар ҳам ғанимат, мени айтди дерсиз, кейин бу ёнишларни тополмайсиз!..»

Шў жойга келганда одобсизлик қилиб, Зулфия опанинг ҳикоясини бўлдим:

— Менимча, Абдулла Қаҳҳор ҳақ.

— Янглишяпсиз, ука. Устозларнинг иккови ҳам ҳақ эди. Ғафур Ғулом раҳмдиллиги билан, Абдулла ака... чўрткесарлиги билан. Улар икковининг ҳам нияти яхши эди. Ғафур аканинг сезгирлигини ўшанда пайқаганман... Бир куни мажлисга чақириб қолишди. Устимдаги қорани ечганим йўқ, бориб бир чеккада ўтирдим. Минбардаги нотиқ мени танқид қилаётган экан... Қулоғимга чалингани «салонная поэтесса» деган икки сўз бўлди. Маъносига ҳеч тушунолмаيمان, шу пайтгача эшитмаган эканман денг... Ахийри, бошқалардан сўраб билдим. Тор давранинг куйчиси, дегани экан. Ҳангу манг бўлиб ўтиравердим... Хайриятки, танқид газак олиб кетмади. Степан Шчипачев бошлиқ комиссия келиб текширди. Айбим йўқ экан чоғи, ўша минбардан «урилган» шеъримни Маргарита Алигер русчага ўгириб, Москвада чиқарди... Пайти келиб, лирикага муносабат анча илқлашди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Энди, шеър юракдан тошиб чиққандан кейин... мунг ҳам, қўвонч ҳам бўлади-да, бирини маҳкам тутиб олиб, сен қол, иккинчисига, сен чиқ, сен танқидчига ёқмайсан, деб айтолмайсан-ку. Энг юксак ақидалар ҳам юракдан ўтса, юракдаги мунг ёки қўвончга айлансагина ўзгаларга юқади. Беҳис айтилган тўғри сўзнинг ёлғондан фарқи кам. Айниқса шеърятда. Туйғуларнинг ростлиги, мана, сизга асосий мезон. Классикаризмизнинг ардоқли экани ҳам асли шундан. Уларни билганимдан, ҳамсухбату ҳамтуз бўлганимдан бахтиёрман. Боя айтганимдай, беъазир кишилар эди... Бир куни Ойбек ака, у кишининг рафиқалари Зарифа опа ва мен — учовимиз сафарга отландик. Ойбек ака хасталиқдан сал ўнганган пайти эди, кўнгли юрт кезишни қўмсаган экан. У киши қийналиб-қийналиб гапирарди. Дилидаги узун-узун сўзларини битта сўзга жойларди. Ушанда Зарафшон соҳилига бориб кўндик. Ойбек ака дарёга энгашиб, ҳовучида сув олди. Хасталик асорати... қўллари титраб, бармоқлари орасидан сув тўкилиб кетаверди. Кўнглим бир хил бўлиб кетди. Устоз яна бир жаҳд қилиб, ҳовучини яна тўлдирди, ичди. Кейин менга қараб, нечукдир ҳаяжон билан:

«Ичинг!..» деди. Ҳовучимни сувга тўлдирдим. Ичарканман, хаёлимда бир фикр чақмоқдай чақилди: «Мен ҳам устоз ичган дарёдан сув ичяпман!» Ойбек ҳақидаги дostonим ўша кезде туғилган. Шунинг ўзиёқ менга мислсиз бахт бўлиб туюлади, ука. Сиз обрў-эътибор, шуҳратнинг залвори ҳақида гапиряпсиз, агар улуғ устозларимнинг хизматларини эсласам, ўзимнинг юким анча енгиллашганини сезаман...

Зулфия опанинг гапларига инондим.

— Илтимос, мен ҳақимда кўп ёзиб ўтирманг, — деб илтимос қилди Зулфия опа.

— Кўлимдан келганича... Энди журналхонларга бирор истак айтсангиз, опа.

— Истагим шуки, замонамиз тинч бўлсин, — деди Зулфия опа. — Илгари ўз жонини ўйлаган кимсаларни «худбин» деб танқид қилардик. Бугун келиб аҳвол ўзгарди. Уруш хавфи кучайган айни пайтда бир кимсанинг жони бутун башари-ятнинг жони билан эш бўлиб қолди. Кўча-кўйда қувнаб юрган болаларни кўриб ўйга толаман. Улар биз билган хавф-хатардан тамом беҳабар. Истардимки, улардан кейин келадиган юзлаб-минглаб авлод болалари ҳам уруш нелигидан беҳабар ўтсинлар. «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» деган шеъримни эллик тўртинчи йилда ёзувдим. У пайтлар атом бомбани эшитганмиз, лекин даҳшатини тузукроқ ўйламаган эканмиз. Менинг тасавуриmdаги уруш милтиғу тўпники, нари борса, самолётларники эди... Энди қийин, энди хатар минг, миллион баробар ошди.

— Сизга осонроқ, ука, — деди Зулфия опа. — Чеварали бўлганимдан бери, бошимда — уч авлоднинг ташвиши. Ўзимни ҳисобга қўшмаяпман, лекин; билсангиз, ўзимнинг ҳам яшагим келади. Умуман, тинчлик туйғуси аёл зотининг кўнглида туғма бўларкан.

Деярли ҳар кеч телевизорда кўрсатишади: инглиз аёллари чодир тикиб, Америка ҳарбий базасини кечаю кундуз ўраб туришар экан. Одатда сиёсатга кўп аралашмайдиган аёлларнинг кейинги пайтларда активлашганини пайқагандирсиз? Шуни кўриб ўйладимки, дунё асло завоп топмайди. Лекин уни эркаклар эмас, аёллар ҳалокатдан сақлаб қолади, чунки улар урушдан кўпроқ кўрқади ва кўрққанларини яшириб ўтирмайди. Сўнги англаган ҳақиқатим шу...

Зулфия опа билан хайрлашиб, ўйга қайтиб, қўлимга унинг китобини олиб билдимки, у тагин камтарлик қилибди. Уша ҳақиқатни у бугун эмас, бундан роса ўттиз йил олдинроқ айтиб қўйган экан:

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она халки оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш.

Қадрли Зулфия!

Сизни юксак унвон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганингиз муносабати билан самимий табриклайман!

Истеъдодингизнинг баҳор ҳавосидек мусаффолиги, ҳис-туйғуларнинг нафис ифодаси, чин инсоний ва яна кўплаб гўзал хусусиятлари менга доим мўъжиза бўлиб туюлади, ҳайратга солади. Шеърятингизнинг ана шу мўъжизакор қудрати мамлакатимизнинг бутун меҳнат аҳли қалбидан ҳам мустаҳкам ўрин олганига ишончим комил...

Сизга сихат-саломатлик, ижодий ишларингизга муваффақият тилайман!

Николай ГРИБАЧЕВ

УСТОЗ БИЛАН СУХБАТ

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасида Зулфиянинг поэтик маҳорати мавзусида илмий иш бошладим. Уч, тўрт ой гаранг юрдим. Опанинг чуқур туйғу ва фикрга бой, лирик шеърларини таҳлил қилиш осон эмас эди.

Шоира ва унинг ижоди ҳақида ким қаерда нима ёзган бўлса толиб ўқидим. Орадан бир неча йил ўтди. Сидқидил ҳурмат юзасидан авторефератимни тақдим қилгани журналга кирсам, Ҳиндистонда эканликларини айтишди. Ҳимоя йиғинига опанинг қизи Ҳулкар, куёви Омон келишди. Бошим кўкка етди.

Уч-тўрт кун ўтгач, сафардан қайтганларини эшитиб, миннатдорчилик изҳор қилгани яна журнал редакциясига кирдим. Опа яйраб-яшнаб кутиб олдилар. Неру мукофоти (Опа СССР Ёзувчилари орасида биринчилардан бўлиб бу мукофотга сазовор бўлган эдилар) лауреати бўлганлари билан табрикладим.

— Раҳмат. Мен эшитдим. Жуда яхши фикрлар айтишибди. Мен ҳам сизни табриклайман...

— Агар бемалол бўлса, диссертацияни бир ўқиб чиқсам... Ҳар ҳолда ўз ижоди ҳақида нималар дейилганини билгиси келади киши.

Уша кунгек келтирдим.

— Бирор ҳафтадан кейин оларсиз. Бўптими?

— Майли, бемалол.

Кўп ўтмай, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида Ҳиндистонга бориб келган ўзбек адаблари Зулфия, Туроб Тўла билан учрашув бўлди. Учрашув мароқли ўтди. Опа ўз таассуротларини ўртоқлашдилар, шеър ўқидилар. Қарсақдан зал оёққа қалқди. Опа ўзларига хос ажойиб бир тавозе ила таъзим қилдилар.

Учрашув тугагандан кейин коридорда турганимни кўриб, мен томон келдилар, қуюқ, астойдил сўрашиб, дарҳол суҳбатга киришиб кетдилар.

— Биласизми, ёзган ишингиз менга жуда-жуда ёқди. Шеърни анча яхши тушунар экансиз. Таҳлил услубингиз ҳам ёқди. Тилингиз анча ширин.

— Баъзи танқидий жойлариям бор эди...

— Ҳаммаси тўғри. Танқидларингиз ўринли. Лекин, биласизми, мени шоира сифатида тасдиқламоқчи бўпсиз. Аёллиги учун аёл қалбини билган, аёллиги учун аёлларга хос овоз билан ёзган, аёллар туйғусини яхши очган ва ҳоказо. Мен бунга қўшилмайман. Эрми, аёлми — дастлаб санъатқор бўлиши керак. Узингиз айтгандай, ҳар бир асарни — шеърми, ҳикоями, романми, — санъатқорнинг санъати нуқтаи назаридан қараш, ёндашиш керак. Аёл, ё эркак ёзганлигига қараб эмас.

Биз тўрдаги хоналардан бири олдида тўхтадик. Ҳамма ректор кабинетига кирди.

Иккимизгина қолиб суҳбатлашдик. Мен опанинг ҳар битта сўзини илиб олишга уринардим.

— Кейин ундоқ қила олган, бунга эриша олган, ёрита билган, ёза олган, дейсиз. Бу сўзлар тўла тасдиқ эмас. Ишонсангиз, шеърлар сизни ишонтирган бўлса, аниқ айтинг: эришган, ёритган, ёзган. Қалай? Баҳслашамизми?

— Йўқ. Албатта. Лекин шоира сифатида аёллар қалбини чуқур ҳис қилиб куйлаган, шунинг учун ҳам, асосий қаҳрамонлари аёл, қизлардир, деган тезис ўтказилган. Хатоми?

— Баҳслашамиз чоғи? Ҳар қандай фикр ишончли бўлсин. Қалбни, туйғунини ҳис қилиш, уни ёзувчи сифатида ёритиш жинсга боғлиқ эмас, яъни аёл, ё эркак ёзувчи бўлгани учунмас. Адабиётда аёл, қизлар туйғусини ўринлатиб берган адиблар кам эмас. Бир ўйлаб кўринг-а.

1973 йил, 25 октябрь кун опанинг Наманганга келганини эшитиб, обком боғига кириб бордим. Пахта сафарбарлиги билан Тошкентдан келган бошқа меҳмонлар ҳам область раҳбарлари ҳам эндигина чиқиб кетишган экан. Зулфия опа билан самимий кўришдик.

Юракдан ҳол сўрайдилар, ишимни, соғлигимни, ижодни суриштирадилар.

— Ҳозир Учқўрғонга бориб, ундан «Учқўрғон» совхозига ўтамыз. Кейин Янгиқўрғонга келамиз. — Бирдан кўтаринки оҳангда дедилар: — Биласизми, хато қилаётганимизни? Аввал Ҳамид Олимжонга бормай, Учқўрғонга кетяпмиз-да?! Лекин Ҳамид Олимжон этакда эмас, юқорида дейишгани учун рози бўлдим. Шоирнинг пойқадамидан ўтиб борарканмиз Учқўрғонга.

Йўлга чиқдик. Устларида юпқароқ оқиш пальто, бошларида мўжазгина рўмол.

— Ноқулай бўлмайдимизми? — пальтога, оёқдаги оқ туфлига қараб кулимсирайдилар. Ҳаво ланж. Ёмғир шивалаб уриб турибди.

— Бодроқ пахталарни, дала одамларини далада кўрмоқчийдим. Ёмғир ғайратни ҳам савалайди, одам руҳини ҳам. Айниқса терим пайтида...

...Бизни Учқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари кутиб олди. Мен ёмғир ёғиб, ишга, суръатга халал бераётганидан секретарь хижилдир, деб ўйлагандим. Опада ҳам шунақа фикр туғилган бўлса керак, сўрадилар:

— Қалай, ёмғир зарба бермаяптими?

— Йўқ, ўткинчи. — Кулиб жавоб қилди секретарь. — Яна жўнашиб кетади ҳаво.

Қисқа суҳбатдан сўнг «Учқўрғон» совхозига етиб бордик.

Чўлқувар раҳбар, совхоз директори бир даста гул билан пешвоз чиқди. Яна икки, уч киши бор эди.

Директор:

— Мактаб қурдик, опа, олти юз ўқувчига мўлжаллаб. Шундоқ ўртадаги бино. Машғу-

Ҳурматли дўстимиз Зулфия!

Болгария Езувчилар союзи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни юксак унвон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Шеърларингиз ўзининг самимийлиги, маънавий туйғуларга бойлиги сабабли бугун болгариялик минглаб мухлисларини топган ва топмоқда. Чунки уларда совет воқелиги, ўзида коммунистик идеалларни мужассам этган ҳар томонлама гўзал, ватанпарвар ва интернационалист совет кишиларининг етук қиёфаси ёрқин гавдалантирилади.

Болгариялик кўп сонли китобхонлар ва ҳамкасбларингиз номидан Сизга сихат-саломатлик, узоқ умр, ижоднинг машаққатли, лекин хайрли йўлида улкан муваффақиятлар тилайман!

Доимо соғ бўлинг!

Любомир ЛЕВЧЕВ,
Болгария Езувчилар Союзининг Раиси,
София

лотлар бошланди-ю, ҳали ном кўйилгани йўқ. Агар ном кўйиб берсангиз ажойиб иш бўларди, — деди.

Зулфия опанинг кўзлари чақнаб кетди. Дам ўтмаёқ:

— Ойдин бўлсин, — деди. — Ҳам марҳума Ойдин опа ҳурмати, хотираси, ҳам мактабингиз ўқувчиларининг йўли оқ бўлсин, ойдин, ундан ҳам равшан бўлсин. Лекин яна ўзларинг билинглар. Сўраганингиз учун айтдим.

Гоҳ-гоҳ савол бериб, адабиёт, шеърят, устозлар, Ҳамид Олимжон ҳақидаги тафсилотларни, таржимаи ҳолига доир нуқталарни билгим, фақат Зулфия опанинг ўзидан эшитгим келарди. Мавзу Ойдин опага кўчиб кетди.

Ойдин Собирова Зулфия опа қалбда бир умр ўчмас нур бўлиб қолган. Унинг адабиётга, ёш ва катталарга бир хил самимий муносабати ҳаманинг меҳрини оширган.

— Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, — ҳамма-ҳаммалари қаттиқ ҳурмат қилишарди. Бирорталари Ойдин опадан олдинга ўтишмас, кириб келсалар, дарҳол кўзгалиб кутиб олишар, у кишининг ҳар бир сўз ва маслаҳатларига қулоқ солишарди. Айниқса, қизларга, хусусан қўлига қалам тутишга ҳавасмандларга дили тўла меҳр билан боқардилар...

Мактаб биноси ёқди. Кираверишига қилинадиган гулзор, ажойиб йўлкалар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Опа ажиб бир виқор ичра эдилар. Буни сўзларидан, завқли боқишларидан, ёниқ чеҳраларидан сезиш мумкин эди.

Машинамиз дарахтлар билан қувлашмачоқ ўйнагандай учиб борарди. Асфальт ёмғирдан ивигани учун гилдиракнинг шилпиллагани эшитилиб турарди.

— Ҳамид Олимжон номли колхозга кириб боряпмиз, — дедим секин. Опа хаёлан банд эканлар шекилли, ўзларига келгандай қарадилар.

— Ҳа, ҳа, биламан. Бурунги йил баҳор пайтида келгандим. Худди «Бахтлар водийси»га ўхшайди. Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк... Анали тарвузларни қаранг. Соё тошидай дўмбоқ-дўмбоқ.

Опа атрофга ўйчан боқдилар. Чортоқнинг ястаниб ётган қирларидан жилғаларига, ўрикзорларига, пахтазорларига кўз ташлайдилар, нимадир демоқчи бўладилар-у, индамайдилар...

Эртаси яшанба кuni эди. Попга йўл олдик. Бу сафарда мен эшитмаган, менгинамас, кўпчилик китобхонларга ҳам номаълум би-

ографик маълумотлардан воқиф бўлдик. Аввал гап яна Ойдин опа хусусида кетди.

— Опани шунақа эъзозлардик, у киши бизни. Доим ёнларида олиб юрилари келарди. Бирор киши бежо қараса, ундан асрашга уринардилар. Биз, йили эсимда йўқ, Ҳамзаободга бордик. У ерда, Фарғонада шеърхонлик қилдик. Сўнг зиёфат беришди. Уйин, ашула, аския кетди. Мен ҳам бир-икки аралашганманми, ҳар ҳолда ёшман, бирор киши бундайроқ қараганми, Ойдин опа салпал туртиб, кўлимдан ушлаб олиб чиқиб кетдилар.

— Ойдин опага эргашиб ҳикоялар ҳам ёзганмисиз?

— Ёзганман. Лекин у ҳикоямасди, жўн бир нарса эди. Шунинг учун ҳам бирор тўпламга киритмаганман, бирор жойда номини ҳам тилга олмаганман. Ойдин опа мақола, ё очерк ёзишга ундардилар. Лекин қалбнинг буюрганини қил, дердилар. Шунинг учунми насрга ортиқ қўл урмадим. Аммо дилимни тортиб қолган воқелик, меҳнат кишиси ё мақола, ё шеър бўлиб ахир яратилади-да! Ўзимга ёққан насрий асарим Турсуной ҳақидаги очерк.

Зулфия опа тинимсиз гапирарди. Гапирган сари эшитгимиз келар, тўхтаб қолса, хаёлларига ҳалақит бермай, сўзлашини кутардик. Сўзлари, айтаётган фикрлари шунчаки бир аёл, ёхуд онанинг мулоҳазалари булмай, сўз санъаткорининг мулоқотлари эди. Бундан биз қувонардик.

Студентлик йилларим Ҳамид Олимжон фожиасига алоқадор бир гап эшитгандим. Бу менга қаттиқ таъсир қилганди. Шунга аниқлик киритгим келарди. Лекин опанинг ярасини янгилаб қўярмикиман, деган андишада анча тараддулдандим. Нимадир гап бўлдию, пайтдан фойдаланиб сўрадим:

— Ҳамид ака тасодифдан озгина аввал Омонжоннинг туғилган кuni нишонланганми-ди уйда?

— Ҳа, Омон 1939 йилда 24 август кuni туғилган. Тўрт ёшга тўлган кuni кичкина ўтириш қилдик. Якуб Колас, Эди Огнецвет каби дўстларимиз ҳам бор эди. — Опа бир дам тўхтаб, машина ойнагидан ташқарига тикилиб туриб давом этдилар. — Оз-моз ўзаро шеърхонлик ҳам бўлди. Жонли, ажиб бир давра эди. Чулдираб, юриб келган Омонни Ҳамид акангиз тиззасига олди-да, пешонасидан силаб туриб: «Мен тўрт ёшлигимда отамдан етим қолганман. Бобом,

онагинам меҳрлари билан етимлигим сезилмаган бўлса ҳам, ота меҳрига зор эдим. Сен бахтлисан, ўғлим», деди. Ҳамма қўшилишди. Эҳтимол, бу гапнинг юз берган фожиага ҳеч қанақа даҳли йўқ, боғлиқмасдир, аммо барвақт қувонган экан шекилли-да.

— Гапирсангиз, бир дoston.

Опанинг «Кечир, қолдим ғафлатда» деган шеъри бор. Кўплар изоҳсиз, таҳлилсиз ҳам шундоқ тушунади бу шеърга. Лекин бу галги суҳбатдан қанча алам, қанча дард билан ёзилганини яна чуқур ҳис қилади киши.

— Беш-олти кун аввал туш кўргандим. Ким билади — туш ҳам қизиқ нарса: ишонмай десанг... ғалати... Ҳамид акангиз билан катта бир боғда ўйнаб юрган эканмиз. У мендан олдинроқ кетиб қопти. Бирдан шамол туриб, катта бир дарахтни қулатиб юборди. Ҳамид акангиз у ёқда, мен дарахтнинг бу томонида қолдим. Бир-биримизга интилсак ҳам етолмадик. Тоғдай чинор орамизни тўсиб қолди...

Йўқ, у кечаси бу тушмани ўйлаганим йўқ. Лекин қийналиброқ ухладим. Саҳар пайти — соат тўрт, бешлар чамаси, телефон жиринглади. Трубкани олсам таниш овоз: «Хафа бўлманг, бу мен...»

Ҳамид Олимжон аварияда қопти. Ҳукумат касалхонасидаймиш. «Нима, нима, тирикми ўзи? Тирикми ўзи?» — менинг гапим шу бўлди. Бундан бошқа нима дея олардим. Тирик бўлса бўлди-да, дейман яна ичимда... Юраман, йўлим унмайди. Уйлаб кўринг: уйимиз қайдаю, касалхона қайда! Трамвайнинг «ғийт» этган садоси эшитилмайди. Аҳён-аҳён ўтган машина тўхтамайди. Яхши, меҳмон ёнимда денг. Аввал бир касалхонага бордик, ундан бошқасига ўтдик. Борсак, катта-кичиклар кўринди. Ҳаммаси маънос. Республика ҳукумати, ёзувчиларнинг катталари юрибди. Оғир, ҳаммаси сукутда. Мени ҳеч ким қўймайди ичкарига. Кўрай, қайси хонада, топиб беринглар, дейман. Утиб бораверишда бир кичик уй бор эди. Юрагимни музлатворди. Қанақадир зил кетдим. Тўполон қилганимдан кейин бир аёл мени кучоқлаб йиғлаворди. Шундан билдимки, фожиа. Мени аста бошлаб ҳалиги совуқ уйга олиб киришди. Улмаган дедим. Кўтаргим келди, тебратдим, аммо...

Шу кунлари шоиранинг «Висол» тўпламини муталаа қилаётган пайтларим эди. Ҳар бир шеър маълум тарихни ҳикоя қилишига, муайян воқеликнинг турткиси бўлишига яна бир марта қаноат ҳосил қилдим. Қолаверса, ҳар қандай ҳозиржавоблик билан ёзилган шеър ҳам кўҳна тушунчалар, кечмишлар, биографик нуқта ва таассуротлар асосида туғилажяига тўла ишондим. Нега деганда, тўпламдаги

«Хотира сатрлари» шеъри Тошкентда ер қимирлаш туфайли аҳолининг ўша пайтлардаги ташвишли ҳолати ва ўзаро дўстлик, қардошликнинг буюк самарасини ифодалашга бағишланган. Дўстлик меҳри, бахти, туйғуси неларга қодирлигини шарафлаган бу шеър. Бир ўтиришда, ҳозиржавоблик билан битилган. Лекин унинг мана бу дастлабки сатрлари 1966 йил апрель ойидаги мусибат ва ер даҳшатинигинамас, 1944 йил июль бошларидаги шоир хонадонига тушган ларзани, фоже онларни эслатайдими! Опанинг ҳалиги айтган изтироблари билан омухтамасми! Мана ўқинг-а:

Бари унутилар,

унутилар тўйлар,

Кўкда булутлардан гўё беланчак ясаб

Сени аллаган севинчлар баъзан.

Мақсад йўлидаги заҳмат унутилар,

Ишонган кишидан келган сотқинлик,

Ҳатто ўтган ёшлик,

Утган умр чиқар хотирдан,

Лекин севги унутилмас,

Унутилмас ўлим,

Унутилмас уйинг вайрон бўлгани —

Қолар дилда доғлар мангу сиркираб!...

...Биз Погга етиб келдик. Кечаги тунд ҳаво очик. Офтоб нури кузнинг олтин япроқларида ором оляпти.

— Тўхтайлик. Универмаг қизларининг муомаласини кўрамыз, — дедим.

Илгарироқ мен бу магазин ходимларининг хушфёъл одатларидан қойил қолиб кетган эдим. Сизни танишадими, йўқми, — ўридан туриб, «келинг, келинг» деб кутиб олишади. Харидор сўзига бепарво қарашганини билмай-сиз, менда чуқур таассурот қолдиришганди. Йўқ, бу гал ундан ҳам зиёда қаршилашди.

Биз биринчи қаватдан иккинчисига кўтарилдик, ҳар қайси бўлимдагилар билан саломлашдик. Меҳмон эканлигимизни билишса ҳам, Зулфия опани кутишмаган бўлиши, танимасликлари мумкин эди. Опа эрлар кўйлагидан танлай бошладилар. Сотувчи қиз бир бизга, бир опага қараб кўярди. Мен, танияпсизми, дегандай имо қилдим. Қиз ҳайрон эди. Кароматхон «Зулфия опа-да, наҳотки...» дейиши билан у опа кучоғига отилди: «Вой Зулфия опам!» Кўзларида ёш қалқиди. Мен ҳам, Кароматхон ҳам ҳаяжонда эдик.

...Бу — оддий бир темирчи қизининг оламга ёйган доврўғи, топган бахти, каттаю кичик дилдан жой олган меҳри эди. Бу — ижоднинг кучи, бадий адабиёт аҳлининг жамияти-

Менинча, Зулфия шоира сифатида ўзбек адабиётининг энг ёрқин намоёндаларидан биридир.

Ҳақиқатан ҳам Зулфия шеърияти замонавий ўзбек поэзиясининг порлоқ саҳифасини ташкил этади. Мен шоира поэзиясида дилбарлик, донолик, бу — улкан маданиятнинг қўлга киритган улкан ютуғи эканлигини ҳам таъкидламоқчиман. Чунки Зулфия фақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўқис аёл тимсолигина эмас, балки у мукаммал шахс ҳамдир. Гўзал замонамизда шаклланиб, камолга етган шахс. Поэзия Зулфия учун ҳеч қачон шунчаки машғулот бўлган эмас...

Чингиз АЙТМАТОВ

миздаги буюк мавқеидан дарак берарди. Шoirни эл севса, эл ардоқласа, уни кўрганда талпинсагина шоир. Одамларга ўз шеърлари билан ҳароратли туйғу бахш этган шоиранинг ҳамма жойда ҳарорат тўла дил билан кутилиши, эъозланиши табиий эмасми?!

Учраган ҳар одам,

Янграган ҳар садо

Чорлайди ҳаётнинг баҳрига қонгали.
Ҳарорат, бу сенми?

Кунлар ўтди. Аудиторияда ҳам, мажлисларда ҳам, тоғ сайрида ҳам, китоб мутолаа қилганимда ҳам опа билан қилинган суҳбатлар, бахт ва ҳижронга тўла ҳаёти, севгиси, матонати ва журъати фикримдан ўтаверди. «Утган кунларимга келар суқ, ҳавасим» дейди шоира. Кейинги бандда ёзади:

Думбуллик, жамол ҳам, бокира хаёл ҳам,
Уктамлик, эркалик, жасорат.
Севгидан мастлик ҳам, ҳижрондан беҳол дам
Ғафлатдан вайронлик, қаноат.

Биргина мана шу тўрт йўлда Зулфиянинггинамас, балки унинг турмушига тақдирдош бошқа оилаларнинг драмаси ифодаланмаганми! Ахир, «Ялпи тўйдаё ўтмайди умр».

Шеър — дард дегани шу-да! Лекин муҳими шуки, Зулфия опа ўзининг шахсий дарди билан қовурилиб қолмади. Поэзиямизнинг нодир публицистик намуналарини яратиб, адабиётимиз шухратини дунёга ёйди. Унинг матонатига, садоқатига, туйғуларга бой лирикаси ҳурматига бир умр таъзим қилгинг келади киши.

Нуриддин БОБОХУЖАЕВ

Қимматли Зулфия!!

Украина ёзувчилари номидан ва шахсан ўз номидан Ватаннинг юксак унвони — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганингиз муносабати билан чин қалбдан табриклайман!

Сизнинг илҳомбахш ижодий меҳнатингиз ва жамоат арбоби сифатидаги актив фаолиятингиз ҳамиша ибрат намунасидир. Ватаннинг юксак эътибори ижодий ғайратингизга ғайрат қўйишига тилакдошман.

Ҳамиша соғ ва бахтиёр бўлинг!

Павло ЗАГРЕБЕЛЬНИЙ,
Украина ЁСР Ёзувчилар союзи
правлениясининг биринчи секретари

Агар, Зулфия Арманистонда туғилганда — Сильва, Ленинградда туғилганда — Бергольц, Болгарияда — Багряна, Югославияда туғилганда ҳам Десанка Максимовичдек машҳур шоира бўла олар эди...

Шoirалик шоирликка нисбатан кам учрайдиган ҳодиса. Ана шундай ярқирок юлдузлар қаторидан ўзбек совет шоираси Зулфия муносиб ўрин эгаллайди...

Расул ГАМЗАТОВ

Зулфия ва шеърят, Зулфия ва қўшиқ — бу сўзларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

Унинг шеърлари кўп йиллар муқаддам мени ҳайратга солган, қалбимни ром этган эди: «Уша кезларда қачонлардир менинг камтарин шеърларим унинг шарофати-ла ўзбек тилида жаранглашини ўйламаганман. «Ой тугилган тунда» трагедиям қаҳрамонларининг ўзбекча гапириши ҳам тушимга кирмаган. Шу тариқа, шахсий ва ижодий дўстлигимиз юзага келган эди.

Зулфиянинг шеърларини она тилим — бошқирд тилига ўғирарканман, улардан олган завқ мени тонг қолдирган.

Умуман айтганда, Зулфия, унинг ижоди, шеъряти маънавий турмушимизнинг, миллий маданиятимизнинг бир қисмига айланиб кетган. Биз шундай деб ҳисоблаймиз ва бу билан фахрланамиз.

Мустай КАРИМ

Минҳожиддин Ҳайдар

ЯШИЛ ТАРОВАТ

Едимда, илк баҳор палласи эди... Қуёш бамисоли Тун билан Тонгнинг ҳозиргина туғилган чақалоғи. Унинг чехраси ёрқин, ўтли. Бутун борлиқ сукунатнинг заррин уқаларига сингиб, қуёш чехрасини томоша қиляпти. Сукунат. Унинг унсиз наволари юракларни симоб қилиб эритиб юборгудай...

«Чирс» этди. Навқирон ниҳолнинг тўлиқиб ёрилган куртаги чирсиллаган экан. Унинг ичидан навбаҳорнинг яшил чехраси ийманибгина боқарди.

Ҳамалга бағрини очаётган куртакларнинг сеҳрига берилиб, уйғониб келаётган боғларни оралайман... Анави бодомга бир қаранг-а! Ғарқ гуллабди. Бултур-ку, бодом эрта гуллаб, таъзирини еган, дўл уриб кетганидан, ҳосили сийрак бўлганди. Бу йилчи, яна барвақт гуллабди-я!? Ёки бу — нозиккина бир гулнинг метин иродаси-ю, мангу кураш фалсафасига садоқатимикан?! Тотли хаёл оғушида диёр табиатига ошуфта назар ташлайман. Беадоқ боғларнинг шўхчан шохчалари хаёл мезонларини ўзига чирмаб олади. Табиат беназир жозибага молик. В. Белинский айтганидай, у — санъатнинг абадий намунаси бўлиб товланмоқда...

Табиат тўғрисида ўйга толарканман, беихтиёр юртимизни боғ-роғларга буркаш ишига катта ҳисса қўшаётган, адир ва тоғ бағирларида боғлар, оромгоҳлар, турли даволаш муассасалари ташкил этиш масалаларини илмий тарзда ишлаб чиқаётган, Ўрта Осиёда ягона илмий марказ ҳисобланган академик Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш Бирлашмаси фаолияти, унинг бош директори, ВАСХНИИЛнинг муҳбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қахрамони Маҳмуд Мирзаев билан қилган суҳбатим ёдимга тушди.

— Ҳар бир дарахтнинг, ҳар бир токнинг ўз табиати, ўз инжиқликлари бўлади, — деганди директор ўшанда. — Соҳибкор, энг аввало, ана шу инжиқликлар сабабларини ўрганиши керак. Боғ — бойлик. Боғ — сиҳатлик манбаи. Боғ — халқ маънавиятининг нафосат кўзгуси. Қолаверса, боғ — келгуси авлодга қолажак саховатли мерос. Ҳақиқий боғбонга хос меҳр бўлса, қирқ йил қўлда юрган қамчи дастасини ҳам диёримиз тупроғи барг ёздириб, гулга киритади. Бирлашма ва олимларимиз нимаики ютуққа эришган бўлсалар, бу — партия ва ҳукуватимиз яратиб берган имкониятлар, коллектив аҳиллиги ҳамда ҳалол меҳнат самарасидир. Илм, ижод аҳли ҳавойиликка берилиб кетса, ғурурланса кашфиётга, энг ачинарлиси — одамийликка путур етади.

...1948 йили 27 ёшли мутахассис Маҳмуд Мирзаев директор бўлиб иш бошлаганида Бирлашма илмий-тадқиқот институтининг 64 гектар майдони, иккита бўлими, ўттиз олти нафар илмий-техник ходими бор эди, холос. Эндиликда, бирлашма ихтиёрида институт, аспирантура бўлими, техникум, махсус мактаблар, область филиаллари, тажриба станциялари, аёло нав ва цитрус кўчатлари етказиб берувчи ўнлаб тажриба совхозлари бор. Улар ҳар йили хўжалиқларимизга, қардош республикаларга миллион-миллион кўчат улашади. Унинг 20 минг гектарга яқин майдони бўлиб, ўн олти мингдан ортиқ илмий-техник ходим, тўрт нафар фан доктори, саксон нафар фан кандидати сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Қардош республикаларда фаолият кўрсатаётган тўрт фан доктори, саксон фан кандидати, шунингдек, Болгария ва Венгриянинг бир қатор мутахассислари ҳам шу даргоҳдан сабоқ олганлар.

Бирлашманинг марказий ва тармоқ участкаларида токнинг 1250, меваларнинг 125, писта, бодом, ёнғоқларнинг 152, субтропик ва цитрус ўсимликларининг 250, ўрикларнинг 520, маданий гулларнинг 500дан ортиқ нави парвариш қилинмоқда. Мутахассислар келгусида республикамызда узум ҳосилини бир ярим миллион, майиз ва қуруқ меваларни юз минг, цитрус мевалари ҳосилини эса саксон минг тоннага етказиш учун тер тўкмоқдалар.

Юртимизни серҳосил боғ-роғларга буркашдаги улкан амалий ишларини инobatга олиб, партия ва ҳукуматимиз Бирлашмани Ленин ордени билан тақдирлаган, шунингдек, у 35та диплом, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг 12та олтин медали, халқаро кўргазма ва кўрикларнинг 24та олтин, кумуш, бронза медалларини олишга муяссар бўлган.

— Дастлаб базамизда гулларнинг 4, токнинг 5 навигина мавжуд эди, — дейди Маҳмуд Мирзаевич фахрланиб. — Илмий изланишлар, навларни дурагайлаш, халқ селекцияси тажрибаларидан оқилона фойдаланишимиз туфайли кўплаб янги навлар яратишга эришдик. Янги нав!.. Бу — айтишгагина осон. Бироқ битта янги нав учун бир ёки бир неча олимнинг йиллаб умри бахшида этилади. Янги нав самараси зуҳур кўрсатгач, бутун умрингга ана шу етилган янги мева навининг тансиқ тоғи югургандек бўлади. Халқ селекцияси тажрибаларида гап кўп. Вазамизда етиштирилаётган 1250 ток навининг 450 нави ота-боболаримиздан мерос.

— Айни ҳақиқатни айтдингиз, азалдан халқимиз дастурхонини деҳқон ва соҳибкор яратган ноз-неъмат, гурунгларини эса ашъору санъат безаб келган. Маҳмуд ака, халқимиз соҳибкорлиги тарихи ва халқ селекционерлари хусусида нима дейиш мумкин?

— Халқимиз қадимдан соҳибкор. Археологларимиз эрамиздан бир неча минг йил аввалги бир қабри очганларида ундан марҳумнинг қурол-яроғлари, шунингдек, мўъжазгина хумча топилган. Шубҳасиз, хумчага узум шароби тўлдириб қўйилган. Урта асрларда ҳам меъморчилик ва боғдорчилик ишларига катта аҳамият берилган. Улуғбек замонидаги «Боғи беҳишт», «Боғи Баланд», «Боғи Дилкушо», «Боғи жаҳоннамо», «Боғи зоғон», «Боғи майдон», «Боғи нав», «Боғи чинор», «Боғи шамол» каби ўнлаб диловар боғларнинг довуғи оламга кетган. «Боғи Бобур» эса ҳануз Кобулга тароват таратиб турибди. Бобур Ҳиндистон ва Афғонистонда Урта Осиё анъаналари асосида бир қанча боғлар бунёд этган («Боғи Калон», «Боғи Вафо», «Зарафшон боғ», «Дилором боғ», «Ором боғ» ва бошқалар). Элнинг заҳматкаш боғбонлари қўли билан яратилган бу боғларнинг афзаллик томонлари шунда бўлганки, аввало, боғлардаги ҳар бир дарахт, гул ва бинолар қатъий гўзаллик тарҳи асосида бунёд топган. Ноёб қуш ва жониворлар бўлиши боғларга янада тароват бағишлаган.

Халқ селекционерлигига келсак, бунинг ёрқин мисолини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, асрга тенг умрининг 80 баҳорини соҳибкорликка сарфлаган Ризамат ота Мусамухамедов тимсолида кўриш мумкин. Ота ток новдаларига ишлашнинг «воиш» (бу усул токчиликни механизациялаш имконини беради) усулини татбиқ этди. У соҳибкорликнинг қадимий китобига зарварақлар қўша олди.

Халқ селекционери, фахрий академик Зайниддин Фахриддинов Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда цитрус ўсимликлари учун иссиқхона майдонларини борган сайин кенгайтиряпти. Бу хўжалик республикамыз колхоз ва совхозларига ана шу ноёб мева турларининг кўплаб кўчатларини юборяпти. Халқ селекцияси тажрибаларини давом эттираётган боғбонларимиз кўп. Улар Ширмонбулоқда, «Қибрай» совхозида, Фарғонада, Деновда, Самарқандда, Жиззахда, Наманганда ва бошқа боғдорчилик хўжаликларида ўз касбини улуғламоқдалар.

Маълумки, Урта Осиё халқлари фан ва маданиятнинг бой меросига эга. Қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам юксак ва бой анъанавий меросимиз бор. Бу борада азалдан илмий асарлар яратила бошланган. Бироқ бу асрлар ўтмишининг суронли йилларида йўқ бўлиб кетган. Масалан, анорни ва бодрингни уруғсиз этиб етиштириш, нордон анордан ширин, ширин анордан чучук ҳамда нордон нав яратиш, бир олма ёки тоқдан бир неча рангли мевалар ҳосил қилиш, ёнғоқ ва бодомларнинг пўчоғини юпқалаштириш усуллари ва бошқалар.

— Ҳаётингизнинг чорак асрини, сўнги нашр эттирган салмоқли монографиянгизни асосан узумчиликка бағишлабсиз, буни қандай изоҳлайсиз?

— Республикамыз ҳамда Урта Осиё республикаларининг жуда катта майдонини тоғ-адирлар ташкил этади. Улар одамлардан нажот кутиб ётибди. Бу ерларни боғ-роғларга айлантатириш керак. Тоғлар — табиатнинг ноёб

хазинаси. Чиндан ҳам, тоғ деганда кўз ўнгимизда юксаклик, виқор намоён бўлади. Тоғ қўйни — жавоҳирлар сандиғи бўлса, унинг сирти — мусаффо ҳаво, табиий гўзалликлар, демак, сиҳат-саломатлик маскани. Буюклик буюкликлардан туғилади, деганларидек, қудратли ҳодисалар одатда тоғларда содир бўлади. Қайнар булоқлару асов ва теран дарёлар, Арслонбоб шаршараси-ю, улуғвор Ниагара шалоласигача тенгсиз қудрат ва тенгсиз саховатни тоғлар бағридан ситиб олишмаганми, ахир?! Вулқонлар-ку, тоғларнинг олов наъралари. Минг ёшли бахмал либос арчалар ҳам тоғларга хос чинакам мўъжизалардир. Жаҳонда энг лаззатли ва аъло нав узумлар тоғларда, баланд қояларда етиштирилади. Масалан, Италиянинг Валле-д'Аост вилоятида денгиз сатҳидан 1200, Франциянинг Шампан, Бургунди, Эльзасида 450, Малдейра оролида 800, Бразилияда 1200, Боливияда 2700, шунингдек, Абхазия, Грузия, Капет-Дог, Озарбайжон, Аракс водийсида 1500 метргача баландликдаги тоғ ва адирларда узум ҳосили олинаётгани маълум. Ана шулар ҳамда амалга оширилган ва оширилаётган тажрибалар Ўзбекистоннинг адир, тоғ зоналарида ҳам кенг кўламда боғ-роғлар яратиш мумкин эканлигини кўрсатиб турибди. Бирлашма ва унинг тармоқларида тинимсиз изланаётган илмий ходимлар, соҳибкорлар Китоб, Шахрсабз, Бойсун, Шеробод, Фарғона ва Зарафшон водийлари, Бўстонлиқ, Чирчиқ, Паркент, Чотқол, Қурама, «Оқработ» (Дехқонобод массиви) «Социализм» (Денов) каби жойлардаги адир-тоғ зоналарининг 300-1200 метргача бўлган баландликларида узумзорлар барпо этдилар. Бу зоналарда ҳали ўзлаштириладиган жойлар беҳисоб. Нафақат узумзорлар, балки бундай зоналар пистазорлар, ёнғоқзорлар, жийдазорларга айлантирилади. Тансиқ анзур пиёзлари, равочлар бизнинг адир ва тоғ ёнбағирларидагина ғоят шифобахш бўлиб етилади. Ноёб чилонжийдалар, зирку зираларни айтмайсизми?! Бизнингча, ана шу наботот навлари учун катта-катта майдонлар ажратиш пайти аллақачонлар этган.

Ўлкамиз табиати муҳофазаси хусусида фикр юритганда, айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтмоқ жоиздир. Адир ва тоғ зоналарида боғ-роғлар, санаторийлар, даволаш муассасалари, шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда хиёбонлар ташкил этиш каби хайрли ишларга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Ботаника боғи ва илмий-тадқиқот институти ҳамда уларнинг барча илмий ходимлари тагин ҳам фаолроқ жалб этилса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки Ботаника боғида ер юзи минтақаларининг минг-минглаб наботот турлари ва навлари тўпланган. Уларни асраш, кўпайтириш — ўлкамиз табиатини яна ҳам бойитиш демакдир. Тўғри, бу илм даргоҳи ҳам катта илмий-назарий ишларни амалга оширяпти, лекин, негадир, илмий-ишлаб чиқариш Бирлашмаси сингари республикамиз бўйлаб теран илдиз отиб кетмаяпти. Чиндан ҳам республика областларида нега унинг филиаллари йўқ? Ахир, ўлкамиз шаҳарлари хиёбонларини, адир ва тоғ зоналарида ташкил этилаётган боғларни дунё минтақаларининг нодир набототлари безаб турса, бунга нима етсин! Мутасадди шахслар таътил пайтлари мактаб болаларини Ботаника боғи наботот дунёси билан таништириш имкониятини яратсалар, ёш авлод турфа хил наботот дунёсидан баҳра олиб, маънавияти тагин ҳам бойир эди, энг муҳими, табиат шайдосига айланиб борардилар. Олимлар телевидение орқали Ботаника боғида парвариш топаётган турли минтақалардан келтирилган ва, умуман, ўсимликлар дунёси, ўлкамиз табиати ҳамда «Қизил китоб»га киритилган яшил олам навлари хусусида махсус кўрсатувлар ташкил этиб турсалар (бу борада маорифчилар ҳам жиддий ўйлаб кўришлари керак!), айни муддао бўларди.

Фарб мамлакатларида янги ерлар ўзлаштирилиши эвазига қўриқхоналар, боғ-роғлар адир ва тоғлар томон чекиниб, юқорилаб бормоқда. Баъзи қимматбаҳо, ноёб дарахтлар эса кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида ашаддий суръатда тамоман кесиб ташланиб, барҳам топмоқда. 1946 йил чоп этилган Ричард Берхернинг ўсимликлар дунёсига оид асарида таъкидланишича, 1660—1942 йиллар давомида АҚШ ва Канаданинг ўрмонлари ваҳшиёна кесиб юборилган. Оқибатда асил ўрмонларнинг умумий майдони 85—90 фоизга камайган. Бундай ҳол фақат АҚШ ва Канададагина бўлиб қолмай, балки Европа, Осиё, жумладан, Урта Осиёда ҳам кечган. Қадимда Урта Осиёнинг тоғли ерларида хандон писта, чилонжийда, бодом, ёнғоқ, арча каби қимматбаҳо дарахт ҳамда буталар катта майдонларда ўсиб ётарди. Лекин буларнинг кўпчилиги ўтмишдаги аёвсиз муносабат оқибатида камайиб кетган, айримлари эса бутунлай йўқолиб битган. «Бобирнома»да дарахтсимон, қизил пўстлоқли товолга ўсимлигидан сават тўқиш, шохчаларидан ёй қилиш, ёғочидан нақшинкор буюмлар тайёрлаш мумкин, деб таърифланади. Қани, шу ноёб ўсимлик?! Шунингдек, Октябрь инқилобидан сўнг, табиат муҳофазасига

жиддий киришилгунга қадар писта, чилонжийда, арча каби дарахтлар беаёв кесиб юборилган. Олой арчазорлари, Фарғона тизма тоғларидаги ёнғоқзорлар, олмазорлар, хушбўй зиразорлар, Оҳангарон тоғидаги лозазорлар, Ҳуржун тоғида ўсувчи доривор суғурут, Чотқол тизма тоғида учровчи оловсимон пиёнгул, Ҳамзаобод қишлоғи теварағида ўсувчи, 37 хил алкалоидни ўзида мужассам этган бўригул каби ноёб наботот навларининг камайтириб юборилганлиги ҳам катта ташвишдир.

Бизда қадимдан қишлоқ хўжалиги экинлари билан боғдорчиликнинг мутаносиб бўлишига катта аҳамият бериб келинади. Тарихий далилларга мурожаат қилайлик: инқилобдан аввал ғарб буржуа олимларидан бири келиб, Урта Осиёни географик, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўргана бошлабди. Саратон иссиғида «пишган» олим, бу ернинг одамлари 50—100 йилдан сўнг қирилиб кетади, деб «башорат» қилибди. Уша «олим» айтгандан ҳам кўпроқ вақт ўтгач, ғарблик олимлар Урта Осиёга келишса, халқ аввалгидан ҳам кўпайган, юрт фаровонлашган экан. Олимлар синчковлик билан текширишса, аввалги «олим» ҳароратни ҳисобга олган-у, боғ-роғларнинг жонбахш неъматларини назардан четда қолдирган экан. Аслида, ана шу ҳарора да етилган неъматлар бу ерлик одамларнинг умрини узун қилган. Юртимизни ҳар қанча боғ-роғларга буркасақ арзийди. Бунинг эвазига боғ-роғлар инсониятга энг аввало мусаффо ҳаво, сиҳат-саломатлик, ризқ-неъмат, узоқ умр инъом этади.

Афсуски, айрим боқибегам кишилар бу борада мавжуд имкониятларни ҳам ишга солмаптилар. Бир бригадирнинг парвосизлиги айниқса бизни ажаблантирди. Бу ўртоқ юки «оғир» лигини, «иложи йўқ» лигини пеш қилиб, деҳқонларнинг иккинчи уйи — шийпон атрофларини ободонлаштиришга панжа орасидан қараб келаётган экан. Биз унинг имкониятларини тафтиш қилдик: бригада ерларининг қоқ ўртасидан узунлиги 2 чақиримдан ортиқ бўлган захариқ экскаваторда қазилибди. Қазиб чиқарилган тупроқ уюми ариқнинг икки четида ўн-ўн икки метр кенгликда бошдан-оёқ масофани эгаллаб ётибди.

— Қаранг, захариқнинг икки четида 4 ярим гектарча ер, офтобда қотирилаётган балиқдай, ўмганини кунга тираб, бўш ётибди. Куч бўлса етарли. Шу жойни текислаб, обод қилсаларингиз бўлмайдими? Ахир, одамлар адиру тоғларни ўзлаштириб, боғ-роғлар яратишмоқда-ку!..

— Ҳе, бош қашигани қўл тегмайди-ю, қаёқдаги ташвишларни гапира-сизлар-а, — деди бригадир қўл силтаб...

Инсоннинг қиттак меҳри тушса, бор саховатимни ундан аямайман, деб мунгазир ётган бўш ерлар, ички имкониятлар чинакамига қидирилса, республикамизнинг ҳамма жойларидан исталганча топилади. Суворий битта пойга отига ҳар пойгада қўшимча юк ортиб, сувлуқни асабий силтаб, ўзиб кетишга хезлай берса, тулпор бўлса ҳамки, у от қай бир пойга чоғида омаддан ажралади. Ер ҳам худди шу отга ўхшайди. Ҳосил пойгасида ундан оқилона фойдаланиш, қисқаси, алмашлаб экишни йўлга қўйиш, бунинг учун эса фойдаланилмай ётган имкониятларни излаб топиш керак. Биргина мисол: Избоскан, Олтинкўл, Балиқчи районлари майдонларини кесиб ўтган қадимий Қорадарё минг йиллардан буён илондай тўлганиб оқа бериб, текисликдан бир-бир ярим терак бўйи пастликда 1,5-2 километр кенгликда жар-соҳиллар ҳосил қилган. Сув эса баҳор кезлари юз-юз эллик метр кенгликдагина оқади. Қолган қисмлари қаровсиз ётади. Қулайроқ жойларига эса баъзи «қўли узун» роқ шахслар шоли, мош, ловия экиб, шахсий манфаат йўлида фойдаланадилар. Ахир, Қорадарёнинг жар-соҳилларида (у Норин дарёси билан туташиб, Сирдарёга айланганидан кейинги жар-соҳилларида ҳам) минглаб гектар майдонлар талон-торож ёки қаровсиз ҳолда ётибди. Дарёнинг ана шу жар-соҳилларини колхоз ва совхозлар ўзаро тақсимлаб, мевазор боғлар бунёд этсалар, ҳар томонлама ютган бўлардилар. Аввало, дарахтларнинг илдизлари туфайли дарёнинг қирғоқларида жар кўчкилари барҳам топарди, қолаверса, дарё соҳиллари табиати жозибали кўриниш касб этарди...

— Юртимиз табиатини тинмай бойитиш ва ҳозиргидан ҳам кўҳлироқ қилиш учун бизда имкониятлар кўп, — деган эди Маҳмуд ака суҳбатимиз поёнида. — Бу борада олимларимиз бой тажрибаларга, теран илмий хулосаларга эга. Хуллас, доимо зиммамизда юртимизни боғ-роғларга буркашдек қутлуғ вазифа тураверади.



ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Салоҳиддин Мамажонов

«Нур, ҳаққа чақирди халқни созим»

Ойбекнинг барча роман, повесть, шеър ва поэмалари бағридан ўқ томир бўлиб ўтган бир етакчи ғоя мавжуд. Бу халқни, инсониятни эрка, ҳақиқатга чақириб истагидир. Адиб бу ғояни қуёш (нур) образи орқали рамзий ифода-лаш йўлидан боради. Ойбекнинг «Нур, ҳаққа чақирди халқни созим», «Кўнглимда ҳақиқат бир он сўнмади гўё зўр қуёш», деб ёзиши бежиз эмас эди. У «Санъат ҳақида» шеърда яна бундай куйлайди:

*Майли сув ич, қаттиқ нон кемир.
Лекин ёнсин қалбингда олов.
Фалсафанинг аччиғин сипқор.
Фароғат, тин сенга бўлсин ёв.
Тошга ҳам, ранга ҳам, сўзга ҳам
Ҳаёт нури билан бер жило.
Нашга эмас, ҳатто сенда ҳам —
Қалбга солсин ҳаётдан зиё.*

Бу парчадаги «ҳаёт нури», «ҳаётдан зиё» каби образли ифодалар заминиди ҳақиқатни ёзишга — халқ манфаати учун курашга даъват этиш ётади. Ойбекнинг 1932 йилда нашр этилган бир тўпламига «Машъала» ёки Покистон меҳнаткашлари тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи асарига «Нур қидириб» деб сарлавҳа қўйишида ҳам шу маъно бор. Улуғ Ватан уруши даврида бошлаб қўйган ва кейинча тугалланган «Қуёш қораймас» романи асосида социалистик тузум боқийдир, бу ҳақиқатдек енгилмасдир, деган фикр ётади. Романда: «Ўзбек халқи эндигина қуёшли йўлга чиққан эди. Гитлер мана шу қуёшни қора булутдай ўрамоқчи. Йўқ, чучварани хом санайди хомкалла! Фашистларнинг бўйинтуруғини судрамаймиз. Совет халқининг шарафи учун, бахти учун

жонни, қонни фидо қиламиз», дейилади қаҳрамон тилидан. Урушнинг биринчи кунларида ёзилган «Зафар бизники» шеърида «Ишонамиз: ҳақиқат янграр! Ишонамиз: тунни ёқар нур!» деган мисралар бор. Шу йилларнинг меваси бўлмиш «Маҳмуд Торобий» драматик достонидаги ушбу мисраларга ҳам назар ташлайлик:

*Ҳақиқат қуёшин булут ўраса,
Гўзал самомизни қоронғиласа,
Бўрон бўлиб уни тўзғитмоқ лозим.
....Ҳақиқат олтиндек чиримас, зангламас,
Кечага айланар мўғул қундузи.*

Энди машҳур «Навой» романидаги: «Улуғ сиймолар кашф этган ҳақиқат қуёшлари юртимиз самосини нурга тўлдирса, мақсадимизга етган бўлармиз», «Биз юрт кўкидан зулмнинг қора булутларини қувмоғимиз керак», «Юртнинг қоронғу кечасида ақл машъалини яна баланд кўтарурмиз», «Тўғри, баъзи махлуқлар нурдан зулматни ортиқ билурлар. Масалан, кўршапалак учун ҳаёт тун кириши билан бошланур. Афсуски, жаҳоннинг ҳусни ва кўрки бўлган инсонлар орасида замонамизда шундай зиё душманлари кўпдир» каби ҳикматомуз жумлаларни ҳам ўқийлик. Юқоридаги шеърда ҳам, драматик достонда ҳам, иккала романда ҳам — барчасида ёруғлик ва қоронғулик, яъни ҳақиқат билан ноҳақлик ўртасидаги кураш тўғрисида фикр юритилади. Ёвузликни, инсоният бахтининг душманларини йўқотишга дават этилади. Торобий образи моҳиятини ҳам шу нарса белгилайди. Ойбек Навой образини эса зулмат ичра ёнган нур тарзида, ҳақиқат, нур учун фидойилик билан курашган буюк шахс тарзида талқин қилади. Ойбек Навой тили орқали: «Халқим учун орузларимдан эмас, бошимдан ҳам кечишга ҳозирмен», «Ватан ва унинг саломатлиги учун ҳар бир жон ҳар лаҳза ўзини қурбон этмоққа ҳозир турмоғи керак» деган ўткир сўзларни айтибгина қолмайди, балки шу фидойиликни Навой ва бошқа ижобий қаҳрамонлар характериға, бошқача айтганда, романнинг қон-қонига сингдириб юборади. Ойбекнинг бадиий тафаккуридаги бу яхлитлик, муштараклик заминида воқеликнинг муҳим қирраларини акс эттириш, умумлаштириб кўрсатиш, совет кишиларининг орзу-идеалларини, кечинмаларини ифодалаш ётади. «Қутлуғ қон» романининг пафосини ҳам зулматни енгиб бораётган ёруғлик — меҳнаткаш халқнинг озодлик, бахтиёр ҳаёт сари мардона курашини кўрсатиш ташкил этади. Асар хотимасидаги «Йўлнинг ярмидан ўтганда, уфқларга қон каби тоза, қизил шуълалар югурди. Чиқаётган қуёшни саломлаб, яна дарахтларда қушлар сайрай бошлади» деган жумла ана шунга ишорадир. «Қизил шуъла», «қуёш» образлари воситасида Йўлчилар тўккан қон бекорга кетмади, бу қон қуёшни, яъни революцияни — озодликни яқинлаштирди, демоқчи бўлади адиб.

Хуллас, Ойбек яратган насрий ва шеърий асарлар турли жанрга мансуб бўлса-да, ички моҳияти, ғояси, пафоси, мақсад-идеаллари жиҳатидан муштаракликка эгадир. Бунинг устига Ойбек шеърлятидаги кўпгина фазилятлар унинг прозасига ҳам сингиб кетган. Ойбек насриға хос жўшқинлик, латифлик, шоирона оҳанг, сербўёқлик, кўтаринкилик, романтика, рамзийлик унинг шеърлятидан озук олган. Воқеликни, ҳаётни зиддиятлари билан идрок этиш ва талқин қилишда ҳам муштараклик мавжудлиги бежиз эмас.

Ойбек поэзияда катта ижодий йўлни ўтиб, жиддий ютуқларни қўлга киритгандан кейингина прозаға қадам босди. Шеърий изланишлар унинг ижтимоий позицияси тиниқлашиши ва мустаҳкамланишиға олиб келди. Воқеликдаги муҳим, илғор жиҳатларни, даврнинг етакчи ғоясини ифодаловчи образнинг туғилиши энг аввало ижодқорнинг ижтимоий позициясиға боғлиқ. Ойбекнинг илк шеърлярида, ўз ибораси билан айтганда, «воқеликдан йироқлаштирадиган ғамгин оҳанглар бўлиши»ға боис ҳам ёш шоирнинг ижтимоий позицияси тиниқиб улгурмаганлигидадир. Ойбек ижодининг йирик тадқиқотчиси Ҳомил Ёқубов адибнинг баъзи илк шеърлярида «теваракдаги ҳодисаларға қарашида, табиат кўринишлари ва ички туйғуларини тасвирлашда умидсизлик кайфияти оралайди», дейди ва ёш шоирнинг бу қусурдан халос бўлишини бир-бири билан узвий туташ бўлган Қуёш—Баҳор—Тўлқин образларининг туғилиш жараёнини таҳлил қилиш орқали конкрет кўрсатиб беради.

Ойбекнинг биринчи шеъри «Чолғу товуши» 1922 йилда «Армуғон» тўпламида босилган эди. Ана шу шеърда:

*Урмон кўкин қора, қалин булутлар
Қоплаганди, қуёш нури тушмасди,*

деган мисралар бор эди. Ёш шоир ўша илк шеъриданок ҳаётни қарама-қаршилиги, яъни қоронғулиги ва ёруғлиги билан идрок эта бошлаган эди. Шу шеърдан Ойбекнинг ёруғликка, нурга, яъни ҳақиқатга — бахт ва шодликка интилиши, бу орзусини нур, қуёш образлари орқали ифодалаш йўлидан бориши намойёш бўлади. Мазкур шеърда шоир қулоғига «мунгли, дардли» овоз эшитилади. Лекин бу эски дунё овози эди, иккинчи томондан бошқа бир чолғунинг садоси келиб, у мунгни босиб қетади. Бу янги ҳаёт, янги замон чолғусининг овозида, «Ётма, ўғлон, уйғон, кўз оч, ухлама!» деган забардаст, тетик ҳайқириқ, қақириқ бор эди.

Ойбекнинг мана шу илк шеъридан бошлаб ижодининг ўқ томирини, марказини шу нур, қуёш образи эгаллайди. Доҳиймиз В. И. Ленин вафоти муносабати билан ёзган «Йўқлаш» шеърда:

*Бизга қуёш партиямиз,
Қудрати тоғ, меҳри булоқ,
Юлдузларга егажакмиз,
Йўлимиз ҳақ, нурли ва оқ. —*

деб ёзади у.

Ойбек 1926 йилда «Туйғулар» ва 1928 йилда «Кўнғил найлари» деган икки шеърини тўплам нашр қилдиради. Бу китоблари билан ёш шоир оғизга тушади, адабий жамоатчилик унга умид билан қарайди. Иккала китобнинг сарлавҳасидан ҳам сезилиб турибдики, улардан жой олган шеърларда юртимизда ва одамлар ҳаёти, қалбида юз бераётган ўзгаришлар акс этади. Шоир ҳаётда юз бераётган янги, инқилобий воқеалар таъсирида инсон қалбида туғилган кечинмалар, мушоҳадалар, ўйлар, ҳис-туйғуларни ифодалашга эътибор беради. Зотан, инсоннинг янги тузум, янги оламга муносабатини, кайфиятини куйлаш ва шу янги ҳаётни қуришда иштирок этаётган одамларнинг руҳи, психологияси, қалбини ёритиш ва шу воситада уларни қайта тарбиялаш адабиётнинг бош вазифаларидан эди. Ойбек 1925 йилда ёзган «Пролетар шоирига» шеърда: «Янги ҳаётнинг янги шоири, пролетар дунёсининг ўтли шоири»га мурожаат этиб: «Дунё — қизил бир олов», «Сен ундан бир учқун!» деб эълон қилади.

Ойбек уч-тўрт йилча кейинроқ ёзган «Товушим» деган шеърда ҳам шу ғояни давом эттирган ва «Болғалар пўлат сафи ила бораман, ёнгин, кураш, жанглар сари кўкрак очаман», деган эди. Ойбек шу даврларда ёзган «Кеча туйғуси», «Ҳасрат ва саодат», «Шарқ мазлумларига», «Қизил қуёшга», «Уйғон!», «Ўзбек эли», «Ер кимники?», «Қашшоф қўшиғи», «Ўзбекистон», «Фанга юриш», «Комсомол қўшиғи», «Беш йиллик план», «Паттачи хотин», «Днепрострой» каби юзлаб шеърларида ҳаётимизда қарор топаётган янги, социалистик ўзгаришлар ва янгида инсоний муносабатларни муҳаббат ва эҳтирос билан куйлайди.

Ойбекнинг нигоҳи завод-фабрикадаги янги қаҳрамонлар, деҳқонлар руҳидаги ўзгаришлар, хотин-қизларнинг фан, илм сари юриши ва эркин ҳаёт қуриш жараёнида иштирок этиб, ўзлигини — инсоний қадрини топиши, камолоти, қўшни Шарқ мамлакатларидаги меҳнатқашларнинг оғир ҳаёти, инқилобий ҳаракатлари, Испаниядаги фашизмнинг ваҳшийлиги каби кўплаб ҳаётини воқеаларга қаратилади. Адиб қаламга олган ҳар қандай мавзуга теран кириб боради ва ёрқин гавдалантириб беради. У ҳатто табиат ва паррандаларда ҳам янгилик — эркинлик, озодлик, шодлик ва яшаришни идрок этади. «Овчига» шеърда «Эркликдан бошқа борми бир гўзал?» деса, «Қуёнимга» шеърда «Эрк қуёши кулиб ерга нур сочди, тур, ётмагил, ёруғликка чиқ!» дейди. Ойбек кўпгина шеърда кеча, яъни ўтмиш билан бугунни — социалистик ҳаётни муқояса қилади ва янги замоннинг инсонпарварлик фазилатини очади. У эскиликни ўтмиш қолдиқларида ҳам кўради ва улар тезроқ барҳам топишини орзу қилади. Уша 1924 йилда ёзган бир шеърда:

*Тоғлардан кулиб қуёш чиқаркан,
Табиат унга ўйнаб боқаркан.
«Сен мангу яша, эй қуёш» дейман!
Шарқ уфқлари қизилланаркан...*

деган мисралар мазмуни билан «Қутлуғ қон» романидан юқорида келтирилган парча ўртасида яқинлик бор. Ойбек мамлакатимиздаги буюк ўзгаришларни, халқнинг янги ҳаёт қуришдаги улуг шижоатини улуг ва қудратли тўлқинга ўхшатади, ҳатто «қизил тўлқин» деб таърифлайди. Ойбек ўз диққатини янги

ҳаёт қураётган халқнинг жасоратини куйлашга қаратди. Унинг шеърларида иродали, эътиқодли, имонли, мард ва курашчан одамлар образи гавдаланади:

*Биз яратиш даврининг қаҳрамонлари,
Қуёш алангалари қонларда ёнар,
Асрларнинг ишини йилимиз қилар,
Йиллар билан ўзишар қуриш онлари.*

Ойбекнинг «Днепрострой» шеърдан келтирилган бу парчадаги руҳ ва оҳанг, мазмун ва ғоя ўша даврдаги барча шеърлари ҳамда дostonлари қон томирини ташкил қилар эди.

Ойбек ўнлаб мукаммал, гўзал поэмалар ёзиб, адабиётимизни бу соҳада ҳам бойитди. Унинг 30-йиллари ёзган «Дилбар — давр қизи», «Уч», «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Урознинг бахти», «Қаҳрамон қиз», «Навоий»; Улуғ Ватан урушидан кейин ёзган «Қизлар», «Ҳамза» ёки чет эл меҳнаткашлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Зафар ва Заҳро», «Ҳақгўйлар» ҳамда ҳозирги кескин халқаро аҳволни таҳлил этувчи «Даврим жароҳати» поэмаларида кураш руҳи, адолат ва ҳақиқат, тинчлик ва дўстлик, инсонпарварлик ва интернационализм ғоялари эътиқод билан куйланади. Бу поэмаларда Ойбек ўз қаҳрамонлари тасвирида романтик бўёққа кенг мурожаат этади, уларнинг ички дунёсини, қалб изтиробларини теран таҳлил этади, ўймушоҳадаларини ёрқин ифодалайди. «Дилбар — давр қизи» поэмасида янги давр ҳақ-ҳуқуқсиз, бечора Дилбарни курашчига ва янги ҳаёт қурувчисига айлантиради. «Уч» поэмасидаги Лаъли Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Жамилага ўхшаб севгилиси Холхўжадан тирик жудо бўлиб, бойга учинчи хотин бўлгандан кўра заҳар ичиб ўлишни афзал кўради ва маънавий жиҳатдан ғолиб чиқади. Холхўжа Ҳошимбойваччани ўлдириб, ўз ўчини олади. «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмасида эса Соғиндиқ ўз севгилисини бойлар чангалидан тортиб олади. Темирчи Жўра эса революция учун курашади. Навоий, Ҳамза образларида Ойбек адолат, ҳақиқат учун ўзларини фидо қилган улуғ сиймолар образини чизади. Ойбекнинг мазкур дostonлари ҳамда «Қутлуғ қон», «Навоий», «Қуёш қораймас», «Нур қидириб» каби роман ва қиссаларининг ҳаммасида адолат ва инсон бахти учун ўзларини баҳшида қилган курашчан қаҳрамонлар образи яратилди. Ойбек «Даврим жароҳати» поэмасида Хиросима даҳшатини тасвирлайди. У дунёдаги барча меҳнаткашлар қалбида жўш урган адолат ва ҳақиқат учун кураш туйғусини ифодалар экан, оламда совет мамлакатидек ва коммунистик партиямиздек қудратли куч борлигидан беҳад фахрланади. Адиб она заминнинг эртасига катта умид билан боқади:

*Қалбимда давримнинг жароҳати бор.
Шунинг — чундир шеърим ғазабдор вулқон.
Жаҳонга бахт келур — абадий баҳор!
Зулмни, кишанни унутар инсон!*

Шоир мазкур поэмасида яна тун, қоронғулик ва қуёш образларига мурожаат этади. Бу билан у ҳозирги даврни, яъни ҳақиқат — коммунизм ғояси билан ноҳақлик, зулмат — империализм ўртасидаги кескин курашни ифодалайди. Бу мисоллар ёки Улуғ Ватан уруши йилларида яратган шеърларидаги «Қуёшимиз табассумини қоплатмаймиз булутга асло» («Ватанни сев»), «Кундузни сақладик тикиб жону тан, Қора бўронлардан сақладик уни» («Шон байрами») каби мисралар Ойбекнинг воқеликни ва одамларни бадий талқин этиш — образ яратишдаги муштарак принциплари илчил давом этганини тасдиқлайди. Қуёш, нур образида Ойбекнинг ижтимоий ҳаётнинг муҳим, бош масалалари билан бир умр қизиққани, инсонни эрка, бахтга етиштиришдек улуғ инсонпарварлик орзуси билан яшагани, кишилик жамиятининг олға томон қадам босишига ғов бўлган ижтимоий кучларга қарши муросасиз курашгани ва айни чоқда унинг ўзлиги, бадий принциплари ёрқин намоён бўлади. Бу порлоқ образлар ҳаётсеварликка, курашга чорлайди, инсоният истиқболига умид тугдиради.

Иброҳим Ҳаққулов

«ШОИР БЎЛИШ ҚИЙИН...»

«Мен бу истеъдоднинг келажаги порлок эканига, ўз авлоди ва замон нафасини келажакка етказувчи ҳақиқий маънодаги шоир бўлиб етишишига ишонаман», — деб ёзади Эркин Воҳидов.

Ушбу фикр етмишинчи йиллар шеърятининг ёш вакилларида бири тўғрисида айтилган. Бу — Муҳаммад Солиҳ. Унинг ижоди ҳақиқатда истиқболли. Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон — булар Муҳаммад Солиҳга тенгқур. Ўз овозига эга шоирлар бор: нима ёзмасин бўшлиқ. Сўз ва фикрлари юрагининг бўм-бўшлигини кўрсатиб туради. Уларда на дард, на изтироб — қалб хувиллайди. Бу — фожиа. Шоир дегани айтган сўзлари билангина эмас, ҳали айтилмаган, изҳор этиш учун қийналиб, азоб тортиб йўл излаётган дил тубидаги эҳтирослари билан қизиқарли. Бу эса унинг ҳар бир шеърда билиниб, сезилиши керак. Шундагина шеър ўйлатади.

Юракка саёҳат воситасига айланади. Ҳа, шеър юракка қайтиш, бир нафас бўлсин юрак оламига, юрак ҳақиқатларига қайтариш санъати. Сўнг ташқи дунёга назар. Ақлий мулоҳаза. Мушоҳада. Дейлики, шеър — яшнаб ёнган лахча чўғ. Лекин у ўзидан анча олис, теран жойда гуриллаб ётган аланга — қалбдаги катта аланга ҳароратини акс эттирмас экан, ҳақиқий шеърмас, фикрий камбағаллик суърати, холос. Юқорида номлари тилга олинган шоирларимиз — Усмон ҳам, Шавкат, Солиҳ ёки Хуршид ҳам мана шундай шеърга қарши.

Уйлаб кўринг: шеър ёзиб, китоб ҳолда нашр эттириш нимани белгилайди? Истеъдод, дид, аниқ ва катта мақсадларга йўналтирилган умид ва армон бўлса, кўп нарсани. Акс ҳолда, ҳеч нимани. Давр ва замон нафаси, ҳаётнинг юрак томирларида оқаётган талаблари бизни курашчан, ҳақ сўз ва одам сийратини ёлгон граждандик, ёлгон олижаноблик, ёлгон бахтиёрлик кайфиятларидан муҳофаза этадиган ҳамда поклайдиган шеърларга чанқоқ қилиб қўйди. Бугунги навирон шоир аввало мана шу ҳақиқатларни англаши керак. У ҳар вақтдагидан кўра сўзга масъул одам. Афсуски, адабиётимизнинг кенжа авлоди ўртасида жанговар сўзга ташна, дид ва савияси кўнгилни кўтарадиган ўзига хос шоирларни учратиш мушкул бўлаётир.

«Авторнинг илк китоби» сериясида бутлур босилган мажмуалардан бир қанчасини ўқиб чиқдим. Тўғри, бу тўпламларнинг баъзиларида қандайдир изланиш самаралари бор. Еш юрак безовталиклари сезилади. Гоҳо яхши топилган образлар дуч келади. Унда-мунда маънодор сатрлар ярқ этиб кўзга ташланади. Бироқ яхлит шеър кам. Ҳатто жуда кам. Нега? Бунинг сабаблари нимада?

Шоирлик — адабий таъсирларга берилган жойда ҳам ўзининг мустақил маънавий қиёфасини тиклай олган характер. Успирин қаламкашларнинг аксариятида худди шу фазилят етишмайди. Иккинчидан, бизнинг минг йилдан зиёд тарихга эга классик шеърӣй меросимиз бор. Бу — руҳӣй теранлик тимсоли. Бу — ҳали кўп авлодлар тинимсиз сабоқ оладиган маҳорат мактаби.

Шеърятда энг олий ибрат намунаси классикларимиз ижоди ҳисобланади. Ешларимиз эса ўтмиш адабиётидан кам ўрганадилар. Уларнинг кўпчилиги ёзган нарсаларни ўқиб беихтиёр Рауф Парфининг:

Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат,
Улуғ Алишернинг кутлуғ тилида, —

мисраларини такрорлагинг келади.

Мана, «Яшаш имкони» номли бир тўплам. Унга уч шоирнинг илк машқлари киритилган. Шулардан бири — Собир Жаббор. У ёзади:

Кеча менинг қонимни ичар,
Томиримга қуйилар кундуз.
Юрак танаввули — севинчлар,
Саломат бўл, заҳматқошим Сўз,
Ҳалол бўлсин толган-тутганинг.

Ушбу сатрлар шеър деб эълон қилинган. Хўш, бу гапларнинг шеърга қандай алоқаси бор? Бизнингча, ҳеч қандай. Аввало, заҳматқош Сўз табиати ва руҳи бунақа бўлмайди. «Юрак танаввули — севинчлар». Ахир, бу чучмал ва ғирт ясама фикр-ку! Ёки у бошқа ўринда «Мисралар пичирлар кўзимда... мусиқамга ўрайман ҳарфни», деб ёзади. Мен, назм-бозлик деганда, айна шундай жимжима сўзларни англайман. Шоирда шеър кайфияти етишмайди. Шунинг учун унинг:

Эҳ!...

Сизлардан сўз сўраб —
Ўлмаган менинг жоним...

дея асоссиз гинахонлик қилишларига ажаб-ланмаса ҳам бўлади.

Собир Жабборнинг шеърлари баъзан жуда силлиқ. «Мен сўзлардан гуллар ясайман». Мана унинг ижодий шиори. Ҳа, Собирнинг машқларига бундан ортиқ таъриф топиш мушкул. Унинг аксари назмлари, ўзи айтмоқчи, сўздан қилинган ясама гуллардай жонсиз. Тароватсиз. Масалан, қуйидаги тақлидда:

Тоғлардан отади ўзини
чаманлар кўйнига насимлар.
Тўлишган дарёнинг ўзани
боғларга нафосат тақсимлар.

Нега дарёмас, «дарёнинг ўзани»? Шеърдан мурод — зарур фикр. Зарур сўз. Образ. Эҳтирос. Ва жонли ифода. Қани улар? Тақир-туқир сўзлар билан шеърхоннинг бошини гангитмаслик керак. Собир буни ўйлаганда керакли сўзни дарров ажратиб олган ва на «тўлишган», на «ўзан», на «тақсимлар» сўзларини исроф қилмаган бўларди. Ёки:

Усмон ота кўчадан ўтса
ҳамма салом берар эъозлаб.
Усмон ота меҳмонлар кутса
ҳамма келиб хизматин созлар...

Бундай эълоннамо тизмаларни қофиялаштиришга сира ҳожат йўқ. Оддий шаклда гапир-вериб лозим. Илк ижодий қадам шунақа бўлса, кейин аҳвол нима кечади? Нега наشريёт ходимлари бундай нурсиз, шуурсиз сатрларнинг чоп этилишига лоқайд қарадилар экан? Бир нарсга дейиш қийин. Тўпламдаги иккинчи бир шоир — Тўра Нормат шеърларининг умумий мундарижаси янада ғариб. Таъсирдан маҳрум.

Мен ҳақман, вассалом,
Бошқа гап бекор.
Кўйинг майда-чуйдаларни,
Отинг бир ёнга.
Бизнинг виждонимиз
Фақат бир нарсга.
У ҳам бўлса
Фидо қилмоқ
Жонни Ватанга.
Мен ҳақман, вассалом,
Бошқа гап бекор...

Ватанпарварлик билан баландпарвозлик бошқа-бошқа туйғу. Мен Тўра Нормат буни фарқига борган деёлмайман. Мабодо Сиз унга «Мазкур фикрларинг ғирт ёлғон. Жонини Ватанига фидо қилмоқ орзусидаги киши бу тарзда кўпирмайди», десангиз у гўё:

Мен ҳақман, вассалом,
Бошқа гап бекор! —

дея болаларча қайсарликдан нарига ўтолмайдиганга ўхшаб туюлади. Мана сизга савия. Дунёқараш. Маслак. Ғоявий тушунча. Ва оригиналлик.

Тўра Норматнинг «Адабиёт эшиги» деган шеъри бор. Мантқиғи суюқ. Унингча, адабиёт эшиги «доимо очик, сира ёпилмас». «Бу оламда» «уни ёпадиганлар» ҳам «асло топилмас». Чамамда у шу сўзлар билан кимлар-

гадир муносабат билдирмоқчи. Шеър сарлавҳаси — «Адабиёт эшиги». Энди эътибор қилинг:

Бу-ку бир шон, бу-ку бир шараф,
Истеъдодинг бор бўлса агар.
Бироқ нечун очик экан деб,
Ҳар ким унга ўзини урар?

Нима «бир шон», нима «бир шараф» дерсиз? Шоир айтмоқчи, «Истеъдодинг бор бўлса агар» адабиёт эшиги «бир шон», «бир шараф». Истеъдоддан башорат этаётган қаламкашнинг гапи бу. Адабиёт эшиги барчага очик. Лекин шу эшикдан ичкари кириш камдан-кам одамларга насиб бўлади. Шуни инобатга олиш керак!

«Майсалар ҳайқириғи» тўпламининг муаллифи Тўра Мирзо ёш жиҳатдан Собир Жаббор билан қарийб тенгдош. Бироқ уларнинг ижодиди анча-мунча фарқ сезилади. Тўра Мирзо қалбни жўшқинроқ. Воқелик ва ҳаёт ҳодисаларини шоирона назар билан илғашга қодирлиги бор. У дилдан куйиниб гапирмоқчи. Шеърят даргоҳига юрагида «охи бор»ларгина кириб боришига инонади. Унингча:

Шоирлар дунёни ишонмас тунга,
Кўзлари Ватанни кўриқлар бедор.
Ём бўлмасин халқнинг эрки кузгунга,
Дармонсиз имонни босмасин ағёр.

Тўрада кенг фикрий миқёсларда сўзлаш истаги борки, буни ҳам таъкидлаш керак. У гоҳ оддий ҳодисалардан одамни юрт, халқ тақдир ҳақида ўйлатадиган умумлашмалар чиқаради. «Майсалар ҳайқириғи»да «Рассом», «Эртақдан сўнг» сингари уч-тўрт дуруст шеър бор. Аммо улар на тўпламнинг ғоявий-бадий кучини белгилай олади, на шоирнинг ўзлик қиёфасини кўрсата билади. Ҳўш, китобчада нималар етмайди? Ёш шоир қайси томонлардан оқсайди?

Тўпламдаги шеърларни ўқиб чиққандан сўнг биринчи бўлиб дилингиздан шундай фикр кечади: бу ёш авторда ҳали шеърини малака шаклланиб улгурмаган. У шеърнинг шеърлигини таъминлайдиган поэтик омилларни таҳминан англайди. Ва бир жойда ер тепаётган кишига ўхшаб, у ёки бу шаклда ўзини кўп такрорлайди. Сизунинг нур ҳақидаги, биргина нур образи билан боғлиқ мисраларини хотирлайсиз. Ва ҳайрон қоласиз. Мана, улар қанчалик кўп. «Тадорук» шеърида:

Жамлаб кўзларимнинг асл нурларин,
Сочдим кўксингдаги қадим аламга.

«Нурга оқликни бериб, Қорасин ют кўкракка». Бу — «Ватан» шеърида. Бошқа жойда ўқиймиз:

Ораликка нурлар йўл солди,
Мен томонга чолмоқда чироқ.
Нурлар томон қулочим эзиб,
Мен чопаман ёғдуга муштоқ.

Шоир яна шеър бошларкан, дейди: «Ойнинг ёруғида кезамиз, Нурлар сийпалайди вужудимизни». Ҳали олдинда «Нурни тортиб олар қуёш юзимдан», «Эски орзуларни нурларга белар», «Кўзим, нурингни бер юлдуз яшасин», «Нурларга урилар бесасгина ун», «Ҳар тонг уни нурлар уйғотар» каби бошқа шеърлардаги қатор-қатор мисралар бор. Гап, албатта,

образнинг тинимсиз қайтарилишида эмас. Унинг ғоявий-бадий ҳаракатларини таъминлай билмасликда.

Тўпламдаги асосий камчилик шундангина иборат эмас. Унда тақлидчилик руҳи ҳам устун.

Қишлоғимда майсалар бедор,
Бизнинг чироқ бедордир яна.
Тошлоқ йўлга бермай деб озор,
Аста юриб бораялман, она, —

деб бошлайди Тўра Мирзо «Қайтиш» шеърини. Шундай оҳангга олдин дуч келмаганмисиз? Келгансиз. У Рауф Парфиники:

Яна қайтиб келдим. Чанг тўзган.
Йўлимизни соғиндим, она.
Том устида майсалар ўсган,
Уйимизни соғиндим, она.

Қаранг, қанчалик тақлид. Такрорий ўхшашлик. Бундай йўлда шеър ёзиш осон. Мустақил ижод бўлак. Унинг машаққатларидан қочмаслик керак.

Матбуот саҳифаларида ҳаваскор шоирларнинг шеърлари кўплаб эълон қилинади. Уларнинг аксари изланишларида истеъдод нишонлари кам кўринади. Баъзи шоирлар нима эҳтиёждан қўлга қалам олишаётганлигини ҳам билишмайди. Фикрлар айқаш-уйқаш. Ҳаддан зиёд мужмал.

Табиатда сеҳр, ишва, ноз,
Қиш кезади сархуш уфқда.
Булут — гўё ғижим бир қоғоз,
Қуёш унда чаплаган нуқта.

Худойберди Эшонқуловнинг табиат ҳақидаги тасавури бу. Булут — ғижим қоғоз. Қуёш — чаплаган нуқта. Бундан саёз, ғариб қиёс топилмаса керак. Табиат ҳақида сўзлаш, табиатни тасвирлаш — фавқулдда илҳом, завқланиш демак. Шундагина шеърхон қалбига таъсир ўтказиш мумкин. Х. Эшонқуловга ўхшаб Муҳаммад Ҳайдаров ҳам табиат тўғрисида жуда эснаб, чайналиб ёзади. Гўзаллик, нафосат ҳиссининг қимматини ерга уради. У бир шеърда куз осмонини «Бўсадан кўкарган сулув кўкси»га ўхшатадики, бу

чучмал. Ёки унинг қўидаги сатрлари ҳам шеърый идрок билан битилган деб бўлмайди:

Баҳорнинг келини — сулув мажнунтол
Шамолда кокилин тарар силкитиб.
Булутга бурканиб, адоват билан
Осмон хўмраяди юзин беркитиб.

Ёшларнинг ижодда шакл ранг-баранглигига интилишлари яхши. Бироқ бу интилиш мазмун моҳияти билан ўзини оқлаши шарт. Кўчқор Бекмуродовнинг бир қатор шеърлари учлик шаклида ёзилган. Гап шундаки, Қ. Бекмуродовнинг учлик ёзиши — беҳуда оворагарчилик бўлган. Уларнинг кўпчилигидаги маъно бирор бир поэтик шаклга алоқаси йўқ гаплар.

Хув, машина ғизиллаб ўтди,
Пайқамади мўйловдор йигит —
Қўл кўтарган устози эди.

Хўш, нима бўлибди шунга? «Мўйловдор йигит»ни «пайқамаган»лиги учун айблашга асос йўқ.

Кўприк созлаётган чолга
Уғли беларво қараб ўтди,
Чунки, у ариқдан сакрай олади.

Бу қандай ҳикмат? Қ. Бекмуродов «ҳикматнавис»ликка берилиб кетиб, яна бир айб иш қилади. У баъзи шоирларнинг кўпчидикка маълум ва машҳур фикрларини ҳам ўзиникидай қилиб тақдим этаверган. Қўидаги фикрларни у эмас, ундан анча вақт муқаддам Қайсин Қулиев айтган. Фақат учлик шаклида эмас.

Ватанга отилган ўк
Авалло шоирнинг юрагига қадалади.
Чунки, Ватан унинг қалби.

Абдулла Орипов оддий тарзда: «Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир», дейди. Бу сўзларда олам-жаҳон маъно бор. Ҳа, шоир бўлиш осон тақдир эмас. Бунда ҳаваснинг ўзигина камлик қилади. Шоирликни ёшларимиз бутун мураккабликлари билан ҳис қилиб, англаб, сўнг қалам тебратишлари лозим. Токи, шеър меҳнати ҳавасдан бошланиб, шунчаки ҳавас чегарасида қолиб кетмасин.

Инқилоб қўшиқлари



Гулом Дастигир Панжширий. Зиндон элчиси. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти. Тошкент — 1984.

Афғонистоннинг кўзга кўринган, забардаст инқилобий шоири Гулом Дастигир Панжширийнинг шеърлар тўплами ўзбек тилида нашр этилди. Тўплам марҳум академик Воҳид Зоҳидов ва шарқшунос олим Ориф Усмоновларнинг кириш сўзи билан бошланади.

Бутун умрини озодлик ва адолатли ижтимоий тузум қуриш учун курашга бағишлаган Панжширий 1933 йилда Парвон вилоятига қарашли Панжшир вулус-волиси (райони)нинг Қобизон қишлоғида, камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У 1958 йилда Кобул университети тил ва адабиёт факультетини муваффақиятли битирди. Панжширий университетда таълим олиб юрган пайтларда истибодга қарши курашга отланган инқилобчилар билан танишди ва ҳукмрон феодал-монархия зулмига қарши бошланган революцион курашда фаол иштирок этди. У 1965 йил биринчи январда қақирилган Афғонистон Халқ демократик партияси таъсис съездида қатнашди ва партия Марказий Комитетига аъзо қилиб сайланди.

Панжширийнинг инқилобий руҳда, ижтимоий тузум ва социал адолатсизликка қарши ёзган илк шеърлари 50-йилларда

«Шугуфон» тахаллуси билан эълон қилинди. Шоир сиёсий эътиқоди туфайли Зоҳир Шоҳ салтанати ва ҳукмрон синф намояндалари томонидан қаттиқ таъқиб қилинди, қамоққа ташланди. У 13 йил зиндон жафосини чекди.

1973 йил июль ойида Афғонистонда рўй берган давлат тўнтаришидан сўнг Панжширий зиндондан озод этилди, бироқ қаттиқ таъқиб ва таъйиқлар остида яшади. У Афғонистоннинг турли шаҳар ва вилоятларида партия сафини мустаҳкамлаш, эзилган меҳнаткаш халқни инқилобий курашга қўзғатиш учун қўрқмай иш олиб борди.

1978 йил Апрель революцияси, айниқса унинг янги босқичи (1978 йил 27 декабрь)дан сўнг шоир Панжширий ижтимоий-сиёсий фаолиятда жуда фаол қатнашди. Ҳозир у Афғонистон Демократик республикаси революцион кенгаши ва Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси ҳамда Афғонистон Ёзувчилар союзи правленийсининг раиси сифатида самарали хизмат қилмоқда.

Инқилобчи шоир ва публицист Панжширий шеърларининг асосий мавзуи эзилган меҳнаткаш халқни озодлик, бахтли ҳаёт ва янги жамят қуриш учун курашга чорладан иборат.

Шоир «Кураш таронаси» шеърида Афғонистон ёшларини истибод, ғам, алам ва ғурбатга қарши озодлик ва эркинлик учун мардонавор курашга даъват қилади:

*Бил. кураш — эркин ҳаётга йўл очур.
Бахтга етгай мард элим қудрат билан.*

«Қўзғалиш ва кураш» шеърида эса эзилган захматкаш халқни жабр-зулм кишанларини парчалаб ташлашга чорлайди:

*Синдиринг занжирларни,
Кишанларни узингиз.*

*Тўфон бўлиб, истибод —
Тўғонларин бузингиз.*

Шоир афғон халқининг адолат ва ижтимоий тараққиёт, эркинлик ва янги ҳаёт учун олиб бораётган кураши галаба билан яқунланишига комил ишонч билдиради. Панжширий ижодида ишчилар синфининг синфий курашларда тутган ўрни, янги ҳаёт қуришдаги роли ва аҳамиятини куйлаш алоҳида ўрин тутади. Унинг зиндонда битилган, ҳаётбахш руҳ билан суғорилган «Олий ният», «Хитоб», «Ҳиндикуш фотиҳа»

си», «Ишчи шиори», «Мангу кўклам», «Эркинлик» шеърлари ишчилар синфининг халоскорлик қудратига бағишланган.

Шоир Панжширий ижодида адолатсизликдан жафо чеккан, элга, ватанга муносиб ёш авлодни тарбиялаш йўлида беҳад машаққатлар чеккан она мавзуи ҳам алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, афгон аёллари, эркесвар қизлари ўз халқининг озодлик ва мустақиллик учун кураш тарихида сўнмас из қолдирди. Адолатсизликка қарши исён кўтарган шоира Робия Балҳий, инглиз мустамлакачиларига даҳшат солган Малолой каби эрк ва озодлик йўлида халок бўлган хотин-қизларнинг сўнмас руҳи ҳозирги афгон аёллари ва қизларига мадад бермоқда. Ватан озодлиги, мустақиллиги учун империалистик кучларга, ашаддий душманларга қарши курашда жонбозлик ва қаҳрамонлик кўрсатаётган афгон аёлларининг жасоратларини Панжширий ифтихор билан куйлайди.

Панжширий зиндон қаърида ётиб, ғоявий жиҳатдан юксак, сермазмун, китобхонларга эстетик завқ бағишлайдиган, уларни озодлик курашига даъват этадиган шеърлар яратди. Бу шеърлар келажакка бўлган ишонч руҳи билан тўлиб-тошгандир.

Тўпلامдан жой олган «Буюк Октябрь» шеъри ҳам ғоятда таъсирли ёзилган. Шоир Улуғ Октябрь жаҳон халқларига истиқбол бахш этганини, Советлар юртининг шон-шухратини тўлқинли мисраларда ифодалайди:

...Кишанлар узилди,

тахтлар бузилди.

Уроқ-болга иттифоқи тузилди!

Хилпирар бош узра

байроғи гулгун.

Ленин даҳосидан

нурланиб бутун.

Ўз Ватанининг содиқ фарзанди, ватанпарвар, инқилоб жарчиси Панжширий интернационалист шоир сифатида халқлар бирлиги ва мустақкам дўстлиги ҳақида ҳам ёниқ шеърлар яратган.

Панжширий шеърларида матонатли инсон сиймоси яркириб кўринади. Беҳад азобуқубатлар, аёвсиз зиндон азоблари, риёкор Амин давридаги қувғинлар, тухмат-надоматлар, руҳий изтироблар шоир иродасини синдиrolмади, уни курашдан четга тойдиrolмади. Панжширий жафокаш афгон халқи билан бир тан, бир жон бўлиб, зулм ва истибдодга қарши кураш йўлида қурбон бўлишдан асло қўрқмайди.

Толмас курашчининг шеърлар тўплами ўзбек тилида биринчи марта чоп этилди. Ана шу нашрни амалга оширган Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти таҳсинга сазовор катта иш қилди.

Адиб шеърларини ўзбек тилига сўзма-сўз ағдариб берган истеъдодли афгон шоири Абдусалом Осим ва таржимонлар — Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Алининг улкан хизматини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Маъмуржон НИШОНОВ.

Чехралар соғинчи



Сафар Барноев. Чехралар. Тошкент — 1984 йил.

Ҳаётдаги ва табиатдаги воқеа-ҳодисаларни ҳар бир адиб ўзи яхши билган ва англаган, юракдан ҳис қилган томонларини кўпроқ акс эттиришга ҳаракат қилади. Шоир Сафар Барноев эса болалиги уруш даврига тўғри келган авлоднинг кўнглига тошдек зил чўккан соғинч туйғуларини, қалб жароҳатларини ҳам насрда, ҳам шеърда ифодалашга кўпроқ майл кўрсатади. «Чехралар» мажмуаси ана шу кечинмаларнинг шеърый шаклга кирган янги тўлқини. Зеро, шоирнинг лирик қаҳрамони ҳам буни ҳақли равишда таъкидлайди:

...Бугун эса

Юрагим —

Соғинчдан яраланган.

Яраланган қалблардан

Бугунги кун яралган.

Улуғ Ватан уруши инсоният қалбида ўчмас олов ёқиб кетди. Бугунги авлод шаҳид фарзандларнинг ёруғ хотирасини муқаддас сақлаб, уларнинг ушалмаган армонли ниятларини амалга оширмоқда, порлоқ истиқбол йўлида тер тўкмоқда. Ана шу ҳаётий ҳолат «Уруш болалари» шеърда яхши ифодаланган.

Шоир «Уруш болалари»да фикр ва туйғунинг уйғунлигига эриша олган. У мажмуадаги энг яхши шеърлардан бири саналади.

Шунингдек, С. Барноевнинг «Тунда оёйишталик чўкканида борлиққа», «Ўч бурчак мактублар», «Қўшни кампир илтижолари», «Менинг ўз бурчим бор», «Бобомнинг қўллари», «Отамнинг ўртоқлари» сингари ўнлаб шеърлари ҳам уруш ва инсон тақдири масаласини тадиққ этишда ўзига хос йўналишга, оҳангга эга.

Мажмуадаги барча шеърларда уруш ва инсон тақдири масаласини турлича ёритишга интилиш бор. «Жаббор отанинг айтганлари» шеърда урушда бедарак йўқолган ўғлини ҳамон интиқ кутаётган, ўз меҳрига ўзи исиниб яшаётган мўйсафиднинг армонли ҳасратини эшитамиз: «Ука, мен

сенга айтсам» эса урушда кўплаб жароҳат орттирган, ҳозирги кунда ҳам баъзи олчоқ ва «қочоқ»лардан юрагидаги жароҳати кучайган жангчи ўз кўнглини бўшатади. «Отамнинг ўртоқлари»да олтмишнинг тенг ярмида ота деган номга эга бўлган лирик қаҳрамонни кекса жангчилар гоят иззат қилишади («Отам ўрнида кўриб, улар мени сизлашар»); уларнинг борлигидан лирик қаҳрамон ҳам чексиз фахрланади. Улар юртни ёвдан сақлаб қолишган, бугун эса ҳамон ҳаёт жабҳасининг олдинги сафида. Шу боисдан ҳам отасининг ўртоқлари олтмишдан ошиб қолса-да, белидаги белбоқлари жангчининг камарини эслатади.

Хуллас, ҳар бир шеър ўз маъно йўналишига, мундарижасига эга. Шу ўринда уруш ва инсон тақдир масаласининг бадиий талқини билан боғлиқ баъзи камчиликларни айтиб ўтиш жоиз. «Болалар учун ёзинг, кўплаб ёзаверинг, — дейди В. Г. Белинский, — лекин фақат шундай ёзингки, китобингизни катталар ҳам мароқ билан ўқиб чиқсин, орзу кучи билан ёруғ гўдаклик йилларини ҳаёлдан кечирсин... Энг муҳими, иложи борица, ўғитбозликка, панд-насихатга, эзмаланиб сафсата сотишга берилмаслик керак: буни катталар ҳам ёқтирмайди, болалар эса ундан нафратланади». Мажмуадаги баъзи шеърларда эҳтиросли, образли ифода ўрнини декламацияга яқин тантанали, дабдабали сатрлар; жарангдор, жўшқин мисралар ўрнини ички тўлқини, руҳи сўник насрга мойил сўзлар эгаллаб олган. Хусусан, «Кўшнимиз жангдан қайтди» шеърда шундай:

Тинчлик истайди замин,
Истар,
Истар омонлик.
Кўшнимиз айтганидек
Тугар
Евуз ёмонлик.
Кўрқитолмас атомлар,
Кўрқитолмас атомлар,
Кўлини-қўлга ташлаб
Турганида одамлар.

Ушбу парча изоҳга муҳтож эмас. У кўпроқ шиорларни, шиор хитобларини эсга солади. Шунингдек тушунтириш, изоҳ ҳам шеър табиатига асло сингишмас экан. У ҳам ўғитбозликнинг бошқача бир кўринишига ўхшайди. «Қушчаларим кўшиғи» шеърда худди шу хилдаги камчиликка дуч келамиз. Мана, бир мисол.

Кўркув билманг,
Кўркув билманг,
Йўқдир менинг қафасим.
Қафас бўлса, тинчлик бўлмас,
Бўлмас сира омонлик.
Қафас ўзи — нотинчликдир,
Қафас ўзи — ёмонлик.

Кўп ўринларда эса тасвир ўрнини баён эгаллайди:

Сизга боқиб турган бу чол,
Биласизми ким эди.
Ботир эди,
Жўмард эди,
Ғамхўр муаллим эди.
Енидаги овунчоқмас,
Унинг қўлтиқтаёғи.

Қутлуг жангда қолиб кетган
Унинг икки оёғи.
Ўқинмайди,
Ўқинмайди,
Эркин олар нафасни.
Чунки бу чол яксон этди
Уша ёвуз қафасни.

Икки оёғини жанг майдонида ташлаб ногирон қайтган мўйсафид лоқайд кўргазмали қурол бўлиб қолгани йўқ (шу жумладан қушларга ҳам). Гоят драматик, изтиробли ҳолатни бунчалик ҳисси ва лоқайд шарҳлаш мумкин ҳам эмас. Ушбу шеърда қушлар ҳақида сўз боради-ю, қушларнинг ўзи йўқ; «тинчлик бўлсин, тинчлик бўлсин» дея қайта-қайта гапирилади-ю, тинчлик ҳақида конкрет, эсда қоладиган фикр йўқ. Шеър қушчалар кўшиғи эмас, лирик қаҳрамоннинг узуқ-юлуқ ва тумтароқ сўзлари йиғиндисига айланиб қолган. «Қушчаларим кўшиғи»даги қофияланиш тартибида: омонлик-ёмонлик ва нафас-қафас икки марта, куйланг-сўйланг тўрт марта қайтарилади. Бу хилдаги қайтариқлар шеърнинг ички руҳини сўндиради ва фикрий такрорларни вужудга келтиради. Бу — бир шеър учун ортиқчалик қилади. Булар шоирни шеърга сайқал бериш маҳоратини такомиллаштириш учун муттасил изланишга даъват этади.

Баъзи шеърларда эса сўзга масъулиятсизлик, кўп сўзлик фикрий қайтариқларни, баёнчиликни юзага келтиради. («Икки дўст ҳақида баллада», «Қасам ҳақида баллада», «Адашган хабар балладаси» каби). Чунончи:

Минг бор, минг бор кўкардигу
Минг бор яна сўлдик биз.

Мен-ку минг бор тирилдим,
Минг бора ўлдим яна.

Минг бор қайта туғилиб,
Минг бор қайта ўлдингиз.

Аксари ўринларда қатор-қатор сатрлар такрори учрайдики, бундан на эмоционал таранглик юзага келган, на шеър фикрий жиҳатдан бойинган. Қайтага маъно сусайиб манзара ва ҳолатлар устма-уст чаплаштириб юборилган. Хусусан:

Косиб бувам оғаларга
Тикар эди ғарч этик.
Бувам доим тикар эди
Суриштирмай, сўрамай.

Кўклам — баҳор бошланди.

У шошарди, шошарди,
Шошарди уйи томон.

ва ҳоказо.

Хуллас, кўп сўзлик, фикрий такрорлар, баёнчилик, панд-насихатга мойиллик каби нуқсонлар тўпلامдаги шеърлар савиясига маълум даражада пугур етказган. Шоир кейинги изланишларида уларни бартараф этишига ҳамда теран маъноли ва ёрқин шеърларни кўплаб ёзишига умид қиламиз.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари кандидати

Саид Равшанов

ЧОРДОҚДАН ОТИЛГАН ЎҚ

Қисса¹

* * *

Саъва ёғ заводининг қўйи томонидаги кўчада, усти шиферли уйда яшарди. Уйнинг ўнг томонидан асфальт йўл ўтган, келди-кетдига айни қулай жой эди. Уйнинг пастқам деворини йўл томондан қалин дарахтзор тўсиб турарди. Ҳовлининг ўнг томонидан кичик дарча эшик қўйилган. Эшиқдан тўғри йўлакка чиқилар, йўлакнинг девор тарафини одам бўйи бута пана қилиб туради. Уй Саъвага бундан ўн уч йил бурун вафот этган бувисидан мерос қолган эди. Саъванинг ҳақиқий исми Соня экан.

Уйда Гладиатор ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирарди. Магнитофон қўйилган, жарангдор куй янграмоқда. У магнитофон овозини пастлатди. Чой ҳўплаётиб, хаёлга чўмди. Одати шунақа. Ҳар гал янги режасини амалга ошириш олдидан уни обдон ўйлаб, пишиқлаб олади.

Пакана бу уйда Гладиатор чақирган пайтдагина пайдо бўларди. Бугун у ўткинчи енгил машинада келдию сал нарироқда тушиб қолди. Қолган масофани атрофга аланглаб қараганча, имиллаб босиб ўтди.

Пакана ён томонидаги эшикни очиб кирди. Ичкарига қараб:

— Ишлар жойида, шеф, — деди. — Машина худди айтганингиздек қилиб тайёрланди.

— Бўлмаса эшит! — деди Гладиатор. — Саъва, мол келибди, деб хабар қилди. Фаррош танишидан билибди. Тушдан кейин сотишаркан. Соат бирларда йўлга тушамиз. Яхшилаб қулоғингга қўйиб ол, қовурға, ўлжа жуда катта. Қўлга ололсак, бир умрга ётиб ейишингга етади.

Гладиатор ўз режасини унга тушунтириб, қандай ҳаракат қилиш кераклигини ўқтирди. Босиб ўтиладиган маршрутни стол устида турган китоб муқовасига чизиб кўрсатди.

— Тушунарли, шеф! Ҳамма иш худди айтганингиздек бўлади.

— Мен, Шайтон, Барзанги — учовимиз борамиз. Ҳозир уларга бир нарса деб ўтирма, йўлда ўзим айтаман. Шай туришсин! Барзанги эса чиқаверишдаги кўприк устида кутсин. Айтганча, унинг яшаш жойи хатарсизми?

— Ҳа, шеф! У тахта кўприқдан нарироқда, бир пиёниста чолникида туради.

— Жуда соз. Шайтонга айтиб қўй, уни кўчанинг муюлишида кутаман.

* * *

Майор ўз хонасида сигарет тутатган кўйи кейинги кунлардаги қидирув натижаларини хаёлида қайта-қайта таҳлил этаётган пайти телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман!

— Навбатчиман, — трубкадан жарангдор овоз эшитилди. — Чори телефон қилди. Шовқин зўр экан, мотор овозидан сўзларини тузукроқ англаб бўлмади. «Пешин... очилиши билан... чаққонлик...» каби узук-юлуқ гаплар. Чамамда, аллақандай операция тўғрисида гапирди...

— Қайси жойдан телефон қилди?

— Когон шаҳридан, деганини чала-чулпа англай олдим.

— Демак, Когон шаҳрига... — майор дарҳол трубкани ўрнига қўйдида стол

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

тортмасы юқорисида ўрнатилган тугмачани босди. Хиёл ўтмай эшиқда котиба қиз кўринди.

— Очил Мирзаевни чақиринг!

Капитан хона эшигида кўринганда майор кителини кийиб, ўрнидан қўзғалган эди.

— Ҳозиргина хабар қилишди, — деди у шошиб. — Гладиатор операцияни бошламоқчи. Ҳар эҳтимолга қарши лейтенант Сатторовга ёрдамчи куч юборинг! Унга тайинланг, ҳушёр туришсин. Зудлик билан оператив группани йиғинг. Мен полковник ҳузурида бўламан.

Зафар Каримов полковник Сайфуллаевни бошқарма ошхонасидан топди. Қулоғига шивирлаб, воқеани айтгач, полковник олдидаги косани нари сурди.

— Қани, кўрайлик-чи, бу сафар қандай қаромат кўрсатаркан у кўппак, — деди у лабларини салфетка билан артаётиб. — Чорининг телефонда айтган сўзларидан бир нарсани англаб олиш қийин экан, майор.

— Балки аниқроқ маълумот беришининг иложи бўлмаётгандир. Уни жиноятчилар ўз ёнларидан жилдиришмаётгандир?

— Эҳтимол.

Иккиси тез-тез юриб, навбатчи хонасига киришди. Полковник алоқа пультаининг ёнига ўтириб, навбатчига буюрди.

— Когон шаҳар ички ишлар бўлимини уланг!

— Уланди, гапиринг, ўртоқ полковник!

— Алло, шаҳрингизда ўғрилар тўдаси юрибди. Банк, магазинлар, инкасаторлар — барчаси оғоҳлантирилсин! Оператив группа тайёр турсин! Ёрдамчи куч тезда етиб боради. Зудлик билан ишга киришинг!

— Энди мени Бухоро шаҳар милицияси билан боғланг!

— Тайёр!

— Алло, подполковник, бу менман...

— Эшитаман, ўртоқ полковник, — деган овоз эшитилди трубкадан. — Алоқа пульти олдидан узоқ кетманг! ГАИ ходимлари доимий алоқада бўлсин!..

— Есть ўртоқ полковник!..

Очил Мирзаев рухсат сўраб кирди.

— Оператив группа тайёрми? — сўради Файзи Сайфуллаев.

— Тайёр, ўртоқ полковник.

Полковник майорга юзланди.

— Қани, йўлга тушинглар, ўртоқ майор! Эҳтиёт бўлинглар, жиноятчилар қуролланган, сийлаб ўтиришмайди. Изларингдан яна тезда ёрдамчи куч етиб боради.

* * *

Зафар Каримович бошлиқ оператив қидирув группа тушган машина Когон томонга кафтдек текис асфальт йўлдан ғизиллаб кетаётган бир пайтда Гладиатор тушган машина «Когон» совхозни оралаб ўтиб, Баҳовуддин мақбараси тарафдаги иккинчи йўлдан Бухорога томон қараб елдек учиб борарди.

Тушлик пайти охирлаб, магазинлар, бирин-кетин очила бошлаган эди.

Микрорайондаги заргарлик буюмлари магазини олдида ўн-ўн беш чоғли харидор магазин очилишини анчадан бери сабрсизлик билан кутиб туришарди. Ниҳоят, магазин очилиб, харидорлар ичкарига ёпирилиб киришди. Витринада янги моллар: ҳар хил жавоҳирот, олмос кўзли олтин сирғалар, узуклар...

Энди савдо бошланган аснода магазин рўпарасига сариқ «Жигули» келиб тўхтади. Ундан граждан кийимидаги уч киши тушди. Учови баравар юриб, тўғри магазин томон йўналди. Сотувчи қиз уларни кўриши биланоқ сергакланди. Тўғридаги иккинчи хона эшиги ним очик эди. У ерда мудира катта темир сандиқдаги қимматбаҳо заргарлик буюмларни қайта жойлаштириб, тартибга келтираётганди. Янги келган харидорларнинг бири харидорлар орасига суқилиб, сотувчи қизга:

— Биз область халқ контроли комитетиданмиз. Мудир қани? — деди.

— Ичкарида! — деди сотувчи қиз чўчиган овозда. — Чақирайми?

— Ҳа, айтинг, тез чиқсин!

Тўрдаги хонадан ёши қирқлардан ошган, сепкилдор миқти аёл чиқди.

— Ассалом, — деди у қаддор, мўйловли кишига қараганча қўлини кўксига қўйиб. — Хизмат, акамулло?

— Биз... ташвишли маълумот юзасидан келдик. Магазинга келган молларнинг бир қисми чайқов бозорига чиқарилар экан. Шуни аниқламоқчимиз. Дарҳол савдони тўхтаиб, магазинни бекитинг!

— Хўп, акамулло! — деди капалаги учган мудира тили тутилиңқираб, сўнг тизилишиб навбатда турган харидорларга мурожаат қилди:

— Илтимос, магазинни бушатинглар. Кўриб турибсизлар, текшириш, савдо йўқ.

Харидорлар норози оҳангда «эсиз шунча кутганимиз» дейишиб, бирин-кетин ташқарига чиқа бошлашди.

— Ажаб бўлди, — деди семиз бир аёл бидирлаб, — Буларнинг додини шулар беради. Боплаб таъзирини ейишсин... Кейин минбаъд наёб молларни чайқовчи тиниш-билишларига оширмайдиган бўлишади.

Мудира эшикни ёпиб, иллагини илди. Мўйловли киши от юзли шериги билан мудира изидан тўрдаги хонага кирди. Ичкаридаги столда чўт қоқиб ўтирган ўттиз ёшлардаги кўзойнакли жиккак киши ўрнидан туриб, нотаниш меҳмонлар билан қўл бериб сўрашди. Сўрашдию қўққисдан бўйнига тушган зарбадан шилқ этиб йиқилди. «Харидор»лардан бири тўппонча ўқталиб, икки аёлни бурчакка қисди. Улар кутилмаган воқеадан қаттиқ қўрқишганидан нафас ютиб туришарди.

Мўйловли киши шоша-пиша ним очиқ темир сандиққа ёпишди. Қўйнидан халта чиқариб, сандиқдаги қимматбаҳо молларни апил-тапил олиб, халтага сола бошлади. Эшикда қўриқчи бўлиб турган ғўлабир киши ҳам пештахта устидан ошиб ўтиб, шериклари турган хонага кирди.

— Тезроқ тинчитинглар! — деди мўйловлиси икки ҳамроҳига. — Имиллаб бўлмайти, шошилиш керак!

От юзли киши тўппончасини ғўлабир шеригига оширди ва эпчиллик билан чўнтагидан йилтироқ темир қутича чиқарди. Унинг ичида пластмасса шприц-тубиклар турарди. Улардан бирини олиб, лаблари қалтираб ранги бўз бўлиб турган мудир аёлни қўлини маҳкам ушлаб, билагига суқди. Сўнг қўрқувдан кесадек қотиб турган сотувчи қизга укол қилди. Орадан бир сония ўтар-ўтмас, иккиси ҳам кўзларини юмганча ўтириб қолдилар.

— Телефон симини узинглар! — деди мўйловлиси.

Жиноятчилар бирин-кетин ташқарига чиқдилар. Орқада қолган ғўлабир киши негадир телефон апаратини узмади, аксинча, ошиғич равишда рақам терди-да, паст товушда:

— Мен... Эски шаҳардаги заргарлик магазини, тезда келинлар, — деди-да, шитоб билан кўчага отилди.

Улар магазиндан чиқиб машинага ўтиришганда, шаҳар тарафдан сирена овози эшитилди. Гладиатор бирдан сергакланди.

— Тезроқ ҳайда! Қуролни шайла, Барзанги!

Чори (ғўлабир киши унинг ўзи эди) чўнтагига қўл солаётиб, бир лаҳза ўйга толди. «Ҳали қочиб қолишмасайди-я? Нега қувишмаяпти?... Туяфаҳмлигим қурсин! Қанақа машинадалигимизни билдириш эсимдан чиқибди-ку! Ҳали бизни пай-қашмаса-я?...»

Гладиатор орқа чўнтагидан тўппончани юлқиб олиб, дастасини маҳкам қисди. Олдиндаги биринчи чорраҳадан ўтилгач, Шайтон машинани ўнгга бурди. Шу пайт иккинчи йўлдан сирена чалганча улар келган томонга кетаётган милиция машинасини кўрдию ташвишли овозда:

— Шеф, иш чатоқ! — деди. — Изимизга тушишмасайди ҳали?

— Сезяпман. Беркинишга улгурамиз... Чалғитиш керак! Жинкўчаларга етиб олсак бўлгани.

Шайтон машина кабинасидаги кўзгуга тез-тез қараб-қараб қўярди. Кўзгуда пешойнаи иккита сариқ мотоцикл кўринди.

— Шеф, орқада дум! — деди Шайтон яна баттар ташвишланиб. — Изимизга тушишди!

Гладиатор кўзгуга бир қараб олди.

— Газни бос! Чапга бур! — У яна кўзгуга қаради. Орқадан келаётган икки мотоцикл шаҳар ташқарисидаги эски мачит харобаси ёнидаги чорраҳадан ёширт заводига борувчи йўлга бурилди.

— Хабар топишганга ўхшайди, — деди Гладиатор. — Шаҳар чеккасидаги йўлларни ўраб олишяпти.

Жиноятчилар тушган машина елдек учиб, Қаландархона маҳалласига етган, нон заводи тарафидаги кўчадан эски шаҳарга йўналди.

Ҳозир маҳалласидаги эски қабристонга яқин қолганда, Гладиатор бирдан:

— Тўхтат! — деб бақирди. У шарт тескари ўгирилиб, орқа ўриндиқда сергак бўлиб ўтирган Барзангига юзланди: — Тез тушиб қол! Маконда учрашамиз. Барзанги итоат этиб, машинадан тушиб қолди.

Машина Гавкушон маҳалласини ортда қолдириб, Самарқанд кўчасига бурилди. Эски аптека базаси ёнидаги муюлишда Пакана «Ява» мотоциклини ўт олдириб, шай бўлиб кутиб турган эди. Машина унинг ёнида сал секинлади. Гладиатор халтани машина деразасидан Паканага ошириб:

— Ҳушёр бўл, полундра! — деб қичқирди.

Пакана зумда мотоциклини тор кўчага қараб бурди. У бир неча жинкўча-

лардан айланиб ўтиб, Чорминорга етгач, у ерда кутиб турган Саъвага халтани топширди-да, яна изига қайтди.

Шайтон машинани тор кўчадан буриб, пахта тозалаш заводи клубига яқинлашганда Гладиатор:

— Тўхтат! — деди. — Кийим қани?

Шайтон орқа ўриндиқ тагида қоғозга ўроғли турган нарсани олиб унга берди, Гладиатор машинадан тушаётиб, Шайтонга буюрди:

— Холироқ кучага киргач, машинани ёқиб юбор! Эртага сени ўзим топиб оламан.

Гладиатор клуб орқасидаги ҳожатхонага кириб, кийимини алмаштирди. Кулранг лавсан шим, енги калта кўйлак кийди. Ечган кийимини ҳожатхона тубига улоқтирди. Епиштирилган мўйловини юлиб ташлади. Ташқарига чиққач, қора кўзойнагини тақиб, катта йўл томон илдамлаб кетди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ГАИ ходимлари Чорбаққол маҳалласидаги эски ташландиқ сарой ичида сариқ тусдаги «Жигули» машинаси ёниб ётганига дуч келишди.

* * *

Эгнида ола-була гулли кўйлак, кўзига қора кўзойнак тақиб, елкасига «Зенит» фотоаппаратини осиб олган қирра бурун, малласоч Саъва ўзини бу шаҳарга биринчи бор келган сайёҳдай тутишга уринарди. У Ленин хиёбонидан ўтиб, истироҳат боғига йўл оларкан, юраги олатасир урарди. Учрашиш жойи, парчи аввалдан келишилган бўлса-да, фавқулодда бирор тасодиф юз бериши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

Эрталаб уйига Пакана келганида Саъва ошхонада куймаланиб юрарди. Эшик ним очиқ эди. Гладиатор билан Пакананинг гапи унга аниқ эшитилар, у суҳбатни диққат билан бошдан оёқ тинглаганди.

— Алоқачи бўлиб ким боряпти, шеф? — сўраб қолди бирдан Пакана.

— Саъва, — деди Гладиатор, — у бунақа ишда жуда синашта, пишик, Унга Қулоқнинг суратини кўрсатиб, ғойибона таништирдим.

— Ишни бемалол битказиб келишига ишонасизми? — деди Пакана, гўё Саъвага кўнгли тўлмаётгандек бўлиб.

— Кўнглинг тўқ бўлсин. Саъва бундай ишларни биринчи марта бажараётгани йўқ. Қаёққа юбормайлик, ишни қойиллатиб қайтади. У ҳозир бурунги лапашанг Саъва эмас. Ҳу ўша биз оширган ўғирлик нарсаларни бозорда пуллаётганида ушланиб, бир муддат ётиб чиққандан бери жуда ҳушёр тортиб қолган. Мукофотни Қулоқнинг ўзи олиб келса ҳам бўларди. Узинг биласан, Қулоқ ЦУМдаги ишга аралашган. Рўлда ўтирган ҳам шу қовурғамиз эди. Машинани ҳам ўзи топган. Шаҳар чеккасидаги бир ҳовлидан ўмарган. Эгаси курортга кетган экан... Шайтон биринчи муюлишдаёқ тушиб қолди. Чунки, битта-биттадан қуён бўлиб, изни йўқотиш керак эди. Машинани жин кўчалардан бирида қолдириб тезда автобусга чиқдик. Таъқиб бошлангандан кейин, ўлжани Қулоққа қолдиришимга тўғри келди. Бир қисмини етказди... Қолганини сақлаб турибди. Айтиб бўлмайди, мабодо уни кузатаётган бўлишса, унда ҳолимиз хароб, деявер. Саъва боргани тузук...

— Лекин, шеф, айна шу шароитда бундай нозик ишни эплаб қайтишни осон тутманг, — дея Гладиаторнинг кўнглига ғулу солди Пакана. — У шаҳарда орган ходимлари бизни қидириб юришганини эшитдик-ку..

— Шароитнинг нотинчлигини сендан яхшироқ билиб турибман. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Бу ерда кўп туриб қолиш хавфли. Тезроқ изни йўқотиш керак. Нима, Саъванинг малаҳни олиб қайтишига ишонмаяпсанми?

— Узингга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма. Эҳтиёткорлик зарар қилмас.

— Унда сен ҳам борасан. Лекин уни узоқдан кузат. Яқинига асло йўлай кўрма. Қўлга тушгудай бўлса, ғирра изингга қайтасан.

Боғда дарахтлар қалин, шохлари бир-бирига чирмашиб кетган, кўланкаси қуюқ эди. Бора-боргунча йўлкаларнинг икки тарафида турфа гуллар очилиб ётарди. Лекин Саъванинг кўнглига гул сизмасди. Ниҳоят, у боғ ичкарасидаги майдончага етиб келди.

Саъва майдончадаги фонтан атрофини бамайлихотир айланиб чиқди. Атрофни диққат билан кузатди. У учрашмоқчи бўлган одам кўринмасди. Уғринча атрофни кузатишда давом этди. Кун ботиш томонда пёштоқида «Фотография» вивескаси осиглиқ хонанинг хиёл очиқ эшигига кўзи тушгач, суюнганидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. «Шу ерда экан, — дея кўнглидан ўтказди Саъва. — Борсаммикан? Йўқ, бормайман, ташқарига чиқишини кутаман».

Сипо кийиниб, соқолини тоза қиртишлаган суратчи рўмолчаси билан лаб-лунжини артганча шошилмай хонадан чиқди. Одатдагидек бўйнига қўш

фотоаппарат осиб олган. Фонтан атрофида тўрт-беш одам айланиб юрар, ҳовузчада эса ёш болалар чуғурлашиб, бир-бирларига сув сачратиб чўмилишарди.

Суратчи фонтан ёнига бориб, болаларни бир оз томоша қилиб турди. Бундай иссиқда камдан-кам одам суратга тушар, мижозлар фақат дам олиш кунлари сероб бўларди. У атрофга қараб бирорта мижоз йўқлигига кўзи етгач, яна ортга қайтди. Бораётиб четдаги скамейкада музқаймоқ еб ўтирган аёлга кўзи тушди ва бирдан: «Алоқачи шу эмасмикан», деган фикр миясидан яшин тезлигида ўтди.

У Гладиатор билан телефонда гаплашгандан бери алоқачини кутарди. Деярли ҳар куни кўплаб сайёҳлар, дам олувчилар унинг ишхонаси ёнгинасидан ўтишиб, Исмоил Сомоний, Чашмаи Айюб мақбараларини кўришга боришарди. Лекин ҳеч бири унга яқин келмас, қиё ҳам боқмасди. Неча марта суратга тушишга келганларга гап ташлаб кўрди. Бироқ унга ҳеч бир киши эътибор бермас, паролни ҳам шипшитмасди. Шундай пайтларда у ғазоби қайнаб: «Тезроқ кела қолмайдами, зангар!..» деб сўкинарди. Ҳоҳида чексиз хаёлга толиб, ўйининг поёнига ета олмайди. Бу қабиҳ ишларга чек қўйиб, оиласи билан узоқларга кўчиб кетмоқчи ҳам эди. Бироқ Гладиаторнинг таҳдидли гаплари эсига тушди. Ўйлавериб юраги сиқилавергач, хотинига маслаҳат солмоқчи ҳам бўлди, аммо хотини эрининг бундай шум ниятли киши эканини билса, сира кечира олмаслигига кўзи етиб, дарҳол бу фикридан қайтди... Таҳликаю таҳдид остида яшаётганидан феъли ўзгариб, асабий бўлиб қолган. Толесиз қисматидан афсус чекади.

Бир оқшом кўрқинчли туш кўриб, ваҳм босгандан лабларига учуқ тошди. Тушида у ётган хонага шляпали басавлат бир одам бостириб кирибди. Бўйнига қора шарф ўраган эмиш. У пичоқ ўқталиб, «Ҳа, иблис, сотқин!—деб дағдаға қилибди.— Ниятинг бузуклиги менга азалдан маълум эди. Бизни лақиллатишга қандай журъат этдинг? Сен таомилни буздинг. Уиндан чиққан ўғрининг тақдири қандай тугашини биласанми? Куним битди деявер!..» У титроқ овозда ялиниб-ёлворармиш: «Йўқ, йўқ!.. Улишни хоҳламайман. Шафқат қилинг! Ўлдириш бўлса қочмас. Шартлашган барча топшириқни сўзсиз бажаришга розиман. Утиниб сўрайман, шафқат қилинг!..»

Кейинги пайтларда у ўтирса ҳам, юрса ҳам кўрган кўрқинчли туши таъқиб этаётгандай бўлиб туюлар, Гладиаторга ён босмасам, тушим чинга айланиб кетиши муқаррар, деб ўйларди. Заргарлик магазинидан мол ўғирланганлигини эшитгач, кўнглини ваҳима қамраб олган эди.

Қулоқ фонтан атрофида айланишда давом этарди. Музқаймоқ еб ўтирган Саъва аста ўрнидан кўзгалди. Қулоққа яқинроқ борди. «Ўша чиноқ, — деб ўйлади. — Суратдагининг худди ўзи». Саъва қулоққа сирли кулиб қаради. «Шу, шунинг ўзи!..» деб ўйлади Қулоқ. Саъва фотоаппаратини очиб, Исмоил Сомоний мақбарасини суратга туширмоқчи бўлди.

— Уф, жин ургур, — деди жўрттага ижирғаниб. — Плёнкаси тугаб қолди-я! — дея Қулоққа қараб мурожаат этди у. — Сиз аппаратимга лента ўтказиб беролмай-сизми?

— Бажонидил, лекин очиқ ҳавода плёнка ўтказиб бўлмайди, — деди Қулоқ. — Юринг, — У Саъвани «Фотография» хонасига бошлади. «Алоқачи бу эмас шекилли, — дея кўнглидан ўтказди. — Паролни айтмади-ку...»

Хонага киришди.

— О, бунчаям иссиқ бўлмаса, — дея гап қотди Саъва таклиф қилинган курсига омонатгина ўтираркан ва жавоб кутмасданоқ овозини пасайтириб: — Мукофот эгасини кутади, — деди.

Қулоқ бирдан ҳушёр тортди. Бу пароль эди. Қулоқнинг вужудига билинар-билимас титроқ оралади.

— Қулоқ эшитади. Мукофот тайёр! — деди у илжайиб ва хона эшигини маҳкам бекитди.

* * *

Қулоқнинг ҳар бир ҳаракатини иш жойида ҳам, кўча-кўйда юрганида ҳам яширинча кузатиб бориларди. У шериклари билан телефонда биринчи бор гаплашган кундан буён аллақандай хавф остида яшаса-да, лекин ўзининг назорат остида эканидан тамоман хабарсиз эди. Истироҳат боғида уни лейтенант Одил Сатторов кузатарди. Сатторов кузатув пункти қилиб рўпарадаги қишки кинотеатр биносини танлаганди. Бино фонтаннинг кунчиқар томонида эди. Сеанслар ёзги бинода намойиш этилиши сабабли қишки кинотеатр томошабинлардан холи эди. Бу ердан фонтан атрофини, Исмоил Сомоний мақбарасини, хуллас, Қулоқнинг ҳар бир ҳаракатини кўриш мумкин эди. Сатторов автомат-телефон орқали бошқармага шошилинч хабар қилди. Бу пайт Зафар Каримович билан ўринбосари эндигина тушлиқдан қайтишган эди. Иккиси ҳам тунд, қовоғидан қор ёғар эди. Эрталабки

оператив кенгашда шаънларига айтилган танқидий гаплар қанчалик ҳақ, ўринли бўлмасин, барибир уларга қаттиқ ботар эди.

Зафар Каримович лейтенант Сатторовнинг гапини эшитиб қувонди. Дарров лейтенантга кўрсатма берди:

— Берухсат ҳаракат қилинмасин! Биз тезда етиб борамиз.

Зафар Каримович шошилинч равишда прокурорга телефон қилди ва бўлажак операцияга алоқаси бор жиноятчиларни қамоққа олиш тўғрисида санкция сўради ва истироҳат боғига тезда етиб боришини илтимос қйлиб, ўрнидан кўзгалди.

Қулоқ билан Саъва суратхонага кириб, сўзлашиб турган пайтда Зафар Каримович лейтенант Сатторовнинг ёнига етиб келган эди.

— Бегоналарни пайқамадингизми? — деб сўради Саъва.

— Йўқ! — деди Қулоқ. — Бу боққа дам олувчилар шунчалик кўп келишадики, уларнинг қай бири бу ерлик, қай бири меҳмон эканини билиш ҳам қийин. Сира хавотир олманг, хавф-хатардан холиман. Матоҳ шу ерда, уни ҳозир топширайми?

— Вақтим зиқ, — деди Саъва Қулоққа шубҳа билан қараб. «Сотилган бўлса-я? Тунов кунги ўғрилиқни эшитмаганми? Нега ўзини бунчалик бепарво тутяпти?» деган фикр хаёлидан ўтди. Аммо тезда бу фикридан қайтди.

Қулоқ эпчиллик билан полнинг энг чекка тахтасини кўчирди. Қўлини тикиб, целлофан халтага ўроғлиқ йўл халтани олиб стол устига қўйди.

Саъва фотоаппарати ва сумкасини стол четига қўйиб, белидаги боғични ечди, сўнг ўрнидан туриб, этагини кўтарди. Қулоқ Саъванинг бу ишдан ҳайратланиб, бақрайиб қотиб қолди. Саъванинг оппоқ сийнасини кўргач, кўзларини чирт юмиб олди.

— Қулоқ, анқайманг! Нима, хотин кишини энди кўришингизми? Пулларни тезроқ олиб, белимга ўранг! — деб буюрди Саъва. — Эсимдан чиқибди, сумкада оқ мато бор... Стол устида турган сумкачасига ишора қилди. Чаққонроқ!..

Қулоқнинг итоат этишдан бўлак иложи қолмаганди. У рюкзакдан даста-даста пулларни оқ сурп белбоғ тахига солиб, аёлнинг белига ўради. Саъва этагини туширдию худди ҳомиладор аёлга ўхшаб қолди.

— Улушингизни тез кунда оласиз. Тушунарлими?

— Ҳа, хоним!..

Саъва фотоаппарати билан сумкачасини қўлига олди. Қулоқ билан хайрлашди-да, худди сурат олдиришга кирган кишидек бамайлихотир чиқди.

Саъва топшириқни нечоғлик қисқа муддатда бажариб, иши ўнгидан келганидан ниҳоятда мамнун, кайфияти чоғ эди. У дарвоза томон йўл олган а, Зафар Каримович ўринбосарига қараб деди:

— Саъва боғдан чиқиб кетиши биланоқ Қулоқни қўлга олинглар, — деди. — Ҳушёр бўлинглар, у асосий фигуралардан, қўлдан чиқармаслик керақ.

— Ҳўп, ўртоқ майор!

* * *

Очил Мирзаев зудлик билан оператив группани чақиртирди. Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас, боғнинг кунчиқар томонидаги дарвоза олдига «ГАЗ-69» енгил машинаси желиб тўхтади. Ундан йскович ит етаклаган икки йигит тушди. Капитан уларни қарши олгач:

— Йигитлар, гап бундоқ! — дея мақсадни уларга тушунтира бошлади. — Жиноятчи жуда ҳушёр, қаршилиқ кўрсатмай қолмайди. Уни тинчгина қўлга олишимиз лозим, яна жуфтакни ростлаб қолмасин. Сиз, ўртоқ лейтенант, — дея ёноқ суяклари салгина туртиб чиққан инспектор-кинолог Юсуф Турғуновга қаради капитан, — итингиз билан бизни четроқда кутиб турасиз. Зарурат туғилганда ёрдамга келасиз. Сатторов, сиз асосий йўлакда туринг. Уни ташқарида қўлга оламиз. Хонада қўлга олиш хавfli, бирор «каромат» кўрсатиши мумкин.

— Тушунарли, — деди лейтенант.

Бир неча дақиқадан сўнг бўйнига фотоаппарат осиб, фонтан атрофида айланиб юрган Қулоқнинг тирсагидан бир забардаст қўл маҳкам тутди. Унинг рўпарасида граждн кийимидаги Очил Мирзаев пайдо бўлди.

— Қаршилиқ кўрсатишга уринманг, — деди у. — Содиқбек Самиев, сиз ўғирликда айбланиб, қамоққа олиндингиз.

Қулоқ қўлга олувчиларни гап билан чалғитмоқчи бўлди:

— Нима деярсиз ўзи, ўртоқ? Мен суратчиман, қанақасига ўғри бўлай?.. Мени бошқа одам билан адаштиряпсизлар!..

У шундай дедию тўсатдан Очил Мирзаевнинг қорнига зарб билан тепди ва шу оннинг ўзидаёқ чап тирсагидан маҳкам ушлаб турган кишининг юзига калла қўйди, кейин бир силкинишда унинг қўлидан қутулиб, ўзини «Фотография» хонасига ўрди. Дарҳол эшикни ёпиб, ичкаридан маҳкам беркитиб олди. Уқдек отилиб

келган Сатторов хона эшигини очмоқчи бўлиб, тутқичдан силтаб тортганида, унинг ёнига етиб келган Очил Мирзаев:

— Эҳтиёт бўлинг! — деб бақирди.

Сатторов ўзини четга олиши биланоқ, устма-уст ўқ узилди. Ўқ эшикни тешиб ўтди. Капитан Мирзаев Йўлдошевга, хонанинг орқасига ўт, деб ишора қилди. Йўлдошев ўша томонга югурди. Ичкаридан ўқ узилди, сўнг аллақандай тақир-туқир овоз эшитилдию хона ичи бирдан тинчиб қолди.

— Узини отиб қўймадимикин? — деди ташвишлиниб Сатторов.

Очил Мирзаев тўппонча қўндоғи билан эшикни қаттиқ тақиллатди:

— Қулоқ, эшикни оч!

Жавоб бўлмади. Сатторов икки қадам наридан келиб, эшикни зарб билан тепди. Эшик қулфи ўрнидан кўчиб, очилиб кетди. Капитан ичкарига бостириб кирди. Хонада ҳеч зоғ кўринмасди. Қулоқ ғойиб бўлган эди. У ҳар эҳтимолга қарши хона остидан ўтган қадимий ариққа ичкаридан йўл очиб қўйган экан. Ариқ ўтган замонлардан қолган бўлиб, худди туннель шаклида қурилган эди. Қулоқ шаҳар марказига чиқувчи жойларни олдиндан аниқ-таниқ белгилаб олган эди.

Лейтенант Турғуновнинг ити ғингший-ғингший хона ичини ҳидлаб бир айлангач, из олдию хонадаги туйнукдан тўғри ариққа сакради. Лейтенантнинг ўзи ҳам ит изидан тушди. Унинг кетидан бошқалар эргашди. Ариқ ичи зим-зиё, ҳеч вақо кўринмасди. Ит ғингишиб олдинга интилди. Сатторов чўнтак фонарини ёққан ҳам эдики:

— Учир! — деб кескин буюрди капитан. — Ўзингни ўққа тутиб бермоқчимисан?

Қулоқ ҳали узоққа қочиб улгурмаганди. У таъқиб қилинаётганини сезгач, мўлжалсиз кетма-кет ўқ узди. Ҳар ўқ отилганда ариқ ичи гумбурлаб акс-садо берарди. Қулоқнинг бирдан-бир мўлжали таъқибчиларни чалғитиб, ариқдан чиқиб ғойиб бўлиш эди. Лекин бу иш осон кўчмади. Қулоқ тезда толиқиб қолди. Қоронғида югуриш мушкул эди. Ариқ тубидаги ёпишқоқ балчиқ нақ тиззага урарди.

Таъқибчилар ҳам чарчашди.

— Ўқи тугади шекилли, — деди Сатторов ҳансираганча, — бошқа отмаяпти.

— Итни қўйворинг! — деб буюрди Очил Мирзаев.

Лейтенант Турғунов итни аранг тўхташиб, бўйинбоғини ечди. Ит олдинга ўқдек отилди.

Қулоқ билан таъқибчилар оралиғидаги масофа йироқ эмас, чамаси, ўттиз метрча қолган эди. Жиноятчи тамоман ҳолдан тойди. Энди қочиш фойдасиз эканига кўзи етгач, қўлидаги тўппончани четга улоқтирди-да, югуришдан тўхтади. Шу пайт ортидан етиб келган ит шундай шиддат билан ташландики, Қулоқ олдинга юз-тубан йиқилиб, ҳамма ёғи балчиққа беланди. Ит уни елкасидан босиб турар, қимир этишга имкон бермасди. Етиб келган милиция ходимлари Қулоқни ўрнидан турғизишди...

Саъва боғ дарвозасидан чиққач, атрофга бир лаҳза олазарақ бўлиб боқди-да, тўғри парк томонга йўналди. Пакана уни то Арк олдидаги такси бекатига етиб боргунча кузатди. Саъванинг бўш таксилардан бирига тушганини кўргач, иш ўнгидан келганига тўла ишонч ҳосил этиб, шошилинич изига қайтди. Боғ қаршисидаги театр биноси олдида қолдириб келган мотоцикли томон юрди.

Зафар Каримович машинадан телефон-рация орқали Когон йўлидаги ГАИ постига хабар қилди:

— Алло, бешинчи пост! Дикқат билан эшитинг! «21—43 БХГ» номерли сариқ рангли таксини тўхтатинг! Бирор баҳона билан гапга чалғитиб туринг! Эҳтиёт бўлинглар, ичида жиноятчи бор. Таксичи қуролланган бўлиши мумкин.

Майор такси Гладиаторга қарашли эмасмикин, деган ўйга бориб, эҳтиёт чораси кўришни лозим топди. Шаҳардан чиқаверишда Саъва тушган таксига бир энгил машина етиб олди. Олдинда чорраҳа, ГАИ пости...

Светофорнинг қизил чироғи ёниб тургани қўл келди. Чорраҳа ўртасида сергак турган икки ГАИ инспектори тезда такси ёнига етиб келишди. Улардан бири честь бериб, таксичига мурожаат қилди:

— Нега тезликни оширдингиз? Машинани четга чиқаринг!

— Хўп бўлади, — деди ҳайдовчи ва машинани йўлнинг чеккароғига чиқариб тўхтатгач, ўзини оқлашга ўтди: — айбдорман, бир маротаба кечиринглар! Шошиб кетаётувдим. Йўловчим поездга кечикяпман, деди. Шунинг учун...

Граждан кийимидаги киши шитоб билан орқадаги машинадан тушиб, таксига яқинлашди:

— Қани, ҳужжатларингизни кўрсатинг!

Орқа ўриндиқда ўтирган Саъванинг юраги шув этиб кетди. «Тузўқ!.. — дея кўнглидан ўтказди у. — Ҳушёрликни қўлдан берибман. Иш пачава, барбод бўлди чоғи. Қўлга тушганимни эшитса, Азроил асло соғ қўймайди...»

Шофёрни гапга тутган киши (бу Зафар Каримович эди) таксининг орқа эшигини очиб:

— Светлана! — деди. Мен жиноят қидирув бўлиmidан бўламан. Сиз Гладиятор жиноятига шерикликда айбланиб ушландингиз. Марҳамат қилиб, машинадан тушинг!

— Қанақа Гладиятор? — деди Саъва ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб. — Мен Светлана эмас, Соняман. Тушундингизми? Ҳеч қанақа шерик-перигингизни билмайман. Оддий йўловчиман, тушунинг, поездга кечикяпман.

— Марҳамат, сизни машина кутяпти, — деди майор Каримов, сўнг аёлни йўл чеккасида турган ҳаворанг «Волга» томон бошлади. — Тезроқ борайлик, Қулоқ зерикиб қолмасин тагин?

Саъва машина томон итоатқороға одимларкан: «Оҳ, лаънати, сотилган экан-да?..» деб хаёлидан ўтказди.

Саъва билан Зафар Каримович орқа ўриндикда ўтиришди.

— Чексам майлими? — деб сўради Саъва.

— Чека қолинг.

Саъва сумкачасидан сигарет олиб тутатди.

— Ёмон ишламас экансизлар, — деди у сал ўтиб.

Зафар Каримович кинояомуз кулумсираб, жавоб қилди:

— Бурчимиз шу.

Улар тушган ҳаворанг «Волга» кафтдек текис асфальт йўлдан шаҳар томон физиллаганча елиб бораётган бир пайтда телефон-рация тилга кирди.

— Бешинчи... Бешинчи... Мен — биринчиман. Нега жим бўлиб қолдингиз? — Бу полковник Сайфуллаевнинг овози эди. — Нега алоқа узилиб қолди? Операция қандай боряпти?

— Яхши, ўртоқ полковник. Қушча қўлга олинди, — дея жавобни қисқа қилди майор. — Мукофот эгасини кутмайдиган бўлди.

— Офарин, — деди полковник. — Энди тезда бошқармага қайтинг. Янгилик бор. Сизни Когонда кутишяпти.

* * *

Хона ним ёруғ. Стол устида турли хил егуликлар ёйиб ташланган, шишадаги ичимлик эса охирлаб қолган. Стол четларида ёғимлаб ташланган қоғоз сочик, суяк бўлаклари, шафтоли, ўрик данаклари тартибсиз сочилиб ётибди. Ҳавога ўрлаётган сигарет тутуни, коньяк, арақ, ликопчадаги тўғралган пиёзнинг ачимсиқ бўйи, хонада чулғаб олган. Юмшоқ креслоларда ясаниб олган уч улфат, кайфлари чоғ, хавотирсиз суҳбатлашиб ўтирарди.

— Ўзиям зўр иш қилдик-да, — деди оғзининг таноби қочиб Шайтон.

— Рост, оғайни, бунақанги кароматни ҳалигача тушимда ҳам кўрмагандим, — деди унинг гапини маъқуллаб Чори. — Шефимизнинг ишбилармонлигига яна бир марта тан бердим.

— Бу ютуқ, бу омад, — деди хушомадли оҳангда Шайтон, — шефнинг талантидан шунчаки бир учқун! Кел, шефимиз учун ичайлик!

— Лекин, шеф, бир нарсадан ҳайрон бўлиб турибман, — деди Шайтон. — Аравани ёқиб юбориш шунчалик шартмиди. Худди илоннинг оғзидан чиққандек яп-янги эди-я. Бошқа рангга бўялса...

— Буни из йўқотиш, чалғитиш дейдилар, — деди Гладиятор. — Улар излаб сарсон бўлишади. Биз бўлсак, фурсат борида жуфтакни ростлаб қоламиз.

Гладиятор биринчи дафъа одатига хилоф тарзда омадни нишонлаб, шериклари кўнглини очаётган эди.

Унинг ўзи гапга кўп аралашмас, фикри-зикри Саъвада эди. «Эплаб кела олармикан? Ёки омадсизлик юз бердими? Йўғ-э, бир нима бўлганда Пакана аллақачон хабар етказган бўларди...»

Икки шеригининг тинимсиз бидиллаши Гладияторнинг жонига тегди чоғи, уларга бир қирғий қараш қилиб:

— Ичкиликни бас қилинглар! — деди.

Шайтон қўлидаги қадаҳини стол устига қўйди. Чори стол четида турган «Модалар» журналин очиб, уни варақлашга тушди. У қулай пайт топиб, адресни хабар қила олмаётганидан қисиниб турарди.

— Бугун тунги поезд билан жўнаб кетамиз, — деди Гладиятор ўрнидан кўзғалиб. — Саъва қолади. Қулоқ ҳам... Шайтон, сен ҳозир бориб, Ашхободга тўртта билет олиб қўй. Алоҳида-алоҳида вагонга олишни унутма!

— Хўп бўлади, шеф!

— Ўлжани қаерга яширдинг?

— Бир қисмини костюмим астари остига жойлаштирганман. Билинмайди. Қолгани рокзакда...

— Биз иккимиз шу ерда қоламиз. Саъва билан Паканани кутамиз. Сен бизни вокзалда кут! Мукофот Барзангида бўлади.

— Ҳаммаси тушунарли, шеф! — деди Шайтон. — Кетсам майлими?

— Ҳа, бор, лекин эҳтиёт бўл!

Шайтон хона бурчагига бориб, полнинг омонат миҳланган бир тахтасини кўтарди. Энгашиб пол остидан йўлхалтани олди-да, яна тахтани жойига қўйди. Чори уни кўча муолишигача кузатди. Қайтишда фурсатдан фойдаланиб, йўл эстагидаги магазинга кириб, ўзига ёд бўлиб кетган телефон номерини терди...

У қайтиб келганида Гладиатор диванга ёнбошлаб ётарди.

— Шайтон кишт бўлди, шеф.

— Жуда соз, — деди хийла бўғриққан Гладиатор керишиб ва унга маънодор қараб, сўради. — Хўш, айтчи, Барзанги, бизга қўшилганингдан пушаймон бўлмаяпсанми?

— Нимага пушаймон бўлар эканман? — деди Чори. — Қайтага ишларимиз зўр бўлди-ку. Ёлғиз отнинг донғи чиқмас, деганлар.

— Тўғри айтасан! Бирликда гап кўп.

— Энди, пешонамизда битилгани шу экан-да, — деди Чори ёлғондакам уф тортиб.

— Тўғрисини айт, — деди Гладиатор Чорининг кўзига тикилиб. — Бундай бемаъни турмуш жонингга тегмадимми?

«Оббо, иш чатоқ-ку? — деб ўйлади Чори. — Бу ёғи нима бўлади? Ниятимни пайқаб қолганга ўхшайди. Ёки яна галдаги синашми?..»

— Рости, шу дайдиликка ўрганиб қолганман, шеф, — деди у ўзини бепарво тутиб. — Бу одат қонимга сингиб кетганга ўхшайди. Тирикчилигим шу хунар кетидан ўтиб турганидан кейин... Бошқа ишнинг думини тутай десам, бўйин ёр бермайди.

— Сут билан кирган жон билан чиқади, деганлари рост, — деди Гладиатор чуқур сўлиш олиб. — Бу ҳам бир касалликми, нима бало? Мен ҳам худди сенга ўхшаб ўғрилик қилмасам туролмайман.

— Урганган кўнгил, ўртанса қўймас, деб бежиз айтмаганлар-да, шеф, — деди Чори Гладиаторнинг фикрини қувватлаб. — Бизга ҳозирча насиб қилгани, буюргани мана шу ҳаёт.

— Тўғри гапни айтдинг, қовурға.

— Кечирасан, шеф, сўраганининг айби йўқ, деганлар, — иккиси ёлғиз бўлгани учун одатига кўра «сен»лашга ўтди Барзанги. — Аслида қаерликсан? Бир-биримизни яқиндан билсак айб бўлмас?

— Утмишим фақат Паканана аён. Сен иккинчиси... Ёкиб қолдинг менга. Синовдан ҳам яхши ўтдинг. Қойиллатдинг... Майли, ёриламан сенга, — деди Гладиатор стол устидаги «Космос» сигаретасидан бир дона олиб. — Неча йиллардан бери кўрқув остида яшаб келаман. Ушанда айни кучга тўлган пайтим эди. Уйдагилар билан бир бўлмагур иш устида жанжаллашиб чиқиб кетдим. Саёқлик қилиб, Самарқанд шаҳрига бориб қолдим. Бебош улфатлар даврасига қўшилдим. Тўрт киши эдик. Бир соатсознинг уйини таламоқчи бўлдик. Мен эшикка пойлоқчилик қилиб турдим, уч шеригим уйга бостириб киришди. Эртасига эшитсам, шерикларим соатсозни гумдон қилишган экан. Қочиб қолдим. Уларни тутиб суд қилишибди. Шерикларим қотилликни менинг бўйнимга ағдаришган экан. Ленинободга қайтиб боришдан кўрқдим. Чунки тутилиш, жазоланиш ваҳимаси... Чоржўйга бориб, худди кўрсичқондек бир жойдан иккинчи жойга беркиниб юрдим. Бахтимга ҳозирги фамилиям ёзилган бир справка қўлимга тушиб қолди. Справка паспорти йўқолганлиги учун бир одамга берилган экан. Вақт ўтгач, гуноҳимни кечирешар, деган хаёл билан юрган эдим, аммо бўлмади. Шу орада яна бошқа жиноят қилиб қамалиб чиқдим. Шу-шу, сохта паспорт, сохта фамилия билан юрибман. Бир неча касбларда ишлаб кўрдим, ҳеч бири ҳам тўғри келмади. Дайдилик, йўлтўсарликдан нарига ўтмай қолдим. Охирги ўтиришимда сен билан бирга бўлдик. Кейинчалик яна ўтириб чиқдим. Боя айтганингдек, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас... Мана, яна... Қўлга тушсам, яна жазо... Шу экан-да, Барзанги...

Гладиатор қадаҳига коньяк тўлдириб ичди.

— Ҳа, қисматинг жуда аянчли, оғир экан, шеф! — деди Чори Гладиатор ҳолига чинакамига ачиниб. — Қисмати қора, бахти қора бандалар оз эмас ҳаётда. Начора... Бу ишларингдан уруф-аймоқларингнинг хабари борми?

— Билмадим. Улар менинг кимлигимни билишини сира истамайман ҳам...

Чори билагидаги соатига қаради.

— Вақт бирдан ошибди, шеф!

— Ҳаяллашяпти... Соатинг чиройли экан.

— Унчаликмас. Сирти ялтироқ... — Чори дарров гап мавзуини бошқа ёққа бурди: — Остки лабингдаги тиртиқ аввал йўқ эди-ку?

— Бурноғи йили, — дея жавоб берди Гладиатор тиртиғини қашиб туриб, —

Ўзимизникилардан бири қопчиқ¹ эди. Фирромлик қилди. Жамфармани ўмариб қочди. Излаб-излаб, ярим йил деганда дарагини топдим. Қўшни республикага қочган экан. Рақибига йўлбарсдек ташланадиган, бақувват, эпчил эди, хумпар. Тиз чўккан ҳолда ялиниб-ёлвориб туриб, бирдан ҳамла қилса бўладими! Бир соатча аёвсиз олишдик. Пичоқ ўқталган қўлини ўзига қараб қайира бошлаган чоғимда, пичоқнинг учи лабимга тегиб кетди.

Чори Гладиаторнинг гапини вужуди қулоқ бўлиб тинглаётгандек кўринса-да, шу топда фикри-зикри тамоман бошқа ёқда эди. «Нега етиб келишмаяпти, ё телефонда гапимни яхши эшитишмадимикан? Ўзим уни қўлга олишга уриниб кўрсамми? Эплай олармиканман?..»

— Кел, яхшиси, бир қўл карта ўйнайлик, — деб таклиф қилди Гладиатор. — Бекорчи гапдан фойда йўқ. Сенинг кимлигингни эса яхши биламан.

Чори стол устидаги картани йиғиштириб олиб, аралаштира бошлади. Шу аснода бирдан ташқаридаги электр қўнғироқнинг жириглагани эшитилди. Гладиатор сапчиб ўрнидан турди. Қутилмаганда кўзлари қинидан чиққудек чақчайиб, бесаранжомланди. Чўнтагидан тўппончасини олди.

— Нима гап? Саъва келди шекилли, — деди Чори қўлидаги картасини стол устига отаркан. У ҳам эҳтиётдан қўлини қўнжига тикди.

— Тузоқ! — деди Гладиатор овози титраб. — Саъва келса, уйни ўзи очиб кирарди. Пакана ҳам... Қўнғироқ қисқа-қисқа чалиняпти. Бирор иш бўлган. Атас!² Саъва қўлга тушган! Қочиш керак! Мен чордоққа чиқаман. Сен қочиб қол! Чап бер, иложи борича чалғит уларни. Қўлга тушсанг, бу ерда фақат бир ўзинг бўлгансан, тамом! Агар сотсанг, жаҳаннамга жўнайсан!...

Чори отилиб ташқарига чиқди. Гладиатор эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Стул устия чиқиб шифтдаги тўйнуқ оғзини юқорига итариб очди. Бир сакрашда ўзини чордоққа олгач, тўйнуқ қопқоғини бекитди. Вужудидаги титроқ хийла пасайди. Шифер остидаги тўйнуқчалардан кўчани кузата бошлади.

Чори уй ёнбошидаги омборхонага кирди ва эшик тирқишидан кузата бошлади.

Зафар Каримович бошлиқ оператив группа тушган икки енгил машина белгиланган ерга етиб келган эди. Тезда эҳтиёт чоралари кўрилгач, майор дарвоза қўнғироқ тугмачасини босганди. Эшик тирқишидан қараб турган Чори деразада рўпарасида қўлида тўппонча тугган баланд бўйли кишини кўрди. Шу пайт девор панасидан чиққан иккинчи киши югуриб бориб, эпчиллик билан дарвозани очди. Майор Каримов ҳам етиб келди.

— Чори Жамолов қани? — деб сўради у.

— Барзангими? Кўринмаяпти, — деди капитан Мирзаев. — Уй ичида бўлса керак?

— Гладиатор-чи?

— Эҳтимол, чордаққа яширингандир? Шарпа сезиляпти, — деди баланд бўйли киши уй тепасига ишора қилиб. Бу лейтенант Сатторов эди.

— Юқорида, чордоқда, — деди майор. — Эҳтиёт бўлинглар, қуроли бор. Аяб ўтирмайди.

— Йўлдошевга айтинг, — дея Сатторовга топшириқ берди майор. — Икки кишини олиб, тезда темир йўл вокзалига борсин. Шайтонни фақат у танийди.

— Хўп бўлади, ўртоқ майор!

Майор уй деворига елкасини тираганча, мегафонни оғзига тутди ва шу заҳоти унинг овози атрофни ларзага келтиргандек гумбурлаб эшитилди.

— Гладиатор! Қаршилик кўрсатиш фойдасиз! Уй қуршаб олинган. Қуролни ташлаб, пастга туш!

Чордоқдан ҳеч қандай жавоб эшитилмади. Капитан Очил Мирзаев илдам келиб, майорга мурожаат этди:

— Уй ичида ҳеч ким йўқ! Чори кўринмайди.

Зафар Каримович яна мегафон орқали хитоб қилди:

— Азройл, ўзингни гўлликка солма! Яна такрорлайман! Қаршилик кўрсатиш бефойда! Сенинг кимлигинг бизга маълум, Луқмон Мансуров! Эшитяпсанми? Қуролни ташлаб, шеринг Барзанги билан пастга туш!

Чорининг чордоқда бор-йўқлигини билиш учун унинг лақабини атайлаб тилга олди майор.

Сал вақтдан кейин Гладиаторнинг титроқ овози эшитилди:

— Сенларга ўзини тутиб берадиган аҳмоқ йўқ! Адашяпсиз, мен Яздурди Бекназаровман!

Лейтенант Сатторов омборхона деворига суяб қўйилган нарвонни кўтариб, уй деворига тиклади ва деворнинг кўчириб олинган пишиқ фиштарини томга ирғита

¹ Хазиначи маъносида

² Қочиш.

бошлади. Гладиатор мўлжалсиз бир-икки ўқ узди. У пастдаги одамларни мутлақо кўрмасди.

Отишма давом этаётган бир пайтда Когон темир йўл вокзалида қуйидаги воқеа юз берди.

Йўлдошев тепасида «касса» деган ёзувли туйнук олдида тизилишиб навбатда турган йўловчилар олдига келди. Шубҳалантирмаслик учун ўзини ниҳоятда хотиржам қиёфада тутиб, Шайтоннинг олдида турган шляпали кишидан қайси поездга билет сотилаётганини сўради. Шайтон бир нарса сезгандай бўлди. Одамлар орасидан сирғалиб, аста чиқиб кетишга чоғланди ҳам, аммо ўзини босди. Шу топда яна икки киши келиб, бирдан Шайтоннинг биллагидан ушлашди. У ҳатто қимирлаёлмай қолди. Қўлига кишан солинган Шайтон бетини панжалари орасига олиб, инграб юборди...

Ана шу паллада Пакана Когонга етиб келди. Мотоциклни темир йўл вокзалидаги газли сув дўкони ёнида қолдирди. Сўнгра телефон хонасига кириб, Гладиатор «қароргоҳ»ига кўнғироқ қилди. Жавоб бўлмади.

У атрофга олазарак қараб олиб, энди мотоциклга минмоқчи бўлган эди, шу маҳал чеккароқда турган милиция машинасига чиқазилаётган Шайтонга назари тушиб, титраб кетди.

«Тузоқ-ку!»

Пакана ҳушёр тортди ва кескин бурилиб, изига қайтди...

Майор лейтенант Сатторовга девор оша томга чиқишни буюрди, сўнг уйнинг иккинчи бурчагида турган ўринбосари Очил Мирзаевни имлаб чақирди. Капитан етиб келгач, майор унинг қўлоғига шивирлаб топшириқ берди. Капитан девор ёқалаб писиб бориб, уйнинг иккинчи томонига ўтди. Бир лаҳзадан сўнг инспектор-кинолог ўз ити билан уйнинг иккинчи томонидаги девор орқали томга кўтарилди.

Уйнинг иккинчи томонидан эса шифер устига инспектор-кинолог чиқиб олди. Гладиатор уни кўрмаса-да, тусмоллаб устма-уст ўқ узди. Кинолог оёғидан яраланиб, чўккалаб қолди. Карнизгача кўтарилган майор ўзи чиқаётган томондан ўқ узди. Гладиатор қаҳр билан чордоққа чиқувчи эшикни тепиб очди-ю, нарвондан юқорига кўтарилаётган таъқибчини кўрди ва унга қарата ўқ узди.

Майор оғриқдан инграб юборди, чап қўли беихтиёр елкасига борди ва кутилмаганда ўз мувозанатини йўқотиб қўйди. Чори эшик тирқишидан ташқарида содир бўлаётган воқеани ҳаяжонланиб кузатиб турарди. У нарвондан қулаб тушаётган майорни кўриб, омборхонадан отилиб чиқди ва ҳайрон қоларли бир эпчиллик билан қулоч очиб, майорни тутишга уринди, лекин кучли зарбдан бетон супага ағдарилди. Урнидан турмоқчи бўлди, аммо мажолни етмади. Енгинасида беҳуш ётган майорнинг устига йиқилиб тушди. Шу пайт яна тўппонча варанглади. Чорининг елкасидан қон силқиб, ҳушсиз ётган майорнинг кўкси узра ёйила бошлади...

Том устига чиққан Сатторов бир сакраб, залвори билан шиферни ўйди-да, худди қуюндек чордоқ ичига сакраб тушди. Тушдию рақиб билан юзма-юз туриб қолди...

— Қуролни ташла! Қўлингни кўтар! — дея хитоб қилди Сатторов тўппонча ўқталиб. Гладиатор лейтенантнинг буйруғига парво қилмай тўппончасини унга тўғрилаб тепкини босди. Аммо тўппонча отилмади, ўқ тугаган эди. Гладиатор бари бир эсанкираб қолмади. У эпчиллик билан энгашиб, ўнг оёғи болдирига боғлиқ пичоқни филофдан суғуриб олдию лейтенантга қарата отди. Сатторов чаққонлик билан ўзини четга олди. Пичоқ унинг елкасидан ошиб ўтиб, кичик устунга қадалди.

— От! Нега қараб турибсан, отақол! — Гладиатор ғижиниб, сўнги ҳийла ва айёрлик қобилиятини ишга солди. Ёқасини йиртиб, кўкрагини очганича тап тортмай лейтенант устига бостириб кела бошлади: — Сенларни кўрарга кўзим йўқ! Қўлимдан келса, ҳаммангни чавақлаб ташлардим!

— Жойингдан қимирлама, отаман! — деди лейтенант ва юқорига қарата гумбурлатиб ороҳлантирувчи ўқ узди. Гладиатор унинг кўксига калла урди. Лейтенант икки метрча орқага учиб кетди. Ўзини ўнглаб олишга улгурмасданоқ, Гладиатор югуриб бориб, унинг тўппончани қўлига қаттиқ тепди. Тўппонча учиб кетиб, томнинг нариги бурчагига бориб тушди. Гладиатор тўппончага қараб югурмоқчи эди, ўзини тезда ўнглаб олган лейтенант абжирлик билан унинг оёғидан тортиб йиқитди. Гладиаторга ундай-бундай зарба писанд эмасди. У оёқларини жуфтлаб лейтенантни қаттиқ тепиб юборди. Урнидан турасолиб, тўппонча учиб кетган томонга интилди, лекин етолмади. Томдаги туйнукдан сакраб тушган ит бир ҳамла билан Гладиаторнинг елкасидан тишлади. Лейтенантга ёрдамга етиб келган капитан Очил Мирзаев Гладиатор қўлини шахд билан орқасига қайириб, кишан солди...



На узбекском языке
«Шарқ юлдузи»
(Звезда Востока)
№ 3

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

КЕЛГУСИ СОНДА:

АСҚАД МУХТОР.
Чорраҳа.
Роман. Охири.

**ХУСНИДДИН
ШАРИПОВ.**
Ильични ўйлайман.
Шеърлар.

УИЛЬЯМ ШЕКСПИР.
Макбет.
Беш пардали фожиа.
Давоми.

**АНТОН ПАВЛОВИЧ
ЧЕХОВ.**
Альбион қизи.
Ҳикоя.

Ордена Трудового Красного
Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана.
Ташкент — 1985.

Редакция келган бир босма
табоқча бўлган материаллар
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга
«Шарқ юлдузи»дан олинди»,
деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 3.01.85 й.
Босишга рухсат этилди 6.03.85 й.
Қоғоз формати 70×108¹/₁₆
Фотонабор. Офсет босма усули.
Физ. листи 13.
Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2.
Тиражи 156126.
Заказ 5292.
P-09120

Узбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ ордени босмаҳонаси.
Тошкент — П,
Ленин проспекти, 41

Рассом **Х. Лутфуллаев**
Техник редактор **М. Аҳмедов**
Корректор **А. Билолов**

© «Шарқ юлдузи». 1985